


# САИДА ЗУННУНОВА



*танланган  
асарлар*

—★—  
**шеърлар,  
достонлар, ҳикоялар,  
қиссалар**

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2001

Нашрга тайёрловчи  
Нодира Саид Аҳмад қизи

**Зуннуова, Саида.**  
Танланган асарлар.— Т.: Шарқ, 2001.— 480 б.

Ўз 2

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2001 йил.

## САИД АҲМАД ВА САИДА

### Жасур аёл

Саид ва Саида...

Улар бир-бирларига суяниб яшашди. Бир-бирларига қараб илҳом олишди. Ўрталаридаги меҳру муҳаббатнинг ҳамма вақт қадрига етишди, ардоқлашди.

Саид ва Саида...

Энг оғир айрилик дамларида бир-бирларини бирор зум унутишмади. Тақдир ёрлақан пайтларда қувонч ва эркаликларни доим бирга баҳам кўришди.

Саид ва Саида...

50-йилда икки меҳрибон, икки ошиқ-маъшук, севишганларнинг никоҳ тўйлари ўтар-ўтмас Саидни «миллатчи», «халқ душмани» деб куракда турмайдиган тухматлар билан қоралаб сургун қилишди. Улар ёзувчилар уюшмасининг аъзоси эдилар. Уларга Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзодаларнинг назари тушган, адабиётнинг машаққатли йўлларига оқ фотиҳа беришиб кузатган ва хайрихоҳлик билан қўллаган эдилар.

Саиданинг бошига ўшанда Саидникидан кам бўлмаган оғир, мушкул иш тушди. Уни уюшманинг котибиятига чакириб, «Халқ душмани» — Саиддан воз кечишни талаб қилдилар. Ўшқирдилар. Дўқ-пўписалар ёғдирдилар. Саида ёш эди. Ёш бўлса ҳам икки олий институтни тугатган, таҳсил кўрган, тошдан қаттиқ бардошли қиз эди. Ўртага олиб кистадилар. Воз кечмади. Шунда маълум бўлди: ҳеч қандай куч уни воз кечишга мажбур қилолмасди. Йўқ, у Саида бўлгани учунгина эмас. Унинг дегани, танлагани, тақдирига қўшгани Саид бўлгани учун ҳам у ҳеч қачон воз кечмас эди. Узоқ йиллар ўтгандан сўнг, ҳатто Саида ҳам дорулбақога кўчгандан сўнг Саид бу ҳақда ёзди. Йиғлаб-йиғлаб, жигари хун бўлиб ёзди. Йиллар юраги тубида ётган армон, алам, муҳаббатини қоғоз саҳифаларига тўқди. Унинг Саида

ҳақидаги хотираларини Саиднинг энг гўзал достони, ўлмас таронаси дейиш мумкин.

Саид ва Саида...

Саида ўша тунлари оқармас йиллар Саидни кутди. Изларидан юрди. Тазйиқлар, таъқиблар, хўрлашларнинг ҳаммасига чидади ва кутди. Саидани тақдир кутиш ва бардош учун яратганга ўхшарди. Узундан узоқ романлар, таржималарни уйқусиз тунлар, қутсиз кунлар ўтириб машинкалади. Шунда меҳнатни халоскор деб билди. Кейин у ҳамма вақт меҳнатнинг гўзаллиги ва инсонийлиги ҳақида ёзди. Ҳамма қаҳрамонларини меҳнатнинг турфа синовларидан ўтказди. Барча шеърлари, дostonларини туганмас меҳнат ичра ўзини ўзи яратган ва туганмас меҳнатда ютиб чиққан одамларнинг ва айниқса хотинкизларнинг қўшиғи каби яратди.

Меҳнат қила билмаслик, бировнинг эрки, ихтиёрини бўғиш, ўзгалар ва уларнинг бахтсизлиги ҳисобига кун кўришликни бориб турган маънавий қашшоқлик ва разолат деб ҳисоблади. Ўша қийин эллигинчи йиллар уни шуларга ўргатди.

У ўзини Саидга бағишлашга қарор қилди. Унинг бу қарори 40—50-йиллар орасида етилди. Саидни тамом ноҳақ жазолаганларидан сўнг унинг бу қарори қатъий мустаҳкамланди. У ўз олдига Саидни кутиш ва бу қийинчиликни енгиб ўтиш мақсадни қўйди. У Саиднинг ҳақлиги, беғуноҳлигига ва ўзининг ҳам ҳақлиги, тўғри эканлигига ишонарди. Бу емириб бўлмас ишонч Саиданинг ноёб характериға қўшилиб, алоҳида поэтик оламға айланди ва унинг эндиги ёзадиган барча асарларининг тўқимасига кирди.

Саида ва Саид...

Саида сабрсизни тиз чўктирадиган, иродасизни еттибукиб ташлайдиган, бебурдни бир умрга юзи қаро қиладиган ўша оғир шароитдан юқори кўтарила олди. Саиданинг қонида бормикан маҳрамлик?

Ёки бу қимматли хусусиятни ўзи дуч келган жуда оғир атмосферада унга зид инсоний куч-қудрат сифатида кўнгил қаърларида тарбияладимикан?

Аёлларнинг қони маҳрамликдан қоришган бўлади. Ўрта аср Европа файласуфи Монтеннинг эссесидаги эрлари ўлимға ҳукм этилган римлик аёллар уларға оғир



дамларда қандай далда берганликлари, қандай ибрат кўрсатганликлари ва эрлари билан бирга ўлим шарбати-ни ичганликлари бежиз эмас. Аёллар маҳрамликда бундай фидойилик, жон беришга тайёр бўладилар.

*Сен менга бемалол суянавергил  
Мушуқлинг, дардингни — борин тўкиб сол...*

Бу Саиданинг сал кейинроқ ёзган сатрлари. Фақат ўзига жуда ишонган киши шундай маҳрамони ёзади. Ҳаёт қандай бўлмасин, унда мустақил, мустаҳкам тура оладиган киши шундай диловарлик билан ёза олади ва шундай маҳрамона ҳаракатларга доим қодир бўлади.

Саида ўз характеридаги мана шу теран инсоний фази-латни барча асарларига олиб кирди, қаҳрамонлари тақдирида уни таҳлил қилди. Ёзувчи ва инсон, аёл ва унинг асарлари мана шунчалар бири бировига уйғунла-шиб кетган эди.

Саиданинг кейинчалик бадиий асарларида урғу олган садоқат, меҳр, вафо, оқибат сингари ахлоқий меъёрлар хусусидаги қарашлари ҳам худди шу маҳрамликдан куч-қувват олар эди.

*Бирга жарга тушгум ва ошгум доvon  
Дўстсиз, садоқатсиз ҳаётми ҳаёт?!*

Саида ва Саид...

Улар доим бир-бировларига жўровоз бўлишга ин-тилдилар. Лекин ҳеч қачон рақобат қилмадилар. Кимўзарга ёзмадилар ёки ҳаракат қилмадилар. Саидага бундай мусобақа руҳидаги эгоизм тамомила ёт бир нар-са эди. Саид «Уфқ» романларини ёзганда, саҳифама-саҳифа Саиданинг далдасини ҳис қилиб турди. Саида-нинг тунлар уни бедор кўриган ҳорғин, фикрчан, сер-ташвиш нигоҳи роман қаватларига тўлқин-тўлқин мавж бўлиб кирди. Саиданинг ишончи Саиднинг кучига куч қўшди.

Саиднинг илк ўқувчиси Саида эди.

У худди илҳом париси каби Саиднинг қоғозлар билан тўлиб кетган иш столи, унинг тинмаган эски қадрдон ма-шинкаси, бир зумда тўлиб чиқадиган кулдони, Саид яра-таётган ҳаёт чорловларига лаббай деб турган қаҳрамон-лар узра парвона эди.

Саид ва Саида ўзлари беҳад севган ёзувчилик ишида қийин, ўта шарафли бахтларини топган эдилар.

Саида ва Саид...

Бугун уларнинг файзли хонадонлари фарзанд, куёв, набиралар, шогирдлар, мухлислар билан гавжум. Саид тез-тез Саида бу кунларни кўрмади деб армон қилади. Лекин Саида бу хонадон барча орзуларининг ичида бор. Саиднинг ҳамон саксонга кирдим, толиқдим демай ёниб-куйиб, ўртаниб, завқ-шавққа берилиб ёзаётган асарлари битганда, биринчи бўлиб ҳамон Саида: «Хорманг!» — «Яхши ёзибсиз!» — дейди. Саид ва Саиданинг сўнгсиз суҳбатлари тугамайди. Зотан, «Рух билан суҳбат», «Лирик нутқ»ида бу суҳбат ҳеч қачон тугамаслигига шоира ишора қилиб кетган эди.

Бўстон бўлди боғим ҳавасманд кўлларида... — деган эди Саида ўйинқароқ Саид ҳақида эркалаб. Бу аёл, инсон, адиба тан бериши, айтиши мумкин бўлган энг гўзал сўз, эътироф эди.

Саид ва Саида ўртасида шундай рўшнолик бино бўлган эди.

Бу азал боғининг сўлмас бўстонларидан биридир.

### **Рухий чекиниш:**

Ҳаётнинг ҳовури ўтиб кетади. Иссиғи-совуғи, шовқин-суронлари, жангу жадаллари ўтиб кетади. Сизнинг хотирангиз қолади сайланган кўнгилларда. Кўнгилларнинг дилбар мақомларида. Сизнинг нозик адоларингиз, дилбар, жонипор сўзларингизни, ноёб истиораларингизни эслаб юришади давраларда. Ишқнинг ўйноқи ҳавола-рига тўлган ғазалларингизни куйлашади тўй-ҳашамларда.

Балки ёзганларингизни ҳамма ҳам ўқийвермас. Сизнинг нозик руҳингиз бундан ранжимагай. Ўқимай қўйганлар деб ўқинмагай. Булар янги замон ўқувчилари. Сизнинг сўнгги ҳикоянгиз, сўнгги ғазалингиз битганига чорак асрдан кўпроқ вақт ўтди. Бу ёқларда ҳамма нарсалар ўзгариб кетди. Бу ёқларга озодлик келди. Бу ёқлардан зулм, истибод, қарамлик кетди.

Сиз тасвирлаган дам меҳрибон, дам вафодор, дам турмуш ишларида тангу тор, олчоқ қайнасалар, ўз ҳақи учун талашолмайдиган, ўта андишали беозор, сочи су-

пурги келинпошшалар, эрини уруш майдонларида йўқотган ва ҳамон кўзи йўлда уларни кутаётган бева аёллар, эрки ўта чекли хотин-қизлар замонлари орқада қолди кетди. Ўзбек аёлларининг ор-нормуси, уят-андишаси сиз учун беҳад қадрли ва сиз ушбу одоб-ахлоқ мезонлари, ўзбек аёли маънавиятининг жон томирларини химоя қилишга ҳамиша тайёр эдингиз. Асарларингизни шу олижаноб ишга бағишлардингиз. Сиз ўзбек қизлари сочларини узун ўриб юришларини ёктирар эдингиз:

*Сочим узун бўлса, тим қора бўлса  
Орқамда тўлганиб турса юрганда —*

дер эдингиз. Бу 40—50-йилларнинг идеали эди. Сиз вафо-садоқатга ҳам идеал деб қарардингиз. Уруш беваларининг вафоларида қанчалар инсонийлик кўргансиз, уларни аёл сифатида қанчалар улурлагансиз. Лекин ҳозир сочларини ўриб юрадиган қизлар жуда кам. Сочни икки ёки қирқ ўрим қилиб юриш ҳамма замонлар учун ҳам идеал эмаслиги, модалар тамомила ўзгариб туриши одатий бўлиб қолди. Ҳозирги қизлар ўзларига қандай турмак ёкса, шундай қилиб чиройли бўлиб юришади. Бунга қанча ҳаражат чиқим бўлса ҳам, сарфлашади. Ўзларига ёкса бўлди-да!!!

Сиз тасвирлаган аёллар ҳаддан ташқари камтарин эдилар. Аввало уларнинг ҳаётга қўядиган талаблари ҳам камтарин эди. Улар кўп нарса истамайдилар. Оддий нарсалардан қаноатланадилар. Эҳтиёжлар кўп эмас. Кўп бўлса ҳам юзага чиқармайдилар. Бу яхшими, ёмонми? Тўғрими, нотўғрими? Яқинда қизимиз америкаликлар ҳузурида инглиз тилидан синовдан ўтиб келди. Унинг инглиз тилидан билимлари юқори баҳоланди. Лекин қизимизга: «Ҳаммаси яхшию, жуда уятчан экансиз», дейишибди. Қизимиз буни кулиб айтиб берди. Лекин бизни бу сўз ғоятда ўйлантириб қўйди. Аввал: «Нима, қиз бола уятсиз бўлиши керак эканми?» — деган хаёлга бордик. Лекин америкаликлар аёл киши ҳеч қачон уятсиз бўлишини талаб қилмасалар керак. Гап чамаси ортиқча тортинчоқликнинг зарари ҳақида боради. Улар балки тортинчоқлик, уятчанликни ички ожизликдан, шахснинг ўзига ишончсизлигидан, мустақил фикрлай олмаслигидан деб билишади. Ҳозир маънавият, ахлоққа

қарашлар шундай ранг-баранг бўлиб боряпти. Саида Зуннунованинг жуда кўп қаҳрамонларида шундай тортинчоқлик, уятчанлик кўзга ташланиб туради. Бу ёзувчи ўйлаб топган нарса эмас. У узоқ давом этган тарихий муҳитнинг натижаси. Қолаверса, биз XX асрда хотин-қизлар эмансипациясини ҳамisha ўзимизча чала-ярим талқин қилиб келганмиз. Эмансипация ҳар доим жуда жиддий бош қотирадиган масала. Аёлнинг тўла ҳажмдаги тенгҳуқуқликка эришиши ва ундан тўла ҳар томонлама фойдаланиши бу — ҳаётнинг ва айниқса биз яшаб келган, бизга ўрганиш бўлган ҳаётнинг тўла ўзгариши, янгиланиши ва шулар асосида ғалабаси бўлар эди, албатта.

Саида Зуннунованинг асарларини қайта ўқиб ўтириб, унинг мунаввар сурати қошида шуларни сўзлагандай бўламан.

*Иброҳим ҒАҒУРОВ*

# ШЕЪРЛАР



\* \* \*

Ёлғиз икков бўлсак аҳилсан жуда,  
Юз бор эркалайсан юз хил ном билан.  
Тинмай атрофингда бўлиб парвона  
Бахту шодлигимдан довдирайман мен.

Аммо биров бўлса, сипосан бирам,  
Гўё бермагандек бўлиб эътибор.  
Нахотки билмайсан, бировга кўз-кўз —  
Қилмоққа шу ишқдан афзал нима бор?!

1956

\* \* \*

Учрашув онини кутиб бетоқат,  
Қалбим талпинарди, сенга, азизим  
Минутлар судралиб, гўё ўтмай вақт.  
Ширин бир азобда ўртанар эдим.  
Аммо хузурингга борардим кечроқ,  
Хеч гап ўтмагандай гўё ўзимдан.  
Турардинг термилиб, тоқатинг ҳам тоқ.  
Интизор кўзингга боқардим зимдан.  
Беш минутга шунча диққат бўлибсан,  
Пешанангга тушмиш чизиқлар қат-қат.  
Нахотки шунчалик енгилтак бўлсанг,  
Ҳаётни висол деб ўйласанг фақат.  
Йўқ, жоним, сўқмоқлар жуда кўп унда,  
Хижрон бўлмасайди, висол йўқ эди.  
Ҳайрон қилиб кўйдинг, бутун умримни  
Қандай қилиб сенга топширмай энди.

1956

## СОФИНИШ

Тўлиб-тошиб сайрайди булбул  
Сеҳрли тун тинчини бузди.  
Ўйку таслим этолмай гаранг,  
Сендан хаёл, кўнглимни узиб.

Хаёл тинмай сенга судрайди,  
Ойнинг ипак нурига ўраб.  
Севги қурғур шундай зўр экан,  
Ўлтирмайди ақлингдан сўраб.

Осилади шамол бўйнига,  
Кутишга йўқ тоқати бир зум.  
У кетади, қуруқ ва бўм-бўш  
Сурат бўлиб қоламан ўзим.

Атрофингда бўлиб парвона,  
Яна қайтиб келар ўзимга.  
Мисраларга айланар ювош,  
Бўйин эгиб хоҳиш, сўзимга.

Хат ёзишга тушаман яна,  
Билолмайман бу нечанчиси.  
Тугён қилган асаблар зора,  
Шу хат билан бир оз тинчиси.

Нари суриб бор андишани,  
Юрагимни тўкиб-соламан.  
Хат кетади, ҳар гал йўлингга  
Умид билан қараб қоламан.

1956

## ЁШИМНИ СЎРАМА...

Ёшимни сўрама, бемаъни бу оқ  
Оралай бераркан сочларга ҳар вақт.  
Шу ўтган озгина умримга бироқ.  
Ҳеч вақт ачинмайман, шунинг ўзи бахт.

Хиёнат, ғийбатни билмадим сира,  
Нодонлик йўлига қўймадим оёқ.  
Ишқим бўлсин, дедим, нурдек покиза,  
Балки шунинг учун сочимдаги оқ.

1957



\* \* \*

Қадрласанг инсонлигингни,  
Вафо қилсанг ўзингга ўзинг,  
Фақат-фақат шунда мен билан  
Тўғри келур тақдир — юлдузинг.

1957

## БАҲОРНИ ҚАРШИЛАБ

Мунча чиройликсан, фусункор баҳор,  
Мунчалар қалбларга сирдош, ҳамоҳанг,  
Бола чоғимда ҳам этарди мафтун  
Сендаги гўзаллик, алвон турли ранг.

Бойчечак излардим боғларда тентиб,  
Сочимга санчардим қандай гулки бор.  
Истардим, шу баҳор қолмаса кетиб,  
Истардим, гулларга қўнмаса ғубор.

Фируза осмондан узолмай нигоҳ,  
Кўкатлар устида ётардим узоқ.  
Томлардан қизғалдоқ кидирардим гоҳ,  
Гоҳ қушлар йўлига қўярдим тузоқ.

Сочпопук ишқида тиниб-тинчимай  
Ғимирсиб юрардим толлар тагида.  
Бўларди ажойиб, латиф бир хуш бўй,  
Мен таққан ям-яшил тол баргагида.

Ўрик гулларини тўкиб, тўзғитиб  
Арғимчоқ учишни севардим жуда.  
Соатлаб турардим хаёлим кетиб,  
Гуллар сузиб ўтса сувлар мавжида.

Кўкатлар ичида кўғирчоғимни  
Аллалаб, ўзим ҳам қолардим мизғиб.  
Гоҳ ялпиз тераркан анҳор лабида  
Капалак ортидан кетардим изғиб.

Шунчалар севардим, гул баҳор сени,  
Ҳали ҳам севаман жонимдан ортиқ.  
Балки шунинг учун тақдирлаб мени,  
Шеърни, шеърятни қилгансан тортиқ.

Оташ солмасайди қалбимга лола,  
Бағрига тортмаса кўм-кўк дала, қир.  
Дилни элитмаса эди шалола,  
Шу шеърни қаёқдан ёзардим ахир.

1957

## СЕН ҲАМ ШУНДАЙМИДИНГ...

Бир вақтлар ўлтириб ўйлардим гоҳи:  
Қизик, ким бўларкин умр йўлдошим,  
Кўнглим, ҳисларимни англарикидан у,  
Койитиб тўқмасми кўзимдан ёшим?

Билмасдим, ким ўзи ва яшар қайда,  
Лекин, ҳурматини сақлар эди дил.  
Ёнимда сезардим уни ҳар жойда,  
Ўйлардим кўзимга боқсам, деб дадил.

Сен ҳам шундаймидинг, айт-чи азизим,  
Севганмидинг мени кўрмасдан туриб?  
Сувлар ёқасида хаёл суриб жим,  
Излармидинг мени борларда юриб?

Гулларга шивирлаб ишқинг, сирингни,  
Вафо-садоқатдан сурганмисан ўй?  
Йўқса, мақтамагин менга кўнглингни,  
Йўқса, муҳаббатдан гапирмаёқ кўй.

1957

## СЕНИ ҰЙЛАГАНДА

Йиллар ўзи билан ёшлик ва ишқни  
Судраб кетолмаскан йўқлик қаърига.  
Шу кунда негадир ўйлайман сени,  
Негадир кетмайсан кўздан нарига.

Кўзингни севардим, жуда севардим,  
Лекин уялардим, боқолмасдим тик.  
Олдингда бошимни эгиб турардим,  
Ортингдан термилиб қолар эдим тек.

Ёшлик ҳавасими, десам у чоғни,  
Чинакам ишқ экан, энди тушундим.  
Сени ўйлардим қалбимда илҳом  
Турён қила кетди, қололмадим жим.

Сени ўйладиму нурга бурканди  
Юз турли ранг билан товланиб олам.  
Қорларни кўтариб бинафша унди,  
Сенинг хаёлингга қалб шўнғиган дам.

Сени ўйладиму роҳатбахш шамол.  
Юздан ажинларни сидириб кетди.  
Сочга оралаган оқни юлдими,  
Ҳарқалай, ёшликни қидириб кетди.

Ўйлайман, ўйлайман, не учун сени  
Унутиб бўлмайди, не хислатинг бор?!  
Сабаби, азизим, кўнглинг ва ишқинг  
Жуда тоза экан, жуда беғубор.

1957

\* \* \*

Куёш чикди, гул япрофига  
Тунда кўнган шабнам эриди.  
Қон югурди ол ёнофига,  
Барги губор-чангдан ариди.  
Келганида ёринг — куёшинг,  
Тарк этганда сени хижрон, ғам,  
Шабнам каби учди кўз ёшинг,  
Шу гул каби яшнадинг, эркам.

1958

\* \* \*

Не истайсан, дейсан, истакларимнинг  
Чеки йўқ эшитсанг, мен сўзлайберсам.  
Истайманки, аввал ишқ, илҳом бўлиб,  
Бир баҳор мисоли қалбингга кирсам.

Яшил япроқларга беркиниб бир зум,  
Ўйинг, хисларингни ўғирлаб олсам.  
Юзингда балқисам бўлиб табассум,  
Сен учун бир умр бахт бўлиб қолсам.

Гуллар жилвасида боқиб мулойим,  
Кўнглингни чорласам, бермасам ором.  
Истагим — ошигим бўлсанг беқарор,  
Бутун борлигингни эта олсам ром.

Куй бўлиб элитсам баъзан бир нафас,  
Тинглашни сира тарк эттинг келмаса.  
Умримга қилиб сен ҳасад ҳам ҳавас,  
Ёнимдан бир зумга кеттинг келмаса.

Истайманки, кўнглинг кўнглимдек бўлса,  
Орзу-ўйлариингни кўролсам аён.  
Истагим — қўшалок очилган гулдек  
Меҳнат, муҳаббатда турсак ёнма-ён.

1958

## ҚИШЛОҚ

Шунча хушманзара, гўё табиат  
Бутун чиройини шу ерга тўккан.  
Ҳар бир туп ғўзанинг япроқларига  
Юзлаб юлдузларнинг жамоли чўккан.

Атрофни ўраган ним кул ранг тоғнинг  
Устидан оқариб кўринса ҳам қор,  
Асал мевалардан эгилган шохлар,  
Эгилган, боғбондан гўё миннатдор.

Йирокларга боқсанг юз хил ранг билан  
Кўзингда товланар кенг, яшил водий.  
Хў, янги уйларнинг режасин тузган  
Бизларнинг ўзимиз, мардлар авлоди.

Пахтазордан янграб кулги гурлади,  
Мени чулғаб олди ажиб ширин ҳис.  
Кўзимга отадек яқин кўринди  
Пайкал четидаги мўйсафид раис.

Ўтиб кетди терлаб-пишиб паровоз,  
Қатор вагонларда тўла нефту дон,  
Радиода таратган кўп майин бир куй  
Қалбни эритди-ю, сўнг бўлди пинҳон.

Қизлар кулгисига уланиб кетди  
Жаранглаб чалинар экан қўнғироқ.  
Қувноқ болаларга тўлди бир зумда  
Мактаб ёнидаги кенг мевазор боғ.

Шунча хушманзара, озод инсоннинг  
Меҳнати, меҳридан кўқарган қишлоқ,  
Ҳар бир хонадонда қўйлар, сигирлар,  
Мўлу кўл бу ерда сарёғу пишлоқ.

Ҳаётда барака, роҳат мўл, чунки  
Ишчи билан деҳқон қондош, қариндош.  
Қишлоғу шаҳарнинг яшнар жамоли  
Барига ягона давлатимиз бош.

1950

\* \* \*

Анхор лабида жуфт-жуфт соялар,  
Жилмайиб ўтаман кўз қирин ташлаб.  
Гоҳ хаёл қурмагур олиб кетади,  
Баҳона топгандай ёшликка бошлаб.

Йўқ-йўқ, мен турмадим ойдин тунларда,  
Сувлар ёқасида ишқ ўтида маст.  
Мен бундай дамларни йўлга термилиб,  
Интизор ўтказдим ҳар он, ҳар нафас.

Ёшлигим, умримни, ҳаловатимни  
Мардона топшириб вафо қўлига,  
Ойларни, йилларни минутлаб санаб,  
Туну кун қарадим ёрнинг йўлига.

Ҳали бегонайдик ажралишганда,  
Кўришдик жуда ҳам қадрдон, иноқ.  
Юлиб олса ҳамки ҳижрон ёр васлин,  
Қилиб кетган экан унга яқинроқ.

1959



## ШЕЪР ЁЗСАМ...

Шеър ёзсам, юрагим симобдай эриб,  
Юзимга балқийди ундан аланга.  
Ҳаётдай чиройли, умрдай ширин  
Ҳеч нарса йўқ каби бўлади менга.

Шеър ёзсам, дунёда ҳамма гўзаллик  
Йиғилиб келгандай бўлар қошимга.  
Нурдек тиниқ ўйлар, оташин ўйлар  
Қўшиққа шайланиб кезар бошимда.

Шеър ёзсам, тошлар ҳам бағрини очиб  
Қўрсатган бўлади қалбда борини.  
Қишда ҳам шивирлаб кўм-кўк япроқлар  
Бирга чертишади кўнглим торини.

Шеър ёзсам, ёшлигим кетмайди нари,  
Ишқ мени олади иссиқ қўйнига.  
Мисралар муҳаббат, садоқат бўлиб,  
Маҳкам чирмашади ёрнинг бўйнига.

Шеър ёзсам, ҳайқиргим келар оламга,  
Қалбим сатрларга сирмай энтикар.  
Довдираб қоламан, гўё қаламим —  
Қўйган ҳар нуқтага минглар кўз тикар.

Бу кўзлар сизники, азиз ўқувчи,  
Мени шоир қилган муҳаббатингиз.  
Сиз учун куйлайман, сизни ўйлайман,  
Қалбимда яшаркан улур отингиз.

1959

## ҚИЗЛАРЖОН

Севги ўт ташласа юрагингизга,  
Ойдин тун бермаса тинчлик ва уйқу.  
Олам куйлагандай кўринса сизга  
Ҳамда асир этса ажиб бир туйғу  
Тасалли излайсиз ҳисларингизга,  
Фазаллар ёдлайсиз варақлаб китоб.  
Гулдек қалбингизни яшнатар шунда  
Севги сатрлари бўлиб офтоб.  
Шундай кезда, қизлар, пок ишқингизга  
Таржимон бўлолса биронта байтим,  
Сирдош бўлиб қолсам ҳамиша сизга,  
Шу менинг орзуйим, шодлигим, бахтим.

1959

\* \* \*

Бизга хурмат билан бокқанларида,  
Кўзлар ёнганида севги, ҳавасда,  
Ватаним, фуруринг қанот бўлди-ю,  
Бағрингдан чарх уриб чиқдим нафасда.

Болалар йўл берди, гўдак талпинди,  
Дедилар бизларни дўсту ҳамсоя.  
Не бахтки, қаерда саодат кулса,  
Ватаним, ҳамиша ўзингсан доя.

Мадҳингда борлигим шеърга айланди,  
Тупроғу тошингга сифиниб қайтдим.  
Яна меҳрим ортди, яна улғайдим,  
Васлингга ошиқиб, соғиниб қайтдим.

Севаман, Ватаним, севаман жондан,  
Борингни, чўлингни, ҳар нигоҳингни.  
Иложи бўлса-ю, бағримга боссам  
Ҳатто қолдирмасдан бир гиёҳингни.

1959

\* \* \*

Сира чидолмайман, қувноқ чехрангда  
Қайғунинг шарпаси кезса бир нафас.  
Кўнглимга тикандек оғир ботади,  
Сенинг йўлларингда кўрсам хору хас.

Мен уни сочим-ла супуриб олгум,  
Пояндоз деб йўлга жонимни солгум.  
Хоҳ билгил, хоҳ билмагил,  
Садоқатда бир умр қолгум.

Хоҳ билгил, хоҳ билмагил,  
Хаммасига мен бўлай рози.  
Ахир нима қилай, ахир не қилай,  
Ишқ учун йўқ экан тошу тарози.

1960

## ҚИЗИМ НОДИРАГА

Уйқуга зор бўлиб мудраб тепангда,  
Ярим юмуқ кўзим кўзингдан узмай  
Шу азоб лаззатин шеърга соламан,  
Хатто пичирламай, тинчингни бузмай.

Битга ижирғансанг, нима қилсам, деб,  
Юпатиш кўйида минг тўлғанаман.  
Гох ётиб, гох туриб ҳар бир шарпангдан,  
Юз бор мизғийману юз уйғонаман.

Тун ярим, кушлар ҳам уйқуда ҳозир,  
Сувлар ҳам тингандай... жимжит ҳамма ёқ.  
Гўё шабада ҳам япроқда мудраб,  
Қалбим алласига солади кулок.

Фақат мен уйғоқман ҳорфин, бахтиёр,  
Хушбўй нафасингга тўймайман ҳидлаб.  
Охир чидолмайман, уйқунгни бузиб,  
Юзингга охиста тегизаман лаб.

Ана, сўнгги юлдуз хиралашди-ю,  
Кўкда эриб кетди, тонг отди оппоқ.  
Ойнага қарайман ҳолимдан кулиб,  
Кўйлақларимғижим, сочларим паҳмоқ.

Аммо ўзим тетик, яхши посбондай  
Мамнунман, қалбимда виқор тошади.  
Шу элнинг кичкина фуқаросини  
Сафга қўшмоқ учун кўнглим шошади.

Онаман, истайман, етук бўйини,  
Ақлу идрокининг камолин кўрсам.  
Кўнглида, кўзида, иши, сўзида  
Инсон, деган номнинг жамолин кўрсам.

Қизим жилмаяди уйқу аралаш,  
Гўёки ҳисларим беради ҳузур.  
Оппоғим, уйқусиз ўтган шу оқшом  
Ёзилган шеър учун сенга ташаккур.

1960

## ЯНА ҚИЗИМГА

Болангиз жуда ҳам тантик, деб баъзан,  
Таниш-билишларга қилардим таъна.  
Бу бахт машаққати олдида энди  
Ўзим бошим қотиб турибман, мана.

Хали тили чикмай, буйруқларини  
Шунча ўтказди бу эрка қизим.  
Билмай ҳам қоламиз баъзан қўлига  
Ўтиб қолганини оила измин.

Мана, кўтар дейди, кўзида ёши йўқ,  
Йиғлаб талпинади кўзимга боқиб.  
Кўксимга босаман қўйиб ишимни,  
Ёлғон йиғига ҳам бағрим тутақиб.

Ёлғондан бўлса ҳам йўқ, йўқ, йиғлама,  
Бир томчи ёш кўрмай кўзингда, қизим.  
Умрингга юз баҳор замондош бўлсин,  
Кела қол, кўтарай бахтим, азизим.

Белинг оғримасми, дейди кўрганлар,  
Белимга қувват-ку, дейман қувониб.  
Юзимга урганда юмшоқ нафаси,  
Бахтдан антикаман кўзларим ёниб.

Майли, эрка бўлу тантик бўлмагин,  
Яхши — эрка бўлур доим элига.  
Ёмон — эрка бўлмас, энса қотирар,  
Яхши — ёғдек ёқар одам дилига.

Биласанми, қизим, бу коинотда  
Онанинг орзуси кучмаган бахт йўқ.  
Онанинг хаёли етмаган бўшлиқ,  
Онанинг хаёли тўхтаган вақт йўқ.

Ана шу тинмаган орзу-ўйларим,  
Меҳнат, муҳаббатим, меҳрим ҳақиға —  
Бир губор қўнмасин, десанг, оппоғим,  
Эрка бўл хамиша юртинг, халқингга.

1961

## АЛЛА

Қундузим десам ҳам оз,  
Юлдузим десам ҳам оз,  
Дунёда нима гўзал —  
Бўлмаса, ундан ўзинг соз,  
Ором ол, қўзим, алла.

Асалмисан, қандмисан,  
Ғазал, муҳаббатмисан?  
Мунча ширинсан ўзинг,  
Жонимга пайвандмисан,  
Ухла, юлдузим, алла.

Ойни олиб берайми,  
Гуллар териб келайми,  
Атрофингда ўргилиб  
Шамол бўлиб елайми,  
Ухла, гул юзим, алла.

Ойнинг шуъласи сувда,  
Ҳамма нарса уйқуда.  
Меҳрим товланиб кетиб,  
Қуйлагим келар жуда,  
Ухла, қундузим, алла.

1961

## ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ

Эх, Тошкент гуллари, кўп нафис гуллар.  
Бир губор топмайсиз япроқларида.  
Қизлар кулгисидек чиройли, маъсум,  
Қизлар кулгиси бор ёноқларида.

Анвойи ранглари энтиктиради,  
Диллар яшаради, кўзлар яшнайди.  
Эх, гуллар, ҳамиша сизга ташнаман,  
Юрагим ҳамиша сизга ташнайди.

Узиб тутмагунча азиз дўстларга  
Таъриф қилолмайман жамолингизни.  
Ҳидлаб, юзин суртмай япрофингизга,  
Ҳеч ким ҳис қилолмас камолингизни.

Хиёбон кезаркан кўнглим, хаёлим,  
Ювилган топ-тоза баргларда қолди.  
Ўзим қўшиқ бўлиб қайтдим уйимга,  
Хотирим яшнаган боғларда қолди.

Бир хаёл сингари сархуш, бахтиёр,  
Қаламга тутиндим келиб оҳиста.  
Эх Тошкент гуллари, кўп латиф гуллар,  
Меҳрим, муҳаббатим ҳамиша сизда.

1961



## БАҲОР ШЕЪРИ

Баҳорми боғларга сеп ёйиб кетган,  
Чўлларга чашма-ю, бинафша элтган,  
Парвози кўкларда Ойгача етган.  
Баҳорми, баҳорми? — шивирлар еллар,  
Баҳорми, баҳорми? — сўрайди эллар,  
Йўк, дейман, бу озод инсон меҳнати!

Бу нима, япроқлар шивирлашими,  
Қирда бошоқларнинг шитирлашими,  
Илк севги лаззати, жавдирашими?  
Бу нима, бу нима? — шивирлар еллар,  
Бу нима, бу нима? — сўрайди эллар,  
Йўк, дейман, бу тинчлик, бахт ҳаловати.

Кўкда учиб юрган юлдузлари ҳам,  
Чирокларга тўлган бу нурли оқшом,  
Чароғон кундуздан айтинг неси кам? —  
Дея шивирлайди япроқлар, еллар,  
Йўк дейман, ўртоқлар, қардошлар, эллар.  
Бу инсон ақлининг кўрк, заковати.

Кўзимга кулгандай ер, осмон тоғлар,  
Мевасин кўз-кўзлаб кулади боғлар.  
Кулади қардошлар, дўстлар, ўртоқлар,  
Кулади кадрдон элатлар, эллар,  
Бор бўлсин, тинимсиз, ўйноқли еллар,  
Бор бўлсин, меҳнатнинг бахт-саодати.

Ҳавога тўлибди ажиб бир хуш бўй,  
Ё палов дамланур — бирон жойда тўй.  
Қайдан, деб, бу қўшиқ, бу кулги, бу куй,  
Шивирлар япроқлар, шивирлар еллар,  
Эшитинг, қардошлар, ўртоқлар, эллар,  
Бу — озод қизларнинг қувноқ қўшиғи.

Қалбимни аллалар ажойиб бир ҳис,  
Ўрик гулларидек нозик ва нафис.  
Ҳаётдек мўътабар, умрдек азиз,  
Шунинг-чун қуйлаган туюлар еллар,  
Эшитинг, кадрдон дўстлар ва эллар,  
Шунинг-чун мен яшаш, ҳаёт ошиғи.

1961

## СТУДЕНТЛАР ВАЛЬСИ

Юлдузларга тўла осмон,  
Шамол ўйнар япроқларда.  
Олам куйга тўлгансимон  
Куй жаранглар йироқларда.

Сўлим-сўлим хиёбонлар,  
Гул атримга тўлиқ ҳаво.  
Юринг, дўстлар, кадрдонлар,  
Кезишайлик гулшан аро.

Соғинтирар бу оқшомлар,  
Бу суҳбатлар қилар хумор.  
Юринг, дўстлар, кадрдонлар,  
Сайр қилайлик энг сўнгги бор.

Яхши қолгин, тотли дамлар,  
Яхши қолгин, азиз шаҳар.  
Яхши қолинг, дарсхоналар,  
Яхши қолинг, устоз — падар.

Сўлим-сўлим хиёбонлар,  
Гул атрига тўлиқ ҳаво —  
Юринг, дўстлар, кадрдонлар,  
Сайр қилайлик гуллар аро.

1961

\* \* \*

Арғувон гуллабди, олтин сирғалар  
Бўйидан ҳавода ажиб бир ҳид бор.  
Тинмай гўнғиллайди асаларилар...  
Боқаман табиат сеҳрига ҳайрон,  
Наҳотки арида шунчалик дид бор.  
Олисдан келгандир, балки ишқида,  
Гулдан гулни танлаб, кидириб, учиб,  
Нозик фаросат бор гўё ишида,  
Яшайди гулларнинг шарбатин ичиб.  
Эсим танибманки, яшаш, умрнинг  
Завқини шарбатдек масъуд ичаман.  
Бу ҳаёт чиройли хулқу одатга,  
Гулга, фазилатга тўлган бир чаман.  
Ёдимга келади арғувон, ари,  
Ёдимга келади тотли асали.  
Қизик бир аҳволга тушиб қоламан,  
Рангсиз кўринади ёзган газалим.

1962

## ДУТОР

Мунча мунгли бу куй, мунча хазин бу куй,  
Ошиқ ноласими? Ҳижрон дардими?  
Қундуздек сочларга бемаҳал қўнган  
Кумуш толаларнинг хусни, гардими?

Мунча нафис бу куй, мунча майин бу куй,  
Муҳаббат элитган қўнгил розими?  
Умидга, ишончга, орзуга тўлган  
Келин чиройими, қизлар нозими?

Мунча қувноқ бу куй, мунча ўйноқ бу куй,  
Ёрнинг вафосими, висол бахtimi?  
Меҳнат, муҳаббатда тобланган дилнинг  
Садоқат яшнатган кўрки, аҳдими?

Қалбни аллалайди, тиним бермайди,  
Ғалати бир ҳиски, тополмайсан ном.  
Гоҳ ўйга толдирар, гоҳ ўйнаттирар,  
Балки шу шоирлар атаган илҳом.

1962

\* \* \*

Қор ёғар бўралаб, осмон кўринмас,  
Қор шошар гўёки ерга ташна, оч.  
Охир юлиб олди сўнги барғни у,  
Олма дарахтини қилди яланғоч.  
Аммо томирига жон бўлиб сингди,  
Қон бўлиб сингиди тани, шохига.  
Худди шунга ўхшар, заҳмати қолиб,  
Шодлик унутилиб кетса гоҳида.

1962

## ТОМЧИЛАР

Бола эдим, тутиб ёмғирга бошим,  
Сочим ўссин дея тилардим ҳар вақт.  
Хоҳи шиваласин, хоҳ шаррос қуйсин,  
Доим бағишларди менга шодлик, бахт.  
Баҳор кезидаги момақалдирик,  
Ернинг қаъригача ёритган чақмоқ,  
Денгизни шимириб қочган булутлар,  
Қаҳрини, захрини сочган булутлар  
Табиатнинг фақат бир гўзаллигин,  
Ҳаётнинг борлигин ва азаллигин  
Гўдак хаёлимга чизиб ўтарди,  
Эртақлар мисоли сизиб ўтарди.  
Дарахтлар шохини эгганида қор  
Кўзим яшнар эди тиниқлигидан.  
Онамга билдирмай еганман кўп бор,  
Касал ҳам бўлмасдим, балки поклиги,  
Балки унга меҳрим илиқлигидан.  
Ўйлардим: юлдузлар юборганмикан?  
Ўйлардим: юлдузлар шунча бормикан?..  
Бугун юрагимда зил юк, ўй билан  
Унга термиламан маънос, ғазабкор.  
Эй, биллур томчилар, сизлар қай ёқдан,  
Қай ёқлардан келдинг, айтгин, азиз қор?  
Чиндан шаффофмисиз, чиндан оқмисиз,  
Атом захрасидан йирок, покмисиз?  
Океан устидан сузган булутлар  
Олиб келмадими ўз қанотида?  
Шамол ҳайдаб келган бўлмасин тагин  
Ўша томонлардан учқур отида?  
.....  
Жавобсиз бўзлашди узоқ энтикиб,  
Сўнг аламдан ерга кўзларин тикиб  
Дарахтдан шувиллаб тўкилди бирдан,  
Болалардан қочиб шўнғиди ерга.  
Йўқ, шошманг, қайга сиз? Йўқ, шошманг, тўхтаг!  
Боламдан сизни ким айирмоқчи, ким?

Унинг шўхлигига ҳамроҳ бўлингиз,  
Юзи, сочларида порланг, қўнингиз,  
Йўк, сизни булғолмас, булғолмас ҳеч ким!  
Бугун шунинг учун ташвишда олам,  
Нотинчдир боғ-роғлар, эллар нотинчдир.  
Нотинчдир сайёҳлар, гиёҳлар тамом,  
Япроқлар ошиғи — еллар нотинчдир.  
Гулларнинг лабида шубҳадан ўкинч,  
Айникса оналар уйқуси нотинч.  
Сизнинг қатрангизга доғ туширса ким,  
Бугун табиатнинг қаҳрига маҳкум.  
Халқларнинг қазаби қўймайди омон,  
Халқнинг қазабидан нима бор ёмон?  
Йўк, шошманг, томчилар, оппоқ томчилар,  
Боламдан сизни ким айирмоқчи, ким?  
Унинг шўхлигига ҳамроҳ бўлингиз,  
Юзи, сочларида порланг, қўнингиз,  
Кўзгудек мусаффо, ўйноқ томчилар.

1962



\* \* \*

Лолалардан гулханлар ёқиб  
Баҳор келди, сулув ой келди.  
Чаккасига қизил гул тақиб  
Дилбар келди, гўзал май келди.

Новдалардан гуллардан маржон,  
Тиниқ кўкда қушлар парвози.  
Юринг, қизлар, юринг, қизларжон,  
Яйрашайлик кўнгилни ёзиб.

Майсаларда ёнбошлашайлик,  
Шудринг ювсин юзларимизни.  
Еллар ўтсин торлардан ошиб,  
Кифтда олиб созларимизни.

Бинафшалар нозидан ёниб  
Чорлар бугун бизни табиат.  
Сабзалардан бахмал ёпинган  
Сув бўйида қурайлик сухбат.

Лолалардан гулханлар ёқиб  
Баҳор келди, сулув ой келди.  
Чаккасига қизил гул тақиб  
Дилбар келди, гўзал май келди.

1962

\* \* \*

Баъзан хаёлимга чирмашиб олиб,  
Фикрим, ҳисларимни қиласан таъқиб.  
Хижолат тортаман ўзимдан гоҳи,  
Гоҳида қувлайман кўздан нигоҳинг.  
Йўк, тинчлик бермайсан, қиласан таъқиб,  
Ёнаман қаршингда куйиб, тутақиб.  
Бахтингни эшитсам, бахтиёрдекман,  
Фамингни эшитсам, гуноҳкордекман,  
Гоҳ ўзим хўрлаган меҳринг, ишқингга  
Ўзим ташнадекман, ўзим зордекман.  
Балки бу ёшликнинг юза ҳислари  
Ўтгани-ю, ақл қуюлганидан.  
Балки улғайганим сайин ёшлигим  
Азизроқ, ширинроқ туюлганидан.  
Балки курашларда қоядек қалбим  
Бир совуқ нигоҳдан эгилганидан.  
Балки севишни-ю ва севилишни  
Юксак одамийлик деб билганимдан.  
Билмайман, ишқилиб, қўймайсан холи,  
Билмайман, не учун ҳаёт ва толе  
Шунчалар мураккаб, баъзида чалқаш,  
Кечирарми дея доим кўнглим ғаш.

1962

\* \* \*

Ҳар ким яхши деб атаса мени,  
Ҳеч рози бўлмасдим ўзим ўзимдан.  
Агар барча яхши, барча соз бўлса,  
Мўлжалдагидан ҳам балки яқинроқ  
Бўларди орамиз истиклолдан.  
Мабодо ёмон ҳам яхши деб айтса,  
Бир лоқайд бўлардим ёки устомон.  
Истайманки, яхши яхши деб айтсин,  
Ёмон ёмон кўрсин ва десин ёмон.

1962

\* \* \*

Тонги жамолидан турфа гулларнинг  
Завқланиб, бахтиёр кезасан ҳовлинг.  
Бепарво боқасан япроқларидан  
Аста кўтарилса шабнамнинг ҳоври.  
Билмайсан, бу менман, гуллар баргига  
Сени бир кўрмоққа кўндим дур бўлиб.  
Сезмай қиздирганда бераҳм офтоб,  
Бахтли кўзларингга беролмайин тоб,  
Изимга қайтаман бир ҳовур бўлиб.

1962

## КУЗ

Чирт этиб узилди олтинсимон барг,  
Куз, дедим, рангига термилиб маъюс.  
Йўк, деди, йўк, шоир, ундаймас афсус,  
Яшаш умидини этолмасдан тарк.  
Куёшга шунчалик ошик-шайдоман,  
Не илож ўтида саргаймай, ёнмай.  
Бугун хазон бўлсам меҳрига қонмай,  
Эрта ўзи билан бўлгум пайдо ман.

1962

## МАНА ШУНДАЙ БОШЛАНДИ БУ ШЕЪР

Худди деразамнинг ёнида чумчук  
Ярим соат бўлди, тинмай чирқиллар.  
Шеърга тутқич бермай асов фикрлар  
Мени тортқилайди, миямда зил юк.  
Чумчук чирқиллайди, мен ёзолмайман,  
Охир асабимни бузди, қўзғади.  
Хайдадим,

пир этиб шохга қўнди-ю,  
Баттар чирқиллади, баттар бўзлади.  
Хайдадим,  
кетмади.

Безовталаниб,  
Баттар чирқиллади, баттар бўзлади.  
Шунда билдим пастда беғам юрарди,  
Сап-сарик тумшукли нимжон боласи.  
Онаси патирлаб ташвишини ер,  
Гоҳ ерга тушади,  
гоҳ шохни эгар,  
Гоҳ менга қарайди нотинч жавдираб.  
Уйга қайтдим улар меҳрини аяб,  
Мана шундай бошланди бу шеър.

1962

## ҚОҒОЗ ГУЛ

Ташқарида тинмай бўралайди қор,  
Уй ичи баҳордай,

хатто гулдонда

Қоғоздан ясалган гулдаста ҳам бор.  
Гуллари ранг-баранг, нафис, чиройли,  
Бироқ хидламайди ҳеч қачон ҳеч ким.  
Баҳорда яшнамас, кузда сўлимас,  
Сув ҳам сўрамайди ҳаво бўлса дим.  
На шабада ўпар япроқларидан,  
На ари бол йиғар ёноқларидан,  
На капалак қўнар,

на гунча унар.

Ёмғир ювиб ўтмас чанг-ғуборини,  
Умрида билмайди булбул зорини.  
Субҳидам баргида титрамас шабнам,  
Шоҳидан узмайди бирон гулпараст,  
Ёнидан минг марта ўтганида ҳам...  
Ташқарида тинмай бўралайди қор,  
Сўнгги хазонларни узиб, учириб,  
Нинасини қўлтиқлаб совуқ юрибди.  
Ойнадан қарайман,

қор уюмидан,

Эгилмай чилланинг ел-куюнидан,  
Қуёшни қидириб, баҳорни кутиб,  
Она-Ер иссиғин кафтида тутиб,  
Нимжон гул новдаси чиқиб турибди.  
Ўйлайман,

мана бу чинакам умр.

Фақат ўзини деб, ўзин авайлаб,  
Биров ҳавас қилмаган заиф бахтидан  
Бир ўзи қувониб ва қилиб хузур  
Бир кичик хонанинг бўлгунча нақши,  
Ҳаётнинг қишини,

ёзини кўриб,

Қайноқ томирида ёниб, жўш уриб,  
Бир баҳор яшаган,

яшнаган яхши.

1962

\* \* \*

Чўри ҳам эмасман, қул ҳам эмасман,  
Меҳнат, ақлим билан сафда тетикман.  
Ватаним уқтирган ҳақ-ҳуқуқимнинг  
Бахти ҳимояси йўлида ҳатто  
Кирмоққа тайёрман жангларга тикка.

1962



\* \* \*

Тинмагур юлдузлар чарчамади ҳеч,  
Асрлардан бери инсонни чорлаб,  
Кўз қисди, имлади ҳар оқшом, ҳар кеч,  
Дилга ғулу солди сирли пичирлаб.  
Ақл қанотига чирмаб нурини  
Сеҳргар қўйнига тортди ҳамиша.  
Бугун висол дами яқинлигидан  
Юзлари ёнмоқда, кўзлари яшнаб.  
Бардошда юлдуздан ортиқ кучим бор,  
Қўймайман ёнимга келмагунингча.  
Шамолдек беором елмагунингча,  
Юлдузлар сингари кутаман бедор.

1963

## З И Н А Л А Р

Кимнидир елкасин тутган йўлимда,  
Кимларнинг меҳнати очган кўзимни.  
Кимларнинг қалбига, ишига боқиб.  
Ойнадан равшанроқ кўрдим ўзимни.  
Улар беҳисобдир, гарчи тарихда  
На бир юлдуз бўлган, на бирон қоя.  
Улар кишиликнинг йўлига мағрур —  
Мардлик-ла ястанган бир пиллаоя.  
Тошдан ўт чиқарган кимдир қачонлар,  
Кимдир таёқда ё қўлда ер чизган.  
Кимдир сукут билан боқиб дарёга,  
Биринчи маротаба ёғоч оқизган.  
Ким нина ясаган, кимдир филдирак,  
Кимдир биринчи бор қурган мўрини.  
Энг аввал буғдойни татиб қўрган ким?  
Кимдир ўйлаб топган сочининг ўримин.  
Қушлар парвозига солиб зеҳнини,  
Биринчи маротаба хаёл сурган ким?  
Зиналар, зиналар, буюк зиналар,  
Сизсиз улғаймади тарихда ҳеч ким.  
Битта погонангиз бўлсам кошкийди,  
Кимдир босиб ўтиб олдинга юрса,  
Ҳеч қандай умрга келмасди рашким.  
Унутилган битта поғона бўлиб,  
Шарафли, муборак шу йўлда турсам.

1963

\* \* \*

Дунёда нимаики мавжудот бўлса,  
Барига руҳ берган, бағишлаган жон,  
Тошларга ҳам хусн, умр бахш этган  
Ижодкор, меҳнаткаш, жафоқаш инсон!  
Аммо ўзи бир нарсага ҳамиша муҳтож,  
Ёмғирга тўймаган чанқоқ ерсимон.  
Меҳр-муҳаббатга ташна, доим оч,  
Меҳр-муҳаббатга тўймайди инсон.

1963

\* \* \*

Доим тонгга йўлдош бўлгани учун  
Қуёш чеҳрасидан аримас ханда.  
Шундан равшан эмиш кўнгли ҳамиша,  
Шундан ёшлик уни қилмасмиш канда.  
Тун бўлса ифвогар кўтарармиш бош,  
Қундуз у заифу тунда тор эмиш.  
Шундан ой юзида маъюслик ва ғам,  
Мармар сийнасида шундан доғ эмиш.

1963

## НИЛУФАР

Зилол сув бағрида ажиб гулдаста,  
Ёки сув париси кўриндимикан?  
Юзида биллурий томчидан парда,  
Балки табиатнинг ўзи рашк қилиб  
Назардан сақлашга уриндимикан?  
Ҳа, шундай. Табиат ўзи ҳам шайдо,  
Беқарор ел эмиш тоғу тошларда.  
Туну кун термилиб тўймабди ҳатто,  
Тўймабди иболи қарашларига,  
Охир фарқ қилибди кўз ёшларига.

1963

\* \* \*

Новдалар чайқалар сал турса шамол,  
Ё қамчи бўлади биров кўлида.  
Чинорни эголмас довул, бўрон ҳам,  
Чинор бўлгим келар ҳаёт йўлида.  
Новдадек синганни оқларман, аммо  
Қамчи бўлганни-чи? Ҳеч вақт, мутлақо!

1963

## У Р У Ф

Беўй улоқтирди уни аллаким,  
Билмади, орзуси фақат шу эди.  
Она — Ер кўксига лабини босиб,  
Энди мен яшайман, ўлмайман, деди.

1963

\* \* \*

Мен яхши биламан, пок бўла туриб,  
Таъқибкор кўзларга боқиш захматин.  
Ҳа, яхши биламан, ундай кезларда  
Кўрқок, пучакларнинг қилган хизматин.  
Ният, ҳисларимни минг бор титкилаб,  
Бирон доғ тополмай бўлардим ҳайрон.  
Аммо уни мендан кўп топардилар,  
Топардилар ҳар кун, ҳар соат, ҳар он.  
Одамларнинг меҳри қўймади ёлғиз,  
Ишонч овутарди ҳам ухлатарди.  
Хаёл юлиб олиб даҳшатдан мени,  
Худди шу кунларга олддан элтарди.  
Эй, менинг жафокаш, дўст хаёлларим!  
Эй, эзгу ниятдан силқиган ўйлар,  
Раҳмат сизга минг бор!

Алдамадингиз,  
Бугун дилим ёруғ, ҳам юзим ёруғ,  
Ёруғдир шаҳарлар, кўчалар, уйлар.

1963



## БАҲОР

Хуснингнинг менчалик шайдоси йўқдир,  
Менчалик тўймаган гадоси йўқдир.  
Кўкда ўйин қилган шўх қалдирғоч ҳам,  
Яшиллик югурган ҳам ўт, оғоч ҳам,  
Бўтана сувларнинг юзидаги гул,  
Қирдаги лола-ю, тоғдаги сунбул  
Қалбимга солади рашксимон туйғу,  
Қалбимга солади рашксимон нулу.  
Ойдинда мудраган беҳи гулининг  
Биллур косасига сиғолсам дейман.  
Юлдуздан дур тақиб, яна қолганин  
Қўйним, этагимга йиғолсам дейман.  
Фунчалар лабига беозор тегиб,  
Толлар баргагини тортқилаб, эгиб  
Ўйнаган елларга рашким келади,  
Еллардек тоғлардан ошгим келади...  
Ҳисларимни бўлди шу дам ажиб ҳол:  
Бир бутоқ тепамда силкиниб хушҳол,  
Секин шивирлади: — Сен, эй одамзод!  
Бизлар сенинг учун бўлганмиз бунёд,  
Асли сенга менинг рашким келади.

1963

## И Л Ҳ О М

Уйқумни тортқилар, ўрнимда минг чўв,  
Бутун вужудимни кабоб қилади.  
Мисралар минг тўлғоқ, минг бир дард билан  
Аста туғилади, боғлайди уруғ...  
Оҳ, бу меҳнатни фақат шоир билади.

1963

\* \* \*

Баъзан ҳориб-толиб юмуш-ташвишдан  
Ором истаб кўнглим тингиси келар.  
Қушлар қанотига енгил илашиб  
Жимжит сохилларга кўнгиси келар.  
На кўшиқ ёқади, на кулги, суҳбат,  
Пашша ҳам учмаса, олсам дейман тин.  
Қотиб ўтираман, босади ғафлат,  
Қўлларим ортиқча туюлар секин.  
Ўйим ҳам кўзимга шумшук, маъносиз,  
Даҳшатдан ўрнимдан тураман сапчиб.  
О, меҳнат, ҳаёту шодлик дояси,  
Бадбахт этма ҳаргиз сен мендан қочиб.  
Майли, чангалинга пийпаласанг ҳам,  
Товоним қабартса тошларинг тилиб  
Ҳислар гирдобиди чирпирак қилиб,  
Шеър ишқида дилим қиймаласанг ҳам  
Майлига.

1963

\* \* \*

Қирда лолаларнинг бағрига шўнғиб,  
Баҳор ҳидларини шимиргансимон  
Ҳар куни сархушман, ҳар куни шодман,  
Чунки мен инсонман, инсонман, инсон!

1963

## Қ И З И М Г А

Жаҳон менинг бағримдами ё мен жаҳон бағрида,  
Юз баҳорнинг елларими сочларимни силаган?!  
Минг гулшаннинг гулларида роҳатбахш бу  
кўлчалар  
Бахтга кўмиб юрагимни, юзларим эркалаган.

1963

\* \* \*

Қизгинам, ишларинг, ташвишларинг кўп,  
Менинг бахтим бўлган жанжал, сўроқлар.  
Менинг бахтим бўлган эркаликларинг,  
Менинг бахтим бўлган хушбўй дудоқлар.

Гард юкмаган уйни нима қилардим,  
Дам-бадам йиғмасам ўйинчоқларинг.  
Хотиржам уйқуни нима қилардим,  
Ёлмасам, устингни очган чоғларинг.

Баъзан полга тушган жажжи излардан  
Бахтимга боққандай қиламан ҳузур.  
Оппоғим, ўргилай меҳнатларингдан,  
Оппоғим, ҳамиша соғ-саломат юр.

1963

\* \* \*

Дилга яқин, аммо кўздан узоқ ёр,  
Бир елкан мисоли олис денгизда.  
Мен эса йилларки, қирғоқда тикка,  
Гоҳи умидсизман, гоҳи умидвор.

Тўлқинлар кўзимдан қочгундек нотинч,  
Пойи ғуборингни топмай қатида.  
Шарпанг келтиролмай ўз қанотида  
Шамол хушгагида йиғлайди ўкинч.

Асрлардан бери зордекман шундай,  
Дардинг билан бирга туғилгандекман.  
Бир нафас кўрмасам бўғилгандекман,  
Олисдан бўлса ҳам кўрингин кунда.

1963

\* \* \*

Фикрим ғаввос каби кўнглим тубидан  
Хислар дурдонасин излар дам-бадам.  
Борди-ю топмаса... Унда йўқ шоир,  
Шоиргина эмас, йўқолур одам.

1963



## ЁШЛИК

Эх ёшлик, умрнинг гўзал дилбари,  
Беҳисоб зафарлар, бахтларга ёрсан,  
Ёшлик, сен бир умр кетмайсан нари,  
Шу қадар иқболга, толега бойсан,  
Ҳаётнинг кўкида энг тўлин ойсан.

Ҳақиқат, адолат кулган Ватанда  
Сенга фақат-фақат бахт ўзи йўлдош.  
Саодат кутади ҳар бир қадамда  
Дилинг чекмас азоб, кўзинг тўкмас ёш,  
Чунки Ватанимда азиздир ҳар бош.

О, кўнлар бахт излаб бўлганлар ҳалок,  
Ўтказмаган сендек роҳатда умр.  
Бошидан асрлар кечирган фалак,  
Кўрмаган бу халқни халқинг каби ҳур,  
Сенга истиқлол қуёш сочар ёруғ нур.

Эх ёшлик, баҳордек кўркам, қувноқсан,  
Зафарлар улғайтар, ўсадир бўйинг,  
Шоирнинг мисраси каби равнақсан,  
Иқболнинг порлоқдир, ойдиндир йўлинг,  
Узатсанг ойга ҳам етади қўлинг.

1946

\* \* \*

Нотавон кўнглим нетарди мубталоси бўлмаса,  
Не қилай, бу мубталоликнинг давоси бўлмаса.

Йўлларида бекадр тупроқ бўлишга розиман,  
Босиб ўтарга унинг кибру ҳавоси бўлмаса.

Ўзгаларга ёр ҳамиша хуштакаллуф, хушчирой,  
Не учун бу илтифотлар кибру ҳавоси бўлмаса.

Ўзгалар гул тутса мен наврўзни қошига қўяй,  
Гарчи мен кўзга илинмас бир гадоси бўлмаса.

Шунча кенг олам Саида кўзларига тор бўлур,  
Васлига ҳар дам илинжу муддаоси бўлмаса.

1963

\* \* \*

Хар нарсанинг боши ва охири бор,  
Каштами, умрми ва ёки ижод.  
Ҳаётга келишдаги кайф қаёқда-ю,  
Ишонмайман,  
Кетаётиб десалар: мен шод.

Яна қандоқ ҳаёт, бир нафасини  
Бир нафас ташлашга кўз қиймас сира.  
Балки шунданмикан, баъзан сатрлар  
Қалбга ўт сололмай тортгани хира.

Асаб ҳам қарийди, завқ ҳам, туйғу ҳам,  
Шеър ҳам қарирмикан шоир қалбида?  
Баъзан қаймоқ боғлаб, ширага тўлиб,  
Бир чўққининг боши ё охири бўлиб  
Шеър ҳам қарирмикан шоир қалбида?

Қариш ҳам ҳар кимга қилмайди насиб,  
Бу бахтдан агарда бўлсам бахтиёр,  
Бўйимдан баландроқ бўйни ахтариб  
Орзиқиб орқамга қарардим такрор.

Орқага ўтсаму ва бўйларини  
Бир кичик кўз бўлиб томоша қилсам.  
Менга кифойди бир вақт шеърларим,  
Шу улуғ даргоҳга, шеър даргоҳига  
Кимнидир етаклаб кирганин билсам.

Бешогирд одамдай ўрним бўш бўлса,  
Мендан яасалар мустаҳкам девор,  
Қулашимни азоб билан кутардим.  
Кўп бебахт бўлардим, қоя бўлсаму  
Лекин бўлолмасам бирон пойдевор.

1963

## Қ А Л А М

Қорозни мадҳ этсам, сен қилма таъна,  
Биламан, қаддингни кўп йўндим, букдим.  
Қора қошларингни аёвсиз тўқдим,  
Барибир гўзалсан, гўзалсан яна.

Қалбимдаги ишқни, ўт эзгуликни,  
Такрорлай-такрорлай бўласан адо.  
Айт, сенга, азизим, ким қилмиш ато  
Бунча фидойилик, бу гўзалликни?

Сенсиз қар ҳам соқов бўлурди қороз,  
Дилимни имосиз англаган дўстим.  
Сўзимни сабот-ла пойлаган дўстим,  
Ёзавер, қорайиб, қуйиб, ёниб ёз!

1963

\* \* \*

Дарахтлар гуллабди мендан яширин,  
Хатто сездирмасдан тугибди ғўра.  
Яна пинҳон дилга фунчалар сири,  
Япроқлар каттайиб тортибди хира.  
Наҳотки оламга етгулик кўркин  
Шунча хасислик-ла яширди баҳор?  
Ёки қарадимми мен унга бефарқ,  
Тавсиф қилмадимми такрор ва такрор.  
Қиттай бефарқликка қилолмай тоқат,  
Шунчалик ўч олган экан табиат,  
Ох, қалбим, бир дам ҳам шу лоқайдлик-ла  
Инсондан муҳаббат сўрама ҳеч вақт.

1963

\* \* \*

Кеча бўртиб турган гунчалар бу тонг  
Оппок гуллар бўлиб кутди куёшни.  
Эрта ғура тугар, кейин бўлар бол.  
Сўнг сариқ либосин ечаркан хушхол  
Кекса қиш тизига қўяди бошни.

Гарчанд қайтмаса ҳам бу баҳор, аммо  
Дов-дарахтга янги баҳор келади.  
Новдалар қайтадан гулга безаниб,  
Қуртаклар ям-яшил баргчалар ёзиб,  
Атрофда парвона шамол елади.

Инсон умрининг-чи, баҳори битта,  
Ёзи бор, кузи бор, лекин йўқ киши.  
Беҳуда бемехнат ўтмаса баҳор,  
Куз келганда уни такрор ва такрор  
Эслаб софинишдан қўркмайди киши.

Сочга қўнган қиров ҳам ярашар шунда,  
Дард билан ёнган дил кўзгуси бўлур.  
Серқуёш, серчаман баҳор хуснидек,  
Кузги меваларнинг хушбўй исидек,  
Умри умрларнинг эзгуси бўлур.

1963

## Қ О Ф О З

Қалам тутганимда биринчи марта,  
Оппок чехра билан кулиб қарадинг.  
Дўсту сирдошликка доим ярадинг,  
Ташаккурлар айтай сенга минг қайта.

Энг яхши ҳисларим, туйғуларимни  
Бағринга топширдим, оқлигингданми?!  
Эзгуликка ҳамроҳ, поклигингданми,  
Ҳатто яширмадим қайғуларимни.

Буюк ниятларни асраб ортмоқлаб  
Асрларга кўприк бўлган ўзингсан.  
Гавҳарга киприк бўлган ўзингсан,  
Ёмонни фош этиб элга, лаънатлаб.

Қанча қораласам юзингни, шунча —  
Юзимни оқ қилдинг, холислигимдан.  
Элга эл, ёмонга олислигимдан,  
Дўст бўлдик, оппоғим, ўла ўлгунча.

1963

\* \* \*

Гунча очилиши сирдир одатда,  
Лекин аямайди хуш бўйин, хуснин.  
Билмайман, қайси кун, қайси соатда  
Қалбимга жон бўлиб ўрнашган исминг.  
Билмайман, яхшиси, сўрама ҳеч вақт,  
Билмайман, қайси кун, қайси соатда —  
Менга илашган бу уқубатли бахт,  
Билмайман, қайси кун, қайси соатда.  
Гўё у туғилиб, биринчи марта  
Эшитган сўзимдек олис, қадрдон.  
Кўзимга гоҳи нур, гоҳ бўлиб парда,  
Гоҳ олға етаклаб, гоҳ қўяр йўлдан,  
Билмайман, яхшиси, сўрама ҳеч вақт...

1963



\* \* \*

Хатто уйқусида хўрсинса қизим,  
Дилим зиркирайди, ранжиган балки,  
Димомимни тутиб нафасига жим,  
Гунча лабларидан излайман кулги.  
Ўпиб-ўпиб уни қиламан хузур,  
Педагогика ҳам қолар бир ёнда.  
Ҳеч қандай ақлга бўйсунмас бир зўр  
Қуёш парчалари кезади қонда.  
Ишончимни юклаб меҳрим бўйнига  
Бахтиёр шўнғийман ҳислар қўйнига.

## Қ А Л Б

Ҳар нарсага куйма, дейишар менга,  
Куймаган юракни нима қиламан.  
Ортиқча юк қилиб уни танага,  
Ёнмаган юракни нима қиламан.

Мен-ку, шоир ахир, ҳар бир инсон ҳам,  
Бебахтдир қалбининг қўри бўлмаса.  
Чирок ардоқланмас эди дам-бадам,  
Парпираб ёнмаса, нури бўлмаса.

1964

## СОЧ

Ошиқ бўлган унга не-не йигитлар,  
Шоирлар тўқиган ғазал, дил ёқиб.  
Тундек кокиллардан бағри тутақиб,  
Ўртаниб куйлашган ёниқ байтлар.

Аёллик хуснига хўп ярашади,  
Қизлик назокати у билан майин.  
Ноз билан орқангга ташлаб атайин  
Ўтганда кўрганнинг ақли шошади.

Сочим узун бўлса, тим қора бўлса,  
Оркамда тўлганиб турса юрганда.  
Майлийдди, кўлларим толса ўрганда,  
Майлийдди, кийналиб тик туриб ювсам.

Ўтган ҳам, кетган ҳам қараса қайта,  
Қизчалар тортқилаб қочишса суйиб,  
Йигитлар термилса кўзлари куйиб,  
Баъзан кўчасидан ўтган пайтимда.

Юз хил турмаклардим, лекин қирқмасдим,  
Ишда халал берса, чулғардим бошга.  
Ёримнинг дилини солиб оташга,  
Юз хил турмаклардим, лекин қирқмасдим.

1964

\* \* \*

Шеър кайфи кун бўйи қилди бетоқат,  
Дилим фижимланиб тунни кутардим.  
Аёллар тақдири баъзида ғалат,  
Бекалик қисмати не кундузларни  
Қонунга чап бериб юлиб ўтади.  
Пинхоний кутамаи сокин, жим тунни,  
Офтобни кутгандай интиқ, интизор,  
Олис-олислардан ташлаб тўрини  
Олис-олислардан тун қанот ёзар.  
Кела қол, камтарин, камсухан дўстим,  
Оппоқ қоғоз узра тўк сочларингни.  
Кела қол хаёлкаш, сирдош дастгоҳим,  
Ёза қол, ёза қол қулочларингни.  
Қалби ўт, ўзи гунг, содда ошиғим,  
Кела қол, офтобдай ҳисларим тўкай.

1964

\* \* \*

Романлар, азизлар, ақл ўргатманг,  
Ақл ўргатсангиз келади гашим.  
Гарчи чорак аср умримдан шодман,  
Лекция тинглашга етган бардошим.  
Сиз фақат қалбимга гапиринг дейман,  
Ишк изҳор этгандай шивирлаб секин.  
Гапиринг, тунлари бедор тинглайман,  
Кўзимга кўз тикиб ўрганманг лекин.  
Гапиринг, қўшиқдай сеҳрли, майин.  
Токи сархуш бўлиб қолай ҳислардан.  
Ҳар куйга солингу панд берманг лекин,  
Панд бермай етакланг қутлуғ излардан.  
Романлар, азизлар, ақл ўргатманг,  
Ақл ўргатсангиз келади гашим.

1964

\* \* \*

Гулларга термилиб баъзан юзингни  
Тасаввур қилардим қалбда яширин.  
Балки шунданмикан, кўзимга, қизим,  
Ўтдек ёнишингнинг сабаби, сири.

Қора кўзликларга боқиб суқ билан  
Шундай бўлса дердим ёниб, энтиқиб.  
Лабингни излардим, атир гулининг  
Олов ғунчасига кўзимни тикиб.

Қалбу фазилатни йиғиб кўплардан  
Бир инсон ясардим мукамал, улур.  
Биламан, оналар хаёли ҳар вақт  
Юксак тилакларга, орзуга тўлиқ.

Тоза виждон билан, содда қалб билан  
Ардоқлаб ўстирсам, сева билсам чин.  
Иложи йўқ, шу хислатлардан  
Юрагингга тушмасдан учкун.

1964

\* \* \*

Гилос шохларига қор қўнган каби,  
Шафтоли кийибди кўйлак пушти ранг.  
Тантиқ шабаданинг тутган асаби,  
Новдалар қаддини кўтарар аранг.  
Нафис гулкосалар тўлганар тинмай,  
Ўткинчи ёмғирдан ёноғида ёш.  
Охир беролмайин шамолга бардош,  
Арига бол тутди шошиб, билдирмай,  
Қуруқ вужудини топширди елга.

Шунга ўхшаб кетар чин инсон умри,  
Ажал юлиб олса — ишқи, кўз нури,  
Юрагининг тафти қолади элда.

1964

\* \* \*

Майса ниш урибди ариқ бўйида,  
Биринчи севгидек бирам беғубор.  
Куёшга талпинган қиёқларида  
Биринчи севгининг соддалиги бор.  
Кўрмаган саратон офтобини еб,  
Кузнинг тўзонларин мутлақо билмас.  
Булут кўз ёшидан талтайиб, ишқ деб,  
Баҳор елларига юз тутади маст.  
Майса ниш урибди ариқ бўйида,  
Биринчи севгидек бирам беғубор...

1964



\* \* \*

Шеърларим, қалбимдан силққан қонимсиз,  
Дард билан ёзаман минг бир тўлганиб.  
Бир парча ўт бўлиб ловиллаб, ёниб,  
Шеърларим, қалбимдан силққан қонимсиз.

Ғижжак тори бўлур юрак ўша пайт,  
Анвойи оҳангга тўлган, тўлиққан.  
Ҳаёт сирларини қатида йиққан,  
Ғижжак тори бўлур юрак ўша пайт.

Унга камон бўлур ҳамма гўзаллик,  
Гоҳ ўзга кўзида жилоланган бахт.  
Гоҳ куйиб, ўртаниб ёзилган бир байт,  
Унга камон бўлур ҳамма гўзаллик.

Япроқ шивири ҳам тегиб ўтади,  
Еллар қанотида юлдузлар тушар.  
Гуллар чайқалади, сайрайди қушлар,  
Япроқ шивири ҳам тегиб ўтади.

Кичкина уйимга сиради олам,  
Тортишув, баҳслашув бўлур авжида.  
Шоирлик бахтидан мен мамнун жуда,  
Кичкина уйимга сиради олам.

Шеърларим, қалбимдан силққан қонимсиз,  
Дард билан ёзаман минг бир тўлганиб.  
Бир парча ўт бўлиб ловиллаб, ёниб,  
Шеърларим, қалбимдан силққан қонимсиз.

1964

\* \* \*

Шохлар кўтаролмас ўзин ҳосилдан,  
Тиргович бўлмаса синиб тушарди...  
Айри елкасига опичиб зилдай  
Мевалар бехато етилиб пишди.  
Мақтов-ла ўртада кўрилди бахам.  
Қачон экилгану қачон гул очган,  
Борбоннинг қўлидан қанча сув ичган,  
Ташаккур айтилди ел, қуёшга ҳам.  
Фақат ётар эди тиргович четда  
Яхшилиқни тилаб, миннатни билмай,  
Нолимай, ўкинмай ва малол олмай  
Фақат ётар эди тиргович четда.  
О, агар меҳрдан пиёла ясаб,  
Шеърдан май тутмоқнинг бўлса иложи.  
Тирговичлар учун ичинг деб қистаб,  
Тирговичлар учун деб солардим жар.

1964

\* \* \*

Йиллар ҳатто сочдан рангни ўчирди,  
Хуснга ташлади нурсиз бир соя.  
Аммо хаёлингга етмайин кучи,  
Ўзимга бутунлай берди ниҳоят.

Лекин сен чўчима, ўйлaringни мен  
Фақат ўн саккизда туриб эслайман,  
Фақат ўн саккизда юриб излайман.  
Ўн саккиз ёшдаги йўлларингни мен.

1964

\* \* \*

Арчазор ёнида бир туп оқ қайин,  
Мармар танасини чулғабди олов.  
Қуёш нурларига чайаркан бетин,  
Қаҳрабо япроқлар ёнади лов-лов.

Бошига кўтарган ерни ўпсам деб,  
Орзиқиб елларга тутади кўксин.  
Зумрад ёшлигимни қайта топсам дер,  
Оҳ, яна бўлсам, дер, новдалар хусни.

Арчазор ёнида бир туп оқ қайин,  
Яшашни ўргатиб турар атайин.

1964

\* \* \*

Сайр қилсангиз, бўлайин гулзор,  
Тингласангиз, бир булбули зор.  
Чанқасангиз, муздек бир чашма,  
Бўстон бўлай, кезинг беозор.

Ёр йўлида мунтазир кўрсам,  
Ойдин бўлиб бошлаб келайин.  
Ғамингизни айтинг, олисга,  
Олисларга ташлаб келайин.

Аммо дўстга дўст бўлмасангиз,  
Ёмон ният тугсангиз дилга.  
Яхшиларга йўлатмам сизни,  
Чўғир бўлиб ётаман йўлга.

1964

\* \* \*

Фикр чарчатади баъзида, аммо  
Дам берсам жуда тез ўтмаслашади.  
Тинчини бермасам у дўстлашади,  
Пардасин кўтариб ҳар муаммонинг.  
Офтоб жилосидан ипак қатимлаб,  
Ойнинг билагига солиб арғимчок.  
Коинотни зумда нур каби ҳатлаб  
Сирли висолига очади кучоқ.  
Кундузи — у қувлар, тун кечалар — мен,  
Икков қўшилишиб шеърга сингамиз.  
Шундай энгиб келдик рафлат, жимликни,  
Бундан бу ёғи ҳам шундай энгамиз.

1964

## Қ О Я

Қоялар, забонсиз, сирли қоялар,  
Асрлар изи бор пешанангизда.  
Тошбағир сийнангиз ҳатто нурдан ҳам,  
Шунча абадийлик, умрлардан ҳам  
Бир ҳаёт яратмас кошонангизда.

Қуёшга қанчалар яқинсиз, аммо  
Муздек кўксингиздан аримайди қор.  
Бундай виқор билан турманг қаршимда,  
Нуктадек бўлсам ҳам ҳар қарашимда  
Ҳаёт бор, қалбимда балқийди баҳор.

1964

\* \* \*

Булут чикмаса кўкка,  
Тиниклиги қайдан билинур?  
Ишқ тушмаса юракка,  
Буюқлиги қайдан билинур?  
Қиш бўлмаса, офтоб  
Иликлиги қайдан билинур?  
Дил бермаса хижронга тоб,  
Содиклиги қайдан билинур?

1964



## А Р Ч А

Иззат-икром билан ўтказдик тўрга,  
Шохларига осдик зарлик чироклар.  
Ўрмон нафасини таратиб уйга,  
Ўн кун яшаб турди кулиб, чарақлаб.  
Сўнг кўм-кўк чиройли ниначаларин  
Кўз ёшлари каби дув тўкди бирдан.  
Йиғларди соғиниб ўрмон ҳавосин,  
Безор бўлган эди ясама қордан.  
Заминсиз, ёғинсиз, дўстсиз, ҳамроҳсиз  
Безаклар жонига кирмади ора.  
Баданин ачитган изғирин елсиз,  
Иссиқ хонада у топмади ором.

1964

\* \* \*

Қатра сингса ҳамки ернинг бағрига,  
Лоақал қонади тупроқ бир чимдим.  
Шеърларим қайсидир дилнинг қаърида  
Бир орзу, эзгу бир ният уйғотиб,  
Бир турён, гўзал бир ҳисни кўзғатиб  
Қатрадек йўқолса мен рози эдим.

1964

\* \* \*

Қизча талпинади, дадаси эса  
Асабдан қаттиқроқ қисган таёғин.  
Азиз фарзандини кўтарай деса,  
Тирак бўлишга йўқ унинг оёғи.  
Эсимдан чиқмайди бу манзара ҳеч,  
Ота кўзидаги ҳам ўкинч, ҳам бахт.  
Гўдак лабидаги маъсумлик, қувонч,  
Бутун вужудимни қилганди карахт.  
Шер бўлиб асраган бахти олдида  
Не азоб ҳозирги нотавон туриш...  
Билсайдинг, болажон, эй нуридийда,  
Сени елкасига опичиб юриш  
Бахтини билсайдинг...  
Ўкситма, ўзинг ҳам ўксима, эркам,  
Ўрин ўтмаса ҳам келгин бағримга,  
Бошимга кўтарай, ирғитай кўкка.  
Сен, ўзи бебахри шу бахтни даданг  
Кўпларга улашган, менга ҳам берган,  
Кел, ўзим кўтарай оппоғим, эркам.

1964

\* \* \*

Ҳаётдан нолиса биров, суймайман,  
Айниқса, соғ бўлса кўли оёғи.  
Ҳаёт сийлар бизни қувонч, бахт билан,  
Не ажаб бўлса гоҳ алами, дори.

Қурашсиз, меҳнатсиз шодлик, кулгуни  
Ўғирлик мол дейман, қиламан хазар.  
Қалбимнинг парчаси сингмаса агар  
Розимасман биров ҳады этса зар.

Ғамимни айтмасам, токи ўзганинг  
Кўнглига бир он ҳам ғашлик солмасам.  
Бахтимни дўстларга хушнуд ёйсаму  
Лекин уни ҳеч вақт йириб олмасам.

Ҳаёт тўлкинида бир ҳасдек ожиз,  
Увол аталишга қилмасман тоқат.  
Умримнинг бир они ўтмаса беиз,  
Худди ана шундай яшасам фақат.

1964

## ДАДАМ ХОТИРАСИ

Дадагинам,  
Хар ўтган умримга назар ташласам,  
Қиттай губор сезсам, кўнглим гашланар.  
Ранжитиб кўйдимми, деб руҳингизни,  
Жигаримни кабоб қилар оташлар,  
Дадагинам!

Гоҳ лентам, гоҳида ботинкам ипин  
Бовлаган меҳрибон кўлларингизни,  
Тоғдаги чашмадек мусаффо, тиниқ —  
Қалбингиз, муборак йўлларингизни  
Бир лаҳза топсам,

Оҳ, битта ўпсам.

Ўқишим саз бўлса, юз-кўзингизда  
Тенги йўк бир қувонч порлаб кетарди.  
Шундай боқардингиз, гоҳ уйимизга  
Кичкина дўстларим чорлаб келганда.

Дадагинам,

Ўзингиз солгансиз менга шеър ишқин,  
Нега ўқимайсиз сатрларимни?

Нега текширмайсиз дафтарларимни,  
Нега қойимайсиз хатойим учун?

Ҳеч нарса қолмасди назарингиздан,  
Сал чучук сўзлашим, юришимгача.

Сув бўйида ўйчан туришимгача,

Ҳеч нарса қолмасди назарингиздан.

Ҳали ҳам шу назар қилади таъқиб,

Йўлимга ҳамиша нур, чироқ ёқиб.

Гоҳ жиддий, гоҳида мулойим боқиб,

Меҳр кўзи билан қилади таъқиб.

Кичкина обрўйим балки шундандир,

Шундандир каттакон бахт тўла уйим.

Шундандир излаган, интилган ўйим,

Кичкина обрўйим балки шундандир.

Номингиз элимда ардоқлай олсам,

Розиман қиз бўлиб туғилганимдан.

Яхши ўғил каби мен сақлай олсам,

Розиман қиз бўлиб туғилганимдан,

Дадажонгинам!..

1964

\* \* \*

Билмайман, ҳар куни кекса бу дунё  
Қанчалаб гўдакка очади бағир.  
Лекин, биламанки, ҳеч қайси она,  
Эртадан бирон бахт қилмаса умид,  
Фарзанд туғмас эди, бермасди умр.  
Олам манглайдан ажинни ёзиб,  
Бироқ туғилмоқда тинмасдан одам.  
Хитой, Америка, Вьетнамда ҳам  
Бомбаларни янчиб, низони эзиб,  
Одам туғилмоқда сира тинмасдан,  
Умидсизлик нима, асло билмасдан  
Туғилмоқда тилак, қудрат курашлар.

1965

\*\*\*

Кўзларига сингиб кетар вужудим,  
Кирмаган тиканнинг захрин тортаман.  
Унга озор етса, ўлган бўлсам ҳам,  
Қасоскор, даҳшатли бўрон бўламан,  
Дилларга гулгула, сурон бўламан,  
Тинмайман, ҳаётга яна қайтаман.

1965

\* \* \*

Қор ёғар, қор ёғар бирам хушхаво  
Қор ёғар, қор ёғар, айна муддао.  
Келинлар, жўралар, бир дам кезайлик,  
Кимки нохуш бўлса топгуси даво.

Дарахтлар шохида, бўғотларда қор,  
Тарновлар тишлаган новвотларда қор.  
Юзига биллурдан нафис тўр тутиб,  
Қор қўйнида жимжит оқади анҳор.

Қор ёғар, қор ёғар пояндоз бўлиб,  
Қор ёғар, қор ёғар бирам соз бўлиб.  
Қаранглар, жўралар, қизлар юзига  
Лаъл суриб ўтибди қор пардоз бўлиб.

Қор ёғар, қор ёғар бирам хушхаво,  
Қор ёғар, қор ёғар, айна муддао.  
Юринлар, жўралар, бир дам кезайлик,  
Кимки нохуш бўлса топгуси даво.

1965



## ЙҮЛЛАР

### I

Йўллар, йўллар, обод, поёнсиз йўллар,  
Йўллар, йўллар, олис озорсиз йўллар.  
Бу йўллардан гўё мени кифтида,  
Меҳнати, меҳрининг ўти, тафтида  
Кўтариб боради минг-минглаб кўллар.

Доим кулоғимда лом ҳам шағалнинг  
Полвон бульдозернинг тинмас шовқини.  
Кўзимда кимлардир ташна лаб билан,  
Губор қўнган қошу тиниқ қалб билан  
Мириқиб шимирар тер томган сувни.

Хатто машина ҳам ҳарсиллаб қолиб,  
Энтикиб сув сўрар бу тоғларда гоҳ.  
Терлаган яғриндек ялтиллаб тошлар,  
Бу ерларда ўтган кураш, бардонлар  
Сиридан қилгандек бўлади огоҳ.

Йўллар, йўллар, дoston сатрларидек  
Ҳар қадамда сизни ўқиса бўлур.  
Тилакларни улаб тилаклар билан,  
Юракларни улаб юраклар билан  
Яна олисларга йўллар йўл олур.

### II

Ён бағрида ўтлар қўзилар,  
Чўпон ҳайдаб олисдан кепти.  
Мени тотли гўшт есин депти,  
Хушбўй, тиниқ ўтларни излаб.

Яшиқларин кўтариб атай,  
Асалчи ҳам чикмиш шаҳардан.  
Мени асл асал есин деб,  
Бунда тинмас эрта саҳардан.

Ташна бўлса зор бўлмасин деб,  
Булоқ кўзин очиб кетган ким?  
Олтин қўллар, меҳрибон қўллар,  
Сизга минг бир қиламан таъзим.

Йўл чарчатса ҳордиқ ёзсин деб,  
Чўкқиларга суҳбатгоҳ курган.  
Эй, тинмаган, азиз одамлар  
Нима қилай, айтинг, буюринг.

Шеърим босмас қалбим ўтини,  
Ахир у ҳам сизники, сиздан.  
Нима қилай, айтинг, буюринг!  
Ўргилайми мен изингиздан!

Куйим, ўйим, бари сизники,  
Сизникиман токи жоним бор.  
Нима қилсам, нима ёзсам ҳам  
Олдингизда қарздорман, қарздор.

### III

Тоғнинг кузи шунча кўҳликми,  
Қалбим, кўзим ҳайратдан соқов.  
Сакраб учиб ўтган какликми,  
Дўланалар ёнарми лов-лов?

Ён бағирлар афсона-ку нақд,  
Ирмоқлари сутми ё кўзгу?  
Худди гулхан бунда ҳар дарахт,  
Хазонлари учкуннинг ўзи.

Шунча рангни бағрида тутган,  
Қоялар-чи, виқорли, кибор!  
Аммо қайда гўзалликки бор,  
Унга инсон оёғи етган.

### IV

Қорлар тўёлмасдан тоғлар хуснига  
Баҳор лола бўлиб очилар эмиш.  
Баҳор лола бўлиб сочилар эмиш  
Қорлар тўёлмасдан тоғлар хуснига.

Баҳорда йиғлармиш шалола бўлиб,  
Гоҳи шовиллармиш бўлиб зўр дарё.  
Ишқин шивирлармиш ирмоқ бўлиб ё,  
Гоҳ тўхтаб, гоҳида елиб-югуриб.

Баҳорда илдизлар бағрига сингиб,  
Товлар шарбатини сўр, деяр эмиш.  
Бўйинг чўз, тоғларни кўр, деяр эмиш,  
Боғларда илдизлар бағрига сингиб.

## V

Йўллар топиб ва топиб ҳамдам,  
Чўққиларда ёнғоқ унибди.  
Шу забонсиз тошлар узра ҳам,  
Ғолиб ҳаёт мағрур турибди.

1965

\* \* \*

Қалбим торларини гоҳ тонгги насим,  
Гоҳ дағал бармоқлар чертар беаёв.  
Бир сатрим ирмоқдек қуйилади жим,  
Бир сатрим кўзимга санчилгундек ёв.

Кошкийди, ғазабкор, пичингга тўла  
Шеърларни ёзмасам, ёзмасам сира.  
Кошкийди, барчага кулги улашиб,  
Ҳеч кимнинг дилини қилмасам хира.

Аммо шоир дили, тили бир уммон,  
Асали тугамас, захари қочмас.  
Кўзига тушмаса ўша бир ёмон,  
У ҳам беҳудга захрини сочмас.

1965

\* \* \*

Тонг бўзариб келарди, юлдузларнинг жамоли  
Яна ҳам яшнаб бир дам очилгандай туюлди.  
Тонг ёришиб келарди, гўёки шу юлдузлар  
Коиотнинг бошидан кундуз бўлиб қуйилди.

1965

\* \* \*

Бадбўй шу ўсимлик дард аритармиш,  
Гўё дўстнинг берган аччиқ дашноми.  
Содик дўст ёмон кун асқатар эмиш,  
Агар шундай бўлса... Чиндан ошнами?

Кўз ёш пардасида бўлса-ю ҳозир,  
Кулгингни кўришга қилмаса тоқат.  
Шахсан мен булардан қиламан ҳазар,  
Чунки дўст бахтидан тирикман фақат.

1965

\* \* \*

Нур бўлиб порлайди қалбим шеър ёзсам,  
Оташ ҳам тиниқ ўт бўлиб ёнур,  
Аммо ёмонликни кўрсам ё сезсам,  
Шундай тутайдики, дудга айланур.

Гарчи кўп ёндиму гоҳ-гоҳ тутадим,  
Гарчи ёмонликни яхшилик енгди.  
Аммо шу озгина тутаганларим  
Яна қанча ёнишларга етарди.

1965

\* \* \*

Уйкуга бош қўйди офтоб оҳиста,  
Кечди шабадада тўлғанди гулзор.  
Ранг, нусха кўчириб, излаб пайваста,  
Капалакнинг шунда тунагиси бор.

Атиргул юзида кулдиргич порлаб,  
Бирам яшнатибди жамолин, ҳуснин.  
Гунча бир кулгига энди очган лаб,  
Райҳон кокиллари уфурар исин.

Юзидан қон томган гултожихўроз,  
Илиги тўқ элнинг қарисисимон.  
Қаддини кўз-кўзлар гулхайри танноз,  
Хиналар уятчан париларсимон.

Тож кийган гулсафсар хаёлчан, кибор,  
Шойигулнинг бағри ёнади лов-лов.  
Ер бағирлаб ётар бир гулибеор,  
Дўстларга қарашга кўнгли бермай дов.

1965



\* \* \*

Чумоли уясин бузган болага  
Қизим куйиб-пишиб қиларди ўғит:  
— Ўлдирма, аяси йиғлайди ахир,  
Аяси излайди, қўй, тегма, бор, кет!  
Зар сочса бунчалик қувонмас эдим,  
Бунчалик бўлмасдим бахтли, бадавлат.  
Наҳотки, онани ўйлар гўдагим,  
Наҳотки, соллодим қалбига шафқат!

1965

\* \* \*

Баъзан рўзгордаги бирон буюмни  
Кўздек ардоқлаймиз чангдан ва намдан.  
Шунча аясайдик агар одамни,  
Шунча асрасайдик ўксиш ва ғамдан,  
Юзлар табассумдан аримасмиди...  
Касод бўлармиди дори бозори?!  
Кўрмай докторларнинг меҳрин, озорин  
Одамлар баъзан тез қаримасмиди?!  
Судлар эснаб-эснаб бекорчиликдан  
Иш сўраб колхозга кетарди балки.  
Харқалай, шунақароқ бўларди, дейман  
Уйлардан эшитилса фақат куй, кулги.

1965

## СЎНГИ ЙЎЛ

Қадамлар, шарпасиз оғир қадамлар,  
Кўзлар пардасига қалққан аччиқ ёш.  
Энг сўнги сафарга кимни узатар,  
Ҳамкасбми, қўшними ёки қариндош?  
Гуллар хусни шунча совуқми асли,  
Висол дамидаги кўрки қаерда?  
Бугун табиатнинг қанақа фасли,  
Ҳеч ким пайқамайди, кўзлари ерда.  
Майлига, ранглар ҳам ўчсин бир нафас,  
Майлига, офтоб ҳам беркинсин бир дам.  
Майлига, бир зумга йўқолсин ҳавас,  
Майлига, зил юкдай туюлсин қадам,  
Ахир орамиздан кетмоқда одам!  
Мотам сукутидан юрак қийноқда,  
Юрак қийноқдаки, бермагундай тоб.  
Аммо, мен истардим, юрак шу топда  
Ўз-ўзига шундай беролса ҳисоб:  
Дардин эшитдингми тириклигида?  
Бироқ шодлик куни гул тутганмидинг?  
Ёки ўша кунни унутганмидинг?  
Қадрига етдингми тириклигида?  
Шу сўроққа тутса кўнглимиз бизни,  
Балки ўлим яна кетарди йирок.  
Одамлар! Қадрланг бир-бирингизни,  
Гул ҳам, муҳаббат ҳам тирикка керак.

1965

## И Ш О Н Ч

Бировга ишониб баъзан панд ейман,  
Лекин ташлолмайман шу одатимни.  
Балки, шу ишончдир саодатимнинг  
Умри, келажаги, боиси дейман.

Ахир ишонмаса биронта менга,  
Санчгани афзалроқ қалбимга тикан.  
Шу ишонч ошиён қурмаган жойда  
Айтинг-чи, чинакам шодлик бормикан?

1965

## Қ Ҷ Ш И Қ

Халима Носировага

Ҳали бола эдим, ҳайрон бўлардим,  
Бош чайқаб тинглашса баъзан катталар.  
Лекин, неларгадир кўнглим тўларди,  
Нелардир қалбимни этарди талаб.

Кеча йиғлатганим учун эзғилаб  
Кучугимдан уэр сўрардим секин.  
Кўйиб юборардим тиллақўнғизни,  
Нима бўлганини билмасдим лекин.

Билмасдим, дилрабо ўша қўшиқдан  
Тақдирим дилимга ўрнашганини.  
Билмасдим, шеър бахти, заҳмати шунда  
Куй билан кўнглимга туташганини,  
Билмасдим.

1965

## ЧЎЛИ ИРОҚ

Тарихни сўзлама менга, эй одам,  
Битта чалиб бергин «Чўли ироқ»ни.  
Битта чалиб бергин, токи яна ҳам  
Яхшироқ ажратай қорани, оқни.

Бу куй асрларнинг баридан тортиб,  
Чўлларда толиққан ҳорғин карвондай  
Минг хил тақдирларни устига ортиб,  
Қалбимдан жимирлаб ўтади қондай.

Тарихнинг энг олис қатламларида  
Армонда ухлаган орзу-аламлар.  
Дунё манглайига ажин туширган,  
Дардни, қариликни яратган ғамлар.

Сахро чечагининг аянч кулгиси,  
Ёмғирдан жон кирган тупроқнинг иси,  
Ҳаммаси ўтади қалбимни ўйиб.  
Туя бўйнидаги қўнғироқларнинг  
Ташналик эслатган жаранги бўлиб  
Ҳаммаси ўтади қалбимни ўйиб.

Тарихни сўзлама менга, эй одам,  
Битта чалиб бергин «Чўли ироқ»ни.  
Битта чалиб бергин, токи яна ҳам  
Яхшироқ ажратай қорани, оқни.

Хаддан ошганга уни чалиб бер,  
Дўстлар дийдорини ғанимат билмай,  
Саробга шошганга уни чалиб бер!  
Чалиб бер, чалиб бер, андиша қилмай.  
Ўтмишни сўзлама, ўгит керакмас,  
Шу куйни бир марта чалиб берсанг бас.

1965

\* \* \*

Ердан нон ушогин олганим кўриб,  
Нега истехзоли кулдинг, яхши қиз?  
Диндор ўйладингми сен хаёл суриб,  
Борди-ю, шу ушоқ дин бўлса агар  
Сира иккиланмай чўкар эдим тиз.  
Яна истардимки, дунё, элларга  
Якка-ю ягона дин бўлса шу нон.  
Куймасмиди, балки далалар, қирлар,  
Абад топармиди бахтини инсон?!

1965

### КУЗ

Куз келди, ёноғи куйган япроқлар  
Кекса кўзлари каби тортибди хира.  
Аммо меваларга тўлибди шира,  
Етилиб товланар ишкомлар, боғлар.  
Табиат шунчалар одампарварки,  
Лол қолиб боқаман баъзан ишига.  
Биллур жига тақиб кумуш қишига,  
Ёз бўйи бузмайди гуллар таркини.  
Баҳорда дам-бадам ёмғир ювади,  
Япроқлар хуснини инсон кўрсин, деб.  
Ёзу куз қуёши булут кувади,  
Мевалар шарбатга тўлиб турсин, деб.  
Куз келди, ёноғи куйган япроқлар  
Кекса кўзлар каби тортибди хира.  
Аммо меваларга тўлибди шира,  
Етилиб товланар ишкомлар, боғлар.

1965



\* \* \*

Йўқламаган ҳар кунинг йилча бўлурми, ҳай-ҳай,  
Шунчалик шафқат билмас дилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Хуш суратинг бир нафас тарк этмас хаёлимни,  
Кўз шахло-ю, қош эса нилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Ҳар сўзда юз андиша қилғум донолигингдан,  
Кўнглингниг нозиклиги қилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Гоҳ ханжар, гоҳ асалдек сўзларингдан доғдамен,  
Жон олиб, жон бергучи тилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Васлингниг умидида дунёдан ўтиб боргум,  
Қаноатда Саида филча бўлурми, ҳай-ҳай.

1965

\* \* \*

Яланғоч новдалар мудрайди карахт,  
Қорними кутади тамшаниб кўкка?  
Чайир панжаларин ёзиб ҳар дарахт,  
Бедор қариядек ухлайди тикка.  
Дув тўкиб олтин ранг япроқларини  
Кимхоб пояндоздек йўлларга тўшаб.  
Нисор қилиб бутун жон-жаҳонини,  
Кучдан қолган мунис онага ўхшар.

1965

\* \* \*

Гуллар юзида ханда — бу боғдан ёр ўтдими,  
Одатин қилмай канда, яна бедор ўтдими?

Еллар нечун сарсари, кетолмайдилар нари,  
Кўнглимнинг моҳ пайкари кўзи хуммор  
ўтдими?

Райҳонга рашк қилиб гул, бағри қон бўпти  
буткул,  
Яна райҳон ҳидлаб ул, бундан такрор ўтдими?

Хар нарсада нур, викор, ҳатто тупроқ бахтиёр,  
Бир-бир босиб беозор, ул беозор ўтдими?

Дилда такрорлаб отин, тилаб умру давлатин,  
Сояси бўлиб тагин Саида зор ўтдими?

1965

\* \* \*

Ишқда вафо керак, ҳаётда мардлик,  
Шоирга ҳамиша дил керак дардлик.  
Уни одамларга қанча юқтирса,  
Уни одамларга қанча уқтирса,  
Шунча кўпаяди оламда яхши.

1966

## ТУПРОҚ ДЕЙДИКИ

Тупроқ кулгисидан яшарар олам,  
Тупроқ йиғисидан қурийди ҳаёт.  
У йиғласа бўлмас бундан ортиқ ғам,  
Унинг йиғисини кўрганмиз, хайҳот!  
Ернинг йиғлашини кўрмоқ бўлсангиз,  
Қурбонлар қабрига яхшилаб боқинг.  
Чора топ, деб сизга чўккундайин тиз,  
Унутма, инсон, деб шивирлар сокин.  
Тақдирдан маъюс, дилхаста ўзи,  
Кошқийди, кошқийди топса бир илож,  
Бағрингизга бериб жигарингизни,  
Ўрнига гуллардан тақиб олса тож.  
У пинҳон йиғлайди, ёқа этмай чок,  
Кекса она каби дилида дарди.  
Одамлар! Қурашинг, бирлашинг, токи —  
Шу азиз тупроқда қайғунинг гарди  
Қолмасин, бўлмасин, кўрмасин сира.  
Вайроналар белин букмасин мутлақ.  
Қуёшнинг чехраси тортмасин хира.  
Гуллар тиниқ бўлсин, қор бўлсин оппоқ,  
Тепкилаб, селкиллаб ўйин тушсангиз  
Япроқ бўлиб қарсақ чалган она — Ер:  
Кўксим қадоқ бўлмас пошна изидан,  
Фақат йиғлатманглар, йиғлатманглар.

1966

\* \* \*

Жийда гулларида хаво муаттар,  
Табиат кучига ўқийман таҳсин.  
Сочим, димоғимга яширгим келар  
Шу жажжи гулларнинг тенги йўқ исин.

Шохин синдиришдан тиёлмам ўзни,  
Истамасам ҳамки қилмоқни увол.  
Баъзан яхши нарса яхшилигидан  
Ўз умрига ўзи бўларкан завол.

1966

\* \* \*

Ғунчаларни уйғотган шамол  
Нечун барғни юлқилаб кетди.  
Бирин суйиб, бирин ирғитди,  
Табиатнинг ишидан мен лол.

Бирисини койиди юлиб,  
Мўртлигига бергандай дашном.  
Бирисидан парвона бўлиб,  
Қанотида ташиди шабнам.

Лоқайдликни билмагани-чун  
Таъзим қилгим келарди унга.

1966

\* \* \*

Билмайман, бу уйда яшаганди ким,  
Роса қилган экан меҳнат, ҳафсала.  
Бугун дил эзгувчи сукунат ҳоким,  
Синган қовургадек ётар вассалар.

Кўзимга етимдек мунгли боқади,  
Бир ёнда шuvoғи тўкилган ўчоқ.  
Гўё жонли вужуд, бағрим ёқади  
Қўли синиб ётган тилсиз қўғирчоқ.

Гоҳ алам, гоҳида чексиз шодликлар,  
Балки умрларнинг гувоҳи бу уй,  
Ғалвир баданида хотира сақлар,  
Хотирага шўнғиб сурган каби ўй.

Забонсиз шу тошлар, балки неча бор,  
Тинглаган тўй, базм, дўстлар сасини.  
Балки қатларида пинҳон ардоқлар,  
Юмшоқ йўргакларнинг хушбўй исини.

Меҳнат, умр бари, муҳаббат бари,  
Деворда панжалар изи — сирли хат.  
Наҳот шунча қаттиқ табиат қаҳри,  
Наҳотки, илож йўқ, бир чора қаҳат?

Фикрдан, ҳислардан увушган юрак  
Жавоб топган каби ёришди бирдан.  
Ахир одам омон, одамлар тирик,  
Ана ўтмоқдалар шошилинич, бардам.

1966



\* \* \*

Машиналар гиз-гиз ўтар ёнимдан,  
Бортида ёзувлар: Москва — Тошкент.  
Тошкентга Белорус, Украинадан,  
Шоферлар сергашвиш, шоферлар шошган.

Ҳаммаси ардоқли жигарим мисол,  
Миннатдор назарим кетар эргашиб.  
Қалбим бу оқибат қаршисида лол,  
Машиналар ўтар ёнимдан шошиб.

1966

\* \* \*

Кун ботиб бормоқда, турналар учар,  
Олисдан эшитилар чуғур-чуғури.  
Терак учларида бир ёниб ўчар  
Уфққа тиз чўккан куёшнинг нури.

Турналар кетяпти, билмам, қай юртга,  
Қайси элатларга бошлашди сафар.  
Мабодо биттаси сал қолса ортда,  
Безовта бўлади, бузилар сафлар.

Бир қўзғалиб яна ростланди сафлар,  
Ортда қолган бири қўшилди бардам.  
Не деб чуғурлашар, недир гаплари,  
Яхшилик сезаман не десалар ҳам.

1966

\* \* \*

Қизим кўшиқ куйлайди...  
Ирмоқлар шовилларми ё кушларнинг наъмаси,  
Куёшнинг шуъласими дилим тутган кафтида?  
Гўё дейди: ола қол роҳатларнинг хаммасин,  
Чидаш бера олсанг бас, муҳаббати, тафтига.

Қизим кўшиқ куйлайди...  
Ё табиат гулларга ранг улашар шу бугун,  
Ё зилол сув бағрига қалдирғоч тўш урдими?  
Субҳидамнинг еллари ўпиб дарёлар юзин,  
Гулшанларнинг атрини уфуришга турдими?

Қизим кўшиқ куйлайди...  
Юлдузлар жимирларми ё шаршара тўзони?  
Эй наққош, атласингга жилвасини кўчиргил!  
Тингланг, азиз одамлар, тингланглару фазони —  
Тутунлардан тозалаб, уруш отин ўчиринг.

Қизим кўшиқ куйлайди...  
Ё капалак қанотин ели тегди юзимга,  
Ё ёшлик бағридаги хаёл аралаш уйқу.  
Бир қатра шабнам бўлиб термиламан қизимга,  
Бир қатра шабнам қилиб қўйганди мени туйғу.

Қизим кўшиқ куйлайди...  
Ёки оқшомни қувлаб тонг келяпти тоғлардан,  
Ё атиргул гунчаси япроқ ёзди шу маҳал.  
Қаранг, азиз одамлар, далаларда, боғларда  
Куртакларни сийпалаб кезиб юрибди ҳамал.  
Қизим кўшиқ куйлайди...

1966

\* \* \*

Дарёларнинг ул юзида уйларингиз,  
Олислардан эшитилар куйларингиз.  
Кунда-кунда кўролмасам бўйларингиз,  
Тун кечалар уйку бермас ўйларингиз.

Дарёларни кечиб ўтсам, кечиб ўтсам,  
Кушлар бўлиб учиб ўтсам, учиб ўтсам.  
Шамол бўлиб гулшанлардан гул атрини  
Бошингиздан сочиб ўтсам, сочиб ўтсам.

Сув бўйида узоқ туриб сурманг хаёл,  
Сочларингиз мушкин олиб ўтса шамол.  
Ўзгаларга тарқатма деб қизғанаман,  
Дилгинамга келур малол, келур малол.

Дарёларда ёр сочини ювармикан,  
Гумонларни хаёлидан кувармикан.  
Йўлларига атиргулу райхон эксам,  
Бир қайрилиб, кўз учида суярмикан.

1966

\* \* \*

Изғирин ачитар, осмон элар ун,  
Дарахтлар танида меҳнатдан қадоқ.  
Қуриб-қовжираган танҳо бир япроқ  
Ел билан олишар мана неча кун.

Қуриб-қовжираган, рангида қон йўқ,  
Шамол ҳам қўймайди зулм исканжасин.  
Япроқ ҳам айирмас шохдан панжасин,  
Ёнида ҳамхона, бир меҳрибон йўқ.

Йўқ, йўқ, қилолмайман мен уни ҳавас,  
Дўсту ёр, жигарлар ва қариндошсиз,  
Ўртада бўлмаган дастурхон, ошсиз,  
Эй ҳаёт, олдирма, олмайин нафас.

1966

\* \* \*

Кимсасиз бу қирда қайдан бу қабр,  
Нечун одамлардан олисда, танҳо,  
Унсиз бу чиройни қилманг деб кадр,  
Табиат ҳуснига қасддан ётар ё?

Бошига бир туп тол ташламиш соя,  
Билмайман, ким экан, ардоқлаган ким?  
Барглар шивирида мунча мунг, нола,  
Нечун булоқлар ҳам куйламайди, жим?

Нечун кўзларимни яшнатмас гуллар,  
Қалбимни эзади офир алам, юк.  
Шабада ҳам мунча хунук увиллар,  
Чечакда дил тортар бир истара йўк.

Барига шу кичик бир қабр сабаб,  
Офтобнинг бу жойга сочган шодлигин  
Шу қабр ўзига олгандек қамаб,  
Барига шу кичик бир қабр сабаб.

1966

\* \* \*

Субхидамда сувга чиксам бир йигит хомуш юрар,  
Аклу хуши йўқ ўзида, гоҳ туриб, гоҳ ўлтирар.

Тим қаро кўзлар тикилмиш сувга айтиб арзи дил,  
Ё унинг кўзгусида бир мохирўй ёрни кўрар.

Тонг шамоли сўрса ҳолин сочларидан гоҳ ўпиб,  
Оҳ уриб ундан йигит ёр шарпаси, васлин сўрар.

Ҳолига зимдан назар ташлаб дилим бўлди забун,  
Билмадим, хуши қаёқда, сурати бунда турар.

Қай париваш кўрмади пайваста қошлар хуснини,  
Дер Саида ишқ қадрин билмагани ишқ урар.

1966

\* \* \*

Далалардан мужда келар  
Шамолларнинг қанотида.  
Унда ёрим пахта терар,  
Пўлат зангор фиротида.

Пўлат зангор фиротини  
Боғлаб олсам сеҳрим билан.  
Чаманларнинг гароватин  
Олиб берай меҳрим билан.

Тонгги шабнам хўл қилибди  
Беқасам тўн енгларини.  
Ўзи доим сардор бўлиб  
Бошлаб юрар тенгларини.

Оқ олтиннинг гарди кўнмиш  
Пайваста ул қошларига.  
Дўппи тиксам суйиб-суйиб  
Киярмикан бошларига?!

Далалардан мужда келар  
Шамолларнинг қанотида.  
Унда ёрим пахта терар,  
Пўлат зангор фиротида.

1966



\* \* \*

Бировнинг тилидан сўзловчилар кўп,  
Мажлисдаги таклиф, нутқини ҳатто.  
Буларнинг билгани, ўргангани: хўп,  
Кўлбола тўтилар бирон «катта»га.

Минг шукр, яхши-ю ёмон сўзларим,  
Ютуқ-янглишларим меники фақат.  
Жавдираб боқмадим ўзга кўзларга,  
Буйруқ, манманликка йўқ менда тоқат.

Чучмал сўзга сахий эмасман унча,  
Ширин эшитилмас ҳар бир тўғри гап.  
Севиб, қойганим, сўкканим учун  
Тортган азобимга бир ўзим сабаб.

1966

## ДЕНГИЗ БЎЙИДА

Даврлар, замонлар, асрлар балки  
Унинг тўлқинида йирлайди сўзсиз.  
Унинг тўлқинида чайқалар изсиз  
Гўзаллар, гўдаклар, қасрлар балки.

Тўлқинлар олисга судрар нигоҳим,  
Гоҳи нола бўлиб, гоҳи куй бўлиб.  
Гоҳи кулги бўлиб, гоҳи ўй бўлиб,  
Тўлқинлар олисга судрар нигоҳим.

Қатраларга сингиб кетгандай мен ҳам  
Соҳилда тураман ҳайкалдай қотиб.  
Ҳиссим, хаёлимни бир дам йўқотиб,  
Қатраларга сингиб кетгандай мен ҳам.

Хушимга келтирар яна тўлқинлар  
Оёғимга суркаб оппоқ бошини.  
Оёғимга тўкиб ожиз ёшини,  
Хушимга келтирар яна тўлқинлар.

1966

\* \* \*

Итлар увиллайди, мушуклар нотинч,  
Шарпалар ғалати: сирли ва совук.  
Қўноқда ётолмай питирлар товук,  
Нени бошлаб келар бу оқшом, бу кеч?!

Она-ер, азиз ер, дардингни олай,  
Қаеринг силасам тинчланар жонинг.  
Қаерда кўпирмиш асабинг, қонинг,  
Айт-чи, қаерингга қулоғим солай?

Гўдаклар кўзининг қорачиғидан  
Кошкийди суғуриб олсам қўрқувни.  
Қайтариб тинч тунни, ширин уйқуни,  
Бахт бўлиб порласам юлдуз чўғида.

Итлар увиллайди, мушуклар нотинч,  
Шарпалар ғалати: сирли ва совук.  
Қўноқда ётолмай питирлар товук,  
Нени бошлаб келар бу оқшом, бу кеч?!

1966

\* \* \*

Мен на давлатдану, на бахтдан камчил,  
На пулу мансабнинг кули, ошнаси.  
Менга чин дилингни, дилингни очгил,  
Мен ёлғондан холи сўзнинг ташнаси.

Шундай сўз айтгилки, қанот борлайин,  
Танамдан арисин дард билан армон.  
Шунда сени ўзим бир ардоқлайки,  
Фақат сен гапирма, гапирма ёлғон.

Дилим меҳр тўла тиниқ бир чашма,  
Ҳали очилмаган минг бир кўзи бор.  
Сен шундай бир сўзни айтгил, адашма,  
Уни очадиган, ахир, сўзи бор.

Ипак ҳам бўламан, бўламан бўстон,  
Ҳузурбахш шабада, тикансиз бир гул.  
Яхши-ёмон кунда ягона дўстинг,  
Хулласи, сен бўлиб қоламан буткул.

Мен на давлатдану, на бахтдан камчил,  
Табиат ранжитган на бирон хаста.  
Менга чин дилингни, дилингни очгил,  
Қошингга келдим мен ишқ, меҳр истаб.

1967

## ЎРОЛ ТАНСИҚБОЕВГА

Товлар қаршисида ҳайратдан мен лол,  
Бир сўлим ҳаводан яйради танзим.  
Ҳатто эшитаман асалари бол —  
Йиғиб гуллар ичра билмайди тиним.

Вужудимдан тортиб, ором ол, дейди,  
Бу не оҳанрабо, бу қандайин сир.  
О, ўзбек диёри, тенгинг бор қайда,  
Кўнглим, кўзим, ўйим — ҳаммаси асир!

Балки табиат ҳам бутун кўзи-ла  
Ўз хуснига боқиб ўзи маҳлиё.  
Оёғим эркалаб сеҳри, нози-ла  
Муздек лаби билан ўпади гиёҳ.

Шудрингдан сиёху, минг хил ранг, бўёқ —  
Не майин сатрлар битилган бир хат.  
Ажиб ғазалмисол яқину йироқ  
Дилга қуйилади бўлиб муҳаббат.

1967

\* \* \*

Меҳнату ташвишдан бўлсам сал нари  
Пучайиб қоламан ўзимга ўзим.  
Гўё мен ҳамиша бир ғужум узум,  
Фикрлар талайди мисоли ари.

Ором бермасинлар, майлига, бир дам,  
Майлига, сўрсинлар шарбат-қонимни.  
Пармалаб шеъримга қўйсин жонимни,  
Ахир меҳнат билан тирикдир одам.

1967

• • •

Ўтган йилги пайванд кирди ҳосилга,  
Битди пўстидаги пичоқ ўрни ҳам.  
Энди бир тан бўлиб чирмашиб маҳкам,  
Хушбўй гулларини кўз-кўзлар елга.

Ажратиб бўлмайди энди уларни,  
Қишни ҳам, ёзни ҳам кутади бирга.  
Кессангиз болтага бош тугар бирга,  
Бирга кўкаради, бирга кулайди.

Тирик етим қилиб ўғил-қизини  
Ажралиб кетсалар баъзан одамлар,  
Пайвандни эслайман мен шундай дамлар,  
Бир ўкинч кўзимга чиқади сизиб.

Наҳот бирга-бирга сурса-ю умр,  
Бегоналик турса соясин ташлаб...  
Пайванд гуркирайди кўзимда яшнаб,  
Бизда қонун шундай дегандай мағрур.

1967

## ШОИРНИ ЭСЛАБ

*Ғафур Ғулом хотираси кунларида ёзилган*

О, замин, биз сенга кўп қилдик таъзим,  
Она деб атадик, улуғладик бот.  
Аммо неъматларинг ҳамма, ҳаммаси  
Танамиздан юлинган парча-ку, ҳайҳот!

Бу нафис чечаклар, йўқ гуллар эмас,  
Завқсиз хувиллади боққанда қалбим.  
Булар қатларингда бенафас, бесас,  
Кулги қотган қанча гўзаллар лаби.

Ирмоқлар куйлаган сеҳрли қўшиқ,  
Ғунча лабидаги нафис, ним кулги,  
Балки, Алишерга армон бўлган ишқ,  
Дилда қолиб кетган ғазали балки.

Беҳзод қаламининг бўёқларини  
Шимириб, борлиққа пуркаганмисан?!  
Шабнам қилиб майса қиёқларига  
Инсон кўз ёшини суркаганмисан?!

Яратиб, қайтариб олмоқлик нечун,  
Нечун мурғак дилга оламдек яра?  
Қани бу гулшанга у ошиғи чин,  
Бугун қалбим бўм-бўш бу ранглар аро.

Дилимни ўсмадек эзфилаб обдан,  
Хино гулларига қилгунча бўёқ, —  
Шоири замонни топмоқ-чун бир дам,  
Майли, вужудимни машғал қилиб ёқ.

Туйғудан яралган бу чаманзорда  
Беҳушу ҳайронман, ҳайронман бугун...



\* \* \*

Хўрсинма, азизим, хўрсинма сира,  
Сени хомуш, ғамгин кўргандан кўра  
Ўзимни оловга тутганим осон.  
Жилмайгин, жилмайиб менга бир қара,  
Ахир кулиш учун яралган инсон.

Енгилма, азизим, енгилма фақат,  
Мағлубни кўришга йўқ менда тоқат.  
Тик тутиб юришга яралган-ку бош,  
Дилимни зимистон ўрайди қат-қат,  
Агар кўзларингда кўрмасам оташ.

Лоқайд бўлма сира, лоқайдга мен ёв,  
Олам тақдирига боқсанг бепарво,  
Одамга қолмаса агар керагинг  
Бир ўсик тирнокдай беҳис, беаёв,  
Юлиб ирғитаман дилдан, юракдан.

1967

\* \* \*

Дутор йиғлар эмиш, ҳар пардасида  
Елларга юз тутган човларин қўмсаб,  
Баъзан севишганлар ўйиб танасин  
Очган жароҳати — довларин қўмсаб.  
Бир вақт шохларини яшнатган барглар —  
Шивири торларин куйлатар эмиш.  
Шундан у инсонни вафога чорлаб,  
Соғинчга ўргатиб ўйлатар эмиш.

1967

## СОҒИНИШ

Шовиллаган яшил, чексиз ўрмонлар,  
Хуснингизга сира келтирмасман шак.  
Лекин, не қилайки, олисдан чорлар  
Райҳонлар ҳид сочган торгина эшик.

Кўнглим ҳордиқ тусаб интилган эдим,  
Ёмғир ювган ўтлар ҳидига муштоқ.  
Саланглаб юришга кўниколмай, дим,  
Дил худди чумоли кўтарган ушоқ.

Тиниқ барглар елда шивирлаб аста  
Сукутингиз бузса, бор ажиб гашти.  
Аммо мен юраман соғинчдан хаста,  
Биз томонда ҳозир мева фарқ пишди.

Бу тиниқ яшиллик, бу кўрку жамол  
Кўз-кўзлаб очади жилвали бағрин.  
Кечиринг, ўрмонлар, келмасин малол,  
Йўқ, менинг тургим йўқ, тутманг баримни

Офтоб қиздирмоқда ҳозир юртимда,  
Лекин туни салқин, роҳати бадан.  
Бу оромни фақат кўп ташна юриб,  
Муздек айрон ичса билади одам.

Не-не шоҳ сатрлар туғилган бунда,  
Аммо илҳом мени қилиб қўйди тарк, —  
Қўлга ўрганмаган ҳуркак оҳудек  
Тартибу столдан чўчиса керак.

Ахир мен аёлман, бир уй бекаси,  
Сатрлар етилса қозон бошида.  
Қоғозга тушади ярим кечаси,  
Уйкуда жилмайган қизим қошида.

Иссиқдан бўшашган мисоли денгиз  
Жимгина уфққа узатмиш оёк.

Сокинликда яна чиройи тенгсиз,  
Кўм-кўк сув, кўм-кўк сув, сув, сув ҳамма ёк.

Соҳилда яйрашар кувноқ болалар,  
Аёллар офтобга тутар баданин.  
Лекин мени чорлар олис далалар,  
Олов пуркагувчи қуёшнинг дами.

Гарчи денгизи йўк, дарёлари бор,  
Қирқ кокил қизлардек мажнунтоллари.  
Меваси узилмас қиш, ёзу баҳор,  
Нектарга зорикмас боларилари.

Офтобдан бўрсилдоқ ерга сув урсам,  
Тупроқ хиди билан ҳаво омихта.  
Тонгда шабнам гуллари баргини ювса,  
Қатраси бўлади шеъримга нукта.

Бир кунда шунчалик соғинч байтлари,  
Бир кунда шунчалик дард тўлмиш дилга.  
Қошки қанот боғлаб шундай пайтлари  
Одамзод чирмашиб учолса елга.

Мовий кўз бекалар, мени кечиринг,  
Лавр хиди тутган боршингиз жуда  
Танамни яйратди, яйрадим ичиб,  
Лекин бошқа истак кўнгил мавжида.

Зира, зирк солинган хушбўй паловнинг  
Бир чимдими ҳозир қилди хумори.  
Милтираб қайнаса шўрва оловда,  
Жамбилларни солсанг минг дардга дори.

Шовиллаган яшил, чексиз ўрмонлар,  
Хуснингизга сира келтирмасман шак.  
Лекин, не қилайки, олисдан чорлар  
Райҳонлар хид сочган торгина эшик.

Кеча кузатишган дўсту қадрдон.  
Ногаҳон учратиб қилурлар ҳайрат.  
Баъзида ўзим ҳам ўзимдан ҳайрон,  
Гоҳи ғалатиман, ростдан ҳам ғалат.

1967

\* \* \*

Баъзан табиатнинг сеҳри-ла оқиб,  
Олис-олисларга ташлайсан нигоҳ.  
Ранглар жилваланар қалбингни ёқиб,  
Ранглар жилваланиб ёнади ногоҳ.

Гўзаллик сирини яширгансимон  
Тоғлар парда тутиб ҳарир тумандан.  
Ажиб кўринади ҳаво, сув, осмон,  
Ажиб кўринади ўша томонда.

Шунақа чиройли кўринар йирок,  
Шошилма, азизим, бунча энтикма.  
Аввал оёғингнинг остига бир боқ,  
Бирон гулни янчиб ўтмадингмикан?..

1967

\* \* \*

Кўп осуда эди бу олам бир вақт,  
Денгиз ҳам ёстаниб ухлар эди жим.  
На юлдуз бор эди ва на мунажжим,  
Беозор табиат мудрарди карахт.

Шунда дардинг билан мен бўлдим пайдо,  
Дардим сукунатни чилпарчин қилди.  
Ишқдан офтоб ясаб осмонга илди,  
Ўзим яратдимۇ ўзимман шайдо.

Ипак нурларига чирмашиб шунда,  
Оламга ёйилдим сени ахтариб.  
Кундуз тополмасдан югуриб, ҳориб,  
Кўз бўлиб осмонга сочилдим тунда.

Сарсари изимдан увлади шамол,  
Тўлқин пайдо бўлди талпинишимдан.  
Олов нусха олди дил ёнишидан,  
Ҳаёт яратардим изларкан висол.

Қарагин, ҳаммаси фақат сен учун,  
Айт, яна неларни қиласан ҳавас.  
Дилда ёниш бўлса, меҳр бўлса бас,  
Ҳамма, ҳаммасига етади кучим.

1967

\* \* \*

Бир дўст азасидан келдим эзилиб,  
У тушган қабрдек тор бўлди дунё.  
Ақлу ҳиссим хаста, қолган безиллаб,  
Ох, кошки бўлсайди дердим бу рўё.  
Бошқа бир танишим тўйга айтибди,  
Ташлаб ҳам кетибди таклиф қорозин.  
Гўё оёғимнинг остида шу пайт  
Лиқиллаб турарди улкан тарози.  
Гўё дўзах, жаннат ўртасида мен, —  
Бири куйдиради қилиб жингиртоб.  
Бошқасин шодлиги бўлмаса эди,  
Бу ўт, балки мени қиларди хароб.  
Шамол деразамни очди-ю, аста  
Сузиб кирди майин бир куй уйимга.  
Қўшним боласига айтарди алла,  
Бу куй юрагимга, борлиқ ўйимга  
Хузурбахш офтобдай жимирлаб сингди.  
Нафис бир меҳрга, яшаш ишқига  
Юрак лим-лим тўлди, чўнг тарозининг  
Шодликлар тўпланган палласи енгди.  
Яхшики, оламда кўникиш бахти,  
Улғайиш, туғилиш соатлари бор...

1967

\* \* \*

Сунбула сувлардан губорни олди,  
Кўксида тошлар ҳам ярақлаб кулиб.  
Энди тонг уйқунинг мафтунни бўлиб  
Ошиқлар бошида туролмай қолди.

Деразам олдида дук-дук қадамлар,  
Шошилич қадамлар, тинимсиз, дадил.  
Ритмидан қофия териб олар дил,  
Тонгни бошлаб ўтар азиз одамлар.

1967



## ЎФИРЛАНГАН ВАҚТ

Хисобига етолмай қоламан баъзан  
Қанча ўфирланган умрим-вақтимнинг.  
Қанча ёзилмаган шеърим-бахтимнинг  
Хисобига етолмай қоламан баъзан.  
Хиссиз, дабдабали бекорчи нутқлар,  
Жадвалини бузган автобус ҳатто,  
Имиллаган, беғам сотувчидан то —  
Жирканч ифволарни тинглаган вақтлар,  
Оҳ вақтлар, ем бўлган шўрлик вақтлар,  
Зиммангизда қанча кўшиқлар қолди,  
Изҳор этилмаган дил-ишқлар қолди.  
Айтилмаган қанча керакли гаплар,  
Гоҳ битган, битмаган, гоҳ чала боблар,  
Ўқилмаган қанча китоблар қолди.  
Тўқилмаган қанча атласу шоҳи.  
Ишланмаган қанча сурат, станок,  
Келажакнинг олис кетган нигоҳи  
Манзилига баъзан кечикиб борган юк —  
Зиммангизда қолди изсиз вақтлар,  
Оҳ вақтлар, ем бўлган эсиз вақтлар.  
Жазога тортамиз мол ўғрисини,  
Бракка бошлаймиз бешафқат ҳужум.  
Лекин, нимагадир, гапнинг тўғриси,  
Сизни ўфирлатиб, олдириб қўйиб,  
Ҳатто пайқамаймиз ё турамиз жим,  
Оҳ вақтлар, ем бўлган шўрлик вақтлар.

1967

\* \* \*

Нихоллар шохини эгмиш момик қор,  
Аммо оёқларин кучиб она-ер,  
Иссиқ лаби билан ўпиб аста дер:  
Сабр қил, сабр қил, келади баҳор.

Инсонлар меҳридан бағримда ҳаёт,  
Қуёш шуъласини шимирган қатим.  
Қайноқ сийнамдаги пок муҳаббатим  
Баҳорга етказур сени саломат.

Уч ой эринмасдан шивирлар шундай,  
Шундай эритади қору музларни.  
Аммо, одамлар бор, тирик одамлар,  
Бемаврид қаритар не-не қизларни.

1967

\* \* \*

Шеърларим, келтиргил киприк, қошимга  
Ўзим юролмаган йўллар гардини.  
Бешафқат юклайман мурғак бошингга  
Юрагимнинг бутун армон, дардини.

Онам қиз туғдим деб қилмади афсус,  
Таъна ёғилмади ёхуд онамга.  
Палахмон тошидек олти мушфиқ қиз  
Отилиб кетмадик олти томонга.

На тоға, амаки, на хола, амма,  
Бирон-бир жигар йўқ сўрагундек ҳол.  
Ёлғиз бахт — онамнинг бағрида аммо,  
Беозор улғайдик олтита ниҳол.

Отам курашларда излаган толе,  
Бизни оғушига олди беминнат.  
Доктор, ўқитувчи, бири олима,  
Каминани яна юрт қилди иззат.

Бу хилда тақдирлар менинг элимга,  
Менинг миллатимга, Ватанимга хос.  
Ҳа, менинг халқим ушлаб қўллардан  
Зулму зулматлардан этгучи халос.

Оддий ҳақиқат бор минг бўёқдан соз,  
Минг марта «яшасин» дегандан афзал.  
Донолик қидирмай ана шуни ёз,  
Дил қўшилган таъзим мактовдан гўзал.

1967

\* \* \*

Асфальтни қоқ ёриб унибди гиёҳ,  
Йўловчи кўзини тортар дам-бадам.  
Ўтган ҳам, кетган ҳам ташлайди нигоҳ,  
Бағри тош ҳам унга қўймайди қадам.

Бўстонда майсани жиз этмай босган —  
Юракка бу ерда тўлади шафқат.  
Шунчаки кўкатмас, асфальтда ўсган,  
Бу буюк интилиш, бу хаёт, қудрат.

1967

\* \* \*

Осмон ёришмоқда ёмғирдан кейин,  
Гулларнинг лабида ловиллар шабнам,  
Қалдирғоч жой излар қурмоқ бўлиб ин,  
Пайваста қош каби қанотлари нам.

Баргларга илинган губорни ювиб,  
Кўз ёшдек томчилар ерга тўкилар.  
Кимдир қарсақ чалди чумчуқни қувиб,  
Ранг олган гилоснинг шохи силкинар.

Тўйган чақалокнинг юзидек хушранг,  
Дудоғидек хушбўй бўрсилдоқ гунча,  
Кеча гулкосадан мўралаб аранг,  
Худди шу гилосдек эди тугунча.

Баҳор ранг улашиб, хушнудлик ташиб,  
Менинг ҳовлимга ҳам бўлибди кўнок.  
Ва лекин васлига тўйдирмай, шошиб,  
Фироқ тушган ишқдек кетибди йироқ.

Лабларининг хусни қолибди гулда,  
Осмонга кўчибди кўзин ёлқини.  
Жимиган ҳисларни кўзгатиб дилда,  
Шукрки, бенасиб қўймади мени.

1967

## АНДИЖОН

Табиат шунчалар улкан бир хисга,  
Билмадим, қаердан қилибди ато.  
Номингни қидириб кўзим жавдир (?),  
Газета ўқиган пайтимда ҳатто.

Суратлар ичидан сен, шаҳаримв  
Излайман истагу ҳаяжон билан.  
Суратлар ичидан ҳамшаҳаримни  
Излайман термилиб меҳру жон ( ) лан.

Гарчи Ватанимнинг ҳар жойи азиз,  
Ҳар жойи туғилган шаҳримдай дилдор.  
Лекин, Андижоним, сенинг меҳрингда  
Яна ҳам гўзалроқ алланарса бор.

Балки зехним кўзин очган мактабим,  
Болалигим ўтган кўчаларингми?  
Балки юрагимга муҳаббат қўйган.  
Дилда пинҳон қолган кечаларингми?

Балки қариндошдан афзал, аҳилроқ  
Маҳаллам, кадрдон қўшниларимдир?!  
Балки болалиқда кўча тўлдириб  
Парадда айтилган қўшиқларимдир?!

Балки юрак тафтин машғала қилиб  
Адирда порлаган чироқларингдир?!  
Балки пахтакорнинг кўз нури сингган  
Юлдуздек чақнаган чаноқларингдир?!

Балки кўнгиллари кўзгудек тиник,  
Меҳнаткаш, камтарин, танги одамлар  
Сеҳрлаб олганми қалбимни бутун  
Даланг, боғларингни кезганим дамлар?

Ишқилиб, ҳаммаси қалбимга яқин,  
Бағрига тортади оҳанрабодек.  
Андижоним, десам жоним яйратиб  
Эркалаб ўтасан тонги сабодек.

Хар ишда карвоннинг олдида кўрсам,  
Фахрдан осмонга тегиб юраман.  
Озгина чекинсанг, орқада қолсанг,  
Ўкиниб бошимни эгиб юраман.

Лекин андижонлик ерга қаратмас,  
Даврада сўзини бермаган ҳеч вақт.  
Азамат, ўз сўзли ҳамшаҳарларим,  
Сизга ҳамшаҳарлигим менинг учун бахт.

Табиат шунчалар улкан бу ҳисни  
Билмадим, қаердан қилибди ато.  
Номингни қидириб кўзим жавдирар,  
Газета ўқиган пайтимда ҳатто.

1968

\* \* \*

Баҳор шамоли эсар,  
Ноз уйқуда дов-дарахт.  
Баҳор шамоли эсар,  
Новдалар ҳали карахт.  
Яланғоч бутуқларга  
Қўйиб майин юзини.  
Шивирлаб кулоғига,  
Айтарми дил сўзини?!  
Баъзан қаҳрига олиб,  
Чайқалтириб ўтади.  
Гоҳи силаб, эркалаб,  
Талтайтириб ўтади.  
Гоҳи араз қилгандай  
Жимиб кетади бирдан.  
Яна елиб пайдар-пай  
Қайтади дала, қирдан.  
Ором бермайди бир зум,  
Гоҳ ишқ сўзлаб, гоҳ эртак, —  
Новдаларда табассум  
Қилмағунича куртак,

1968



## ЁМОН ҚИЛИҚ

(*Болаларга*)

Кўнғирок тугмасини  
Эркин босди-ю, қочди.  
Озгина вақтдан кейин  
Бир кампир эшик очди.

Аланглади атрофга,  
Гудранди койиниб.  
Унга кўп малол келди  
Эркиннинг бу «ўйини».

Ҳеч нарса билмагандек  
Олисда турар Эркин.  
Сўнг бошқа дарвозанинг  
Олдига борар секин.

Яна босар тугмани,  
Ўзи физиллаб қочар.  
Гоҳида ёш, гоҳ қари  
Албатта эшик очар.

Қарайдики, ҳеч ким йўқ,  
Кириб кетади гапсиз.  
Лекин, билар, бу ишни  
Қилган бирон одобсиз.

1968

\* \* \*

Сени менга ёмон деса ким,  
Кечирмайман бир умр уни!  
Мени сенга ёмон деса ким,  
Қаро бўлсин рўзғори, куни.  
Дилим андаккина ғашланиб,  
Чимирилиб олганим учун,  
Дилинг андаккина ғашланиб,  
Бир дам қовоқ солганинг учун.  
Кечирмайман уларни ҳеч вақт!  
Улар севги қушандалари,  
Улар эгов умрга, бахтга,  
Кечирмайман ўшандайларни,  
Кечирмайман,  
Кечирмайман ҳеч!

1968

\* \* \*

Не қилай, дунёнинг ташвишларин кўп,  
Не қилай, барига етмайди вақтим.  
Кўйгин гиналарни, дея қолгин хўп,  
Ёлғиз ўзингсан-ку шодлигим, бахтим.  
Эркалаб кузатиб, эркалаб кутиб,  
Нозу тавозе-ла чой тутиб кўлда —  
Яшашга фурсат йўқ, аммо столда  
Қарагин, ярақлаб турибди кулдон.  
Чекма деёлмайман, етмайди кучим  
Ва лекин хаёлан уни ўчириб,  
Хонангни тутундан поклаш дардида  
Уйғоқ ўтираман сендан нарида.  
Хатинг бор ҳар қороз бисотим менинг,  
Бегараз кўнгилни қафтда тутгандай,  
Ортмоқлаб ўтганман бўрондан уни.  
Йиллар бу дардларни энди ютгандай.  
Ҳа, йиллар ўтмоқда қайрилмасдан ҳеч,  
Мен эса йўқолган шодликлар изин  
Ахтариш, қайтариш дарди-ла нотинч,  
Узайтмоқ бўламан умр тизгинин.  
Ўйлар оташида бўлиб жизғанак.  
Тунларни тонгларга киприк бамисол —  
Ҳар хил мақом билан улайди юрак,  
Ўйлар гирдобида мен хаста, беҳол.  
Аммо илғаб олар қулоғим аниқ,  
Машинканг чиқиллар, бедорсан сен ҳам.  
Эшик тирқишидан бир чизик ёниб,  
Офтоб бўлиб кириб ёритар хонам.  
Машинканг чиқиллар, тўхтайди баъзан,  
Биламан, чекапсан, чекапсан улаб.  
Кошки очиб кўйса деб деразани,  
Камроқ чекса-чи, деб бўламан хуноб.  
Хонангни тутундан поклаш дардида  
Бедор ўтираман сендан нарида.

1968

## ЁР КЕЛАДИ

(Қўшиқ)

Андижоннинг сойи оқар ўйноқлаб, тошиб,  
Соҳилидан ёр келади биз томон шошиб.  
Соҳилида ёр кўринса биз томон шошиб,  
Келганида уйларимга турар ярашиб.

Олислардан таниб олдим қадди-бўйини,  
Босолмайман юрагимнинг титроқ ўйинин.  
Илинаман хуш бўйини райҳон, гулларнинг.  
Элтгим келур ариқларнинг майин куйини.

Йигитларнинг ичида у кўрки, сардори,  
Зулайҳодек бир умрга мен харидори.  
Сувлар сочдим салқин еллар берсин деб ором,  
Кипригим-ла териб олай йўллар губорин.

Ўзи экиб берган ўсма кўкарди қийғос,  
Қош-кўзимга қўйиб андак қилибман пардоз.  
Жўралари, гапга тутиб тўсманглар йўлин,  
Хаёлларим қачонлардан васлига пешвоз.

Андижоннинг сойи оқар ўйноқлаб, тошиб,  
Соҳилидан ёр келади биз томон шошиб.  
Соҳилида ёр кўринса биз томон шошиб,  
Келганида уйларимга турар ярашиб.

1968

\* \* \*

Севдирган ҳам, бездирган ҳам тил,  
Баъзан бездиради севгани учун  
Мехр-муҳаббатдан ёнса агар дил,  
Сўздан билинади тафтининг кучи.  
Совуққонлик билан ёзилган шеърдек  
Дилга киролмасдан қолса қоғозда.  
Яхшиси, маъқулдир ўтирганинг тек,  
Ўша сўзларингни сақлаб оғизда.

1968

\* \* \*

Сув бўйида мажнунтол,  
Соч ёзган сулуvmисол.  
Туширганми узугин,  
Термилиб сурар хаёл.

Ўлтирдим соясида,  
Бағрида, қоясида.  
Ишқ дафтарин ўқидим  
Сувнинг ҳикоясидан.

Соғинтирса юрагим,  
Висол бўлди тилагим.  
Қачон келар ёнимга  
Дилгинамнинг тираги.

Ҳеч кетмасин йирокқа,  
Чидолмасман фирокқа.  
Мажнунтолдек кутарман  
Келмагунча биз ёққа.

Сув бўйида мажнунтол,  
Соч ёзган сулуvmисол.  
Туширганми узугин,  
Термулиб сурар хаёл.

1968

\* \* \*

Ақлим танибманки, миннатсиз бир бахт,  
Миннатсиз умрни қиламан орзу.  
Кам-кўстсиз ҳаётни этаман деб тахт,  
Танҳо ташвиш чексанг, дилим эзилар.

Йўк, сира юк бўлмай, бўлайин мадор,  
Токи равон бўлсин мен-ла йўлларинг.  
Йиқилсанг йиқилгум демасман зинҳор,  
Турғизмоққа чўзгум нозик қўлларим,  
Йўк, сира юк бўлмай, бўлайин мадор.

1968

\* \* \*

Субҳидам гулшанда ёр биздаё нечун пинҳон кезар,  
Не хаёллардан танимда тўлганиб минг жон кезар.

Куйидан ортиқ бу оламда ҳаловат топмадим,  
Гарчи васл уммиди йўқдир, ўртада ҳижрон кезар.

Майсаларда титраган шабнамча бўлди кўзларим,  
Ул тағофил бир авайлаб ўтмайин чандон кезар.

Ишқида мен шоҳ эрурман, у гадоси ўзганинг,  
Балки кўнглидан сўроқ айлаб ўзи ҳайрон кезар.

Наргису райхону гуллар, таъзим айланг пойига,  
Бу Саида наздида бир соҳиби даврон кезар.

1968



Билимдон бўлиб ўссанг,  
Гапимга солсанг қулоқ,  
Космонавт бўлиб бир кун,  
Менга бўласан қўноқ

1968

## ТАНБУР

*Танбурчи Абдумутал Абдуллаевга*

Хислардан яралган бир нафис олам,  
Бағрида мезондан енгилман ҳозир.  
Кўз ёшдан тиникроқ баргдаги шабнам,  
Нафасдек узилар тупроқдан ҳовур.

Ҳокими мутлақдир бунда фақат қалб,  
Танамда қон эмас, югурмоқда нур.  
Салқин шаббодадек хаёл аллалар,  
Шаршара бошида қушлар чуғури.

Ой ҳам сеҳрланмиш терак учида,  
Юлдузлар очмоқда осмон тилсимин.  
Вужудимни олар оташ ичига,  
Бармоқлар титратган шу нозик симлар.  
Ҳокими мутлақдир бунда фақат қалб...

1968

\* \* \*

Бош эгиб тингласам бирон ифвони,  
Силтаб ташламасам — ҳаром шу куним.  
Майли, бошлаб юрай доим гавғони,  
Майли, хаёлларим билмасин кўним.

Меҳнатсиз бир тийин кирса уйимга,  
Эътиқод, имондан шу кун мен жудо.  
Бошқача яшаш ҳеч келмас ўйимга,  
Шу менинг жаннатим, шу менга худо.

Қатга маъракага бўлмаса пулим,  
Чин дўст нон-чойимдан ўгирмас-ку юз?  
Шуни кадрласа кўксимда кўлим,  
Афзалроқ бахтим йўқ қилгани кўз-кўз.

Ораста бўлмаса уйим мабодо,  
Узр учун унга шеър ўқиб бергум.  
Шу кеч қалам, қорғоз учов пиёда,  
Мижжа қоқмай тонггача юрдик.

Кунларим шу тахлит ўтади чоғиб,  
Шу тахлит бошлағум янғисини ҳам...

1968



Тинмай шитирлайди ҳовлида хазон,  
Чирт-чирт узилади сарғайган япрок.  
Хаёлдан ўтади яқину йирок,  
Дил худди муаллақ титраган мезон.

Куни кечагина ғуж-ғуж гуллардан  
Новдалар яшариб, яшнаб турарди.  
Бағрида қуёшу шамол юрарди,  
Бир ғулув уйғотиб чехра, дилларда.

Хаёл олиб кетар яна олисга,  
Қотган куртакларга боқаман беҳуш.  
Ўтган дамлар гўё туюлади туш,  
Хира суратмисол тушади эсга.

Атрофда куз кезар паришонхотир,  
Шумшайган дарахтлар термилар сокин.  
Ненидир шивирлар, шивирлар лекин:  
«Афтидан, унутдинг, унутдинг, шоир.

Ахир шеър ишқида маъюс бўлмасдан  
Мисранг тўкилганми қоғозга равон?  
Айтгил-чи, қай бирин ёзгансан осон,  
Кўзу вужудингга хаёл тўлмасдан?

Ўйчан новдамизда ухлайди баҳор,  
Куртакни авайлаб, аллалаб аста.  
Кўзингга кўринсак гоҳ хомуш, хаста,  
Бир ғўзал назмнинг иштиёқи бор.

Назмимиз битганда бўламиз гулгун...»  
Атрофида куз кезар паришонхотир,  
Унутма, унутма ҳеч қачон, шоир,  
Бир тугён олдидан жимжитлик ҳоким.

1968

\* \* \*

Майли гапирсинлар, қилсинлар иғво,  
Демак, жигларига тегар эканман.  
Фикру ўйларига бўлиб бир гавғо,  
Санчилар эканман мисоли тикан.

Қоралик ин қўйган улар ичига,  
Гўё бир чақимчи, бекорчи қўшни.  
Мен кудук қазийман игна учида,  
Бутун юрагимни сатримга қўшиб.

Бировни боламдек суйиб, аядим,  
Бировни дилимда отамдек кўрдим.  
Кимнидир жеркидим, ёмон қарадим,  
Бировнинг ҳолини меҳр-ла сўрдим.

Шундай яшадим мен, шундай яшайман,  
Олов бўлиб ёнди бағримда юрак.  
Бу ўт — яхшиларнинг йўлин ёритиб,  
Ёмонни ёқмаса не учун керак?

1968

\* \* \*

Тўзғийди ўрикнинг гуллари тинмай,  
Капалак мисоли учишар елда.  
Гоҳ ерга ёпишиб шамолдан, селдан,  
Ошпоқ ёноғига суртадилар лой.  
Аммо шу ҳолда ҳам чиройли, нафис,  
Гўё бир кулдирғич заминга қўнган.  
У мамнун ўзидан — ўрнида унган  
Чигитдан ғўрани қилгандайин ҳис.

1968

\* \* \*

Бир олма келади тўлқинда ўйнаб,  
Қирмизи ёноғи торғади нигоҳ.  
Тутолмасдан кимдир оқизоқ ўйнаб,  
Олис соҳилида балки урар оҳ.

Бўтана тўлқинлар кўмади баъзан,  
Аммо ёноғига юкмайди гарди.  
Йироқ тушиб борар тўлқинда сузиб,  
Кимнингдир армони, кимнингдир дарди.

Кимдир тутиб олар уни албатта,  
Тўлқинларга ёзиб кучли кулочин.  
Хуснига суқланиб кўтарар кафтда,  
Эҳтимол, кутмоқда шундай бир лочин.

Балки бир тишлару отар тупроққа,  
Ўйлаб ҳам ўтирмас, кўрмас тушида.  
Аммо у лаҳзалик ўйиндан йироқ —  
Тушган бир кимсанинг пок ишқи эди.

1969

\* \* \*

Ишқ дарсида мени лол айлади Лайло тамом,  
Улки устозликда танҳо, мен эдим хатсиз авом.

Чарх зайлининг ҳамма хил шевасидан очди сўз,  
Сўнг деди: умримни энди сен ўзинг эткур давом.

Билмадим, бу илтифотми ёки душманнинг иши,  
Неки кўйга солса солди мени шу ўтли калом.

Ё ақл солди бошима ёки олди борини,  
Ичкизиб ашки кўшилган бодасидан битта жом.

Қалб хазинанг менга бўлсун, тақдирингни олмагум,  
Минг шукр, ёр васлидан обод уйим ҳар субҳу шом.

Посбон бўлсин Саида бу тиниқ дил мулкига,  
Бўлмасин нопок пойидан покиза гулзор ҳаром.

1969



\* \* \*

Сал нарсага қасам ичмоқлик нега,  
Қаердан бу заиф, бу ожиз журъат?  
Йўқ, бундай одамлар ёқмайди менга,  
Бебурдликдан шундай қилганлар одат.

Алишмайман бўлса олтину олмос,  
Шундоққина айтган битта сўзимга,  
Рост сўзнинг ҳеч қачон баҳоси бўлмас,  
Нечоғлик ҳақлиги аён ўзимга.

Ёлғиз бир имону битта эътиқод,  
Ватан, халқ олдида эгажакман бош.  
Зарур бўлиб қолса қилмоқ қасамёд,  
Қасам ичмоққа шунда бераман бардош.

1969

\* \* \*

Ой юзини аста чулғади булут,  
Ўчди теракларнинг танга чамани.  
Нохуш бир ғашликка ташлаб сен мени  
Нахотки бутунлай қилолмадинг унут?

Ой-ку, шўнғиб чиқар булут остидан,  
Коинот беланар қайтадан нурга.  
Севгисиз дил эса бошлайди гўрга,  
Нахот, сен умримнинг қолдинг қасдида?!

1969

\* \* \*

Сенга совуқ бир сўз айтгим келарми,  
Хотирангни қилгим келарми мажрух?!  
Озор етказмоқни кўнглим тиларми,  
Қалбимда волибми ё кувгинди рух?!

Мўйқалам олмаган ранглар кўп ҳали,  
Қовозга тушмаган нафис хислар ҳам.  
Ифода тополмай уни айтгали  
Юзи қора бўлиб турибди қалам.

Сўзларга минг жило берган эҳтирос  
Қурғоққа дуч келган ирмоқдек тинди.  
Илк шеърларим эслаб, титкилаб қовоз  
Уларни излайман ўзим ҳам энди.

Кунларим ўтганда сенсиз, кулгусиз,  
Азалий маккор ишқ қўйганда туртиб.  
Кўп гапларни сенга айтганман унсиз,  
Жимжит кечаларда танҳо ўй суриб.

Шу совуқ юлдузлар берса гувоҳлик,  
Еллар тилга кириб шивирласа, ох,  
У дардларни унутиб мангу-мангута,  
Бахтнинг боқийлигига бўлардим гувоҳ.

1969

\* \* \*

Куюқ киприкларга қўнгандек уйқу  
Шаҳар узра секин тун чўқди вазмин.  
Энди чироқлардан тўкилган ёғду  
Маъюс сийпалайди йўловчи изин.

Яна Зухро чиқди кошонасига,  
Кўзида қотган ёш, лабида кулги.  
Тож қилиб тақсам дер биров бошига,  
Бировга бир чақа ўтмас, қалбаки.

Тунни тонг қувлади, юлдузни — қуёш,  
Шабнам ҳам оҳиста ўчди бир ёниб.  
Гуллар сергакланиб кўтардилар бош,  
Мусича патини тарар қувониб.

Бу сўлим сабоҳда нелар кечдийкин,  
Ўйлайман, хайратда термиламан жим.  
Неча юлдуз ёниб, нечта ўчдийкан?..  
Ўйламаган маъкул, маъқулдир балким.

1969

\* \* \*

Ким қўлига олса ҳам шарҳи дилим сўзлар дутор,  
Жон қатида асраган сиримни айлар ошкор.

Ўзга кўнглин овламоққа дostonимни очур,  
Гоҳ кулиб айтар яна, гоҳида йиглаб зор-зор.

Ҳисларимдан парда боғлаб олгани етмасмиди,  
Сочларимдан ҳам яна ул бераҳм боғлабди тор.

Бор вужудим титратиб ишқ аҳлидан таҳсин олур,  
Бир асирман нотавон озодлигим кўп душвор.

Соч-торим тирноғидан минг узилса розиман,  
Бир қўлига олса-ю, бир бор юзига босса ёр.

Ишқ даштида, Саида, танҳо кезарман демагил,  
Хар тўқисни тингласанг, кўнглида бир армони бор.

1970

\* \* \*

Туни билан сени ўйладим,  
Тушларингга кирмоқчи бўлиб,  
Ўйларингда юрмоқчи бўлиб  
Туни билан сени ўйладим.  
Ё чимирилдинг, сескандинг ёки,  
Ё хўрсиниб аста жилмайдинг.  
Қирган бўлсам тушингга қошки,  
Қирганимни ўзим билсайдим...  
Туни билан сени ўйладим.

1970

## ЛАЙЛАК ҚИЗИҚ ҚУШ ЭКАН

Лайлакка маза экан,  
Одати қизик экан.  
Ёз бўлса учиб келар,  
Қиш бўлса кўчиб кетар.

Чинор шохида ини  
Қолаверар хувиллаб.  
Қишда шамол гувиллаб  
Қорга кўмади уни.

Бўлса агар қанотим  
Ва ёки учқур отим,  
Зумда кезсам оламни,  
Лекин уйим, даламни  
Сира ташлаб кетмасдим.  
Бевафолик этмасдим.

Яланғоч куртакларни  
Уйротгунича кўёш,  
Тинглаб қиш эртақларин  
Берардим чидам, бардош.

Юртимнинг тўрт фасли соз,  
Биридан бири гўзал.  
Бегона эл ёзидан  
Ўзимизнинг қиш афзал.

Гарчи лайлакка маза,  
Одати кўп бемаза.

Ҳеч элда йўқ қўними,  
Йўқ умрининг унуми.  
Мен одамман, қушмасман,  
Ҳеч унга ўхшамасман.

1970

\* \* \*

Инсофли бўл, дейди кексалар,  
Хаддан ошиб кетса агарда биров.  
Аввал тушунмасдим шундай десалар,  
Энди эзгуликнинг буюклигига,  
Ёмондан яхшининг суюклигига,  
Назаримда, мана шу битта сўз гаров.  
Шу сўзсиз етармиди дунё шу ёшга,  
Одамзод шунчалик улғаярмиди?!  
Муҳаббат ё вазаб тўлиб оташга,  
Виждон деган нарса тўлғанармиди?!  
Кимдан эшитмайин бу қутлуғ сўзни,  
Қалбидан қалбимга оққан каби нур.  
Осмонга бир устун қўйилганидек,  
Олам кенгайгандек қиламан хузур.

1970



\* \* \*

*Шоира сингилларимга*

Куни кечагина шеър ёзмок учун  
Офтобни кувгандай тунни кутардим.  
Окшом кўрсатолмай ҳокимлик кучин,  
Менинг кўзларимдан бедор ўтарди.  
Кичрайиб сингирди қорачиғимга,  
Қоғозга тушгунча чекиб минг захмат.  
Ё кўниб қаламнинг олмос учига,  
Шеър бўлиб қалбимдан тингларди раҳмат.  
Бугун у келади ролибона, шод,  
Кипригимни силар юмшоқ қўллари.  
Йўк, тегма кўзимга, тегмагил хайҳот,  
Қошки сочларимдан ўтса йўлларинг...  
У энди бўйсунмас, чекинмас нари,  
Қалам учига ҳам қурмайди тилсим.  
Сўзсиз кичкиради мудроқ назарим:  
Йўк, сира бўлмасман, бўлмасман таслим.  
Гулчеҳралар бўлиб қувгум ғафлатни,  
Ойдин бўлиб тунлар тўкарман илҳом.  
Дунёдек бедорман, бедорман ҳар вақт,  
Биринчи севгидек соф ва навқирон.  
Йўк, сира бўлмасман, бўлмасман таслим.

1970

\* \* \*

Замирага

Олам гулга тўлди яна бу фасл,  
Кунлар мана шундай, шу тарзда оқар.  
Сувсиз ерларда ҳам бир мижжа қоқар  
Капалак умридек ўтлар муттасил.

Қабрлар узра ҳам сокин яшиллик.  
Бу ерга келгани беролмасдим тоб.  
Бунда кўз ёшларга айтилмас жавоб,  
На дийдор кўришга бор бирон эшик.

Хотиржам эдим-ку, мен ахир сендан,  
Гулдек сўлишингни қайдан билайин.  
Кўргим келса энди нима қилайин,  
Хурсанд қилганмидим, шодмидинг мендан?!

Бугун сатрларим маҳзун, бағри хун,  
Изтироб, қийноқда тувилган ўйлар.  
Аёлсиз хувиллаб қолганда уйлар,  
Сўз борми гўдагин овутмоқ учун.

Муҳаббат ёритган уйда ҳам шунча —  
Бемаврид, бемаҳал ўчарми чироқ.  
Яқин йўллар бирдан тушарми йироқ,  
Ногаҳон очилмай сўларми ғунча?!

Келинлик либосинг кир бўлган эмас,  
Қай қўлда ушлайин, қай кўзда боқай.  
Армон, армон ўти бағримни ёқар,  
Ҳамдард бўлолмайин қолдим бир нафас

Йигирманчи аср, доктор бор, дебман,  
Фафлатда қўймаса эди эътиқод.  
Учиб бормасмидим чиқариб қанот,  
Бошингда парвона бўлмасмидим мен!

Хамон қулоғимда онам йиғиси,  
Ўлгунча чиқарми бу жондан ўтинг.  
Субҳидам елидек ҳилпираб ўтдинг,  
Қайси гулзорларда қолдийкан исинг?

Билмайман, шабнамдек қайларга учдинг,  
Хайр-маъзур қани, довда қолдим мен.  
Тақдирдан бир умр юлиб олдим мен,  
Сен учун шеъримнинг умрига ўлчаб.

1970

## М А Ш И Н К А

Жонсиз, ҳиссиз, муздек темир бўлмасанг  
Сўзлар ҳароратидан эриб кетардинг.  
Бўхтонлар ёзганда, билмам, нетардинг  
Жонсиз, ҳиссиз, муздек темир бўлмасанг?

Шақир-шуқур, тинмас бу овоз тун-кун,  
Осмону заминда сўзлар қуюни.  
Бири чулдираса ҳиссиз куюниб,  
Бири таралади офтобдек майин.

Шақир-шуқур, тинмас бу овоз тун-кун,  
Газета, китоблар сонсиз лашкари.  
Бирида инсоннинг уммон ашклари,  
Бири шошар табассум бўлмоқлик учун.

Яхши ҳам темирсан муздек ва жонсиз...

1970

## ДАРЁ БЎЙИДА

Бир ёнда чархпалак айланар секин,  
Кўзалар сув тўкар ёғоч арикка.  
Бир томонда мотор патиллар якка,  
Дарёни шимириб суғорар экин.

Боболарнинг ўткир ва лекин содда  
Зехнига сукутда мен бўлиб мафтун.  
Нафасига қулоқ солсам бугуннинг:  
Шиддаткор, талабчан, сезгир ғоятда.

1970

\* \* \*

Ер узра кўнди оқшом,  
Ой шуъласи бир майин.  
Кел, оппоғим, кел, эркам,  
Мен сени аллалайин.

Дудоғинг гулдан хушбўй,  
Юзларинг ундан хушрўй.  
Кел, оппоғим, бағримга  
Жажжи бошгинангни кўй.

Товук ухлар кўнокда,  
Шамол тинган бутокда.  
Ўт-ўланлар жимгина  
Ором олар ўтлокда.

Юлдуз чарақлаяпти,  
Ой ҳам ярақлаяпти.  
Қизча ухладими, деб,  
Мендан сўроқлаяпти.

Ер узра кўнди оқшом,  
Ой шуъласи бир майин.  
Кел, оппоғим, кел, эркам,  
Мен сени аллалайин.

1970

\* \* \*

Нечоглик маъсумдир гўдак чехраси,  
Хали гард юкмаган покиза кўнгил.  
Хўмрайсанг кўрқади, кулади кулсанг,  
Офтоб ва шабнамда ювилган бир гул.  
У шундоқ туғилди, мурғак дилида  
На гина-кудурат, на ёвуз армон.  
Улғайгач, ким бўлар юрту элида  
Яхшилик йўлида бўларми дармон?!  
Хозир у қийқириб кўнгил хушлайди,  
Суюкли, ардоқли хозир нечоғлик.  
Уни ким кузатар, ким қаршилайди,  
Бундан кейингиси шуларга боғлиқ.

1970

\* \* \*

Қария ақлидек кузнинг осмони,  
Япроқлар қуюни хотирасидек.  
Гўё охирлатиб баҳор достонин,  
Ўзи қайлардадир ўтирибди тек.  
Гавжум соҳиллар ҳам бугун тинч, маъюс,  
Офтобдан сарғаймиш майсалар учи.  
Атрофга ўт қўйиб юборгандек куз,  
Назаримда ёнар дарахтлар ичи.  
Таланган карвондек боғлар ҳам ғариб,  
Муздек еллар энди уларга ҳамдам.  
Гўё вужудимда руҳим ҳам ҳориб,  
Сўроққа тутади мени ушбу дам.  
Баҳор эсга тушар — илк муҳаббатинг,  
Имлаб адаштирган камалак излар...  
Энди улар сунбула сувидек тинган,  
Хисобот сўрайди улғайган ҳислар.  
Атрофда куз кезар ўйчан ва сокин,  
Умрингга бир назар этмоққа қистар.  
Хазон ёмғирида кезаман секин,  
Хаётимда бир чўғ, бир нурни истаб.

1970



\* \* \*

Онангни севгин, деб ўргатмоқ ғалат,  
Хоин қалб шу сўздан ўнглонармиди?  
Сут билан кирмаган бўлса муҳаббат,  
Номусни биларми, тўлганармиди?  
Жонидан жон олиб, қирқиб умрини,  
Хуснини ўғирлаб қочгучи бола  
Кошки бир онанинг бўлсайкан шўри...  
У ҳамманинг шўри, ҳаммага бало.  
Новвот ичидаги ишмиди она,  
Шимиб-шимиб туфлаб ташласанг лоқайд.  
Қалб эмас, ҳаттоки дарз тушар тошга,  
Унинг кўзларига ўкинч кўнган пайт.  
Онангни севгин, деб ўргатмоқ ғалат,  
Андиша солади танамга титроқ.  
Одам туғилишининг ўзи муҳаббат —  
Бўлса-ю, юқмаса бу унга бироқ —  
Фарзанд аталарми, дерларми инсон,  
Соялар кирарми ҳеч қачон сафга.  
Севгисиз вужудда не қилсин виждон,  
Булар арзимади насихат, гапга.

1971

\* \* \*

Асрим нафасига соламан қулоқ,  
Гоҳ нотинч, гоҳ мағрур ва гоҳида лол.  
Доим ўй ўйлашдан тоқатларим тоқ,  
Бир чивин шарпаси келади малол.  
Мана, элик йилки, нон-насибамиз  
Дўсту юпунлардан дариг тутмадик.  
Гоҳ унда, гоҳ бунда жароҳат сизиб  
Бу олам танига сорлиқ битмади.  
Дунё яшармоқда хуснга тўлиб,  
Аммо гўдакларнинг уйқуси нотинч.  
Телевизор ёнида безовта бўлиб,  
Урушдан қўрқишиб ухларлар ҳар кеч.  
Бизларнинг болалик бошқача эди,  
Капрон ленталарни билмасакки ҳам  
Бувилар эртакка хўп уста эди,  
Учар гиламларда кезардик олам.  
Ою юлдузларнинг сохта жамоли,  
Сеҳри ҳам йўқолди эртақ тўқишга.  
Қўйинг бу ёлғонни, дейдилар кулиб,  
Барини билишар, бари ўқишган.  
Акл пармалади еру осмонни,  
Заковати очди қўкка нурли йўл.  
Таажжуб, шунчалик қодир бу инсон,  
Ҳали қайлардадир бир нотавон кул.  
Асрим нафасига соламан қулоқ,  
Гоҳ нотинч, гоҳ мағрур ва гоҳида лол.  
Баъзан ўй ўйлашдан тоқатларим тоқ,  
Бир чивин шарпаси келади малол.  
Ва лекин ҳаққим йўқ чекинмоққа ҳеч,  
Лоқайдлик жиноят ушбу замонда.  
Шабнам тоза бўлсин, эл бўлсин деб тинч,  
Муҳаббат ва ғазаб сақлағум қонда.  
Қаерда тун бўлса, бордик бўлиб нур,  
Шунга ўрганганмиз, бўлмасмиз бошқа.  
Асрим шиддатидан мен бахтли, мағрур,  
Жилмайиб боқаман ҳар тонг қуёшга.

1971

### Ё 3

Саратон хансирар боғларда бугун,  
Чалажон шабада очолмайди кўз.  
Олтин ранг япроқдан кўтариб тугун  
Ҳали қаёқларда тентирайди куз.

Қуёш уйғонади тонг шиддат билан  
Вужуд-нафасидан қуйиб нуруни.  
Ажиб бир енгиллик, ажиб бахт билан  
Дехқон ерга тўкар юрак қўрини.

Токи жилва билан ташриф қилсин куз,  
Нишолдадек тошсин пахта чаноғи.  
Токи боғлар хуснин қилганда кўз-кўз  
Ҳақиқдек товлансин олма ёноғи.

Ифор қовунларнинг кўтариб ҳидин  
Нимтатир шабада тўйдирмай ўтсин.  
Токи офтоб, тердан қўпчиган ердан  
Куз кўнгил узолмай миннатдор кетсин.

1971

\* \* \*

Бувилар дуога қўлларин очиб,  
«Боши тошдан бўлсин», — дер жигарларин.  
Бувалар елкага ортиб, опичиб,  
«Боши тошдан бўлсин», — дер жигарларин.  
Азиз бувижонлар, азиз бувалар,  
Ёдингизда бўлсин яна бир тилак.  
Боши тошдан бўлсин жигарингизнинг,  
Аммо тош бўлмасин кўксиде юрак.

1971

\* \* \*

Мажлис ҳайъатида ёзилур қарор —  
Келажакка мужда, муҳим ҳисобот.  
Токи нелар қилдик, кўнгилда не бор,  
Авлодлар излашиб юрмасин исбот.

Унда тиллар эмас, гапирсин диллар,  
Айнан нусха бўлсин қалбларимиздан,  
Оҳорини тўкиб қўймасин йиллар,  
Бошқача сўз чиқиб лабларимиздан.

Тарихга айлангач сопол ҳам сўзлар,  
Забонсиз тошлар ҳам сақлолмас сукут.  
Аммо энг заҳматкаш авлод-ку бизлар,  
Йилларнинг қатида бўлмасмиз унут.

Кўзу юракларда теранлик, шиддат,  
Қон босими ортик вужуддай замон,  
Оламга бахш этиб ҳусн ва қудрат,  
Ўзи нозик тортиб бормокда инсон.

Гарчи насибамиз луқмаи ҳалол,  
Тутган-қўйганимиз гарчи хўп ноёб.  
Қайтадан жонланур таржимаи ҳол,  
Қайтадан бошланур савол ва жавоб.

Шунда илашмаса изимга ғубор,  
Синовлардан ўтсам гумонсиз, осон.  
Тарихдан синчковроқ, билмайман, не бор,  
Хатто Темур афтин чизди-ку рассом.  
Синовлардан ўтсам гумонсиз, осон...

1971

\* \* \*

Уйга ҳайдаб қўйди бу қиш ҳаммани,  
Кенглик, яшилликни қўмсайди кўзим.  
Қанчалар севаман қиру далани,  
Қиш ҳақида шеър ҳам ёзмайман ўзим.

Қор ёғар тинмайин, еру кўк опшоқ,  
Новдани ёпгандай ўрикнинг гули.  
Яна мен эсладим аёлнинг шу чоқ  
Товора ушлаган кўпикли қўлин.

Бир вақт урф бўлган гарч туфлиларни  
Эслатибғижирлар юрганингда қор.  
Аста йўл очаман кураб уларни,  
Хаёлимда эса бинафша, баҳор.

Гарчи уйлар иссиқ, дастурхон тўкин,  
Узун кечаларда дўстлар гурунги.  
Ҳар дамда кутаман баҳорни лекин,  
Шумшайган қушларга термилиб мунгли.

Яхмалак отишиб болалар ҳам шод,  
Тамшаниб талтаймиш дарахтлар шохи.  
Соғинч билан баҳорни мен қиламан ёд,  
Кўзимда гулларнинг майин нигоҳи,

Қандга лаби теккан гўдак каби ер,  
Сўриб-сўриб уни қилади ҳузур.  
Менинг хаёлимда лола тутган қир,  
Шабнам қўнган гунча аста барг ёзур.

Исфара боғлари гуллаган пайтми,  
Деразам кўзига тушибди акси.  
Менинг димовимга урилар ҳадеб,  
Бўтана сувларда ялпизнинг иси.

Оқ соч томларда ҳам ажиб бир сукут,  
Борлиқни чулғамиш енгил бир хаёл.  
Сўлим соҳилларни қилолмай унут,  
Мажнунтол ишқида мен афтодаҳол.

Тезроқ эритса-чи қорларни офтоб,  
Субҳидам жилмайса ним пушти шафак.  
Ҳозирча қор ёғар, қор ёғар шитоб,  
Далалар, кўчалар, дарахтлар оппоқ.

1972

\* \* \*

Бир он тўхтаса-чи учкур бу дамлар,  
Бир он силкитмаса тезкор қанотин.  
Қаришдан бир нафас тинчиб одамлар,  
Бир онгина тутса мангулик отин.

Бу фақат маҳсулсиз, афсусли, хаёл, —  
Вақтдек чавандозни жиловлабди ким?  
Аммо елкасига мушкул ва малол  
Юкларни ортмоқдан туrolмасмиз жим.

У ҳамон пишқириб югурар бироқ.  
Нукра бўлиб сочга қўнар нафаси.  
Инсондан ўч олмоқ бўлиб чамаси  
Таранг, тиниқ юзга ботирар тирноқ.

1972



## БОҒ КҮЧА

Нечун боғ кўчага мен шунча мафтун,  
Ҳатто юрагимда шабада эсар?  
Чинорга чирмашган қайроқи узум,  
Ариқ бўйидаги камтар гулсафсар —  
Нигоҳимни қўйиб юбормас нега?  
Нечун вужудимда кезади хайрат,  
Ҳориган елкасин тираб деворга  
Мудраган жийда ҳам кўзимга санъат.  
Арғимчоқ солланар, ғийқиллар дарахт,  
Онанинг пинҳоний инграшисимон.  
Нега хаёлотдан мен гоҳи карахт,  
Ҳатто бўлакчадек бу ерда осмон?  
Шуълаларни босиб кенг асфальт йўлда  
Шамолдек ғувиллаб учганда неча,  
Кичик тош тушгандек каттакон кўлга,  
Ёддан чиқибмиди ўтмишим, кечам.  
Нечун юрагимда бунчалик ҳислар  
Ларзага солади ажиб бир туйғу.  
Тўғри, булар ўтмиш, кечаги излар,  
Аммо болалигим, ёшлигим ҳам шу.

1973

## О Н А Ж О Н

Яна баҳор келди тап-тақир, сийдам,  
Рангларсиз, гулларсиз мен учун бугун.  
Ажинлар чизиғи ичида дийдам,  
Қалбимда ўлимнинг дастидан тугун.

Бинафша, лолалар шумшук ва ғариб,  
Дилга муздек тегар, бермас ҳаяжон.  
Бугун гўзалликлар сизни ахтариб,  
Изингиздан кетдими, дейман, онажон.

Сувларнинг қўшиғи сиз билан кетмиш,  
Бўм-бўш бўлиб қолмиш гўё Андижон.  
Наҳот, булар энди тотли бир ўтмиш,  
Наҳотки, сиз йўқсиз энди, онажон.

Хушёрман, дер эдим ўзимни ўзим,  
Бугун юрагимда минг бир армон.  
Бу оламда неки ранжитмиш сизни  
Барига гўё бир мен гуноҳқорман.

Сиз айтган аллани айтиб ўтурман,  
Сиз берган юракни машғала қилиб.  
Қайдаки, гумроҳлик бўлса тутурман,  
Қўюрман одамлар йўлига илиб.

Яна йиллар ўтар, баҳорлар балқир,  
Яна кўзларимда рангланар гуллар.  
Қалбимни битта ўй кемирар, юлқир,  
Йўқ энди висолга элтувчи йўллар.

Наҳотки, сиз йўқсиз энди, онажон...

1973

## МАЖНУНТОЛ СОЯСИ

Жазирама кунларнинг олов дақиқалари  
Бир мажнунтол тагида рохатга айлангуси.  
Олманинг тарам-тарам тиниқ ҳақиқларига  
Офтобнинг етти рангин ҳаммаси жойлангуси.

Бўтана сувлар оқса ялпизларни тортқилаб,  
Қалқиб-қалқиб кўринса қовункоса пўстлоғи.  
Капалаклар учишса алвон рангни орқалаб,  
Хеч жойдан тополмасман хордиқнинг дурустроғин.

Оқ яктак, оппоқ соқол чоллар силкиниб кулса,  
Лорсиллаб кетгусидир сувга қурилган сўри.  
Лабда қимтиб узилган узумдан бол тўкилса,  
Соқолларда товланар қуёшнинг етти нури.

Тер тепчиган манглайни силаб ўтса шабада,  
Не жононлар қўлидан майинроқ туюлади.  
Шундай жойда бир чимдим ухлаб олсанг мабодо,  
Мажнунтол баргларида сихатлик қуйилади.

Қошига лойқа инган бир тўда болақайлар  
Ўрдак полопонидек сувга урса ўзларин,  
Хаёлларидан ҳозир кўтарилмиш хоккейлар,  
Қорайган юзларида йилтиллайди кўзлари.

Ненидир тутиб кетди қалдирғоч бир шўнғишда,  
Анжирга кўзин тикиб хилват пойлар зарғалдоқ.  
Дехқоннинг яхна чойи сувда турар чойдишда,  
Шимирсангиз бадандан сизиб чикқуси чарчоқ.

Бўтана сувлар оқса ялпизларни тортқилаб,  
Қалқиб-қалқиб кўринса қовункоса пўстлоғи.  
Капалаклар учишса алвон рангни орқалаб,  
Хеч жойдан тополмасман хордиқнинг дурустроғин.

1973

\* \* \*

Сарин елдар йўлин буриб менга олиб кел,  
Дарёларни изга солиб, куйга солиб кел.  
Эритиб ой, юлдузларни либослар яса,  
Ёшлик ўтган бўлса ҳам, бир ясанай роса...  
Шуълалардан ипак тўқиб қатим-қатимлаб,  
Вужудингдан ишқ барқ уриб, интизор хатлаб,  
Етти иқлим чаманларин атрин олиб кел,  
Булбулларни эргаштириб, куйга солиб кел.  
Қўлингдан бу келмаса гар, фақат кулиб бок,  
Кулишни ҳам эплолмасанг... келмагин мутлок.

1973

Хаёлимни бузма, қўйиб бер эркин,  
 Қалбимни ҳисларга берайин тутиб.  
 Майли, улар менга бермасинлар тин,  
 Барибир умр ҳам бормоқда ўтиб.  
 Тирикларни ўйлаб хайратланаман.  
 Ўлганларни эслаб толаман ўйга.  
 Гоҳида зил чўкиб, гоҳ қанотланиб.  
 Гоҳо нуктаман, гоҳ сифмайман уйга.  
 Рух абадий деса ишонмоқ керак,  
 Ҳаётда шуъладек қолганлар озми?  
 Ўйласанг ёришиб кетади юрак,  
 Асрлар қабридан берарлар овоз.  
 Маҳзун бўлсанг табассум бўлурлар ҳамон,  
 Ҳамон маслаҳаттўй, ҳамон етакчи.  
 Шундандир уларнинг руҳлари омон,  
 Уларки, юрибди нур бўлиб учиб.  
 Ўзи бир нигоҳга зор-зор ўтиб,  
 Минг ошиққа тил бўлиб қолганлар қанча?!  
 Не мушкулотлардан келади қайтиб  
 Шоир ҳисларини шеърга қуйгунча.  
 Олдда йўл қисқарар, орқада олис,  
 Фақат хотиралар келар илашиб,  
 Шунданми, гоҳ шодман ва гоҳида терс,  
 Яшамоқ пайтидир ўйлаб ва шошиб.  
 Ёшлигим жим, сокин тунни безади,  
 Намозшом гулидек кўзлардан пинҳон.  
 Энди вужудимда ҳорғинлик кезар,  
 Орзу-ҳавасларга бўлганда имкон.  
 Одамлик изладим душманимдан ҳам,  
 Дўст қийналса жоним типирчилади...  
 Шуларни ўйлайман, биламан шундан  
 Ёшлиқ ҳам отини тез қамчилади.  
 Шуларни ўйлайман, ўйларим чексиз,  
 Яхшилик, ёмонлик, ўлим ва ҳаёт,  
 Бировга бемаврид келган қазо-ю,  
 Бировга текинга берилган қанот.

Майинлик, теранлик, ваҳшийлик, тундлик.  
Ўз ўрнига тушган мукофотгача.  
Вазминлик, баъзида шиддаткор зудлик,  
Таъбни кир қилгучи хурофотгача —  
Ўйлайман, қалбимдан ўтади бари,  
Гоҳи эркалатиб, гоҳ жароҳатлаб.  
Кошкийди тубанлик чекилса нари,  
Эзгулик ўтмаса ҳеч кимни четлаб.  
Хаёллар тортқилар юз бир томонга,  
Юз шодлик, қийноққа қилади дучор.  
Майли, юрагимда ёнсин аланга,  
Аммо, хаёлларсиз яшамок душвор.  
Хаёлимни бузма, қўйиб бер эркин,  
Уларсиз яшамок тутқунлик менга...

1973

\* \* \*

Кўй энди, дам олсин магнитофон ҳам,  
Бунда табиатнинг ўзи нақ ҳофиз.  
Бунда табиатнинг ўзи созанда,  
Дардини минг тилда айлар талаффуз.

Оппоқ парча булут судралади жим,  
Бағрида кўз ёшми, шабнамми, не бор.  
Аммо шарпасини илғар қулоғим,  
Қулоқ тут, куй айтар нафис, мафтункор.

Қулоқ тут, гиёҳлар майин шивирлар,  
Худди бир сеҳрга, сирга ўхшайди.  
Мунча ҳам беозор, мулойим улар,  
Балки бир қадамдан чўчиб яшайди.

Қулоқ тут, тоғлар ҳам шиддаткор куйлар,  
Коммунарлар мисол елкама-елка.  
Куй айтар олисда оқарган уйлар,  
Бир куйлаб ўчади ҳатто кўланка.

Япроқлар юзига юзимни тутиб.  
Келар шивирини тушунгим, уққим.  
Ёмғир ювиб ўтса, шамол қуритиб,  
Чайибди яна ҳам тиникроқ кўкка.

Бунда ҳамма нарса кўшиқ айтяпти,  
Гоҳ қувонч, гоҳ андуҳ тинглаяпман мен.  
Ўзинг тил топмасанг, уқмасанг гапин,  
Таржима қилмоқни билмаяпман мен.

1973

\* \* \*

Шеър ўқигим келар,  
Куйма сатрлардан  
Юрагимга тушса жимгина ларза.  
Мени бошлаб кетса ажиб туйғулар  
Яшиллик югурган қир, адирларга,  
Яланг оёғимни силаса майса.

Шеър ўқигим келар,  
Чарчоқ ҳисларга  
Сўлим ва мусаффо ҳаво пуркаса.  
Қалбдаги бўшлиқни тўлдириб,  
Оламни муаттар исларга,  
Яна чаманларга буркаса.

Шеър ўқигим келар,  
Нотинчликка чанқоқ,  
Қанотли ўйларга ташна юрагим.  
Сергак этса оҳанглар, куйлар,  
Ўтказдириб тунларни уйғоқ,  
Ташна лабга ўхшар юрагим.  
Шеър ўқигим келар...

1973



\* \* \*

Атласимнинг жилвасида Ўзбекистон боғлари,  
Мен тўқийман токи яйраб кийса деб ўртоқларим.

Таңда тортсам ранг, ипакнинг гулларига рашк қилур,  
Кифтида гул орқалаб оққан чаман ирмоқлари.

Арқоғи офтоб нуридан, ўриши ой шуъласи,  
Ҳам яна юлдуз чиройин қат-қатиға боғладим.

Не саодатки, яна энг яхши кун — тўйлар учун  
Шоҳи-ю атлас бўлур ёрнинг белбоғлари.

Боғласа ёр белларига бахт ила қувват берур,  
Дил ўтидан байт битилган каштали қирғоқлари.

Атласимнинг рангларида Ўзбекистон боғлари,  
Мен тўқийман токи яйраб кийса деб ўртоқларим.

\* \* \*

Мен сени шунчалар ёниб севганим  
Севишни сенга ҳам ўргатмоқ учун.  
Ўзимни ўйламай, сени деганим,  
Сенга ҳам ўзимни ўйлатмоқ учун.  
Шаънингни булбулдек юз тилда айтдим,  
Сени ҳам булбулдек куйлатмоқ учун.  
Бахтимни таърифлаб ғазаллар битдим,  
Сени ҳам бахтингдан сўйлатмоқ учун.

\* \* \*

Уйқум қочиб кетди,  
Ўй ва хаёллар  
Қуюндай титкилаб тун қоронғусин  
Қайларга элтмади мени бу кеча.  
Тизгинин қўймади бебош шамоллар,  
Олдинда севгининг сирли ёрдуси,  
Кўзимдан кетмадинг яна бу кеча.

Муҳаббат тангриси  
Бутун хунарин  
Кичкина жонимга жойлагунча то  
Тинмаганми дейман афсундан оғзи.  
Бутун умр кутдим икром хабарин,  
Бир умр яшадим бўлиб мубтало,  
Худди шунинг учун мен тақдирдан рози.

Меҳрли нигохинг,  
Суйгучи кўзларинг  
Таъқиб-терговига бўлсам муяссар,  
Кафтинга томардим бир қатра ёшдек.  
Гулларга кўмардим босган изларинг,  
Ўйланмай елардим хузуринг сари,  
Қўркмасдим на сувдан ва на оташдан.

Бир нурли оламсан  
Чаманларга зеб.  
Рухимга ҳаловат, гиёларга ранг.  
Яна нелигинга шеърларим гаров.  
Сен туфайли мени, вужуди ишк, деб,  
Ижтимоийликдан ўчирса биров  
Ҳаво етмагандек гоҳ аҳволим танг.

Аммо мен севгиман,  
Ишқдир ҳар сатрим.  
Дилларни дилларга талпинтиргувчи  
Даққи юракларни тутар уволим.  
Агар насиб қилса менинг бир қатрам,

Хоқимлик истаги, бойликдан кечиб,  
Хар қандай қўлдан ҳам тушарди қурол.

Сен туфайли мен ишқ,  
Сен туфайли мен бахт.  
Йўлларим ҳам тугаб қолурди сенсиз.  
Сен туфайли оқшом қўйни тўла нур,  
Сенсиз орзуларим, ақлим ҳам карахт,  
Ўйларим қаноти толурди сенсиз,  
Дилда борлигининг ўзи бир хузур.

Хаёллар пармалаб тун қоронғусин,  
Қайларга элтмади мени бу кеча...

Ширин хаёлларга тўлган кўзлари  
 Сўлиган гулларга тушди-ю, тинди.  
 Олиб келишганди бир тўда қизлар,  
 Гулдонга сув қуймай солибди кимдир.  
 Авайлаб, оҳиста сув пуркади она,  
 Силади тирилган майин япроғин.  
 Ранглар жилоланиб, товланиб яна,  
 Нечун янгилади онанинг доғин.  
 Гулдаста қўлида, маънос ва сокин,  
 Аста кириб келди жимжит уйига.  
 Тўрдаги суратнинг ёнига секин —  
 Қўйди-ю, шўнғиди яна ўйига.  
 — Сарупо киймадинг қайната бўлиб,  
 Ҳеч йўкса, гуллардан бўлгин бахраманд.  
 Одам келди бугун ҳовлинга тўлиб,  
 Фарзандинг ёнига қўшилди фарзанд...  
 Шодлик, ўқинчданми кўз ёшлар окди,  
 Она қалби сўзсиз чекарди фирон.  
 Хира кўзлар билан яна суратга боқди,  
 У ҳамон ўшандай, сукутда ҳамон.  
 — Суратда ҳали ҳам ўша-ўшасан,  
 Ҳамон кўзларингда ёшлик, кулги, нур.  
 Ҳали ҳам ўшандай чиройли, ёшсан,  
 Ҳали ҳам ўшандай забардаст, мағрур.  
 Боқининг ҳали ҳам ўшандай илиқ,  
 Дилингда нелар бор, айтмайсан фақат.  
 Қатра кўз ёшимга туролмасдинг тек,  
 Нега индамайсан, оҳ, сурат, сурат!  
 Бир нафас тилга кир, майли, бир секунд,  
 Дарё бўлиб оққан ёшларим ҳаққи.  
 Кўйингда минг тошга урилса ҳамки,  
 Минг тошдан қаттиқроқ бошларим ҳаққи,  
 Бир нафас тилга кир, майли, бир секунд.  
 Ҳаётни яратган табиат наҳот,  
 Бир дамни аяса, номардлик қилса.  
 Тан олмайман унда, ой, қуёшини,  
 Нималар деяпман, билмайман, хайҳот!  
 Сени излайвериб ҳолдан тойдим мен,  
 Сени излайвериб қариб қолдим мен.  
 Поездлардан ўтиб, еллардан ўздим,  
 Аммо висолинга етолмадим мен.  
 Хаёлим излашдан, қўнглим бўзлашдан,  
 Сени ахтаришдан сира толмадим.  
 Дарёларни кечиб, тоғлардан ошдим,

Куйган бугдойзорлар, боғлар қолмади.  
Охири оқ қайин остида танҳо,  
Турган қабр узра аста чўкдим тиз.  
Бу сен бўлмасанг ҳам тақдиринг бир, о,  
Балки бу ёшгина йигитдир, эсиз!  
Муздек тупрофингни минг марта кучдим,  
Муздек ёнофингни ўпдим неча бор.  
Дарё бўлиб оқдим, қуш бўлиб учдим,  
Хузурингга чопдим такрор ва такрор.  
Қишда курагани бордим қорларни,  
Ёзда сув сепгани ошиқдим ҳар вақт.  
Баҳор офтобига чирмашиб доим,  
Гоҳи гул ўтқаздим, гоҳида дарахт.  
Бир нафас қўймадим, мен сени ёлғиз,  
Бир дам танҳоликка ташлаганим йўқ.  
Сенсиз йиғламадим, кулмадим сенсиз,  
Сенсиз кўнглимни ҳам хушлаганим йўқ.  
Сени йиқитган ўқ менинг танамда  
Бутун жароҳати билан турибди шундоқ.  
Жонингга жонимни улаб минг ўлдим,  
Азизим, оқарган сочларимга боқ.  
Гапир, гапирсанг-чи бир сўз лоақал.  
Юзимни куйдирган ёшларим ҳаққи.  
Кўйингда минг тошга урилса ҳамки,  
Тошлардан қаттиқроқ бошларим ҳаққи,  
Гапир, гапирсанг-чи бир сўз лоақал...  
Сийрак киприклар жипслашди бир дам,  
Энтикиб, хўрсиниб кўз ёшин ютди.  
Унсиз тилга кирди сурат ҳам бирдан,  
Она қулоқ бўлиб ўзин унутди.

## С у р а т

Йиғлама, азизим, йиғлама фақат,  
Кўз ёшингни кўрсам, дилим куяди.  
Йиғласанг, ҳали ҳам қилмасман тоқат,  
Ўтмас пичоқ билан кимдир сўяди.  
Тўлғанаман, аммо ета олмайман.  
Кўз ёшингни, эркам, арта олмайман.  
Йиғлама, азизим, йиғлама фақат,  
Кўз ёшингга сира қилмасман тоқат.  
Табиатдан сира-сира нолима,  
Унинг ўзи кутар инсондан эҳсон.  
Яхшироқ назар сол кўнгли, ҳолига,

Минг хил ташвиши бор бошида, билсанг.  
Осмонида қанча йўлдош учяпти,  
Баъзиси кўтариб дўзахдек дахшат.  
Сувлари остида атом кўчяпти,  
Унинг юрагида армони қат-қат,  
Сен ундан нолима, йиғлама фақат.

О н а

Кўй, буни эслатма, эслатма сира,  
Ўғлимнинг бахтидан юрай хотиржам.  
Кўнглим ойнасини айлама хира,  
Бироқ тинч эмасман, нотинчман, ажаб...  
Сен бошқа дамларни эслат, азизим,  
Бирга юрганимиз хушвақт онларни.  
Эсингдами баҳор, боғимиз бизнинг,  
Тўйимизга келган кадрдонлар-чи?  
Шунча йил ўтибди нафасдай, сувдай.

С у р а т

Бир зарб-ла ёзилган дostonдай ширин.

О н а

Йиғит эдинг ўшанда худди суксурдай.

С у р а т

Сен ҳам гўзал эдинг мисоли Ширин,  
Кўнглимни яшнатган бир чечак эдинг.

О н а

На уйқуга тўйган ва на кулгуга,  
Кўрса кўз куйгундек келинчак эдим.  
Бировнинг қайғуси йиғлатар эди,  
Агар қўшиқ айтса бирга куйлардим.  
Ҳаётга баъзида ўлмаслик учун  
Келгандай бўлардим, шундай ўйлардим.  
Бахтимнинг поёни, чеки йўқ эди,  
Бу шайдо юрагим ҳар нарсадан лол.  
Ишқингдан шунчалар кўнглим тўқ эди,  
Ундан айрилишни қилмабман хаёл...

Эсимда, куз эди, мева фарқ пишган,  
Боғлар олтин либос кийган ажиб пайт.  
Лекин халқ бошига мусибат тушган,  
Мен ҳам вокзалдан зил-замбил бўлиб  
Уйингга, онангнинг бағрига қайтдим.  
Мунчоқ кўзларини пилдиратиб шўх,  
Ўғлинг ётар эди беланчагида.  
Эсласам, юрагим эзилади, ух,  
Хаммаси кўзимда, ҳа, кечагидек.  
Уйлар хувиллади, кўнглимиз вайрон,  
Қайнана-келин жим, сукутда қолдик.  
Тўрт ўғил ўстирган онанг ҳам ҳайрон  
Соатлаб бечора ўтирарди тек.  
Аканг кетган эди, уканг ҳам кетди,  
Беҳасса букридек қолдим эгилиб.  
Бу кунни кўргунча минг рози эдим,  
Кимдир баданимга туз сепса тилиб.  
Маъюс кўзларига ҳар боққанимда,  
Қалбимни қиймалар эди ҳижронинг.  
Туғиб туғмагандек фироқда, ғамда  
Оламдан кўз юмди онаижонинг.  
Сира чидолмадим бу айрилиққа,  
Дод дедим, зирқираб титради уйлар.  
Қаргадим тақдирни юзма-юз, тикка,  
Шўрлик, килсам дерди набира тўйлар.  
Урф-одатни ҳам ўша кун буздим,  
Хотинликни йиғиб отдим бир ёкқа.  
Тобутин бир бошин кўтардим ўзим,  
Одамлар гоҳ койиб, гоҳ тутди ёқа.  
Ўғлим йўқ, деб яна ўксима, она,  
Сени кўтармаган бу елкаларим  
Бўлгани яхшироқ пора-ю тилка,  
Ўғлим йўқ деб яна ўксима, она.  
Сен ҳам армон қилма бағрим, азизим,  
Сўнгги йўлга уни узатмадим деб.  
Ташлаб кетган эдинг менга ўз изминг,  
Мен ҳам битта жонинг, бир парчанг эдим.  
Тунлари койидим тақдирни бедор,  
Нечун бизда шунча аччиқ ўчи бор!

### С у р а т

Қисматда не гуноҳ, ўйлабсан хато,  
Бу — ожиз ва муте одамлар сўзи.



Тақдирнинг ўзи ҳам аламда ҳатто.  
Қора қилганлар бор тақдирнинг юзин.

О н а

Ҳа, буни билардим, қисматдан ўзга  
Кимни ҳам бўғардим ўша дамларда.  
Фашист олис эди қўлу кўзимдан  
Ғажиб ташлай десам бу аламларга.  
Туғиб, қотил боққан оналарни гоҳ,  
Хаёлан тик қўйиб қилар эдим суд.  
Шунда онанг тушиб ёдимга ногоҳ  
Дунёда ўзимни сезардим масъуд.  
Уйга сизмай қолдим, бир ўқ ясасам,  
Битта қўлқоп тиксам ҳарна-ку, дедим.  
Ҳамма шундай дерди, энди эсласам,  
Мен ҳам ўшаларнинг биттаси эдим.  
Ох, бизнинг одамлар, дилкаш одамлар,  
Ҳеч қачон танҳолик сездирмадилар.  
Жигар бўлишди-ю, энг оғир дамлар  
Бағридан бир нафас бездирмадилар.  
Кулгим, йигимни ҳам бирга бўлишди,  
Улар кўмагида жойландим ишга.  
Улар кўмагида ақлим тўлишди,  
Олисдан ўт очдим ёвга, урушга.  
Кўпчилик аёллар эдик заводда.  
Бирам аёлларки, қошлари кундуз.  
Меҳнатдан ўзгани билишмас, содда,  
Тунни тун дейишмас, кундузни кундуз,  
Биттаси йиғласа, бари эгар бош,  
Бирининг шодлиги барчага татир.  
Ишқ тўла қалбларда ғазаб ва оташ,  
Бир жон қилиб қўйган уларни тақдир.  
Ўрлинг ўсар эди, «дада, дада», деб,  
Талпиниб қолганда суратингга гоҳ  
Мен эса ўкинчдан ич-этимни еб,  
Хўрсиниб кўксимга босардим, эвоҳ!  
Энтикиб ўпардим сочи, юзидан,  
Бағрин тўлатмоқни қилардим хаёл.  
Барибир қоларди гўдак кўзида  
Бир кўнгли яримлик, бу мунгли савол.  
Йўқ, сен билмайсан, бу мурғак, ожиз —  
Дилга жавоб излаб бўлмагансан лол.  
Жигарим оташга тегарди жиз-жиз,  
Сочларим оқарган шунда эҳтимол,

## С у р а т

Бу кўзлар ҳасратин, ох, мендан сўра,  
Суягимдан ҳамон чиқиб кетар дуд.  
Жазавага тушиб руҳим югурар,  
Қотган тилларим ҳам қилолмас сукут.  
Етимлик нима гап, шу мурғак жонлар —  
Кўксига беаёв отишган-ку ўк.  
(Жонингдан айланай, ох, болажонлар,  
Унутиб бўларми у кунларни? Йўк!)  
Ўзига никталган тўшончани ҳам  
Ўйинчоқ деб билган митти қўлчалар —  
Шалпайиб тушганда қандайин алам,  
Айт-чи, бу аламлар қандай ўлчанар?  
Мурда кўкрагини бепарво сўриб,  
Инграган гўдакни кўрганмисан ҳеч?!

## О н а

Бас, бўлди, раҳм қил ҳолимни кўриб,  
Ҳатто тинглашга ҳам етмайди кучим.

## С у р а т

Ўзинг гап бошладинг, энди қулоқ сол,  
Ҳали тувилмаган набиранг учун  
У кунни унутма, доим эсга ол,  
Қалбингда ҳамма вақт сақлагин ўчин.  
Ҳаққинг йўк бепарво бўлишга бир дам,  
Ҳеч кимнинг ҳаққи йўк, тингла, қулоқ бер,  
Овоз келяптими олисдан, ердан?

## О н а

Сезяпман. Наҳотки тилга кирди ер?!

## С у р а т

Бу бизмиз, азизим, қўл ушлашиб бот,  
Чирмашиб ётибмиз она тупрокқа.

## О н а

Вой-бў, шунча кўпмисиз, наҳот,  
Шовқин эшитяпман яқин-йироқдан.

## С у р а т

Тириклардан кўра, балки кўпроқмиз,  
Тириклардан кўра ҳам иноқроқмиз.  
Халкининг бахти деб, сургунда юриб,  
Буюк истиқлолни тайёрлаб кунда,  
Эрининг изидан қувғинда юриб —  
Хормаган ажойиб аёллар шунда.  
Партизан яширган она-ю ўғил  
Хатто ўзимизнинг мард Остонақул,  
Фашистни титратган Раҳимовгача,  
Тўйчи Эрийгитов, Ҳакимовгача —  
Хаммамиз шу ерда, ўк, томир бўлиб  
Ерни елкамизда тутиб ётибмиз.  
Тўлганиб, ғазабга, ташвишга тўлиб  
Вьетнам устида бомба, ўқларнинг  
Тезроқ тинишини кутиб ётибмиз.  
Дўстлар қабримизга кўяётганда,  
Тинч ётинг, дейишган бошларин эгиб.  
Ерда шунча ғаваф бўлаётганда  
Бажармоқ мумкинми улар ўгитин.  
Жуда ҳам нотинчмиз, жуда нотинчман,  
Қандай ором олай ер кўрпасида,  
Сув, осмон, авлодим турса дучма-дуч  
Ҳаёту ўлимнинг қоқ ўртасида.  
Ўрмонни ёқмоқ-чун кифоя гугурт,  
Атомни ушлаган вахший қўллар бор.

## О н а

Барибир у қўллар жуда-жуда мўрт,  
Уни жиловлашга қодир диллар бор.

## С у р а т

Итни қопмайди деб бўлмас, азизим,  
Тушларинга кириб, сергак бўл, дейман.  
Одамлар! Доғ суртманг ақл юзига,  
Дунёнинг умрига тирак бўлинглар.  
Қачон уруш оти ўчса оламдан  
Она тупроқ ичра узатиб оёк,  
Хотиржам бўларкан авлод, боламдан,  
Хаёл-хотирангдан кетаман йироқ.

## О н а

Хатто, ит уришса зирқирар қалбим,  
Одам одам пайин қирқмоқ бўлса-чи?  
Сўзсиз кичкираман, нега туғилдим,  
Қулоқларим батанг бўлиб қолса-чи!  
Ўртада бўлсин деб кадр ҳам иззат,  
Айрилиқ ва ўлим яралганми ё?  
Шунда ҳам тантилиқ қилиб табиат,  
Буюк бир ақлни берган-ку аммо.  
Шу ақл тантана қилар, азизим,  
Тантана қилади шафқат ва виждон.  
Куни кечагина Тошкентимизда  
Тилу дил топишди Ҳинду Покистон.

## С у р а т

Бизларни кўрсанглар, жон кириб кетди.

## О н а

Тошкентнинг мусаффо, эркин хавоси  
Ёвуз ниятларни чилпарчин этди.  
Икки халқ эришди муддаосига.  
Азиз пойтахтимга тикилди кўзлар,  
Кўплари хурсанду кўпи аламда.  
Дунё эфирида Тошкент сўзлади,  
Фурур эркалади дилу танамни.  
Тинч ухла, бўлмагин сира безовта,  
Сизлар бош қўйган бу қутлуғ тупрокни  
Хўрласак ва ёки берсак бировга  
Бўлганимиз яхши ўзимиз ҳам хок.  
Ўликлар қучоқлаб ётсаю маҳкам,  
Наҳотки, тириклар туради лоқайд?  
Унақа тириклик нимага малҳам,  
Унақа тириклик кимга керак, айт!  
Оналар номидан сўзляяпман мен,  
Аёл қудратига ким келтирар шак.  
Дунёни сўраган подшоҳлар ҳам  
Бирининг гўдаги, бирига ошиқ.  
Йигирманчи асрнинг ролиб туғида  
Қалбимиз қони бор, буюклиги бор.  
Ойни кафтга олган фан ютуғида  
Биз силаган бошнинг тиниқлиги бор.

Ҳаёт яратмоққа яралганмиз биз,  
Яратиш топташдан мушкул ҳамиша.  
Шундан билса бўлур қудратимизни,  
Масъулмиз оламнинг ҳамма ишига.  
Фарзанд нафасидек ширин нарсани  
Яралгандан бери билмайди олам.  
Мана, димомимда ҳамон нафаси,  
Ҳатто куёв бўлиб қолса ҳам болам.

С у р а т

Қайнана бўлдим де?

О н а

Шундоқ, дадаси.  
Келинимни кўрсанг, қилгундай кўз-кўз.

С у р а т

Сочлари узунми? Қанақа эси?

О н а

Ҳаммаси жойида, камсухан, камсўз.

С у р а т

Ўғлим-чи? Қадрингга етадимми у?

О н а

Албатта. Бўй-басти қуйгандай ўзинг.

С у р а т

Қара, тонг отяпти, бермадим уйқу,  
Чарчадинг чамамда, қизарган кўзинг.

О н а

Сира ундай дема, тирик бўлсанг ҳам,  
Барибир шу кеча ухлолмас эдик.

## С у р а т

Ёруф тушиб қолди, ҳовлига қара,  
Ҳали ҳам кеч эмас, мизғиб ол жиндек.

Мусича кукулаб, булбул сайради,  
Ойнадан нур тушди она юзига.  
Нурга ўралгандай яшнаб, ярқираб,  
Келини жилмайиб турар кўзида.  
Ойи, деб илк марта чақирар уни,  
Чойга таклиф қилар эъозлаб балки.  
Лекин она қалбин, шу бедор тунни,  
Шу кунги суҳбатни у билармикан?..

1963—1966

## ҚЎШНИЛАРИМ

### К и р и ш

Талай шеърлар ёздим, дилимда ётган  
Шодлигу қайғуни битдим эрта-кеч.  
Аммо бир алам бор тикандек ботган,  
Унинг жароҳати тугамади ҳеч.

Тирикман, тўқ, тўкин яшаяпман ҳам,  
Бурчми, одамликми, виждоним қарзим,  
Ишқилиб, тимдалаб турар шу ярам,  
Балки у тутқазган менга куй, созни.

Балки гўдакликда мажруҳ бўлган дил  
Бугунги бахтидан энтикканидан.  
Қўшиқ шайдосию шоир бўлгандир!  
Шундандир қўшиққа жонни тиккани.

Бунда ёзганларим бари ҳақиқат,  
Ҳаммаси маҳаллам аҳлига аён.  
Шоирнинг пинҳоний ғуссаси фақат,  
Қилмоғи мумкиндир бир нафас хайрон.

### I

Маҳалламдан аста бораман ўтиб  
Болалик йилларим кечган кўчадан.  
Туғилган шаҳримдан қолганман кетиб,  
Соғиниб келаман анча-анчада.  
Лекин менга таниш ҳар гўша, ҳар уй,  
Ҳар битта дарвоза, ҳар битта дарахт.  
Олис-олисларга тортқилайди ўй,  
Қалбим хаёлларнинг кўксида қарахт.  
Бу ерда ҳеч нарса ўзгармагандек,  
Девор наҳрасига бош қўйган тут ҳам.  
Довучча пайтидан сийлаган қантак  
Хали ҳам маҳалла аҳлига ҳамдам.

Чанг кўнган япроқлар сарғайган бир оз,  
Қари танасида бормикан изим.  
Ана, чак-чак томган сувида наврўз  
Сочимни ювганим қадрдон узум.  
Ҳаммаси ўшандай, фақат қўштерак,  
Баҳайбат қўштерак кўринмас бугун.  
Орзиқиб тушарди бокқанда юрак,  
Бола хаёлимга ташларди тугун.  
Тубида бўларди ховузу супа,  
Сувида сузарди бақаю хазон.  
Сўлим сахарларда шу ердан сўфи  
Жимжитликни бузиб айтарди азон.  
Маҳалла устидан ғамгин ва сирли  
Ваҳима уйғотиб ўтарди сузиб.  
Мени ҳам хаёлга тушириб асир,  
Ширин тушларимни кетарди бузиб.  
Бизларга бу даргоҳ бир жумбоқ эди,  
Чўчиб кочар эдик аста суқиб бош.  
Офтоб қиздирганда кирманглар, дерди.  
Кирманглар, дердилар, қорайганда қош.  
Шу даргоҳ ўзгарган, фақат шу даргоҳ.  
Қадимий дарвоза бўялган кўкка  
Кизча югургилаб чикди баногоҳ.  
Аёл кир ёярди тортилган ипга.  
Сўлим бир боғчаки, мевалар шигил,  
Ишкомга ёнбошлаб мудрайди узум.  
Гўдаклик йилларин эладими дил  
Қия дарвозадан узолмай кўзим —  
Терак ҳайбатини ахтардим бир дам.  
Гуллар ханда урди қаршимда кулиб.  
Жувон кир чаяди бу ердан  
Қўрқувларни ювган фаришта бўлиб.  
Чуғур-чуғурлашиб бир тўда қизлар  
Ҳайиқмай, чўчимай кириб кетишди.  
Қўғирчоғи бўлсам қўлларидаги,  
Ўйинчоғи бўлсам йўлларидаги.  
Оҳ, жажжи қизларжон, мени бу қизлар  
Яна болаликка асир этишди.

## II

Бунда мен таниган биринчи олам,  
Биринчи кўрганим қадрдон қўшни,  
Шу жойда илк марта меҳрибон онам



Мени аллалаган меҳрдан жўшиб.  
Осмон тиниклигин сезганман шунда,  
Ер узра биринчи қўйганман қадам.  
Мана шу кўчадан кўтариб қўлда  
Бағрида эркалаб ўтарди дадам.  
Баҳор гўзаллиги, қуёш жилоси  
Шу жойда сингиган кўзу дилимга.  
Шу жойда ҳаётнинг илк алифбоси.  
Бийронлик бахш этган гўдак тилимга.  
Беҳи гулидаги майин чиройга  
Ҳайрату сукутда бўлиб маҳлиё.  
Юлдузларни санаб, термилсам ойга,  
Сирли кўринарди бу олам гўё.  
Чақириб, номимни атаб илк марта,  
Дарвозамга келган дугонам, дўстим.  
Ох, қани у кунлар келсайди қайта,  
Мунча тез улғайдик, мунча тез ўсдик.  
Мунча тез ўтибди маъсум у кунлар,  
Гуласи узилган парпиракмисол —  
Қайга ғойиб бўлди, қани у тунлар?  
Бир эртак айтишсак, бир сурсак хаёл.  
Беркинмачоқ ўйнаб ойдин тунларда  
Югуриб, қийқириб баъзан тонггача.  
Шу кичик, бағри кенг, пастқам уйларда  
Баҳам кўришардик туздан нонгача.  
Биринчи оламим, азиз маҳаллам,  
Аҳил қариндошдан аҳилроқ, иноқ.  
Сени эсга олсам яйрайди танзим,  
Озгина олислик туюлар фироқ,  
Ҳайбатли бинолар қисибди гарчи,  
Мунғайиб ёнида сурасан хаёл.  
Аммо, сен, азизим, менга, мен учун  
Ирмоқлар макони азим тоғмисол —  
Пурвиқор, юз олтин уйга бергусиз  
Мунису мухтарам, гўзал, кўркамсан.  
Жаннатдек жойлар ҳам татимас сенсиз,  
Меҳру оқибатда жонга оромсан.

### III

Кимдир нон ёпади, ширин хид сузар,  
Яна болаликка югурар ўйим.  
Гўё шу дам онам кулчалар узар,  
Дўшпимни тутаман қўлларим куйиб.

Яна қизлар кирар югуриб, елиб,  
 Қалдирғочдек кўниб ариқ четига,  
 Кулчани бўктириб тўймас эдик еб,  
 Оқизоқлар қилиб сувнинг бетида.  
 Сувларки, оқарди тўлиб, хайкириб,  
 Кўзгудек бегубор, тиник, ярақлар.  
 Қани унга биров кўрсин тупуриб,  
 Шунчалик муқаддас эди ариқлар.  
 Ховучлаб ичганда юрак яшнарди,  
 Томоқ оғриғини билмасдик, ажаб.  
 Совуқ сув ичма, деб онам уришса,  
 Қўшнига чиқардим чопқиллаб, қочиб.  
 Ҳрик шохларини қилиб гоҳ ларзон,  
 Липпага тўлдириб довуччаларни,  
 Тишлар қамашгунча ер эдик баъзан,  
 Данагин гоҳ чақиб, гоҳ кўчаларга  
 Ирғитиб, кийикдек сакрардик тинмай.  
 Фаму андуҳ нима, ўйламай, билмай,  
 Офтобда қорайиб, сувда чўмилиб,  
 Гоҳ уйлар ясардик қумга кўмилиб.  
 Яланг оёқ лопта ўйнаганимиз,  
 Кўчаларга сизмай қайнаганимиз,  
 Келинчакни кўрсак кўзимиз ўтиб  
 Шивир-шивирлашиб сўзлаганимиз.  
 Мунча тез ўтибди у маъсум кунлар,  
 Гуласи узилган парширакмисол —  
 Қайга қойиб бўлди, қани у тунлар?  
 Бир эртақ айтишсак, бир сурсак хаёл...

#### IV

Ана, келишмоқда қизлар бир тўда,  
 Дугонамга ўхшаб қора қош бири  
 Қўлларда китоби, серфикр жуда,  
 Балки ўйлашарлар оламнинг сирин.  
 Дарвозалар бирин-кетин очилиб,  
 Сийраклашиб қизлар, кўча жимиди.  
 Бири қиё боқиб кулди-ю, қочди,  
 Ё мени таниди, билмам ким эди.  
 Қизгина, шошмай тур, шошмай тур, жоним,  
 Шу ҳовлида бордир шўхлигим, кулгим.  
 Узилиб кетганда шода маржоним,  
 Тизиб берган жувон бувингдир балки.  
 Бизлар кашта тиккан ўша лой супа,

Намозшом гуллари ҳали бормикан?  
Шолчада чувалиб турли ранг ипак,  
Қизгина, сенга ҳам интизормикан?  
Кашта тикар эдик бунда йиғилиб,  
Раиго-ранг ипакдан яшнаб дилимиз.  
Сувда оқиб келган тутни сузиб еб,  
Ширасидан ёрилгудек бўлиб тилимиз,  
Ховуч-ховуч сувни ичардик яна.  
Ховли-ю супага сепсак нимтатир,  
Шабада эсарди бирам хуш, майин.  
Атрофга таратиб гуллар атрини.  
Жамбулу райхонлар яшнаб кетарди,  
Худди ўзимизга ўхшаб кетарди.  
Ховузга узилиб тушганда олма,  
Атрофга ёмғирин тўшаб кетарди.  
Қийқириб кулардик талашиб гоҳи,  
Ёкут тарамидан кўзимиз яшнаб.  
Ажиб бир ҳислардан ёниб нигоҳи,  
Сузилиб гоҳ онанг бошларди қўшиқ.  
Унинг куйларига беркинган софинч,  
Қизгина, сенмидинг ўшанда балки.  
Шошмай тур, жонгинам, эшигингни оч,  
Ховлингда бор менинг ёшлигим, кулгим.  
Мунча тез ўтибди маъсум у кунлар,  
Гуласи узилган парпиракмисол —  
Қайга ғойиб бўлди, қани у тунлар?  
Бир эртак айтишсак, бир сурсак хаёл.

## V

Ҳали ҳисларимиз топмасдан камол,  
Ҳали орзуларнинг узилмай кети,  
Ҳали ойдинларда кўрмай мажнунтол,  
Упа-сурма билмай кўзу бетимиз  
Хаёт гирдобига шўнғиди бошлар.  
Оламга сизмаган шодликлар тинди,  
Қолиб кетди лопта, кашта, тўпшошлар,  
Бирдан катта бўлиб қолгандик энди.  
Оталар урушга жўнади бир-бир,  
Тирик етим бўлиб қолди болалар.  
Йигитлар айтолмай кетди дил сирин,  
Уларсиз хувиллаб кўча, далалар —  
Кўзларга тун мисол чўкди бир алам,  
Юзларни тарк этди офтобдай кулгу.

Кексалар қаддини эгиб қўйди ғам,  
Оналар кўзидан йўқолди уйқу.  
Юрт бошига тушган шундай офир дам,  
Ақлу ҳисларидан куйгандек ўзи.  
Бир умрга ташлаб бизларни дадам,  
Бир умрга юмди меҳрибон кўзин,  
Онам ўттиз ёшда бир жаҳон ҳусн —  
Бир этак бола-ла қолгани тул,  
Такдирнинг бешафқат зулми савдосин  
Англаб олган эдим ўшанда буткул.  
Бошқалар кутарди, кутмас эдик биз,  
Улар кўзидаги умид учқуни  
Қаддимизни кўтариб турарди сўзсиз,  
Мақсаду нонимиз бирлиги учун.  
Эгасиз шумшайган ҳовлидай бўлиб,  
Гавжум кўчамизда кулгилар тинди.  
Ойдин кечаларда йигитлар тўлиб,  
Қўшиқ айтиб ўтмай қўйишди энди.  
Ўн саккиз баҳорни, ўн саккиз ёшни  
Бўз қўйлагу малла жомакорларда  
Кутиб олган эдик, азиз тенгдошлар,  
Ҳаққимиз қолгандир не баҳорларда.  
Ойна қаршисида соатлаб туриб,  
Вақтимиз йўқ эди эзмаланишга.  
Аммо сочимизни авайлаб ўриб,  
Селкиллашиб жўнаб қолардик ишга.  
Бу ҳарир либослар, шоҳи-ю атлас  
Кўрмаган ўн саккиз баҳоримизни.  
Энди қилиб қолсак қизилни ҳавас,  
Ёшлар мазах қилиб кулишар бизни.  
Субҳи саҳарларда навбат кутардик,  
Кўзларга сургудек ноннинг увоғин.  
Баъзан очликни ҳам унутар эдик,  
Кўриб, қора кийган қўшнининг доғин.  
Белимиз букилса қўямиз деб бош,  
Ўғил ўстирганди бунда бувалар.  
Келин олиб юртга берамиз деб ош,  
Сандик тўлатарди мунис бувилар.  
Сеплар қолиб кетди тугунга тушмай,  
Тўйга аталган дон тироғлик қолди.  
Келинлик либосин оҳори ўчмай,  
Не-не парисифат, не-не нозанин  
Ҳижрон чанғалида дил ранги ҳазин,  
Пардоз буюмлари ўроғлик қолди.

## VI

Мана, тўкиб турар бульдозер савлат,  
Кемтик килиб узун кўча бошини,  
Бунда Қаюм ота кута-кута хат,  
Ҳеч кимга кўрсатмай мунгли ёшини  
Бўлди Абдувахобнинг ўтида нобуд,  
Ўғли елкасини кўрмай тобути.  
Абдуқаҳҳор кетди, Лутфулло кетди,  
Кўчқорбой, Маннопжон ва Мусахонлар.  
Ёлғизу арзанда Қутбилло кетди,  
Кетди Мадаминбек ва Исохонлар.  
Эй, азиз одамлар, қай бирин айтай,  
Ҳали мен турибман кўча бошида.  
Нарига ўтишга тоқат йўқ, қайтай,  
Ортиқ санамоққа етмас бардошим.  
Меҳнату меҳрга бўлгандек ҳайкал,  
Бир ёнга тушибди пештоқли уйлар.  
Бундан ўтганимда кўзимга ҳар гал  
Келади битмаган, чала ёзувлар.  
Ғиштин иморату сўлим бир ҳовли,  
Гуллар уфурарди атрофга хидин.  
Кўчам бир адибни йўқотган балки,  
Жўнаб кетганида бундан Патиддин.  
Эҳтимол, бу уйлар бўларди музей,  
Бир эзгу умру буюк меҳнатга.  
Начора, афсуски кетди бузилиб,  
Тушмай бир қарору ва бирон хатга.  
Эй, азиз одамлар, қай бирин айтай,  
Ҳали мен турибман кўча бошида.  
Нарига ўтишга тоқат йўқ, қайтай,  
Ортиқ эсламоққа етмас бардошим.

## VII

Маҳалламдан аста бораман ўтиб,  
Бир оз одамови, камсухан, сокин.  
Кулги, шодлигидан, тўйидан тортиб,  
Чеккан изтироби қалбимда лекин.  
Мана, узун йўлак, кичик дарвоза,  
Қайноқ хотиралар яна тортади.  
Хосият бувининг қилганин қазо  
Эслайману тағин алам ортади.

Беш ўғил, азамат беш ўғил кетди,  
Айтишга осондир, бу ҳазил гапми.  
Гарчи жимжитгина оламдан ўтди,  
Лекин чин қаҳрамон эди шу кампир.  
Мулойим, хушсухан, бирам беозор,  
Ўйнаб кириб қолсак кулиб турарди.  
Бир оёғин силаб аста ер босар,  
Бир оёғи оқсаб, секин юрарди,  
Муштдек юрагида тоғдек ғам-алам,  
Яна кўрармикан беш ўғил-мардин.  
Балки дупуримиз малол келса ҳам  
Ичига ютгандир ўшанда дардин.  
Ўғилларки, яна муаллим, доктор,  
Агроном бўлувди кенжатоё бири.  
Одобда уларнинг тенглари йўқди,  
Начора, биттаси қайтолди тирик,  
Отинг ўчкур уруш, қонхўр аждаҳо,  
Не-не йигитларни ютган шумқадам.  
Олам сендан қачон бўлар мусаффо,  
Қачон яшар экан беташвиш одам?!  
Қанийди, кўзида кекса онанинг  
Юрсалар солланиб беш келин, овсин.  
Қанийди жам бўлса Валиевларнинг  
Униб-ўсган гўзал бир оиласи.  
Ана, чиқиб келар ўрта ёш жувон,  
Неъматжоннинг содиқ беваси, дўсти,  
Унинг тўрт фарзанди кўзи нигорон,  
Ота дийдоридан бенасиб ўсди.  
Йўқ бунда бағри бут бирон хонадон,  
Одамлар қаддини ушлади сабот.  
Кетган йигитларни бир-бир санасам,  
Достоним рўйхатдан бўлиб иборат,  
Тоғиб бўлмас эди, балки давомин,  
Оҳ, қайси бирининг айтайин номин...

### VIII

Биринчи оламим азиз маҳаллам,  
Аҳил қариндошдан аҳилроқ, инок.  
Сени эсга олсам яйрайди таним,  
Озгина олислик туюлар фироқ.  
Ховлиларни ўрик гулига буркаб  
Баҳор ёзганида бунда сепини,  
Мирзатеракларнинг мунчоғин излаб,

Маржон қилмоқ учун терардик ишга.  
Чулраб олар эди мени ажиб хис,  
Бўтана сувларда оқиб ўтса гул.  
Тинглардим завқимдан ҳайрону маъюс,  
Бонда сайраб қолса ногаҳон булбул.  
Лолақизғалдоқлар имларди томга,  
Шотига тирмашиб чиқиб олардим.  
Нур ичида ёнган тиниқ оламга  
Ошиқу махлиё бўлиб қолардим.  
Офтобда чўғланиб деразалари  
Турарди мактабим бундан кўриниб.  
Тиниқ кўкда сузган булут музлари  
Томчи ташлаб ўтса гоҳи уриниб,  
Лолақизғалдоқнинг косаларидан  
Териб ичмоқликни қилардим хаёл.  
Ўзимни ҳис қилиб афсоналарда  
Кўкатлар ичида ўтирардим лол.  
Кўриниб турарди бундан кўшниллар,  
Ох, яна хотира, аччиқ хотира  
Нега ҳам хаёлим томга бошлади.  
Энди енгил тортган дилимни хира —  
Қилмай қўя қолса нима бўларди,  
Тилмай қўя қолса нима бўларди.  
Ўт босган ариқнинг лабидаги тут  
Маъюс термилади, ана, олисдан.  
У кунни қандайин қилайин унут,  
Қувонч чил-чил синса бешафқат ҳисдан.  
Қариб мункиллаган Тўфа холанинг  
Ховлиси турарди ғариб, хувиллаб.  
Чархи секин-секин чекарди нола,  
Йиғи айланарди аста ғувиллаб.  
Арслондай уч ўғил кетган урушга,  
Эл бошига тушган савдо, не қилсин.  
Қариллик, кирайин деса бир ишга,  
Юрмаса беасо ахир не қилсин.  
Кенг енгига ўраб калаваларни  
Бозор томон аста ташларди қадам.  
Лекин шу бир туп тутнинг меваларини  
Қўни-қўшниллар-ла кўрарди баҳам...  
Ўйларим, тарқалинг, бас, етар энди,  
Қийналган жонимни баттар эздингиз.  
Гўё боғлаб мени отнинг думига,  
Сира ҳам аямай олам кездингиз.  
Ҳеч уйқу бермайсиз, гўё ўрнимга

Тикан ва хасларни ташлаб кетасиз.  
Гох дўст ҳажрида ботириб ғамга,  
Гоҳи ёшлигимга бошлаб кетасиз.

## IX

Андижон — қадимий заҳматкаш шаҳар,  
Меҳнатдан элининг қўллари қадок.  
Бунда тиқилинчдир ҳамиша ишлар,  
Ёзу куз ишлари бўлмайди адо.  
Лекин меҳмон учун вақти доим бор,  
Дилдан узатилган аччиқ кўк чойи.  
Бунда яйраб кетар келганда баҳор,  
Кўз-кўз қилиб бутун сепи, чиройин.  
Қуёш ҳам ардоқлаб ошиқ бўлган чин,  
Нефту оқ олтиннинг макони, юрти.  
Тер ҳиди анқиган кўйлақлар ичра  
Не гўзал, ажойиб қалбларни кўрдим.  
Жонсарақ чоллару тинмас кампирлар  
Ёшлик нигоҳи-ла сизга боққанда  
Очилиб меҳнатнинг қудрати, сири,  
Танангизга илиқ бир нур оқади.  
Ёз бўйи парвариш этар пахтани  
Ҳар фасл ўзининг ташвиши билан.  
Биламан, жуда банд бунда катталар.  
Шеър ўқишдан масъулроқ иш билан.  
Шаҳар кенгаймоқда, бўлмоқда обод,  
Туну кун бағрида зўр қурилишлар.  
Шаҳар Советининг йўли мабодо  
Тушиб қолса кўчам «Янги турмуш»га,  
Зора сатрларим унга ҳам ёкиб,  
Менинг хисларим-ла бир марта бокиб,  
Юзлаб тақдирларга бўлиб рўбарў,  
Хаёлдан бир нафас туриб қолса у.  
Тўғри, ўртоқ раис, кўчамдан аммо,  
Чикмаган биронта машҳур қахрамон.  
Қахрамон эмасми қилса жон фидо,  
Ахир қайтишмади кетганлар омон.  
Қатор ўғил берган оналар умри,  
Бир ҳайкалга, раис, арзиса керак.  
Қахрамон чикмаган кўчамдан, тўғри,  
Балки шунинг учун ўйчансиз андак.  
Ҳар кўчага ҳайкал, мумкинмас ахир,  
Деб балки куласиз, дилда эътироз.



Майли, кўчаларга ҳайкаллар тўлсин,  
Шаҳар ҳайкаллардан иборат бўлсин,  
Инсон унинг билан қилинса эъзоз.  
Биламан, ҳайкаллар кўтармоқда қад,  
Ёнида турганман таъзим ила жим.  
Ёнида турганман сукутда кўп вақт,  
Кўз ёшим тийишга етолмай кучим,  
Она-Ер қурбонлар қонидан гўё  
Ўчмас олов ёкиб ётар кифтида.  
Биламан, мардлигу поклик доимо  
Ватан ардоғида, элнинг кафтида.  
Аммо не қилайки, шоирлик ҳисси —  
Эзгуликка тўймас юрагим яшар.  
Кўчамдан кетганлар ёниқ нафаси  
Юзимга урилса дейман ҳамиша.  
Бунга келин бўлиб тушмаган кизлар,  
Бунда туғилмаган гўдаклар ҳаққи,  
Тўхтаб қолган тўйлар, сарғайган юзлар,  
Рўёбга чиқмаган тилаклар ҳаққи,  
Бир ҳайкал қурмоққа режа тузсангиз,  
Ундан сўнг кўчамни, майли, бузсангиз.  
Токи етмиш йиллик кадрдон кўшни  
Учрашиб турсалар бунда гоҳ-гоҳ.  
Аввал-ку, бўлишиб ердилар ошни,  
Энди ганиматдир бир дийдор — нигоҳ.  
Бунда лола, гуллар очилиб турса  
Навкирон ёшдаги умрдек яшноқ.  
Ўлганларнинг руҳи шодмон юрса,  
Машғал тутган зийрак йўлчига ўхшаб.  
Азиз кўшниларим, кадрдон кўчам,  
Борди-ю, орзуим очолмаса гул,  
Ранжитмасин сизни, ранжиманг ҳеч ҳам  
Тилагим бўлмаса раисга мақбул.  
Меҳнату меҳримдан бериб мен сайқал  
Шеърим билан сизга ўрнатдим ҳайкал.

1968

## АЛЛА

*Онамга бағишлайман*

Қайдан сўз бошламай, дунё умрининг  
Қайси бир жилдини варақламайин,  
Етганча хотирам, меҳрим, шуури  
Оналар номини ардоқлагумдир.  
Кўкка устун қўйиб, ер хуснин очган,  
Юлдузга ном берган боболар ҳақи,  
Илк марта гўдагин ўпган, опичган,  
Эмизган, юргизган момолар ҳақи,  
Аҳли донишларни туғиб, ўстириб  
Ўзи унут бўлган отинлар ҳақи,  
Фарзанд — давлатидан бир четда туриб,  
Ийманиб яшаган хотинлар ҳақи,  
Ҳисларим, жунбушга келинг бир нафас,  
Ҳисларим, қоғозга тўкилинг равон.  
Шундай бир меҳнатдан очмоқчиман баҳс,  
Уни бошларману қилмасман тамом.

### I

Мен унинг йиғисин эшитмай ҳеч вақт,  
Чидашим осонроқ дўзах ўтига.  
Бошдан-оёқ олам туюлиб бадбахт,  
Дунё чаппа айланиб кетар кетига,  
Бир қатра ёш кўрсам унинг бетига.  
Йўқ, унинг йиғисин эшитмай сира,  
Қалбимни шерларга тутмоғим осон.  
Бошимга қуласа бу гумбаз-қаср,  
Сув ўрнига зардоб ютмоғим осон,  
Онани кўргунча ночор ва сарсон.  
Ким уни йиғлатса, кўр бўлар бешак,  
Одамлар назари куйдирар охир.  
Ҳатто афсус ермиш у ётган бешик,  
Она-ку, билмайди қарғиш ва қаҳр,  
Одамлар назари куйдирар охир.

Йўқ, унинг йиғисин эшитмайин ҳеч,  
Инсон бу кийноққа бўлмасин дучор.  
Унга сифинурман ҳам эрта, ҳам кеч,  
Унинг дуосисиз кўкармоқ душвор,  
Одамлар, одамлар, бўлинглар ҳушёр.

## II

Қуёш уйғонаркан, киприклари-ла  
Бир-бир териб олиб кўк юлдузларин  
Пуркаб юбораркан хув, йироқларга,  
Тонг бўлиб оқаркан унинг излари.  
Шамол денгизларнинг тўшини ёриб,  
Тўзгитиб, шопириб дур хазинасин  
Элаки қиларкан офтобга қориб,  
Безамоқчи бўлиб тонгнинг сийнасин.  
Нурларга илашиб биллурий шабнам  
Гунчалар лабини тарк этгани чоқ,  
Офтоб бўсасидан ловиллаб бирдан  
Сергакланиб гуллар ёзаркан япроқ.  
Чақалоқ лабидан олиб сут ҳидин  
Масрур учар эмиш еллар ҳам сахар.  
Йўқса, тонг шунчалар бўлмасди тиник,  
Ҳаво ҳам бўлмасди бунча муаттар.  
Тонгни олқишлашиб қушлар сайраса,  
Куртаклар жонланиб уқаласа кўз,  
Интилиб, қиёғин чўзаркан майса  
Офтоб қулоғига айтмоқ бўлиб сўз.  
Тенгсиз бу санъатни кўзгатган овоз,  
Майину ва мудроқ она алласи.  
Субҳ-сабоҳ хамиша унинг билан соз,  
Унинг билан гўзал сахар палласи.  
У алла айтмаса тонглар отмайди,  
У алла айтмаса қуёш ботмайди.  
У алла айтмаса дилларнинг ғашин  
На сувлар ювмайди ва йўқотмайди.  
Унингсиз яшамоқ бўларди даҳшат,  
Балки маймунлигича қоларди одам.  
Ва ёки бўларди хиссиз бир ваҳший,  
Гўзаллик, теранлик бўлмас эди ҳам.  
Алла тингламаса одам боласи  
Қаердан оларди муҳаббат кучин,  
Тилаклар, орзулар бўлади ҳосил,  
Онажонлар алла айтгани учун!

У аввал мунг эди, аччиқ бир нолиш,  
Севги ва афсусга тўла бир оҳанг.  
Аёл кўз ёшидан ҳўл бўлиб болиш,  
Уни ютар эди мисоли наҳанг.

### III

Онам алла айтса синглимга гоҳи,  
Мурғак юрагимга ларза тушарди,  
Вужудимни ўртаб алланинг оҳи,  
Айтманг, деб ёлвориб уни қучардим.

Меҳрибоним кетди-ю, алла,  
Меҳри кўзимдан кетмади, алла.  
Меҳрибоним йўқ учун, алла,  
Ҳеч ким мени ёд этмади, алла.  
Мен кетарман бош олиб, алла,  
Қаро кўзимга ёш олиб, алла...  
Буни ким тўқиган, кимлар тўқиган,  
Қайси бир вужуддан узилган бу ўт?  
Қанча-қанча шеърини китоб ўқидим,  
Ҳали қилолмайман мен уни унут.  
Балки илк шеъримдир ўша изтироб,  
Одамликка қўйган илк қадамим ё.  
Гўдаклик йилларим ўтказиб шитоб,  
Кенгликларга мени этган маҳлиё.

### IV

Кенгликларга интилади дил,  
Кенгликларни қўмсайди кўзи.  
Деворларни кўтариб буткул,  
Кенгликларда изғийди эси.  
Ёлғиз қолса тутқундир гўё,  
Қанотсиз қуш, бегул, беосмон.  
Далаларни кезса ҳам яёв,  
Инсон бўлсин ёнида, инсон.  
Қандай юрган эди чачвонда,  
Чимматларни тешгандир кўзи,  
Меҳр экиб ёруғ жаҳонга,  
Меҳрга зор ўтганди ўзи  
Қандай юрган эди чачвонда,  
Қандай тўсган юзини чиммат.  
Ахир шу нур, шу юрт, шу Ватан,

Умри эди, умридек қиммат.  
Очиқ юз-ла боқмаса бир дам,  
Бўилади, диккинафасдир.  
Келмаса дўст, келмаса одам,  
Шинам уйи унга қафасдир.  
Хуркитилган оху мисоли  
Йўқ, ўйлари эмасдир кўрқоқ.  
Чўққиларга яшар интилиб,  
Кун нурига бўлади арқоқ.  
Фариштани чўчитиб кўқда  
Валентина изи турибди.  
Олисларда, ўша кенгликда  
Аёл қалби, кучи юрибди.

## V

Ҳеч ким сўрамаган таржимаи ҳол.  
Ўзи ҳам ёзмаган нутқу ариза.  
Сийлагану тантиқ тутмаган иқбол,  
Такдирдан гоҳ хижил ва кўпроқ рози.  
Меҳнат дафтарчасин тутмаган мутлоқ,  
Қадоқ бўлса ҳамки кўли меҳнатдан.  
Ўтди олифталик, ҳашамдан йироқ,  
Яна йироқ тутди ўзни миннатдан.  
Маникюр нелигин билмас тирноғи,  
Рост, бир вақт уларга қўйганди хино.  
Аммо унинг тиккан ироқиларин  
Болалар киярди қўйишиб бино.  
Денгиз шовқинини қилмас тасаввур,  
На ўзга элатга сайру саёҳат.  
Шу осмон остида ўтказди умр,  
Ҳолдан тойса ҳамки юрди саломат.  
Хуснини улашди фарзандларига,  
Ҳатто сочларининг тим қора рангин.  
Жонин малҳам қилиб ҳар дардларига,  
Меҳр-ла юволди кўнгиллар зангин.  
Оз эмасди улар, беш қиз, уч ўғил,  
Қандай юришарди уйни тўлдириб.  
Бири дилларини қилганда хижил,  
Хушнуд этар эди бири кулдириб.  
Кексалик кўзларга тутганда туман,  
Кучу ғайратингни олганда сўриб.  
Хотиралар содик, яқин дўстсимон  
Қаддингни тикларкан қўлтиққа кириб.

Лекин юрагида жиндек бир ўкинч,  
 Озгина пинҳоний дардми ё армон.  
 Фақат болаларга кетибди кучи,  
 Юртнинг хизматида урмабди жавлон.  
 Йўқ, она, онажон эй жафокашим,  
 Саккизта фарзандни улғайтирган мард.  
 Қилмадим демангиз юртнинг ишини,  
 Қўнмасин армондан дилингизга гард.  
 Элнинг тилагига саккизта қанот,  
 Қаддига саккизта тиргович берган,  
 Мушкулига яна шунчалик нажот,  
 Енгмоғига яна шунча куч берган  
 Сизмасми, онажон, эй, муҳтарамим,  
 Мехрингиз ўтида кўёш исинсин!  
 Сизни куйламаса агар қаламим,  
 Майли, унутилсин, майлига, синсин.  
 Лоқайд бўлолмайсиз дунё ғамига,  
 Оналик қалбингиз барчасин туяр.  
 Уруш ўғлингизни тортган домига,  
 Мана, ҳалигача дилингиз куяр.  
 Оналар кузатмаса ўғилларини  
 Ойга етармиди одам оёғи.  
 Оналар тиёлмаса йиғиларини  
 Бахтга йўл бермасди фироқнинг доғи.  
 Тангри ҳам, жаннат ҳам, ишқ ҳам ўзингиз,  
 Қодирлик, борлик ҳам, давлат ҳам қувонч.  
 Сиз омон бўлингиз босган изингиз  
 Кўзларимга суртиб мен ҳам юрай тинч.  
 Безовта хаёлга асирман баъзан.  
 Қолгиси келмаса ишдан келинчак.  
 Бу яхши хислату ва лекин ёмон  
 Бир четда чанг босиб ётса беланчак.  
 Оилалар обод, дастурхон тўкин,  
 Битта ё иккита фарзанд бор-йўғи.  
 Керак бўлиб қолар бу ҳолда бир кун  
 Туғишга ундаган давлат буйруғи.  
 Эй, азиз онажон, эй, жафокашим,  
 Саккизта фарзандни улғайтирган мард.  
 Қилмадим демангиз юртнинг ишини,  
 Қўнмасин армондан дилингизга гард.

## VI

Ажиб ҳид анқийди ернинг бағридан,

Гўё кўкрак тутар навжувон она.  
Лолалар тўлдириб яшил барига,  
Ўлкага навбахор меҳмондир яна.  
Бўтана сувларда ялпизнинг хиди,  
Ўрик гулларида таралур ифор.  
Тераклар ним яшил тўнини кийди,  
Баҳордан ранг олиб осмон ҳам зангор.  
Бинафша лабида яна болари,  
Ариқлар бўйида сабзадан гилам.  
Чумчуқлар чиркиллар патини тараб,  
Рўзгорин бошлаган курт-қумурска ҳам.  
Далалар бошида яна иш, режа,  
Машина рулида хилпирар рўмол.  
Эгик наваларин попук-ла бежаб,  
Беланчакка маҳтал яна мажнунтол.  
Оппоқ сахарларда нурга нур қўшиб,  
Борликни яшнатиб алла таралур.  
Дилимни яйратар энди бу қўшиқ,  
У бахтдан энтиккан қалбда яралур.

Чаманларнинг бўйи келар шамол билан, аллаё  
Менинг болам эгизакдир иқбол билан, аллаё.  
Москов кетган онажони орден тақиб, аллаё  
Келиб қолар кулган гулгун жамол билан, аллаё.

Чуғур-чуғур турна ўтди тўдасида, аллаё  
Қўй-қўзилар қайтиб келар подасида, аллаё.  
Неварамнинг аяжони кийинади, аллаё  
Шу замоннинг энг охирги модасида, аллаё.  
Райҳонларнинг шохидандир елпигичим, аллаё,  
Гул ичидан териб олган гулпарчиним, аллаё.  
Бўйларингга минг тасаддук бўлсин онанг, аллаё,  
Шакар қўзим, ширин сўзим, Ойбарчиним, аллаё.

У алла айтмаса, тонглар отмайди,  
У алла айтмаса, қуёш ботмайди.  
У алла айтмаса дилларнинг рашин  
Кулгулар ювмайди ва йўқотмайди.

## VII

Менга қанот беринг, бир қанот учқур,  
Шу оқшом кезайин Ватанни бедор.  
Кумуш сахарларда нур бўлиб учиб,

Хоналар ичига бир-бир боққим бор.  
Олима ёнига бир кучоқ сирень,  
Шоир столига қўйиб бинафша.  
Ёрқин чехраларга мен бўлиб асир,  
Шу оқшом юрайин далалар ошиб.  
Райхон улашайин пазандаларга,  
Станок қошига лолалар тақай.  
Меҳр-ла термилиб фарзандларига  
Алла айтганларга яна бир боқай.  
Колхозчи аёлга сунбулу хино,  
Элтайин гулларнинг энг кўркамини.  
Новвойга тоғлардан мусаффо ҳаво,  
Токи у сезмасин олов даммини.  
Муаллим қошига баҳорни қўйсам,  
Бор ҳусни, бор кўрки бисоти билан.  
Шу оқшом мен ширин бир хаёл бўлсам,  
Учсам шамолларнинг қаноти билан.  
Дунё гулларининг асл, сархилин,  
Сочайин онамнинг оёқларига.  
Нилуфар келтирай ҳаттоки кўлдан,  
Бир дамгина сингил кучоқларига.  
Сўнг алла тинглайин мен бахтдан тўниб,  
Япроқда титраган бир қатра бўлиб.  
Аллалар янграсин, банди-бандида  
Бахт балқиб, жаранглаб турсин баралла.  
Бор бўлсин оналар, бор бўлсин фарзанд,  
Яшасин ҳамиша оламда алла.

1972



## ЛИРИК НУТҚ

### I

Шиддат-ла оқади бу азим дарё,  
Шуъла нукра сочар ажин юзига,  
Олиб кетолмай шу нурни гўё,  
Гўё қайта олмай яна изига  
Буралиб, тўлганиб ўтар ноилож,  
Хаёлларим унга бўлади ҳамроҳ.  
Сўзсиз сирлашамиз дил тубин очиб,  
У менга, мен унга бўлгандек гувоҳ.

### II

Шу нурда ювилиб ўтди ҳисларим,  
Шу нурда чўмилди қалб, истак, имон.  
Аммо нурдек покми босган изларим,  
Поклигига биров қилмасми гумон —  
Шуларни ўйлайман пинҳона ёниб,  
Шеърларим ҳақида ўй суриб сокин.  
Бир ташна ичдими бу ҳисдан қониб,  
Хўрсиниб қўйдим кўз юмиб секин?  
Дарё-ку, ювади ғубор лашқарин,  
Дарё-ку, ранг берар гулу гиёҳга.  
Мен арта олдимми бир кимса ашқин,  
Табассум бўлдимми бирон нигоҳга —  
Шуларни ўйлайман пинҳона ёниб,  
Шеърларим ҳақида ўй суриб сокин.  
Бир ташна ичдими бу ҳисдан қониб,  
Хўрсиниб қўйдими кўз юмиб секин?  
Мен-ку, ўз наздимда шеър уммонига  
Сочдим анор гулин тиниқлигини.  
Нон ҳидини қўшдим,  
Қўшдим ҳалол қўллар суюқлигини.  
Кўз ёшининг аччиқ ҳам шўр таъмин,  
Дилларни кемирган ҳижрон аламин,  
Жимжит оқшомларнинг оҳангларини,  
Беда гулларининг ҳиди, рангини,

Ғамнинг қувончи-ю, бахт машаққатин,  
Дононинг нодондан чеккан захматин.  
Юртимнинг шуълада чўмилган кўркин,  
Тоғларнинг булутдан кўндирган бўркин.  
Буюкликнинг қудрати, бардошларини,  
Бўронларнинг ҳеч ким кўрмас кўз ёшларини.

### III

Бу азим дарёда оқади ҳислар,  
Безовта қалбларни кифтида тутиб.  
Унинг тўлқинига шўнғиш кўзлайман,  
Ҳаловат, тинчимни бутун унутиб.  
Мен шу дарёдан туйдим илк марта  
Оламни чулғашга қодир эрк исин.  
Лермонтовнинг шикаста,  
Ўтли туйғусин,  
Пушкин буюклигин,  
Ғафур Ғуломнинг  
Юлдузлардан қуйилгандек тиниқ кулғусин.

### IV

Чиллаки чумак уриб, олмаларга ранг кирди,  
Марғилон бозорлари тўлди анвойи исга.  
Анжирларнинг юзига офтоб зарҳал югуртди,  
Наманганнинг боғлари ўхшаб кетди атласга.

Бу водийнинг ошиғи Ғафур Ғулом, қайдасиз,  
Давраларда соғиниб кўмсаб қолди ошнолар.  
Андижон йўлларида қайта бўлиб пайдо Сиз,  
Ғазалларга кўмсангиз бу ғазал ташналарин.

Ўзи эккан олманинг шохлари ларзон бўлиб  
Абадиятга кетган Ойбекнинг бош устида.  
Чаманлар ҳам йиғлади бир абри найсон бўлиб,  
Етуклик чимирилган мангла-ю, қош устида.

Шайх оғанинг сочларин жингаласин сўнги бор  
Еллар силаганида қиш эди, совуқ эди.  
Сигарета қисилган лабларда кулги, виқор  
Қанчалар суюк эди ҳам чиндан буюк эди.

Не бахтки, суҳбатидан бўлган эдим бахраманд,  
Не бахтки, шеърларимга тушганди назарлари.  
Бугун уларни кўмсар кўҳна Шошу Самарқанд,  
Шафтоли ҳиди тутган Марғилон бозорлари.

Ана, дарё оқмоқда тўлқинлари эшилиб,  
Соҳилида мен гирён эслайман устозларни.  
Улар ҳам кетди энди шу дарёга қўшилиб,  
Аммо, эшитилиб турар ҳеч ўчмас овозлари.

## V

Мендан сўрадингиз таржимаи ҳол,  
Ҳам ҳайрон турибсиз нени сўзлар деб.  
Бошқа бир афзалроқ тақдир кўзлар деб  
Зинҳору базинҳор қилмангиз ҳаёл.  
Сира бош тортмайман жавоб бермақдан,  
Бошқа бир андиша, хиралик ҳам йўқ.  
Ўз йўлимдан доим кўнглим, кўзим тўқ,  
Аммо сўз бошладим ҳисоб бермақдан.  
Мен сизга кўрсатдим қутлуғ дарёни,  
Ризқим ҳам ҳисларим унга сочилган,  
Дардим, армонларим унда очилган  
Ларзага солгундек рофил дунёни.  
Туйғулардан эрур бу дарё суви,  
Қатраси тақдирдир, қатраси захмат,  
У оби ҳаётдир, у оби раҳмат,  
Не-не ғуборларни кетади ювиб.  
Мени тарк этмади бир ўй ҳар нафас:  
Ўқ еган ўрдакнинг патидай тўзғиб,  
Кўзу юраклардан ачиниш кўзғаб  
Дарё соҳилига қуламасам бас.  
Мени тарк этмади истак муқаддас:  
Эритилган бир томчи олмосдек бўлиб,  
Куй бўлиб, нур бўлиб ва кулиб-кулиб  
Унинг тўлқинига томиб кетсам бас.

## VI

Кишанлар қисарди билагимнимас,  
нақ юрагимни.  
Хўрликлардан эдим тупроқ қатида.  
Бугун унутаёзган тилакларимни  
Илк бор эшитганман  
Россиядан эсган ел қанотларида

Таржимаи ҳолим шундай қисқаси,  
Энг олий бахтимдир инсонлик шаъним.  
Йўлларимда энди гул, шуъла иси,  
Шу қудратли Ватан, менинг Ватаним!  
Йигирма ёшдайдим улуғ партиям,  
Тонгдай ҳисларимни олганда кутиб.  
Одил ва меҳрибон нигоҳидан дам  
Нари бўлганим йўқ,  
У берган таълимни байроқдай тутиб.  
Баҳолар балқиган кўчалар учун,  
Алёр жаранглаган кечалар учун,  
Боламнинг тинч, ширин уйқуси учун,  
Мени сархуш қилган кулгуси учун,  
Юртдан юртга ошган куйларим учун,  
Тубанлик сифмаган ўйларим учун,  
Доим таъзимдаман  
Бахт, ноним ҳалол,  
Ана шундай менда таржимаи ҳол.  
Ёруғ мактабларда ақлим улғайди,  
Мурғак шеърларимга кўчди ҳисларим.  
Кўзларимда олам нурга чулғанди,  
Ўша шеърлар менинг йўлим-изларим.  
Бир гўдак ўйлари, текис, нораства,  
Тупроқда ҳам ғубор кўрмаган кўзлар.  
Олам ҳам, одам ҳам унда ораста,  
Сут ҳиди кетмаган тилда чулдираб

Сут каби покиза ҳисларда сўзлар.  
Ўша шеърлар менинг йўлим-изларим,  
Таржимаи ҳолимдир ўша ҳисларим.

## VII

Оқ қайин шоҳида занг босган каска,  
Ўрмон сукутида унинг овози.  
Бағримдаги юрак чўян эмаски,  
Энди мен гул терсам дилимни ёзиб.  
Тупроқ ҳарсиллайди жонли вужуддай,  
Безовта қалб каби гурс-гурс уради.  
Бу сокинлик ғалати, ғалати жуда,  
Гоҳи шип-шип қилиб, гоҳи қуюндай  
Кимларнингдир руҳи бунда юради.  
Бундаги ҳар гиёҳ ёшда ювилган,  
Гуллар дилда қолган армондай ўксик.

Ҳам гавжум,

яна жим,

ҳам хувиллаган

Бу йўллари ҳислари қўйганди тўсиб.

Энди бу чиройга босолмай оёқ,

Бир четда тураман ўйларга тутқун.

Гарчи гул,

ўт-ўлан атроф,

ҳамма ёқ,

Аммо ер қаъридан сачрайди учқун.

Минглаб таржимаи ҳол менга рўбарў,

Аламли-ю ёрқин қисматлар бари.

Қандай мен гул терай, кезай беқайғу,

Қандай мен қўзимдан кетказай нари.

Гул эмас, ҳаттоки бундаги хасга

Оёқ босиш учун етмайди кучим.

Ҳаммасига сабаб бўлди шу каска,

Юрагим ёняпти, ёняпти ичим!

Қайинлар, шовилланг, шабада юрсин,

Мен сувдай шимирай тафт босмоқ учун.

Қайинлар, шовилланг, шабада юрсин,

Юрагим ёняпти, ёняпти ичим!

Балога бардош бергай, эй она тупрок,

Гарчи масканимдир бу жойдан узок,

Қисматимдан сени қандай ўчирай?!

Дардингни айтиб-айтиб ларза солурман,

Ўша соф қатрага сени кўчириб,

Ҳам қутлур дарёда ювиб олурман.

## VIII

Онам ташлаганда паранжисини

Уни қутлаш учун дунёга келдим.

Тутқунлик, чўрилик ва ғаму ранжга

Ўт очилган хужум йиллари эди.

Чиммат қилларидан димикқан чехра,

Қуралай кўзларга нур қўнди илк бор.

Ҳаводан илк марта олди-ю баҳра,

Илк бор нигоҳида яшнади баҳор.

Гўзал хотинини ўзбек йигити

Илк марта мактабга борди етаклаб.

Кучи етмай қолди диннинг ўгитин

У чиқиб кетганда остона ҳатлаб.

Бешик тутқичидан китобга ўтди,

Нафису қудратли, жафокаш қўллар.  
Харфлар нур бўлиб зулматни ютди,  
Аммо мушкул эди унда бу йўллар.  
Гарчи бу матонат ва сабот эди,  
Гарчи бу эмасди онам хатоси.  
Кўчин ортиб бошқа шаҳарга кетди,  
Сира кўниколмай севган отаси.  
Дилида соғиниш, лабда ним кулгу,  
Бир кўзи меңда-ю, бири қоғозда,  
Бахт билан армондан тўкилган туйғу  
Илк бор алла бўлиб учди оғзидан.  
Янги Шарқ туғиларди онам аксида,  
Туғилиш бўлмайди аламсиз, дардсиз.  
Орзулар уйғонди қотган кўксида,  
Орзуларки, офтобдай губорсиз, гардсиз.

## IX

Қани энди уйғонсаму тамом бўлса мудҳиш туш,  
Ёнгинамда кундай кулиб ўлтирса мунис онам.  
Қайта бошдан файзга тўлса етим қолган у гўша,  
Қайта бошдан бир осуда куйга тўлса бу хонам.

Бахтимни ҳам, ғамимни ҳам айтмоқ учун шошардим,  
Олислардан эркаларди оромгина оғуши.  
Бир энтикиш, бир талпиниш дилгинамдан тошарди,  
Бугун эса ҳайрон-гаранг, бошларида йўқ ҳушим.

Сабохонни саболардан сўрсам, топиб бўлурми,  
Бошгинамни минг тошларга урсам, топиб бўлурми?  
Қуюн бўлиб титкиласам еру самовотни мен,  
Товонларим титилгунча юрсам, топиб бўлурми?

Энг бахтли дам туйғуларин ўксиб-ўксиб ёзардим.  
Дадагинам назарини кўрмади деб шеърларим.  
Ўттиз йилки, тупроғидан дилга таскин изладим.  
Ўттиз йилки, қадамини ўпмас Анжан ерлари.

Мурғаккина жонгинамга боғлаб қанча орзусин,  
Уйларимнинг тўриси-ю, пойгагини кўрмади.  
Тиззасида эркалатиб арзанда неварасин,  
Тўйларимда бир мулойим жилмайиш-ла турмади.

Ох, бу олам кемтик бўлмай бутун бўлса нетарди,  
Ўлим асли сароб бўлса, тутун бўлса нетарди?  
Ёш-ёш эмас, ҳатто қариб билмай касал, заволни,  
Ота-она бу дунёга устун бўлса нетарди?  
Бор вужудим кўз ёш бўлиб қуюлсаю дарёга,  
Ота-она акси қолса тиник тўлқинларида,  
Шундагина ёруғ юз-ла боқар эдим дунёга,  
Ҳам озгина босармиди қалбим ёлқинларини.

Бундай пайтлар бир ўй босар ёнган дилим тафтини,  
Дадам орзу қилганидек шахрим яшнар гуркираб.  
Сингилларим жамолида онажоним келбати,  
Унинг кўзи, меҳри билан шукр қиламан қараб.

## Х

Боғларга бурканган эртақдай юртим  
Ишқомларда узум хилма-хил маржон,  
Ташбеҳга сўз топмай хайратда турдим,  
Исми ҳам жисмига монанд Андижон.  
Нефту оқ олтиннинг хазинаси бу,  
Тошу гупроғида офтобнинг ҳиди.  
Фарғона водийсин нақ сийнаси бу,  
Ҳамиша руҳимга қанотдир ёди.  
Арслонбоб тоғидан эсган шабада  
Терак баргларига қўнганда майин,  
Кўчани тўлдириб қайтганда пода,  
Жомакор қозикда олганида тин  
Ажойиб файз чўқар қишлоқларига.  
Ховлиларда суҳбат, қўшиғу кулги.  
Бу дамни қўмсайман мен йироқлардан  
Қизғиш уфқларга кўзимни тикиб.  
Пахтакор шахарим, майли, хордиқ ёз,  
Офтобнинг селидан қорайган чехранг  
Оқшом салқинидан руҳ олсин бир оз.  
Лабларингга қайтсин ним гулобий ранг.  
Ҳали пахта зумрад рўмолин ечиб,  
Кўрсатгани йўқдир садаф тишларин.  
Хирмонлар бошида уйқулар қочиб,  
Кўпайиб кетади ҳали ишларинг.

## XI

Яримта ой сеҳрланмиш Боғи Шамол<sup>1</sup> устида,  
Юлдузларга чўмилган бир нурли жамол устида.  
Андижоним шу кунларда авжи камол устида,  
Шоирлари кўрса қолар ажиб хаёл устида.

Афсонадан тушган каби шаҳар ётар пойимда,  
Завку шавқдан сўз тополмай ўлтираман жойимда.  
Чироқларнинг замзамаси қўлимдаги чойимда,  
Гўё у ҳам титраб турар шаккару бол устида,

Осуда тинч ҳаёт акси чехраларда намойиш,  
Кулги, гурунг, мулозамат, бир-бирига сипориш,  
Бектош оға ташаббуси дилларга ҳўб бўлди хуш,  
Қулоқ тутсам гап боради нону ҳалол устида,  
Хушманзара йўлларида доволарнинг ҳавоси,  
Фир-фир эсган шабадаси чарчоқларнинг давоси.  
Омихтадир кабоб ҳиди, хофизларнинг навоси,  
Бир ошиён бўпти тенгсиз боғу зилол устида.

Бу чиройни Попович ҳам кўраётир, наздимда,  
Шошиб-шошиб харитага қараётир, наздимда,  
Ҳайрон бўлиб Артюхиндан сўраётир, наздимда,  
Кемалари равон сузиб бахту иқбол устида.

Афв этсинлар, энди Кавказ боғларини нетай мен,  
Кўнглим узиб бу жойлардан қандай Тошкент кетай мен,

Илҳом бергач, тақдиримга уни туташ атайман,  
Шеърга қўнган ҳислар қолар ҳар бир ниҳол устида.

## XII

Саратон ҳансирар вужуди ёниб,  
Дазмолга теккандек бозиллайди ел.  
Еру кўк орзуси сув ичмоқ қониб.  
Далалар устида сароб худди сел.

Ўзларин панага олмиш қушлар ҳам,  
Ниначи сув узра қамишда лоҳас.

---

<sup>1</sup>Андижонда Бектош Рахимов ташаббуси билан барпо этилган оромгоҳ.



Иссиқдан безовта тунги тушлар ҳам,  
Кўзга ўт салқин жой, бир парча палос.

Ташна япроқларга бўлмоққа кувват,  
Ошиқиб югурар меҳнаткаш канал.  
Ўту ўланларга қилиб мурувват,  
Хино гулларига сочиб ёқут-лаъл.

Зумрад кўсакларга мўъжиза боғлаб,  
Ифор қовунларга кўшиб шира, бўй.  
Гоҳида мулойим, гоҳи ўйноқлаб,  
Тўлқинлари тинмай чалиб ўтар куй.

Тўфон гувиллайди тўзонлар сочиб,  
Кетмонлардан учган қутлуғ чанг мисол.  
Лоқайд кетолмайман сувидан ичиб,  
Сўроққа тутади бу синчков хаёл.

Бу кунга ким етди, етолмади ким,  
Кимларга қилмади қатраси насиб.  
Зиёрат қилгали уларнинг хокин  
Олиб боргим келар сувлар насимин.

Яшил соҳилларда бедор, жонсарак,  
Юсуповнинг руҳи юргандек ҳамон.  
Дехқонларни тутиб ҳазил, сўроққа,  
Сувтўра<sup>1</sup> ҳам бунда тургандек омон.

Ҳозир писанд эмас денгиз яратмоқ,  
Энди техника бор қудрати азим.  
Аммо мен қадрдон кетмонга шу чок,  
Ҳам билак кучига қиламан таъзим.

### ХIII

Мажнунтолнинг соялари, шарқираган сойлари,  
Меваларга шарбат пуркар жазирама ойлари.  
Оддийгина дехқоннинг кўрганини кўрмаган,  
Ўтмишида карвон-карвон туя минган бойлари.

Ҳар ҳовлининг этагидан мўралайди атиргул.  
Райҳонларнинг ўртасида сўлимгина шоҳсупа.

---

<sup>1</sup> Сувтўра — машҳур ирригатор Сияевскийни дехқонлар шундай аташган.

Гаражида тахт турибди ярқираган «Жигули»,  
Қирқ кокилли капитани юзга суртади ула.

Нон хиди-ю гул хидидан бахтиёру маст бўлиб  
Одийгина сўзларинг ҳам шеърдек учса не ажаб?!  
Кўз илғамас пахтазорнинг битта четида туриб.  
Одамзоднинг кудратига қилгум қуллук, таажжуб.

Гарчи сендан олис тушди менинг нону насибам,  
Пойтахт кулиб кутиб олиб, йўлимга бахт тўшади.  
Илғамаган рангларимнинг унда билдим ҳисобин,  
Тақдиримда у ҳам азиз, у ҳам сенга ўхшайди.

#### XIV

Жоним риштасига туташ бу диёр,  
Тупровин қаричи ганжу хазина.  
Жонзотки, сувини ичдим бир бор,  
Айланиб кетолмас кўнглини узиб.

Денгизнинг қаймоқдек ҳаволари ҳам,  
Сеҳрига кўмолмас бир нафас ёдин.  
Ўрмоннинг мулойим саболари ҳам  
Баримни тутолмай ҳайратда эди.

Оқшомлари кўнганмисиз Тошкентга пўлат қушда,  
Шуълаларнинг оғушига фарқ бўлгандек энтикиб.  
Кафтдек равон кўчалари нурли дарёга ўхшар,  
Замин яшнар чироқлардан кўксига маржон тақиб.

Зилзиладан титраган ер бугун гўё кулмоқда,  
Дўстлик яна қардошликнинг кудратидан олам лол.  
Биоларнинг кўзгусидан куй, кулги тўкилмоқда,  
Ҳар хонада базми улфат, ҳар уйда базми висол.

Эртақдаги тилсим тўла хазинадек ўлкамсан,  
Ҳар кўрганнинг кўзларидан фақат ҳайрат қуйилар.  
Хуш келибсиз, деган сўздай карами кенг, кўркамсан,  
Мехмоннавоз одамларинг жонга туташ туюлар.

Бекатларда бош силкитиб гуллар қолар нигорон,  
Рангларининг акси нетар кўзларингни яшнатиб.  
Ўзбек юрти, ҳар бир гўшанг, ҳар тарафинг бир  
бўстон,  
Ой тукқанми, кун тукқанми сени бунча ўхшатиб.

Эритилган ойнамисол Ҳамзаобод сувлари,  
Пишқирганда пойга учган арғумоқдай кўпикда.  
Чумчуқларнинг чиркиллаши, мусича кукулари  
Акси садо берган каби туюлади уфқдан.

Пахта, ипак қоракўлинг, мева-ю бугдойми ё,  
Айтаверсам, бойликларнинг йўқ санови, баҳоси.  
Симу зарга ўраб сени шунча қилолди эъзоз,  
Адолатнинг тожи бўлган партиямнинг даҳоси.

Мурунтовиғнинг манглайингда ярқираган бир гавҳар,  
Саховатга минг қайтарик, лутф тўла минг таъзим.  
Ҳам Россия кудратига қувват бўлган бир камар,  
Ҳам мангулик варағига битилган ўтли назм.

Меҳнат шундоқ бахт бўлдики, малол келмас елкага,  
Дўл ёрса ҳам, сел ёрса ҳам режа ҳамиша тўлди.  
Чорак аср бўляптики, бу улкан республикага  
Шароф ака қутлуғ қадам, чиндан шарафли бўлди.

Энди боғлар шовиллайди не-не чўллар ўрнида,  
Қараб туриб дил ҳаприкиб кетар фахрдан жўшиб.  
Шу боисдан сатрларим юрагимнинг қаъридан  
Кимлигимни ва боримни тортиб чиққан бир қўшиқ!

Мен дарёга кулиб-кулиб тасвирингни кўчирсам,  
Ойнасида бутун кўркинг жилва қилса мастона.  
Шамол бўлиб ҳаволарга атир бўйин уфурсам  
Ва севгимга чирмаб қўйсам менинг Ўзбекистоним!

## XV

Уруш тугагану жароҳатлардан  
Ҳали оқар эди кўз ёш, ситамлар.  
Термилиб сарғайган рангсиз хатларга  
Йўл пойлар эдилар ҳамон етимлар.  
Ватан инграб-инграб ўнгланар эди,  
Туман орқасида қолган офтобдай.  
Оналар ҳам ҳорғин, ҳам мунгли эди,  
Кўз ёшда битилган ўтли китобдай  
Қалбни зирқиратар эди нигоҳлар.  
Сўзсиз хол сўрашу ва сўнгсиз мотам.  
Дорилфунун отлик улуғ даргоҳга  
Шундай бир пайтда қўйгандим қадам

Бағри кенг Тошкентга боқар эдим лол,  
Дунёнинг ярмини бошин силаган.  
Эсон-омон кузатиб оқ йўл тилаган  
Бу хотам шаҳарга келмадим малол.  
Миллатлар қариндош бўлди бағрида,  
Дилларга қадрдон қуролди қаср.  
Уни тоблаб олди меҳрин қўрига,  
Ғафлат кушандаси шиддаткор аср.  
Полопон қанотлар куч йиғди унда,  
Орзулар жилваси қўйди сеҳрлаб.  
Парвозга йўллади қутлуғ бир кунда,  
Покиза, мўътабар бир тақдир тилаб.  
Қуёшсиз йўқ эди оламу одам,  
Илмсиз бўлурди бу дунё зиндон.  
Илм олинг, деб имзо чекилган бу дам,  
Ўзбек манглайига бахт қўнди чиндан.  
Муаллимлар оғзига ташна тикилиб,  
Ҳаво-ю ёруғлик ютгандек тетик.  
Бир порлоқ қисматни тасаввур қилиб,  
Орзу қанотида оққушдек эдик.  
Студентлик йиллари чиқарми эсдан,  
Байрамларни кутган узун оқшомлар.  
Баъзан тўлиб-тошиб кетди йўқ баҳсдан,  
Гоҳ энгиб, гоҳида энгилган дамлар.  
Кимнидир ёқтириб, кимгадир ёқиб,  
Гоҳ ёзиб, гоҳида ёдлашиб байтлар...  
Йиллар-ку, ўтмоқда дарёдай оқиб,  
Аммо эсдан чиқмас у маъсум пайтлар.

## XVI

Уфқларнинг чин ошиғи ўйинқароқ бир йигит.  
Илинди-ю шеър домига, сўнгра бўлди асирим.  
Суймас эди тартибларни, хушламасди ўғитни,  
Мана энди сипо тартиб ўтирибди тақсирим.

Мен ёзсаму у ёзмаса гўё эди гуноҳкор,  
У мақталса мен қувондим эсланмаган кезларим.  
Аёллигу оналикдан мушкул, ширин нима бор,  
Ота-бола орасида талаш бўлди ҳисларим.

Кундуз демай, оқшом демай, яна демай ёзу киш,  
Соғиндимми, ҳамроҳ бўлди Андижон йўлларида.  
Қадрдонлик, дўстлик шундай орамизда урди ниш,

Бўстон бўлди боғим, ҳовлим хавасманд қўлларида.

Мени қайта шоир қилди қизгинамнинг кулгуси,  
Муҳаббати шеърларимни бирдан қилди истило.  
Унинг билан жозобада жилва қилди келгуси,  
Хар жилвада минг хил оҳанг, минг хил бўёқ, минг жило.

## XVII

Розиман ҳаётим, тақдир, умримдан,  
Шоирлик меҳнати қисматидан ҳам.  
Сиз билан жимгина олисдан туриб  
Дарду қувончимни кўраман баҳам.  
Шундайин жимгина сўзсиз, сўроқсиз  
Кириб ҳам борурман уйларингизга.  
Шундайин жимгина, сўзсиз, сўроқсиз  
Ўрнашиб ҳам олгум ўйларингизга.  
Пок бир нигоҳ бўлсам, нурли бир хаёл  
Ёмонликдан ҳазар, ишга ташналик.  
Озгина сохталик тош каби малол —  
Келса-ю, шеърларим бўлса рўшнолик —  
Шаффоф бир томчига айланганим шу.  
Умрим, меҳнатимдан розилигим ҳам.  
Шу томчида ёнса юрагим мангу,  
Ҳам ўзи куйдирса, ҳам тутса малҳам.  
Бўлардим жафокаш ҳислардан рози,  
Кечганим сафарлар, излардан рози.  
Танҳо ўзим билан ўтган вақтдан ҳам,  
Ҳатто юз ўгирган севги, бахтдан ҳам.  
Ноҳақлик олдида ожиз қолсам гоҳ,  
Ҳатто тушларимга отам киради.  
Бир шиддат руҳимда жўшади ногоҳ.  
Шеърларимда унинг қони юради.  
Мендан қудратлироқ топилмас шунда,  
Мендан журъатлироқ топилмас шунда,  
Дийдор ғанимату чой бир баҳона,  
Дегандек сабабчи бўлиб бир сўроқ,  
Ярим асрлик умр остонасида  
Сизга дил тўқишга сездим иштиёқ.  
Кимлардан бурчлиман, нелардан хурсанд,  
Кимлардан бўйнимда узиб бўлмас қарз.  
Недан обрў топиб, недан едим панд,  
Бир айтиб ўтмоқлик зотан эди фарз.  
Фикрлардан бошга қонлар югуриб,

Уйку излаб тунлар дори ичган пайт,  
Юрак ҳам безовта гурсиллаб уриб,  
Шоирликдан баъзан кечгим келган пайт  
Сухбатингиз яна бўлиб бир орзу,  
Сиз билан кўришиш истаги қолиб —  
Келарди-ю, бошда айланиб мавзу  
Тинчлигимни яна кетарди олиб.  
Мисрага сифмаган ҳислар қийноғи  
Хамиша туради шошириб, ниқтаб.  
Хукмингизга ҳавола энди бу ёғи.  
Деб аста энтикиб, қўйдим нуқтани.

*1974 йил, Тошкент — Андижон*

# ҲИКОЯЛАР



## ҚҰЛЛАР

Тўй тарқаб ўйин-кулгига тўлган ҳовли сув сепгандай жимжит бўлиб қолди. Йиғиштириш учун қолган кариндош-уруғ, кўнгил яқинлар ҳам чарчашиб, ҳар ер-ҳар ерда ухлаб ётишар, ҳовли саҳни ҳали йиғиштириб олишга улгурилмаган идиш-оёқ, стол-стулларга тўла эди.

Келин тушириш тараддуди ҳаммадан ҳам Малика холани чарчатган бўлишига қарамай, у ҳамон уйғоқ. Бошқаларни уйғотиб юбормаслик учун оёқ учида секин-секин юриб йиғиштирарди.

Атроф жимжит. Дарахтларга осилган катта лампочкалар атрофида парвоналар базм қурган. Дасталовлик тоғоралар ёнига келган кучукни ҳайдайман деб, Малика хола синглисини уйғотиб юбораёзди. Ҳовлидан кучукни ҳайдаб чиқарди-да, битта-битта босиб уйга кириб кетди.

Бир нафас бошини ёстикқа қўйиб кўрди. Ухлай олмади. Туриб, уй ичида анча вақтгача ғимирсиб юрди. Қани энди уйку кела қолса. Бир томондан келин кўрганидан қувонса, бир томондан хотиралар, неча йиллардан бери қалбида сақланиб келаётган эзгу армонлар унинг бутун асабларини уйғотиб юборган эди.

Очиқ деразадан уйга куз тунининг салқин ҳавоси ўрмалайди, ҳовлидаги лампочкалардан тушган ғира-шира нур чироқ ёқилмаган уйга ҳам, хонтахтанинг бир четиде кимир этмай ўтирган Малика холага ҳам хаёлий бир тус берган. Ҳовлида яна кучук пайдо бўлди шекилли, кимдир уйку аралаш ғўлдираб уни ҳайдади. Малика хола ўрнидан тўриб дераза пардасини туширди-да, чироқни ёқиб қўйиб, яна келиб ўрнига ўтирди. Идиш-оёқ ювганиданми, қўлидаги узукнинг кўз атрофлари хиралашиб қолгандай эди. Малика хола игна билан уни яхшилаб тозалади. Кейин кафтига олиб анча вақтгача тикилиб ўтирди-да, яна охиста бармоғига солди.

Бу узукни тўй куни эри тақиб қўйган эди. Ўша пайтда узукни беагаган бу тош кўзлар, кейинча унинг кўзларига айланди-ю, ҳамма жойда Маликахонни кузатиб турди, қорамой ичида кулиб қаради, йиқилмоқчи бўлганда қўлидан тортди. Бу узук тақилганда, унинг қўллари қан-



док эди? Тикмачокдай, оппоқ, хаётнинг оғир машаққатларига хали урилмаган бегубор, нозик қўллар эди. Мана энди томирлари бўртиб чикибди, хар жой-хар жойда доғ пайдо бўлибди. Бир вақтлар оппоқ қўлларга гулдек ярашган, фақат зийнат учун тақилган узук, кейинча муҳаббат, садоқат рамзи бўлиб, бу қўлларни меҳнатга, хаётга, яшашга ундади. Садоқат, меҳнат рамзига айланди-ю, ўзини зийнат сифатида бегона қўлларга ўтишдан сақлаб қолди.

Келин туширишга йиққан-терган ҳам, меҳмонларнинг олдига манзур бўларли дастурхон ёзган ҳам, келинга чиройли кийимлар тиктирган ва кийдирган ҳам мана шу жафокаш, меҳнаткаш қўллар эди.

Тонг яқинлашиб қолибди: онда-сонда хўрозларнинг кичкириғи эшитила бошлади. Малика хола кўрпа қатидан калит олиб, даранглаб кетмаслиги учун жуда эҳтиётлик билан сандикни очди. Димоғига куя дори хиди билан яна аллақандай таниш бир хид урилгандай бўлди. Ҳамма вақт қулф турган бу сандикда эркакларнинг бирикки дона қўйлаги, кийилиб, анчагина нимдош бўлиб қолган бир пальто билан янгигина бир костюм бор эди холос. Малика хола уларни сандикдан олди. Тиззасига қўйиб, пальтонинг ёқа ва енгларини секин-секин, гўё озор бериб қўйишдан кўрққандай бир кайфиятда силади. У ўн етти йилдан бери бу машғулоти такрорлашдан зерикмади. Баҳор бўлса куя дорига солади, куз бўлди дегунча, сандикдан олиб, қоқиб, силкиб илиб қўяди. Қишда бу пальто ўғли ва ўзининг пальтолари қаторида илиғлиқ туради. Эгаси ҳам шу ерда, шулар билан, фақат яқингина бир жойга чиққан ҳозир келиб киядигандай.

Уруш йиллари рўзгор танқислиги уни қийнаган пайтларда ҳам буларни асради. Меҳнат қилишга қодир бўлган шу қўллари билан унинг пальтосини бозорга олиб чиқадими?! Бу пальтони меҳнат қилиши, пул топиши, рўзгор тебратиши мумкин бўлган соппа-соғ шу қўллари билан бировга элтиб берадими? Сотадими?! Бу кийимлар унга қандок ярашарди. Айниқса костюмини яхши кўрарди, эҳтиётлаб киярди. Қанча яхши ниятлар билан олинган бу кийимларни нахотки бошқа биров кийиб йиртса. Йўқ, ўзи кияди, ўзи кийиб йиртади.

Шу пайтгача доим рўзгор иши билан банд бўлган Маликахон заводга ишга кириб кетди. Ўғлини бўлса боғчага жойлаштирди. Меҳнат аламини енгиллатгандай, дардига дармон бўлгандай туюлди. Тақдири уникага ўхша-

ган кўп ёш аёллар унга сирдош, дўст бўлдилар. Бировининг эридан хат келса, юзтаси тенг қувонишди, биттасининг бошига тушган ташвишни ҳаммаси бирга тортишди. Маликахоннинг эридан қора хат келиб, бошига қора кун тушганида ҳам ана шу ахил оила унга ҳамдard ва таянч бўлди. Букилишга, йиқилишга қўймади. Ўша куни Маликахон ишдан қайтгач, пальтосини ечиб илар экан, эрининг осифлиқ турган пальтосига юзини ўраб ўкириб-ўкириб йиғлади. Ана шундан кейин бу пальто билан костюм Маликахонга яна ҳам азизроқ туюлиб қолди. Аввал севган кишисининг кийими бўлса, энди ундан ёдгор бўлиб қолган эди. Шундан кейин ҳам барибир бу пальто қишда илинарди, ёзда куя дорига солинарди.

Ўғли Бахтиёр у вақтларда жуда ёш эди. Онасининг аҳволини яхши тушунмас, нима учун онаси уни ҳеч қачон битта эмас, доим иккита ўпишига ҳам ақли етмас эди. У энди Бахтиёрга онагина эмас, ота ҳам эди. У ҳамма вақт — уйда ҳам, кўчада ҳам эрининг хотирасини ҳурмат қилиб яшади. Ёшлигини, бутун умрини унинг хотирасига бағишлади. Ана шу хотира ҳурмати учун Бахтиёрни дадасига ўхшаш меҳнаткаш, соф дил қилиб ўстиришга ҳаракат қилди. Бахтиёр чиндан ҳам дадасига ўхшади. Унинг муомаласи, меҳнатсеварлиги, меҳрибонлиги, ҳатто баъзи бир қилиқларига қараб турганида, Малика холанинг назарида эри ўлмагандай, у фақат қайта яшашга бошлагандай туюларди. У тирик. Ана у Бахтиёр бўлиб яшапти. Уни Маликахон ҳаётга қайта келтирди. Мана шу меҳнаткаш қўллари унга ҳалол нон едирди, тоза кийим кийдирди. Силади, эркалади, уни одам, чинакам инсон қилиб ўстирди. Мана, бугун у келинлик бўлди. Дадаси бўлса қандoқ қувонарди... У бутун тўй давомида Малика холанинг кўзидан кетмади. Муборакбод қилиб келувчиларни кутиб олди, ўйин-кулгига бош бўлди, ўғли билан келинининг пешонасидан ўпиб, уларга бахт тилади. Буларнинг ҳаммасини Малика хола кўриб турди. Қалби, хаёли билан кўриб турди.

Тўй шарофати билан тун бўйи ёқик қолган чироқлар тонг билан уланиб кетди. Уйқудан анча тиникиб турган кўнгил яқинлар чойдан кейин яна қолган-қутган идиш-оёқларни ювиш, йиғиштириш билан овора бўлдилар.

Малика хола келинининг олдига кирди. Келин-куёв унинг ҳурмати учун ўринларидан туришди, ўтиришга таклиф қилишди. Келин бир оз уялинкираб туриб, қайнанасига чой узатди. Бахтиёр бўлса онасининг кўзига

бирданига катта киши бўлиб қолгандай эди. У шу топда дадасига жуда-жуда ўхшаб кетди.

Малика хола келин-куёвни ортиқ уялтирмаслик учун келини узатган чойни ичди-ю, пиёлани қайтиб бермади. Қучоғида олиб ўтирган костюм билан пальтога караб анча вақт жим ўтириб қолди. Келин хайрон. Бахтиёр бўлса онасининг нима учун бу нарсаларни шу бугун кўтариб юрганлигига тушунмай, кўзларини пирпиратиб унга тикилар эди.

Малика хола кўзига келган ёшни зўр куч билан қайтариб, бошини кўтарди:

— Ўғлим, шу вақтгача отангнинг мана бу кийимларини сенга кийгин, демаган эдим. Бугун олиб кирдим. Энди уйлик-жойлик бўлдинг. Катта киши бўлиб қолдинг. Энди буларни кийсанг бўлади. Байрам кунларида, яхши кунларда кийгин. Аяб-асраб кийгин.

Малика хола титраган қўллари билан кийимларни ўғлига узатди. Томоғига келган алланарсани ютди-ю, очик, меҳрибон чехра билан келинига ўгирилди:

— Қизим, қайнатангиз бўлганда, билмадим, сизга нималар совға қилар эди. Мана бу узукни тўй кунини менга тақиб қўйган эди. Бугун ўша киши учун мен сизга тақиб қўяман. Ҳамма вақт тақиб юринг. Зийнат учун эмас, ҳурмат учун тақинг. Қўлларингиз менинг қўлларимдек меҳнаткаш, ҳалол бўлсин. Лекин меҳнатни мендек ёлғиз эмас, бирга қилинглар, қўша қаринглар. Бахтиёр сизни ҳеч хафа қилмайди. Уни мен ана шунақа қилиб ўстирдим. Отасига, қайнатангизга ўхшаган бўлди. Сиз ҳам қизим, уни ҳеч хафа қилманг.

Малика хола билинар-билимас титраган қўллари билан узукни келинининг қўлларига солар экан, ўзининг бир вақтги қўлларини, оппоқ, беғубор қўлларини эслади. Келинининг кўзида ёш ялтиради. Демак, бу оппоқ, момик қўллар мана шу узук ҳурматига ҳеч хиёнат қилмайди. Ҳаётда тутган нарсасини қўймайдиган, нозик, аммо забардаст қўллар бўлади.

1962

## ЁЛФИЗЛИК

Иқболхон қай аҳволда уйга етиб келганини билмади. Сафарга жўнаш олдидаги дилхиралик у билан бирга бориб, бирга қайтди. Зинадан охишта, чарчоқ қадамлар билан иккинчи қаватга чиқди-да, хаёл паришонлик билан кўнғироқ тугмасини босди. Кейин плашини шалдиратиб ечиб, ёнидаги чамадон устига буклаб ташлади. Эшик кирғонига суянганича кута бошлади. Ха, айтмоқчи, ўғил уйда ҳозир нима қилсин, дарсда-ку. Шу пайт қаршидаги уйнинг эшиги шарақлаб очилиб, ўрта ёшлардаги аёлнинг боши кўринди.

— Иқбол Азизовна, сизмисиз? Ҳозир келдингизми? Тўлқин калитни менга ташлаб кетган эди. Ҳозир. — У эшикни қия қолдирганича шиппагини судраб ичкарига кириб кетди. Бир нафасдан кейин калит олиб чиқди.

— Бугун келса керак, деб айтаётган эди Тўлқин.

— Қийналмай яхши ўтирдими?

— Йўқ, йўқ, хабар олиб турдим. Кеча дарсдан келиб, роса уй тозалади. Ажойиб ўғлингиз бор-да, Иқбол Азизовна. Қани энди, қизим бўлса-ю, ўзим куёв қилсам.

Авваллари бундай мақтовдан Иқболхоннинг овзи қуловигача ёйиларди. Ҳозир эса қошлари чимирилиб лаблари қимтилди. Ўша ғашлик дилига яна чангал урди. Индамайгина эшикни очди. Уйнинг ташқарисига ҳам, ичкарисига ҳам оёқ артиш учун ҳўлланган латта ташланган эди. Иқболхон аввалгидай кунт билан эмас, ҳафсаласизлик билан туфлисини бир-икки суртган бўлди-да, ичкарига кирди. Уй чиндан ҳам лочиндай бир аёлнинг қўли текканга ўхшар, бирон жойда ортиқча нарса, бирон ювуқсиз идиш йўқ эди. Иқболхоннинг иш столидаги кичкина митти гулдонда совуқдан очилмай қолган атиргулнинг икки дона гунчаси турарди. Иқболхон уни аста кўтариб, бурни олдига олиб борди. Ҳиди йўқ. Офтоб кўрмаган. Бирданига бу икки гунчанинг бири ўзи, бири ўғли бўлиб кўринди-ю, юраги увишиб кетди. Ҳидсиз, тароватсиз, худди уларга ўхшаш, иккиси ҳам сокин туришибди. Она-бола кейинги вақтда ана шундай жимжит ўтиришадиган бўлиб

қолишган. Иқболхон чуқур хўрсинди, гулдонни жойига қўйиб, бошқа уйга ўтди. Ҳеч қаерда губор кўринмайди. Стол устида термос, сочиқ ёпилган идишда юмшоққина иккита булочка. Бошқа идишда мураббо. Икки энлик қовозда хат: «Ойижон, сизни келиб қолар, деб термосга чой дамлаб қўйдим. Ошхонада овқат ҳам бор. Бошқа нарсалар холодильникда».

Иқболхон хатни аввалгидек кўзига суртиб, ўпмади. Энди бу ширин сўзларнинг остида бошқа бир изтироб, бошқа бир мажруҳлик ётганини яхши биларди. У ўзининг қанчалик гуноҳкорлигини, умри ҳам хавасга арзигулик ўтмаганлигини яқиндагина сафарга жўнаш олди-дан ўғли билан бўлиб ўтган аччиқ суҳбатдан билиб қолди. Бу суҳбат аввал кичкина ойначадек Иқболхоннинг бир қисмини акс эттирди. У чуқурроқ ўйлаган сайин бу ойна катталашар, унинг бутун киёфасини, бутун умрини акс эттирар эди.

Мана, ҳозир ҳам қаршисида ўша ойна пайдо бўлди. У термосдаги чойдан бир пиёла қуйганича, ховурига тикилиб, ўша ойнада кўринаётган хотиралар қаршисида бош эгиб, гуноҳқорона ўтирарди.

Иқболхон тўсатдан Москвада бўладиган олимларнинг йиғилишига жўнайдиган бўлиб қолди. Йўл тараддудини кўргандан кейин она-бола ўтиришиб, овқатланишди. Ўғлининг ёлғиз қолишини ўйлаган она қалбига келин орзуси тушди. Учинчи курсда ўқийдиган бир қиз билан ўғлининг муносабати борлигини эшитган эди. Лекин Тўлқин бу ҳақда онасига сира гапирмас, гап айланганда ҳам индамай ўрнидан туриб кетарди. Иқболхон шуни ўйлади-ю, ўсмоқчилади:

— Яхшигина қизлардан бўлса, уйлантириб қўйсам, кўнглим анча тинчирди сендан.

Тўлқиннинг юзи бирдан жиддийлашди.

— Бизнинг уйга одам сиғадими?

— Нима? Тўлқин, нималар деяпсан? Онанг одам эмасми?!

Тўлқин ўзини босишга уриниб, ўрнидан турди. Онаси олдидаги косани ола туриб, захархандалик билан жилмайди.

— Бу уйда ҳамма нарса сизнинг кўнглингизга бўйсунishi керак. Мен болангиз эканман, чидаяпман.

— Нимага чидаяпсан? Сенга нима зулм ўтказяпман, аҳмоқ? — Иқболхоннинг аъзойи бадани титрар, суюкли ўғлининг оғзидан чиққан бу гаплар бутун вужудига ўт

ёкқан эди. Тўлқин индамай ошхонага чиқиб кетди. Иқболхон ҳарсиллаб унинг кетидан кирди.

— Нега индамайсан? Жавоб бер деяпман сенга?!

— Барибир тушунмайсиз.

— Нимани тушунмайман?

— Ойижон, мен бола бўлиб, уйингизда шўхлик килиб, ўз хохишимча ўйнаганимни билмайман. Ҳаддим сиғиб, биронта ўртоғимни бу уйга олиб киролган эмасман. Эшик орқасида туфлимни ечиб қўлимга олиб, ундан кейин уйга қадам босаман. Қўлимдан столга тўкилган нон увоғига ҳам безовталаниб қарайсиз. Ахир ҳамма нарса ҳам эви билан-да.

— Вой тентаг-ей, онангнинг уй тозалашга вақти йўқлигини биласан. Ўзингга осон бўлсин, дейман. Ахлат бошингга чиқса, яхшимиди?

— Майли, ивирсиса, тозалайман. Ўртоқларимникига бораман. Овқат еймиз, ўйинга тушамиз, чекамиз. Уй, албатта, тўполон бўлади. Яна айланиб борганимизда ҳаммаси саришта.

— Онасининг бошқа иши йўқдир.

— Нега йўқ бўлар экан, ишлайди. Барибир тушунмайсиз, ойижон. Уй одамга нима учун керак...

— Ивирситиш учунми?

— Шунақа пайти ҳам бўлади-да. Одам кирмаса, қисилиб ўтириб овқат есанг, эҳтиёт бўлиб юрсанг... Қўйинг, ойижон, барибир тушунмайсиз.

— Сен жуда тушуниб қолибсан.

— Болангизнинг ўйинчоқларини йиғиштирмасангиз, эрингизнинг ивирсиғини тозаламасангиз... Ахир бу қанақа уй?!

Иқболхон индаёлмай қолди. Жаҳл билан кийиниб, чамадонини кўтарди. Тўлқин шошиб кийинди-да, эшикни кулфлаб, онаси кетидан югурди. Иқболхон такси кутарди. Тўлқин унинг қўлидан чамадонни олди. То аэропортга боргунча ҳам иккисидан садо чиқмади. Самолётга чиқиш олдидангина Иқболхон ўғлини ўпиб:

— Эҳтиёт бўлиб ўтир, — деб тайинлади.

Йўлда ҳам, мажлисларда ҳам, кўчада ҳам бу суҳбат унинг хаёлидан кўтарилмас, ўтган умрига синчиклаб ақл билангина эмас, руҳан етук юрак билан қарашга ундарди. «Болангизнинг ўйинчоғини йиғиштирмасангиз, эрингизнинг ивирсиғини тозаламасангиз...» Бу икки жумла Иқболхоннинг қулоғидан кетмас, ҳар эшитилганда вужуди азобдан сесканар, ўзи тан олишга қўрқиб, қалбига

кўмиб юборган бу таъна тоши унга ўзи кутгандан кўра дахшат билан урилган эди.

Иқболхон аспирантурада ўқиётган вақтида турмушга чикди. Эри Йўлдошали ҳам аспирант эди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас Тўлқин туғилди. Йўлдошали диссертациясини ёқлаб олди, аммо Иқболхонники чўзилиб кетди. Унинг туни ҳам, куни ҳам ўғлига банд эди. У калласидаги гапларни қоғозга туширишга вақт тополмай юрганида, Йўлдошали ярим кечагача газета, китоб титиб ўтирар, кечаси чала-ярим ухлаган Иқболхон эрталаб эрига нонушта тайёрлаганида Йўлдошали бамайлихотир соқолини олиб, атир ҳидини бурқситиб, столга келиб ўтирарди.

Ҳаммадан ҳам илмий ишининг орқага сурилиб кетаётганлиги Иқболхоннинг асабини бузар, баъзан қаҳрини эрига сочиб қоларди. Буни Йўлдошали тушунарди. Лекин хотинига қандай ёрдам беришни билмасди. Кечаси ўғли йиғласа, Иқболхондан аввал туриб қўлига олар, унинг у бошидан бу бошига қанча юрмасин, бола тинчмас, хатто дўриллаган овози билан алла ҳам айтиб кўрар, лекин чақалоқ биғиллагани биғиллаган эди. Охир Иқболхоннинг ўзи зарда билан туриб келиб, болани қўлига оларди. Йўлдошали нима қилишини билмай, онабола олдида серрайиб турарди. Таги курукланган чақалоқ пишиллаб ухлагандан кейин Иқболхоннинг юзига майин табассум ёйиларди. Йўлдошали бўлса хотиржам бориб, ўрнига ётарди...

Тўлқин ёшига тўлганида яслига беришди. Иқболхон қолиб кетган ишини изига тушириб олгунча анча қийналди. Лекин тиш-тирноғи билан ёпишди. Бир йил ўтгач, диссертациясини ҳимоя қилиб олди. Уйига меҳмон тўлди. Дўстлари унинг шаънига қадах кўтаришди. Домлалари Иқболхоннинг ишидан мамнун бўлишди. У энди институтда дарс берарди. Тўлқиннинг ҳам унга оғири тегмайдиган бўлиб қолган. Яслидан олиб келиб овқатлантириб қўйса, унинг бир бурчагида ўйинчовини ўйнаб ўтираверади. Иқболхон дарсдан кела солиб, уй юмушларига унаб кетар, кечаси ўғлини ухлатиб қўйиб, дарсга тайёрланар эди. Бу вақтда Йўлдошалининг докторлик иши охирлашиб қолаёзган эди. Иқболхон унга ҳам ҳавас, ҳам ҳасад билан қарарди. Бир вақтлар ўзи билан теппа-тенг бўлган эри, мана, яқинда доктор бўлади. Иқболхоннинг бўлса рўзғор, боласидан ортган озгина вақти дарсга тайёрланишга зўрға етарди. Буни ўйлаган кезларида кўзига

уйи уни домига тортаётган аждаҳодек совук кўриниб кетар, кичкина юмуш ҳам малол келарди.

Бир куни Йўлдошали алламаҳалгача ўтириб ишлади. Иқболхон энди ётаман деб турганда чой сўраб қолди. У чой олиб кирганида кабинет тутунга тўлиб кетган, Йўлдошали бўлса бошини кўтармай ишларди. Иқболхон форточкани очиб қўйиб, индамай чиқиб кетди. Лекин кўнглидан, шундоқ газга қўйса қайнайди-ку, бунча ношуд бўлмаса бу эркаклар. Форточкани очиб қўйиш ҳам қўлидан келмасмикин, деворларгача хид ўрнашиб қолади, болани ҳам аямайди, деган фикр ўтди.

Йўлдошали эрталаб шошилибгина кийинди. Чойни ҳам тикка туриб ичди.

— Тоза рўмолча борми?

Ўғлини кийинтираётган Иқболхоннинг фигони фалакка чиқиб кетди.

— Жуда ҳам талтайиб кетдингиз. Ахир мен ҳам сизга ўхшаган одамман.

— Мен нима қилдим?

— Рўмолчани ҳам ўзингиз ололмайсизми?

— Туфлим билан кирмай деяпман.

— Бошқа вақтда ҳам шусиз. Инсофингиз йўқ сира.

— Нима қилишим керак?

Эрининг бу гапи Иқболхонга жуда совук эшитилди.

— Мени ўйлайсизми? Шу ҳам одам, бунинг ҳам иши бор, ишлаши керак, деб ўйлайсизми?

— Нима қилай бундан ортиқ? Сизнинг ўрнингизга ўтиб туrolмайман-ку, ахир! — у шундай деди-ю, шошиб чиқиб кетди. Бу гаплар Иқболхонга шу қадар совук, шу қадар дахшатли эшитилдики, кечагача кулоғи остидан кетмади. Бу гаплар билан ораларидаги бутун илиқ муносабат тамом бўлгандай эди. Ўғлини ҳар кунгидек эркаламади. Гўё у ҳаммасига айбдордек силтаб-силтаб яслига олиб кетди. Ишда ҳам очилмади. Кайфи бузук, хаёл парижонлик билан кунни ўтказди. Нима учун яшаши керак бу одам билан? Куни ўтмай қоладими? Биттагина боласини гулдек қилиб боқиб олади. Диссертация ҳимоя қилганда қанча илиқ-иссиқ гаплар эшитди. Меҳнати юзага чиқди, обрў орттирди. Уйнинг юмуши-чи? Ҳеч ким миннатдор бўлмайди. Ақалли хафа бўлманг, энди қандай қиламиз, деб ҳам қўймади. Сизнинг ўрнингизга ўтиб туrolмайман, эмиш. У киши яқинда доктор бўлади. Бурунлари кўтариляпти. Ҳа, писанд қилмай бошлаётгани бу!



Иқболхон уйига келганида ҳам калласида шундай гаплар айланиб юрарди. Кечки овқатга уннамади. Ўғлига яраша овқат қилиб едирди-да, ўзи иш столига ўтирди. У ҳам докторлик ишини бошлайди. Ҳа, ҳа, бошлайди. Эрига кўрсатади ўзининг кимлигини. Шу уй бўлмаса, нимага қодирлигини кўрсатади.

Йўлдошали келганида ошхонада ҳар кунгидек жазбиз йўк, уй жимжит, хотини муккасидан тушиб ишлаб ўтирарди. Эрталаб жаҳл устида ўзининг кўполлик қилиб юборганини ўшандаёқ сезган, ўзи пушаймон эди. У ечинмасдан хотинининг ёнига борди, бир қўлини унинг елкасига қўйиб, иккинчи қўли билан столга тиралганича ёзаётганига бир нафас тикилиб турди. У шу билан хотинидан кечирим сўраётган эди. Иқболхон буни сизди. Лекин эрталабки совуқ гапнинг юрагида қолган муз қимирламади. У эрига қарамади, индамай ишини қилаверди. Йўлдошали ечиниб, ювиниб кирди. Кейин ошхонага ўтиб, у ёқ-бу ёқни қаради. Чой қўйди. Қорни жуда оч эди. Холодильникни очиб, гўшт олди. Пиёз тўғради. Кейин яна уйга кирди.

— Туринг, иккаламиз биргалашиб битта овқат қилайлик. Сиз консультация бериб турасиз...

— Менга овқат ҳам, уй ҳам керак эмас.

— Қўйинг энди шу гапларни.

— Бошқа хотин олинг. Уйда ўтирадиган, ҳа, уйда ўтирадиганини олинг. Ана шунда ҳар ким ўз ўрнида туради.

— Иқболхон...

— Тўймай қолган қорним борми?

— Ахир қорин учун яшамайдилар...

— Тер хиди бижғиган қўлагингизни ювмасам, ювмабман.

Йўлдошалининг қовоғи тушди-ю, индамай қолди. Тўғралган гўшт, пиёз ўшандоқ қолаверди. Йўлдошали кийинди. Папирос чекиб, бир нафас тикка турди-да, чиқиб кета бошлади.

— Мен сиз билан турмайман, туришни истамайман, — деди унинг кетидан Иқболхон. Йўлдошали эшитди. Эшитди-ю, қўлини эшик тутқичидан олмай бир нафас туриб қолди. Эшикнинг ёпилгани эшитилди. Зинадан тушган сайин унинг қадам товушлари олислашиб, кейин жимиди. Иқболхон ўрnidан турмади, деразадан унинг қайси томонга кетганини кўрмади ҳам. Кечиринг мени, сизни билмай хафа қилдим, деса тилига тирсак чиқармиди?

Совуқ гапни айтиш мумкину узр сўраш шунчалик қийинми? Шу аҳволда яшаб нима қилади бу одам билан? Иқболхоннинг қарори қатъий эди.

Йўлдошали кечаси қайтди. У ширакайф эди. Иқболхон яна индамади. Ўшанда шу уч хоналик уйни олишганига ҳеч қанча бўлмаган эди. Иқболхон интернатда ўсган, ҳеч кими йўқ. Йўлдошали эса Сурхондарёнинг бир қишлоғидан бўлиб, Тошкентга ўқишга келган, уйланиб, шу ерда қолиб кетган эди. Иккаласининг ҳам борадиган жойи йўқ.

Иқболхон қарорини ўзгартиролмади. Эрталаб иккалаларидан бири уй топиб чиқиб кетишлари кераклигини айтди. Йўлдошалининг ранги оқариб кетди. Лекин индамади.

— Сиз бола билан қийналманг бўлмаса. Мен, ҳар қалай, эркак киши... Ҳеч бўлмаса, Тўлқинни ўйласангиз бўлар эди.

— Сизнинг бор-йўқлигингиздан нима фойда унга?

— Наҳотки... Енгилтаклик қиялмасиз, Иқболхон.

Иқболхон юраги торлик қилиб чимирилди:

— Биласиз-ку, биз ёш болалар эмасмиз. Енгилтак бўлсам ҳам ҳар қалай, ўйлаётгандирман.

— Шунақами?

— Ҳа, шунақа.

У чиқиб кетди. Иқболхоннинг юраги жизилламади. Эрининг кафедрада ётиб юргангани эшитди, дўстлар ўртага тушишди, лекин кўнмади. Унинг хаёли энди докторлик диссертацияси билан банд эди.

Доктор ҳам бўлди, пул ҳам, обрў ҳам топди. Ўғли ҳам ўсиб, катта йигит бўлиб қолди. Лекин йиллар ўтган сайин нимадир юрагини эзар, бу ёлғизлик, яқкалик эканини тан олишга кўркарди. Йўлдошали уйланиб, болачақалик бўлиб кетди. Иқболхон кирини бировга ювдирди, уйини бировга тозалатди. Бутун вақтини, умрини илмий ишга берди. Узок йилларгача ўзининг хатти-ҳаракатини ўзи маъқуллаб юрди. Лекин энди-чи? Энди ҳаммасини тушунди-ю, бефойда, умр ўтди. У уй, оила ташвишига чидамаганлигини ҳам, Йўлдошалининг ёмон одам эмаслигини ҳам энди тушунарди. Лекин қалбида кечган ҳисларни ўғлидан яширар, онасини шунчалик муҳокама қилишга ақли етиб қолганлигини билмасди. Тўлқин ўзи камгап бўлиб ўсди. Буни Иқболхон гоҳ отасига тортди деса, гоҳ ёлғизлигидан деб билар, баъзан Йўлдошалини-кига бориб турганлигидан кўрар, ҳар қалай, ўғил бола-

да, отаси билан бўлгиси келади, балки бошқа болаларидан рашк қилармикин, деб ўйларди.

«...Болангизнинг ўйинчоғини йиғиштирмасангиз, эрингизнинг ивирсиғини тозаламасангиз...» Иқболхоннинг юрагига бир нарса санчилгандек бўлди. Бу гап унинг қалбида ўзи сезмай ётган дардларини ҳам юзага олиб чиққанди. У хўрсиниб, ўрнидан турди. Пиёладаги чой аллақачон совиб қолган эди. Ҳозир у ўша папирос эзгиланиб ётган кулдонни ҳам, жонига теккан вақтини олган ўша рўзгор ташвишларини ҳам жуда-жуда кўмсарди. Унинг юрагидаги бу эҳтиёж кўз ёшларига айланиб, юзидан оқди. Бу иродали аёлнинг умрида биринчи ўкиниб йиғлаши эди. Ана шу эҳтиёж — бекалик машаққати, бекалик бахти қиз бўлиб туғилганида у билан бирга туғилганлигини энди яхши биларди. У бир томонлама бахт топди. Мукаммал бахт учун эса оила ва бир-бирининг ташвиши бўлиши керак эди. Эшик очилди. Тўлқин энгашганича туфлисининг ипини бўшатарди.

— Киравер, кираверсанг-чи, ўғлим!

— Ҳозир, ойижон! — онасини ҳамма вақт иш устида, жиддий кўришга ўрганиб қолган Тўлқин унинг йиғлаётганини кўриб, қўрқиб кетди.

— Нима бўлди? Биров хафа қилдими?

Иқболхоннинг баттар хўрлиги келди. Ўғлини бағрига босди.

— Ҳеч ким хафа қилгани йўқ. Ўзим. Сени соғиндим. Уйлан, ўғлим, болаларингни боқаман. Бошимга қўйиб, жон деб боқаман, онангни жуда бағритош дема, кўркма, ўғлим. Ўйинчоқлар олиб келаман, ширин-ширин овқатлар пишириб бераман, боғчага, музика мактабига олиб бораман болангни. Уйлан, жон ўғлим.

Тўлқин бу ахволдан жуда довдираб қолган эди. Ўзининг гапи онасига оғир ботганлигини ўйлаб, афсусланар, юзларига тегаётган, тагидан оқи кўриниб турган сийрак, қизғиш сочларини силар, ҳадеб:

— Ойижон, хўп, фақат йиғламанг, — деярди.

Иқболхон юрагидаги бўшлиқни, бутун умридаги бўшлиқни тўлдириб турган яккаю ягона бахтига суяниб, ана шу вужуднинг нафасидан ўзининг йўқотган аёллик, оналик машаққатини кидирарди.

## БУВИ

Наргис тўйнағичини лабига қистирганча ойна олдида соч тарар, унинг салгина буралган қалин сочлари нозик елкаларини ўраб турарди. У бошини енгилгина силкиб, юзига яқин сочларини орқага олди. Ҳозиргина кийган халатининг боғичларини қайта боғлар экан, кир тахлаб ўтирган Умринисо бувининг ёнига келди.

— Зерикмадингизми, бувижон? — деди у юмшоққина кулиб. — Кўйинг ўзим қиламан.

— Бекор ҳам ўтирибман-да, болам. Чой қайнаяпти. Дамлаб берайми?

— Ўзим, — Наргис шундай деб ошхона томонга чиқиб кетди. Эрталабдан бери столга энгашиб олиб, алланарсаларни чизаётган Тўлқин бошини кўтарди. Билагидаги соатига қараб кўйиб бир нафас ўйланиб тургач, пешанасини укалаб бориб радиони буради. Охиригача буралган радиодан қандайдир бир куй гумбурлади. Умринисо бувининг қулоғи чиппа битиб қолгандай бўлди-ю, пастроқ қил, дегиси келмади. Чунки, Тўлқиннинг дарсига бу шовқин халақит бермаётгандай эди. У баъзан қўлларини белига тираганича қовозга тикилиб турар экан, «па-па-пам, ля-ля-лям» деб музыкага жўр ҳам бўлиб кўярди. Кириб-чиқиб юрган Наргиснинг ҳам юзида табассум, руҳининг енгиллиги кулгига мойил лабларидан шундоққина сезилиб турибди. У яқингинада ўқишдан қайтди. Тўлқин бўлса энди кетади.

Наргис жуда чаққон, меҳнаткаш қиз: Тўлқиннинг қилган савдоси онасига ёқмагани учун кўпинча бозор-ўчарга ҳам Наргиснинг ўзи борарди. Уйларни ҳам ярақлатиб тутади. Яна ярим кечагача ўтириб дарс қилади. Умринисо буви унинг тиниб-тинчимас, жонсараклигига қараб туриб ўзининг ёшлигини эслади.

Енгил қадамлар билан Наргис кирди.

— Қани, чойга чиқинглар, буви! Бабуля!

Умринисо буви музыка овозида унинг гапини эшитмади. Бошини қимирлатиб, бир қўлини қулоғининг орқасига олиб борди. Наргис радиони пасайтирди.

— Чой ичамиз.

Умринисо буви унинг кетидан бошқа уйга чиқди. Кетма-кет Тўлқин ҳам кирди. Товада жизиллаб турган гўшт билан картошкани Наргис ўртага қўяркан, бувисига қараб жилмайди:

— Раҳмат, бувижон. Қовуриб қўйган экансиз, иситдим. — У битта тахсимчада тўғралган пиёз билан редиска ҳам олиб келди-да, тортмадан вилка олиб уларнинг олдига қўйди.

Умринисо бувининг қорни очмаган бўлса ҳам болаларнинг кўнгли учун унча-мунча еб ўтирди. Тўлқин ҳеч кимга қарамасдан шошиб овқатланди-ю қоғозларини ўраб дарсга кетди. Наргис Тўлқин ўтирган жойдаги нон ушоқлари, нижимланган салфетка қоғозини йиғиштириб олар экан:

— Буни қаранг, доим кетидан йиғиштириб юришим керак. Бирам пала-партиш, — деди.

— Қўявер, ўғил бола.

— Дадам унақа эмаслар-ку! Уйланса, хотинининг ҳам жонига тегади бу! Бирам гўдайган.

— Кўрйасан-ку, чизмакашлигидан бўшамаяпти. Чарчагандир бечора болам.

— Шунча болани қандай катта қилгансиз-а, буви?

Наргис бувисини гапга солишни яхши кўради. Айниқса ёшлиги, болаларини қандай тарбия қилгани ҳақида кўп сўрайди. Ўзи кам гапирди. Ўзбекчани яхши тушунадими-ю, қийналиброқ гапирди. У чой қуйиб узатар экан, бувисини яна сўроққа тутди:

— Дедушкам сизга қарашармиди?

— Қарашишга вақти йўқ эди, болам. У вақтларда докторлар кам, касал бўлса кўп эди.

— Чарчамасмидингиз-а?

— Аввал ёш эдим. Кейинроқ болаларнинг ўзлари қарашадиган бўлишди.

— Мана, сиз педагогикани билмайсиз-а буви?

Умринисо буви неварасига тикилди.

— Билмадим. Дарсингми у?

— Ҳа, дарс деса ҳам бўлади. Умуман тарбия, болаларнинг тарбияси ҳақида. Лекин болаларингизнинг ҳаммаси яхши.

Умринисо буви секин хўрсиниб қўйди:

— Мен уларнинг яхши томонларини ҳам, бошқага билинмайдиган камчиликларини ҳам биламан, болам.

— Мана, дадамни олайлик. Жуда маданиятли, тўғри, яна нима деса бўлади, — Наргис фикрини айтишга сўз

тополмай қолди. — Ҳа, ҳалол одам. Уни сиз боққансиз. Лекин педагогикани билмайсиз. Қизик-а?

Умринисо буви кулиб қўйди. Кўзларига яна хаёл чўқди. У эри Отажонни эслаган эди.

Бир куни укол олиб юрган кўшниларида бири қўярда-қўймай йигирма сўм пул ташлаб чиқиб кетди. Умринисо аввалига олмади. Кейин ўйланиб қолди. Ахир дори-дармонни эри пулга сотиб олади-ку. Биронта камларига ярар. Болалар кўп. Бирининг эскисини бири кияди. Кичкинароқларига янги кийим олиб беришолмайди. Ана шу ўй билан пулни олиб қолди. Кечқурун Отажон ишдан қайтди. Овқатланиб бўлиб газета ўқиб ўтирган эди. Болаларнинг ҳам ҳаммаси уйда. Катталари дарс тайёрлашиб ўтиришарди. Умринисо ҳалиги пулни эрига айтди-ю, балога қолди, Отажоннинг ранги оқарди, лаблари пирпираб учди. Хотинига ҳеч қаттиқ гапирмаган одам газетани шалдиратиб силкиб ташлади.

— Уялмадингизми? Наҳотки уялмадингиз?! Қўшнингиз-а! Шарманда қилибсиз. Эрим бойиш учун, уйда пул топиш учун докторликка ўқиди, деяр экансиз-да?

Отасини ҳамма вақт оғир, сипо кўришга ўрганган болаларнинг ранги ўчиб, жавдираб туришарди. Отажон йигирма сўм пулни ўғли Шарифнинг қўлига тутқазди.

— Бор, олиб чиқиб бер!

Шариф бир дадасига, бир бошини эгиб турган онасига қарай-қарай пулни олиб чиқиб кетган эди. Ўша Шариф ҳозир Наргиснинг дадаси. Ана шу ҳаётда ўсган, ана шу муомалаларни ўз кўзи билан кўрган боланинг ҳалол бўлмаслиги борми?! Умринисо буви ана шуларни ўйларди-ю, неварасига қандай тушунтиришни билмасди.

Шарифни ўйлаганда она мамнунлик билан бир энтиқиб олади. Унинг иши ғоят савобли иш. У газетада ишлайди, умри командировкада ўтади. У областнинг ҳамма бурчакларини билар, унинг қаламидан яхшилар элга танилса, ёмонлар шарманда бўларди. У ҳар кетганда қанчадан-қанча янги одамларнинг номини айтиб келар, яхши кишилар ҳақида тўлиб-тошиб, завқ муҳаббат билан гапириб берарди. Умринисо буви газета ушладими, кўзойнагини тутиб, ундан ўғлининг отини, фамилиясини қидирарди. Топиб олса кулимсираб, тикилиб қолар, қўли билан силаб ҳам қўярди. Ҳа, унинг ўғлини ҳамма билади. Танимаганлар ҳам барибир, номини эшитишган. Онанинг энг катта бахти мана шу эди.

Келини Султонхон ҳам жуда яхши аёл. У катта бир

мактабнинг директори. Камтар, меҳнаткаш хотин. Шарифжонни жуда авайлаб туради. Шунинг учун ҳам Умринисо буви уни яхши кўради. Ўғлининг тинчлиги, хурсандчилиги хотинининг яхшилигидан-да. Болалари ҳам ёмон эмас. Фақат баъзи нарсалар кекса онага ёкмайди. Бозорга Тўлқин бориши керак. Наргис эмас. Хар қалай эркак киши харажат қилишни ўрганиши керак-да. Юк кўтариш ҳам ўғил болага осонроқ. Ундан кейин бувилари бўлмаса Наргис укаси билан ўзбекча гапиришмайди.

Наргис идишларни ювиб қўйиб уйга кирди.

— Нега ўйлашиб қолдингиз? Дедушкам эсингизга тушиб кетдимиз? — деди ҳазиллашиб.

У тўғри айтаётган эди. Эртага пайшанба, уйга бориб чироғини ёқиб келмаса бўлмайди.

— Буви, кечкурунга нима овқат қилайлик?

— Билмадим, болам.

— Ҳали вақтли экан. Кирларга дазмол босиб қўяй, кейин қиларман.

— Овқатни мен қила қоларман.

— Йўк, сиз дам олиб ўтираверинг. Кетаман демасангиз бўлгани. Эсизгина, карам олиб келганимда дўлма қилар эдик.

Наргис шипиллаганича тахлоғлик кирларни кўтариб чиқиб кетди. Бир нафасдан кейин унинг овози балкондан эшитилди.

— Буви, бу ёққа чиқинг! Ёнимда ўтиринг.

Умринисо буви ўрнидан туриб рўмолини аста тузатар экан, невараси ёнига чиқди. У Наргисни яхши кўрар, ёлғиз ўзи қолганида зерикшини ҳам биларди. Наргис ҳам унга юрак сирларигача ишониб айтар, курсларидаги бир йигит уни яхши кўришини ҳам қизара-қизара гапирган эди. Ўзи ҳақида индамаган бўлса ҳам унинг ёниб, порлаб турган кўзларидан қўнгли мойиллигини кекса она пайқаган эди.

— Онаси бор. Дадаси урушдан қайтмаган экан, — деган эди ачиниб Наргис. — Амаллаб опасини узатишибди. Ўқишни тамомлаб озроқ ишласак, кейин тўй қиламиз, дейди. Унақа тўла-тўқис туришмайди, буви. Нима, айбми, ўзимиз ишлаб топиб олармиз. Мана, дадам билан ойим ҳам ҳамма нарсани ўзлари олишган. Тўғримиз, буви?

Умринисо буви унинг елкасини меҳр билан силаб шундай деган эди:

— Ким бой, биласанми?

Наргис елкасини қисди.

— Яхши кўришганлар, ахил турганлар бой. Ким бахтсиз? Жанжалли уйда яшайдиганлар бахтсиз.

Наргис суюниб бувисини кучоклаб олган эди.

— Замонавий кампирсиз-да, буви. Шу замонда яшаб туриб ўн бешинчи асрда юрганлар ҳам бор.

— Ундай дема, болам. Ҳамма замонда ҳам яхшилар яшаган, ёмонлар ҳам. Дунёнинг тинчлиги яхшиларнинг шарофатидан.

— Шуни айтяпман-да. Лекин аямга ҳали айтмайман. Иши кўп. Ҳозирдан ўй ўйлатиб нима қиламан.

Кампир невараси ёнига ўтираётди ана шуларни эслади. Наргис кирга сув пуркар экан, бувисининг хаёлини билиб тургандай шивирлади:

— Буви, биласизми, ойисини кўрдим.

Умринисо буви кимнинг ойиси ҳақида гап бораётганини дарров пайқади.

— Бирга кетишаётган экан. Узоқдан кўриб қолдим. Яхши хотинга ўхшайди.

— Ўғли яхши бўлса, онаси ҳам яхши бўлади-да, болам.

— Менинг суратимни уйларига қўйиб қўйган эмиш. Суратим ёкибди. Ўзим ҳам ёқармиканман? — Наргис шундай деб шарақлаб кулиб юборди. Унинг юзларига қизиллик югурган эди.

— Ўзинг ҳам ёқасан, болам.

— Бувижон, сиз ҳамма вақт яхши гапларни гапирасиз.

Умринисо буви оёғи остида ётган бир варақ қоғозни энгашиб олиб ёзувига тикилди.

— Кўзим ўтмаяпти. Бу нима экан, ўқиб кўр. Даданнинг хатига ўхшаяпти. Тағин керакли қоғози бўлмасин.

Наргис дазмолни қўйиб, қоғозни олди. Қошларини чимириб, унга кўз югуртирди-да, бувисига қайтариб берди.

— Тушунмадим. Қишлоқ хўжалиги, даромад, яна нималардир ёзилган. Дадамнинг газетага ёзганларида бўлса керак.

Умринисо бувининг юраги алланечук бўлиб кетди. Ҳа, дилини хира қилган нарсаларнинг бири мана шу эди. Лекин педагогика деган дарсида бу ҳақда айтилмаганми-кан...

— Биласанми, — деди Умринисо буви ўйчанлик билан, — сен қайнананга ёқмаслигинг ҳам мумкин. Дазмолни кўтар, куйдирасан!



Хангу манг бўлиб қолган Наргис шошиб дазмолни олди-да:

— Нега энди бирданига? — деди хайронлик билан.

— Сени ким боқиб катта қилди?

Ҳеч нарсага тушунмаган Наргис:

— Дадам, аям, — деди кўзларини пирпиратиб.

— Қандай қилиб, нима билан боқишди?

— Бувижон, нима демоқчисиз ўзи?

— Жавоб бер!

— Ишлаб боқишди-да, албатта.

— Дадангинг топиб келган нонини ейсан, олиб келган кўйлагини киясан. Лекин қандай қилиб бу пулларни топди, нималарни ёзди, унинг сенга қизиғи йўқ. Шундайми? Дадангинг ёзган нарсасини хатто тушунмайсан, аммо пули яхши. Уялмайсанми, болам? Уканг бўлса сендан баттар.

— Вой, бувижон, умуман тушунаман лекин қийин.

— Ўнта тилни билсанг ҳам майли, билавер. Лекин сени боқаётган тилни билмасанг, одаммисан сен? Агар қайнананг менинг кўнглимдагидек хотин бўлса, боринг, болам, аввал онангизнинг тилини ўрганиб келинг, дейди.

Наргис гап тополмай нукул: «Вой, бувижон» — дея эди.

— Агар буванг тирик бўлганида бу қилмишинг учун, билмадим, нима қилар эди. Болаларинг бўлса, ўзинг билмаган тилни уларга қандай ўргатасан? Мактабидан ўзбек тилидан икки олиб келадими?

Умринисо бувининг шундай жахли чиққан эдики, хатто Наргисни гапиришга ҳам қўймай, силтаб-силтаб ташлади. Наргис буни пайқади. У галати, ўнғайсиз аҳволда қолди. Севимли бувиси уни ҳеч қачон бунчалик уришмаган эди.

— Тавба қилдим, бувижон. Жуда ҳам унчалик тушунмайман эмас.

Кампир қорозни силаб, текислаб икки буклади-да, унга тикила-тикила ўрлининг столига қўйиб чиқмоқ учун уйга кириб кетди. Кўнғироқ жиринглади. Наргис югуриб чиқиб эшикни очди. Бу Султонхон эди.

— Намунча қизариб кетибсан?

— Дазмол босаётган эдим.

Неварасига зимдан назар ташлаган Умринисо буви келинига юзланди:

— Келдингизми, болам?

— Зерикмай ўтирибсизми? Яхшиямки Наргис бор

экан. Сиз бўлсангиз, Наргиснинг ҳам уйдан чиққиси келмайди.

— Энди уйга киргиси келмаса-чи?

— Нега? — Султонхон жавдираб иккалаларига қаради.

— Қўйсангиз-чи, бувижон. Ҳечам ундай эмас. — Наргис кулиб, балконга чиқиб кетди.

Ҳамон савол назари билан қараб турган келинига кампир:

— Озроқ уришдим, — деди кулиб.

Султонхон ҳам кулимсираб қўйди.

Кечкурун овқат устида ҳам Наргис бувисига қараб-қараб кўяр, баъзан хаёл суриб қоларди. Унинг ахволини Умринисо буви сезар, гапларини қаттиққина текканини ҳам пайқар эди. Тўлқин ҳам ўқишдан қайтди. Қўллари-ни ювиб столга ўтирар экан:

— Ужасно кушать хочу, — деди.

Наргис жавдираб бувисига қаради.

— Чик, ошхонада ея қол. Юр, юр, деяпман сенга!

Тўлқин эринибгина ўрнидан турди.

— Шарифжон қачон келаркан?

Султонхон қайнарасига чой узатар экан:

— Зерикиб қолдингизми, ойи? — деди кулиб.

Султонхон қайнарасининг феълени яхши билиб қолган. Эртага ҳеч қандай куч уни бу ерда олиб қололмаслигини ҳам билади. Умрини, меҳри, меҳнатини болаларига улашиб юрган бу кампир, нураган, жимжит уйи билан бир кунгина сирлашиб, ўчган хотираларга чирок ёқиб келишни қанда қилган эмас. Уни чарчашга қўймаган эътикод ҳам, балки шудир.

Умринисо буви ҳозир шу ҳақда ўйларди. Ҳамма нарсага эътикод керак. Эл-юртга ҳам, муҳаббат, рўзғорга ҳам, хатто тилга, сўзга ҳам. Эътикод қўйилмаган нарса хароб бўлади. Неварасининг дилини оғритди. Лекин тушунтиролдимиқан...

Ҳа, ҳеч ким ўз фарзандининг яхши, ёмон томонини онасичалик билмайди. Лекин она ҳаммага айтавермайди. Кўнгли тўлмаса, кўнглига ёқмаган нарсаларни тўғрилай олмаса, пинҳоний дард чекади. Умринисо буви ҳозир ана шундай ахволда эди. У невараларини ниҳоятда яхши кўрар, бахтли бўлишларини, уларга ҳамма ҳавас билан қарашларини жуда-жуда истар эди.

1970

## ЎШАНДА ҲАМ КУЗ ЭДИ

Низом институтдан қайтганда ойиси ичкари уйда ким биландир гангур-гунгур гаплашиб ўтирарди. Она унинг шарпасини дарров сизди. Суҳбатини тўхтатиб, одатдагидек енгил, шарпасиз қадамлар билан унинг ёнига келди.

- Келдингми, болам?
- Ҳим, яхши ўтирибсизми?
- Шукур. Меҳмон бор.
- Ким?
- Лутфи опоқинг.

— А?! — Низом эндигина ечган костюмини негадир қайтадан кийди, — нега? Нега киритдингиз?

— Жим. Уят бўлади. Қариндошлариникига келган экан, кўчада кўришиб қолдик. Ўзим олиб кирдим уйга. Сўрашиб қўй.

Низомнинг ранги оқариб кетган эди. Баҳри хола жонсиз, қалтираган қўллари билан унинг елкасидан силаб, секин шивирлади:

— Жон болам, гина сақлашни ўрганма. Ҳаммаси ўтиб кетди. Уйингга кирган одамга қаттиқ гапириш, сўрашмаслик одобдан эмас. Мени хижолатга қўйма.

Баҳри холанинг мулоим, меҳрибон кўзлари ўғлига ёлбориб қарар, Низомнинг юрагида қанча алам, ғазаб ётган бўлса-да, бу кўзларга қарши бир нима деёлмасди. Баҳри хола меҳмон хузурига кириб кетди.

— Низомжон экан. Ўқишдан келди. Бу йил охириги курс. Киравер, болам, опоқинг бўйларингни бир кўриб қўйсин.

Остонада Низом пайдо бўлди. Меҳмоннинг лаблари пирпиради. Низомнинг авзойига қараб, кулишини ҳам, сўрашишини ҳам билмай, охири бурни тагидаги икки дона тишини кўрсатиб илжайди, ўрнидан турди.

- Омонмисан, Низомжон?
- Келинг. Яна нимага...

— Болам! — Низом сакраб ўрнидан турган онасининг кўзларига бир қаради-ю, шахт ўгирилиб чиқиб кетди. У тўхтамади, орқасига ҳам қарамади. Уйларидан анча

олислаб кетганини ҳам билмай қолди. Нимагадир чекки-си келди. Йўл четидаги будкадан бир дона сигарет олиб, хиёбоннинг бир четидаги бўш скамейкага бориб ўтирди. Хозир унинг кўнгли бўм-бўш, худди мана шу сокин, кузги хиёбонга ўхшаб қолганди. Сигарет олибди-ю, гургурти йўқ. Сигарет донасини бармоқлари билан эзгилаб, атрофга аланглади. Ўтиб кетаётган бир йигитдан туташтириб олди-да, каттиқ сўрди. Бурни, оғзидан буралиб чиққан аччиқ тутун хушини ўзига келтиргандай бир оз енгиллашдимми, секингина энтикиб қўйди. Унинг кўзига яна бурни тагидаги иккита тишини кўрсатиб илжайган башара кўриниб кетди. Унинг бағри бутунлигини шафқатсизлик билан тортиб олган бу аёлни кўришга Низомнинг тоқати йўқ эди. Хозир-ку ақли-ҳуши бор, кап-катта йигит. У вақтларда гўдак эди. На ота-онанинг ҳидига, на уларнинг бағрида эркаланишга тўйган эди. Ана шу бағри тош аёл, маъсумгина бир гўдакнинг эркаликка, эркаланишга бўлган ҳаддига биринчи бўлиб тирноқ ботирган, чанг солган эди. Баҳри хола жуда ювош, бировдан озор кўрса ҳам озор бермайдиганлардан. Низомни ҳам шунақа тарбиялашга ҳаракат қиларди. Ўша пайтларда қанча қийналса ҳам Лутфихонга бир оғиз қаттиқ гапирмаганди. Мана хозир ҳам уйига олиб кириб меҳмон қилиб ўтирибди.

Ўша пайтларда улар бир маҳаллада яшашарди, Лутфихоннинг Содиқ деган ўғли билан Низом ўртоқ эди. Содикларнинг ховлиси анча катта бўлгани учун савзи, помидор экишар, сигир боқишарди. Онаси, бировнинг қўлидан ишини олгин, меҳнатдан қочма, эринма, деб қўп насиҳат қилгани учун Низом Содикқа доим ёрдамлашар, сигир ўтлатар, кўкат юлар, қарашгани-қарашган эди. Шунинг учун бўлса керак, Лутфихон уни яхши кўрар, кириб қолса, минг ўргилиб, минг айланарди.

Низомнинг дадаси касаллиги туфайли эрта пенсияга чиққан, ёлғиз онаси ишларди. У аёллар қўйлагини жуда чиройли тикарди. Ишхонадан келгандан кейин ҳам машина тепгани-тепган эди. Низом болаларнинг каттаси, ўшанда олтинчи синфда ўқирди. Укаси билан синглиси ҳали кичкина эдилар. Бирдан уларнинг бошига оғир ташвиш тушиб қолди. Дадаси қазо қилди. Бир ойнинг ичида онаси чўпдек бўлиб озиб кетди. Низом энди дадаси қолиб, онасига ачинар, у йиғласа, чидаёлмас, бағрига кириб юпатгиси келар, лекин дилидаги гапларни айтолмай, қўшилишиб йиғларди холос. Бир куни онаси Ни-

зомнинг бошини силаб, кўзларига тикилди-ю, орқасига қокиб деди:

— Бор, болам, ўртоқларинг билан ўйнаб кел. Авжи ўйнаб ўйинга тўймайдиган пайтларинг. Бор, ўргилай.

Низом кўчага чиқди. Дадаси ўлгандан бери ўйнамаганини ҳам шунда сизди. Секин Содикларникига кирди. Лутфихон сўрида эри билан қотган жўхориларни уқалаб ўтирарди.

— Вой кел, Низомжон, бормисан?

Низом салом бериб, сўрининг бир чеккасига ўтирди.

— Ўртоғинг ҳозир келиб қолади. Магазинга макаронга чиқазувдим.

Шу пайт кўчада бирдан тўполон бўлиб қолди. Нима гап экан, деб ҳаммалари барабар югуриб чиқишди. Дарвоза тагида қоғозга ўроғлиқ макарон сочилиб ётар, Содик бўлса қандайдир бир нотаниш бола билан муштлашарди. Улар худди жўжа хўрозга ўхшаб бир-бирларига ташланишар, ҳансирашар, атрофда бўлса болалар қичқиришарди. Низом нима гаплигини суриштирмасдан, бегона болани дўппослай кетди. Содик иккаласи уни тупроққа беллашиб роса уришди. Содикнинг ойиси билан дadasининг безрайиб кулиб турганини кўрган йўловчи киши гулдираб келиб, жаҳл билан уларни икки ёққа ажратди. Бегона бола йиғлаб усти-бошини қокди-да, бирдан югуриб қочиб кетди. Содик билан Низом кула-кула ҳовлига киришди. Ўғлининг зўравонлигидан отасининг оғзи қулоғида, Лутфихон бўлса ўғлининг елкасига уриб чанглари қоқар экан, Низомни ҳам эркалаб қўйди:

— Чинакам дўстисан-да, ўғлимнинг. Ўртоқ деган шунақа бир-бирининг ёнини олади-да. Нега муштлашдинг ўзинг, кимнинг боласи у, — деб ўғлига юзланди Лутфихон.

— Қайси куни кўчада помидор сотиб ўтирганимда икки кило помидор олган эди. Бугун магазинда кўриб, помидор тамом бўлдим дейман, жуда қимматфуруш экансан, деса бўладими. Оғзингни юм, десам вайсаяпти, чайқовчи, дейди.

Лутфихон ўғлига меҳр билан қараб туриб илжайди:

— Ўла қолсин. Ажаб қилибсан уриб!

Шу куни Низом уйига кирса, онасининг қовоғи солиқ.

— Мен одам боқдим десам, кучук боқибман-да, — деди бирдан унинг зардаси қайнаб. — Сендақа болам йўқ менинг, кўзимга кўринма ҳозир. Уялмасдан муштлашиб юрибди-я...

Низом бир нафас серрайиб турди. Онаси дарров эшита қолибди. Баҳри хола унинг афтига қарамади. Қўлидаги косадаги сувни ҳовлига сепиб юборди-да, бориб жибиз қилаётган қозонни қовлади. Низом онасининг авзоёйига зимдан қараб қўйиб, уйга киргани юраги бетламади. Секин қайтиб чиқиб кетди. Яна Содиқларникига кирди. Улар макарон қовурма еб ўтиришарди. Лутфихон айлаиб-ўргилиб уни овқатга таклиф қилди.

— Ола қол, ол, жоним. Насибанг қўшилган экан. Нима бало, тумшайиб қолибсан?

— Ойим уришиб бердилар, — деди Низом йиғламсираб. У онасидан ҳеч қаттиқ гап эшитмагани учунми, жуда оғир ботганди.

Лутфихон бир хўрсиниб олди-да:

— Пешананг ҳам курсин, — деди ачинганнамо, — онасизлигинг етмасмиди, худо отангдан ҳам айирди. Энди чидайсан-да, болам.

Низом ялт этиб Лутфихонга қаради. Унинг кўзларида ҳам ҳайронлик, ҳам кўрқув бор эди.

— Нима деяпсиз?

— Вой, билмасмидинг? Қаердан ҳам биласан сен бечора. Сенинг онанг чақалоқлигингда ўлиб кетган болам. Бу онанг ўғай. Агар сени турткиласа, индамай бизникига чиқиб келавер. Ўртоғинг билан юраверасан.

Низом ўшанда қайси аҳволга тушганини билмайди. Қичқирдими, чинқирдими, йиғладими ҳали-ҳали билмайди. Хар қалай, бу унинг учун кутилмаган даҳшат эди. Югуриб ҳовлиларига кирди. Сочиқ юваётган Баҳрихоннинг олдига бориб, ёш юки кўзларини тикиб чинқириб сўради:

— Айтинг, айтинг, сиз менинг ойиммасмисиз? Нега алдайсиз?! Қани менинг ойим?!

Баҳрихоннинг ранги докадек оқариб кетди. Қўлидаги кир шалоп этиб тоғорага тушди. Кўпик қўли билан уни маҳкам кучоқлади.

— Бекор гап! Қайси ноинсоф айтди? Ўзим тукқанман сени, ўзим!

Низом силтаниб унинг кучоғидан чиқди. Онаси унинг кўзига биринчи марта бегона, ёт кўринди ўшанда. Меҳрибончиликларининг ҳаммаси энди юзакидек, унинг гўдак қалбидаги кемтикни тўлдиролмай қолди. Онасининг ялиниб-ёлбориши, йиғлашига қарамай, чопқиллаб чиқиб кетди. Баҳри хола кўча бошигача эргашиб, қувлаб борди. Унинг кетидан укалари ҳам йиғлаб эргашиб бори-

шарди. Лекин Низом қарамади. Чопқиллаганча кетаверди. Кечқурун уни Содик топиб келди. Топиб келди-ю, ўзлариникига олиб кириб кетди. Буни сезган Бахри хола уларникига чиқди. Лекин Низомни уйга яшириб қўйишган эди. Низом уйда туриб онасининг йиғлаганларини эшитди. Юраги ғалати бўлиб кетди, югуриб чиққиси келди-ю, бегона деган совуқ бир сўз уни яна ўрнига михлаб қўйгандек жилолмади. Онаси чиқиб кетди. Бошини эгиб йиғлаганча чиқиб кетди. Ўшанда ҳам куз, авжи узумлар пишган пайт эди. Эрталаб Лутфихон бир тоғора узумни унинг бошига қўйиб, Содикқа қўшиб бозорга жўнатди. Ўша куни Низом биринчи марта мактабга бормади. Бахрихон қидириб мактабдан тополмабди. Қўрганлар уни бозорга кетганлигини айтиб қўйишибди. Бир вақт Низом билагидан кимнингдир юмшоқкина ушлаганини сезиб ўғирилди. Бу онаси эди.

— Эсингни едингми, болам? Ўқишинг-чи? Ўқишинг нима бўлади?

Низом тўнглик билан жавоб берди:

— Бормайман. Менга барибир энди.

— Бекор айтибсан. Менга барибир эмас, мен онангман, болам.

— Ёлгон гапирманг. Бормайман, барибир. Менинг ҳеч кимим йўқ.

— Одамларни қаратма, юр, кўзим.

Ҳақиқатда атрофга одамлар йиғила бошлаган эди. Низом:

— Мени тинч қўйинг! — деб бақирди-ю, одамлар орасига кириб кўздан йўқолди. Бахри хола тарози ушлаб турган Содикқа маъюс, совуқ назар билан қараб қўйиб, аста юриб кетди. Кечқурун у яна Содикларникига чиқди. Низомни яна уйга яшириб қўйишди.

— Насихат қилиш ўрнига шунақа қиласизларми, — дерди Бахри хола куйиб. — Ахир мен келганимда саккиз ойлик эди. Дадаси бечора боқолмай қийналиб кетган экан. Ўзим ҳам гўр оғзидан қайтариб олганман. Эти суягига ёпишиб қолган экан. Бу болаларимга ўшанчалик меҳнатим синмаган. У ёш болалик қиялпти. Лекин менга фарқи йўқ сира. Болаларимдан кам қўрган эмасман. Кечаси билан мижжа қоқмадим. Отасининг арвоҳи ҳам чирқиллаб юргандир...

Низомнинг юраги алланечук бўлиб кетди. Чиққиси келди-ю, лекин чиқолмади. У кечадан бери ўз онасини тасаввур қилишга уринарди. Сурати бормикан...

— Жуда куяверманг. Сизникига кирмаса, бизникида юрар, — деб юпатган бўлди Содикнинг дадаси.

— Нега сизникида юради? Ўз уйи, онаси, укалари туриб-а!

— Бошқа жойларда юргандан кўра, бизникида юргани яхшироқмасми? Чикмай қаёққа боради, чиқади-да, бир кун, — деб бидирлади Лутфихон.

— Хеч қаерда юрмайди. Уйга киради. Ўқишдан қолмаслиги керак. Укалари ҳам кечаси билан менга қўшилишиб ухлашмади. Раъно сира овқат емаяпти.

Низомнинг яна чиққиси келди. Лекин яна жилолмади.

— Мен ўзим айтар эдим. Вақти билан айтар эдим. Хали у гўдак. Нимани билади. Ҳозир шу гўдакнинг кўнглини синдириш кимга керак бўлиб қолибди. Кеча ишга ҳам боролмадим. Уни топмагунимча бормаيمان ҳам. Содикжон, ўргилай сендан, бор, топиб кел. Бўлмаса милицияга хабар бераман. Юрагим ёниб кетяпти. Ўзим зўрға юрган эдим. Мен ҳам ётиб қолсам, бу гўдакларга ким қарайди?

Низом яна бир талпинди. Лекин яна тўхтаб қолди.

— Онасининг суратини аяб-асраб беркитиб қўйибман. Уй кўрганда айтарман, дердим. Ёнига бир суйанчик, овунчоқни тайёрлаб қўйиб айтарман дердим. Мана буни уйингга каттайтириб осиб қўй, туғиб бўйингни, бахтингни кўрмаган бу бечора ҳеч бўлмаса суратидан қараб турсин, дейман деб ўйлардим...

Низом отилиб ҳовлига чиқиб қолганини ўзи билмай қолди. У хансирар, йиғларди. Баҳри хола уни бағрига босди.

— Болам, болагинам, болажоним, — Баҳри холанинг бутун вужуди титрарди. Иссиқ кўз ёш томчилари Низомнинг юзига тушди. Низом бу гал индамади. Секин-секин юриб, онасининг пинжида уйига чиқиб кетди.

Ўшанда Раънонинг севинганлари. Низомнинг ёнидан сира кетмас, энди ҳеч қаёққа бормаисизми, биз ухламадик, аям кўп йиғлади, деб бижирларди. Лекин Низомнинг хаёли бошқа нарсада эди. У онасининг суратини кўрмоқчи. Уни дунёга келтирган, уни тукқан онаси қанақа эди? Кечадан бери ўз ташвиши билан бўлиб қозон осмаган Баҳри хола овқатга уннаб юборди. У дам-бадам Низомга меҳрибонлик билан жилмайиб қараб қўярди. Низомнинг томоғидан овқат ҳам ўтмади.

— М-менга, — деди у дудукланиб, — суратни кўрсатинг. Сурати бор экан-ку, ойимнинг!



— Хўп, ўргилай. Олдин овқатни егин. Мен сен учун асраб қўйганман. Ол, жоним, овқатни е.

Бирдан Низомнинг хўрлиги келди. Йиғлаб туриб қайсарлик билан чинқирди:

— Нега шу вақтгача айтмадингиз? Нега мени алдадингиз?

Баҳри хола яна уни бағрига босиб шивирлади:

— Болагинам, ҳали сен нимани биласан?! Мен сенга яхшилик қиламан, дедим, ўғлим. Сенга осон бўлсин, дедим.

Шундан кейин у ичкари уйга кириб кетиб сарғайиб кетган қорозга ўровлиқ иккита сурат кўтариб чиқди. Битасида ёшгина қиз илжайиб турарди. Иккинчисида фарқини ёндан очган, ироқи дўппи кийиб, бир ўрим сочини олдига ташлаган ёшгина жувон Низомга жуда-жуда таниш кўзлари билан маъюс термиларди. Низом узоқ тикилиб қолди. Лекин йиғламади. Баҳри хола секингина уф тортди. Низомнинг қўлидаги суратларни астагина олди-да, эҳтиётлик билан қорозга ўраб уйга олиб кириб кетди.

Низомнинг хаёлида бу воқеалар худди кечагина ўтгандай жонланиб, ҳаммаси бир-бир эсига келаверди. Энди у Баҳри холанинг сабри-тоқатиға, меҳриға тан берар, ўша пайтда уни қийнаганларини эслаб, ўзи азоб чекарди. Озмунча таъналар қилдими? Кетидан озмунча югуртирдими? Нима, Баҳри хола болага зор хотинлардан эмасди-ку! Олдида ўзи тукқан болалари бор эди. Уларни катта қилгунча сочининг қораси қолмади. Хотинларға ўхшаб иккита аёл билан бир зумгина гаплашиб ўтиролмасди. Ишға борар, уйда ҳам тинмай иш тикарди. Болаларни ўкситгиси келмасди. Низом институтта кираётган кунлари-чи! Имтиҳонни Низом эмас, онаси бераётгандай эди. Доим ташвишда, илинжда, қўрқувда ўтказди ўша кунларни. Низом ишлайман, деса унамади, ўкийсан деб туриб олди. Мана энди бўлса уйлантиришнинг ташвишида. Баъзан ўғлининг қўнглиға секингина қўл солиб ҳам кўради... Низомнинг кўзига яна хунук илжайиб турган Лутфи холанинг оғзидаги иккита тиш кўриниб кетди. Нега уни ҳайдаб чиқармади? Онаси қандай қилиб унинг башарасига қараб ўтирибди экан. Тоқатини қаранг-а! Низом ўша пайтда онасининг тортган азоблари учун ҳам бу аёлни ҳайдаб чиқармаганиға афсусланарди. У отадан айрилган бир пайтда уни онасидан ҳам айирган эди бу аёл. Кичкинагина юрагиға қанча

ўкинч, қанча армон тўлдирган эди. Унда ёш гўдак эди. Ҳақиқатни билмаслик унинг болалик бахти эди. Ана шу бахтдан маҳрум қилган эди уни бу хотин. Агар ҳозир билганда, албатта, қанча азоб чекмасин, Баҳри холани ўшанчалик қийнамасди. Баҳри холанинг безовта бўлганчилиги бор экан. Мана, Содиқ хали ҳам ўша-ўша. Таян бир жойда ишламай, олди-сотди қилиб юргани-юрган.

— Низомжон, нима қилиб ўтирибсиз бу ерда?

Низом сесканиб кетди. Олдида мункайган бир кампирни қўлтиклаб сумка кўтариб олган кўшчилари Нурхон турарди.

— Ойингиз қидириб юрибди. Раънони бир ёққа, уқангизни бир ёққа жўнатиб, ўзи кўчада ўтирибди.

Низом сакраб ўрнидан турди-ю, унга ҳеч нарса демасдан жадал юриб кетди. Яна қийнадими онасини? Бу мунис, меҳрибон аёлнинг меҳнати, муҳаббатига шуми жавоби? Йўқ, мана ҳозир етиб боради. Ҳозир!

Низомнинг қалбида фарзандлик туйғулари жўш уриб кетганди. Унинг лаблари беихтиёр шивирларди.

— Ойижон, ойижон. Мени кечиринг. Сизни ташвишга қўйган бўлсам, кечиринг. Қўрқманг, ташвишланманг. Энди бағрингиздан ҳеч қаёққа кетмайман, ҳеч қаёққа...

1970

## ШУ УЙНИНГ БЕКАСИ

Баҳор бошланяпти. Оппоқ увада булутларни шамол хайдайди. Осмоннинг кўнгилларга ёруғлик тўлдирадиган шаффоф ранги кўринади. Қуёшнинг иссиғи нам тупроқдан, ивиган бўғотлардан ҳовур кўтаради. Дарахтларнинг баданига ҳам яшиллик югуриб қолган. Қишдан зериккан одамлар ҳовли тозалашга шошиладилар. Бу фасл ёшларнинг кўнглига муҳаббат олиб келса, кексаларнинг дилидаги хотираларни тирилтиради, ғайратларини кўзгаб, руҳларини енгиллатгандай бўлади. Умринисо буви деразаларни ланг очиб юборди. Доим берк тураверганидан зах, нам ҳиди тўлган уйига офтоб нури аралаш илик ҳаво кирди. Электр плита устига сув тўлдирилган чойнакни қўйиб, ҳовлига чиқди. Бултур икки-уч жўяк помидор билан райхон, жамбил экилган ерда қолган унча-мунча поллар устига шама тўкилибди. Дорда эркакларнинг кўйлаги билан ёнма-ён, сочик осиглиқ. Кир тоғораси ҳам ҳовлининг ўртасида мағзаваси билан қолаверибди. Умринисо буви уни кир ўрага тўкиб, тоғора орқаларини яхшилаб ювди-да, бир четга деворга суяб тўнкариб қўйди. Нима қилса ҳам ўғил болалар-да. Яна ҳам бечора болалар овқат пиширишади, идиш-товок, кир ювишади. Дазмол босганлари-чи! Умринисо буви квартирант студент йигитлар ҳақида шундай ўйларди. Гоҳ жаҳли чиқиб, гоҳ меҳри товлаб юриб ҳар келганда ҳовлидаги ивирсиқларни йиғиштириб, йигитларга ўз қўли билан ош дамлаб едириб кетарди. Ҳозир ҳам ҳовлининг селгиган жойларини, эшик олдиларини супурди. Чой шамаларини ҳам тозалаб, ернинг бир четини ўйиб кўмиб қўйди. Арқондаги қирларни қоқиб, силкиб бошқатдан ёйди. Ўчоқ-бошларини тозалади. Печка трубаси чиқиб турган деразадан йигитларнинг уйига қаради. Стол устида китоблар қалашиб ётибди. Нон, чойнак, пиёла ҳам шу ерда. Каравот четига шим, кўйлақлар осиглиқ. Чойнак қопқоғи шиқирлади. Умринисо буви қўлини ювиб уйига кирди. Чойнак жўмрагидан повиллаб оппоқ ҳовур кўтариларди. Эскиган буфетнинг тепадаги ойнали кўзидан кичкина чойнак олди. Унинг

копқоғини очиб, негадир ёруққа тутиб қаради-да, қайноқ сув билан чайиб ташлади. Чой дамлади, иккита патирдан биттасининг ярмини ушатиб, оқ қанд билан пиёлани танча устидаги мис барқашга қўйди-да, аста ўтирди. Пиёлага чой қуяётганида ташқаридан:

— Ўртоқ, дарвозангиз очилиб қопти, келганга ўхшайсиз, — деган овозни эшитиб, ўрнидан турди. Жигар ранг жемпер кийиб, кичкина қора шерсть рўмолини даҳанидан боғлаб олган новча, қотма бир аёл кира солиб, у билан қучоқлашиб кўришди.

Умринисо буви кулиб, тахмондан янги кўрпача олиб ёзди:

— Қани, ўтиринг. Эсон-омон юрибсизларми? Қизлар, келинлар тинчми?

— Раҳмат. Ўзингиздан сўрасак?

— Шукур.

Умринисо буви шиша банкадан идишга мураббо қўйиб, меҳмон олдига қўйди. Кейин чой узатди. Ноннинг қолган ярим бўлагини ҳам ушатиб қўйди.

— Ушатманг, бўлади.

— Нега энди. Қани, Ойшабуви, олинг.

— Ҳафтада бир кўриниб юраверасизми? Болаларингиз ҳам бераҳм дейман?

— Йўр-е.

— Қариганингизда тинч қўйишсин-да энди. Униси тортиб, буниси судраса, бу нима деган гап? Яна ҳаммаси ўқимишли, тушунган болалар-а!

— Онаизор шу экан-да. Ўзимнинг кўнглим тинчмайди. Олинг, қуруқ ичманг. Мураббодан олинг. Ўзим беҳидан пиширганман. Минг шукур, шулар борки, ташвишлари бор.

— Сал инсоф ҳам керак. Қайси куни Зухрангизга телефон қилсам, Шакархонниқида, деб айтди.

— Ҳа, Шакархоннинг сал тоби йўқ, — Умринисо буви аста хўрсиниб қўйди.

— Тирик жон шу-да. Гоҳ оғрийсан, гоҳ тузаласан. Пенсияга чиқибманки, юрагим қисилади. Зерикиб кетман. Бўлди энди, кетманг. Меҳмонга олиб бораман. Кечқурун гаплашиб, гурунглашиб ўтирамин.

Умринисо буви юмшоққина кулиб қўйди.

— Бола-чақа деймиз-ку, ўнта бола битта ота-онани боқолмайди. Шуларга сарф қилган умрингизнинг ярмини ҳукуматга ишлаб қўйганингизда, беминнатгина пенсияни олиб ётар эдингиз.

Умринисога бу гап ёқмади. Лабини ялаб, юзини сал четга ўтирдиди-да, бир нарса қидиргандай назар билан:

— Гап пулдами? Омон бўлишсин, — деди. Шундай деди-ю, лекин юрагининг бир чети гаш бўлиб қолди. Шунча қилган меҳнатлари наҳотки кўзга кўринмаса. Мана, болалари ишлаяпти. Улар ёмон одам бўлишмади. Уларнинг ҳаммасида меҳри-меҳнати, умри йўқолган хусни бор. Тўғри, ҳукумат ишини қилмаган. Лекин ҳукуматга яхши-яхши фарзандларни тарбиялаб берди. Бу ўринга ўтмасмикан-а? Етти болани тарбиялаш осон бўптими? Агар шуларнинг биронтаси ноқобил чиққанда, ҳукуматга, одамларга қанча ташвиш ортарди.

Умринисонинг ўйланиб қолганини кўрган Ойшабиби уни афсусланяпти, деган хаёлга бориб, овутган бўлди:

— Хай, нима бўлса, бўлиб ўтди. Энди омон бўлишсин. Бири раҳм қилмаса, бири қилар. Бугун кетмасиз?

— Бугунча шу ердаман.

— Кечқурун чиқинг бўлмаса. Келинимга чучвара буюрдим.

— Ўзингиз чиқинг, ош дамлайман.

— Бир ўзингиз учун уриниб нима қиласиз?

— Бола бечоралар ҳам толиқиб келишади.

Ойшабуви ўрнидан турар экан, бошини сарак-сарак қилиб кулди:

— Ғалатисиз-да, ўртоқ. Ўзингиз-чи! Ўзингиз чарчамасизми?! Майли, қаерда бўлсангиз ҳам омон бўлинг. Кечқурун кўришармиз.

Умринисо буви уни дарвозагача кузатиб қўйди. Қайтишда устига печканинг катта чўян қопқоғи ёпилган ўрани очиб савзи олди.

Тоғорачага солиб водопровод жўмраги тагида уларни обдон ювди. Уч томондан озроқ оқ соқол чиқара бошлаган савзиларнинг сап-сарик бадани хали анча тарап эди. Уйга кириб уларни арчди. Кейин кўкишроқ матодан икки қават қилиб тикилган тўрт бурчак кичкина дастурхончани ёзиб, устига тахта қўйиб тўғрай бошлади. Ойшабувининг бегараз гапирганини билса ҳам хаёли паришонроқ бўлиб қолган эди. У турмушидан, ўтган умридан рози эди. Лекин ана шу розилигини туншунтириб беролмас эди. Ҳар замонда пичоқ тахтага тақ-тақ тегиб овоз чиқарар, унинг хаёли гоҳ бўлиниб, гоҳ уланарди.

Уни ёшгина эрга беришди. Эндигина кимнингдир хаёли кўнглига илашганди-ю, лекин унинг ўзи қаердалиги-

ни билмасди. Ундан сўраб ҳам ўтиришмади. Эри Отажон оилада ўртанча ўғил бўлиб, раҳмдил, камгап, аммо меҳнаткаш йигит эди. Қайнотаси табибликка қизиқар, ҳар хил гиёҳларнинг хосиятларини яхши билар, ўз яқинларига бемалол дори-дармон берар ва буюраверарди. Бу хавас Отажонга ҳам юққан эди. Отажон ўн саккиз ёшида янги мактаб остонасига қадам қўйди. У жуда зехнли, тиришқоқ эди. Ўқишга шунчалик қаттиқ бел боғладики, икки йилдаёқ тўртинчи синфга ўтди. Қайнатаси рўзгор ташвишларини бошқа ўғилларига юклаб, Отажонга мумкин қадар имконият яратиб берар, лекин ундан умиди ҳам катта эди. Айниқса, Отажон техникумга ўтганида чол яйраб кетди. Ўғлининг мулла, ўқимишли одам бўлишини жуда ҳам орзу қилар эди. Хуллас, Отажон йигирма олти ёшида фельдшер бўлди. Ўша пайтларда Отажон доктор бўлиб келибди, Отажон фалон дори буюрибди, деган гапларни Умрихон ички бир ғурур билан тинглар эди. Фотима-Зухралар биринчи марта мактабга қадам қўйганларида Умрихон саводсизлар курсига ўқишга қатнай бошлади. Кечқурун бўлса оилада китобхонлик бошланарди. Кейин болалар кўпайиб кетди. Умрихон газета-журналларни яхши ўқийдиган бўлиб олди-ю, у ёғига давом эттиролмади. Болаларнинг кир-чири, овқатига қараш, эрининг парваришини бузмаслик учун Умрихон ўқиш ҳақида сўз очмай қўя қолди. Рўзгор юмуши билан кечгача на оёғи ва на қўли тинарди. Кечаси билан яна кўш бешик тебратиб чиқар, баъзан жуда ҳолдан тойган кезларида Отажонни уйғотмоқчи бўлса ҳам яна аяр, уйғотишга кўнгли бўлмасди. Шу ахволда тонг оттирар, кундузи ҳам бир пиёла чойни хотиржам ичолмас, тўйиб ухлашга зор-зор бўлиб кетарди баъзида. Лекин болаларининг битта кулгиси, битта ширин қилиғи унинг баданидаги чарчокни қувиб, яна куч киритиб юборарди.

Умринисо буви хаёл билан бўлиб, студент йигитларнинг кириб келганини ҳам билмади. Кампирнинг ҳар келиши уларни беҳад қувонтирар, унинг меҳрига, илик сўзларига ўрганиб қолишган эди. Улар бир-бирига гал бермай сўраша кетишди.

— Яхши юрибсизми, холажон?

— Энди бир-икки кун турасизми ёки яна кетиб қоласизми?

Умринисо буви ҳам уларга ўрганиб қолган, кўнгли очик, содда бу қишлоқ йигитлари унинг келинлик даврини, Отажоннинг ёшлигини эслатарди.

— Қалай, ота-онанглар соғ-саломатми? Хат-хабар келиб турибдими?

— Ҳа, сизга ҳам салом айтишади доим.

— Хавотир олдирмай, ўзларинг ҳам тез-тез ёзиб туринглар, болаларим.

У ҳар келганида буни уқтиришни унутмасди. Йигитлар саранжом бўлиб, очилиб қолган ҳовлига қараб, бир-бирларини туртишиб, лабларини тишлашиб қўйишди. Улар ҳар доим шунақа. Кўзларига ҳамма нарса ўрин-ўрнида кўринар, қачон кампир келиб йиғиштиргандагина, нима килиш кераклигини тушуниб қолишарди.

— Ҳозир печка ёқамиз. Сандалингизга ўт бўлади, хола. Бўлмаса, кечқурун совуқ еб қоласиз.

Умринисо буви ўтган пайшанбадан қолган гўштни яхшилаб тузлаб кетган эди. Ҳаво совуқ бўлгани учун майиздай турибди. Кампир уни ивитиб қўйиб, ўзи ўчоққа олов ёқишга тутинди.

Йигитлардан бири гўшт-ёғ олиб чиқди.

— Холажон, ола қолинг энди.

— Ахир уйда ҳамма нарса бор, болам. Кейин ўзинглар ишлатарсизлар.

Умринисо буви қайси боласиникида бўлса ҳам пайшанба куни албатта уйига келади. Сабзи-пиёзни қовуриб, чироқ ёқиб қўяди. Шу билан қўнглига ёруғлик тўлиб, енгил тортгандай бўлади. Шу туфайли йигитларнинг нарсасини ҳеч қачон олмасди. Улар ҳам буни билишар, лекин ҳар гал хижолат бўлишганиданми, албатта айтиб кўришарди.

Умринисо буви бу гал ҳам шундай қилди. Нималарнидир шивирлаб, юзига фотиҳа тортди-ю, хаёл сурганича, ўлтириб қолди. Қайнанаси қиз туғмаганди. Ҳамма келинларига ҳам меҳрибон эди, лекин Умрихонни яна ҳам яқинроқ кўрарди ўзига. Чоли вафот қилгандан кейин кўпроқ шулар билан бўлиб қолганди. Бир куни кечқурун нимагадир узоқ вақт хаёл суриб қолди. Умринисо кундузи ювган кирларининг йиртигини ямаб ўтирарди. Қайнанасига дам-бадам қараб, тоби қочдими, деб кўрқиб кетди.

— Бирон ерингиз оғримааяптими?

— Қариганингдан кейин оғримаган кунинг ҳам бўлмай қолар экан. — У шундай деб бир хўрсиниб қўйди. Кейин яна аста гап бошлади:

— Бундан кейинги умрга ишонч йўқ, болам.

— Ундай деманг.

— Қизим ўрнига қизимсиз. Бир нарсани сўрасам майлими?

— Майли, нима эди у?

— Қуръон ўқишни биласизми?

Умринисо қизариб жавоб берди:

— Ҳа, унча-мунча биламан.

— Мен бор эканман, отангизни йўқлаб юраман. Мендан кейин унутиб юборманлар, болам.

Ўшанда Умринисонинг юраги фалати бўлиб кетган, кўзига ёш келиб, қайнарасининг кўнглини кўтаришга гап тополмай жавдираб қолган эди.

Йигитлардан бири олов куракда ўт олиб келди. Умринисо буви раҳмат айтиб, уни танчага солди-да ўчоқ бошига кетди. Ош дамлаб турганида битта косада чучвара кўтариб Ойшабуви чиқди. Умринисо буви меҳмонни танчага ўтқазиб, олдига дастурхон ёзди. Битта кичик, битта каттароқ лаган кўтариб ўчоқ бошига кетди. Каттасига йигитларга, кичигига ўзларига ош сузиб қайтиб келди. Меҳмоннинг қўлига сув қуйиб, сочиқ тутди. Кейин устида чойнак турган электр плитани тоққа қўйиб, келиб ўтирди:

— Қани, олинг, ўртоқ, совимасин.

Кун ботиб, ҳаво салқин бўлиб қолса ҳам баданга қаттиқ тегмас, хуш ёқадиган совуқ эди. Шунинг учун дераза ҳам, эшик ҳам очик эди. Улар гурунглашиб ўтиришиб, озрокдан ош еган бўлишди.

— Танча одамни жуда дангаса қилади-да, ўртоқ. Мана, тургим келмай, ўтирдим қолдим.

— Ўрин солиб берай, шу ерда ётиб қола қолинг.

— Шамоллаб қоламан, қўйинг. Ўзингиз бизникига чиқиб ётинг.

— Йўр-е, уйимни соғиниб келдим.

— Чолимни эслаб келдим дея қолинг.

— Ҳа, ишқилиб энди, — деди Умринисо буви кулиб.

Йигитлардан бири қоғоз пакетда озроқ майиз билан туршак олиб келиб ўртага қўйди.

— Чой билан ичинглар, хола. Уйдан посилка келган эди.

— Раҳмат, ўғлим. Қани, ўтиринг биз билан.

— Дарс қилаётган эдик.

Ойша буви ўтирган ерида бирдан бўй чўзиб, девор томонга қаради. Деворнинг орқаси уларнинг ҳовлиси эди. Деворга айвондаги чироқнинг хира ёруғи тушиб турар, аллакимнинг боши кўриниб уни имлагандай бўлган эди.



— Буви!

Ойша буви дераза олдига борди.

— Ҳа, нима дейсан?

— Дадам келди!

Бола шундай деди-ю, тап этиб ўзини ерга ташлади.

— Эси пасти қаранг. Икки қадам йўлга эриниб, узумнинг сўрисига чиққан бу тентак. Ўрлим командировкада эди, келибди. Қани, юринг, битта ўзингиз нима қиласиз бу ерда?

Умринисо буви мулойимгина кулди.

— Майли, чиқа қолинг. Эрталаб кўришармиз.

— Эрталаб яна йўлга тушарсиз дейман?

Умринисо буви, шундоқ, дегандай жилмайиб турарди. Ойшабуви хайрлашиб чикиб кетди.

Умринисо буви ёлғиз эмасди. Анча-мунча кунларнинг гувоҳи бўлган бу уй унинг назарида тирикдек эди. Ҳа, тирикдек у билан сўзлашарди. Устунлари баъзида қисирлаб, эшитяпсанми, мен ҳам қарияпман, мен ҳам қолдан кетяпман. Менинг бағримга ҳам инсон нафаси, илиқлик керак, деяётгандай бўларди. Қандоқ қилсин? Эртага Шакархон касалхонадан келади. Бормасдан тура оладими? Қайси бармоғини тишласа ҳам жони оғрийди. Бошқа нима иложи бор.

Эрталаб унинг уйига яна кулф тушди.

1970

## ХОТИРАЛАР УЙФОНГАНДА

Сожидахон тандирдан нон узаётганда Ваҳобжон кириб келди.

— Келдингизми! Сахар хамир қориб кетган эдим. Ошиб кетибди, — у шундай деб тутаётган енгчасига косадаги сувдан сепиб ўчирди. Ўт тафтидан қизарган юзини рўмолининг учи билан артиб, саватни кўтарганича сўри томонга юрди. Сўри зинасида бир дўппи ўрик гулини тиззасига қўйиб олиб ишга чизиб ўтирган қизига деди:

— Тур ўрнингдан! Дадангга кўрпача ёз, чарчаб келдилар.

— Акамдан хат олдим, — деди Ваҳобжон бир оз ўйчанлик билан.

— А! Тинч эканларми?

— Тўйлари бўлиб қолибди.

— Шунақами? Қачонга?

— Кейинги якшанбага шекилли.

— Бир тушиб чиқсангиз бўлар экан. — Сожидахон шошмай ўчоқ ёнига борди. Чўнқайиб ўтириб, қозон тагидаги оловдан қумғон ёнига тортиди. Ваҳобжон жомакорини ечиб, сўри устундаги қозикқа илиб қўйди-да, арик лабига кетди. Тўлиб, кўпириб оқаётган малла ранг сувда тирсагигача ювинди. Қизи тутган сочикқа артинар экан, сўрига келиб ўтирди. Елкасига папкасини осганича ўғли мактабдан қайтди.

— Қорним очиб кетди!

— Берироқ келиб гапир! Дарвозанинг ёнига овқат элтиб бермас-ку, онанг.

— Ассалому алайкум, — у қозонга бўйлаб бир қараб қўйиб уйга кириб кетди.

Сожидахон овқат сузиб келди. Овқат устида суҳбат яна тўйга тақалди.

— Раисдан сўраб, шаҳарга бир тушиб чиқинг бўлма-са. Балки бирон камлари бордир, айтишар. Ҳар қалай тўйчилик. Эртадан кейин бозор. Таначами, қўйми олиб бориш керак.

Ваҳобжон жавоб бермади. У хомушроқ кўринарди.

Бу чарчаганиданми ёки бирон ўйи борлигиданми, Сожидахон билолмади. Лекин аёллик сезгирлиги билан эрининг юрагида қандайдир армонлар борлигини баъзан пайкаб қоларди.

Ваҳобжон ўрнидан турди.

— Мен идорага чиқиб келай-чи.

— Майли. Эрталикка сўранг, индинга бозор, — деб тайинлаб қолди Сожидахон.

Ваҳобжон эртаси куни биринчи автобус билан шаҳарга жўнаб кетди. Хотини ёпган нонидан, болаларга деб қурут, ёнғоқ, яна нималардир тутиб берди.

Осмон тиниқ. Офтоб чарақлаб турарди. Гуллаган боғлар орқада қолиб, шаҳар манзараси бошланди. Шанба бўлгани учунми, кўчаларда одам кўп, чойхоналар ҳам гавжум. Машиналар тинмай ўтиб турибди. Автобус тез-тез тўхтайди. Кимлардир тушади, кимлардир чиқади. Ваҳобжон автобус ойнасида ўйчан қараб борар, китоб қўлтиқлаган ёш йигит-қизларни кўрганда ўзининг шу кўчаларда ўтказган ўспиринлик йилларини эсларди. У пайтларда Ваҳобжоннинг орзуларига дунё торлик қиларди. Бу орзулари куртак ёзмасданоқ қуриди, уларни ўзининг энг яқин, энг қадрдон кишиси топтади, яксон қилди. Ваҳобжон аста хўрсинди. Эсламасликка уринса ҳам хотиралар, нимагадир, айниқса, кечадан бери унинг хаёлини тортқиларди. Табиат гулга бурканган бу баҳор кезидаги тўй тараддудими, тўйга чорлаган нафис қувончли хатми унинг юрагининг аллақасерига тегиб ўтгандир балки. Инсон ҳамма нарсага кўникади, лекин эсдан чиқармайди. Худди шу баҳор кунларига ўхшаб бу хотиралар юракда вақти-вақти билан бир ёниб ўчмай иложи йўқ.

Ваҳобжон жуда олов эди. Лекин яхши ўқирди. Шунинг учун бўлса керак, ўқитувчилари унинг кўп шўхликларини кечиришарди. Бир ўқиган, бир эшитган нарсаси ёд олгандек эсида қоларди. Айниқса физика, математика фанларига қизиқар, ўзича ҳар хил ихтиролар ўйлаб топишни хаёл қилар, унинг дастидан на онасининг машинаси, на радио ўрнида турарди. Лекин ҳаммадан кўпроқ самолётга қизиқар, учишни, олисда милтираган юлдузларга қўнишни хаёл қиларди. Самолёт ўтиб колгудек бўлса, фикри ҳам, гапирган гапи ҳам осмону учувчилар бўлиб қолар, тушларида бўлса ҳар куни учар, энг олисларда, энг юксакларда учарди. Унинг хаёлларини ўртоқлари ҳам билишарди. Хатто уни учувчи деб чақиришар, бу

Ваҳобжоннинг гашига тегмас, аксинча, ёқарди. Фақат битта Зулайҳогина тегажоглик қилибми ёки чинданми, унинг хаёлларини писанд қилмасди. Улар бир девор кўшни эдилар. Бунинг устига Зулайҳонинг дадаси физикадан дарс берарди. Уйларида Ваҳобжон нимани бузган бўлса, Зулайҳо ундан хабардор эди. Бир марта яшин қайтаргич ясаб томга ўрнатаман деганида ток уриб йиқилганидан ҳам унинг хабари бор, онаси бузуқ машинани кўтариб, Зулайҳоларникига чиққанини ҳам билади. Бошқалар учувчи дейишса, Зулайҳо, устабузармон, деб кун бермасди. Лекин Ваҳобжон Зулайҳого сира қаттиқ гапиролмасди. Нимагадир уни кўргиси келаверарди.

Таниш чойхона унинг хаёлини бўлди. Автобус тўхтаб турар, одамлар тушиб бўлишган эди. Сал бўлмаса ўтиб кетар экан. У шошиб автобусдан тушди. Магазин ойналарига осилган нарсаларни томоша қилганича аста юриб кетди. Катта иморатлар орқада қолиб, анхор ёқалаган торроқ йўлдан эски маҳалла бошланди. Бу анхор бир вақтлар Ваҳобжоннинг кўзига катта бир дарёдек кўринарди. Ёзнинг иссиқ кунларида неча марталаб чўмилар, кейинча ўспиринлик пайтларида кечкурунлари кирғоғида ўтириб хаёл суришни яхши кўрар, тол баргларининг шабадада шивирлаши ҳам аллақандай сеҳрли туюларди. Ўнг қўлдаги кичкина боши берк кўчага қайтарилганида кекса бир аёлга дуч келди.

— Ваҳобжонмисан?

— Ассалому алайкум.

— Эсон-омон юрибсанми, болам! Бола-чақаларинг тинчми!

— Шукур, ўзингиз яхши юрибсизми?

— Юрибман, болам. Эрталабдан бери овқат емайди, — деди кампир дарвоза ёнида толбаргак сидириб ўтирган қизчага ишора қилиб, — онангдан балога қолмай, кир уйга энди.

Ваҳобжон қизга ялт этиб қаради-ю, тикилиб колди.

— Танидингми? Зулайҳонинг қизи. Буни менга ташлаб саёхатга кетди эри билан. Ҳеч гапимга кулоқ солмайди. Ваҳобжон қиздан кўзларини узолмасди.

— Аканг ҳам қизини чиқармоқчи.

— Эшитдим.

— Онанг раҳматлик кўрмади.

Кўшни дарвозадан уч филдиракли велосипед сургаб, ўн ёшлардаги бола чиқди. У Ваҳобжонни кўриши билан велосипедини қўйиб, унга отилди.

— Амаки! Амаким келдилар!

Ваҳобжон унинг кўлидан ушлаб ховлига кирди. Айвонда кўрпа қавиб ўтирган икки аёл ўринларидан туришди. Уйдан келинойиси югуриб чиқди.

— Вой, келинг. Эсон-омонмисизлар! Сожидахон қани?

— Тўйда келар.

— Олиб келавермабсиз-да.

Ваҳобжон аёллар билан сўрашиб уйга кирди. Бир нафасдан кейин иш билан кўчага чиқиб кетган акаси ҳам келди. Ваҳобжонни кўриб суюниб кетди.

— Тўйлар муборак бўлсин!

— Куллуқ. Ҳа, келин қани?

— Бориб, бир хабар олиб келинг, деб жўнатди. Бормайсизлар ҳам!

— Хеч қўл тегмайди дегин. Бир ёкда бу тўй ҳаракати. Ҳали у кам, ҳали бу кам, деб хеч тинч қўймайди бу келинойинг.

— Бизга ҳам айтаверинглар камларингни.

— Ўзинглар келсанглар бўлди, — деди келинойиси уларнинг олдига овқат қўйиб.

— Нега сиполик қиласиз! Айтаверинг энди. Барибир қуруқ келмайди-ку! Пахтани кўп терган, пулни ҳам кўп олгандир, — деб ҳазиллашган бўлди акаси.

— Қайси юзим билан айтаман? Бир марта бориб овсинимдан хабар ололмасам!

Ваҳобжон акасининг оқариб кетган сочлари, ажин тилган пешанасига тикилди. У ўқишни битирганидан бери битта заводда инженер бўлиб ишлайди. Хотини бўлса, неча йилдан бери ҳамширалик қилади. Болалар қатта бўлган сайин ташвишлари ҳам кўпаяр экан. Ўзлари билан ўзлари овора. Жуда кам кўришишарди улар.

Ваҳобжон кечки пайт қайтиб кетди. Авжи экиш пайти, иш кўп, деб қолишга кўнмади. Кун ботай деб қолган, қишлоқ йўлига кирган автобус ойнасидан ҳайдалган, қорайиб кўпчиган ер уфққача чўзилиб ётар, тол барглари майин тебраниб баҳор нафасини уфураётгандай эди. Ваҳобжоннинг кўзига беихтиёр тол баргаги сидириб ўтирган ҳалиги қизча келди. Худди ўзи-я. Бу қизча унинг эсига яна ёшлик йилларини солиб қўйган эди.

Қизларнинг сочидан тортиб кун бермайдиган Ваҳобжон Зулайхонинг олдида мулойим бўлиб қоларди. Зулайхонинг сочлари узун, учлари кўнгироқ эди. У доим

Ўсма қўйиб юрарди. Ваҳобжон бир ўртоғиникига борганида отқулоқдек бўлиб ётган ўсмага кўзи тушганди.

— Ўсмангдан озроқ узиб бер! — деганди ўшанда.

— Опамдан сўра. Нима қиласан ўсмани?

— Синглимга. Яхши кўради.

— Синглинг йўқ-ку!

— Холамнинг қизи, жияним. Яхши кўради.

— Ҳа, майли, озроқ ола қол.

Ваҳобжон ўсмани ҳўл латтага ўраб, эрталабгача сақлади. Зулайҳонинг мактабга кетишини пойлаб туриб, у билан изма-из йўлга тушди.

— Зулайҳо!

Қиз тўхтаб, орқасига қаради.

— Сенга, — Ваҳобжон унга ўсмани узатди.

— Ховлимизда кўп-ку, нима қиламан буни? Вой, қаерда ўсибди бу? Қаердан олдинг? — деди кейин ўсманнинг тўқ кўк йирик баргларига тикилиб.

— Ишинг бўлмасин.

— Раҳмат.

Эртаси куни Ваҳобжон Зулайҳонинг қошларига секин қараб қўйди. Қиз буни сезиб, кулди:

— Ўсманг қорақуядек қолса бўладими! Ўшандоқ келишга уялдим. Ювиб ташладим. Уруғидан оладиган экан.

Ваҳобжон унинг учун ховлисига ҳам ўсма экишга тайёр эди. Лекин опаси ҳам, синглиси ҳам йўқ, биттагина акаси бор эди. Онасининг бўлса пардоз-андоз билан иши йўқ, кўпинча нимадандир диққат бўлиб юрар, тез-тез кўрпа-ёстик қилиб ётиб оларди.

Худди шунақа баҳор кунлари эди. Зулайҳонинг опасини тўй-томоша билан узатишди. Унга бунга қарашиб юрган Ваҳобжоннинг кўзи бўлса Зулайҳода. Худди уларнинг тўйи бўлаётгандек ҳаяжонланар, нимадандир хурсанд эди. На бахтсизликни, на юзага чиқмай қолган орзуларни биларди у. Келинни олиб кетгани келишганда Ваҳобжоннинг жуда ҳаваси келиб кетдими, шундоқ ёнида турган Зулайҳога, бир куни мен ҳам сени шундай олиб чиқиб кетаман, деб юборди. Ўйин томоша қилиб турган Зулайҳо аввалига индамади, кейин сергакланиб унга қаради. Нимадир демоқчи бўлиб туриб кулиб юборди.

— Сени қара-ю, — деди кейин кулганича, — яна қанақа орзуларинг бор?!

Ваҳобжоннинг жаҳли чиқиб кетди. Уни ёш бола деб ўйлайдими бу қиз? Қанча ширин хаёллар суриб, тунни

тонгга улайди. Зулайхо бўлса унинг ўйларини писанд қилмайди. Ваҳобжоннинг қайсарлиги тутди:

— Тўғриси айтяпман. Кўрасан, йўқ десанг, олиб кочиб кетаман.

— Бир девормиз. Қайтиб чиқиб олавераман.

— Мен самолётда олиб кетаман. Келолмайсан.

— Ха, айтмоқчи, учувчи бўлмоқчисан-ку! Майли, учувчи бўлсангу самолётни ўзинг учириб олиб кетсанг индамайман. Лекин битта шартим бор: отангга ўхшаб бе-вафо бўлмасанг, — деди.

Тўйнинг ўйин-кулгиси ичида, хаяжон устида айтилган бу гаплардан кейин иккаласи ҳам анча вақтгача бир-бирларига гапиролмай юришди. Зулайхо энди аввалгидек тегажовлик қилмасди, унга зимдан қараб-қараб кўярди. Ваҳобжон бўлса, дадаси ҳақида эшитган гапини ўйлаб ҳайрон бўлар, лекин сўраёлмасди.

Ўрта мактабни тугатиш олдида эдилар. Ким ишга бормоқчи, ким ўқишга. Хулласи мактаб ҳовлиси орзухона эди ўша кезлари. Ваҳобжоннинг бўлса қарори қатъий эди. Яхши баҳодан кўра аълоси кўп бўлган аттестатни кўтариб, қувончи ичига сифмай уйига келса, онаси йиғлаб ўтирибди. Дадаси қамалган эмиш.

— Нимага? Нима учун? — деди у бақириб.

— Билмайман. Секинроқ гапир.

Дадаси шофёр эди. Қандайдир бир базанинг юк машинасини ҳайдарди.

— Ким айтди сизга?

— Хабар келди.

— Одам босибдими?

Онаси хўрсиниб, йўқ, деган маънода секин бошини кимирлатиб қўйди. Не умид-орзулар билан олиб келинган аттестат бир чеккада қолди. Уни қўлига олиб кўриб, қувонгучи, унинг орзуларига қанот бергучи одам бўлмади. Акаси ўша пайтда политехника институтида ўқир, имтихонлари билан жуда банд эди.

Улар отасининг судини кутишди. Бир куни онаси билан унга передача олиб боришди. Бола етаклаган ёшроқ бир жувон ҳам унинг дадасига нарса олиб келибди. Ваҳобжон ҳайронлик билан нотаниш аёлга қаради. Аёл чимирилди-ю, индамади. Ваҳобжон савол назари билан кейин онасига қаради. Онасининг юзидаги маъюсликни, дилидаги хасталикни ҳам шундагина тушунди. У жаҳл билан олиб борган нарсаларини онасининг оёғи остига қўйди-ю, чиқиб кетди. Мана, дадаси ким экан. У уйлари-

га кўп вақт келмасди. Онаси иш билан бир жойга кетди, деб жавоб қиларди кўпинча. Унинг хаёллари остин-устун бўлиб кетди. Ҳаётнинг биринчи зарбаси унга ана шундай қаттиқ тушган эди.

Ваҳобжон хаёлпаршонлик билан кетаётса, кимдир чақиргандек бўлди. Музқаймоқ будкасининг ёнида Зулайҳо билан яна бир синфдоши турарди.

— Мунча қорайиб кетибсан? Қаердан келяпсан? — деди Зулайҳо. Кейин унга музқаймоқ узатди.

— Емайман.

— Ол, муздеккина.

Ваҳобжон ночор уни олди.

— Мен ҳужжатларимни мединститутга топширдим. Бу чет тилларига берибди, — деди ёнидаги йигитга ишора қилиб, — сен нима қилдинг?

Ваҳобжон кўзларини пирпиратиб қўйди-ю, жавоб бермади. У онасини шу аҳволда ташлаб чиқиб кетганидан азобланар, орқасига қайтишни ўйлаб турарди.

— Ҳеч қаерга топширмадингми ҳали? — такрор сўради Зулайҳо.

— Бечора учувчи, — деди синфдоши унинг елкасига уриб ачинганнамо, — даданг ерда ҳам тўғри юролмабди. Сен бўлсанг, осмонда учаман, дейсан. Бошқа бирон ерга топширавер энди.

Ваҳобжоннинг бошига бир нарса урилгандек бўлди. Ўртоғига жаҳл билан бир тикилди-ю, лекин ҳеч нарса деёлмади. Шахт бурилиб юриб кетди. Кўлидаги музқаймоқни четга отди.

— Ваҳобжон! Қаёққа, — деди Зулайҳо. Лекин у қарамади. Онасининг олдига ҳам қайтиб бормади. У кейинги кунларда дадасининг ўғирлик мол билан қўлга тушганини одамларнинг шивир-шивирдан эшитиб юрарди. Нега ўғирлик қилади? Нима учун? Ким учун? Улар ҳеч қачон ошиб-тошиб яшаган эмас-ку! Акаси ҳам, Ваҳобжон ҳам ўз тенгларининг орасида бирон марта йилтираб кўчага чиқишган эмас. Отаси ўғирлик қилса, рўзгорларида сезилмасмиди. Балки миш-мишдир. Кейин аниқ бўлиб қолар, деб ўйлаб юрарди. Лекин бугун унга нарса олиб келган аёлни кўрганда ҳақиқатни тушунгандай бўлди. Қизик, нега онаси индамади? Нега болаларига бир оғиз шикоят қилмади, билинтирмади! Ўзи-чи, ўзи! Онасини ташлаб чиқиб кетиш ўрнига ўша хотиннинг қаншарига бошлаб битта туширса бўлмасмиди! Нега шундай қилмади-а?!



Шу ўй Ваҳобжонни ҳушига келтирди. Қараса, автобус дала йўлида кетяпти. Шофёрга айтиб машинани тўхтати-да, тушиб қолди. Қаёққа юришни билмасдан орқасига қайтди. Пахтазорни кесиб ўтган сўкмоқ йўл четида тўнкарилган мотоцикл ётар, ўн бир-ўн икки ёшлардаги бир бола тиззасини кучоқлаб йиғлаб ўтирарди.

— Ҳа, нима қилди?

— Йиқилиб тушдим.

— Ўзинг хайдадингми?

— Ҳим.

— Кимники бу мотоцикл?

— Акамники.

— Сўраганмидинг?

— Йўқ.

— Вой шоввоз-ей! Қани тур-чи!

Боланинг бир оёғидан қон оқарди.

— Уйларинг узоқми?

— Ҳў ёқда.

Ваҳобжон болани мингаштириб, у кўрсатган томонга ҳайдаб кетди. Кўча юзида олазарақ бўлиб турган бир йигит уларни кўриб, севиниб кетди. Кейин хайрон бўлиб Ваҳобжонга тикилди.

— Боришга борибди-ю, қайтолмай қопти, — деди бошини эгиб кўрқиб турган болага ишора қилиб.

Йигит укасига ўқрайиб бир қараб қўйди-да, Ваҳобжонга қўл узатди.

— Келинг, меҳмон. Яхши сиз учрабсиз. Бирон фалокат рўй берса, нима бўларди. Қир уйга, — деди кейин укасига қовоқ солиб, — оёғингни юв! Қани, меҳмон, бир пиёла чой ичмасдан кетмайсиз.

Ваҳобжонни кўярда-қўймай уйга судради. Бу содда, дилкаш йигит унга ёқиб қолди. У билан гўё туғилгандан бери бирга ўсгандек дил-дилидан бир яқинлик сезарди. Неча кундан бери биринчи марта кўнгли сал ёзилгандек, ўйларидаги дахшатли кўнгилсизликлар сал нари кетгандек бўлди. Ваҳобжоннинг сира уйга қайтгиси йўқ. У одамларга, ўртоқларига, Зулайҳога қайси юзи билан қарайди! Гўё ҳамма унга қўлини бигиз қилиб, отаси ўғирлик мол билан қўлга тушибди. Отаси шу бўлгандан кейин боласи нима бўларди, деяётгандек туюларди. Йигит Ваҳобжонни кузатиб катта кўчага чиқди. Ҳадеганда автобус келавермади. Қоронғи туша бошлади.

— Бугун қолаверинг энди! Ё уйдагилар хавотир олади дейсизми?

Ваҳобжоннинг юзидаги иккиланишни кўрган йигит уни яна қўймасдан уйига олиб келди. Йигитнинг онаси уларга баланд сўрига жой қилиб берди. Ваҳобжон юрагидаги дардни негадир шу йигитга айтишга эҳтиёж сезди. Айтди. Йигит унга тикилганича ўтириб қолди. Осмонда сариқ баркашдек ой ўрик шохлари орасидан мўралаб, улар ётган сўрининг панжарасидан сузиб кирган, Ваҳобжоннинг хаёлларига туташдек унинг нурлари ҳам ниҳоятда сокин, маънос эди.

— Қолинг шу ерда! — деди бирданига йигит, — бирга ишлаймиз. Ўқиш бўлса, уни ҳам бирга ўқиймиз. Қишлоғимиз жуда чиройли.

Ваҳобжоннинг онасидан кўнгли тинмасди. У эртасига уйига қайтди. Лекин уч-тўрт кун ўтгач, қайтиб келди. Колхозга ишга кирди. Кейинча шу жойда уйланиб, болачақали бўлди.

Машина силкиниб тўхтади. Ваҳобжоннинг хаёли бўлинди. Ойнадан қараса келиб қолибди. Тушди. Қишлоқ марказидаги сартарошхонада уч-тўрт киши ўтирар, магазинчи дўконини кулфларди. У саломлашиб ўтиб кетди.

Қуёш қип-қизариб борлиққа анор суви пуркаётгандек бўлиб ботарди. Муздек шабада Ваҳобжоннинг юзларига майин урилар, мўрилардан осмонга ўрмалаётган тутунлар янги кўтарилган ток поялари устида аста ёйилиб кетар, аллақадан янги ёпилган ноннинг ҳиди келарди.

Ваҳобжоннинг руҳи енгил тортиб кетди. Ҳа, ростдан ҳам қишлоғи чиройли, баҳаво. У учувчи бўлолмади. Лекин мана шу уфққача туташган далага унинг пешона тери кўп тўкилган. У машинада терган пахталарни бир жойга тўпласа, ҳў ўша чироғи йилтираб кетаётган самолётга бемалол етарди.

— Дада!

Қизи унга қараб югуриб келарди. Ваҳобжон жилмайиб чўнқайди-да, қучоғини очди. Қизининг қўлида бир дўшпи ялғиз бор эди...

1971

## ИККИ ЎТ ОРАСИДА

Тўй тараддуди бошлангандан бери Вазиранинг тинчи баттар йўқолди. Мижжа қоқмасдан тунни тонгга улайди. Хаёл олиб кетаверади, олиб кетаверади. Мана бугун ҳам шу аҳволда тонг отқизди. Ҳовлига чикди. Эрталабки салқин ҳаво баданини жунжуктирди. Куз бошланяпти. Дарахтларнинг барги хира тортиб қолган. Осмон бирам тиниқ, бағрига сингиб кетгинг келади. Вазира аста хўрсиниб кўлига супурги олди. Хазонлар туша бошлабди.

Уйда будильник жиринглади. Бир нафасдан кейин мактаб ҳаракатидаги укаларининг говур-гувури эшитилиб қолди. Уларга алланарсаларни уқтириб онаси уйдан чикди. Водопровод жўмраги олдида юз-кўлини юваётган қизига синчков назар билан қаради.

— Намунча эрта турмасанг?!

— Уйғониб кетдим.

Вазира, ухлаёлмадим, деёлмади. Ҳар қалай онаси-ку. Шундоғам тушуниб тургандир ҳаммасига. Такдирлари шунақа бўлгандан кейин нима қилсин? Ким билади, бу такдирга қайси бири айбдор. Уларнинг юракларида ҳам бир армон, бир афсус бормикин? Балки улар ҳам Вазира каби дардларини ичига ютиб ётишгандир. У йигирма ёшга кирди. Эсини танигандан бери юрагининг бир чети жизиллаб туради. У ёққа борса, бу ерда онаси маъюс термилиб қолади. Боради-ю, онасининг нигоҳи кўзидан нари кетмайди. Изига қайтади. Худди шундай маъюс нигоҳ билан унда дадаси термилиб қолади. Уйига қандай етиб келганини билмайди. Энди унинг бутун хаёли дадасида қолади. Лекин онасига нима десин, айтолмайди.

У доим мана шундай яшади. Икки ўт, икки оловнинг ўртасида яшади. Ўрталикда жой бормикин... Йўқ, ўртада жой йўқ. Улар қачон ажралишган, нега ажралишган, Вазира буни ҳам билмайди. Дадаси ҳам рўзгорлик бўлиб кетган, онаси ҳам. Аросатда Вазира қолган, холос. Нега уни ўйлашмаган? Тили забони йўқ учун одам санашмагандир.

Укалари тапир-тупур қилиб мактабга кетишди. Кўчада машина сигнал берди. Дадасини ишга олиб кетгани келди. Онасининг илтимосига кўра Вазира бу кишини ҳам дада, дейди. Лекин ҳар айтганда тили дилини куйдиради. Иложи борича камроқ мурожаат қилишга ҳаракат қилади. Қизик, ота-онани алмаштириб бўлармиди... Тагин ота-онанинг ўзлари шуни талаб қилиб туришса-я.

Вазира кийиниб, сочини тараб турмаклади. Кўйлагининг елка чоки пастга тушиб қолибди. Озибди. У аста иккинчи уйга чиқди. Тикка турганича, истамайгина пиёлага чой куйиб қуруқ хўплай бошлади.

— Бирон нарса емайсанми? — деди онаси ташвиш билан, — бу аҳволда қандай ўқийсан, болам?

— Егим келмаяпти.

Онаси унга тикилиб жим қолди.

— Чеварникига борасанми?

— Дадам, келгин, деган эди бугун.

Орага яна жимлик тушди.

— Ўша ёққа ўтасанми? — деди онаси ниҳоят.

— Айтган эди.

Онаси Вазиранинг кетидан кўчага чиқди. Вазира унинг юзига қарамаса ҳам ҳозирги аҳволини билиб турарди.

— Тезроқ қайтасанми? — деди онаси синик бир оҳангда.

— Кўраман.

Нега, кўраман, деди. Нега, хўп, деб кўя қолмади. У энди онасига ачина бошлади. Унинг синик овози кулоғига кириб олгандай эди. Бу овоз бутун дарс давомида ҳам кулоғидан кетмади. Коридорни тўлдириб юрган кизларнинг кулгилари, суҳбатларига лоқайд қарар, дугоналарининг ҳазилларига хаёл паришонлик билан жиммайиб кўярди. Мана, яқинда тўй бўлади. Дадаси, ўзининг дадаси бу тўйга келолмайди. Унга оқ йўл, бахт тилаб кузатиб қололмайди. Бу ёқда ўйин-кулги бўлади, у ёқда дадаси ҳеч нарса бўлмаётгандай жимгина ўтиради. Тўй бошида туриши керак бўлган одам ҳатто бегона қатори ҳам тўйга келолмайди. Вазира қачондан бери шуни ўйлайди. Бир марта онасига салгина ёрилиб ҳам кўрди. Онаси анча вақтгача бир нима деёлмади. Кейин оҳиста:

— Ўзинг ўйлаб кўр, қизим, — деди хўрсиниб. — Бир кунлик тўй ўтар-кетар. Лекин бу ёғи нима бўлади? Кичкиналигингдан шу дадангнинг кўлидасан. Юзига оёқ кўйиш яхши бўлмас.

- Ахир бир кунга, бир-икки соатга келса...
- Шу бир-икки соат менинг турмушимни бузса-чи?!  
Вазира индамай қолди.

— Рўзворлик бўлганигда тушунарсан ҳали, — деди онаси яна секингина.

Вазиранинг юраги сесканиб кетди. Ишқилиб, турмуши яхши бўлсин. Ҳеч кимнинг боласи тирик етим бўлма-син. Ўлса ўлди, дейдилар. Ёниб сўнган бир ўтнинг тафти, ҳарорати қалбингда, хотирангда туради. Лекин ҳадеб дуч келавермайсан.

Вазира кувёниқидан келган саруполарга ҳам, онасининг қилган сеп-сидирғаларига ҳам яйраб, қувониб қарамасди. Ҳамманинг ҳам кўзи ўтмайдиган, ҳар ким ҳам кўра олмайдиган, ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган бир бойлик, бир бахт бор. Бу маънавий бойлик, қалб бойлиги, бу бағри бутунлик. У ана шуни орзу қилади, узун кечаларда хаёл суриб ана шуни тилайди. Гарчи ўзи танлаган йигитга турмушга чиқаётган бўлса ҳам баъзан чўчийди.

Дарсдан чиқиб, дадасиникига кетди. Ҳовлида арқондан сакраб ўйнаётган қиз уни кўриши билан тўхтаб қолди. Кейин чопқиллаб тўрдаги уйларнинг бирига кириб кетди. Вазиранинг юраги дарвозага яқинлашгандаёқ ура бошлаган эди. Бу ерда ҳеч ким унга ёмон гапирмаса ҳам ўзини ноқулай сезар, қисилар, сизмаётганга ўхшаб турар, ковушолмасди. У ариқ лабига бориб тўхтаб қолди.

— Келинг, келаверинг, — ичкаридан ўрта бўй, орикрок бир аёл чиқиб келди. Унинг орқасида ҳалиги кизча ёввойи қараш қилиб турарди.

Аёл Вазира билан кўришди. Кейин кизига пўписа қилган бўлди.

— Опанг-ку, нега кўришмай, индамай турибсан? Қачон ақлинг киради, қизим?

— Кел, Мавжуда, — деди Вазира уни имлаб, кейин сумкасидан бир плитка шоколад чиқариб узатди. — Ма, ол.

Мавжуда ҳамон ўрнидан кимирламасди.

— Олсанг-чи! — деди онаси ҳам. Лекин у югурганича кўчага чиқиб кетди. Вазира шоколадни узатганича қолаверди. Аёл айвондаги стол устини артиб, уни ўтиришга ундади. Вазира, стулга омонатгина ўтирар экан, қўлидаги шоколадни столнинг бир четига оҳистагина қўйди. Аёл дастурхон ёзиш тараддудида эди.

— Овора бўлманг. Ҳеч нарсанинг кераги йўқ... Да-

дам хали қайтмадимиз? — Вазиранинг овози ичига тушиб кетгандай ғалати, паст эшитилди ўзига. Ўз отасини, негандир бу жойда, дада, деб аташга журъат этолмасди. Аёл индамайгина юриб стол устига уни-бунни қўйган бўлди. Узум чайгани кетаётганида Вазира ўрнидан турди.

— Мен қила қолай.

— Йўқ, йўқ, ўтиринг. Сиз меҳмонсиз.

Аёл бунни тўғри маънодами ёки кесатиб айтдимиз, Вазира билолмади. Тўй ҳаракатида бирон нарса ундиришга келгандир, деб ўйладимизкин? Дадаси шу кунни тайин қилгани учун келган эди. Нима гапи, нима иши бор. Вазира билмайди.

Дарвозадан дамбадам мўралаб турган қизлар тапир-тупур қилишиб югуриб кетишди. Эркак кишининг овози эшитилди. Мавжуда барваста, кўркам, чакка сочларига оқ оралаган кишининг қўлига осилиб, эркаланиб кириб келди. Вазира ўрнидан туриб, унинг истикболига юриди.

— Ассалому алайкум.

— Кел, қизим.

Вазира тўхтаб қолди. Кўришишга тортиниб бошини эгди. Дадаси унинг елкасига қоқиб қўйди.

— Қалайсан? Ўқишларнинг дурустми?

— Раҳмат. Ўзингиз яхши юрибсизми?

— Юрибман, қизим, юрибман. Қани, ўтир, — дадаси ечинишга бўлса керак, уйга кириб кетди.

Чой устида ҳам сира гап гапга қовушмади. Мавжуда бўлса дадасининг ёнидан бир қадам жилмас, гоҳ бўйнига осилар, гоҳ суркалар, Вазирадан ҳам нигоҳини узмасди.

— Овқатинглар бўлай дедими? — сўради дадаси.

— Бекорчимасман-ку! Ишдан яқинда келдим, энди уринаман.

Бу кўрс жавоб орага яна жимлик туширди. Вазира ўрнидан турди.

— Мен кетай бўлмасам.

Дадаси индаёлмади. Кўзларини пирпиратиб, ғалати бир маҳзун қараш билан унга тикилди. Вазира аёл билан хайрлашди.

— Ўтирмайсизми?

— Раҳмат, борай.

— Келиб туринг.

Бу яхши сўзлар ҳозир шу қадар совуқ, шу қадар қалбаки эдики, Вазиранинг баданларигача музлаб қолаётгандай туюлди. Дадаси уни қузатиш учун кўчага

чикди. Мавжуда ҳамон унинг бир қўлига осилиб олган, дадаси бўлса нимадир демоқчи, лекин айтолмасди.

— Бор, столда папиросим қолибди, олиб чик! — деди у. Мавжуда югургилаб ҳовлига кириб кетди. Шу пайт дадаси чўнтагидан қоғозга ўроқлик алланарсани олди-да, шошиб Вазирага узатди.

— Ола қол. Мендан иккалангларга эсдалик бўлсин.

Олмасликни иложи йўқ эди. Бунинг устига Мавжуда чикиб қолса дадасининг хижолат бўлишидан андиша қиларди.

— Бекор овора бўлибсиз.

— Нега энди? Ундай дема. Каминг бўлса айт.

— Ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

— Нега энди? Отангман ахир.

— Раҳмат, дада.

Вазира кўзига келган ёшни куч билан қайтариб турарди. Хансираганича Мавжуда етиб келди.

— Хайр, бўлмаса.

— Хайр, қизим. Бахтли бўлгин. Бахтли бўлинглар.

Ота ҳалигиндай маҳзун қараш билан уни кузатиб қолди. Энди Вазиранинг кўзида ана шу маҳзун нигоҳ туриб қолган эди. Бу нигоҳ унинг оромини бузар, юрак-бағрини эзар, дадасининг ёнига қайтгиси, бўйнидан қучоқлагиси, унга яхши-яхши гапларни айтгиси келарди. Лекин қайтолмасди. Дадасининг тинчлигини бузгиси келмасмиди ёки ҳадди сирмасмиди, буни ўз ҳам билмасди. Бирдан қўлидаги қоғозни эслади. Йўлидан тўхтамай уни очди. Иккита тилла никоҳ узуги ярақлаб кетди. Уларнинг бири каттароқ, иккинчиси кичикроқ эди. У тўхтаб узукларга яна тикилди. Кейин негадир орқасига ўгирилиб бир қаради-да, уларни қоғозга ўраб сумкасига солди.

Машина шалдиратиб алланарса тикаётган онаси унинг келганини билиб:

— Вазира, даданга чой дамлаб бергин, — деди ўрнидан қўзғалмай. Вазира жавоб бермади. Унинг иккита отаси бор. Лекин на унисини, на бунисини астойдил, бағри бағридан, дада, деб чакиролмайди. На унисига, на бунисига эркалик қилолмайди.

Кунлар шу хилда ўтиб, тўй куни ҳам етиб келди. Ҳовлида хотин-халаж кўп, қариндош-уруғлар ҳаммаси йиғилган, Вазира уларнинг гапларига лоқайдлик билан кулоқ солар, хаёл паришонлик билан гоҳ гапини, гоҳ қилаётган ишини эсидан чиқариб қўярди. Эрталабдан ёни-

га келган яқин дугоналари ҳам унинг чехрасини очишолмасди.

— Кечкурун ҳам шунақа тумшайиб ўтирасанми? — деди улардан бири. Вазира зўраки илжайиб қўйди. Унинг кўзидан отасининг ўша кунги қиёфаси сира нари кетмасди. Бугун тўйлигини билади. Ўйлаётгандир. Лекин келолмайди бечора дадаси. Ўша куни секингина, худди ўғринчадек оқ йўл тилади, фотиҳа берди. Тўйга келган аммаси ҳам ковушмай, чекка-чеккада юрибди.

Кечқурунга бориб қизлар Вазирани ясангиришди. Қоматига мос тикилган узун оқ қўйлак унга жуда ярашган эди.

— Чиройлилигингни биласанми ўзинг? — деди қизлардан бири ҳазиллашиб. Вазира яна кулиб қўйди.

Ўйин-кулги билан музыка садолари остида куёв келди. Ўртоқларининг орасида қизариб, ўнғайсизланиб турган куёвга Вазиранинг кўзи тушди. Яна дадасини эслади. Уларни ёнма-ён ўтқазишди. Қадаҳлар тўлдирилди, табриклар, тилаклар бошланди.

— Куёв-келиннинг бахти учун! — деб кичқирди кимдир. Қадаҳ жаранглади. Вазира энтиқди. Кўз ёшлари юзига тушди. У рўмолини тўғрилаган бўлиб юзини пана қилди. Унинг юраги унсиз хитоб қиларди:

— Бағри бутунлиги учун, денглар одамлар! Фарзандга ота-она бағридек кенг, тинч жой бўлмайди. Агар уни кемтик қилиб қўйсанглар, остонасини тилло қилиб берсанглар ҳам татимайди. Бу кемтикни тўлдиролмайсизлар. Болаларингизга бағри бутунликни тиланглар, одамлар!

Вазиранинг аҳволини сездими, куёв аста унга энгашди.

1972



## ЎКИНЧ

Дарвоза қия очик эди. Равондаги электр нури ховли сахнини ғира-шира ёритиб турар, уйлар қоп-қоронғи. Малик ичкарига киришга шошмади. Осмонда милтиллаган юлдузларга тикилганча оғзидаги папиросни чукур тортди. Атроф жимжит. Хазонларнинг шабададан шитирлашию чала беркитилган водопровод жўмрагидан оқаётган сувнинг жилдирашидан бошқа ҳеч нарса эшитилмасди. Ховли тўридаги кичкина уй деразасидан озгина жойга ёруғ тушиб турарди. Малик кўзларини пирпиратганча, дам-бадам ўша томонга қараб қўяр, қариганида ёлғиз қолган онасининг мунгли кўзларига қарашдак дили кийналар, унинг олдида қўпинча жим ўтиришдан бошқа чораси йўқ эди. Қўшни ховлида кимдир эшикни тарақлатиб ёпди. Тепасидаги олма шохида мусича бир патирлаб тинди. Малик барги сийраклашиб қолган шохда қорайиб турган инга қараб қўйиб, водопровод олдига борди. Жилдираб турган сувда қўлларини юиб, жўмракни маҳкамлаб қўйди. Сув овози тиниб, атрофга баттар жимлик чўкди. Малик иккита бармоғини чўнтагига суқиб, рўмолчасини олаётганида, боланинг кулганига ўхшаган овоз эшитилди. У сергакланиб онасининг уйи томон қаради. Кейин шошиб бориб деразадан мўралади. Полга кенг қилиб тўшалган ўринда саккиз ёшлар чамасидаги бола томоғигача кўрпага бурканиб ётар, баланд ёстикқа бир тирсаги билан суяниб ёнбошлаб ётган кампир алланарсаларни гапирар, бўш қўли билан боланинг қоп-қора сочларини дам-бадам силаб қўяр эди.

Малик эшикни очди. Бола қаради-ю, сакраб ўрнидан турди. Чопиб келиб Маликнинг бўйнига осилди.

— Дада!

Малик уни кучоқлаганча кўзларини юиб бир нафас туриб қолди. Кейин ўглининг яланғоч билакларини силаб, юзларидан ўпди.

— Шамоллайсан. Кўрпага кира қол.

Бола кўрпага ўралгач, дадасига илжайиб қараб қўйди. Уларни жимгина кузатиб турган онанинг дили шу

дамда тилка-пора бўлган, лекин у гапиролмас, гапирса, ўғлининг шундоқ ҳам ачишиб турган ярасига туз сепишни биларди.

— Мунча кеч қолдинг?

— Қўйишмади. Телефон қилган эдим.

Малик кечки пайт хотинига телефон қилиб, диссертация ёклаган бир ўртоғиникига боришини айтган эди. Хозир бўлса хотинини сўрамади. Чунки ўғли келган куни у албатта кетиб қоларди. Малик ўзига тикилиб ётган ўғлига қараб кулиб қўйди.

— Қачон келдинг?

— Ҳали. Аям бувингни кўриб кел, деб юборди.

Маликнинг юраги алланечук бўлиб кетди. Ҳа, бувиси учун юборган. Дадангни кўриб кел, демагандир. Малик деворга тираб қўйилган хонтахта ёнидаги кичкина паст стулчага ўтирди. Хонтахта устида новвот, майиз билан янги ёпилган ноннинг ширин ҳиди дастурхонга ўроғлик бўлса ҳам гурқираб турарди. Она буни дарров пайқади.

— Егин. Ёлган нонни яхши кўрардинг.

Малик секингина хўрсиниб қўйди. Қайси юзи билан у ёлган нонни ейди.

— Буви, ундан кейин нима бўлди?

— Бўлди энди, ухла.

— Жон буви, айтиб бера қолинг. Пошшонинг хотини кетиб қолдимиз-а?

— Ҳа, пошшонинг, менга тегмасанг бу давлатлар қаёқда эди сенга, деган гапи унга жуда оғир ботибди. Битта ойна билан тароғини чўнтагига солибдию уйдан индамай чиқиб кетибди. Йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир ўтинчи учрабди...

Маликнинг юраги қисилди. Ҳаво етишмаётгандек бўғилиб ҳовлига чиқди. У кичкиналигида онасидан бу эртакни эшитган, кўп марта эшитган эди. Лекин маъносига энди тушуняпти. У уйига ҳам киргиси келмас, шу аҳволда онасининг қаршисида ўтиришга ҳам бардош беролмас эди. Бу эртакнинг давомини эшитишга унда юрак йўқ. Қачонлардир, кимлардир тўқиган бу эртак Малик билан Муяссарнинг ҳаётларига жуда-жуда ўхшаб кетарди. Пошшонинг хотини унинг гапини кўтаролмай, ўтинчига тегади. Тежамлилиги, ақли, ҳалоллиги билан ўтинчини шунчалик бой қилиб юборадик, пошшонинг давлати ўтинчининг давлати олдида ҳеч гап бўлмай қолади.

Содда, ювош Муяссарнинг юрагида қанчалар куч борлигини Малик кейинроқ билди. Хотиралар чангали-

да Маликнинг юраги фарёд чекар, фақат унинг овози хеч кимга эшитилмас эди. У ҳовлида қанча юрганини билмади. Халигача очиқ турган дарвозани беркитиш учун кўча томон юрди. Дарвозани беркитди-ю, яна туриб қолди.

Муяссар ҳар куни шу кўчадан ўтарди. Малик унинг орқасида тўлқин урган сочларига, камзул сиқиб турган хипча белига қараб қоларди. Муяссар атрофга қарамас, қора сумкасини кўтарганича енгил ва шарпасиз қадамлар билан бир зумда ўтиб кетарди. Унинг бошида кўпинча шафтоли гули рангида рўмоли бўлар, рўмол унга жуда ярашар, йигитнинг суқ назарини сезганиданми, юзлари ҳам худди шу рангга ўхшаб кетарди. У вақтларда Малик студент эди. Ўқишга кетаётганда кўпинча қизга тўқнаш келар, кейинча унинг ўтадиган пайтини пойлаб турар, у билан изма-из йўлга тушарди. Секин-секин улар саломлашадиган бўлишди. Кейинча қизнинг тўқимачилик комбинатида тўқувчи эканлигини Малик билиб олди. Уни бир кўрмаса, ороми бузиладиган бўлиб қолди. Қиз ниҳоятда камгап, уятчан эди. Маликни кўрганда, қизариб ерга қарар, доим кўзини олиб қочарди. Ана шу аҳволда икки йил ўтди. Малик институтнинг охири курсига кўчди. Муяссар ўн тўққиз ёшдан йигирмага қадам қўйди. Маликнинг гапларига у уялибгина жавоб берар, нуқул аямлар биладилар деб, ўзи узил-кесил бир нима демасди.

У пайтларда Малик онаси билан ўша кичкина уйчада яшар, ҳозирги уйлари ўрнида омонатгина қурилиб, бир амаллаб қора сувоқдан чиқарилган иккита хона бўлиб, ҳали у одам яшайдиган даражада эмас эди. Унинг ришталарини Маликнинг ўзи қуйган, тоғаси анча-мунча қарашиб, шунчалик ҳолга келтиришганди. Опасидан хотиржам бўлиш учун тоға Маликни уйлантириб қўйиш ҳаракатига тушиб қолди. Онаси Муяссарларникига совчи бўлиб борди. Муяссарнинг дадаси ўқитувчи экан. Қиз уларнинг бош болалари бўлиб, ундан кейин икки укаси ва икки синглиси бор эди. Уларнинг бири студент, қолганлари мактабда ўқирдилар. Улар совчиларни жуда яхши кутиб олишди. Орадан уч-тўрт кун ўтгандан кейин Муяссарнинг дадаси ундан-бундан суриштирдими, розилик бериша қолди. Тоға зудлик билан уйларига эшик, ром ўрнаттириб оқлатди, электр ўтказтирди. Муяссарнинг ота-онаси куёв томонни ниҳоятда аяшар, мумкин қадар кам харж билан битказишга, уларни қийнамасликка ҳаракат қилишарди.

Икки томон топган-тутганини ўртага ташлаб, бир кунда тўйни ўтказишди.

Муяссар билан бирга бу жимжит ҳовлига файз киргандай, ҳамма ёқ ярақлаб, ёришиб кетгандай бўлди. Тоға ҳам, кампир ҳам хурсанд. Маликнинг эса бахти еру кўкка сизмагундай эди. Муяссар ҳам бахтиёр эди. У тиниб-тинчимас, ҳовлига гуллар экар, алланарсалар тикар, шу уй, шу ҳовлини кўркамрок, чиройлироқ қилиш учун овора эди. Ишдан қайтишда бозорга кириб, уни-бунни олиб келар, рўзгорини мумкин қадар бут тутишга уринарди.

Малик ўқишни тугатди. У яхши ўқирди. Муяссар уни аспирантурада қолишга кистади.

— Ишламасам, сизга жабр бўлиб кетади. Рўзгорлик одамга стипендия нима ҳам бўларди, — деди Малик.

— Бир амаллармиз. Кўп бўлмаса, озроқ ермиз. Кейин ишдан узилиб яна ўқишга киришингиз қийин бўлади, — деди. Кейин кулиб, қизариб қўшиб қўйди: — Ҳозир кам жон пайтимизда ўқиб қолсангиз-чи.

Малик аспирантурада қолди. Муяссар етишмовчиликдан, кийим-кечагидан ҳеч қачон нолимади. Моянаси дан жамғариб, эрининг диссертация ҳимоя қилишига ниёт қилиб, озроқ пул ҳам йиғиб қўйган экан. Зиёфатни ҳам чиройлиқкина қилиб ўтказишди. Малик хотинидан миннатдор, хурсанд эди. Ишга тушиши билан хотинига яхши совғалар олиб келишни хаёл қиларди. Лекин Муяссар бошқа бир ҳаракат бошлади:

— Уй олдига яна битта уй қўшсак, бу ёғига кичикроқ равон қилсак. Секин-секин, йиғиб-териб. Ҳозир кучимиз бор, ёшмиз. Рўзгорни биттамыз эпласак, биттамызнинг топганимиз билан аста-секин кўтариб оламиз.

Ана шундай қилиб иморатга иморат қўшилди. Дам олиш кунлари Муяссарнинг укалари ҳам хашарга келар, Муяссар тупроққа беланиб улар билан тенг ишлашарди. Уйлари битай деганда Максуд туғилди.

Малик ўзи ўқиган институтда дарс берарди. Сочини баланд қилиб турмаклаган, энг сўнгги модада кийинган қизлар ёнидан қарсиллаб ўтиб турар, унинг лекциялари-га маҳлиё бўлиб, термилиб ўтиришарди. У баъзан улар билан хотинини таққослайдиган, меҳмон-измонга уни олиб юришдан тортинадиган бўлиб қолди. Муяссар чиройлиқкина кийиниб юрса ҳам модаларга парво қилмас, тирноқ бўямас, умуман, сартарошхонага кирган эмасди.

Кўчадан гувиллаб машина ўтди. Кечанинг жимжит-

лигида унинг овози ҳамма ёқни ларзага солгандай туюлиб кетди. Малик совуқ еганини, ҳамма ёғи музлаб қолганини шундагина сезді. Зинадан аста равонга чиқиб уйга кирди. Электрни буради. Уй совуқ бир сукут билан унинг кўксидан итаргандай эди. Буфетни очиб, яримлаган коньякни пиёлага тўлдириб қўйди-да, тикка турганича шимирди. Хозиргина бағрига босган ўғлининг нафаси, бўйнидан қучоқлаган юмшоқ жажжи қўллари унинг бир вақтдаги тинч, осуда, бахтли дамларини эслатган эди.

Лекин Малик ўзининг бахтиёрлигини тезда унутди. У севгидан ажралиб, шунчаки ҳавас йўлига кираётганини пайкамай қолди. Уйга келса хотини унинг ҳеч қанақа гапларига тушунмайдигандек туюлар, гунг бўлиб олар, овқат устида ҳам, чой устида ҳам газета ўқиб индамай ўтирарди. Муяссар ҳам безиди. Кўпинча қайнасанининг ёнига бориб ўтирадиган бўлди. Малик буни сезар, баъзан унга раҳми ҳам келар, институтда бўлган бирон воқеани гапириб берай деб туриб, э, бу тушунармиди, деб тўхтаб қоларди. Бир куни у уйга қайфияти анча баланд келди. Ўғлига алланарса тикиб ўтирган Муяссарга қараб:

— Мени кафедрага мудир қилишди, — деди. Муяссар хурсанд бўлгандай жилмайди. Лекин шу захотиёк Малик:

— Ҳеч нарса тушунмадинг. Кафедрани билармидинг сен? — деди. Муяссарнинг юзи бир нафасда бошқа тусга кирди. Нина тутган қўллари бўшашиб титради. Лекин эрига жавоб қайтармади. Ўзини хотиржам тутишга уринди. Шундан кейин у гапирса ҳам, юмуш қилса ҳам, овқат олиб келса ҳам Маликнинг юзига қарамади.

Орадан уч-тўрт кун ўтди. Малик ишдан келса, стол устида хат ётибди. Ҳеч нарса ўйламай қўлига олди.

«Кўнгилга дарз тушса кийин бўлар экан. Ўзингизга муносиб одамни топарсиз». Хат Муяссарнинг қўли билан ёзилган, лекин кимга ва кимданлиги ҳам айтилмаган эди. Малик бирдан қизиқ аҳволга тушиб қолди. Ахир нима қилса ҳам ўн йил бирга яшади. Ўғли-чи? Ўғли нима бўлади?

— Ойи, — деб қичқирди у равондан туриб, — келингиз ҳеч нарса демадими?

Онаси бирон кўнгилсизликни фаҳмлагандай, ташвишли назар билан унинг ёнига келди.

— Нима қилди? Менга ҳеч нарса демади. Лекин нимагадир мени ўпиб қучоқлаб, кечиринг мени, деб чиқиб кетди. Хайрон бўлиб қолдим.

— Кетибди. Бутунлай.

— Нима?! — кампир шошиб уйга кирди. — Қанақасига кетади, ҳамма нарсаси турибди-ку!

Ҳақиқатдан уй боягидек саранжом-саришта, ҳамма нарса ўрни-ўрнида, ҳатто тувакдаги гулларга сув ҳам куйилганди. Малик шифонерни очди.

— Кийимлари йўқ. Максудники ҳам.

— Ўзи бошқача бўлиб қолувди. Сен нодон хафа қилдинг шекилли. Мен сезардим. Гап айлантирсам, индамасди. Олим бўлдим, деб ҳаволаниб кетдинг, болам. У жуда меҳнаткаш жувон. Бунақа одам ўзини бировга хор қилдириб қўймайди. Олим бўлсанг ҳам шуни тушунмадинг. Мени ҳам гафлат босибди. Ўзлари тил топиб қолишар, деб ўйлабман. Бор, ўрнини совутмай, дарров қайтариб кел.

Лекин Малик бормади. Энди қизлар ичида бўйдоқ ва озод юриш унга қанот бағишлагандай, руҳини кўтариб юборгандай эди. Ўзи лекция ўқиркан, кўзи қизларни бир-бир кузатиб чиқар, ўзининг улардан ёши анча катталигини ўйлаб, дилида афсус чекарди. Орадан бир йилча вақт ўтди. Она бечора гапириб чарчади. Ўғли индамай туриб олгани учун ўзича бир иш қилолмади ҳам. Бу гаплардан хабар тошган тоғаси ҳам жаҳл қилиб уларникига келмай қўйди. Муяссардан эса дарак бўлмади. Бир куни Малик уни учратиб қолди. Қиш, яхшигина қор ёққан эди. Трамвай бекатида Муяссар бўйи баланд, оддийгина кийинган бир одам билан турарди. Муяссарнинг бир қўлида сумка, бир қўлида янги супурги. Йигит чана қўлтиқлаб олган, иккинчи қўлида яна нимадир бор. Улар гаплашиб туришарди. Афтидан, иккалалари хурсанд эди. Муяссар трамвайда ўтирган Маликни кўрмади. Ўшанда Маликнинг юраги гурсиллаб уриб кетди. Хотинининг бегона эркак билан турганидан гаши келгандай бўлди. Лекин бу ҳис бир нафасда ўтиб кетди. Яна боягидек совуққон бўлди-қолди.

Малик кейинги хотини Ҳамидага уйланган кезларида ҳали ўзининг йўқотган бахтини тасаввур қилолмас, бу хотини ҳаммасининг ўрнини тўлдирадигандек туюлган эди. Муяссарни севиб олганини унутгани каби Ҳамидага шунчаки ҳавас учун уйлангани ҳақида ҳам ўйламасди. Лекин бу ҳақиқатни англаш учун кўп вақт керак бўлмади. Ҳамиданинг ҳар бир қилиғи Муяссарни эслатар, Малик беихтиёр уни ўйлаб қолганини ўзи сезмай қоларди.

Ҳамида анча-мунча юк билан келди. Девордаги ги-

ламни ерга солди. Ўзи олиб келганини деворга осди. Бир кун Малик уйга келса, шифонер билан буфет йўқ. Хотини комиссиян магазинга топшириб юборибди. Эридан сўрамабди ҳам.

— Нега ундай қилдингиз? — деди Малик.

— Эски рўзгорингиздан бирон нарса қолишини истамайман. — Кейин кулиб Маликка суйкалди. — Хафа бўлдингизми? Хотинингизни кўргандай бўлиб юрувдингизми? Ана, мен олиб келганим бўлади-да.

Чиндан ҳам ярим йил ўтар-ўтмас аввалги рўзгоридан ҳеч нарса қолмади.

Ҳамида қайнаси билан иши йўқ, ювошгина бу кампирнинг олдига бир коса овқатни дўкиллашиб қўйиб келиш билан бутун вазифасини бажаргандай бўларди. Аммо ўз ота-онасини тез-тез йўқлаб турар, эрига буюриб, улар учун ҳар нарсалар олдириб келарди. Бир куни ишга кетаётган Маликнинг кўлига иккита халта тутқазди.

— Яхши гўшт олиб келинг. Магазиндан эмас, қўлда сўйилганидан олинг. Бизникилар магазин гўштини ейишмайди. Сомса қиламан. Укамнинг туғилган куни. Кечкурун бориб келамиз.

Хуши учган Малик ишхонасига етгунча ўзига келмади. Муяссар ўз уруғлари учун Маликдан ҳеч қачон ҳеч нарса талаб қилмас, умуман, бу ҳақда гапирмас эди. Бир куни дадаси касал ётганда Малик уни кўриб келмоқчи бўлди. Эрининг шундоқ чиқиб кетганини кўрган Муяссар уни тўхтатди. Ўзи магазинга чиқиб бир шода тешик кулча олиб келди. Уни Маликка тутқазар экан, ғалати кулиб:

— Бир сўмга олдим. Қуруқ боргандан кўра... — деди.

Малик индамай олди-да, саланглатиб кўтариб чиқиб кетди. Кечкурун битта тоғорада ош кўтариб қайтиб келди. Энди буларнинг ҳаммасини бир-бир эсларкан, юраги андиша ўтида қоврилар, хижолатдан юзи ёнарди. Ҳамиданинг укаси уйланганида эса, Малик билан Муяссар олган гиламни совғага олиб боришди.

— Катта институтнинг домласисиз. Мен опа, сиз почча. Дурустроқ нарса қилмасак уят бўлади. Ўзимнинг гиламимни олиб бораё десам, танишади, олишмайди. Шуни олиб бора қолайлик. Кейин яхшисини олармиз, — деди. Хулласи уни эрига кўтартириб тантана билан тўйхонага кириб борди. Ўшанда ҳам Малик Муяссарни эсларкан

эди. Қизик, Муяссарнинг ҳам укаси уйланган, синглиси узатилган эди. Ҳеч нарса қилишмаганди. Фақат бир мартагина Муяссар тортинибгина:

— Моянамдан озровини ишлатдим, — дегани эсида. Унинг ота-оналари ҳам ҳеч қачон Маликнинг қўлига қарамас, муомалалари ҳамиша бир хил эди.

Ҳамида киз турди. Кампир бўлса Мақсудни соғиниб дам-бадам кўз ёши қилиб оларди. Малик одам юбориб, ўғлини олдириб келди. Ўша куни уйда қиёмат бўлди. Ҳамида аразлаб онасиникига кетиб қолди. Шу-шу қачон Мақсуд келса, у чиқиб кетарди. Мана бугун ҳам кетиб қолибди. Шу мурғак гўдакда нима гуноҳ? Ҳамма нарсага ақли етгандан кейин ўзиёқ отасини эсламай қўйса керак. Маликнинг юрагини гижимлаган дард сира бўшашмас, хотиралар чангалида баттар қисиларди. У Муяссарни яна бир марта кўрди. Ўша киши билан магазин ёнида машинага шифонер юклашаётганда кўрди. Назарида Муяссар яшариб кетгандай эди.

Малик онасининг уйини тарақлатиб очиб кирганда кампир кўрқиб кетди.

— Нима бўлди? Нима қилиб юрибсан шу маҳалда?

— Мақсудни беринг, беринг, мен билан ётсин.

Малик онасининг жавобини кутмасданоқ ўғлига ёпишди. Уни маҳкам кучоқлаб, чопонининг барига ўраб кўтарганича олиб чиқиб кетди.

— Шамоллатасан, ўра устини! — кампир депсаланиб ўғлининг кетидан чиқди.

Ҳовли ойдин эди. Йўл устида оппоқ бўлиб алланарсалар сочилиб ётарди. Кампир ҳайрон бўлди. Кўзларини қисиб тикилди. Кейин чўнқайиб қўллари билан пайпаслади. Чекиб ташланган папирос қолдиқлари эканини билиб, секин ўрнидан турди-да, ўғлининг уйи томонга аста қараб қолди. Кейин хўрсинганича бошини эгиб, орқасига қайтди.

1972



## ЙЎЛ БОШИДА

Бу уйда уч кундан бери чирок ўчмайди. Уч кундан бери кулги ҳам эшитилмайди. Ҳатто кўни-қўшниларикидан ҳам қаттиқроқ овоз чиқмайди. Улар ҳам бу оиладаги мусибатдан ташвиш ва андишадалар.

Йиғлайвериб Санталатнинг кўзида ёш қолмади. Қовоқлари шишиб, юзи бир бурда бўлиб қолди. Усмон-али эркак киши бўлгани учунми, ўзини анча оғир тутарди. Милицияга дам-бадам телефон қилар, гоҳи ўзи бориб келар, яна кечаси билан мижжа қокмай телефон олдида ўтириб чиқарди. Ўн тўрт яшар ўвиллари йўқолиб ўтирса, осонми дейсиз.

Кичкина қизчалари қўғирчоғини кучоқлаганича бувисининг пинжида ухлаб ётар, уни ювиб-тараб каравотига олиб қўйиш ҳам Санталатнинг ё кўнглига сизмас, ёки эсига келмасди. Айвон панжарасига тирсақларини тираганича телефон ёнида Усмон-али ўтирарди. Буралмаганидан соатлар ҳам тўхтаб ётар, қайси маҳал бўлганини ҳам билишмасди. Фақат сурмаранг осмонда юлдузлар жуда тиниқ порлар, кузнинг муздек, жунжиктирувчи шамоли эсарди.

Санталат гоҳ уйга кирар, гоҳ ховлига чиқар, савол ва хавотир тўла кўзлари билан эрига қараб қўяр, йиғлаб юбормаслик учун лабларини тишлаганича яна секин уйга кириб кетарди.

Пианино очик турибди. Ўвли йўқолган куни эрталаб музыка муаллими келган, машғулот ўтказган эди. Ҳатто нота китоби ҳам очик турар, пианино устида ёғочдан йўнилган, қайиққа ўхшаш бир шакл ҳам ётарди. Санталат уни аста кўлига олди. Қимматбаҳо бир буюмдек авайлаб ушлади. Кейин кўнглидаги ишонч, умид бирданга ғойиб бўлдию, даҳшатли хаёллар ёпирилиб кела бошлади. Юзини чангаллаб, пианино клавишларига бошини қўйди. Унинг йиғисига қўшилиб бир неча хил овоз бирданга даранглаб кетди. Усмон-али югуриб кирди. Нима дейишини билмай туриб қолди.

— Сабр қилиб турайлик. Излашяпти-ку, ахир. Топи-

либ қолади. Мана мени айтди дерсиз. — Усмонали хотининг елкасига қўлини қўйди. Тўзғиб, ёзилиб кетган сочларини текислаган бўлди. Санталат чангаллаб турган қайиқ сифат ёғочга кўзи тушдию кўнгли бузилди. Унинг назарида бу ёғоч ўғлининг чала қолган иши, етолмаган орзу-армонидек туюлиб кетди. Кўп нарсалар эсига тушди. Лекин ҳозир хотинига таъна қиладиган пайт эмас эди. Бунинг устига ўзи ҳам бепарволик қилганини энди айникса яхши сезиб турибди.

Фарҳод гўдаклигидан темир-терсакка ўч бўлди. Кўчада ётган мих, темир-терсакларни йиғиб келаверарди. Баъзида бу буюмлар Санталатнинг жонига тегиб, ҳаммасини улоқтирарди. Дадаси олиб келган кичкина велосипед бир ойга ҳам чидамади, ҳамма винтларини бураб чиқарди. Охири онаси уни ҳам чердакка чиқариб қўйди. Мактабга борганда ҳам Фарҳоднинг бу феъли қолмади. Ишдан чарчаб келган Санталат ўғлининг дарсини суриштирар, вазифаларини текширар, Фарҳоднинг хаёли бўлса аллақаяқларда, олдида очиқ турган китоб қолиб, бир четда уюлиб ётган ҳар хил ёғоч, тахта, қайчи, қоғозларга тикилиб онасининг гапини эшитмасди ҳам. Сабри тугаган Санталат бақириб-чақириб уларни яна улоқтирарди.

Фарҳод гўртинчи синфга ўтгунча Санталат ҳам у билан синфма-синф ўқиб чиққандек бўлди. Ишдан келди дегунча, қайнанаси шикоят бошларди:

— Дарсини қилгани йўқ. Овқат ҳам емади. Анави Комил билан кечгача ўтинхонадан чиқмайди. Афтини қаранг, иштонини мих илибди. Вой, вой, афтинг қурмасин, болам.

Бу гаплардан кейин Санталатнинг ўғли билан тинч, хотиржам гаплашишга асаби етмасди.

Усмонали ўғлининг тинимсиз, бесаранжомлигини ўғил боланинг одатий иши деб, жуда ҳам парво қилавермасди. Фақат бир марта ота-оналар мажлисига бориб келгач, ўғлини ёнига ўтказиб гаплашмоқчи бўлди.

— Нега яхши ўқимайсан? Ота-оналарнинг ичида уятга қўйдинг-ку! Дарсга қулоқ солмас эмишсан?

— Соламан.

— Бўлмаса, нега билмайсан дарсларни?

— Қизикмас.

— Нимаси қизикмас?

— Географиядан бошқаси қизикмас.

— География қизикми?

— Баъзида қизик. Денгизларни гапириб берганда. Денгизда қароқчи бўладими?

Тажанг бўлиб турган Усмонали кулгидан ўзини зўрға тийди.

— Папканг қани?

— Ана.

— Кўрсатчи.

Тартибсиз жойлашган китоб-дафтарлар ичида қайчи, рангли қоғозлар. Мих, ҳар хил винтлар, кемаларнинг қинғир-қийшиқ сурати солинган альбом ҳам бор эди.

— Шу ҳам ўқувчининг папкаси бўлдими?!

Фарҳод индамади. Дазмол босаётган Санталат гапга аралашди.

— Ҳаммаси бекорчиликдан. Муаллим топиб келдим. Бекор юргунча музика ўргансин. Уйда тайёр пианино бўлгандан кейин.

— Керакмас.

— Жим ўтир! Керак-керакмаслигини сен эмас, биз биламиз.

Ана шундан кейин сочига оқ оралаган, ўрта ёш аёл — музика муаллими уларникига ҳафтада икки марта келадиган бўлди. Аёл паст овозда гапирар, оҳангида буйруқ ҳам, илтимос ҳам бўлардики, Фарҳод гап қайтаролмас, лекин ночор, бўйнидан боғлагандек ўтирганлиги шундоққина билиниб турарди. Икки йил шу аҳволда ўтди. Унча-мунча қуйларни чаладиган ҳам бўлди, лекин онаси бошида қараб турмаса ҳеч қачон ўзича пианино ёнига келмас эди.

Кечки пайт ота-онаси ишдан қайтиши билан бувиси яна шикоят бошларди:

— Музикасини биттаям чалмади. Жаврай-жаврай жағим узилди.

Фарҳод бунақа вақтда бувисига зимдан хўмрайиб қараб қўярди. У бир марта аллақакдаги тўгаракка қатнайман, деганида ҳам Санталат унамади:

— Кўча тўла машина. Сени ўйлаб ишда ҳам тинч ўтиролмайми энди, — деди.

Фарҳод кейинги кунларда жуда камгап, оғир бўлиб қолганди. Ўқиши ўртача бўлса ҳам ўзи қўйилиб қолгандай кўринарди. Усмонали ана шуларни ўйларди. Энди унинг назарида ўғил ўсмирлик даврининг орзу-хаёлларига бу уйдан ҳамда тополмаганлигидан бешиб кетгандек эди. Соғмикин? Зора бирон жойда юрган бўлса. У ҳамон жим турган телефон трубкасини кўтарди. Қулоғига узун

гудок эшитилди. Яна кўйиб кўйди. Ҳали вақтли. Тонг отин. Кечаси бунча узун бўлмаса-я. У осмонга қаради. Юлдузлар яна ҳам тиниклашиб, йириклашиб қолгандай. Ҳовлида хазонлар шитирлайди. Атроф жимжит. Ҳали замон шовқинга тўладиган шаҳар устидаги бу осудалик, бу жимжитлик ҳам Усмоналининг юрагини баттар эзарди. Изламаган ери қолмади. Сувлар, касалхоналар, ҳатто ўликхоналаргача борди. Ўртоқларининг ҳаммасидан сўраб чиқди. Ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Унинг кўнглига чироқ ёкиб турган фақат битта нарса бор. Нон идишдан тўртта нон олиб кетган. Тўрттами, учтами, ишқилиб, нон олиб кетган.

Тонг ёриша бошлаганида телефон жиринглади. Санталат ҳам уйдан югуриб чиқди. Усмоналининг акаси экан телефон қилган. Бирон хушхабар борми, деб сўраётган эди. Кейин туни билан очиқ қолган дарвоза гийқиллади-ю, кўйлақчан, совуқдан қунишганича Фарҳоднинг тенгдош ўртоғи Камол кириб келди. Бу бола ҳам уч кундан бери Санталат, Усмонали билан тенг ташвиш торяпти. Ҳиндча эшитмаса туролмайдиган, кечгача магнитофон кўйиб кўшниларнинг жиғига тегадиган бу кўшиқ шайдоси уч кундан бери мотамсаро эди. Кўлларини кўлтиғига тикқанича, елкаларини қисиб айвон олдига келди. Кўзларини пирпиратиб мунгли назар билан Усмоналига қаради.

— Кел, ўғлим, чик бу ёққа.

Камол айвон устунига суянди.

— Ҳалиги сурати ўзига ўхшармиди, — деди гулдираб.

Усмонали Фарҳоднинг тарқатилган сурати ҳақида гап бораётганлигини дарров тушунди.

— Ҳа, ўхшайди.

— Менда ҳам битта сурати бор эди. — Камол кўлтиғига қисиб турган кичкина фотосуратни узатди. Пионер галстуғи таққан, костюмининг ёқаси бир оз қайрилиб қолган Фарҳод кулимсираб қараб турарди. Афтидан, бу суратни болалардан биронтаси олган эди. Санталат унга тикилиб қолди.

— Қайлардасан, болагинам...

Камол гоҳ Усмоналига, гоҳ Санталатга қараб кўяр, нима деб буларга тасалли беришни билмасди.

— Бормайсизми? Хабар олиб турмасангиз, уларнинг ташвиши битта бизмасдирмиз.

— Одамлар ишга келсин, — деди Усмонали.

— Менга қара, — Санталат Камолнинг елкасидан кучоқлади. — Сенга ҳеч нарса демаганми? Бир ўйлаб кўр.

— Йўқ.

— Аввал гаплашиб ўтирганларингда ҳам бирон нарса демаганми?

— Йўқ. Бир марта, менинг ўрнимга пианинони сен ўргана қолсангчи, — деди. Жон деярдим, бизникида пианино йўқда, дедим. Матрос бўламан, дерди. Бир марта йўл-йўл майка истаб тополмаганмиз.

Санталатнинг кўзига яна очиқ қолган пианино, унинг устидаги электр симларига тизилган қушларга ўхшаш нота белгилари келди. Хўрсиниб лабини тишлади.

Тонг отиши билан таниш-билишлар кўнғироқ қилиб сўрай бошлади. Усмонали милицияга кетди. Санталат телефон ҳар жиринглаганида умид ва кўркув билан трубкини кўтаради. Қайнанаси ҳавотирлик билан унга қараб турарди, кейин нималарнидир гудраб ўз йўлига кетарди.

Усмонали бўшашиб қайтиб келди. У хотинининг юзига қарашга ҳам дош беролмай, қолди. Ҳеч кимдан садо чикмасди. Яна телефон жиринглади. Трубкини Усмонали олди.

— А? Нима?... Хайрият-е... Омон эканми? Хайрият! Ҳозир бораман. Ҳозир!

У трубкини қўйди. Бирдан беҳол бўлиб ўзини стулга ташлади.

— Тирик экан.

Унинг ҳамма ёғидан тер сизиб чиқар, қўйлақларини бир зумдаёқ жикқа хўл қилган эди. У жуда беҳол бир ҳолатда эди.

Санталатнинг баданига титроқ кирди. Чарчаганлиги бирданига билинди. Энди у хурсандлигидан йиғларди. Ҳали ҳам шу ерда ўралашиб юрган Камол қичкириб, кўчага югурди.

— Урре! Топилди!!

Орадан икки-уч соат ўтгач, Усмонали Фарҳодни етаклаб кириб келди. У озиб кетган, кийимлари кир, фижим эди. Санталат уни бағрига босганича қўйиб юбормас, алланималар дер, кир юзларидан тинмай ўпарди.

— Бўлди, бўлди, — деди Усмонали, — ювиниб олсин.

— Қорнинг очми? Овқат ейсанми? Ҳозир, ҳозир, — Санталат уйда гир айланарди-ю, ҳеч нарса тополмасди.

— Ҳозир овқат қилиб бераман. Палов қилиб берайми?

Лекин Фарҳод олдига қўйилган узум билан нонни шунчалик бир иштаҳа, ташналик билан ердики, қараб туриб Санталатнинг кўзидан баттар ёш қўйиларди. Бир зумда ховли кулгига тўлди. Ошхонада жиз-биз бошланди. Фарҳод ювингани кириб кетди. Ҳуши энди ўзига кела бошлаган Санталат эридан сўради:

— Қаерда экан?

— Денгизни, матросларни излаб поездда кетаётган экан. Москва йўлидан ушлаб келишибди.

Кечқурунга бориб Камолларникидан ҳам ҳиндча ашула эшитилиб қолди.

1973

## ҚАРЗ

Ёзнинг охири, кузнинг боши эди. Осмон тиник, сувлар тинган. Япроқлар ҳали сарғаймаган. Қўм-қўк пахтазорнинг устида шуълами, ҳавоми майин, сокин жимирлайди. Ғўзалар қўсак тугиб ётибди. Йўлдан тез-тез машиналар ўтиб турган бўлса ҳам сершовқин шаҳардан кейин Абдурахмонга бу жойлар жуда жимжит туюларди. У ўзи ҳам тушунолмаган ғалати бир кўнгил хиралик билан йўлга чиққан эди. Янги-янги манзараларга алаҳсиганиданми ёки болалиги кечган йўллар, жойларнинг сергаклантирувчи хотиралариданми, юрагидаги ғубор бирдан кўтарилгандай бўлди, руҳи енгил тортиди.

Қаттиқ бетобликдан кейин негадир унинг кўнгли кишлоғини қўмсаб қолди. Лекин кимнинг олдига боради. У жойда ҳеч кими йўқ. Ота-онаси ўлиб кетган. Болаликдаги ўртоқларидан ким қолган кишлоқда, уни ҳам билмасди. Орадан ўттиз-қирк йил ўтгандан кейин борлари ҳам танирмиди. Лекин барибир унинг кўнгли шу жойларни қўмсарди. У тез-тез кишлоғи, болалиги ҳақида гапирадиган, ҳамма икир-чикирларни эслайдиган бўлиб қолди. Бир куни онасининг ошқовоқ сомсага усталигини гапириб кетди:

— Жилди юпқа, ўзи катта-катта бўларди. Аччиқ, ичидан майда қизил қалампирлар кўриниб турарди. Нон ёпдим, албатта ё пиёз сомса, ё ошқовоқ сомса қиларди.

— Намунча, — деди китоб ўкиб ўтирган қизи, — ойим шундоқ ширин гўшт сомсаларни қилиб берса ҳам қаёқдаги ошқовоқ сомса эсингиздан чиқмайди-я.

Дам-бадам телевизорга қараб алланарса тикиб ўтирган хотини қизига бир қараб қўйди-да, эрига ўтирилди.

— Бир бориб айланиб келсангиз-чи, — деди юмшок, меҳрибон овоз билан, — хоҳласангиз мен бирга бораёй.

— Кимникига? — деди бўшашиб Абдурахмон.

— Кўчада қолмасмиз. Одамлар бор-ку, ахир.

Абдурахмон индамади. Қўни-қўшни, ёр-ошноларидан биронтаси билан алоқа боғлаб қолмаганлигини яқиндан бери, айниқса, кўп ўйларди. Болалари унинг кайфиятини

қаёқдан ҳам тушунишсин? Обод шаҳарда, шинам, қулай уйларда яшаб туриб, томига ошқовоқ чирмашган пастак айвонини, пашшасини кўриган сигир, кўйларни, ажрик устидан тушган ингичка, сўкмок йўллар, яккачўп кўп-рикларни ҳадеб гапиравериш, балки чиндан ҳам ношукурликдир. Лекин ўша йўлларда унинг болалиги, қайнаётган сутдек тошқин, беғубор, осуда дамлари ўтган бўлса-чи! Ёшлик билан алоқадор ҳамма нарсанинг борган сайин сеҳри ортиб, жозибаси кўпайиб бораверар экан. Орага йиллар суқилган сайин юракдаги интилиш, соғиниш ортаверар экан.

Поезддан тушгандан кейин унинг машинага ҳам чиққиси келмади. Юки йўк, портфелига эҳтиётдан битта кўйлак билан битта майка, сочиқ, пайпоқ солиб олган эди, холос. У катта йўлнинг бир томонидаги тротуардан шошмасдан борарди. Кун қайтган бўлса ҳам иссиқнинг тафти баланд, шарқираб оқаётган ариқ бўйидаги толлар тагидан салқин шабада эсиб, дам-бадам юз-кўзларига хузур берарди. Қишлоқ жуда ўзгариб кетганлигидан Абдурахмон тахминлаб борарди. Баъзан тўхтаб, адашмадимми, дегандек, у ёқ-бу ёққа аланглар, яна тусмоллаб юриб кетарди.

Ёш, калин теракзор орасидаги чойхонада одам сийрак. Сўриларнинг бирида иккита чол гурунглашиб ўтирар, йўловчилардан бўлса керак, ёшроқ бир киши «Жигули» машинасини ювар, ариқ лабида қопқоғи очик чойнак билан чой тўлдирилган пиёла турарди. Абдурахмон чолларга салом бериб ўтиб, бўш сўрилардан бирининг четига ўтирди. Ўрта яшар, мўйловдор чойхоначи тўшак кўтариб чиқди.

— Келинг, меҳмон, — деди тавозе билан, — хуш кўрдик.

- Овора бўлманг эди.
- Қора чойми, кўкми?
- Барибир.

Чойхоначи патнисда ёнига печак, оқ қанд солинган иккита юмшоқ нон билан пиёла, чойнак олиб келди. Чойхоначилар четдан келган одамни дарров билишади. Уларга алоҳида меҳмоннавозлик қилиб кўнглини олишга ҳаракат қиладилар. Кетма-кет бир коса қовун билан узум солинган тарелкани кўтариб келди.

— Раҳмат, уринманг.

— Оворагарчилиги борми, меҳмон. Йўл ғуборини олади. Узоқдан келаяпсиз дейман?



— Ҳа, Тошкентдан.

Шу пайт капот ва устлари гул, ленталар билан безатилган «Волга» машинаси бошчилигида беш-олтита машиналар физиллаб ўтиб кетди. Чиройли кийинган ёш-яланглар лип этиб кўриниб қолишди.

— Ҳах, қурмагурлар, қандингни ур! — деди самоварчи завк билан кафтларини бир-бирига ишқалаб. — Машинани келин боланинг ўзи ҳайдаб қолмабди яхши.

Чолларнинг ҳам, машина юваётган кишининг ҳам нигоҳи ўша томонда эди.

— Битта механизатор қиз битта механизатор йигитга тегяпти. Бугун тўйлари, — деди чойхоначи, — иккаласи ҳам донгдор, икковининг ҳам машинаси бор. Қизи тушмагур, шунақа ҳайдайдики, сувдек сузади деяверинг. Ўтиб қолса ҳамманинг кўзи ўшанда бўлади. Хўп ажойиб замонлар бўляпти-да! Авваллари тўртта оти борнинг димоғидан қурт тушарди. Ҳозир шу машиналарни тўқсон от кучига тенг дейишадими?!

Абдурахмон кулиб қўйди.

— Улар қайси кишлокдан?

— Шу ўзимизнинг учкудуклик. Солияхон бор-ку, герой, ўшанинг жамоасидан.

Абдурахмоннинг кўзлари қисилди. Ниманидир хотиралашга уринди.

— Солияхон... Фамилияси нима?

— Болтаева. Танийсизми? «Қизил Юлдуз»нинг раиси-да.

Абдурахмон рўмолчаси билан терлаган бўйин ва юзларини артар экан, индамай қолди. У билган Солиянинг фамилияси бошқа эди. Газеталарда ҳам бир-икки учратганда, шунинг учун аҳамият бермаганди. Турмушга чиққандир ахир, балки фамилияси ўзгаргандир.

— Солияхон қаерлик ўзи?

— Шу ерлик.

— Жамоасигача ҳали узоқми?

— Ҳа, анча бор. Хў, Жиянбой! Жамоага кетяпсизми?

Машинасини ювиб бўлиб, тикка турганича чой хўплаётган йигит унга қараб бош силкиди.

— Мехмонни олиб кетмайсизми?

— Майли, майли.

Машина текис, асфальт йўлдан физиллаб борарди. Далалар тугаб, кўчанинг икки четида бир хилда тушган гиштин иморатлар кўрина бошлади.

— Жуда ўзгариб кетибди қишлоқ.

Жиянбой ялт этиб Абдурахмонга қаради.

— Аввал ҳам келганмисиз?

Абдурахмон секин хўрсиниб қўйди-ю, жавоб бермади.

— Айбга буюрмайсиз, кимникига келяпсиз?

— Ўзим ҳам билмайман.

Машина бирдан секинлагандай бўлди. Жиянбой кўзини тез-тез йўлдан олиб, унга ҳайронлик билан қараб қўяр, тушунолмас, сўрашга ҳам тортинарди.

— Асли шу қишлоқликман. Сиз ёшсиз, билмасангиз керак, Абдухалил деган одамнинг ўғлиман. Кўп бўлган кетиб қолганимга. Қариганимда бир кўмсаб қолдим.

— Соз бўпти-да! Ундай бўлса, тўғри уйга бораверамиз. Дадам бор, жуда хурсанд бўладилар.

— Раҳмат.

Деворлари янги оқланиб, янги бўялган катта дарвоза олдида одамлар гавжум эди. Тол соясида енгил машиналар қатор тизилиб турар, катта-кичик болалар ҳам шу ерда. Жиянбой секинлаб келиб тўхтади.

— Босиб ўтиб кетсак хафа бўлишади. Бир пиёладан чой ичамиз энди.

Оқ ятак кийган ўрта яшар одам билан ёшроқ йигит машина ёнига келишди.

— Келинлар, келинлар, қани, ичкарига.

— Меҳмон олиб келяпман, — деди кулиб Жиянбой, — яхши меҳмон ош устига, дейдилар.

Мезбонлар тавозе билан уларни ичкарига кузатишди. Катта, кенг ховлига стол-стуллар қўйилган, тўрдаги баланд айвонда хотин-халаж кўринар, ишком тагидаги чорпояда машшоқлар ялла қилардилар. Ёш-ёш йигитлар микрофон ўрнатиш, дарахтларга сим тортиб, лампочка осиш билан овора эдилар. Бир зумда дастурхон ёзилиб, мастава келтирилди.

— Механизаторимиз уйланыпти, — тушунтирди Жиянбой, — ҳали машиналар ўтганда кўзингиз тушгандир.

— Э, ўшаларми, — деди Абдурахмон атрофга аланглаб. У биронта одамни таниб қолармикинман, деган умидда эди. Қора атлас кўйлак кийган тўлагина аёл дарвозада кўринди. Унинг истиқболига аёллар, эркаклар туришди. Аёл қўлидаги қоғозга ўроғлик нарсани хотинлардан бирига узатар экан, улар билан қучоқлашиб кўришди.

— Тўйлар муборак бўлсин! — деди кейин ўткир овоз

билан, — ҳамма нарса тахтми? Камчиликлар бўлса, айтинглар.

Абдурахмон уни таниган эди. Ўша Солия. Фақат у вақтда нозиккина қиз эди. Барваста, серсавлат аёл бўлибди. Ҳаво ранг рўмоли остидан оқ оралаган сочлари кўриниб турар, тўлалигиданми, юзидаги сувчечак ўрни ҳам билинмай кетибди. Атрофини майда ажинлар ўраган кўзларигина ўзгармаган. Ҳали ҳам тийрак, ўткир. У тикка турганича аёллар билан ниманидир гаплашар, Абдурахмон томонга қарамас эди. Абдурахмоннинг унга тикилиб қолганини кўрган Жиянбой:

— Раисимиз, — деди шивирлаб.

— Чақиришнинг иложи борми?

— Албатта, — Жиянбой дик этиб турди-ю, унинг олдига бориб алланарса деди. Солияхон бош ирғади, кейин Абдурахмон томонга бир қараб қўйди. Гапидан тўхтаб яна қаради. Абдурахмон ўрнидан турди. Солияхон унга яқинроқ келди, тикилиб қаради.

— Абдурахмон?! — у келиб қўлини узатди, — ростданми? Адашмадимми?

— Рост, рост, худди ўзи, — деди кулиб Абдурахмон.

— Бор экансиз-ку!

— Йўқолган ҳамқишлоғимизни мен топиб келдим, опа, — деди кулиб Жиянбой.

— Йўқолганда қандок! Сувга чўккандай.

— Уйни, ҳовлини ҳам ташлаб кетавердингиз? — деди Солияхон ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгандан кейин, — аввалига ҳар қалай чироғи ёниб турсин, деб эвакуацияга келганлардан ўтқазиб қўйишди. Кейинча жамоа қурти боқилди. Охири йўлга тушиб бузилиб кетди.

— Сизларники ҳамми?

— Ҳа, бошқа жойдамиз ҳозир.

— Онангиз бардамми?

— Қариб қолди. Ҳеч эсидан чиқармайди сизни, ўзи ҳам келиб қолса керак, — унинг кўзи дарвозадан кирган баланд бўй, қорачадан келган кишига тушди-ю, қўли билан имлаб чақирди. — Болтаев!

Болтаев галифе шими устидан кийган оқ қўйлагининг этақларини тортиб, камарини тўғрилар экан, Солияхон ёнига келди.

— Ким бу? Таниб олинг-чи! — Солияхон кулиб Абдурахмонга ишора қилди. Иккалалари бир нафас тикилиб қолишди, кейин бирдан қучоклашиб кетишди.

— Осмондан тушдим, ердан чиқдим бу? Ё тавба!

Бир зумда бу хабар тўйхонага тарқалди.

— Абдухалилнинг ўғли экан.

— Ие, Абдурахмонми? Тирик эканми?

Бунақа гаплар Абдурахмоннинг қулоғига чалинар, дам ўтмай янги-янги одамлар у билан кўришгани келардилар. Бир чол кўз ёши қилиб, кучоқлаб, ўпиб кўришди.

— Бор экансан-ку, болам, — деди белбоғининг учига кўзини артиб. Абдурахмонга унинг қаеридир таниш кўринарди. Дадасининг ўртоқларидан бўлса керак.

Солияхон айвонга, хотинлар орасига бориб гап топиб келди:

— Бувим ҳам келибди. Айтдим. Ана, сабри чидамай ўзи келяпти.

Абдурахмон ҳассасига таяниб, сал энгашганича шу томонга келаётган кампирни кўрди-ю, ўрнидан туриб у томонга юрди.

— Ассалому алайкум.

Кампир унга бир зумгина тикилди. Кейин энгашган Абдурахмоннинг бўйнидан кучоқлаб, хўнграб йиғлаб юборди. Ҳассаси ерга тушиб кетди. Унинг кенг енгига ўралган орик, нимжон қўллари Абдурахмоннинг бўйнида қалтирарди.

— Худога шукур, тирик экансан. Худога шукур.

— Ўзингиз бардамсиз, бувижон?

— Тушларимга кирардинг, — кампир унинг елкаларидан силаб, юзларига тикиларди, — онагинанг билан қандоқ эдик ахир. Бор экансан-ку, шунча вақт келмабсан, бемехр бўпсан-да, болам.

Абдурахмон нима жавоб беришни билмас эди. У ҳаяжон ва андишадан қизарарди. Уни ҳеч ким эсидан чиқармабди. Ҳатто соғинишибди, кўргилари келибди. Абдурахмоннинг димоғига онасининг ҳиди урилгандай бўлди. Кўзида ёш қалқиди. Солияхон кампирни зўрға олиб кетди.

— Уйга боргин. Гаплашолмадим, дийдорингга тўёлмадим.

— Бораман, бораман.

— Боради, албатга, боради.

Болтаев ўртоқларига хабар бериб бўлган экан. Ҳаммаси йиғилишди. Улар шу куни урушдан қайтмаганларни қайта-қайта эслашди.

Ёр-ёр, ўйин-кулги, чирманда, карнай-сурнай овозлари ичида келин келди. Бу маросимни бир нафасгина томоша қилишди-ю, яна ташналик билан суҳбатга шўнғиш-

ди. Таниш-билишларининг ҳаммаси ҳам уни уйига олиб кетгиси келар, таклиф қилишарди. Лекин у шу куни ёлғиз қолмоқчи. Болалиги ўтган, ота-онасининг қадами теккан шу кўчаларда ёлғиз юрмоқчи, юрагини ағдартўнтар қилиб юборган меҳр-оқибат ҳақида, унга интизор бўлиб яшаган мана шу одамлар ҳақида ёлғиз, танҳо ўй сурмоқчи эди. У қарзга ботган одамдек қочишга жой тополмасди. Хуллас, унинг кўнгли ҳозир ёлғизликни тилар эди. Ўзи билан ўзи ҳисоблашмоқчи эди. Улар тўй тугамаёқ кўчага чиқишди. Раисдан андиша қилибми, бошқалар индамай туришарди. Болтаев машина рулига ўтирди. Солияхон Абдурахмонни унинг ёнига таклиф қилиб, ўзи орқага чикди. Кузатгани чикқанлар ночор, ноилож, эртагача, деб хайрлашиб қолишди.

— Битта илтимос, — деди Абдурахмон илтижоли оҳангда, — меҳмонхонага борсам.

— Бу нимаси?

— Жон дўстим! Солияхон! Бугунча, бир кунга. Илтимос!

Болтаев хайрон бўлиб хотинига қаради. Солияхон Абдурахмоннинг ялинчоқ назарини кўриб елка қисди.

— Майли, — деди кейин.

Машина катта дарвозадан кириб, баланд кўтарилган ишқомлар тагидан юриб кетди. Ховуз ёнидаги ялангликда тўхтади. Машинадан тушишди. Катта боғнинг ўртасига қурилган икки қават иморатнинг атрофи айланасига айвон эди. Биринчи айвон шифтидаги электр нуридан боғ ичи хиёл ёришиб турарди.

— Шокиржон!

— Лаббай, опа! Келинлар, — ичкаридан чиқиб келган жуссаси кичикроқ бир одам қўл олиб сўрашди, — келинлар, — деди яна қўлини кўксига қўйиб.

— Эрталабгача меҳмонни сизга топширамыз. Зериктириб, чарчатиб қўймайсиз-да.

— Жоним билан.

Абдурахмон шу кеча мижжа қоқмади ҳисоб. Бир томондан хурсанд, ота-онасининг нафаси келиб турган ҳаво уларни дам-бадам ёдига соларди. Шокиржон чой дамлаб кирди. Стол устида ҳар хил ширинликлар турарди. Ўзи бир оз гаплашиб ўтирди-да, дам олинг бўлмаса, деб чиқиб кетди. Абдурахмон чиройли ёғоч каравотга тўшалган, оппоқ филоф кийдирилган атлас кўрпа қатини очди-ю, ётмади, аста айвонга чикди. Кўкда юлдузлар жимирлар, салқин шабада эсиб турар, япроқлар шитир-

лаши гоҳ кучайиб, гоҳ пасаярди, узоқдан чигирткаларнинг чириллаши, бақаларнинг қуриллаши эшитилар, буларнинг ҳаммаси уни хотиралар оғушига чақирарди.

Солия билан бир девор кўшни эдилар. Бирга сигир боқишар, бирга мактабга боришарди. Абдурахмоннинг дадасидан урушнинг бошидаёқ қора хат келди. Онаси бу дардни кўтаролмади. Ёлғиз қолган Абдурахмонга Солиянинг онаси вамхўрлик қилар, кўнглини кўтаришга уринарди. Лекин Абдурахмон бу жойларга сиғмади. Ёлғиз уйга киролмасди. Онаси чиқиб келаётгандай, қараб тургандай бўлаверарди. Кетиб қолди. Тўғри келган ишни қилиб юрди. Юк ташиди, кўмир туширди. Айланиб Тошкентга бориб қолди. Ўша жойдан армияга кетди. Яна қайтиб келди. Ишга жойлашди. Яхши одамларнинг маслаҳати билан кечки мактабда ўқиди. Кейин институтга кирди. Уйланиб рўзгорлик бўлди-ю, бутунлай ўрнашиб қолди. Тенгдошлари неварга кўрибди. У кечроқ уйлангани учун ҳали қиз чиқариб, ўғил уйлаганича йўқ. Солия ҳам невараларим бор, деди. У пайтларда нозиккина қиз эди. Оналари бир-бирларини гоҳ қуда, гоҳ овсин, деб чақирарди. Болтаева... эрининг фамилиясига ўтган экан-да.

У ўрнига ётганда хўрозлар қичқира бошлаган эди.

Аввал машина юргандай бўлди. Кейин эшиклари қарсиллаб очилиб-ёпилди-ю, аллакимнинг овози эшитилди. Абдурахмон кўзини очди. Уфқ оқариб келарди. Бир нафасдан кейин саҳарги бу жимжитликни яна машинанинг овози бузди. У ўрнидан турганда деразадан дарвоза томонга келаётган енгил машинани кўрди. Сочикни елкасига ташлаб ювингани чиқди. Шокиржон югуриб келди.

— Яхши дам олдингизми?

— Раҳмат. Биров келдими?

— Раис опа канал томонга қулоқдан хабар олгани кетдилар. Келаман, жилмасин, дедилар. Жуда вақтли туриб олибсиз-да?

— Шу атрофда сой бор эди.

— Ҳа, бор-бор.

— Орқасида, баландликда кабристон бўларди.

— Ҳозир ҳам бор.

Абдурахмон ювиниб, кийиниб чиқди.

— Ҳа, меҳмон йўл бўлсин?

— Тезда келаман.

— Нонушта қилиб олсангиз бўларди, — Шокиржон бирдан тушуниб қолди шекилли, овози ҳазин чиқди.

— Келиб.

У қабристонга етганда ёруғ тушиб қолган эди. Қовжираган кўкатларни босиб, қабрларни оралаб аста тепаликка чикиб борарди. Ён бағирликда тўхтаб атрофга аланглади. Қайси томонда эди. Ўнгга юриши керакдир. Баъзи қабрларга мрамар лавхалар ўтказилган, баъзиларида ҳеч нарса йўқ. Тошданми, ғиштданми белги қўйилганлари ҳам бор. Баъзиларида бу ҳам йўқ эди. У тахмин қилган жойига келди. Қолармиди. Шунча йил бошига биров келмагандан кейин қолармиди. Хаёли шундай дер эди-ю, кўзи изларди. Атрофи панжара билан ўралган кичкина қабрнинг бош томонидаги ёзувга кўзи тушди. Онаси билан оти ҳам, фамилияси ҳам бир хил экан. Шошма, унинг ўзи-ку, ахир. У яна хатга қаради. Ҳа, тувилган, ўлган йили ҳам ўша. Ким? Ким қилган буни? У яна атрофга аланглади. Ҳа, худди ўша жойда турибди. Кўз ёшлари томоғини бўғди. Қабр ёнига тиз чўқди. У ҳозир онасининг юзидаги ҳар битта чизиқни кўриб турарди.

— Онажон... Келдим. Онажон, кечиринг мени. Онажоним... Ўғил бўлдимми мен ҳам... Кечиринг.

Унинг шу томонга ўтганини кўрган қоровул чол анча вақтгача қўйиб берди. Ҳадеганда туравермагандан кейин томоқ кириб, йўталиб аста унинг ёнига келди. Чўнқайиб ўтириб қуръон тиловот қила бошлади. Юзига фотиҳа тортиб, бу нотаниш одамга аста, савол назари билан қаради.

— Бу ёдгорликни ким қилдирган? Билмайсизми?

— Биладан, раис қилдирган. Сиз кимлари бўласиз?

Абдурахмон жавоб ўрнига аста хўрсиниб, бошини эгди.

— Туринг, узоқ ўтириб қолдингиз. Қандок қиламиз, дунёнинг ишлари шунақа экан.

Абудархмон ўрнидан турди-ю, юраги узилиб қолаётгандай яна орқасига қаради.

— Ана, раиснинг ўзлари ҳам келяптилар, — деди қоровул чол. Абдурахмон ялт этиб пастликка қаради. Сой бўйида ҳаво ранг машина турар, атлас куйлагининг этагини бир қўли билан салгина ушлаб, Солияхон шу томонга чикиб келарди.

1974

## КЕЧИКИШ

Мана, бир ойдирки, Хуршидбекнинг ороми йўқ. Юрса ҳам, турса ҳам онасининг маъюс, меҳрибон нигоҳи кўзидан кетмайди. Аввалига таъзияга келган одамлар билан овуниб юрган эканми, уларнинг оёғи товсилгандан кейин кўнгилни эзадиган бир жимжитлик ичида қолгандек эди. Онаси бир томондаги кичкина уйчасида индамайгина ўтирса ҳам ҳовлиларининг файзи эканлиги энди билинапти.

Хуршидбек секингина сўлиш олиб, ўша уй томонга қаради. Деразаси ҳам, эшиги ҳам ёпиқ. Уйнинг ҳозирги сокин, жимжит туриши ҳам онасига ўхшаб кетди.

Онаси ҳамиша ўғлини аяб, андиша билан яшади. Ҳеч қачон ўзига эътибор талаб қилмади. Ҳатто бирон нарса олиб бергин, деганини ёки пул-мул сўраганини ҳам Хуршидбек эслаёлмайди. У фақат бир мартагина ўғлидан сўради. Ўшанда ҳам тили билан эмас, дили билан, кўзлари билан сўради. Лекин... Хуршидбекнинг нафаси қисилди. Хотиралардан қочмоқчидек ўрнидан туриб кетди.

Ҳовлининг ўртасидаги стол олдида ўғли тикка турганича гарвуз косасини қошиқ билан шилиб-қириб ичарди.

— Секинроқ! — деди Хуршидбек унга ижирганиб қараб, — мунча хўриллатасан?!

Бола отасига бир қараб кўйди-ю, оғзини кўллари билан артиб, деворга суёғлик велосипеди томонга юрди.

— Пўчоқни ким олади?!

Ўғли яна боягидай нигоҳ билан унга қаради, зарда аралаш пўчоқни олиб бориб ахлат челагига ташлади-да, велосипедини етаклаб кўчага чиқиб кетди. Ошхонада жаз-биз қилиб, сабзи-пиёз қовураётган хотини уларнинг овозини эшитдими, бошини чиқариб бир қараб кўйди.

Яна ҳовли жимжит бўлиб қолди. Декабрь яқинлашиб қолаётган бўлса ҳам ҳаво иссиқ, ҳали ҳеч қандай ёрингарчилик бўлгани йўқ эди. Ерга охирги ҳазонлар тўкилар, куёш ҳам бота бошлаган, осмон тиниқ, ҳаво мўътадил бўлса-да, табиатнинг ўзида ҳам қандайдир дилни



хаёлга мойил қиладиган бир кайфият бор эди. Хуршидбек яна онасининг уйи томонга қаради.

Ёзда Хуршидбек хотини билан бир вақтда отпусका олди. Айланиб дам олиб келишни мўлжаллаб қўйишган эди. Бирданига ҳамшаҳарларидан бири гап топиб келиб қолди. Белоруссия томонга саёхатга борган экан. Ўрмонда бир қабрни кўрган эмиш. Қараса, фамилияси ҳам, исми ҳам Хуршидбекнинг дадасиники экан. Ўша жойда яшаётганлардан суриштирибди. Разведкачининг қабри, дейишибди. Аввал устида кичкина тахтачага ёзиб қўйилган хати бор экан. Кейинча ўша ер аҳолиси уни яхшилаб кўтариб, исми фамилиясини мармар тошга ёздириб қўйишибди. Хуршидбек ростдан ҳам дадасининг разведкачи бўлганини эшитган эди.

Бу хабар кутилмаганда хурсандчилик олиб келди-ю, эски дардларни кўзгаб ҳам кетди. Кўниккан асаб ва хотиралар қайта бошдан жонланди. Айниқса, онаси жуда ўйчан бўлиб қолди. У нимадир демоқчи бўларди, лекин айтолмасди. Ўғли билан келини Иссиққўлга бориш ҳаракатида эдилар. Бир куни чой ичиб ўтиришганида Хуршидбек онасининг ана шу маънос юзига кўзи тушиб, ўйланиб қолди.

— Ойи, биз кетсак, ёлғиз зеркиб қолмайсизми?

— Қўни-кўшнилар бор, болам. Нега зерикаман?

— Ё неварангизни олиб қолгингиз келмаяптими? Тўғрисини айтаверинг.

— Нега энди? Шунча вақт бағримда-ку. — Ростдан ҳам ўғли хамиша бувиси билан бирга, дарсини ҳам ўша уйда қилар, ётиш-туриши ҳам ўша ёқда эди.

— Даданг мусофир бўлиб ётгандир, деб ўйлайман, болам, — деди онаси бир нафасдан кейин. — Аввал билмас эдим, чорам йўқ эди. Энди куч-қувватдан қолганимда хабарини эшитдим.

Орага бирдан жимжитлик тушди. Онаси бу гал ҳам дилидаги истакни айтолмади, ўғли билан келинининг йўлини тўсишдан андиша қилди. Лекин кўнгли, дили ўша ёққа талпинаётганини Хуршидбек сезиб турарди. Йўлга hozирланаётган хотинини, отпускаларининг ўтиб кетиб қолишини ўйлади.

— Майли, — деди кейин онасига таскин бермоқчи бўлиб, — янаги ёзга олиб борамиз. Мана, келинингизнинг ўзи бош бўлиб олиб боради, тўғрими?

Телевизор кўриб ўтирган хотини бош қимирлатди. Кейин қайнанасини юпатмоқчи бўлди шекилли:

— Мусофир бўлиб ётибди деманг, оёи. Одамлар қараб туришган бўлса, текислаб йўқотиб юборишмабдику ахир!

— Барака топишсин, — деди кампир шивирлаб.

— Бўлди, бўлди, янаги отпусқада борганимиз бўлсин! — бу қатъий қарор билан Хуршидбек онасини хурсанд қилмоқчи эди. Лекин кампир индамади, ғалати бир кулимсираб қўйди, холос. Унинг шунақа одати бор эди. Ҳеч кимга гап қайтармас, бирон нарсадан норози бўлганда ҳам бир хўрсиниб индамай қўя қоларди. Бу гал ҳам шундай қилди. Балки ҳеч кимга муҳтож бўлмаган ёшлик пайтларини эслагандир. Балки ўзининг кундан-кун кучдан қолаётганини, янаги ёзга бор-йўқлигини ўйлагандир. Балки ҳаётда муқаддас, кечиктирмай тавоб қиладиган нарсалар борлигини тушунмаган иккита нодоннинг устидан кулгандир.

Ҳар қалай у невараси билан мунғайиб дарвоза кесакисига суянганича қолди-ю, Хуршидбек хотинини олиб Иссиққўлга кетди.

Хуршидбек яна бўғилгандек бўлди. Хотини ошхонадан чиқиб, ўрадан турп олиб кириб кетди. Эрига ғалати бир қараш қилиб қўйди. Юраги сиқилиб турган бўлса ҳам Хуршидбек буни сизди. Ишдан келганидан бери саланглаб ҳовлида юрганига балки хотинининг гаши келгандир. Унинг бирон ишга қўл ургиси ҳам келмас, бирон кимса билан гапиришгиси ҳам йўқ эди.

Ўғли челақка ташлаб кетган тарвуз косасининг пўчоғини мусичалар чўқир, Хуршидбекнинг лоқайд, бэфарқ кайфиятини билгандай ундан хайиқишмас, дам-бадам бошларини кўтариб унга қараб қўярдилар, холос. Онаси, қиши билан мусичаларни боқиб чиқарди. Қор ёғиб дон топиш қийин бўлиб қолганида қора-қурт мусичалар шумшайишиб шу ҳовлига йиғилишарди. Кампир нонларнинг увоғи борми, қолган-қутган овқат борми, уларга тўкиб берар, улар ҳам ҳеч бир чўчимай онасининг оёқлари тагида юришаверарди.

Хуршидбекнинг назарида мусичалар ҳам ўзига ўхшаб етим бўлиб қолгандек эди. У шу топда мусичаларга дон бергиси келиб кетди. Уйга кириб, идишларни қаради. Қолган овқат тополмади шекилли, ярим пиёла гуруч олиб чиқиб, тарвуз пўчоғи ёнига сочди. Унинг нијатидан беҳабар мусичалар қўрқиб учиб кетишди. Ошхонадан чиққан хотинининг кўзи ерда сочилиб ётган гуручларга тушди.

— Эсингиз жойидами ўзи? Гуруч билан боқиб бўларканми! Йўлга сепганингизни қаранг-а, — у шундай деди-ю, жаҳл билан супурги олиб келиб, гуручларни бир четга супуриб тўплаб қўйди. Хуршидбек хўрсиниб нари кетди. Унинг ич-этини еб ётган армонни фақат ўзи биларди. Онаси шу биттагина ўғлини деб умрини ўтказганини, қайси ҳасратда боққанини ҳам фақат ўзи билади. Қандай унутади-ю, қандай кўникади энди. Бир хил тошбағир одамлар бўлади. Улар учун ҳамма нарса осон, унутиш ҳам, севиш ҳам, ажралиш ҳам. Улар кўп қалбларни яра қиладилару ўзлари бешикаст қолаверадилар. Ота-онадан ажралиш, уларнинг йўқлигига кўникиш осон эканми? Айниқса, юрагингни армон тирнаб ётганда. Қани энди, ҳозир тирик бўлса поездда эмас, бошига кўтариб пиёда олиб боришга ҳам рози бўларди. Ўз оромини ўйлади-ю, лекин онасининг бунақа пишиб қолганини хаёлига келтирмади. Бўлмаса жуда ҳам қариган эмас эди. Олтмиш бешга кирган эди. Саксон-тўксонга кириб юрганлар ҳам бор-ку. Бироқ онаси текис ҳаёт кечирмади. Келинчақлигида тул қолди. Ота дийдорини кўрмаган фарзандининг устида балки кечалари юм-юм йиғлаб чиққандир. Қайна-наси, қайнатасини кўмди. Битта қайнсинглиси жанжал қилиб ховлининг яримини бўлиб олиб, бировга сотиб юборди. Ўртага девор урилди. Бир парча ховли билан ярми сотилган уйда қолишди. Қизининг бебахтлигидан хафа бўлиб кетган бувиси ҳам бевақт оламдан ўтди. Ягона тасалли берадиган кишисидан ҳам ажралган она бутун меҳри, бутун умидини Хуршидбекка тикди. Авваллари артелда, кейинчалик фабрикада ишлади. Ўғлини яхши кийинтирди, яхши едирди. Лекин чарчаб, ишдан бир ахволда қайтганини Хуршид неча марталаб кўрган, яна ўша чарчоғлик билан машина филдиратиб иш тикканларида унинг биқинида алламаҳалгача ухламай ўтирарди. Ўғлининг бўйи чўзилган сайин онанинг қувончи ортгандек, қадди тикланаётгандек бўларди. Бу қувончини ҳам Хуршидбек унинг кўзларидан сезиб турарди. Балки кўрмаган бахти, топмаган ҳузурларини ана шу ўғилчасидан дилида кутиб, умид қилиб яшагандир. Лекин ўғли нима қилди? Ўзининг ҳозирги ҳолатини енгиллатадиган, юрагига ёруғлик туширадиган бирон хатти-ҳаракатини эслай олмасдан довда эди у.

Институтни битирди. Уйланди, жой қилди. Онаси йиққан-терганини сарфлади, ўғлиникини асради. Уста боқди. Кейинча уй юмуши, невараларига қараш билан

умрини ўтказди. Фалончининг онаси фалон нарсани кийибди, менга ҳам олиб бер, дегани йўқ. Фалон ёшга кирганимга тўй қилиб бер, дегани йўқ. Тағин қайтага пенсия пулини ҳам шуларга сарфларди. Ўйлаб қараса, у бир шамдек ёниб яшабди.

Хуршидбек Иссиққўлдан қайтиб келганда онасининг ранги кўзига ғалатиноқ кўринди. Отасининг бир марта унутилган дарди қайта пайдо бўлганида кекса қалби кўтаролмадимикан? Ўтган умрининг кўчаларига хотиралар, балки ҳадеб бошлаб кетавергандир, ўй ўйлаб ўзини ўзи егандир. Балки ўрмонда жимжитгина турган қабр устига дод-фарёд билан хаёлан неча марта бориб келгандир.

У соғлигидан шикоят қилмади-ю, бирданига ётиб қолди. Ҳаммани армонда қолдириб тўсатдан бир кечада оламдан ўтди-қўйди. Хуршидбек бунақа бўлишини сира ўйламаган эди. Бўлмаса, ҳамма нарсадан кечиб, ҳар қандай шароитда бўлса ҳам онасини отасининг қабрига олиб бормасмиди. Она бечора юрагида йиғилиб ётган ҳасратларини ўша тупроққа унсизгина тўкиб келса, балки енгил тортармиди. Унинг биттагина сўровини, биттагина истagini рад қилди-я! Қандай она эди, қанақа она эди-я! Ўлиб ҳам унга оғирини солмади. Ҳамма нарсани тайёрлаб тахт қилиб қўйган экан. Ҳеч нарсаси йўқ бўлсаю Хуршидбек қарзга ботиб кўмганда ҳам сал армондан чиқармиди. Бу гал ҳам ўғлини аяди она, унга оғирини солмади.

Хуршидбек инграб юборди. Хотини овқат тайёр бўлганини айтди. Велосипедини шалдиратиб ўғли кўчадан кирди. Гуруч атрофига йиғилган мусичалар унинг шовқинидан чўчиб, учиб кетишди. Ичкаридан хотинининг овози эшитилди.

— Киринг энди, овқат совийди! — кейин чиқиб айвон чироғини буради. Хуршидбек шундагина кун ботиб ғирашира бўлиб қолганини сизди. Унинг нигоҳи яна бир четдаги уйга тушди. Хона ичи қоронғи, жимжит, ғалати бир сукут билан худди дардини ичига ютиб турган жонли вужуддай туюлди унга. Аста бориб, уй эшигини очди-ю, чироғини ёқди.

1974

# ҚИССАЛАР



## ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН ҚИССА

Ушбу қисса бундан қирқ йил олдин ёзилган. Муаллиф Саида Зуннунова шу асари учун таънайи-маломатларга қолган эди. Матбуотда, адабий йиғинларда, Саида фаровон замонамизга тухмат қилувчи асар ёзган, деб кўз очирмаган эдилар.

Албатта «Сўқмоқлар» қиссасини ноёб асар деб баҳолаб бўлмайди. Шу билан бирга ночор, зарарли, замонага ёт асар ҳам деб бўлмайди.

Асарнинг «айби» шуки у ўша замонларда ёзилган сип-силлик, ҳаётни пардозлаб, фақат ялтироқ томонларини тасвирлаган асарлардан ростгўйлиги, кескинлиги билан фарқ қилишида, халос.

Шеърятда анча пишиб қолган, яхши шеърлар ёзаётган Саиданинг насрдаги дастлабки асари сифатида баҳолайдиган бўлсак, уни яхши насрий асарлар қаторига бемалол қўйишса бўлади деб айтиш мумкин.

Қиссада Саиданинг ўша пайтларда сира айтиб бўлмайдиган гапларни ёзишга нима мажбур қилди экан, деган саволга жавоб излаб кўрайлик.

Қисса адабиётимизда конфликтсизлик айниқса авж олган 50-60-йилларда ўқувчини ўзига тортмайдиган, ҳаёт муаммолари четлаб ўтилган, фақат ҳаётнинг ялтироқ томонларинигина акс эттирган асарларга сира ўхшамаслигида деб билиш керак.

1959 йили Москвада ўтадиган Ўзбек адабиёти ва санъати ўнқунлигига шошилишч, ҳа бўл, ҳа бўл, деб қис-таб ёздирилган асарлар Москва тамошобинлари ва адабиётшуносларидан кўнгилдагидек баҳо ололмади.

Санъатшунос олим ва ёзувчи Н. Кладо: «... Ўттизинчи йилларда дехқоннинг иш қуроли кетмон билан омоч эди, ҳозир у қудратли тракторлар билан ер ҳайдайди. Агар санъатни, адабиётни унга қиёсласак ўнқунликка олиб келинган Уйғуннинг «Олтин кўл» комедиясини ҳатто омоч дейишга ҳам тилинг бормайди» деган эди.

«Узоқни кўзлаган қиз» қиссасида икки марта қаҳрамон унвонига сазовор бўлган машҳур пахтакор Турсуной Охунованинг ҳаёт йўли тасвирланади.

Саратон жазирамаси заптига олган, бир нафас ором олишга тангадек соя топилмайдиган бепоен Мирзачўл даштида ер очаётган, қуёш оловида, дазмолдек қизиган тракторни миниб, моторнинг қайноқ алангасига, бутун вужудига оташ пурқаётган чўл шамолига бардош бериб, ҳар бир мўйи тагидан сизиб чиқаётган тердан кўйлақлари шалаббо бўлиб кетганига бепарво бу «чўл маликаси» чинакам «совет қизи» эди.

Хотин қизларни юқори лавозимларга кўтариш бошланган пайт. Уларнинг аксари оилали гўзал аёллар эди. Уларни ҳафталаб, ўнқунлаб пойтахтга — пленумларга, қурултойларга олиб кетардилар. Шунинг ҳам оиласи, бола-чақаси бор, деб ўйлашмасди. Бегона эркак билан кетган хотинини ўйлаб руҳан эзилиб ўтирган эри борлигини ўйлашмасди. Оқибатда уларнинг турмуши бузилганини жуда кўп марта кўрганмиз.

Ўзбеклар аёл кишининг тўлроқ тутаётганини хатто энг яқин кишиларидан ҳам сир тутадилар Турғунхонада бўшанаётган хотин тепасига ўнлаб бўй йигитларни малака орттирсин, деб олиб кирадилар. Туғаётган хотин, бу кунимдан ўлганим яхши эди, деб боласини кўз ёш, алам-ситам билан тўлғаниб туғарди.

Орият, номус, иффат, назокат, уят, шарм, ҳаё, андиша, одоб деб аталмиш ноёб туйғу, ҳиссиёт вужуд-вужудига сингиб кетган ўзбек аёли мана энди бегона эркаклар ўртасида мажбуран қипяланғоч ётибди.

Ахир буюк шоиримиз Фафур Фулом «Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат» деб бекорга айтмагандир.

«Сўқмоқлар» қиссаси ана шу кўнгилсиз воқеаларга бир исён бўлиб дунёга келган эди.

Қисса 1959-йилда ёзилган ва ўша йилиёқ «Шарқ юлдузи» журналида босилган эди.

Журнал қўлма-қўл бўлиб, қисса қизиқиб ўқиладиган бир пайтда саратонда ёққан қордек бўлиб «Совет Ўзбекистони» (Ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида адабиётшунос Олим Матёкуб Қўшжоновнинг «Аттанг» деган мақоласи босилади. Мақолада талантли ёзувчи Саида Зуннунованинг ушбу «Сўқмоқлар» қиссасида Совет воқеълигига ёт бўлган ғояни кўтариб чиққани, ҳалол меҳнат қилаётган Совет кишиларига тухматдан иборат сунъий воқеаларни қаламга олгани кескин танқид қилинган эди. Умидли ёш ёзувчининг зарарли асар ёзганига аттанг, деб афсусланган эди.

Сал фурсатдан кейин «Сўқмоқлар» собиқ Ўзбекистон

партия марказий комитети бюроси муҳокамасига қўйилади. Унга асар муаллифи Саида Зуннунова ҳам чақирилади. Аммо марказқўмнинг идеология ишлари бўйича котиби Зухра Раҳимбобоева уни бюрога олиб кирмайди. Чунки ўша пайтда Саида оғир оёқли, ой куни яқин эди. Раҳимбобоева ҳар қалай аёл киши бўлганидан бюрода бўладиган кескин гаплар Саидага ёмон таъсир қилиши мумкин деб уни ўз машинасида уйга қайтариб юборади.

Бюро мажлиси ҳам Саида Зуннунова замонамизга ёт, зарарли асар ёзганлигини алоҳида қайд қилади.

Мана қирқ йилдирки яхши ният билан ёзилган «Сўқмоқлар» қиссаси қатарон қилинган асарлар қаторида архивда қолиб кетди. Ўзбекистон мустақил мамлакат сифатида тан олинган кунлардан бери қилинаётган хайрли ишлардан бири, қатаронга учраган ўзбек зиёлиларининг пок номларини тиклаш, уларнинг асарларини ўрганиш ва нашр қилиш соҳасида кўп савобли ишлар амалга оширилди.

Ана шулар қатори Саида Зуннунованинг «Сўқмоқлар» қиссаси ҳам қайта ўқилиб унга бугунги кун кўзи билан қараб баҳо берилди. Асар ҳақида бундан қирқ йил аввал «Аттанг» деган мақола эълон қилган Матёкуб Қўшжонов ўша пайтда замона зайлига берилиб қиссага тўғри баҳо беролмаганини, уни зарарли асар деб хато қилганини матбуотда очиқ тан олиб газетахонлардан узр сўради.

Қиссани қайта ўқиган бошқа ёзувчи ва адабиётшунослар ҳам «Сўқмоқлар» бугунги куннинг асари, деб айтмоқдалар.

Мен бу асарни ёзилишидан то босилишигача, танқидга учраб нотўғри баҳоланган кунларгача шохид бўлган киши сифатида асарни бир бутун ҳолда ўқувчилар қўлига етказишни марҳума Саиданинг руҳи олдидаги бурчим деб билдим.

Президентимиз Ислом Каримов маънавият масалаларига жиддий эътибор бораётган шу кунларда, оналар ва болалар муҳофазаси маънавий ҳаётимизнинг четда қолдириб бўлмайдиган соҳа экани қайта-қайта тилга олиняпти.

Маънавият ва маърифат марказининг очилиши унинг вилоят, туман ва қишлоқлардаги бўлимлари маънавиятнинг бошқа тармоқлари қаторида аёллар маданиятига, уларнинг руҳий оламига янада чуқурроқ назар солишлари зарур.



«Сўқмоқлар» қиссасида қаламга олинган жуда жиддий, жуда долзарб бўлган аёллар номусини, ўзига хос ўзбекона шарм-ҳиёсини, назокатини ҳимоя қилишимиз ва у ҳамisha диққат марказида бўлишини унутмаслигимиз керак.

Асарга ўзгаришлар киритмадим. Ўша замонларгагина хос бўлган бугунги кун учун аҳамиятсиз бўлган баъзи гап сўзларни тушуриб қолдирдим. Тажрибасизлик туфайли нотекис ёзилган жумлаларга унча-мунча қалам урдим холос. Аммо асарнинг сўнги бобини ҳозирги китобхонларга тушинарли бўлсин, деб озроқ таҳрир қилдим. Бу тузатишларни ўқиганда албатта сезасиз ва билиб баҳо берасиз, деб ўйлайман.

*Саид АХМАД*

## СЎҚМОҚЛАР

### Қисса

#### I

Куз. Одатда, шаҳар ичида баҳорнинг ҳам, кузнинг ҳам табиий гўзаллиги у қадар сезилмайди. Чунки бу ерда ҳамма нарса — дарахтлар ҳам, гуллар ҳам, ариқлар ҳам пардозланган, тартибга келтирилган. Бу ерда хоҳлаган томонга ўрмалаган жилғаларни, жуда нозик ва латифлигига қарамасдан тошлар ичидан ўзига йўл топиб чиққан ёввойи гулларни кўрмаганингиздек, кузнинг ҳам атлас жамолини борлигича томоша қилиб бўлмайди. Айниқса, кўп умрини қишлоқда ўтказган одамга бу нарса жуда билинади.

Катта асфальт кўчанинг йўлкасида хаёлпаршонлик билан аста кетаётган Эгамов учун негадир шу маҳал олтиндек товланган беҳизорлар, анвойи ранг баргини тагига тўшаб уйкуга бош қўйган бовлар жуда олис, жуда сеҳрли бўлиб туюлди. Кўча юзидаги хазонларни супуриб юрган қоровул ҳам ҳозир унинг рашини келтирди, негадир, у шу маҳал япроқларни шитирлатиб босиб юргиси келар, қоровул эса унинг ана шу истагини атайин бузаётгандек эди. Эгамов кўчалар кесишган ерга келганда тўхтади. Бошида шляпасини олиб, оқ оралаган сочини бармоқлари билан таради-да, шляпасини қайта кийди. Кейин кўзойнагини бурнидан олиб, оч хаворанг рўмолчасига артиб, ўнг томондаги кўчага бурилиб кетди.

Ҳозирги жуда қисқа тасвир уни ўқувчи кўзида анча ёшга бориб қолган киши сифатида гавдалантиргандир? Йўқ, Эгамов эндигина қирқ бешга кирган. Таниш-билишлари Эгамовни кўзойнаксиз тасаввур қилолмайдилар. Чунки узоқни кўришга қийналганидан жуда ёшлигиданок кўзойнак тақишга мажбур бўлган. Ҳатто шу кўзойнак ичидан ҳам худди дурбиндан қараётгандек кўзларини қисиб қарайди. Ўзи ўрта бўй, кулча юз. Сочига унчамунча оралаган оқ ва табиатининг вазминлиги уни ҳақиқатан ҳам ёшига нисбатан улуғроқ кўрсатар эди.

Эгамовнинг троллейбусга ҳам, трамвайга ҳам чиққиси келмади. Анча олис бўлса ҳам уйига пиёда кетди. Эшикни унга Мехри хола очди. Мехри хола ўғлининг хафалигини дарров сезді. Ҳам ташвиш, ҳам савол назари билан унга қаради. Лекин, жавоб ололмаслигига ақли етганидан тез орқасига бурилди-да, майда қадамлар билан пилдираб ошхона томонга кетди.

Эгамов макентожини ечиб козиққа илаётганда хотинининг ҳам уйдалигини билди. Унинг ҳам макентожи осийлиқ турибди. Демак, дам олгани келган, яна навбатчиликка кетади. Хотинининг бесарамжон касбидан ҳамма вақт ич-ичидан гурурланиб юрадиган Эгамовнинг негандир ҳозир диққати ошди. Чиндан ҳам, буларнинг оила-сида бемалол меҳмон кутиш, бемалол кино-театрга бориш, ёки эр-хотин ўртасида бошланган бирон гапнинг охирига етиши жуда камдан-кам бўлади. Ҳатто янги йил кечасида ва бошқа байрам кунларида ҳам тўлдирилган қадах лабга бормасдан стол устига қайта қўйилган пайтлари бўлган.

Нега шундай дерсиз. Чунки шундай тантанали кунларга улгуриб қолмоқчи бўлган қанчалаб янги меҳмонларни кутиб олиш учун кимлардир хизмат қилиши, газета киоскалари олдидан бир нафас аримайдиган халққа байрам хабарларини етказиш учун босмахоналарда, редакцияларда кимлардир тунлари мижжа қокмай ўтиришлари керак.

Эгамов газетанинг сайёр мухбири. Кўп умри командировкада ўтади. Тошкентда бўлган кезларида эса ўзи ёзган ёки ўзи уюштирган мақоланинг то босилишига қўл қўйилган нусхасини ўқимагунча редакциядан кетолмайди. Шунинг учун ҳам редакцияда уни «онаси навбатчиликка туққан» дейишади. Бу гап Эгамовни қиттай бўлса ҳам ранжитмайди, қайта хурсанд қилади. Чунки у одамнинг ўз касбига меҳр қўйишини олий фазилат деб биларди. Буни бошқалар ҳам билиб қўйса ёмон бўлмасди.

Эгамовнинг хотини Азиза акушар-гинеколог. На ишда тиним бор, на уйда, на уйқуда. Ҳали телефон қилишади, ҳали чақириб кетишади. Баъзан ўзининг кўнгли тинчимайди. Бирон беморидан хавотирроқ жойи бўлса, ухлагандай бўлмайди. Эрталаб иш вақти бўлмасданок жўнаб қолади. Шунинг учун ҳам бу оилада эр-хотин ўртасида энг кўп айтиладиган гап: бир оз ухлаб олсангиз-чи, мана буни еб олсангиз-чи... Иккаласининг ҳам доим вақти зик, доим ишлари зарур. Орзу қила-қила

кўрган ёлғиз қизларини бир эрталабу бир кечқурун кўришади. Кундузи боғчада бўлади.

Эгамов хотинини уйғотиб юбормаслик учун ичкари уйга ўтмай, ўнг қўлдаги кичкина хонага кирди. Бу уй кичкина бўлса ҳам жуда ёруғ ва оддийгина безатилган эди. Унинг бутун жиҳози ёзув столи, каравот ва кийим жавонидан иборат. Деворда келишгангина бир қизнинг рамкага солинган сурати осиялик турибди.

Бу суратни бироз изоҳлашга мажбурмиз. Ҳали юқорида, бу оиланинг ягона фарзанди эрталаб боғчага кетиб, кечқурун келади, деб айтганимизда Эгамов билан Азизанинг юрагига қаттиқ ботадиган гуноҳ қилиб қўйибмиз. Чунки бу оиланинг бош фарзанди — мана шу суратдаги қиз — Раъно эди. Шунча катта қизлари борми, дерсиз. Қаҳрамонларимиз дилига озор етса ҳам, очигини айтишга тўғри келади: Раъно асранди қиз.

Эгамов билан Азизанинг турмуш қурганига ўн йилдан ошган бўлса ҳам қизлари Наргис эндигина уч ёшга кирди. Узоқ вақт уларнинг боласи бўлмади. Авваллари доим иш билан банд, бир-бирининг мухаббати билан маст бўлиб юрган келин-куёвнинг эсига фарзанд келмади. Йиллар ўтди. Азида пайдо бўлган она бўлиш орзуси секин-аста қаттиқ бир чанқоқликка айланди. У бола деганда туғишнигина эмас, йўқ, балки уни тарбия қилишни, чинакам инсон қилиб етиштиришни истар ва ана шу истак унда катта бир эҳтиёжга айланган эди. Ўзи юзлаб чақалокларга доя бўлар, ҳатто бу гўдаклар биринчи марта кўз очганларида ўз оналарини эмас, Азизани кўрар, кичкина митти кўзчалари билан унинг юрагида ҳам шодлик, ҳам умид оловини ёқардилар.

Эгамов хотинига бола ҳақида ҳеч гап очмас, қийналаётганини кўриб туриб, уни ранжитгиси келмасди.

Бир куни туғуруқхонага деярли чалажон бўлиб қолган бир аёлни келтиришди. Кечаси эди. Шу куни навбатчилик қилаётган Азиза аёлнинг қошига бориб улгурмасданок у жон берди. Аёлнинг кетидан йиғлаб келган ўн икки ўн уч ёшдаги пахмоқ сочли қизчаси Азизанинг юрагини эзиб юборди. Маълум бўлишича, аёлнинг эри ҳар куни ичиб келар, хотинини ураб ва ҳақорат қилар экан. Ўзи бир жойда муқим ишламас, рўзгорининг ками-кўстига ҳам қарамас экан. Аёл шу қазчасини ёнига олиб, ховлисига яқин бўлган бир мактабда фаррошлик қилиб кун ўтказар экан. У яна ҳомиладор бўлиб қолади. Иши ва тирикчилигини ўйлаб боши қотади, нима қилишини билмайди.

Шу орада ҳомила олти-етти ойлик бўлиб қолади. Бир кун эри маст бўлиб келиб яна уради. Хотин бу гал чидамайди. Эрига ўчакишиб, жаҳл устида ҳомилани туширмоқчи бўлади. Қизи ўртоғиникидан дарс тайёрлаб қайтиб келганда онасини қонга беланиб беҳуш ётганини кўради ва дод деб қўшнисиникига югуради. Шундан кейингина «тез ёрдам» машинасини чақирадилар. Бирок, вақт ўтганди, хотинни сақлаб қолишнинг иложи бўлмади.

Бу воқеа Азизани жуда эзиб юборди. У қанча вақтгача хотиннинг аянчли аҳволини кўз олдидан кетказа олмас, унинг юзидаги ҳар битта ажин у кечирган азобли турмушдан қолган ўчмас из бўлиб Азизанинг хотирасига мухрланиб қолган эди. Хотиннинг эрини суд қилишди. Азиза эринмай судга қатнади, гувоҳ сифатида кўрган билганларини айтиб берди. Лекин барибир юрагидаги алам, ўч ҳисси сўнмади. Ахир, не-не умидлар билан бир ёстикқа бош қўйганда шўрлик аёл шундай кунлар бошига тушишини ўйлаганмикан?

Азизанинг ҳаловати йўқолди. Охири бориб, аёлнинг кетидан туғуруқхонага йиғлаб борган Раънони ўз тарбиясига олди. Азиза Раънога қилган ҳар бир меҳрибончилиги билан она руҳини шод қилгандай енгил тортар, онаси кўрган кунларни бу кўрмаслиги учун, уни онасига ўхшаб тақдирга бўйсунувчан қилиб эмас, ўз тақдирини ўзи яратадиган, ҳуқуқини таниб олган талабчан, мағрур, иродали қиз қилиб ўстиришга уринарди. Эгамов ҳам Раънони ўз қизидек севди, ташвишини тортди. Орадан уч-тўрт йил ўтгандан кейин ўзлари ҳам қиз кўришди.

Раъно ҳозир студентка. Университетнинг иккинчи курсида ўқийди. Бундан ўн-ўн беш кун аввал ҳамкурслари билан пахта теришга кетган. Эгамов Раънонинг маъсум, беозор кулиб турган юзига боқиб меҳр билан жилмайди. Лекин шу ондаёқ пешонаси тиришиб, кўзларига мунг чўқди.

Кечки пайт ҳаво айниб, бирдан шамол турди. Дарахтларнинг қуриган барглари шилдирар, ҳазонлар ҳовли юзида айланиб, чиннидек ҳовлини бир неча кундан бери супурги тегмаган кўйга солди. Меҳри хола уйга чанг кирмасин деб дераза қанотини ёпар экан, ўғлидан чой ичасанми деб сўради. Эгамов Раънонинг суратидан кўзини олмай туриб, йўқ деган маънода бош тебратди. Меҳри хола энсаси қотган бир қиёфада орқасига ўтирилди-да, шамол тушириб юбоган самовар карнайини ола туриб тўнғиллади:

— Худо ўзларингга бермаса, бошқа гап эди! Бировнинг боласига мунча ёпишиб олмасаларинг! Бир куни эрга тегиб кетади. Қоласизлар, тиззаларингга шапатилаб...

Эгамов бу гапни эшитмади. Ҳозир унинг бутун фикри балоғатга етиб, мустақил ҳаётга қадам қўяй деб турган қизининг тақдирини ўйлаш билан банд эди.

Кейинги кунларда Раънога бир йигит тез-тез телефон қиладиган бўлиб қолди. Азиза ҳам, Эгамов ҳам аввал бунга эътибор беришмади. Кейин Раъно бир соат, ярим соат кеч келадиган, йигит телефон қилганда эшикни беркитиб олиб гаплашадиغان бўлди. Азиза Раънога онадек меҳрибон, пайти келганда эса яқин дугонасидек сирдош бўлишга уринар, бу нарса Раънонинг бахтсиз бўлиб қолмаслиги учун жуда-жуда керак деб биларди. Эр-хотин ташвишга тушиб қолишди: у йигит ким? Қанақа? Раъно унга тегса, бахтли бўладими?

Бир куни чақ-чақлашиб ўтиришганда Азиза пайт пойлаб ҳазиллашиб, гап очди:

— Раънохон, ростини айт, қизим, телефон қиладиган бола ким ўзи?

Раъно кулиб эрга қаради. Унинг аниқ-ошкор жавоб бермаслиги Азизанинги гумонини тасдиқлаган эди.

— Ундай бўлса, таништириб қўйгин-да! Куёвимиз бизга ҳам ёқиши керакми, ахир, — деди кулиб.

Ана шундан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас Эгамов Раънони кинохона ёнида ўша йигит билан учратди. Эгамовнинг унга кўзи тушгандаёқ юраги шувиллаб кетди, уйга қандай етиб келганини билмади. Тоқатсизлик билан Азизани кутди. Олифта кийинган, лекин унча чиройли бўлмаган бу йигит ёши ўтган бир артистканинги ўйнаши эди. Буни ҳамма билмаса ҳам, ҳарқалай, биладиганлар бор эди. Унинг таърифини Эгамов билан тушлик овқатга чиққан ходимлардан бири айтиб берган эди. Йигитнинг исми Толиб экан, у илгарилари таниш-билишларига маъқул йигитлардан бўлган. Ўзинчи синфни битиргандан кейин шофёрликка ўқиб, шу хунар орқасида рўзғор тебратарди. Нима бўладию ўша артистка Толибни ўзига шофёр қилиб олади. Авваллари ҳеч ким бунга аҳамият бермайдди. Лекин бора-бора Толиб уйига ҳам кам келадиган, ўзи жуда башанг кийинадиغان бўлиб кетади. Уйларини тузатди. Яхши мебеллар олди. Ўғлининг бирдан бундай пулдор бўлиб кетганини кўрган онасининг кўнглига шубҳа тушди. Бир куни ўсмоқчилаб сўради:

— Болам, авваллари ҳам шу касбингни қилардинг-ку, лекин бунақа пул топмасдинг. Уйланишингга худо етказяптими?

Толиб бироз қизаринқиради. Кейин онасининг кўзига қарамай туриб:

— Хўжайиним жуда бой, сахий хотин. Ҳеч нарсани аямайди. Машина бемалол. Унча-мунча киракашлик ҳам килиб тураман, — деб жавоб берди.

— Хўжайинингнинг қиз-пизи йўқми?

— Нима қилди? — деди Толиб чўчиб.

— Бунча яхшилиқ қилганидан тагин куёв-пуёв қилиш нияти йўқмикан дейман-да, — деди онаси кулиб.

Толиб хўжайинининг қизи борлигини, бироқ куёви ҳам борлигини айтмади. Онасининг саволига на уёқлик, на буёқлик демайдиган бир маънода кулиб қўя қолди. Ана шундан кейин онанинг кўнгли таскин топиб, хотир-жам бўлди.

Бир куни бечора она маҳалладаги қизлардан бирини ҳавас қилиб, қўшниларидан бирига гапириб қолибди. У қўшниси ҳам қизни хурсанд қиламан деб ўйлабди. бу гапни дарров етказа қолибди. Қиз кулиб туриб:

— Йигирма ёшини қирқ яшар хотинга муносиб кўрган йигитга қизлар ўйлашиб тегади-да, — деб жавоб берибди.

Қўшниси ханг-манг бўлиб қолибди. Кейин бу гапни келиб Толибнинг онасига айтибди. Она сиртдан сир бермабди-ю, ичидан зил кетибди. Ўғли келганида кўзёш қилиб, олиб келган пулларини олмабди.

Лекин Толиб парво қилмади. У уйига ҳафталаб келмас, шу келмаганининг эвазига даста-даста пул, онаси билан синглисига яхши-яхши совға-саломлар олиб келарди. Онасининг қайда эдинг, деган саволига, хўжайиним билан гастролда, областларда юрган эдик, деб жавоб берарди.

Онасининг кучи фақат кўзёшга етди. Уни бу йўлдан қайтариб ололмади. Лекин олиб келган нрсаларини энди ушламай қўйди, ҳатто қарамади ҳам.

Толибни рудда ўтирганини кўрган одам уни шофёр эмас, шу машинанинг эгаси деб ўйларди. Ҳақиқатан ҳам, шу кунларда миниб юрган «Волга» Толиб учун яқинда олинган эди.

Айтишларига қараганда, ана ўша хотин Толибни аллақайси бир институтга ўқишга ҳам киритиб қўйган эмиш.

Эгамов йигитнинг кимлигини хотинига айтди. Азиза жуда бетоқат бўлди. Чунки у Раънонинг онасини сира кўз олдидан кетказга олмас, бутун умрини бераҳм, бемехр эрнинг қўлида хазон қилган бу хотиннинг қизи ҳам онаси-дек бахтсиз бўлишини сира-сира истамасди. У Раънодан яхши кўрган йигитининг исмини сўради. Кошки бошқа йигит бўлса! Йўқ, у Эгамов айтган йигитнинг ўзи эди.

Азиза Толибнинг хулқ-атвори тўғрисида Раънога гапириб берди. Раънонинг ранги оқариб кетди-ю, лекин ҳеч нарса демади. Бир-икки кун маъюс бўлиб юрди. Аммо яна йигит телефон қиладиган, бу чиқиб кетадиган бўлди. Афтидан, Толиб бу гаплар тухмат деб, Раънонинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирган. Азиза қизи билан қаттиқроқ, очикроқ гаплашишни мўлжаллаб юрган эди, улгуролмади. Раъно студентлар билан пахтага кетиб қолди.

Эгамов қизининг суратига қараганда ана шу гаплар хаёлидан бир-бир ўтдию юраги нотинч бўлиб қолди. Фурсат ўтмасдан Раънога тушунтириш керак. Ўзининг йигитлик шаънини пулга сотган, яхши бир қиз кадрлаши мумкин бўлган умрининг энг гўзал, ширин онларини енгил ҳаётга алмашган, ўзига ўзи ҳисоб беролмаган, ўзини ўзи қайтаролмаган, нафратланишни, жирканишни билмаган бир кимса Раънога эр бўладими?!

Эгамов сесканиб кетди. Бугун редакциядан бироз хафа бўлиб қайтгани ҳам эсидан чиқди. Хаёли, ўйи Раънога чопди.

Мехри хола кириб жавондан каттагина шол рўмолини олиб ўрай бошлади. Эгамовнинг димоғига нафталин ҳиди урилди. Мехри хола, Наргисни олиб келишга кетаётганини айтиб, чиқиб кетди. Ичкари уйда будильник жиринглади. Орадан озгина фурсат ўтгач, уйқуга тўймаган кўзларини ишқалаб Азиза чиқиб келди. У нозик, ўрта бўй, думалоқ юзида кулгичи бор, истараликкина жувон эди. У икки ўрим узун, лекин ингичка сочини йўл-йўлакай ўраб, прическа қилар экан, эрининг ёнига келди. Бир қарашдаёқ Эгамовнинг маъюслигини билди.

— Ойим қанилар?  
— Наргисга кетдилар.  
— Хомушроксиз?  
— Йўқ, ўзим хаёл суриб ўтириб қолибман, — деди Эгамов кулиб.

Азиза шошилиб ошхона томонга ўтиб кетди. Хиёл ўтмай совукдан қўлларини бир-бирига ишқалаб уйга кириб келди.



— Ёмғир савалаяпти. Совуқни қаранг-а! Раъно тинчмикан; Тушимга кирибди.

— Вақтим бўлса, бир бориб келмоқчиман.

— Яхши бўларди.

Азиза ҳамма вақтдагидек шошиб юриб ошхонадаги стол устига нон, мурч олиб қўйди. Помидор тўғради. Эгамов унинг олдига чиқди. Бу уй Раънонинг хонасига рўпара бўлиб, катта, ёрув, яхши мебеллар билан жиҳозланган эди. Уйнинг ўртасида катта, думалоқ стол, ичига чинни идишлар тўлдирилган ойнали сервант, алоҳида кабинет йўқлигидан бўлса керак, китобларга тўла катта шкаф ҳам шу уйда эди. Ўнг томонга қўйилган катта диван устига кичкина гиламча ташланган. Бурчакда кичикроқ, этажерка нухасидаги стол устида «Знамя» телевизори турибди. Ҳамма хона озода, сарамжон. Азиза икки та косада чучвара шўрва сузиб келди. Нарибери овқатланиб, ичкари уйга кириб кийиниб чиқди. У дам-бадам эрига савол назари билан қараб қўяр, унинг юрагидаги ғашликни билишга уринар, Эгамов бўлса ўзини хушчакчақ тутишга, Азизани ишга хотиржам кетишига ҳаркат қиларди. Азиза чиқиб кетаётиб эрига яна ўшандай бир қараш қилди-да:

— Зерикманг. Ҳозир Наргис ҳам келиб қолар, — деди.

— Азиза!

— Лаббай.

— Ҳеч бемалол бирга ўтирамизми-а?

Азиза эрига бир нафас тикилиб қолди. Кейин сумкасини стулга қўйиб, Эгамовнинг ёнига келди. Уни бўйнидан кучоқлади.

— Нега хафасиз, Қодир ака, айтинг.

— Ҳеч хафа эмасман. Сиз бўлсангиз мен йўқман, мен бўлсам сиз йўқсиз, — деди Эгамов. Ишга кетаётган хотинининг кўнглига ғулғула солиб қўяётганини сезиб гапни бошқа томонга бурди: — Соғиниб қоламан.

Азиза унга беихтиёр, эрка табассум билан жавоб берди. Эгамов уни кўча дарвозасигача кузатиб чиқди. Азиза соатига қаради, эри билан хайрлашиб, чопкилаганча кетди. Эгамов унинг орқасидан меҳр билан қараб қолди.

Негадир кейинги пайтларда бўлим бошлиғи Нурматов Эгамовни кавлаштирадиган бўлиб қолди. Эгамов редактор олдига кирмоқчи бўлса, уни тўхтатади. Ҳатто фақат Эгамовнинг ўзига алоқадор бўлган гапларни ҳам Эгамовсиз ҳал қилиб юборар, мумкин қадар уни редак-

циядан четроқда юришини хоҳларди. Айниқса, олиб келган материаллардан албатта бирорта нуқсон топар, гоҳ қайта ишлашга берар, гоҳ фактлар аниқ эмас деб тихирлик қиларди. Эгамов буни ўтган летучкаларнинг бирида бўлим бошлиғи туширган бир бўш мақолани танқид қилгани, шу мақола муаллифи бошлиқнинг яқин ошнаси эканини айтгани учун қасд оляпти деб ўйларди. Эгамов бу одам ҳақида унча ёмон фикрда эмас. Фақат шуни билардики, у эски журналист бўлса ҳам, редакциядан чиқмаслиги, ҳозирги кишлоқни, ҳозирги дехконларни фақат газетага келадиган мақолалар орқалигини билиш-лиги уни бир жойда турғун қилиб қўйганди. Мухбирларнинг юрагини тўлқинлантирадиган воқеаларни у кўрмайди. Ўзи ниҳоятда меҳнатқаш, эртадан кечгача столига мук тушиб олиб материал ишлайди, уларни босмахонага туширади. Лекин ишлаган материаллари унчалик пишиқ бўлавермайди. Кўпинча адабий ходимларга ўргатган бўлади-ю, уларнинг кўзи олдида чиройли жумлаларни бузиб қўяди, ҳар жумланинг ўз оҳанги борлигини билмайди. Сўзларни стрелкалар билан уёқдан-буёққа кўчириб, чизишни яхши кўради.

Лекин Эгамов ўйлагандек, нурматов бу нарсаларни билмасдан қилмасди. У ўзининг оксаётганини сезар, шунинг учун ҳам буни бошқаларга билдирмасликка тиришар, ўзини билағон кўрсатишга, нима қилиб бўлса ҳам бошқаларга ўргатишга уринарди. Ундаги бу заифлик кейинча яна бошқа камчиликларга йўл очиб берди. У ўзининг мухлисларини кўпайтириш учун хом-хатала материалларни ҳам саҳифага киритаверарди. Редакцияга йўл тополмай, атрофда ўралашиб юрган ўткинчи одамларга кўпроқ суянар, уларни редакцияга олиб киришга уринарди. Чунки ўз заифлигини билган одамгина ўзидан заифроқ одамлар билан иш тутишни афзал кўради. Бу нарса ҳаётда олдинга эмас, орқага қараб кетаётганини яшириш учун бир ниқоб эканини ўзи ҳам биларди.

Кейинги вақтда летучкаларда бу нарсалар ҳақида кўпроқ гапирадиган бўлиб қолишди. Унинг устига, бир куни редактор чақириб, Эгамовнинг қалами пишиқлигини айтиб, уни редакцияда ишлашга кўчирсакмикан, ҳарқалай, теришга бериладиган материалларни пишиқроқ кўз кўргани яхши, деб қолди. Нурматов сир бой бермаса ҳам ичидан зил кетди. Эгамовнинг материал олиб келишда ҳам ўзига хослиги, кўпроқ бошқаларнинг назаридан четда қолган янгиликларни топиб келиши

хакида гапириб, бу тўғрида ўйлаб кўриш керак, деди. Ўтирганда кўпроқ фойдаси тегадими, юргани яхши, деди бўлим бошлиғи сохта куюнчалик билан. Аслида, Нурматов бу гапни ўз столдан хавотирланиб айтган бўлса ҳам, лекин редактор ўйланиб қолди. Чиндан ҳам Эгамов кўп мухбирлар эътибор бермаган фактларни топиб ёзар, бошқаларга кичик, арзимас бўлиб кўринган воқеалар замирида жуда муҳим фикрлар яшириниб ётганини тушунтириб беришга уста эди. Шунинг учун ҳам Нурматовнинг жавоби редакторни ўйлантириб қўйди.

Бирок, Нурматов шундан кейин багтар тинчини йўқотди. Эгамовнинг эса бу гаплардан хабари йўқ эди. Хабари бўлганда ҳам у бундан хурсанд бўлмас, мийиғида кулиб қўя қоларди. Чунки вилоятма-вилоят, қишлоқма-қишлоқ; ҳар бири алоҳида олам бўлган турли одамлар билан суҳбатлашиш, республиканинг энг узоқ бурчакларидаги нуқсонларни ҳам, ижобий ходисаларни ҳам афкор оммага етказиш унга битмас-туганмас завқ бағишларди.

Эгамов Сурхондарё сафаридан қайтгач, бундан аввал Мирзачўлга борганида олиб келган бир материали нима учун босилмаганини суриштириб қолди. Нурматов ўзини жуда бу тўғрида бош қотирган қилиб кўрсатди.

— Шу ширкатни тузган, шунча катта ишлар қилган донгдор раиснинг обрўсини арзимаган гаплар учун тўкиб қўймаймизми? — деди у.

— Қандай арзимаган гапларни назарда тутяпсиз?

Шу пайт ходимлардан бири боғдорчиликка алоқадор қандайдир масалани сўрагани кириб қолди. Нурматов ҳақиқатан ҳам боғдорчиликни яхши биларди. Сўраб-суриштиришдан, шу ҳақда чиққан китобларни топиб ўқишдан зерикмас, миришкор боғбонлар билан хат ёзишиб ҳам турарди. Айтишларича, ҳовлисидаги бир туп дарахтда бир неча хил мева пишармиш. Нурматов ходимга завқ билан жуда яхши тушунтириб бергач, Эгамовга юзланди.

— Масалан, гулзор масаласини олайлик... Менимча, раиснинг хизматлари олдида писанда қилишга арзимайдиган гаплар.

Эгамов мийиғида кулди.

— Писанда қилишга арзимайди десак, ярани катта қилиб юборамиз. Кузда, қор ёғиш олдида гулзор қилиш шартмиди? Дехқонларнинг қанчалаб меҳнат куни синг-

ган, гулзор қор тагида қолиб кетган. Баҳор ўтган, ёз ўтган, кузга келганда раиснинг эсига гулзор тушиб қолган. Қанча колхозчи овора, меҳнат куни пул билан ўлчади, ахир! Колхознинг қанча пули кетган. Бу нарса бемаслаҳат иш тутишини, бошқаларни писанд қилмаслигини кўрсатади. Лоақал колхозчиларнинг ўзларига қўйиб берсин эди, ўз кўчаларини ўзлари гулзор қилолмайди-ми? Кечаси бўлса ҳам ишлашарди. Лекин, ҳамма нарса-ни ўз буйруғи билан бўлишини хоҳлаган раис, палончи раис қилдирган гулзор, деган гапни эшиттиси келган. Нима, бу писанда қилишга арзимайдими?

Колхозда актив хотин-қизлар кам. Раис бригадир, звено бошлиқларини идорага чақирмоқчи бўлса, хотин-қизларни чақирмайди. Бўлган гапларни уларга далада айтиб қўя қолади. Нега бундай қиялсиз, десангиз, баъзи эркакларнинг оғзи бепوشна, хотинлар олдида оғзидан хунук гап чиқиб кетади дейман-да, деб баҳона қилади. Хўш, ўша эркакларни тартибга чақириш керакми, ё уларни деб хотин-қизларни идорага йўлатмаслик керакми? Буни кичкина гап деб бўлармикан?

Колхозга ёрдам бериш ниятидан ўқитувчилар жамоаси сиёсий тўғарак машғулотларини олиб бориш учун ўзларидан одам ажратибди. Бу вазифа топширилган ўқитувчи яқинда Тошкентдан кўчиб келган экан. Раис уни ҳам яқин йўлатмабди, шаҳар кўрган эчкидан кўрк, деган эмиш. Бу қандоқ бўлди, шулар кичкина гапми?

Эгамов қизишиб кетганидан Нурматовга маълум бўлган гапларни яна бошқатдан гапириб чикди. Нурматов оғирлик билан уни босишга уринди:

— Ўзи ўша раис бечорани жинингиз суймабди-да, Қодиржон, — деб кулди. Кейин ярим жиддий, ярим ҳазил оҳангида қўшиб қўйди: — Яхши ният билан яна бир марта айланиб келмайсизми: Зора яхши томонлари кўпроқ кўриниб кетса?!

Бу гап Эгамовга қаттиқ ботди.

— Кўзим ёмонни ҳам, яхшини ҳам кўра олади, деб ўйлайман...

Унинг гапи бўғзида қолди. Идорага новча, орик, олдинги икки тиши лабини туртиб чиққан бир йигит кирди. У Нурматов қаршисида тўхтаб, култ этиб тупугини ютди-да, жуда паст овозда материалининг оқибатини сўради.

— Энди, ука, жуда арзимас нарсаларни ёзиб келибсиз-да, — деди Нурматов. — Бу нарсалар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади.

Йигит кўзларини пирпиратиб, бир тебраниб олгач:

— Энди одамнинг гаши келар экан-да, — деди хижолатлик билан.

Бу йигит олиб келган материалдан Эгамов хабардор эди. Унда шахар ва шахар четидаги баъзи бир идора, артель ва почталардаги лавҳалар, шиорлар ва эълонлар қўпол имло хатоларига тўлиб кетганлиги танқид қилинган эди. Қайси бир идора ёки муассасага борган одам дастлаб унинг пештоқидаги лавҳага қарайди. Демак, четдан борган одамда ўша идора ҳақидаги илк тасаввур лавҳадан бошланади, десак бўлади. Кўриниб турибдики, бу кичкина гап эмас, ҳақиқатан ҳам гашни келтирадиган гап экан.

Эгамов йигитнинг ёнини олмоқчи бўлди.

— Бу материал бизнинг бўлимда нима қилиб юрибди? — деди у Нурматовга.

Йигит Эгамовнинг нима демоқчилигидан беҳабар, жавдираб Нурматовга қаради. Йигит чекка вилоятдан Тошкентга қандайдир бир малака ошириш курсига ўқишга келган эди. У редакцияга келиб, кимдан нима сўрашни билмай анграйиб турганида Нурматовга дуч келган ва унга материални топшириб кетаверган.

Нурматов Эгамовга захарлик билан бир қараб қўйиб, жавоб қилди:

— Жавоби кўриниб турган нарсани ҳам бу бўлимга эмас, у бўлимга бор, деб мауллифни овора қилиб ўтира-мизми? Укам ҳали ёш экан, нима ёзиш кераклигини билмаган; айтамыз, тушунтирамыз, ёрдам берамыз.

Эгамовнинг энсаси қотди. Жавобдан ўзини тийиб, йигитга қаради:

— Ука, коридорга чиқиб, чап қўлдаги биринчи хонага — Маданият бўлимига кириб. Балки, улар материалгиздан фойдаланишар, — деди.

Нурматовнинг жони бўғзига келгандай бўлди. У букловлик қоғозни йигитнинг қўлига тутқазар экан, у чиқиб кетиши билан Эгамовга кесатиқ қилди:

— Асли, столимизни алмаштириб олсак ҳам бўлар экан. Оғиз очиргани қўймайсиз-а, Қодиржон!

Эгамов ўрнидан турди. Нурматовга қаттиқроқ бир жавоб айтишдан ўзини тийиб, ташқарига чиқиб кетди.

Эгамов ҳалигина идорада бўлиб ўтган ана шу гапларни ўйлаб кетиб, ташқарида ёмғир кучайганини ҳам сезмай қолди. Тарновдан тушаётган лойка ёмғирнинг шариллаган овози уни ўзига келтирди. Мехри холанинг

Наргисга кетганини эслаб, шошилиб плашини кийиб, соябонни олди-да кўчага чопди. Дарвоза олдида Мехри холага дуч келди. У рўмолининг бир томони билан Наргиснинг бошини ўраб, шошиб келарди. Эгамов қизини дарров кўлига олиб, орқага қайтди. Қизининг ёмғир теккан кийимларини янгилаб, кичкина, нам кўлларини кафти орасига олиб иситмоқчи бўлди. Наргис боғчада ўйнаган ўйинларини чулдираб узоқ гапириб берди. Кўғирчоқ ўйнаб ўтириб ухлаб қолди. Мехри хола хонадан-хонага чиқиб нималарнидир йиғиштирар, тиниб ўтирмасди. У столга чойнакни кўйиб, яна чиқиб кетаётган эди, Эгамов газетадан бош кўтариб:

— Ойи, ўзингиз ҳам ичмайсизми? Ўтиринг, дамингизни олинг, — деди.

Мехри хола ўтирди. Орага жимлик чўкди. Эгамов бу жимликни бузиш учун гап қидирар, узуқ-юлуқ савол-жавоблар бир-бирига сира қовушмасди. Эгамов чой қуйиб онасига узатди, ширинликни унга томон суриб қўйди, Наргиснинг қилиқларини гапирган бўлди. Барибир орадан қандайдир совуқ бир бегоналик кўтарилмади. Мехри хола туриб, яна ғимирсий бошлади. Эгамов онасига илиқ-иссиқ сўз тополмаганидан ичида ўзини койиди. Нима қилсин, бунинг учун у айбдор эмас-ку! Кўнгил ҳамма вақт ақлга бўйсунавермас экан.

Мехри хола ёшлигида эрига нисбатан анча чиройли ва ёш бўлган. Хуснининг таърифиди оғизга тушган. Борбора у эрини менсимай қўйган ва эндигина тўрт ёшга кирган Қодиржонни ташлаб, бошқа бир қишлоққа эрга тегиб кетиб қолган. Отаси бўлса Қодиржонни кўзи киймай, узоқ вақт уйланмай юрган. Лекин, барибир хотин олишга мажбур бўлган. Ўғай она Қодиржонни сиғдирмасдан турткилайверган. Шундан кейин Қодиржон интернатга кетиб қолган. Кўп вақт ўтмай, отаси вафот қилган. Онасининг дарагини билмаган ва отадан айрилган Қодиржон бутунлай бегона одамларнинг ғамхўрлигида ўсди. У онасининг тириклигини билар, лекин қаердалигини билмасди. Ақли кирган сари онасининг қилмишини муҳокама қилар ва уни соғиниб эмас, юрагида қандайдир бир алам билан эсларди. Орадан йиллар ўтди. Қодиржон йигит бўлди, ўқиди, уйланди. Бир куни у ишга келса, котиба қиз унинг столига хат қўйиб кетибди. Қинғир-қийшиқ, афтидан, ёш болага ёздирилган бу хат унинг онасидан эди. Хатда онаси кўзёшли қилиб, қариганда ёлғиз қолганлигини, ўғлининг фироқида куйганлигини хабар

қилиб, дийдор кўришишга мушток эканини айтарди. Эгамов хатни ўқиб чиқди-ю, юраги жиз этмади. Лекин, шундай бўлса ҳам ўйи, хаёлидан ўша хат нари кетмади. Кўнглининг аллақаерида яшириниб ётган болалик бурчи уйғонгандек бўлди. У онасидан хат келганини Азизага айтди. Азиза бориб, онасини олиб келишни маслаҳат берди. Эгамов аввал ўзи туғилган қишлоққа борди, ундан кўлидаги адрес бўйича қўшни қишлоққа ўтди. Уни ёши олтмишларга борган, ўрта бўй, чакқонгина бир кампир йиғлаб-сиктаб кутиб олди. Бу Эгамовнинг онаси эди. Шунда ҳам унинг юраги жиз этмади. Агар кўчада бир бегона хотиннинг йиғлаб боласига ташланганини кўрса юраги балки кўпроқ тўлқинланарди.

Эгамов Меҳри холани олиб қайтди. У Қодиржондан кейин туғмаган. Эри ўлганидан кейин ёлғиз қолган экан. Ана шу сабаблар билан она-бола ўртасидаги муносабат қандайдир ясама, сунъий бўлиб қоларди. Эгамов интернатдалигида унга қараган, касаллигида бошига келган хотинларни юраги эзилиб, эслаб соғинарди, лекин қаршисида ўтирган ўз онаси билан иккови ўртасида баланд бир девор борга ўхшарди. Шу девор фарзандлик меҳрини у томонга ўтказмаётгандек эди.

Харқалай, болага она керак вақтида у қорасини кўрсатмади, аммо бола керак бўлганда уни қидириб топиш кўлидан келди.

Келинг, яхшиси, булар ўртасидаги муносабатни муҳокама қилмайлик. Зотан, она деган улуг номи бўлса ҳам, барибир Меҳри холани оқлашга асосимиз йўқлигидан Эгамовга бу тўғрида бирон иллат ёпиштиролмаймиз.

Эгамов ёмон гапирмайди, ками-кўстидан доим хабардор бўлиб туради, нима лозим бўлса, ҳаммасини қилади. Шундай экан, ақлини танигандан бери қалбининг бир четини кемириб ётган ҳисларни ўзгартиришга биз кодир эмасмиз.

Эгамов журналларнинг янги сонларини варақлаб, газета ўқиб анча вақтгача ўтириб қолди. Кейин яна хаёлига Нурматов келди. Бугун куни бўйи дилини сиёҳ қилган бу воқеани яна эсламаслик учун ўрнидан туриб, ухлаш учун ичкари уйга кириб кетди.

Эрталаб Азиза ишдан қайтди. У жуда чарчаган бўлса ҳам руҳи енгил, хурсанд эди. Бугун кечаси у тинмади. Олтита янги меҳмон дунёга келди. Она ҳам, бола ҳам саломат, ҳаммаси яхши бўлди. Азиза ечиниб, юз-қўлини ювиб келгач, ухлаб ётган Наргисни ўпди, эркалади. Кей-

ин нари-бери чой ичиб, бир зум мизғиб олай деб уйга кириб кетди.

Бугун дам олиш куни эди. Эгамов Раённинг олдида боришни мўлжаллаб қолди. Меҳри холанинг энсаси қотди.

— Кап-катта қиз, нимасидан хавотир оласан?! Қайси куни Азизахон мактабига бориб, посилка ташлаб келди. Гуруч-пуруч сўраган экан.

— Гуруч? Гуручни нима қилади?

— Мен қайдан билай! Қайси куни мактабидан битта ўртоғи келган эди. Ўша айтди, шекилли.

Эгамов Азиза дам олгунча бориб келарман, деган ниётда чиқиб кетди. Йўлда магазинга кириб у-бу харид қилди.

Раёно пахта тераётган колхоз унча узоқ эмасди. Автобус бирон соатда олиб боради.

Ёмғир тинган бўлса ҳам хаво тунд, осмондан захар томиб тургандай. Бунинг устига, машинада одамнинг кўплиги, гала-ғовур, нам кийимларнинг ҳиди Эгамовнинг кўнглини беҳузур қилди. Мана шу ахволда у бир соатлик йўлни тикка туриб ўтказди. Машинадан тушгандан кейин ёмғир савалай бошлади. У одамлардан сўраб-суриштира, энди буёғига йўловчи машиналарга чиқиш керак экан. Эгамов қачонлардир бу колхозга бир борган эди. Бирок, ҳозир колхозлар йириклашиб кетган, Раёно турган участканинг қайси томондалигини билмас эди. Эгамов анча вақт кутиб туриб, охири бир юк машинасининг кузовига чиқиб олди.

Ёмғир пуркаб турибдики, шамол кўз очиргани кўймайди. Бунинг устига, йўл ёмон. Машина тинмай чайқаларди. Бирон соат йўл юрилгандан кейин шофёр Эгамовни пахтазор ўртасидан кесиб ўтган арава йўлининг бошига ташлаб кетди.

— Шу йўлдан тўғрига бораверасиз, — деб тайинлади у.

Эгамов одам қораси кўринмаган кенг далада бир ўзи қолди. У шофёр кўрсатган йўлдан кетди. Йўл лой, ҳам тийғончоқ. Ҳали пахтаси жуда тоза териб олинмаган ғўзалар совуқдан шумшайиб кўнглини хижил қиладиган қиёфада атрофни ўраб ётарди. Эгамовнинг юраги ачишиб кетди. Уч-тўрт кун ёғмай турса нима қиларди-я, деди у.

Ярим соатлар чамаси йўл юргандан кейин икки юзига бир хилда қатор оқ иморатлар тушган кенг йўлга чиқди. Кўчанинг ўртасида иккита қиз гаплашиб турибди.



Бирининг кўлида бўш челақ, иккинчисининг кўлида бир даста идиш. Эгамов уларнинг ёнига келиб сўрашди.

— Раёнони танийсизларми, қизлар?

— Фамилияси нима?

— Қайси факультетдан?

— Химфакдан. Эгамова.

Қизлардан бири ўнг томондаги уйлардан учинчисини кўрсатди:

— Ўша уйдан сўранг, химфакдаги қизлар ўша уйда туришади. Эгамов бориб уй эшигини тақиллатди. Ичкарида ғала-ғовур, кимдир ашула айтяпти, кимдир куляпти, шу орадан патефоннинг бўғиқ, хириллаган овози ҳам эшитилиб турибди. Эгамов эшикни қаттиқроқ урди. Ичкаридан кимнингдир:

— Да, да! — деб ўрисча кичкиргани эшитилди.

Эгамов эшикни очиб, секин ичкарига кирди. Қизлар бирдан жим бўлиб қолишди. Ўртада танца тушаётган қизнинг бири шошиб полга тўшалган ўринларнинг бирига ўтирди. Иккинчиси тек туриб қолди.

— Кечирасизлар, қизлар, — деди Эгамов, — химфакданмисизлар?

— Ха, ха, — деб бир неча қиз баробар жавоб қилди.

— Уйларинг жуда яхши экан, — деди ўртадаги ўнғайсизликни кўтариш учун Эгамов.

— Ёмон эмас-у, лекин сичқон кўп. Ана, кўрмайсизми, овқатларимизни осиб қўйганмиз. Ўшанда ҳам барибир шифтдан тушишади, куриб кеткурлар! — деди махмадонароқ бир қиз.

Шундагина Эгамов шифтга осилиб ётган тўр халталарни кўрди.

— Ха, дуруст, йўлини топибсизлар! — деб кулди Эгамов.

Қизлардан бири сапчиб ўрнидан турди-да, табуреткани Эгамов томонга суриб қўйди.

— Кечирасиз, ўтиришга ҳам таклиф қилмабмиз.

— Химфак бўлсаларинг, Раёно нега кўринмайди-а?

Қизлар бир-бирларига қараб олишди-ю, жавоб беришмади.

— Эгамовами? — деди биттаси секингина.

— Ха, ха, Эгамова Раёно... — Эгамовнинг кўнгли фашланди.

Қизлар бошқа гап айтишмади. Биттаси ғалати қилиб бир кулиб қўйиб:

— Сиз кими бўласиз? — деб сўради.

— Мен дадасиман.

Орага яна жимлик тушди.

— Нега индамайсиэлар? Унга бирон гап бўлдимиз?

— Йўк, — деди хали «кимиз бўлмасиз?» деб сўраган киз. — Раъно тинч. Фақат... фақат у биз билан турмайди.

— Маликаларга бунақа уй тўғри келмайди, — деб кулди бошқаси.

Улардан бири жавоб берган дугонасига ўқрайиб қараб қўйди-да, ҳеч нарсага тушунмай турган Эгамовга ўтирилди:

— Шу уйларнинг энг охиридагисига борасиз, — деди. — Раиснинг уйи қайси десангиз, ҳамма биледи. Раъно ўша жойда.

Эгамов кизлар билан хайрлашди-да, хайрон бўлиб чиқиб кетди.

Унга кичкина, қоронғироқ коридордан кириладиган иккита эшикнинг бирини кўрсатишди. Эгамов тақиллатди, ичкаридан руҳсат бўлгач, уйга кирди. Кирдию столда уч кизнинг ўртасида суҳбатлашиб ўтирган Толибни кўрди. У кўчада турган машинани кўрган, бироқ раисники бўлса керак деб ўйлаган эди. Раъно довдираб Толибга қаради. Кейин югуриб Эгамовнинг ёнига келди.

— Вой, ёмғирда қолибсиз-ку, келинг ўтиринг! Нима қилардингиз овора бўлиб, — деди Эгамовнинг қўлидаги халтани олаётиб.

Қизлар ҳам, Толиб ҳам ўринларидан туриб одоб билан салом беришди. Эгамов нафасини ютиб стулга ўтирди. Уй кичкина, иссиқ, ўртадаги чоғроқ столнинг устига клён-ка ташланган. Эшик томонда керегазга қўйилган кострюлда овқат қайнапти. Уйни лавр баргининг ҳиди тутиб кетган. Юқори томонга иккита раскладушка, битта пачоқ каравот ёнма-ён қўйилган. Устида ўрин. Ойна тоқчасида упу, совун кути, иккита шишада ярим-ярим атр турибди.

Столнинг устида катта, чиройли хитой термоси, пиёла, битта вазада ҳар хил конфет, шиша банкада мураббо, битта ликопчада ярми тўғралган ҳасип, бир четда кичкина ойнача ётипти.

Эгамовнинг қулоғига бояги кизнинг, маликаларга бунақа уй тўғри келмайди, дегани қайта эшитилгандан бўлди. Жаҳлини ютиб, секин Раънога қаради. Унинг норози киефасини сезганлариданми, кизлар ҳам жим туришарди.

Ўртага тушган ноқулай бу жимликни бузиш учун Раъно:

— Бугун ёмғир бўлиб далага чиқолмадик, — деди.

Эгамов чидаб туролмади.

— Бунақа алоҳида шароит яратиб берилганидан кўришиб турибдики, энг зўр теримчилар сизлар бўлсангиз керак, — деди у ўзини ҳеч нарса билмасликка солиб.

Қизлар бир-бирига қараб олишди. Толиб ялтироқ сочини силар экан, Раънога кўз қирини ташлаб қўйди.

Раъно индамади. Чой қуйиб дадасига узатди. Қизлардан бири туриб, чемодандан бир сиқим қимматбаҳо конфет олди-да, вазага қўйди. Унинг юзи ялтирар, афтидан, маз суриб олган эди.

— Ойим яхшими? Наргис мени соғингани йўқми?

Эгамов қисқа жавоб бериб, пиёладаги чойни хўпладида, ўрнидан турди. У шунча уринса ҳам бу қизлар билан очилиб гаплаша олмади.

— Вой, мунча тез? Бир зум ўтиринг, овқат бўляпти.

Эгамов Раънонинг таклифига жавоб бермасдан, қизлар билан енгил хайрлашиб ташқарига чиқди. Раъно унинг кетидан катта йўлгача эргашиб борди. Эгамов ётиги билан секин сўрамоқчи эди-ю, бўлмади. Зардаси қайнаб кетди.

— Пахта тергани чиққанмисизлар ё курортгами? — деди бўғилиб.

Раъно яхши тушунмади. У бошига ташлаб чиққан рўмолига маҳкамроқ ўранар экан:

— Пахта теряпман, — деди. — Фақат бугун чиқмадик. Чиқаришмади.

— Нега бутун факультет битта уйда, уёқда тикилиб ётибди-ю, сенлар бу ерда алоҳида рўзгор қилиб ўтирибсанлар?!

— Иқболнинг ойиси келиб, раис билан гаплашиб уччаламизни шу уйга қўйиб кетди. Дадасини танисангиз керак, профессор...

— Шу бугуноқ кўрпангни кўтариб қизларнинг ёнига ўт! Тушундингми? Кўпчилик нима еса, қанақа яшаса шундай яша!

Раъно ерга қаради. Оёғи учи билан лойни титкилаб жим қолди. Эгамов Раъно билан Толиб ҳақида ҳали очик гаплашмаган эди. Ҳозир индамасдан кетолмади:

— У йигит ким? Нима қилиб ўтирибди?

Раъно жавоб бермади.

— Жўнат! Тушундингми? Қадамини узсин! Мен унинг башарасини қайтиб кўрмай! — деди.

Раъно ерга қараганча норози қиёфада қошини чимирди.

Эгамов яна гапирмоқчи эди-ю, ўзини босди.

— Бор, юпун чиқибсан-ку, шамоллайсан! Шу бугуноқ қизларнинг ёнига чиқиб кет, тушундингми? Кейин уйга хат ёз.

Раъно жавоб бермади. Ерга қараганича ўгирилиб, хайлашмасдан ётоқ томонга кетди.

## II

Нурматов Эгамов билан орадан ҳеч қандай гап ўтмагандек қуюқ сўрашди. Хатто, бизнинг талашиб-тортишишларимиз кўпчилик манфаати учун, шахсий ғараздан эмас, деб кечирим сўрагандай ҳам бўлди. Лекин барибир Эгамовдан ўша колхозга яна бориб, дурустроқ суриштириб келиши кераклигини уқтиришдан қайтмади. У ўзини мулоҳазали ва жуда меҳрибон бир қиёфада тутиб:

— Бир каттанинг гапига кир, бир кичикнинг гапига, деганлар, Қодиржон, — деди. — Бир одамни ёмонга чиқариш осон, яхши қилиш қийин. Колхозни энг илғор, миллионер колхозлардан бўлса, ҳар йили планини ошириб бажарса, колхозчилари тўқ, бадавлат бўлса, яна нима деймиз энди?! Катта хўжаликни бошқариш осонмас, ахир! Ким раислик қилса ҳам, бари бир, унча-мунча ўйдим-чуқури бўлмай иложи йўқ. Сиздан нима кетди, яна бир бориб келинг!

Эгамов ҳайрон. Нурматов бу материалга нега шунча ёпишиб олди-а? Ёки ишонмаяптими? Ёки раис билан танишчилиги борми? Эгамов ёзаётган қоғоздан бош кўтармай қисқагина қилиб жавоб берди:

— Бўлмаса, текширишга юбориб қўя қолинг, — деди.

— Ие, ана холос! Агар шундай десангиз, мен сиздан чинакам хафа бўламан!

— Бўлмаса, нима қил дейсиз? Олиб келган материалга ишонмаяпсизми, марҳамат, текширишга юборинг! Нима, мен газетага бугун келганманми? Йигирма йилдан бери қоғоз ҳидлаб, қалам қитирлатиб нон ейман, ахир! Агар менда хусуматдан бир ғубор бўлса, бу ерда ўтирмаслигим керак.

— Мен сизни бунчалик хафа қиламан деб ўйлаганим йўқ эди, — деди Нурматов унинг оғзидан гапини илиб олиб. — Фақат сизга яхши, холис ният билан гапирган эдим.

Кейин кулиб ҳазиллашган бўлди:

— Сиз ҳам ўзингизга еткунчалик ўжар экансиз-а! Қаранг, қанча вақт бирга ишлаб билмаган эканман. Ҳихи... Ҳозир куз, мана, ҳаво яна очилиб кетди. Бу ерда занг босиб ўтиргандан кўра, айланиб келган минг марта яхши эмасми-а?! Киши баъзан бировга яхшилик қиламан деб ўйлайди-ю, хафа қилиб қўйганини билмай қолади.

— Занглашда аввал сизга етиб олай, ундан кейин мамимни есангиз бўлади, — деди юмшоққина кулиб Эгамов.

Нурматовнинг бошига тўқмоқ билан ургандай бўлди. У нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, Эгамов:

— Майли, бораман, яна бораман, — дегандан кейин гапи бўғзида қолди.

Нурматовнинг кўнгли бу жавобдан ёришгандай бўлди-ю, занглашда аввал сизга етиб олай, деган гап жонидан ўтиб кетди. У бу гапнинг ҳақлигини қанчалик билса, тан олишдан шунчалик кўрқарди. Олам яратилгандан бери яхшилик билан ёмонлик ўртасида кураш кетади. Ёмонлик авваллари жуда яхлит ва очиқ-ошкор бўлса, эндиликда енгилиб бораётганлиги туфайли иккиюзламлиқ, дангасалиқ, гаразгўйлик, сохталик, кўрқоқлик, мансабпарастлик каби бир неча номларга бўлиниб, сочилиб кетган деса бўлади. Агар ана шуларнинг ҳаммаси битта одамда бўлса, ундай одам бизнинг жамиятимизга сифмаслиги турган гап. Лекин Нурматовда шулардан биттаси — мансабпарастлик — қалбининг аллақерида яшириниб ётар ва у баъзан хуружга кириб, ўзи ҳоким бўлган вужудни эзғилар, мижғилар эди. Нурматов бир замонлар редактор ўринбосари ҳам бўлган, у бошқаларга ўргатган вақтида бир жаҳон бўлиб яйраб кетарди. Унинг фикрини сўраган, унинг фикри билан келишган одамни у жуда яхши кўрар, ўзи билган ҳамма нарсани унинг миясига қуйиб қўйишга тайёр эди. Йиллар ўтди. Ўша бир вақтлар орттирган шухрати парда бўлиб кўзини тўсди. Атрофида ўсиб, юксалаётган одамларни аввал кўрмади, сезиб қолганидан кейин эса бўйин эгтиси келмади. У пастга тушиб кетиб қолмаслик учун столига маҳкам ёпишди. Эртадан-кечгача тинмай ишлади-ю, лекин бугуннинг талабига бош кўтариб эътибор бермади. У бирон одам билан бирон масалада тортишиб қолса, аввал жуда баланддан келади, кейин келишишга уринади, унда ҳам бўлмаса, ялинишга ўтади.

Нурматов ўзини редакцияга умуман керак одамлиги-

ни, уни суриб чиқармасликларини билса ҳам, кўз олдида қокилиб-сукилиб катта бўлган болалардан буйруқ кутиш, бўйин эгиш унга дахшат бўлиб кўринарди.

Эгамовнинг гапи юрагини қанча тирнамасин, у жим қолди. Лекин энди Эгамовнинг ўша колхозга яна бориш-бормаслиги унга бепарқдай:

— Билганингизни қилинг, — деди.

Шу пайт секретарь кириб, Эгамовни редактор йўқлаётганини айтди.

Нурматовнинг юраги алланечук бўлиб кетди. Иш масаласида чақирмадимикан? Йўқ, унда Нурматовга бир оғиз айтар эди. Қулоғига яна редакторнинг гаплари эшитилиб кетгандай бўлди: «Материални, ҳарқалай, қалами пишиқроқ одам кўргани маъкул». Нурматовнинг назарида, бу гап борган сари унга ариза бергин, дегандай бир маъно кашф этарди. Чунки материални фақат бўлим бошлиғи кўради. Демак...

Нурматовнинг хаёлини кириб келган Мирзаев бузди. Қоп-қора жингалак сочли, қаншари пастроқ бу йигит Нурматов билан саломлашгач, Эгамовни сўради.

— Редакторнинг ёнида, шекилли, Нима ишингиз бор эди?

Мирзаев бироз тараддудланиб:

— Бугун мен навбатчи эдим, лекин хотиним қаттик бетоб, — деди. — Уйда ҳеч ким йўқ. Редакторга айтувдим, бирорта ходим ўрнингизга навбатчилик қилсин, келишиб олинглар, дедилар. Шунга Қодир акадан илтимос қилмоқчи эдим.

Нурматов шу пайт бу йигитнинг бошқа одамга эмас, Эгамовга шунчалик ҳадди сиққанлигига рашки келгандай бўлди. Редакциядаги, ёш жиҳатдан Эгамовдан катта бўлган ходимлар ҳам кўпинча уни «Қодир ака» дейишадди. Ҳатто ҳаммани фамилияси билан чақирадиган редактор ҳам унга «Қодиржон» деб мурожаат қилади. Демак, уни одамлар яқин кўришади...

Мирзаев хомуш бўлиб чиқиб кетаётганида хонага кириб келаётган Эгамовни кўриб орқасига қайтди. Нима гаплигини билмаган Эгамов унга эътибор қилмасдан, стол устидаги қоғозларни шошилиб йиғиштирар экан:

— Андижонга жўнайдиган бўлиб қолдим, — деди. — Байрамга пахта планини бажарар экан. — Кейин Нурматовга ўғирилди: — Раҳимжон билан бирга (вилоят муҳбирини айтди) саҳифа уюштирар эканмиз.

Мирзаев индамай чикиб кетаётган эди, Нурматов уни тўхтатди.

— Бунчалик бўлса, мен навбатчилик қиламан. Хотир-жам бораверинг!

— Йўқ-э! — деди хайрон бўлиб қолган Мирзаев.

— Бораверинг, дедим-ку! Нима, мен ўринга ўтмайманми? — деди ҳазиллашиб.

Мирзаев хурсанд бўлиб, қайта-қайта раҳмат айтиб чикиб кетди.

Нурматов шу кунни қандай ўтказганини билмади. Озроқ дам олиб, овқатланиб келиш учун уйига борди-ю, лекин мизғиб ололмади. Чиндан ҳам Нурматовнинг Эгамов материал уюштириб келган колхоз раиси билан танишлиги бор эди. Нурматов у билан пахтакорлар слётида танишиб қолган эди. Раис уни колхозга бир бориб, айланиб келишини сўраган, қайта-қайта таклиф қилган эди. Аввалги йили отпускаи вақтида нимадандир кўнгли сиқилган Нурматов ўша колхозга қараб кетди. Раис жуда хурсанд бўлиб кутиб олди. Меҳмон қилди, аллақаяқдан қимизгача топтириб келди. Нурматов униқанда уч кун қолиб кетди.

Раис колхозчилар билан аҳил, ишчан, шунинг билан бирга жуда жонсарақ одам эди. Ҳазилни, аскияни ўлғудай яхши кўрар эди. Унинг бу одатини тушунган аъзолари у билан ҳазиллашишдан тортинмас эдилар. Бироқ, жаҳли чиққанда отасини ҳам танимас, ҳеч қимни аямас эди.

У Нурматов билан дала айланиб юриб сувсираб, саратон офтобида барглари сўлинқириб турган бир пайкал гўзани кўриб қолди. Гўлдираб сўкинди-да отини тутга боғлаб, гўзалар орасидан аллақаяққа қараб кетди. Нурматов — от устида, шу ерда қолаверди. Раис бир соатча йўқ бўлиб кетганидан кейин баланд бўйли, қоп-қора мўйловининг учи буралган бир кишини бошлаб келди. У одам мумкин қадар раиснинг жаҳлини авжига чиқармасликка уриниб, узр сўрагандай юмшоқ гапирарди:

— Хабарим бор, раис. Кун қайтсин деб турибман. Кейин сув бераман.

— Ўликнинг овзига сув томизгандай қилиб-а?! — деди раис зарда билан. — Қаранг, бадан-баданидаги намни офтоб сўриб оляпти. Аввалроқ кўзингиз қаёқда эди?

Раис жаҳл билан отга қамчи босди. Нурматов унинг кетидан жиловни бўш қўйиб эргашиди. То идорага етиб келгунча ҳам у Нурматовни эсидан чиқариб қўйгандай унга бир оғиз ҳам гапирмади.

Идорага яқин тол тагидаги чорпояда оппоқ соқолли бир чол уни кутиб ўтирарди.

— Болам Эгамберди! — деди отдан тушган раисни чақириб у. — Сизга икки оғиз арз билан келувдим.

Раис у билан сўрашиб, ёнига ўтирди.

— Хўш, отахон, кулоғим сизда.

— Ўғилнинг тўйини пахтани териб бўлгандан кейин қилармиз деб, ўйлаган эдим, кампир сира кўнмаяпти. Беш кунлигим борми-йўқми, кўрганам ғанимат, дейди. Ўғил келин болага айтган экан, раиснинг олдидан бир ўтайлик деб... Ўзлари келишга уялишди, мени юборишди.

Эгамберди аканинг чеҳраси очилиб кетди.

— Майли, майли, бемалол бошлайверинглар. Бир кунлик тўй ўтади-кетди, ишга зиёни тегмайди, — деди.

Хурсанд бўлиб кетган чол қаддини бироз буккан кўйи кафтини фотиҳага очиб раисни дуо қилди.

Раис идора томонга ўтиб кетаётган бухгалтерни кўриб, уни чақирди.

— Бу Ёқутхонларнинг тўйи яқинлашиб қолибди. Колхоз номидан яхши бир совға қилиш керак, — деди.

Бухгалтер:

— Хўп, уларни хурсанд қиламиз, — деди-да жуда зарур иши бўлса керак, шошилиб идорага кириб кетди.

Ана шунда Нурматовга раис жуда манзур бўлиб қолган эди. Нурматов шуларни бир-бир ўйлар экан, Эгамберди акани химоя қилиш унга жуда зарурдек кўриниб кетди. Бу, уни Эгамов олдида хижолатликдан қутқаргандай бўлиб, руҳи енгил тортди. Тўғри, Эгамовнинг мақоласидаги фактлар очиқ тан олганда раиснинг анча кўпол хатолари борлигини кўрсатиб турибди. Ҳатто Нурматов ҳам ўша вақтда колхозда хотин-қизлардан актив йўқлигини сезган, бироқ бу ҳақда оғиз очсанг бировдан ақл ўрганишни ёмон кўрган раисга бунақа гап ёқмаслигини сезиб индамай кўя қолган эди.

Ана ўшандан кейин Эгамберди ака Тошкентга келганида Нурматовни йўқлаб бир-икки марта уйига ҳам келди. Кузда икки яшиқ узум юборди.

Эгамов колхоздан қайтганидан кейин, бир куни Нурматовга Эгамберди ака телефон қилиб қолди. Хол-аҳвол сўрашиб бўлгач, бир мухбир келиб кетганини, афтидан, унча яхши нарса ёзиб кетмаганини айтди.

— Нукул қаёқдаги гапларни суриштирган эмиш, — деди у тажанг бўлиб, — ўзим йўқ эдим. Колхозга янги



машина беришмоқчи эди, ўшанинг ҳаракатида икки кун районда қолиб кетдим. Ишим битмай жаҳлим чиқиб келганимда менга учраб қолди. Нима сўрадию нима жавоб берганимни ҳам билмайман. Мухбир деган планни, илғор колхозчиларни суриштиргувчи эди. Бу бўлса, қаёқдаги гапларни сўрайди. Бу ерга менга ўша сиз ишлаган газетадан келганини айтишган эди. Анча хотиржам бўлдим, — деди.

Нурматов худди унинг гапини биров эшитиб қолаётгандек атрофга аланглаб, хижолатлик билан жавоб берди:

— Бир нарса дейиш қийин, газетачилик...

— Ҳм-м, — деди Эгамберди ака, — телефонда гапириш ноқулай. Сиздан илтимос, бир амаллаб ўша йигитни яна бир марта менга рўбару қилинг. Хўпми? Кейин у ёнига сиз аралашмайсиз.

Нурматов ночор хўп деб юборди. Ана ўша кундан бери икки ўт ўртасида ёнади. Гоҳида жинойт қилиб қўйгандек юраги қисилади. Кейин Эгамберди аканинг бутун фазилатларини кўз олдига келтириб, мен бирон қаллобни ҳимоя қилмоқчи эмасман-ку, деб ўзига ўзи тасалли беради.

Ҳар куни ишдан келиб, ҳовлисидаги дарахтлар тагида ўралашиб юрадиган Нурматов, бутун уйидагилар билан ҳам очилиб-сочилиб гапиришмади. Наридега овқатланди-да, бутун жуда кеч келишини айтиб, чиқиб кетди.

У редакцияга келганида ҳали вақт эрта, биронта саҳифа ўқишга тайёр эмас эди. Босмаҳонага тушди. Ўткир лампочкалар ёритган цехлар машиналарнинг шовқинига тўлган. Қоғоз ҳиди гуп этиб димокқа уради. Цех бошлиғи аллаким билан қичкириб-қичкириб телефонда гаплашади. Қайсидир бир газетани саҳифалаётган думалоқ, пакана одам қўлининг орқаси билан дўпписини тўғрилайман деб пешонасига қора теккизиб олди. Ўзи бундан хабарсиз, ёнидан ўтиб кетаётган Нурматовга жилмайиб салом берди-да, яна ишига тутинди. Нурматов линотипчи қизларнинг олдига борди. Машиналар тинмай шақир-шуқурлар, жонсиз-тилсиз совуқ металл инсоннинг амрига бўйин эгиб, ҳарф бўлиб қўйилар, сўзларга айланиб борарди. Эртага минглаб одамларнинг қўлидаги минглаб газеталар, улардаги қанча минг ҳарфлар мана шу кишиларнинг қўлидан, кўзидан биттама-битта ўтиб боради. Булар халқимизга ватанимиздаги бутун ян-

гиликларни вақтида етказишга шошиладилар. Нурматовни телефонга чақириб қолишди. У редакцияга чиқиб, шошилиб трубкани олди-ю, қоши чимирилиб, бир нафас ўзини ўнглолмай қолди. Яна Эгамберди ака телефон қиларди. Қуюқ ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин гап яна асосий масалага кўчди. Афтидан, раис холироқ жойдан телефон қилаётган бўлса керак, бемалол гаплашарди.

— Бораман дегандай бўлди. Яна билмадим, айнаб қолмаса,

Эгамберди ака, нима қилиб бўлса ҳам ўша мухбирни яна бир жўнатинг, ўзим хурсанд қиламан, материални ҳеч кимга кўрсатмай ушлаб туринг, дўстинг учун захар ют, деганлар деб қайта-қайта тайинлади.

— У одамни гапга кўндириш қийинроқ бўлармикан, — деди Нурматов бўшашиб, кейин кабинетда ҳеч ким бўлмаса ҳам ўз гапидан ўзи хавотирланиб, аланглаб олди.

Эгамберди ака агар вақт топса ўзи Тошкентга тушиб қолишини, ўшанда хотиржам ўтириб гаплашишларини айтиб хайрлашди.

Нурматовнинг юраги қисилди. Пешонасини чангаллаб, столга бағрини берди. Қандай ташвишга қолди-а! Нега Эгамберди акага қаттиқ, тўғри жавобни айтолмайди?! Жавоб айтиш уёқда турсин, унинг ёнини олмоқчи бўляпти. У ҳақда ёзилган материални неча кундан бери стол тортмасида яшириб ётибди. Бу қоғоз ушласа қўлини, ўқиса кўзини қуйдирыпти. Нега шундай қияпти, нега? Назарида унинг тили бовлангандай эди.

### III

Раънодан ўша кўйи ҳеч қандай дарак бўлмади. Хат ҳам ёзмади, хабар ҳам қилмади. Азиза хат ёзиб факультет орқали юборди, посылка жўнатди, лекин жавоб ололмади. Азиза Раънонинг беўрин ранжиганини билар, бироқ хатда унга бу тўғрида ёзолмас эди. Чунки, ким билади, хатни ўртоқларидан биронтаси олар. Азизанинг ишида ҳам, уйда ҳам бутун хаёли Раънода бўлиб қолди. У, қизининг бу арази унинг тақдирини Азиза хоҳлагандан бошқа йўлга буриб юбориши мумкинлигини билар, баъзан хаёлан унга уқтирар, тушунтирар, гаплашар эди. У ҳамма вақт қўлидан келганича Раънога яхшилиқни кўзлади, унинг чинакам софдил одам бўлиб етишишини истади, шунга ҳаракат қилди. Ҳар бир нарсани кадр-

лашни, ҳар бир ёмон нарсадан нафратланишни ўргатди. Онасининг бутун умрини захарлаган, Раънонинг етим қолишига сабабчи бўлган ўз отаси эканлигини тушунтирди. Азиза буни Раънони қизғанганидан қилмади, йўқ, фақат ўз юрагида кечган ҳисларни унга юқтирди, холос. У ҳамма вақт одил, меҳрибон, вақти келганда талабчан она бўлди. Ҳар бир нарсада Раънога ўзи ибрат бўлишга ҳаракат қилди.

Азиза бугун кундуз куни ишлайдиган бўлгани учун кечқурун ишдан қайтгандан кейин Иқболларникига боришни мўлжаллаб қўйган эди. Чунки Иқбол Раънонинг яқин ўртоғи, бундан ташқари, дадасининг машинаси бўлганидан, улар балки бориб хабар олгандирлар, деб ўйлади. Азиза ҳеч қачон уларнинг уйига бормаган бўлса ҳам, қаерда туришларини бир куни Раъно унга кўрсатган эди. Азиза ана шу ният билан ишга жўнади. Бироқ, дарвозадан чиқиши билан кириб келаётган почталёон унга хат тутқазди. Азиза орқасига қайтди, шошиб конвертни очди. Ранги бироз оқаринқиради. Юраги қисилиб, томоғидан алланарса бўғандай бўлди. Билинарбилимас титраган, бўшашган қўллари билан хатни оҳиста гижимлаб, чўнтагига солди-да, секин-секин юриб чиқиб кетди. Бу хат Раънодан эди. Хатда Раъно ойиси олдида катта гуноҳкорлигини айтган, узр сўраган, бироқ бундан кейин уйга қайтмаслигини ёзган эди.

Азиза ишга қандай етиб келганини билмади. Паршонлик билан ечиниб, ичкарига кирди.

Бу туғуруқхона қанча катта бўлмасин бари бир баъзи вақтларда жой етишмас, коридорга ҳам каравотлар қўйишга мажбур бўлишар эди. Азиза хотинлар ётган ана шу коридордан туғиш хонасига ўтар экан, уларнинг меҳрибон, юмшоқ табассумлари қалбини илитар, миннатдорчиликлари ҳордигини чиқарар эди. Ҳозир ҳам улар ёнидан мулойим кулиб, одатдагидай енгил, товушсиз қадам билан бир зумда ўтиб кетди. Бироқ, ана шу бир нафаслик йўлида у шаҳардаги баъзи бир туғуруқхоналарнинг оналарга нисбатан ҳамма вақт ҳам тўғри, яхши муносабатда бўлавермасликларини ўзича хаёлида муҳокама қилди. Агар ҳамма туғуруқхоналар ҳам ўз вазифаларига ҳалол, тўғри ёндошсалар эди, балки бу хотинлар шу ерда — коридорда ётмаган бўлардилар. Нега десангиз, баъзи туғуруқхоналар биринчи марта туғишнинг машаққати кўпроқ бўлгани учун биринчи туғувчиларни мумкин қадар қабул қилмасликка уринадилар.

Жой йўқ, деган баҳона билан шаҳардаги энг катта туғуруқхонанинг адресини айтадилар. Чиндан ҳам бу ерга келувчиларни ҳеч қачон қайтаришмайди. Фақат бошқа туғуруқхоналардаги баъзи жойлар ҳисобига бу ерда хотинлар коридорда ётадилар, холос.

Йўл устидаги хоналарнинг биридан чақалоқларнинг бағ-буғ йиғиси эшитиларди. Худди бу ерга бир тўда қушлар қамаб қўйилгандай эди. Азиза бу ердан жилмайиб ўтди-да, коридорнинг энг юқорисига жойлашган туғиш хонасига бурилди. Кеча навбатчилиги вақтида келган бир аёлнинг ҳали ҳам кўзи ёримаганини билиб қолди. Аёлнинг ранги оқарган, уйқусизлик ҳам оғриқ азобидан мадори қуриган эди. У инқиллаб туғуруқхонага кирди. Докторларга жовдираб, каравотга ёпишди. Тишини-тишига қўйиб ингради. Азиза бесарамжонлик билан навбатчи врачга ўтирилди:

— Ҳали ҳам туғмадимми? Нега?

— Ҳали вақти бор.

— Ёрдам бермадингларми?

— Нима лозим бўлса, ҳаммасини қилдик.

Столда анкеталар тўлдириб ўтирган ўрта ёшлардаги акушер хотин касал аёлга ўтирилди:

— Чикинг бу ердан! — деди у. — Ахир, бизга ҳалақит бeryапсиз. Туғадиган бўлганингизда кирасиз. У ёқда юра туриг.

Азиза шу пайтда Раънонигина эмас, уйини, болачақасини, ҳатто бутун оламини унутди деса ҳам бўлади. У акушер хотинга, қўполлик қилманг деган маънода қараб қўйиб, шошилиб қўлларини ювди-да, чиқиб кетаётган касал аёлни чақирди.

— Шошманг, синглим.

Акушернинг гапи кўнглига қаттиқ тегди, шекилли, аёл тўхтамади. Бу акушер хотин касаллардан ҳам, врачлардан ҳам қанча танбеҳ эшитмасин, барибир қўполлигини қилаверарди. Азиза чидаб туrolмади.

— Гулсум опа, туғмаган бўлсангиз бошқа гап эди билмайди-да деяр эдим!

Гулсум Азизанинг оғзидан гапини юлиб олиб бобиллаб берди:

— Кечаси билан тинчлик бергани йўқ. Ҳали вақтинг бор десак, яна киради. Ахир, бу анкеталарни тўлғазишим керакми? Ҳали шошманг, менчалик ишланг, кейин кўзингиз ҳам қотиб кетади.

Азиза қўлини артаётиб мулойимгина жавоб берди:

— Кўзи қотса яхши-ку, кўнгил қотмаслиги керак. Тинчлик истаган одам бу ерда ишлаёлмайди.

Гулсум ўрнидан турди. Кўлидаги ручкани столга отиб, Азизага тикилди:

— Нима, жавобимни сиз бермоқчимисиз?

— Ўзингизни босинг, Гулсум опа. Ахир, докторнинг ёнига соғ одам келадими? Касал келади, шундайми? Касалларнинг ҳаммаси ҳам инжиқ бўлади. Қоғоздан одамни фарқ қила билиш керак. Қоғозни кейин тўлатса ҳам бўлаверади. Шундай пайтда икки офиз ширин сўз бемор учун нималигини биласизми?

Азиза яна нималардир демоқчи бўлди-ю, ўзини босди, чиқиб кетди. Чиндан ҳам туғаётган онанинг кўнглида ҳам шодлик, ҳам даҳшат бор. Кўзига бутун олам қаршисидаги шу доктор бўлиб кўринади. Ана шу пайтдаги икки офиз ширин сўзи унинг чинакамига гўзал бир олам эканлигини тасдиқлайди.

Гулсум жаҳл билан уёқдан-буёққа юрар экан, тўнғиллади:

— Кечаси билан ухламай итдек ишла-да, раҳмат ўрнига маломатларга қол...

Азиза ҳалиги аёлни етаклаб кирганида Гулсум анкеталарни йиғиштириб чиқиб кетди.

— Бирам кўнгли тош экан-эй, — деди касал аёл инкиллаб, — кириб ёт, дейди. Шу азобда қандай қилиб ётиб бўлади!

— Столга чиқинг. Ҳозир ёрдам берамиз. Бир зумда кутилиб оласиз. Исмингиз нима?

— Манзура, — деди у дард ичида тўлғаниб.

Шу пайт яна бошқа бир акушерка югуриб кириб аравани шалдир-шулдир филдиратиб олиб чиқиб кетди.

— Нима гап? — деди унинг кетидан Азиза.

— Биттаси қабулхонада туғиб қўйди.

— Дардини пишириб келибди-да! Мен кўрқиб олдин келиб олибман, — деб Азизанинг юмшоқ гапидан кўнгли эриган Манзура унга шикоят қилди.

У офир-офир нафас олар, ўқтин-ўқтин кўзини чирт юмиб, тишини-тишига босиб аранг гапирарди.

— Докторнинг ўзи ҳеч қарамади. Кечаси билан практикант кизларнинг қўлига ташлаб қўйди...

Азиза стетаскопни Манзуранинг қорнига қўйиб, қақалоқнинг юрак уришини тинглади. Шошиб бошини кўтарди-да, акушер хотинга кислород келтиришни буюрди. Шу пайт баланд бўйли, қора қош, соқол-мўйлови то-

за қирилган врач бошчилигида бир тўда практикант йигит-қизлар кириб келишди. Манзура уларни кўрди-ю, оғриққа ҳам қарамай ўзини столдан ташлаб, бурчакка қапишиб олди.

Азиза унинг кетидан чопди.

— Манзураҳон, синглим, столга чиқинг. Бўлмаса, болани нобуд қилиб қўясиз!

Манзура инграб, енги билан юзини тўсди:

— Йўқ, йўқ, опажон! Эркаклар чиқиб кетсин! Келишмасин! Келишмасин деяпман, келишмасин! — деб йиғлаб юборди у.

Азизанинг ялинишига, Манзуранинг кўнмаслигига практикант йигитлар бепарво қараб, безрайиб туришарди. Охири бўлмади, Азиза уларга ўтирилди-да:

— Қани, чиқиб туринглар! — деди буйруқ оҳангида.

Ҳеч ким қимирламади. Уларни эргаштириб кирган врач, қўлларини ёзиб, елкасини қисди.

— Бу нима деган гап? Буларнинг кўнглига қараб ишлаб бўлмайди. Дунёнинг жами туғурқхоналарида шундай.

Азиза қимирламай турган йигитлар қаршисига шундай бир кайфиятда юриб бордики, улар беихтиёр орқага тисарилишиб, коридорга чиқиб қолишди. Довдираб қолган врач ҳам уларнинг орқасидан эргашди. Азиза эшикни қаттиқ ёпиб, Манзурани столга олди. Акушер хотин унга кислород тутди. Бола аллақачон туғилиши керак, лекин вақтида ёрдам берилмагани туфайли унинг юрак уриши ҳозир сустлашиб қолган эди.

Манзура қаттиқ чинқириб юборди. Кетма-кет чақалоқнинг йўғон, лекин бўғиқ инга-ингаси эшитилди. Бутун оғриқ Манзуранинг баданидан бирданига ғойиб бўлди. Гўё уни Азиза суғуриб олгандай эди. У бошини хиёл кўтариб, қуруқшаган лабларини ялади.

— Ўғилми, қизми, опажон? Кўрсатинг, — деб шивирлади.

— Ўғил кўрдингиз, ўғил! — деб хурсандчилик билан жавоб берди Азиза.

— Совуқотиб қолмасин, дурустроқ ўраб олайлик, ундан кейин кўрасиз, — деди акушер хотин. Кейин у чақалоқ билан гаплашди: — Шошманг, ойижон, ҳозир кўришамиз, дегин. Худди ўзингизга ўхшайман, дегин.

Акушер аёл чақалоқни Манзураҳоннинг ёнига олиб келди. У бошини кўтариб, ўғлига бир нафас тикилиб турди-да, жилмайиб қўйди.

Азиза иккинчи столга чиққан хотин ёнига югурди...

Кечки пайт, ишдан кейин Азизани бош врач чақиртирди. У Азизани одатдагидек кулиб эмас, тажанглик билан қарши олди. Ўрта бўй, семиз, лунжи бироз осилган бу одамнинг кўзларида қандайдир бир меҳрибонлик, самимият ифодаси бор эди. У Азизани ўтиришга таклиф қилар экан, норози оҳангда:

— Бу, доктор, практикантларни ҳайдаб чиқарибсиз. Қандок бўлди-а? — деди.

Азиза бироз жим қолди. Бу одамга кўнглидагини қандок тушунтирсин, нима деб айтсин?! Бу киши эркак. Хотин кишининг қалбини бу одамга тушунтириш учун иккита тўсиқдан ўтиб, кўнглига йўл топиш керак. Бунинг устига, ҳозир кайфияти ёмон кўринади. Азиза бир зум тарадудланиб турди-да, кейин қисқагина қилиб:

— Нима қилса ҳам хотин киши-да, ахир, — деди.

— Эркаклар тукқани келмайди-ку бу ерга?! — Афтидан, бировдан қаттиқроқ гап эшитган бўлса керак, бирдан нига қизишиб кетди бош врач. — Нима ҳаққингиз бор, практикантларни ҳайдаб чиқаришга!

Азиза ўрнидан турди. Бошлиқнинг жаҳлини баттар авжига чиқармаслик учун босиқ жавоб берди.

— Врач сифатида, албатта, ҳаққим йўқ. Лекин хотин киши сифатида ҳаққим бўлса керак, деб ўйлайман.

— Сиз врачсиз. Биз бу ерга хотинлардан соқчи қўйиб қўйганимиз йўқ!

Азиза яна ўзини босди. Столга қўйилган вазадаги хризантема гулининг сўлиб, сарғайиб дастурхонга тўкилиб қолган баргини қўлига олиб, хаёл билан уни эзғилади.

— Касалнинг аҳволи жуда оғир эди. Унга тез ёрдам берилмаса, бола нобуд бўларди.

— Ахир, биз практикантларни, именно, шундай оғир ҳоллар билан таништиришимиз керакми? Ёки улар врач бўлганда фақат осон туғадиганлар келадими-а?

— Сал овозингизни пасайтиринг, Мақсуд Олимович, — деди Азиза. Кейин хиёл титраган қўллари билан япроқни кулдонга ташлаб ўрнидан турди. — Аёлларни хотинлик ҳаёсидан маҳрум қилиб бўлмаслигини тушуниш керак.

— Ахир, врач учун касал хотинми, эркакми, бунинг фарқи йўқ-ку!

— Касал учун фарқи бор. Азоб чекиб ётган яланғоч хотин кишининг бошига эркакларни олиб келиб, уни на-

мойиш қилиш, назаримда, хотин киши устидан кулишга ўхшайди. Тўғри, эркаклардан кўп яхши, ҳурматли гинекологлар бор. Лекин, мана бу ёш йигитларнинг ҳаммаси ҳам шу касбни севганидан эмас, кўплари ёшлик қизиқиши билан кириб қолганлар, менимча.

Бош врач ўрнидан турди. У ёқдан-бу ёққа юрар экан, Азизанинг ёнига келиб тўхтади. Чап кўли билан ўнг кўлининг бош бармоғини букиб, зарда билан деди:

— Биринчидан, сиз айтган ҳурматли гинекологлар ҳам бир вақтлар ёш йигит бўлганлар. Иккинчидан, бу масалани сизнинг хоҳишингиз ҳал қилмаслигини биласиз, доктор!

Азизага унинг овозидаги кўполлик, қолаверса, менсимаслик жуда қаттиқ ботиб кетди. У бош врачга юзландида, унга тикилиб, жаҳл билан гапирди:

— Буни, албатта, менинг хоҳишим ҳал қилмайди. Буни эркакларнинг ўзлари, ўз виждонлари, диёнатлари ҳал қилади.

Бош врач кутилмаганда қаттиқ бақириб юборди:

— Бу нима деган гап? Эркак гинекологларга қарши исёнми бу?! — Кейин ўзининг қаттиқ гапирганини сезиб қолди, шекилли, дераза ёнига бориб Азизага орқасини қилиб тураркан, бармоқлари билан мош-гуруч сочини тарай бошлади. У бу тўғрида эрталабдан бери гап эшитади, вазирликдан телефон ҳам қилишди. Бироқ, Азиза тавба қилиш ўрнига, шу бугунги хатти-ҳаракатини яна қайтаришга тайёр эди.

Азиза секин ўзига-ўзи гапиргандай жавоб берди.

— Ким билади, балки исёндин. Бу агар жисмоний куч талаб қиладиган иш бўлсайди эркакларсиз уддалаб бўлмайди, деяр эдик. Хотин-қизларнинг ўзлари бемалол эплашлари мумкин, менга қолса.

— Сизга қолса... Бўлмайдиган гапни гапириб, бутун бир туғуруқхона шаънига доғ туширманг-да!

— Менга қаранг, доктор, нечта болангиз бор?

— Нима қилди? — деди бош врач хайрон бўлиб.

— Сўраяпман-да!

— Бешта.

— Қани, айтинг-чи, — деб жиддий давом этди Азиза, — шу бешта боланинг қайси бирини хотинингиз сизнинг кўлингизда туққан?

Азиза жуда қаттиқ жойидан ушлади. Бош врач буни билса ҳам, ўзини тинч кўрсатишга уринди. Лекин тезда жавоб беролмади.



— Кўрдингизми, — деди Азиза, — ўз хотинингиз кўлингизда туғишга кўнмайди, сиз бўлса бошқа хотинни эркаклар куршовида туғишга мажбур қилмоқчисиз! Сизнинг хотинингиз туғаётганда бегона эркак, яъни гинеколог келиб томоша қилиб турса майлими?

Худди шу иш ҳозир бўлаётгандек бош врачнинг кўзлари олайиб кетди. У Азиза томонга кескин ўтирилди.

— Гап менинг хотиним устида кетаётгани йўқ!

Азиза бирдан жим бўлиб қолди. Стул устидаги сумкасини олиб эшикка йўналди. Чикиб кетиш олдидан ўтирилди-да, босиқ товуш билан секин гапирди:

— Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга, дейдилар. Мен хотин кишиман. Хотин киши қалбини сиз фақат тушунасиз, лекин ҳис қилмайсиз. Мен ҳам тушунаман, ҳам ҳис қиламан. Шунинг учун уни ҳимоя қиляпман. Бундан кейин ҳам ҳимоя қиламан.

Азиза эшикни ёпиб чикиб кетди. У туғруқхонанинг куз совуғидан гуллари сарғайиб, сўлиган хиёбонидан оҳиста борар экан, кўз олдига Манзуранинг столдан ўзини ташлаб қочиб кетгани, практикант йигитларнинг безрайиб қараб тургани келди. Бундай воқеалар авваллари ҳам бўлар эди. Бирок, беморнинг норозилиги, жанжалига, йиғисига кулоқ солишмас, баъзи ҳолларда эса қаттиқ азобда ётган бемор аёл дунёга келганига пушаймонлар бўлиб, кўзини чирт юмганича лабораторияга олиб келинган бақадек хиссиз, шармандаликни бўйнига олиб ўликдек ётарди. Азиза бундай кезларда жуда эзилиб ишларди. Гўё столда бемор эмас, ўзи ётгандай практикант йигитларнинг юзларига қарай олмас, бироқ тишини-тишига қўяр, индамас эди. Нимагадир бу гал чидаб туролмади. Балки, қалбида кечган ўша ҳислар, бош врач айтгандек, исёнга бошладими?! Азиза чуқур бир хўрсиниб қўйиб, хаёл чангалидан ўзини кутқармоқчидай, бошини бир силкиди-да, тез-тез юриб кетди.

#### IV

Колхознинг пахта планини икки йилдан бери бажара олмаётганини Эгамов эшитган эди. Вилоят газетасида қайта-қайта танқид қилинаётган шу хўжаликнинг раиси билан гаплашмоқчи, қоқоқликнинг сабабларини суриш-тирмоқчи, билмоқчи бўлди. Эгамов бунга қадар газетанинг вилоят мухбири билан районма-район, колхозма-колхоз роса кезди. Газетага керакли материалларнинг

хаммасини уюштирди, баъзиларини редакцияга юборди, улардан айримлари босилди ҳам. Вилоятнинг пахта планини бажарганлиги муносабати билан газета бу тантананага саҳифа бағишлади. Бу саҳифани ҳам Эгамов билан вилоят мухбири уюштирди. Вазият кўпроқ тантанали тусда бўлгани учунми, плани бажаролмай қолган колхозларга Эгамов боролмаган эди.

Эгамов раисни правлениедан тополмади. Сўраб-суриштирса, Тошкентдан меҳмон келган эди, уйда бўлса керак, деб жавоб беришди. Кетма-кет папирос чекиб, чўт қоқаятган бухгалтер ишидан бошини кўтариб Эгамовнинг кимлигини, қаерданлигини суриштирди.

— Редакцияданман.

— Шунақами? Хўв, Жўравой ака! Буёққа қаранг!

Идорага оқсоқ, ёши элликларга борган истаралик бир киши ҳассага таяниб кирди.

— Бу меҳмонни раисниқига олиб боринг, раис ҳозир уйда.

— Хўп бўлади.

Эгамов Жўравой аканинг қийналиб юришидан хижолат бўлиб деди:

— Сизни қийнаб қўйдим, кечирасиз-да.

— Йўк, йўк, хижолат бўлманг, раиснинг уйи яқин.

Эгамов нимагадир дастлаб раис билан гаплашмоқчи бўлди. Ундан кейин дала айланиб, колхозчилар билан суҳбатлашмоқчи, колхознинг икки йилдан бери бир жойда депсинишга мажбур қилаётган сабабларни мухбир кўзи билан бир кидирмоқчи эди. Улар анҳор бўйлаб боришарди. Ҳаво жуда тиник. Офтоб чарақлаб турибди. Худди баҳор кунларига ўхшайди. Жўравой ака ҳассасига таяниб сукут сақлаб, жим борарди.

— Плани бажардингларми? — сўради Эгамов ҳеч нарса билмагандай.

— Йўк, тақсир.

— Нега, ҳосил яхши бўлмадимиз?

Жўравой ака бироз тараддуддан кейин, Эгамовнинг бошдан-оёғига яна бир разм солиб чиқди-да, юрагида йиғилиб ётган гапларни нима учундир бу одамга айтиб бергиси келди.

— Билсангиз керак, тақсир, раисимиз аёл киши. Аёл бўлса ҳамки, баъзи эркаклардан афзал деса бўлади. Жуда чакқон, шаддод хотин. Бунинг устига, ўзи ҳам... ҳалигидай... келишимлик, чиройлик. Ёшлигида жуда танноз бўлган. Раисликка кўтарилган йили роса яхши ишлади.

Кейин райондаги катталар чунонам кўтар-кўтар килиб юбордиларки, ой туғса ҳам шунга, кун туғса ҳам шунга бўлди. Хали уёққа чақиришади, хали буёққа чақиришади. Ясантириб Тошкентга, мажлисларга олиб кетишади. Аввал, ўша кўзга тушмаган вақтларида доим колхозда, колхозчилар орасида бўлганиданми, хўжаликнинг паст-баландини, яхши ишлайдиганлар билан, вазифасига лоқайдларни беш қўлдай биларди. Кейинчалик бу ишларга қўли тегмай қолди. Уни менсимаган баъзи эркаклар бундан фойдаланиб, гап-сўз қилишди. Хусн ҳам баъзан бошга бало бўлади, тақсир. Бу гаплар эрининг кулоғига ҳам чалиниб қолган бўлса керак, энди бўйингиз биздан юқориларга етадиган бўлиб қолди, дебди-да уйдан чиқиб кетибди. Энди тақсир, кечаси демай чақиришса, кундузи демай чақиришса, арзимаган нарсага районга югуртираверишса ҳар қандай эркакнинг ҳам кўнглига гумон келади-да, тақсир. Лекин, ўзи жуда ифбатли хотин эди. Эрини яхши кўрарди, ўзи яхши кўриб теккан эди. Шу назаримда, тақсир, эри учун кўп куйса керак. Аввалгидай эмас, хаёли паришон бўлиб қолган. Поклигига ҳам, нопоклигига ҳам гувоҳи йўк, шўрлик қийналса керак. Тўғриман деса, ишонмаса, нотўғриман деса, бу йўлга кирмаган бўлса, чиндан ҳам, тақсир, дарди харина дегани шу-да! Мана, икки йил бўлиб қолди, эри хотин олмайди, бу эрга тегмайди. Буларнинг ўрталарига тушадиган одам ҳам топилмайди. Иши сал орқага кета бошловдики, сенга нима бўлди, юрагингда нима дардинг бор, деб сўраш ўрнига ҳадеб савалашади. Ахир, тақсир, хотин билан сал хафалашиб уйдан чиқилса, ўша кунни қўл ишга бормади. Тўғрими? Ҳа, баракалла. Бу бечоранинг рўзвори бузилиб ётибди-ю... Яна ҳам асаби маҳкам экан, ишляпти-да! План тўлдими? Қачон тўлади, қанча бўлди, дейишдан аввал, раис, ахволинг қалай, уй-жойинг, бола-чақанг тинчми, деб сўраш, менга қолса, тақсир ўша катталардан лозим.

Жўравой ака жим бўлиб қолди. Эгамов унинг гапларидан таъсирланиб, бир зум хаёл суриб қолди.

Чиндан ҳам бундай қараганда одамнинг назарига илинмайдиган бир киши — Жўравой ака раҳбар одамларнинг ҳам ақли етмаган, эсига келмаган гапларни топиб гапиряпти. Жуда тўғри гапиряпти. Кўпинча келадиган мухбирлар колхозга сиртдан туриб қараганлари етмагандек, юқоридан туриб таҳлил қилувчи раҳбарчалар билан суҳбатлашиб кетаверадилар. Колхоз ахволини, колхозчи

дардини шу ерда яшайдиган одамлар билишади. Уларга сиртдан баҳо бериб бўладими? Мана, Жўравой аканинг юрагида шунча гап йиғилиб ётибди. Лекин қайси мухбир у билан гапиришди экан... Эгамов Жўравой акага ўхшаган одамларни кўп учратган. Амали кичкина, лекин кўнгли ҳам пок, ҳам жонсарак, фикри тиниқ бундай одамларни Эгамов, қани энди оёқ-қўли бутун бўлса, ундан инсофли, яхши раҳбар чиқарди, деб ўйларди.

Жўравой ака таёғини дўқиллатиб, ўнг оёғига озор бермаслик учун эҳтиётлик билан қадам ташлаб борар экан, ўзига-ўзи гапиргандай деди:

— Осмон жуда кўнгилини очиб юборди. Офтобнинг иссиғини қаранг-а! Кузга сира ўхшамайди.

— Ха, куз яхши келди, — деди Эгамов, кейин: — Оёққа нима бўлган? — деб сўраб қолди.

Жўравой ака кулди.

— Ер қимирлашидан жуда қўрқардим. Дунёда ҳеч нарсадан бунчалик қўрқмасам керак. Бир звеновиймиз ифторликка айтган эди. Хотин-халажга пастга, биз эркакларга болахонага жой қилишган экан. Ифтор авжи қизиган вақтида бирдан ер қимирлаб қолса бўладими! Қаттиқ қимирлади. Одамлар эшикка тикилиб қолишибди, денг. Ҳеч ким чиқолмайди. Тўполон бўлиб кетди. Жон ширинлигини қаранг, деразадан ўзимни отибман! Ана ўшанда оёқни майиб қилиб олганман-да!.. Аввал бригадир эдим. Энди қоравулман. — Жўравой ака бир лаҳза жим бўлиб қолди.

Эгамов суҳбатни улаш учун гап кидирарди.

Жўравой аканинг ўзи гап бошлади:

— Бу, таксир, бир вақтлар женотдел деган гаплар бўларди.

— Ҳозир ҳам бор, — деди Эгамов шошилиб, — фақат энди хотин-қизлар кенгаши деб айтилади.

— У вақтларда женотделга хотинлар бир пушти паноҳидек суянишса, эркаклар ундан қўрқишарди. Энди шу, назаримда, йўқ бўлиб кетди-ёв! Райкомда ишлайдиган битта хотин бор. Баъзан келиб қолади. Аввал, женотдел шу бўлса керак, деб ўйлаб юрардим. Йўқ, қарасам, у ҳам нукул пахта планини суриштиради. Хотинларнинг аҳволи билан иши бўлмайди.

Эгамовнинг ёдига Азизанинг бир вақтлар қишлоққа чиқиб қайтгандан кейинги гапи келди. У куйиб-пишиб қишлоқдаги аёллар ўртасида хотин-қизлар гигиенасининг ёмонлиги, райкомнинг хотин-қизлар билан ишлаш

бўлими умуман бу масалага қизиқмаётгани тўғрисида гапирганди.

Эгамов бу иш ҳали ҳам эътибордан четда эканини билди. Эгамов бундай ўйлаб қараса, чиндан ҳам шу бўлимнинг фаолияти билан бўладиган ишларнинг кўпи шундоққина турибди. Катта даромад оладиган аксар хотин-қизларнинг уйида кўпинча ўттизта чойнак, олтмишта пиёла учратасиз. Бўйни тўла ҳар хил мунчоқ, камзули тўла садаф тугмани кўрасиз. Тўғри, хотин-қизларга ишни, пул топишни ўргатдик. Лекин яшашни, уй тутишни, кийинишни яхши ўргата олганимиз йўқ. Жамиятда ўз ўрни, обрўси бўлган хотин-қизларнинг ҳали кўп оилаларда ўринлари йўқ. Биз жамиятдаги ўрнига қараб, хурсанд бўламиз-у, оиласига бош суқиб қарамаймиз. Буни майда иш, бачканалик деб ўйлаймиз.

Тўғри, кўп иш қилдик. Лекин ҳали қиладиган ишлар шу қадар кўпки, авваллари женотдел кўриниб турган камчиликларга қарши курашган бўлсалар, эндибилари бугунги кунда сиртдан кўринмайдиган, кимларнингдир турмуши, қалби, онгида қора доғ бўлиб сақланиб, яшириниб ётган бу иллатларни титкилаб топишлари, уларни қуритишлари зарур. Ҳали эрининг кўзига жовдираб, нонга пул ташлаб кетинг, дейдиган, ўлгудек калтак еб, кўқарган кўзини эшикка уриб олдим, деб баҳона қиладиган, ё бўлмаса, кўчага ялтираб чиқиб, уйида кир-яғир кўрпага бурканиб ухлайдиган, бировларнинг ширин турмушини бузаётган, эрининг меҳнат билан топган пулини бемаъни нарсаларга сарфлаб юрган, ишламасдан бировларни гийбат-бўхтон қилиш билан умрини ўтказаётган хотин-қизлар ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси ҳали кўп хотин-қизлар билан ҳаёт ўртасида тўғри муносабат ўрната олмаганимизни, уларни ҳали ўзини ўзига танита олмаганимизни кўрсатади.

Эгамов хаёлдан бонн кўтариб, Жўравой акага меҳр билан секин қараб қўйди. Жўравой ака бўлса бундан бе-хабар, меҳмоннинг хаёлини бузгиси келмай, унинг ёнида оҳиста борарди.

Улар ўнг томондаги кўчага қайрилишганда сал нарироқдаги ҳовли эшиги олдида турган «Победа» юкхонасига шофёр йигит икки яшиқда ниманидир жойлаётганини кўришди. Эшиқдан ўрта бўй, озғин, буғдой ранг бир йигит чиқиб, орқасидан келаётган аёл билан қўл беришиб, куёқ хайрлашди-да, машинага ўтириб жўнаб кетди. Аёл орқасига қайтганида Жўравой акага кўзи тушиб тўхтади.

— Мехмон бошлаб келяпман, раис.

— Жуда яхши бўлибди-да, — деди раис Эгамовга қўл чўзар экан. — Қани, уйга кирайлик. Чой тайёр.

Жўравой ака қайтмоқчи бўлган эди, раис уни тўхтатди.

— Йўк, йўк, бир пиёлагина чой ичиб кетасиз.

Жўравой ака таърифлаганидек, бу аёл чиндан ҳам анча гўзал эди. Ўрта бўй, кулча юз, кўзида кишини ўзига қайта-қайта қарашга мажбур қиладиган аллақандай бир ўт бор эди. Пиликдек қошларининг бир учига туташган думалок қора холи унга яна бир хусн бағишлаб турарди.

Улар ичкарига киришди. Уйга кираверишдаги айвонга чорпоя қўйилган. Ўн етти-ўн саккизларга кирган, келишгангина бир қиз дастурхон йиғиштиряпти.

— Кўятур, қизим, мехмонлар келиб қолишди, — деди аёл унга.

Қиз мехмонларга одоб билан салом бериб, чўғи ўчган самоварни ҳовли этагига олиб кетди. Ҳовли катта, сердрахт, лекин эркак кишининг йўқлиги билиниб турарди. Бир томондаги баланд кўтарилган токнинг сўриси синиб кетибди. Синган сўри ёғочлари ерга тиралиб ётибди. Гулзор ўртасидаги катта толгул бир ёнга маъюс энгашиб, мени уйга олиб кирмасанг, ҳолим хароб, деяётгандай эди.

Раис мехмоннинг қаерданлигини суриштирди.

— Шунақами? — деди кейин у. — Ҳали машинада жўнаб кетган йигит ҳам мухбир экан. Тошкентдан келибди.

Эгамовнинг юраги шиф этиб кетди. Чунки бу йигитни Эгамов биринчи марта кўриши, бунинг устига, машина орқасига яшиқда алланарса ортиб кетгани, унинг кўнглига шубҳа солиб қўйди.

— Қаердан экан у одам?

— Газетаданман, деб айтди.

Эгамов қошини биров чимириб, бутун редакциядаги ходимларни бир-бир эслашга уринди. Йўк, бу одамни кўрмаган.

— Кечирасиз, бирон нарса бериб ҳам юбордингиз, шекилли, ундан?

— Ха, йўк, — кулди раис, — ўғлига именина қилмоқчи экан, озроқ анор сўраб қолди. — Кейин шошиб-пишиб қўшиб қўйди: — Колхоздан меҳнат кунимга анча-мунча теккан анор бор эди, бериб юбордим. — Раис бу билан колхозчилар ҳақидан бермадим, демоқчи бўлди.

— Планни икки йилдан бери тўлдиролмайсизларми? — деб сўраб қолди Эгамов.

— Биласизми, ҳар куни шу саволни энг камида ўн марта эшитаман. Ким билади, ишляяпман, қўлимдан келганича ишляяпман. Колхозчилар ҳам ишляяпти. Ҳайронман. — Афтидан, раиснинг бундан бошқа гап айтгиси йўқ эди.

Эгамов шу куни кечгача далада бўлди. Колхозчилар билан гаплашди. Баланд бўйли, оқ-сарикдан келган ҳосилот йигит бу мухбирдан мутлақо кутмаган саволни эшитди.

— Бу раисангизнинг оилавий аҳволи қанақа? Яхшими?

Илғор ва қоқоқ бригадаларнинг рўйхатини дилида жамлаб турган ҳосилот чеккасини қашлаб, бир нафас жим қолди.

— Эри билан нари-бери бўлиб юришибди.

— Қанчадан бери?

— Анча бўлиб қолди. Икки йилча бўлди, чамамда.

— Яраштиришга ҳеч уриниб кўрдингларми?

Ҳосилот бироз қизариб олди.

— Опа янги раис бўлган пайтларда бир гапириб кўрган эдик, бўлмади. Ёш келин-куёв бўлишсайди уриб-сўкиб яраштириб қўйсак, иккаласи ҳам кап-катта одам. Бўйига етган қизлари бор. Колхозда унча-мунча одам уларга ботиниб бир гап айтолмайди.

— Ботиниб гап айтадиган одамни топиш мумкинмиди?

Ҳосилот чайналиб қолди.

— Албатта-ку-я... Иш билан овора бўлиб кетибмиз-да.

— Менимча, энг асосий ишлардан бири шу бўлса керак. Раис ҳаммани ўйлайди. Ҳар кимнинг дарди-ҳасратини эшитади, колхозчининг уйида бирон яхшилик бўлсаям, ёмонлик бўлсаям, аввал раисга чопади. Бироқ, раиснинг бошига мушкул тушса-чи? Раиснинг қўлидан ҳамма иш келади, буни ҳам ўзи тўғрилаб юборади, деб қараб туриш керакми? Раис ҳам одам, ахир! Лекин, у тўғри келган аъзосининг олдига бориб кўзёши қилолмайди... Яхши иш қилмабсизлар. Ишларингга ҳалақит бераётган сабабларнинг энг асосийси шу бўлса керак, менимча.

Ҳосилот гап қайтара олмади. Хижолатликдан ерга қараб, ҳар замон-ҳар замонда «тўғри-тўғри» деб Эгамовнинг гапини тасдиқлаб турди, холос.

Шу куни кечқурун аввалги мухбирни ташлаб келган шофёрдан Эгамов унинг қайси меҳмонхонага тушганини қайта-қайта сўраб олиб, колхоздан жўнаб кетди. Орадан бирон ҳафта ўтар-ўтмас раис ўзи ҳақида, колхозни ҳақида Эгамов имзоси билан ёзилган мақолани ўқиди. Газета ушлаган қўллари титраб, стулга ўтириб қолди. Унинг олдида ҳозир бирон яқин одами бўлганда эди, йиғлашга ҳам тайёр эди. Чунки шу икки йил мобайнида унинг юрагини тушунган, унинг кўнглида ётган гапларни айтган ўша Эгамов бўлди. Тавба, қаердан билиб олди экан? Бу ҳақда сўрамаган эди-ку!

Уч-тўрт кун ўтгандан кейин эса анор олиб кетган мухбир ҳақида яна Эгамовнинг имзоси билан фельетон ўқиди. Фельетон колхозга Эгамовдан аввал келиб кетган йигитнинг ҳеч қанақа мухбир эмаслиги, редакция номи ни сотиб, баъзи бир анқов колхоз раисларидан нарса ундириб юрганлиги ёзилган эди. Раис буни ўқигач, ҳайронликдан яна бир марта ёқасини ушлади.

Эгамов ўша куни Тошкентга жўнаб кетолмади. Шофёрнинг айтишига қараганда, колхоздан анор олиб кетган мухбир ҳам у турган меҳмонхонада бўлиши керак эди. Эгамовнинг командировка муддати тутаган бўлса-да, нимагадир ўша мухбир ҳақидаги шубҳаси унинг бўйнига тошдек осилиб олди. Эгамов уни топиб, кимлигини билмагунча кетмасликка қасд қилиб қўйди. Редакцияларнинг биронтасида Эгамов бунақа одамни кўрган эмас. Бундан ташқари, чинакам газета ходими бўлса, колхоздан нарса сўрайдимиз? Редакция ахир, бу энг муқаддас жой-ку! Газета сўзларига одамлар ўзларига ишонгандан зиёдроқ ишонишади. Мухбир деган сўзни эшитганда, ҳар қандай одам ўзини ва кўнглидаги гапларини ростлайди.

Эгамов меҳмонхонадаги навбатчидан, Тошкентдан яна кимлар келган, деб суриштирганда, икки одамнинг фамилиясини айтди. Улардан бири инженер экан. Иккинчиси ҳақида:

— Аниқ билмайман. Паспортида ишлаётган жойининг белгиси йўқ. Ўзи, газетаданман, деб айтди, шекилли. Ҳа, тўғри, шундай деди. У киши келган куни мен навбатчи эдим. Ўзим қабул қилиб олганман. Айтгандай, гувоҳномасини ҳам кўрсатувди, — деди.

Эгамов меҳмоннинг ҳали жўнаб кетмаганини билгач, унинг номери яқинида кечгача айланиб юрди. Бирок, мухбир йигит келмади. Эртасига Эгамов яна шу



атрофда ўралашди. Куни билан ундан дарак бўлмади. Чарчаган, асаблари бузилган Эгамов овқатланиш учун энди буфетга кириб кетаётганида, колхозда учратгани ўша мухбир йигит лип этиб ёнидан ўтиб кетди. Эгамов орқасига қайрилди. Йигит чаққонлик билан зинадан кўтарилди-да, ўз хонаси томонга кетди. Эгамов уёқ-буёққа юрди, қандай қилиб у билан танишиш керак? Нима қилиб унинг кимлигини билиш мумкин? Мухбирлик гувоҳномасини қандай кўрса бўлади? Эгамов ана шундай хаёл билан банд экан, мухбир йигит яна зинада пайдо бўлди. У пальтосини ечиб чиққан, бўйнига, костюмининг устидан яшил шарф ташлаган, ялангбош эди. У Эгамовга қарамади ҳам, енгил, чаққон қадамлар билан бир зумда буфетга кириб кетди. Эгамов эшик ёнида туриб уни кузатди. Мухбир йигит семиз, мўйловдор, қорачадан келган киши ўтирган столга борди, официанткани чақириб, гоҳ ҳамроҳига, гоҳ официанткага қараб, алланарсаларни буюрди-да, ўзи халиги киши билан қуюқ суҳбатга тушиб кетди. Улар ўтирган столда бошқа ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, Эгамов тўппа-тўғри ўша ерга борди. Стулнинг бўшлигини билгач, оҳиста ўтирди. Мухбир йигит унинг ўтиришига норози бир қиёфада розилик берди-ю, суҳбатни аввалгидай давом эттира олмади. Энди улар ўртасида узук-юлуқ савол-жавоблар бошланди. Унинг бу аҳволдан бутунлай беҳабар бўлган ҳамроҳи бирданига гапириб қолди:

— Газетчилик жуда қийин иш, ука. Қилмасак ҳам ақлимиз етади. Хўп зийрак йигит экансизки, ёш туриб бош бўлибсиз.

Мухбир йигит бесарамжонлик билан унинг гапини бўлишга ҳаракат қилди:

— Ҳалиги бригадирингиз жуда тажрибакор экан-а?

— Тажрибакор бўлганда қандоқ, — деди ҳамроҳи тиззасига уриб, — яхши ёзиб олдингизми, ишқилиб? Суратлари билан чиқаринг, камбағал бир хурсанд бўлсин! Аммо айтиб қўяй, бу ёқларга йўлингиз тушиб қолса, биз томонга бормаё кетиб қолсангиз, нақд орқангиздан Тошкентгача қувлаб борамиз-а!

— Сиз Тошкентданмисиз? — Пайтдан фойдаланиб Эгамов суҳбатга аралашингга ҳаракат қилди.

Мухбир йигит сездирмасдан Эгамовга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, бош кимирлатиб қўйди.

— Ҳамшаҳар эканмиз. Мен ҳам Тошкентданман.

Қани, танишиб қўяйлик бўлмаса, касбим инженер, фамилиям Қорахонов!

Мухбир йигит сал енгил тортгандек бўлди. Инженер бўлса, редакция ходимларини қаёқдан таниб ўтирибди, деб ўйлади.

Улар овқатланиб ўтириб, Тошкентнинг йилдан-йилга обод, гўзал бўлаётгани ҳақида гапиришди, унча-мунча ичилган коньяк суҳбатга жон киргизди. Ўртадаги бегоналикни кўтаргандай бўлди. Мухбир йигит очилиб кетиб, булбулдай сайрай бошлади.

— Газетачиларнинг меҳнати жуда мушкул иш. Сиртдан қараганда, енгил кўринади. Газетачи ҳар бир мақолани катта жавобгарликни бўйнига олиб ёзади. Ҳар бир сўз, ҳар бир жумла учун боши билан жавоб беради.

Ҳамроҳи бўлса унинг ҳар бир сўзини бош қимирлатиб тасдиқлар, меҳр билан унга тикилиб ўтирарди. Аллавақт бўлиб қолди. Анчагина кайф қилиб қолган ҳамроҳи кетишга руҳсат сўради. Эгамов билан мухбир йигит уни кўчада кутиб турган машинага ўтқазиб юборишди.

Маст бўлиб қолган мухбир йигит қайтишда Эгамовнинг бўйнидан кучоқлаб, юзидан чўпиллатиб ўпди.

— Буни қ-қаранг, ҳ-ҳамшаҳар эканмиз-ку!

Эгамов уни хонасига олиб кириб ётқизди. Бу хона меҳмонхонанинг энг яхши жиҳозланган хонаси эди. Каравотнинг бир четида йиртилиб кетган газетага ўралган қизил духоба турибди. Афтидан, мухбир йигит уни ҳали чамадонга солишга улгурмаган эди. Эгамов унга аччиқ чой ичирди. У бўлса телба-тескари гапириб, яна мақтана бошлади. Эгамов гап орасида ундан сўради:

— Халиги киши ким? Колхозданми?

— Раис, р-раис. М-мухбирларни ўлгудай яхши кўраркан. Аввалроқ танишганимизда сизни ҳам олиб кетардим. Антика зиёфатлар б-бўлди-да!

Эгамов газета ходимларининг муқаддас номини булғаб юрган бу одамни иложи бўлса ҳозир бўғиб ташлагиси келар, лекин тишини-тишига қўйиб, ўзини босиб турарди. Ҳалол, чинакам меҳнат қилаётган одам ҳеч қачон кўкрагига уриб, мен ундокман, мен мундокман, деб чиранмайди.

Эгамов ҳали-ҳали эслайди: бир йили Азиза билан курортга боришган эди. Уч-тўрт кун хўп айланишиб томоша қилишди. Кейин зеркиб қолишди. Ҳар куни бир хил ҳаёт: овқат, уйку, сайр, овқат, уйку, сайр... Ҳар бир кун худди йилдек узун туюлади. Охири бўлмади, ўн ик-

ки кунини ташлаб, Тошкентга қайтишди. Ана шунда Ази-за кулиб шундай деган эди: «Кишини меҳнат йиғиштириб турар экан. Қаранг, ҳеч қаерга сигмадик-қолдик. Уйда, ишда кеч кирганини билмай қолардим. Ҳамма вақт ишим шошилинч, тиқилинч. Баъзан жуда чарчаган кезларимда дам олгим, ухлагим келарди. Ишдан кейинги уйку қанақа ширин бўлади-а! Курортда-чи? Иш йўқ, киши чарчамайди. Шунинг учун ҳам кечаси уйку уйкудек бўлмайди. Ҳаётнинг бутун кизиғи, роҳати меҳнатда экан, яшасин меҳнат, тўғрими, Қодир ака!»

Эгамов Азизанинг ана шу сўзларини эслар экан, ширакайф кўзларини сузиб, алланарсаларни валдираётган бу йигитдан нафратланди. Йигит уриниб-суриниб костюмини ечди-да, стулга ирғитди. Чўнтаги пастга бўлиб илиниб қолган костюмидан қора жилдга солинган паспорти билан яна аллақандай қоғозлар полга тушди. Эгамов уларни олиб столга қўяётганида, редакциялардан бирининг йигит номига штатсиз мухбир сифатида берган гувоҳномасини кўриб қолди. Обидов Маҳкам... Эгамов Обидовга ўтирилди. Бироқ, у аллақачон ухлаган, билинар-билимас хуррак тортиб, қўлларини икки томонга ёзганча жимгина ётарди.

Эгамов гувоҳномани олди-да, эшикни маҳкам ёпиб чиқиб кетди. Эрталаб кирганида Обидов эндигина уйкудан турган, бўшашиб каравотида ўтирарди. У Эгамовни кўриб севиниб кетди.

— Жуда яхши кирдингиз-да! Пахмел, яъни газак қилмасак бўлмайдиганга ўхшайди.

Эгамов ўтирмади.

— Маҳкамбой, гувоҳномангизни кидириб юрманг. Мен олдим. Тошкентга борганингизда редакциянгиздан оласиз.

Обидов гангиб қолди. Чиқиб кетаётган Эгамовни тўхтатишга уринди.

— Бу нима қилганингиз, ўртоқ Қорахонов? Нима ҳақкингиз бор? Судга бераман!

— Мен Қорахонов эмасман. Мен редакция ходимиман, Эгамовман. Сизни уч кундан бери шу ерда пойлаб ётибман. Нима ишлар қилганингизни билиб юрибман. Тушундингизми? Қолган гапларни Тошкентда эпитасиз.

Обидов ҳанг-манг бўлиб қолди. Эгамов эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди. Юқорида айтиб ўтилган фелъетон ана шу воқеадан кейин ёзилган эди.

Раъно пахтадан қайтиб тўғри Иқболларникига тушди. У Толибни яхши кўрар, унинг муҳаббатига ишонар, ундан ажралишни тасаввур қилолмасди. Раънонинг кўзига ҳамма бахтиёрга ўхшайди, ҳаёт ширин, бирам гўзал. Раънонинг назарида худди эртақда яшаётганга ўхшарди. Биров Толибни ёмонласа, унга бўлган интилиш баттар кучаярди.

Раъно пахтада эканида Толиб ҳар уч кунда бориб турди. Яхши кўрмаса унга зарур келибдими? Бундан ташқари, у Раънони қаттиқ рашк қилади. Бу ҳам, албатта, яхши кўрганидан-да. Раъно ана шундай хаёллар билан ўзини овулар, Толиб ҳақида айтилган озгина ёмон фикрни яқинига йўлатмас эди. Шунинг учун ҳам Раъно ота-онасининг қаршилигини Толибга сездирмади.

Раънонинг Толиб билан танишганига, мана, беш-олти ой бўлиб қолди. У вақтда Раъно биринчи курсда эди. Шанба-якшанба кунларида бўладиган танцага бошқа институтлардан ҳам қизлар, йигитлар келиб туришарди. Ана шундай кечаларнинг бирида Толиб скамейкада хаёл суриб ўтирган Раъно ёнига келиб, уни танцага таклиф қилди. Ана ўша кундан бошлаб Раъно танцага боришни тарк қилмайдиган, Толиб эса уни қидириб топмагунча тинчимайдиган бўлиб қолди. Мана, орадан шунча вақт ўтиб кетибди. Лекин Раъно бирор марта ҳам ундан ёмонлик белгисини тополмади. У ҳамма вақт меҳрибон, ширин сўз.

Айниқса, уйдан кетган шу кунларда эса унинг ёлғиз суянган тоғи бўлиб қолди. Бирок, буни ҳам Толибга айтмади, уйдан кетганлигини билдирмади ҳам.

Бугун Раънонинг дарсдан чиқишига Толиб келмоқчи эди. Шунинг учун у кутубхонага боришни баҳона қилиб, Иқбол билан бирга кетмади. Толиб айтган вақтидан анча кеч келди. У парижон кўринарди. Орзиқиб, юз хаёлга бориб кутиб ўтирган Раънога аввалгидай очилиб-сочилиб муомала қилмади ҳам. Раънонинг кўнгил сўрашига, бироз тобим йўқ, деб жавоб берди. Толиб Раънони кузатиб борар экан, бирданига тўхтаб қолди.

— Қаёққа кетяпмиз, Раъно?

Раъно кулди. Кейин секингина:

— Уйга, — деб жавоб берди.

— Бошқа куни айланамиз, Раъно. Менинг мазам бўлмади турибди.

— Майли бўлмаса, кета қолинг, — деди Раъно жонсараклик билан. — Боринг, кета қолинг. Бориб ётинг.

— Сиз-чи? Бу ерда нега қоляпсиз?

— Мен Иқболларникига бораман. — Раъно рўмолининг учини ўйнаб бир нафас ерга қараб турди. Кейин бошини оҳиста кўтариб Толибга тикилди. Унинг кўзлари Толибга меҳр ва ташвиш билан қараб турарди. — Толиб ака, — деди Раъно дудукланиб, — бизнинг бирга бўлишимизга ойим ҳам, дадам ҳам сира кўнишмайди. Мен... мен уйдан кетдим. Ҳозир Иқболларникидаман.

Раъно яна индамай ерга қаради. Ҳозир у Толибдан ўзининг муҳаббати учун таҳсинлар эшитишни истарди. Бирок, Толиб ҳеч нарса демади. Аввалгидай хаёл паршонлик билан хайрлашиб, орқасига қайтди. Раъно хайрон бўлиб, кўча ўртасида қолаверди. Кеч бўлиб қолгани учун ишдан қайтган, уйига ошиққан одамлар билан кўча гавжум эди. Улардан бири ўртада қотиб турган Раънога туртилиб кетди-да, олдинга ўтиб, унга ғалати бир қараб қўйиб, ўзича алланарсалар деб кетди. Раъно бўлса буни сезмади ҳам. У одамлар орасида қўлларини шимининг чўнтагига солиб, оҳиста кетаётган Толибдан бошқа ҳеч кимни кўрмас эди...

Раънонинг негадир уйга қайтгиси келмасди. Иқболнинг ойиси уни яхши кутиб олган, битта қизим иккита бўлди, деб қувонган бўлса ҳам, барибир бу хотин Раънога унча ёқинқирамади.

Иқболлар жуда тўкин-сочин ҳаёт кечиришарди. Дадаси ниҳоятда мўмин-қобил инсон бўлиб, унинг рўзгор билан сира иши йўқ эди. Эртадан кечгача китоблар орасига кўмилиб ишлагани-ишлаган. Унинг анчагина илмий ишлари ҳам бор. Гоҳ кунлари лекция ўқиб келади, бошқа вақтда доим уйда, кабинетида. Уни овқатга чақиришганда ҳам вақтида чиқмайди, совиб қолган овқатни сира норози бўлмай ейди-да, яна ишига кириб кетаверади. Ойиси Кимё бўлса, бутунлай бошқа олам. У серзарда, сержахл, яхши кийинишни ўлгудай ёқтиради. Ўйин-кулгисиз туролмайди. Уй юмушини хизматчи қилади. Бекорчиликдан ҳеч қаерга сизмаган Кимёхон ҳар куни турли ишларни ўйлаб топади. Гоҳ уй жиҳозларининг ўрнини ўзгартиради, гоҳ ўртоқларидан биронтасига телефон қилиб, меҳмонга чақиради, гоҳида шофёрнинг ёнига ўтириб бозор қилгани кетади. Кўп умри меҳмондорчиликда, чеварникида ўтади. Баъзида хизматчининг ишидан қилдан қийиқ топиб, товоқни чўмичга, чўмични товоққа

уриб, жанжал бошлайди. Унинг бир-иккита яқин ўртоқлари бор. Улар ҳам қилиқлари билан Кимёхонга ўхшаб кетишади, бир-бирлари билан оғизларидан ўпишиб кўришишади, бир-бирини «жоним», «хоним» деб қақришади.

Кимёхон ўзини жуда сахий, меҳмондўст кўрсатишга уринади. Ноз-неъматларга тўла дастурхон ҳамма вақт устига дока ёпиғлик туради. Лекин, кўнглига ёқмаганроқ одам келиб қолса, нариги уйдан муомала қилиб юборади. Эри билан сира иши йўқ, эрининг нима иш қилаётганига қизиқмайди. Кийим-бошига дурустроқ қарамайди ҳам. Профессорнинг кийимлари хотининикидек қўша-қўша бўлмаса ҳам, яракламаса ҳам бўлаверади. Фақат оладиган пулини суриштиради, холос. Раънонинг кўзига Иқболнинг дадаси кейинги вақтда худди сигирга ўхшаб кўринади. Кимёхон уни бақувват бармоқлари билан тинмай соғаётгандай туюлади. Соғин сигир ҳам баъзан сутдан қолади. Лекин, бу «сигир»нинг сут бермасликка сира ҳаққи йўқ.

Раъно оёри тортмасдан, ночор кириб келди. Уйда, стол атрофида ўттиз ёшларга борган дўмбоққина хотин билан новча, ориқ бир киши ўтирарди. Иқбол меҳмонларни тоғам, келинойим деб таништирди. Кимёхон хитой товарида янги тиктирган халатини кийиб олган, у меҳмонларга меҳрибонлик билан, лекин димоғидан тушмасдан туриб муомала қилар эди. Меҳмонларнинг шарофати билан бўлса керак, профессор ҳам чой ичишга чиққан. Биридан бирига кириладиган хоналар бир-биридан яхши, бир хил рангда гарнитур қўйилган. Столга қўйилган таомлардан кўра, идишларнинг қиммати зўр. Стол устида электр самовар қайнаб турибди.

Иқболнинг келинойиси қувноққина жувон экан. Гапига караганда, ўқитувчи бўлса керак, бир шўх ўқувчисининг қилиқларини айтиб, ҳаммани кулдирди. Укасининг ёнида ўтирган Кимёхон бирданига унга ўгирилиб, семиз, оппоқ қўллари билан унинг галстугини тўғрилаган бўлди.

— Қўйлагинга бу галстугинг кетмабди. — Кейин у укасини бошдан-оёқ меҳрибонлик билан кузатиб: — Костюминг ҳам анча эскириб қолибди, укам бечора, — деди.

Иқболнинг келинойиси билинар-билинемас кулимсираб қўйди. Хотинининг ёнида ўтирган профессор бўлса, унинг қўйлагидан секин тортиб:

— Хоним, бошқа, дурустрок гапдан гапиринг, — деди.

Кимёхон эрига шунақа бир ўкрайиб карадики, Раъно кўрқиб кетди. Профессор бўлса хижолатликдан бошини қашиб, мехмонларга жовдиради:

— Бизнинг хотин шунақа, бир қараганда маст қилади, бир қараганда хушёр.

Бу гап Кимёхонга жуда ёқиб тушди, шекилли, яйраб, очилиб кетди. Соатига қараб, телевизорни буради. Қайтишда келинининг сочларини тузатган бўлиб, прическасини бошқача қилишни маслаҳат берди. Кейин бир четда индамай ўтирган Раънога қараб:

— Келиним яхшими, Раънохон? — деди кулиб, сўнг ярим ҳазил, ярим жиддий қўшиб қўйди: — Мендақа Қайнэгачи ҳам йўқ-да!

Келини, елкасида турган Кимёхоннинг қўлларини ўйнаб туриб, у ҳам ҳазил билан жавоб берди:

— Чунки келинингиз мушфиқ эмас-да, опажон!

Кимёхон ўзини боягидай тутишга уринса ҳам, бу гапдан кейин ранги ўзгарди.

Мехмонлар кетишга қўзғалишди. Кимёхон қаршилиқ кўрсатмади. Уларни кузатиб, кўчагача чиқди-да, келинини кўшмасдан укасига гапирди:

— Хой бола, жуда бегона бўлиб кетмай, келиб тургин.

Профессор яна кабинетига кириб кетди. Иқбол билан Раъно стол устини йиғиштира бошладилар. Эшикни шарақлатиб ёпиб кирган Кимё ўзича тўнғиллади.

— Келинингиз мушфиқ эмас эмиш! Тили чаённинг тилидан заҳарли, бу куриб кеткурнинг! На кийинишни билди бу хотин, на уй тутишни! Қилган овқатида бўлса на маза, на матра бор. Тагин эрчалари уни балодай яхши кўради-я, миқ этмайди. Ҳадеб янги кўйлак олгунча фасон танлашни ўрган аввал!

Бир даста идиш-товоқ кўтариб чиқиб кетаётган Иқбол тажанглик билан оёисига ўгирилди:

— Ҳадеб вайсайверманг, ойижон! Тўғри-да, келинойим агар мушфиқ хотинлардан бўлсайди, хўпам хунарингизни кўрсатардингиз-а! Тишингиз ўтмаганидан ночорсиз. Ўзингизники билинмайди, тоғамнинг костюмига нима қилибди? Ҳарқалай, дадамниқидан ёмон эмас. Лекин, тоғам дадам топган пулнинг учдан бирини ҳам топмайди. Келинойим янги кўйлак олган бўлса, ўзи ишлайди, ахир! Сизга ўхшаб фақат эрининг пулидан шунақа кий-

инса нима қилардингиз?! Доим келинойимни камситиш пайида бўласиз. Қўйиб беринг, билганларича яшашсин. Ҳар кимнинг ҳам ҳаётга бўлган қараши, муносабати бор. Балки, сизнинг турмушингиз уларга мутлақо ёқмас.

— Бўлди, тилингни тий! — деб бақирди Кимёхон қизига. — Гап қайтаришни кимдан ўргандинг, аҳмоқ! Менинг турмушим ёқмас эмиш-а! Жон дейишар менчалик яшашса!

Иқбол индамай чиқиб кетди.

Раънонинг оёқ-қўллари бўшашиб, юраги қисилди. У бу уйда Азиза билан Эгамов ўртасидаги муносабатдан нишон ҳам тополмади. Азизаларникида Раъно неча йил яшаган бўлса, бирон марта ҳам бундай муомалани кўрмаган. Улар оиласидаги муҳаббат, самимият ва одоб ҳамма вақт Раънони ҳаяжонлантирар, ҳавасини келтирарди.

Бу уйда-чи? Бу уйда улардан асар йўқ. Меҳнат ҳам, муҳаббат ҳам кўринмайди. Ҳаммаси «соғин сигир»дан келаётган пул орқасига кўмилиб кетган.

Раъно хаёлида Азиза билан Кимёни таққослар экан, Азизани шу қадар соғиниб кетдики, хўрлиги келди, кўзига жиқ тўлган ёшни яшириш учун терассага секин чиқиб кетди.

## VI

Туғуруқхонада дув-дув гап: биров Азизанинг ёнини олса, биров уни медицина ходими бўлса ҳам ҳаётдан орқада қолган, илм-фан ҳали унинг қонига сингмаган деб айблади. Айниқса, Гулсумга ўхшаганларнинг куни туғди. У қайси доктор билан гаплашмасин, Азизанинг кейинги вақтларда ҳаддидан ошиб кетганлиги, ҳатто Гулсумнинг жавобини бермоқчи бўлганлиги ҳақида гапирарди. Бу хилдаги майда-чуйда гаплар, айниқса, бош врачнинг имзоси билан Азизага практикантларни ҳайдаб чиқаргани учун хайфсан эълон қилинганидан сўнг баттар авжига чиқди.

Азиза бу гапларни орқаваротдан эшитар, сиртдан парво қилмаётгандек кўринса ҳам, руҳан қийналарди. Азизага ён босгувчи врачлар ҳам бор эди. Уларнинг кўплари хотин-қизлар бўлиб, эркак врачларнинг баъзилари Азизанинг тарафида бўлсалар ҳам, кўпчилик ўртасида мум тишлагандек чурқ этмас эдилар. Азиза уларни хотин-қизлар ёнига тортиниб кела бошлаганларидан сезарди. Азиза энди шу соҳага келганидан бери медицина



учун қурбон қилаётган ҳисларини яширишга ўзида куч тополмай қолди. Бу ҳақда у ҳатто хайфсан олганига қарамасдан, практикантларни касалнинг ёнига келиш-келмасликларини касалнинг ихтиёрига қўйиб, ўзи уни қаттиқ ҳимоя қила бошлади. Касал практикант йигитларнинг киришига қаршилик кўрсатмаса, Азиза ҳам индамас, агар касал кўнмаса, Азиза практикантларни чиқиб кетишга мажбур қилар эди. Ана шундан кейин бу масала ҳар куни «жанг»га сабаб бўларди.

Шу кунларда бош врач худди биров билан уришгандек асаб билан юрар, телефон жирингласа трубкани олишдан юраги безиллар эди. Чунки ким телефон қилмасин, шу ҳақда гап эшитади. Биров дўқ уради, биров нима гаплигини суриштиради, биров бўлса бу «касалнинг олди олинмаса, бошқа туғурукхоналарга ҳам юқишини тушунтириб», норозилик билдиради.

Азизанинг хулқи умумий мажлисда муҳокама қилинадиган бўлди. Азиза бунини биринчи марта эшитганда юраги бир орзиқиб тушди. Нахотки, у чиндан ҳам медицинага, илм-фанга қарши чиқаётган бўлса?! Ёки баъзи бировлар айтаётганидек, у ҳаётдан орқада қолиб кетганми-кан?!

Азиза ўзига ҳар хил савол бериб кўрди, бироқ бу саволларнинг ҳеч қайсиси унинг кўнглидаги аёллик ҳаёсини, ҳис-туйғуларини янчиб кетолмади. У ўзининг ҳақлигига қаттиқ ишонгани ҳолда мажлисга тайёрлана бошлади. Майли, муҳокама қилишсин, Азиза энди жим турмайди, қийналса ҳам, вақтинча енгилса ҳам, қалбини тирнаб ётган гапларни баралла айтади, уни бошқаларга тушунтирмагунча қўймайди. Яқингинада паранжи ёпиниб, дунёга чачвон орқали қараган, ўз қариндош-уруғларидан бошқа эркакка ҳатто юзини ҳам кўрсатмаган шарқ аёлини қип-яланғоч қилиб номахрам эркаклар ўртасига ётқизиб, авротларини намойиш қилиш... Асрлар бўйи қон-қонига сингиб кетган орият, номус, иффат, назокат, уят, шарм-ҳаё, деган олтиндан қиммат ҳис-туйғулардан палон халқда шундоқ экан, деб шуларнинг ҳаммасидан воз кечиб бўларми-кан?

Аёл кишининг энг қимматли хазинаси шарм-ҳаёси, ибоси, иффати эмасми?

Азизанинг бугунги навбатчилиги деярли бекор ўтди. Бугун эрталаб бир хотин келганича, бошқа ҳеч ким келмади. Азиза туғиш хонасига кираверишдаги залга қўйилган диванда хаёл суриб ўтирар экан, мажлисда гапира-

диган гапларини кўнглида режалаштирар, берилиши жуда мумкин бўлган баъзи саволларга ўзича жавоб ҳозирлар эди. Унинг узук-юлуқ хаёли гоҳ Раънога кетар, гоҳ командировкадан қайтмаётган эридан хавотир олар, баъзан эса кўрмаганига худди бир йил бўлганидек уни эзилиб соғинарди. Айниқса, Раънонинг уйга қайтмаганлигидан қаттиқ ташвишланарди. Баъзан уни қидириб топиб, уришиб-уришиб олиб қайтгиси келар, баъзан эса унга тарбия бермаганликда ўзини айблаб, жим бўлиб қоларди. Агар Азиза кўнглидаги ҳамма яхши ниятларини Раънога тушунтира олганида эди, у ҳеч қачон бундай йўлга қадам босмаган бўларди... Раъно келмайман, деб очиқ-ошкор хат ёзиб юборди-ку! У кичкина қизча бўлса эканки, қўлидан етаклаб олиб қайтса. Нима қилиши керак? Азиза гоҳ бормоқчи бўлар, гоҳида қаттиқ ранжиб қизидан кўнглида гина қилар, гоҳ, ўзини айбласа, гоҳ уни кечирмасди.

Азиза хаёл билан ўрнидан турар экан палаталардан бирининг олдида тахлаб қўйилган бир даста туфдонга кўзи тушди. У аввал ҳайрон бўлди. Кейин секин бориб палатани кўздан кечирди. Биронта каравотнинг олдида туфдон йўқ. Палата эрталабкидай озода эмас, каравотлар тагида фикимланган қоғозлар, нон ушуклари, анор, олма пўчоқлари кўринади. Азиза аланглаб энагани қидирди. Уни тополмагач, ётган хотинларнинг биридан сўради:

— Нега биронталарингда туфдон йўқ? Пол ифлос бўлиб кетибди-ку!

Аёл энди жавобга оғиз жуфтлаган эдики, энг четдаги каравотда соч тараб ўтирган ёшгина жувон бидирлай кетди.

— Энагамиз ҳам жонини койитмайдиганлар хилидан экан. Эрталаб врач обходга кириши олдидан туфдонларни жойига қўяди-да, чикиб кетди дегунча йиғиштириб олади. Ҳадеб тозалаш жонига тегади, шекилли. Пўчоч-мўчоч ташлашга ҳеч бало йўқ, У идиш ўлгурлар кўрғазмага қўйилади, холос.

Азиза энагани қидириб кетди. Уни топиб келиб туфдонларни ўрнига қўйдирди, палатани тозалатди.

— Палатани тоза туриши, нарсаларни ўрнида бўлиши обходга кирадиган врач учун керак эмас, касаллар учун, шу ерда ётган хотинлар учун керак. Агар шундай ахволни яна кўрсам, мендан хафа бўлмайсиз! — деди.

Шу бахона бўлди-ю, гарчи вазифаси бўлмаса ҳам, Азиза палаталарни бир-бир кузатиб чикди. У бундан ав-

вал ҳам баъзи бир ўзи сезган камчиликларини тегишли одамларга гапирган эди. Бироқ, бунинг натижасини ҳалигача қўргани йўқ, Халатлар ҳали ҳам кир, шиппаклар етишмайди. Ташқарига чиқмоқчи бўлган хотин полни босиб борар, бошқа каравот ёнидаги шиппакни кияди. Натижада оёқ ҳам, шиппак ҳам ифлос бўлади. Туғиб ётган хотиннинг ўрнини ифлос бўлиши эса медицинага бутунлай хилофдир.

Коридорда турган челақдаги сувга энагаларнинг бири тувакчани ботириб чайқади-да, ичкарига опкириб кетди. Азиза челақдаги сувга қаради: ифлос. У беморга тувак тутмоқчи бўлган энагани тўхтатди. Тувакни тоза сувда, яхшилаб чайқашга мажбур қилди.

— Шундай ифлос сувда чайқалган тувакни қандай қилиб оқ чойшаб тўшалган ўринга қўйиб бўлади, ахир? — деди у энагани койиб, кейин ётган хотинларга тайинлади: — Энага бепарқ қарамаслиги учун сизлар кузатиб туринглар, талаб қилинглар. Бу сизларнинг соғлиқларингиз учун керак.

Шундай одамлар борки, уларни ҳамма вақт назорат қилиб туриш керак. Шунга ўрганган улар. Кўзингиз сал шамғалат бўлдими, билганларини қиладилар. Азиза шу бир неча дақиқалик кузатишида туғуруқхона учун ана шундай доимий назорат кўзи жуда зарурлигини сезди.

Жаҳли чиққан энага унинг кетидан тўнғиллади:

— Ўзи хайдалай-хайдалай деб турибди-ку, хўжайинлик қилишини қўймайди!

Азиза кейинги палаталардан жуда хурсанд бўлди. Ҳамма нарса тоза, тумбочкалар усти сарамжон, пол озода. У энагадан кўнгли тўлиб, орқасига қайтмоқчи бўлиб турганида, каравотда ётган хотинлардан бирининг йиғидан кўзи қизарганини, у буни бошқалардан яшириш учун девор томонга қараб олганини сезиб қолди.

— Нима бўлди? Нима қилди? — деб сўради Азиза унинг устига энгашиб. Кейин пешонасини ушлаб кўрди. Озроқ иситмаси бор эди. — Бирон ерингиз оғрияптими?

Аёл жавоб бермади. Кўзига келган жиқ ёшни рўмолининг учи билан артар экан, йиғидан бўртган юзини яширди.

— Хафа бўлманг, касал бўлиб қоласиз! Ё уйинигизда бирон гап бўлибдими?

Аёл кўзидан оқаётган мўлт-мўлт ёшларини тўхтата олмасди.

— Адаси келмаяпти. Ўғлимиз йўқ. Яна киз туғдим. Шунга аразлаб келмай юрипти.

— Шунга шунча хафа бўляпсизми? Келади, бирон иши чиқиб қолгандир. Эркаклар ўзи шунақа бўлади, ўғил-ўғил деб юришади-да, киз бўлиб қолса, кейин ўнта ўғилга ҳам алишмайман кизимни деб қолишади. Ҳаммаси шунақа. Хафа бўлманг. Бугун бўлмаса, эртага келади. Мана, мени айтди дерсиз!

Азиза аёлни овутиш учун шу гапларни айтди-ю, лекин ўзи жуда хафа бўлиб кетди. Ҳаётда одамдан кўра, унинг умридан кўра азизроқ нарса борми? Бирга яшаган одаминг умрингни кадрламаса, аямаса, асрамаса, бундан аламлироқ азоб бўлмаса керак. Ўлим билан ҳаёт ўртасида талаш бўлиб кўзи ёриган хотинига, киз туғибсан, деб араз қилиш учун қалбсиз, ҳиссиз бўлиш ҳам камлик қилади. Агар мана шу хотин тортган азобнинг ҳеч бўлмаса бир дақиқасини эри тортганда эди, бунақа гапни зинҳор тилига олмасди.

Азиза шу куни ишдан қайтаётганида ҳам ҳалиги хотин ҳаёлидан кетмади. Куни билан майдалаб ёққан ёмғир қорга айланган, юлдузсимон, йирик-йирик лайлакқор секин, лапанглаб ерга тушар ва ўша заҳотиёқ эриб, ер бағрига сингиб кетарди. Азизанинг аралаш-қуралаш хаёллардан юзи мисдек кизир, баъзан юзига урилган муздек қор учқунлари унга хуш ёқарди. У гоҳ бўладиган мажлис ҳақида, гоҳ Раъно, гоҳ эри ҳақида, гоҳ ҳалиги йиғлаб ётган аёлнинг эрига ўхшаш ҳиссиз, қалбсиз одамлар ҳақида ўйлар, тарқоқ хаёлларини бир жойга йиғолмасди. Чунки бу гапларнинг ҳаммаси унинг юрагини куйдирди. Азиза шундай кезларда бутун дунёнинг ташвишини бошимга йиғиб нима қиламан? Уйим, бола-чақам, ишимни ўйласам бўлмай-дими, деб ўзини ўзи койирди. Лекин кўнглининг қаридан садо берган одамгарчилик нидоси олдида сўзсиз бўйин эгарди. У ташвишсиз, муҳаббатсиз яшай олмасди.

Гупиллаб ёғаётган қор ерга тўкилиб ётган энг сўнги сарик, жигарранг япроқларнинг устига кўниб, ҳовлига ғалати сокин бир тус берган эди. Ошхонада чироқ ёққ. Деразадан Меҳри холанинг сояси кўринаяпти. Яхшиямки қайнонаси бор. Бўлмаса, шу вақтда ҳориб-чарчаб келиб овқат қилиш осон бўлармиди?

Азиза коридорга кирганда Эгамов чекадиган папироснинг ҳиди димоғига урилди. У шошилиб уйга кирди. Ди-

ванда Эгамов билан Наргис ухлаб ётишарди. Афтидан, Наргисни ўйнатиб ўтириб мудраб қолган кўринади. Наргис кўфирчоғини бағрига босган, боши дадасининг кўкрагида эди. Азиза ота-болани бир зум томоша қилиб турди. Кейин Эгамовнинг оқ оралаган сочларини меҳр билан секин силади. Эгамов уйғониб кетди. Хотинини кўриб жилмайди. Қизини уйғотиб юбормаслик учун ўрнидан турмасдан бир қўли билан Азизанинг бўйнидан қучоқлаб ўзига тортди-да, юзидан ўлди.

— Қолиб кетдингиз? Хавотир ола бошлаган эдим, — деди Азиза шивирлаб.

— Иш билан тугилиб қолдим.

Азиза Раъно ҳақида гаплашмоқчи бўлиб эрига қаради. Қаради-ю, унинг бу гапдан хабардорлигини дарров пайқади. Афтидан, Меҳри хола айтиб улгурган эди. Эгамовнинг юзидаги табассум бирдан ташвишли бир ифодага айланди. Наҳотки, унинг гапи Раънога оғир ботган бўлса?! Ёки жаҳл устида қаттиқ гапириб юбордимиз? Нима, ота бўлиб шунчалик тергашга ҳаққи йўқми? Демак, Раъно ҳали бу оилага сингмаган экан-да! Бир куни тушунди-ку, лекин вақт ўтгандан кейин тушуниш, тушунмасликдан кўра оғирроқ бўлади.

Эгамов Наргисни секин кўкрагидан олиб, ёстиққа бошини қўйди, туриб папирос чекди.

## VII

Редакцияда Эгамовнинг командировкадан кеч қайтганлиги тўғрисида ҳеч қандай гап бўлмаган, лекин Нурматов унга бошқача уқтирди.

— Одамлар ҳам қизиқ, Қодиржон бекорга кечикмайди десам, колхозма-колхоз зиёфатда юргандир, дейишадди.

Эгамовга бу гап оғир ботган бўлса ҳам, тишини тишига қўйди. Ходимларни бир чеккадан кўз олдидан ўтказди: йўқ, ҳеч ким бундай демайди. Эгамов айтмоқчи бўлган аччиқ жавобни қулт этиб ютдию кечикканининг сабабини икки оғиз сўз билан айтиб берди. Нурматов юмшоққина кулди. Аллақайси газетани кўздан кечирар экан, Эгамовга қарамасдан жавоб берди.

— Ажаб қизиқсиз-да, Қодиржон! Ўзингизга алоқаси бўлмаган ишларга аралашиб, гап орттириб нима қилардингиз?

— Менга ўхшаган одамларнинг номини сотиб, кол-

хозларда гадоЙчилик қилиб юрган одамга индамаслигим керакми?!

— Йўқ, йўқ, барака топкур, қизишманг. Ундай демоқчи эмасман. Менинг назаримда, жуда тўғри иш қилибсиз. Лекин, ҳамма ҳам шундай ўйламайди-да! Ахир, бу иш билан шуғулланадиган одамлар бор-ку, дейдиган кишилар топилмайди, дейсизми? Бай-бай, буни қаранг, вёрстка деган мана бундай бўпти! — Нурматов кўлидаги газетанинг ички бетини ёзиб Эгамовга кўрсатди. — Биз хали ҳам билмаймиз-да! Тўғрироғи, унча бош қотирмаймиз. Қаранг, баҳрингиз очилиб кетади-я!

Нурматов Эгамовдан бошқа жавоб эшитмаслик учун гапни чалғитарди. Эгамов буни пайқаб индамади. Лекин, кейинги вақтда Нурматовнинг жуда ғалати бир йўлга тушиб олганлигидан хайрон эди. У буни баъзан Нурматовнинг тортмасидан хали ҳам чиқмай ётган колхоз раиси ҳақида ёзган мақоласидан кўрса, гумон қилса ҳам, баъзан Нурматовдаги бу қадар катта ўзгаришга ўша мақолани асос қилишга ақли етмас эди. Тўғри, Нурматов онда сонда редакцияга келиб қоладиган баъзи бир сермулозамат мухбирларнинг бўш метариалларини қолдирмасликка уринар, уларнинг ихлосини ўзига боғлашга интиларди. Бирок, бу хилдаги хатти-ҳаракатини хали шунча йил бирга ишлаб Эгамов сезмаган эди. Эгамовдан яна бирон аччиқ жавоб эшитмаганидан Нурматовнинг кўнгли анча енгил тортди. Лекин, Эгамберди ака ҳақидаги материалдан овиз очишнинг ҳозир ўрни эмаслигини билиб, бошқа гапирмади. Бирок, энг зарури шу эди. Бир томондан Эгамберди ака телефон қилиб зериктирса, иккинчи томондан — бу материал ҳақида Эгамовнинг редакторга айтиб қўйишидан кўрқар, баъзан эса нимадандир кўнгли гаш тортиб, юрагига қил ҳам сифмасди.

Бугунги летучкага тайёрланиб ўтирган Эгамовнинг кўзи бирдан газета саҳифасидаги таниш суратга тушди. Газетада сурати босилган бу одам нима учундир Эгамовга танишдек, назарида, ҳатто қачонлардир у билан гаплашгандек эди. Эгамов кўзойнагини қўлига олди, қайта тақди. Яхшироқ қаради: эслай олмади. У сурат остидаги сўзларни ўқиди: Карим Охунов бригадаси давлатга гектаридан олтмиш беш центнердан пахта топширган... Каримча... Эгамовнинг ёдига лоп этиб бундан йигирма икки-йигирма уч йил аввал бўлиб ўтган бир воқеа келди. Бу воқеа ўттиз еттинчи йилдаги «тўполон» даврида бўлган эди. Газетанинг эски редактори ишдан олиниб,

ўрнига башараси совук, доим шинель кийиб юрадиган, новча бир киши тайинланди. Ўша даврларда газета саҳифаларида мустақил бўлмаган, шамол ҳайдаган томонга учиб юрадиган енгил, хашакка ўхшаган кишилар томонидан софдил, виждонли хизматчиларга нисбатан тухматдан иборат бўлган мақолалар кўп босиларди. Дўппи олиб кел деса, бош олиб столга қўядиган одамлар кўпайди. Ўзидаги доғни беркитиш учун битта ноҳақ кетидан ўнлаб ҳақ одамларни бадном қилиш ҳоллари бўлди. Ана ўша вақтда янги келган редактор Эгамовни чақириб қолди. Бу вақтда Эгамов редакцияда эндигина ишлай бошлаган эди. У газетачиликка кичкиналигидан қизиқди. Хат гашиб, гранка кўтариб, корректорларга ёрдам бериб юрганларини босмаҳонадаги баъзи бир кекса ишчилар ҳали-ҳали эслашади.

Газетага янги келган бу редактор сиёсий саводи йўқ, ҳатто қўл қўйишни тузукроқ билмайдиган оми кимса эди. Яқинда уни аллақайси бозорда паттачилик қилиб юрганини Эгамов кимдандир эшитди. У ўшанда Эгамовга қараб столга мушт уриб сўради:

— Комсомолмисиз?

— Ҳа.

— Янгийўлга бориб, палон раис ҳақида материал уюштириб келасиз.

Эгамов қанақа материал деган маънода кўзини пирпиратди.

— Яна битта «халқ душмани» топилди деган мақола беришимиз керак. Тушундингизми? Нима, колхозчидан душман чиқмайдими? Боринг, топширикни бажаринг!

Ёш Қодиржон анграйиб қолди.

— Бу қандоқ гап бўлди! — деди таажжуб билан.

Редактор ўшқирди:

— Замонни тушунмасангиз, редакцияда нима қилиб ўтирибсиз?! Атрофингизда бўлаётган гапларни эшитмаяпсизми?! Нима, битта душман топиш шунча қийин эканми? Жўнанг!

Эгамов Янгийўл районига етиб борганда ҳам ақлини йиғиштириб ололмади. Унинг редакцияда ишлай бошлаганига ҳали кўп бўлмаган, бунинг устига, тажрибасиз эди. Унда холис, яхши нияту беғубор кўнгил бор эди. холос. Шунинг учун ҳам ҳозир бу суратдаги одамнинг ким эканлигини эслаганида виждони олдида ўсал бўлмади.

Эгамов редактор тайинлаган колхозни ҳам, раисни

хам топиб борди. Бу раис ўттиз ёшларга борган, жиккак, қорачадан келган, чайир бир йигит эди. Аввалги раиснинг қариндош-уруғлари ёппасига бой бўлган, деб раисликдан туширишган, Каримчани янги сайлашган экан. Одамлар уни яхши кўрибми ёки кичикроқ бўлгани учунми, шундай аташар эди.

Каримча ўлгудай содда йигит эди. Эгамов уни гапга солиб кўриб, жуда боши қотди. Бу одам душман бўлиш у ёқда турсин, душманнинг нималигига ақли ҳам етмас эди. Ўзига юкланган катта вазифадан анча гангиб қолган Каримча бутун жамоа ишни якка ўзи қилмоқчи бўлар, ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа югурар, афтидан, одамларга буюра олмас эди.

Эгамов ундан ўсмоқчилади:

— Эски раисинглар халқ душмани чиқиб қолдими?

Каримча Эгамовга ҳайрон бўлиб бир қаради-да, кейин кулиб юборди.

— Ҳе, муллака, — деди у Эгамовдан ўн ёшча катта бўлса ҳам, — нима, душман бўлиб уни биров милтиқ билан ушлаб олибдими?

Эгамов ичида редакторни сўқди, роса тажанг бўлди. Кейин Каримчанинг бундан кейинги режаларини сўраб-суриштириб, уни кўкларга кўтариб мақтаб мақола ёзиб кетди. Ана ўшандан кейин редактор Эгамовни сиёсий кўрликда айблаб, мақолани босилмайдиган материаллар яшигига ташлади.

Ҳозир Эгамов ушлаб турган газетадаги бу сурат ўша Каримчанинг сурати эди. У жуда тўлишган, анча ёшга кириб қолган эди.

Эгамов ана ўша вақтларни, ўша редакторни ўйлаб, ўзича ғалати қилиб кулиб қўйди. Хаёлида ўша редакторни катта йўл устида ётган тошга ўхшатди. Йўл устида ётган бўлгани учун ҳам у ўткинчиларга ҳалакит беради. Баъзи бировлар уни четга улоқтирсалар, баъзилар уни тепиб ўтадилар. Лекин барибир у ҳалакит беришдан тўхтамайди. Ана шундан кейин уни йўлдан олисга, жуда олисга улоқтирдилар. Мана, Нурматовни олайлик. Йўқ, Нурматов йўл устидаги тош эмас. У бир вақтлар йўлларни ана шундай тошлардан тозалашда кўпчиликка кўмаклашган одам. Бироқ, у ўша тошларни йўл устидан улоқтирар экан, буларнинг тақдири нима учун шундай бўлганлигини чуқур мулоҳаза қилмаган кўринади. У бугунги ҳаётнинг талабларига жавоб бера олмайдиган, бугуннинг нафасидан рухланмайдиган одамнинг ана шун-



дай тошга айланиб қолиши жуда осонлигини, бугунми-эртами уни одамлар йўлдан улоқтириб ташлашлари мумкинлигини билмаяпти. Нурматов ҳали тошга айлангани йўқ, лекин у аввалгидай йўлни кераксиз тошлардан тозалаш ўрнига қанча тошни йўл устидан улоқтирилганини ўйлаб, ҳадеб орқасига қараяпти. Ўртоқлари, ҳаёт уни турткилаб олдинга сургаяпти. Агар у ана шу турткиларнинг самимийлигини тушунмаса, тошга айланиб қолиши турган гап.

Эгамов ақлини таниганидан бери кечирган ҳаётини сўкмоқ йўлга ўхшатди. У ҳаётнинг мана шу гоҳ текис, гоҳ гадир-будир, гоҳ иланг-биланг сўкмоғида катта йўлни қидириб кетяпти. Бундай сўкмоқлар жуда кўп: буларни ўтмасдан туриб катта йўлга бориб бўлмайди. Агар Нурматовга ўхшаш, Толибга ўхшаш, Раънонинг дадасига, Иқболнинг ойисига ўхшаш одамлар бўлмасайди, бу эгри-бугри сўкмоқлар ҳам бўлмас эди.

Эгамов бош кўтариб Нурматовга зимдан тикилди. Нурматов ишлаб ўтирган бўлса ҳам Эгамовнинг назарини сезди.

— Янги келган адабий ходим жуда куйдирыпти-да! Материал ишлашни билмайди. Гапирсанг, ерга қараб тураверади. тушунганини ҳам, тушунмаганини ҳам билмайсан. Қаттиқроқ гапирай десанг қиз бола, кўнгли нозик. Уф-ф... Келиб-келиб бизнинг бўлимга беришганини қаранг! Яна редактор нима дейди денг? Тарбиялаш керак, кўтариш керак эмиш. Кўтариб қаёққа олиб борамиз? Бўлимгами? Адабий ходимликни эплай олмаган одамни бўлим бошлиғи қиламизми?

— Эгамберди аканинг касалидан сизда ҳам бор экан, — деди Эгамов хотиржамлик билан. У бу гапи билан халигача чиқмай ётган материални эслатса ҳам, аслида, Эгамберди аканинг катта бир нуқсонини эсга солди. — Хотин-қизларни йўлатгингиз келмайди. Бундан ташқари, менинг назаримда, адабий ходимликни эплаган одам бемалол бўлим бошлиғи бўлиб ишлаши мумкин. Адабий ходим — газетанинг юраги. Материал биринчи марта унинг қўлида газетага мосланади. Адабий ходим ишлаган материалларнинг аслини олиб бир қаранг-чи! Меҳнатини ўшанда биласиз!

Нурматов гапни чалғитаман деб гап тилаб олганидан ичида ўзини койиди.

— Гапнинг орқа-ўнгига қарамай гапирасиз-да, Қодиржон! Яхшики, феълингизга тушуниб қолганман.

Телефон жиринглади. Нурматов трубкани олди.

— Нима?! Загонда материал кўп-ку! Тўғри келмапти, дейсизми? Ҳозир тушиб қисқартириб бераман, хўпми?

Нурматов трубкани қўйиб ўрнидан турди.

— Қанча материал ётибди-ку, материал йўқ дейишадими-я! Макет тузишни билишмайди-да!

Эгамов чиқиб кетаётган Нурматовни тўхтатди.

— Бу, ҳалиги материал тушиб кетганми ёки ҳали ҳам стол тортмасидами?

Нурматов бошини қашиди.

— Булмаса, бир маслаҳатини қилайлик, — деди ноҳор. — Майли, яна бориб келаман деганингиз учун ушлаб турган эдим.

— Майли, бораман, — деди кутилмаганда Эгамов. — Шу бугуноқ, ҳозирок жўнайман. Шундай қилсам, кўнглингиз тўладими? — Эгамов жаҳл билан столининг устини йиғиштира бошлади. — Бирок, билиб қўйингки, бу материалнинг чиқиш тарихини газетада босилгандан кейин кўпчиликка маълум қиламан.

Нурматов кўрқиб кетди. Лекин, буни Эгамовга сездирмади. Энди Эгамовнинг колхозга боришидан Эгамберди ака учун ҳам, Нурматов учун ҳам фойдали эмас, аксинча, зарарли бўлиши турган гап эди. Эгамовнинг айтганини қиладиган, қайсарлигини Нурматов яхши билади. Бирок, шуни билиб туриб, нима бало бўлдию кўзи бовланди. Ёки Эгамберди аканинг юзидан ўтолмадими? Нима бўлган бўлса ҳам, киши балога қолурми ўз ихтиёри билан, деганларидек, Нурматов ҳам ўз ихтиёри билан бошига ғалва орттирди. Энди бу материал чикса ҳам, чикмаса ҳам Нурматов ўзини оқлай олмайди. Чикса ҳам шарманда бўлади, чикмаса ҳам.

— Оббо, Қодиржон-эй! Дарров қизишиб кетасиз-да! — деди гангиб қолган Нурматов. — Тагида захар ётган шунақа гапларингиздан жуда зерикдим, — деб Нурматов кутилмаганда хурпайиб Эгамовнинг йўлини тўсди. — Андишани билинг, Қодиржон. Мен сизга ёш бола эмасман! Нега жеркийсиз? Менга ўхшаганларнинг мақоласини ўқиб, журналистликни ўргангансиз. Бормайсиз, шу бугуноқ тушираман материалингизни! Яхшилиқни билмаган одам...

— Яхшилиқ қиляпсизми, ёмонлик қиляпсизми, шуни аниқлаб келишим керак, — деди Эгамов чўрткесарлик билан.

— Бормайсиэ деяпман, гап тамом! Мен рухсат бермайман. Ҳарқалай, бошлиқингиз эканимни унутманг.

— Сиз жавоб бермасангиз, бошқалар жавоб беришар. Эгамовни энди тўхтатиб бўлмас эди. У редактор ёнига кириб воқеани текисроқ қилиб айтди-да, жавоб олиб Мирзачўлга жўнаб кетди. Бироқ, ўчакишгандек, яна раис йўқ вақтида борибди. Уни райкомга кетган, дедилар. Эгамов колхозни яна айланди, колхозчилар билан гаплашди. Колхозда хотин-қизлардан актив йўқлигига яна бир марта амин бўлди. Энди раиснинг ўзи билан учрашмоқчи, Нурматов билан бу раиснинг алоқаси борми-йўқми, шуни билмоқчи эди. Бироқ, раис шу куни қайтмади. Кеча ҳам уйига одам юбориб хабар олдирди, раисдан дарак бўлмади. Кечаси колхоз меҳмонхонасида ётиб қолди. Бу меҳмонхона колхоз боғига солинган эди. Сердарахт, анвойи гуллар экилган бу боғ кириб келаётган киш нафасидан хувиллаб, файзини йўқотган эди. Меҳмонхона олдидаги катта цемент ҳовуздаги кўм-кўк сув яримлаб қолган. Унда ҳар хил хазонлар, нон ушоқлари сузиб юрибди. Оғзидаги қоғоз пўкаги олинмаган кичкинагина носқовоқ қиялаб шамолда жимирлаган сув юзида секин-секин тебраниб қўяди. Меҳмонхонанинг айвонига солинган ҳар хил суратлар рангини йўқотган, бўялган устунлари ёздагидек ярқирамайди.

Ҳаво совуқ бўлса ҳам, Эгамов меҳмонхона бошлиғи бўлган новча, тўла йигит билан айвонда, чироқ тагида ўтириб анча суҳбатлашиб қолди. Ёзда бу меҳмонхона жуда гавжум бўлади. У ёқ-бу ёқдан келган вакиллар, қўшни вилоятлардан келган мусобақадошлар ҳам шу ерда тунашади. Атлас кўрпа, парку болиш, оппоқ чойшаблар, чиройли каравотлар меҳмонларнинг баҳрини очади. Бироқ, бу меҳмонхонага хотин-қизлар йўламайди. Ўринни ҳам эркаклар йиғиб, эркаклар тўшайди. Супуриш-сидириш ҳам эркакларнинг қўлида. Чети доғ босиб кетган пиёлалар ҳам хотин-қизларнинг қўлини кўрмаган. Агар хотин-қизлардан меҳмон келгудай бўлиб қолса, уни меҳмонхонага эмас, биронта колхозчи хотинниқига киритишади. Хотинлар далада кетмон чопади, пахта теради, бу ердаги енгил-елпи ишларни эса чаққон-югурдак йигитлар бажаришади. Бўш вақтларда бу ерда шахматбозлик, ошхўрлик бўлади. Уларга ҳеч ким бир нима дея олмайди. Бу ишга уларни меҳмондўст раиснинг ўзи тайинлаган. Эгамов мана шу меҳмонхонага хотин-қизларнинг қўли тегса, қанақа фэйз киришини ўйлади. Бу ҳақда

меҳмонхона бошлиғига лукма ҳам ташлаб кўрди. Бошлиқ аввал бир қизариб олди.

— Хўжайиннинг кўнгли хотин-қизлар масаласида андак нозикроқ, — деди кейин кулимсираб. — Жуда рашки ёмон. Шу колхознинг аъзолари бўлган ҳамма аёлларни рашк қилади, десам ҳам хато бўлмайди. Шунақа ажойиб феъли бор. Эркаклар йиғилган жойга хотинларни йўлатмайди. Бирортаси каттиқ қараб қўйса, тепа сочи тикка бўлиб кетади.

Меҳмонхона бошлиғи раис ҳақидаги бу гапларни негадир муҳаббат билан, гурур билан сўзлади. Шунинг учун Эгамов унга ҳеч нарса демай қўя қолди.

Раисдан эртаси куни ҳам дарак бўлмади. Кута-кута тоқати тоқ бўлган, бир томондан, ишхонасидан бир кунгагина жавоб олиб келган Эгамовнинг жуда диққати ошди. У Эгамберди ака билан учрашмасдан Нурматовни кўргиси келмас эди. Охири сабри чидамай райкомга қараб кетди. Бироқ, раисни у ердан ҳам тополмади. Эгамберди акани яқин орада райкомга келгани йўқ, деб жавоб беришди. Боши қотган Эгамов райкомнинг зинасида, нима қилишни билмай хаёл суриб турганида, чиқиб кетаётган ёшроқ, олдинги тишлари лабини туртиб чиққан бир йигит унга бир қаради-да, кейин орқасига қайтиб у билан сўрашди.

— Йе, келинг! Ҳа, нима қилиб бу ерда хаёл суриб турибсиз?

Эгамов йигитни дарров эслади. Бу Нурматовга шиорлару эълонлар ҳақида материал олиб борган жамоатчи мухбир эди. Эгамов ҳам у билан сўрашди.

— Ўзингиз бу ерда нима қилиб юрибсиз?

— Э-э, сўраманг! — деди йигит кулиб. Кейин кўли билан кўчанинг у юзидаги чойхонани кўрсатди. — Юринг, вақтингиз бўлса, бир пиёла чой ичайлик. Ҳозир жуда хуноб бўлиб кетдим. Ғалати одамлар бор-да дунёда!

Майдалаб ёға бошлаган қор ерни ун элагандай бир зумда оппоқ қилиб қўйди. Ҳар куни қағиллаб қор тилаб ётган қарғаларнинг куни туғди. Ёзда иссиқдан безор бўлган одамлар энди иссиқ, пана жойларни кўзлаб қолишди.

Эгамов билан ҳалиги йигит юмшоқ, қуруқ қор устидан оҳиста юришиб чойхонага киришди. Шолча ёзилган чорпоялардан бирига ўтириб чой чақирди.

Эгамов чой қайтараётган ҳамроҳининг юзига тикилар экан сўради?

— Нима гап бўлди? Ким хуноб килди ўзи?

Йигит бир хўрсиниб қўйиб Эгамовга чой узатди.

— Шу ерга, район газетасига ишга олишмоқчи эди мени, — деди йигит тажанглик билан. — Райкомга суҳбатга чақиришибди. Кирдим. Қарабсизки, имтихон бошланиб кетди. Олам қандай яратилган? Народниклар кимлар? Улуғбек ким бўлган? Хулласи, кетма-кет шунга ўхшаш саволлар. Аввал хайрон бўлиб қолдим. Кейин жаҳлим чикиб кетди. Ахир, газетани қўлимга тутқазиб қўйиб, қайси материал қанақа ёзилган, деб сўрагин, яна нима қилса шу газетани яхшилаб чиқариш мумкин, деб савол бер! Ана шунда менинг ўқиган-ўқимаганим ҳам, газетада ишлашим мумкинми-йўқми, ҳаммаси маълум бўлади-қолади! Тавба. Фалати одам экан. Афсуски, шунақа одамлар ҳам бор.

Эгамов йигитнинг тўғри, одил сўзларидан, жаҳлидан завқланиб кулди.

— Хўш, кейин нима бўлди? Домлангизга маъкул бўлдингизми?

Йигит беихтиёр кулди.

— Маъкул бўлдим, шекилли. Шошмай турсин, у билан ҳали кейин гапиришаман. Шунақаям қуруқ одам бўладими!

Улар анчагача суҳбатлашиб ўтиришди. Эгамов гап орасида Эгамберди акани қидириб келганини айтиб қолди.

— Э-э, ҳали Эгамберди акани излаб юрибман денг! Кеча эрталаб у Тошкентга ўтиб кетди. Шофёрини кўрувдим шу ерда.

— Танийсизми?

— Бу ердаги колхозларнинг ҳаммасини биламан. Қўчиб келганимизда беш яшар эканман, — деди йигит ички бир ғурур билан.

Эгамовнинг баттар диққати ошди. Яна колхозга қайтиб борай деса, анча олис. Бунинг устига, раис қайтганими-йўқми, буниси ҳам гумон. Эгамов колхозга қайтмади, шу ердан Тошкентга жўнаб кетди.

## VIII

Нурматов Эгамовни Мирзачўлга кетганини билиб, ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Бугунми-эртами, энди шарманда бўлиши аниқ. У нима иш қилиб қўйганини энди билди. Эртами-индинми неча йиллардан бери ишлаб

келган жойидан, неча йиллардан бери бирга ишлаган ўртоқлари, сиз бу ерга муносиб эмас экансиз, деб ковушини тўғрилаб қўйишлари мумкин.

Нима қилиб қўйди? Нега шундай қилди? Нурматов бу саволларга ўзини ўзи қойишдан бошқа жавоб тополмасди. У кун бўйи нима иш қилганини билмади. Хатто теришга топширган материалларининг бир-иккитаси котибиятдан қайтиб чиқди. Бундай ўқиб қараса, бир жумланинг қоқ ярмидан иккинчи жумлани улаб кетибди. Тузатаман деб шунча уринди-ю, негадир ақли сира ишламади. У кўриниб турган шу оддий хатони тузата олмаганидан, энди тамом бўлдимми, деб бирдан қаттиқ кўрқиб кетди. Бу кўрқув унинг ақлини баттар ўтмаслаштирди. Чизди, ёзди, бўлмади. Ручкани столга ташлаб, бошини чангаллаганча ўрнидан турди.

Нурматов ўзи ҳам «жиноят» деб иқроф бўлаётган бу гуноҳини эртанги кунга илаштирмай, бугунги кун билан абадий ташлаб кетиш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Лекин бунинг иложи борми?

Нурматов уйга қандай етиб келганини билмади. Ёзда кўркамлиги билан ҳамманинг оғзида дoston бўлган ховлиси ям-яшил фаслдан кейин биринчи марта қор кўрпаси остида қолганиданми, ёки Нурматовнинг кўнгли вашилигиданми, кўзига жуда хунук кўринди. Қор ёғиб турибди. Айвон устунига боғланган бир боғ исирик ҳам қорга ўралган.

Нурматов зинадан айвонга чиқаётганда беш яшар ўғилчаси бир бош узумни чангаллаганича унинг қарши-сига югуриб чиқди.

— Амаким телдила, узум, беҳи олиб телдила менга...

— Қайси амакин? — деди беихтиёр Нурматов.

— Р-раис амаким, — деди ўғли чучук тил билан.

Нурматов бир лаҳза туриб қолди. У, нега шундай қилдим, деган неча кунлардан бери уни раҳмсиз эзган саволга энди жавоб топган эди. Нурматов ўғлига қарамай, шиддат билан уйга кирди. Югуриб-чошиб келган одамдай калта-калта қилиб хотинидан сўради:

— Эгамберди келдими? Кетиб қолдими?

— Йўқ, бир жойда ишим бор, деб чиқиб кетди. Кечкурун келаман, деди.

Нурматов пальтосини ечиб ичкари уйга кирди. Димоғига беҳининг хушбўй ҳиди гуп этиб урилди. Ёнма-ён қўйилган икки яшиқнинг бирида бирон жойида заҳа-чақаси йўқ олтиндек беҳилар, иккинчи яшиқда совукдан

пўсти таранглашган қахрабо ҳусайни узум бошлари. Ўғилчаси оёғи остида ўралашиб, ҳадеб оғзини чапиллатар, кичкина қўлчасига сиғмаётган беҳини эплаёлмай кийналарди.

— Тегма, қўй жойига! — деди Нурматов бирдан.

Ўғли парво қилмади. Нурматов зарда билан унинг қўлига уриб, беҳини яшикка туширди. Ўғли хўрсиниб савол тўла кўзлари билан дадасига қаради. Нурматов унинг иккинчи қўлидаги узум бошини ҳам олиб яшикка улоқтирди. Бола отасидан биринчи марта бундай муомалани кўрганиданми, чинқириб йиғлаб юборди. Онаси югуриб кириб, уни кучоклаб бағрига босди.

— Вой ўлай, нима қилганингиз бу? Шуларнинг ризки-да!

— Ҳа, ризк! — деб бақирди бирдан Нурматов. — Тегманглар! Тишларингни уриб синдираман!

Шунча йил бирга яшаб, эридан биринчи марта шундай гапларни эшитаётганидан хотини хушини йўқотиб жим бўлиб қолди. Ўғлининг ўқсиб йиғлашидан юраги эзилган Нурматов бир ўғлига, бир хотинига қаради-да, ташқарига чиқиб кетди.

Ҳамма вақт ўйин-кулги, хурсандчилик тўлган уйда қандайдир кўнгилни эзадиган нохушлик, жим-житлик бошланди. Нурматов индамайди, унга қараб хотини ҳам оғзига талқон солиб олгандай бир оғиз ҳам гапирмайди. Ўғли бўлса, дадасига ботинқирамай қараб-қараб қўяди-да, онаси кетидан қолмайди. Кечки овқат ҳам ана шундай жим-житлик билан ўтди. Телевизор олдига бўлса биров бормади ҳам, кўрмади ҳам.

Нурматов Эгамберди акани кутар, нима гаплигига ақли етмаган хотини бўлса, ўрталарида бирон гап ўтганмикан, деб ўйларди.

Эгамберди ака кечаси соат ўн иккиларди келди. Машина гув этиб дарвоза ёнида тўхташи билан Нурматовга хотини савол назари билан қаради. Нурматов ўрнидан кўзгалмади, кўзини пирпиратиб, лабини ялаб қўйди, холос. Хотини ўрнидан туриб дарвоза очгани кетди.

Эгамберди ака жуда бемалоллик билан яйраб-яшнаб ҳовлига кириб келди.

— Келдиларми хўжайин?

— Ҳа, — деди хотини, лекин меҳмонни аввалгидек бир дунё гап билан кутиб олмади. Индамайгина унинг олдига тушиб, уйга бошлади.

Эгамберди ака коридорда ечиниб, пальтосини орқаси-

дан кириб келаётган шофёри қўлига тутказди-да, йўл-йўлакай гапириб уйга кирди:

— Ху-у, ёруғлик, қаёқдасиз?! Биз қидириб келмасак, ўзлари борай ҳам демайдилар.

Нурматов меҳмонга аввалгидек кучоқ очмади. Қандайдир бир расмиятчиликка яқинроқ тарзда кутиб олди. Хол-аҳвол сўрашиб, ўтиришга таклиф қилди. Ўзига нисбатан бундай муомалани сира кутмаган Эгамберди ака бироз таажжуб билан сўради:

— Ҳа, нима гап ўзи? Қайфиятлари йўқроқ кўринади? Чарчаганга ўхшайсиз-а! Биз томонларга бормаганингизнинг жазоси бу, ошнам!

— Ишларингиз қалай? — Нурматов гапни бошқа томонга борди.

— Бизнинг ишимиз ҳеч қачон ёмон бўлмайди. Тўлмаган планимиз йўқ ҳисоб. Қурилишлар катта. Янги йилга анча-мунча хўжаликни янги уйга кўчириш ниятим бор. Фақат... — Эгамберди ака шофёрига имо қилган эди, у туриб чиқиб кетди. — Шу... сизга боғлиқ бўлган томони ёмон бўлиб турибди, холос.

Нурматов жавоб бермади. Хотини келтириб қўйган овқатни Эгамберди ака томонга суриб, чой қуйиб унга узатди.

— У одамингизни жуда кутдим-да! Бора қолмади. Мен бошда аҳамият бермай қолибман. Ўзи сал кўнгли қорароқ йигит эканми, яхши томонингга сира қарамайди, қаёқдаги иприски гапларни сўрайди. Сиз билан бирга ишлашини билсам, бошқача кутиб олардим-а! Боғлар авжи шарбатга тўлган пайти эди. Битта томчисини оғзига томизиб қўйсам, тамшаниб кўзини каттароқ очиб қарарди-я! Бу гап Нурматовнинг худди юрагига бориб санчилгандай бўлди. Айни пайтда у ўзини шу қадар паст, шу қадар ожиз бўлиб қолгандай сизди. Рўпарасида савлат тўкиб ўтирган Эгамберди ака унинг хўжайнию Нурматов унинг қўлидаги югурдаги. Борса меҳмон қилди, келса қуруқ келмади, мана энди жавоб талаб қиляпти. Емоқнинг қусмоғи ҳам бор, дейдилар. Виждон ҳам, юрак ҳам шу қусиқ билан чиқиб кетиши керак.

— Ўша мухбир колхозингизга кетган.

Эгамберди ака ўрнидан туриб кетди.

— Ия, қачон? Шунақаям хом иш қиладими одам! Телефон қилиб қўйсангиз бўлмасмиди?!

— Эгамберди, — деб жиддий гап бошлади Нурматов, — қўйинг, шу гапларни. У мухбир менга сира ўхшамай-



ди. Ҳамма боғларингизнинг шарбатини бошидан куйганингизда ҳам, тилига бир томчи теккизмай кетадиган хилдан.

— Ия, дарров ўзингизга олдингизми? Сиз билан менинг йўриғим бошқа.

— Йўқ, бошқа эмас! — деб давом этди Нурматов. — Мен ҳам ўша мухбирга ўхшаш газета ходимиман. Фақат сиз билан аввал таниш бўлдим, кейин ошна-оғайни. Қарасам, унча-мунча оғзимга теккан шарбат тилимни боғлаб қўйибди. Газетада аллақачон чиқиб кетиши лозим бўлган материални шунча кун сақлаб ётдим. Сиз агар яхши одам бўлганингизда мендан бу ишни талаб қилмаслигингиз керак эди.

— Ана холос! Ёмонсиз дея қолинг! Мен ҳаддим сиққанидан айтдим-да! Ўзингиз биласиз, колхозчилик. Раисимиз ундок, раисимиз бундок, раисимизнинг гапи қонун деб юрган аъзоларим бирдан газетада мени ёмонлаб ёзганини ўқиб қолишса нима дейишади? Мени аввалгидай ҳурмат қилишмай қўйишади, гапимни писанд қилишмайди, натижада ишга путур етади. Ё нотўғрими гапим?

— Агар колхозчилар сизни чиндан ҳам ҳурмат қилишса, ёнингизга кириб камчиликларингизни бирга тузатишади.

— Э-э, бунақа ақлли гап бошқа, колхозчилик бошқа!

— Қўйинг энди, Эгамберди, бунақа гапларга чек қўяйлик. Қачон кўргингиз келса мени, марҳамат, фақат қуруқ келинг. Бориб қолгундай бўлсам, ҳамма қатори жўнатинг. Гапнинг очиги, Эгамов мен билан вижиллашиб қолди. У жуда ҳалол бола. Иложи бўлса, кўзига кўринмаганингиз маъқул... Мақола газетада чиқади.

Эгамберди аканинг юраги сиқилди. Назарида, уни танқид қилиб чиққан газетани колхозчилар қўлма-қўл кўтариб юргандай ўзини қўйишга жой тополмай қолди.

— Тирноқдан кир ахтарса албатта топади. Тўғрими? Қанча меҳнатинг, яхшилигинг турганда, ёмон томонингни кавлаштириб топиш ҳам инсофдан эмас-да, ахир! Ҳа, майли, қўлингиздан келмайдиган ишни сўраган эканман.

Эгамберди ака бирдан кетишга тараддулланиб қолди. Нурматов қаршилиқ кўрсатмади. Ҳеч кимга қарамай чиқиб кетди. Шофёри узатган пальтосини елкасига елвагай ташлаб олди. Ҳайрон бўлиб қолган шофёрнинг қўлига Нурматов беҳи солинган яшиқни тутқазди-да, иккинчисини ўзи кўтариб кўчага чиқди.

Эгамберди ака машинага кириб олган, хеч қаёққа карамай, индамай ўтирарди. Нурматов машина юкхона-сига яшикларни жойлаштираётганда, орқасига ўтирилиб тўнғиллади:

— Бу нима қилганингиз?

— Яшиклар эмас, киллолаб сотиб олиб еб ўрганган одам эдим. Оз бўлса ҳам ўшаниси юк бўлар экан. Хафа бўлмайсиз-да!

Эгамберди ака хайрлашмасдан жўнаб кетди. Нурматов уйга кирди. Кўзини пирспиратиб ҳали ҳам нима гап-лигига тушунмай ўтирган хотинига бир қараб қўйди-ю, хеч нарса демади. Уй ичида тимирскиланиб бир нафас юрди, кейин кийина бошлади.

— Қаёққа?

— Редакцияга бориб келаман.

— Вой, ўлай, ярим кечада-я! Эрталабгача сабр қилинг.

— Дарвозани занжирлаб ол.

Нурматов редакцияга қандай етиб борганини билмади. Навбатчидан калитни олиб кабинетини очди-да, чирокни ёқди. Стол тортмасидан материални олиб, яна бир марта ўкиб чикди. Кейин қорозни дасталаб ўртасидан буклади-да, гарчи материал бланкага ёзилмаган бўлса ҳам, сарлавҳа устига катта-катта ҳарфлар билан «ТЕРИШГА» деб ёзиб қўйди. Унинг кўнгли бирдан ёришгандай, руҳи енгил тортгандай бўлди. Уйқуси келиб, бошини оҳиста столга қўйди.

## IX

Толиб ўша кетганича дом-дараксиз кетди. Ёлғиз унга суяниб қолган, уни деб ҳамма нарсдан кечган Раъно учун бу катта фожиа эди, албатта. Раъно уни ҳар куни кутди. Эрталаб умид билан уйғонади, лекин кечқурн бўлса ўксик, ғариб бир алфозда уйга қайтади. Шу ўтган кунлар ичида Раъно жуда озиб, сўлинқираб қолди. Кўзларига қандайдир бир мунг, ҳасрат чўқди. Унинг бу аҳволини фақат Иқболгина тушунар, кўнглига қарашга, овутишга уринарди. Ўртоғининг бу хатти-ҳаракатини сезган Раънонинг хўрлиги келар, шунинг учун қалбида кечган изтироб-аламларни ҳатто Иқболга ҳам айтмасликка, билдирмасликка уринарди. Раъно ўз аҳволидан бировга ҳасрат қилишни ўйласа, нима учундир ўзини бечора, ташландиқ, кимсасиз бир ғариб каби ҳис қилар, бун-

дан ташқари, юрагининг аллақаерида ётган ғурур бировга ўзини ана шундай аҳволда кўрсатишга йўл бермасди.

Кечаси хаёл ухлатмайди. Кундузи бўлса, балки Толиб келиб кутиб тургандир, деган умид билан дарсда қандай ўтирганини билмайди. У домланинг гапини эшитиш у ёқда турсин, қаерда ўтирганини ҳам унутади. Кўнғироқ чалиниши билан юраги ўйнай бошлайди. Аввал коридорга чопади, ундан кўчага... Лекин Толиб йўқ, ана шу аҳволда Раъно бир неча кунни ўтказди.

Бугун ҳам дарсдан кейин ошиқиб кўчага чиқди-ю, яна бўшашиб туриб қолди. Кутубхонага боришни баҳона қилиб, Иқболдан ажралиб қолди-да, ёз кунлари Толиб кутиб ўтирадиган скамейка ёнига борди Аксари Толиб уни шу ерда кутарди. Ҳозир бу скамейкани қор босган, ёзда атрофида барқ уриб очилган гулларнинг сарғайган таналари қор остидан маъюс боқардилар. Раънонинг баттар хўрлиги келди. Гўё унга жуда катта бахтлар ваъда қилган муҳаббатнинг умри ҳам мана шу гуллардек сарғайган, тамом бўлган эди. Яқингинада бу ерда анвойи ранг гуллар очилиб ётарди. Раъно ҳам бу жойга худди шу гуллардек очилиб, кулиб келарди. Энди-чи? Энди гуллар ҳам сўлибди... Севги-чи? Нахотки... Нахотки, у ҳам сўлиган бўлса?!

Раъно скамейканинг бир четигаги қорни қўли билан сидириб ташлаб, оҳиста ўтирди. Унинг уйга қайтгиси келмасди. Иқболнинг ойиси унга сира ёқмас, унинг ясама меҳрибончиликлари, енгил қилиқлари доим Раънонинг гашини келтирарди. Бундай кезларда Раъно Азизани жуда соғиниб кетарди. Раъно Азизанинг бутун хатти-ҳаракатларини ўйлаган, кўз олдига келтирган сайин, унинг назарида, Азиза шундай бир олижаноблик чўққисига кўтарилардики, Раъно ўз виждони олдида хижолатликда қолар, Иқболларникида бир дақиқа ҳам тургиси келмас, Азизанинг оёғига бош қўйиб кечирим сўрагиси келарди. Лекин, Азиза-чи? Азиза кечирарми-кан? Онаси ўрнига она бўлган, унга қанча яхшиликлар қилган кишига Раъно нима қайтарди? Кўрнамаклик қилди, холос. Балки, дадаси билан ойисининг Толиб ҳақидаги гаплари тўғридир. Бўлмаса, нега Толибдан дарак йўқ? Қайси куни Толибнинг ўртоқларидан биттаси Раънони кўриб, худди уни мазах қилгандек кинояли илжайиб ўтиб кетди. Нега шундай қилди-а? Сен аҳмоқ бўлиб унинг дардига куйиб юрибсан! У бўлса, айшини суриб юрибди, деганимикан? Йўғ-э, балки Раънога шундай

кўрингандир? Балки, Толиб касал ётгандир? Ахир, у ўша куни, мазам бўлмапти, деган эди-ку! Ундай деса, Раънонинг дугоналаридан бири уни кўрганини айтувди...

Раъно совуқдан оёғининг увишиб қолганини сезиб, тиззасининг кўзини ишқалаганича ўрнидан турди. Қаёққа боришини билмай, бир нафас иккиланиб турди-да, кейин оҳиста юриб Иқболларникига кетди.

Эрталаб дарсга бориш учун Иқбол билан бирга уйдан чикди-ю, трамвай бекатига етмай негадир тўхтаб қолди.

— Юрмайсанми? Кеч қоламиз, Раъно!

Раъно ўрнидан кимирламади. Иқболга зўрма-зўраки ғалати бир илжайиб қаради. Трамвайга чикиб улгурган Иқбол қайтиб тушди. Трамвай юриб кетди.

— Нега туриб қолдинг? Юрмайсанми?

— Мен... мен бугун бир-икки дарсдан қолсам нима қилади?

— Нега? Айтсанг-чи?

— Толибдан хабар олсамми, деган эдим.

Иқбол ҳам кейинги вақтларда Толиб ҳақида унча-мунча гаплар эшитган, шунинг учун Раъно олдида уни аввалгидек мақтаб гапирмас, мумкин қадар Раънонинг кўнглини қолдирадиган гаплар айтишга уринарди. Шунинг учун ҳам ҳозир Раъно ўз мақсадини Иқболга бироз тортиниброк айтди. Иқбол аввал индамади, кейин:

— Майли, ўзинг биласан, — деди-да трамвайдан қолмаслик учун чошиб кетди, Раъно бўлса, троллейбустга ўтирди.

Толиб ўқийдиган институтга етиб келиши билан дарсга қўнғироқ чалинди. Раъно шошилиб юқорига, иккинчи қаватга чикди. Студентлар кўп, кечроқ қолганлари Раънони уёқдан-буёққа туртишиб, аудиторияларга ўқитувчидан олдин кириб олишга шошилардилар. Коридорда ғала-ғовур. Раъно атрофга аланглаб Толибни кидирарди. Бир зумда коридор ҳам бўшаб, ғала-ғовур тинди. Раъно атрофга жовдираганча бир ўзи қолди. Аудиториялардан бирига кириб кетаётган қорачадан келган, ўрта бўй бир йигит Раънога юмшоққина бир қараб кўйди. Раънони танирмикан-а!

Раъно дарс кетаётган бир вақтда коридорда туришни эп кўрмасдан, оёғининг учи билан битта-битта босиб кўчага чикди. Деканатга кириб сўрайин деса, негадир уялди. Майли, танаффус бўлгунча кутади. Балки, студентларнинг орасидан ялт этиб кўриниб қолар.

Раъно қўнғироқ бўлгунча кўчада айланиб юрди. Ке-

йин яна иккинчи қаватга чикди. Эшиклар бирин-кетин очилиб, тўда-тўда йигит-қизлар чиқа бошладилар. Коридор бир зумда одамга, кулгига тўлди. Раъно ҳамон атрофга аланглар, уёқ-буёққа қарарди. Унинг ёнида ҳалиги ўрта бўй, қорачадан келган йигит пайдо бўлди.

— Кечирасиз, Раънохон, мабода Толибни қидираётганингиз йўқми?

Раъно хайрон бўлиб қолди. Бу йигит унинг исмини қаёқдан билади? Толиб айтганмикан? Ўртоғимикан? Балки, бирон гап таянлагандир?

Раъно бироз қизаринкиради. Хижолатлик билан бош силкиди.

— Юринг, ташқарига чиқайлик, — деди йигит.

Улар пастга тушиб, холироқ бир жойга келдилар. Раъно жавоб кутиб йигитга қаради. Энди унинг юзида аввалги юмшоқлик эмас, қандайдир бир жиддият бор эди.

— Раънохон, мен сизга тўғриси, билганимни айтишим керак, — деди йигит бироз тутилиброқ. Унинг шевасидан тошкентлик эмаслиги, Фарғона томонлардан келганлиги билиниб турарди. — Мен Толибнинг яқин ўртоғи эдим. Сизни таниганим ҳам шундан. Вақт оз, бўлмасам, сизга батафсил гапириб берардим. Қисқаси, Толиб бундай хурматга арзимади. Мен ҳам аввал сизга ўхшаб унга жуда ихлос қўйган эдим.

Шу пайт қўнғироқ чалиниб қолди. Раъно гапнинг аниғини билишга шошилиб йигитга қаради. Йигит юқорига чиқишга қўзғалар экан, Раънонинг тирсагидан ушлаб туриб, шошилиб гапирди.

— У қари бир хотинга айланишади. Ўшанинг кетидан аллақаяққа гастролга кетибди. Эшитишимча, у хотин Толибни аввал сиздан рашк қилибди, кейин ишдан бўшатиб юборибди. Толиб... ҳалиги... бойваччаликка ўрганиб қолган эмасми, чидолмасдан ялиниб кетидан кетибди.

Йигит шу сўзларни айтди. Шошганидан бўлса керак, Раъно билан ҳатто хайрлашмасдан зина томонга бир-икки қадам босди. Кейин орқасига қараб, ранги ўчган, хайкалдай қотиб турган Раънонинг ёнига келди.

— Хафа бўлишга арзимади, Раънохон, сира арзимади! Йигитликка ҳам дов туширди у аҳмоқ! Тағин мендан хафа бўлманг. Тўғриси айтгим келди-да! У алдаса, унинг устига, мен ҳам тўғриси айтмасам, унда қандок бўлади? Хафа бўлманг, хайр!

Йигит зинадан югуриб чиқиб кетди. Қайрилишга ет-

ганда орқасига бир ўгирилиб, Раънога қандайдир ачи-нишга ўхшаган бир назар билан қараб қўйди.

Раъно шу турганча қанча турганини билмайди. Фақат кўчага жонсиз, ҳеч нарсани идрок қилолмайдиган бир аҳволда сургалиб чиққанини сезди, холос. У атрофдаги одамларни, ҳаётни, ҳамма нарсани унутди. Ҳамма нарсага бефарқ, лоқайд назар билан қаради. Нима бўлса, оламни сув босиб кетса ҳам ҳозир унга бари бир. Юраги эзилиб ётибди-ю, кўзига бир қатра ёш келмайди. Аллақаёқларга, жуда олис-олисларга кетгиси, кўз ёшини ҳеч кимга кўрсатмасдан, ўкириб-ўкириб йиғлагиси келди. У ана шу аҳволда қаёққа кетаётганини билмасдан, ўйламасдан қадам босарди.

— Раъно! Ҳай, қизи тушмагур, нега индамайсан?! Раъно деяпман! Раъно!

Раънони кимдир чақиргандай бўлди. У секин орқасига қаради. Ундан бир-икки қадам нарида катта тивит рўмолга бурканган, корзинка кўтарган бир аёл келарди. Бу хотин Раънонинг асли ота маҳалласидаги бир девор қўшнилари эди.

— Нега индамайсан, қизи тушмагур? — Аёл Раънони кучоқлаб, елкасига қоқиб кўришди. — Шунча чақираман, эшитмайсан-а! Худо етказгандай кўриниб қолдинг. Бўлмаса, ўзим қидириб бормоқчи эдим. Дадангдан хат келди.

Раъно бир сесканиб тушди.

— Қачон? — деди у титроқ товуш билан.

— Беш-олти кун бўлиб қолди. Қизим, бормисан, йўқмисан, деб йиғлаб-йиғлаб ёзибди, шўрлик! Ҳозир ишинг бўлмаса, юра қол, ўқиб, тезроқ жавоб ёз, хурсанд бўлади бечора. Раъно ихтиёрсиз хотинга эргашди. Йўл-йўлакай қўшнисининг саволларига истар-истамас жавоб берар, кўпинча унинг нима сўраганини билмай қолиб, юзига анграйиб қарарди.

Раъно маҳалласига, болалиги ўтган кўчага қайрилар экан, кўнглида, хаёлида ҳар хил кўнгилисиз хотиралар бир-бирига қоришиб кетди. У шу кўчада туғилди. Ҳали ҳаётнинг ташвишларига тушунмаган беозор болалик кунларини шу ерларда ўтказди. Мана шу кўчалардан у дугоналари билан мактабга борди, кулишди, қувалашиб ўйнашди. Лекин... лекин бу кўча яхши хотиралардан кўра, аччиқ кўзёшларини кўпроқ эслатарди. Адаси онасини урган кезларда Раъно безиллаб уйдан қочиб чиқиб, шу кўчада мўлт-мўлт йиғлаб ўтирарди. Онасини худди

шу кўчадан туғруқхонага олиб кетишди. Кейин... кейин худди шу кўчадан унинг жасади кетидан чирқиллаб қабристонга борди... Раъно томоғига тикилган алланарсани култ этиб ютиб, кўзларини ерга қадаганча кўшни аёлга этиб олиш учун қадамини тезлатди.

Улар уйга кирганларида печка ёнида нималарнидир шивирлашиб ўтирган болалардан каттароғи сакраб ўрнидан турди.

— Ие, Раъно опа, келинг!

Қолган болалар, афтидан, Раънони танимасалар керак, хайрон бўлиб унга қараб қолдилар. Фақат энг кичкинаси ҳеч нарсага парво қилмай ойиси ерга қўйган корзинкани кавлай бошлади.

Аёл шошиб-пишиб рўмолини ечиб кўрпача ёзди.

— Ўтир, Раънохон, совуқ егандирсан. Маннобхон, чой кўйиб юбор, ўғлим.

Аёл токчадаги кутичаларнинг бирини очиб, бироз уринган, иккига букланган конвертни олди-да, Раънога узатди. Раънонинг юраги ўйнади. Билинар-билимас титраган қўллари билан хатни олиб, савсар қаламни ҳўллаб ёзилган адресга кўз югуртирди-да, шошилиб очди.

«Жондан азиз, шакардан ширин қизим Раънохонга. Мусофир шаҳарларда сов-саломат юргувчи дадангдан деб билгайсан. Қизим, нури дийдам, бормисан, бор бўлсанг, қаерларда юрибсан...»

Раъно негадир хатнинг у ёғини ўқиёлмай бошини кўтарди. «Жондан азиз, шакардан ширин... нури дийдам». Бу гаплар Раънонинг меҳрини уйғотиш ўрнига, юрагини тошга айлантириб юборгандай бўлди. Агар Раъно чиндан ҳам «нури дийда» бўлсайди, нега шу «нури дийда»нинг бахти бўлган онасини аямади? Ахир, унинг етим қолишига ўз дадаси, мана шу «жондан азиз қизимга» деб хат ёзиб ўтирган дадасининг ўзи айбдорку!

Толибдан ҳам умидини узган, дунёда меҳрибон ҳеч кими йўқдай кўринган бир пайтда, дадангдан хат келди, деган гап юрагининг аллақаерига тегиб ўтган эди. Энди чи? Энди бу сўз бирданига ўз кадрини йўқотди-қўйди. Дадаси ана шу қилгуликларни қилган вақтда ёш бола эмас эди. Катта киши эди... Ахир, шўрлик онаси бир кун эмас, бекордан бекорга ҳар куни калтак ер эди... Шу тобда Раънонинг кўзига қонга беланиб ётган онаси кўрииб кетди. У секин кўзини юмди. Икки қатра ёш юзи ус-

тидан думалаб тушди. Қўшни аёл буни, дадасининг даргани топганидан, деб ўйлаб, ҳеч нарса демас, унга дас-турхон ёзиш билан овора эди.

Раънонинг хотиридан яна онасининг тобути орқасидан йиғлаб кетаётгани, отаси қамалганидан кейин уйда ёлғиз қолиб, қўрқиб йиғлаганлари, ҳеч ким қолмаган уйини бутунлай ташлаб, орқасига қарай-қарай Азиза ёнига бутунлай кетгани, ҳамма-ҳаммаси бирма-бир ўта бошлади. У қўлида ушлаб турган хатни секин-аста вижимлаб кўрпача устига ташлади-да ўрнидан турди.

— Ҳей, бу нима қилганинг? Бир пиёлагина чой ич, ичинг исийди.

— Раҳмат, жуда зарур ишим бор. Бошқа келаман.

Аёлнинг шунча қистовига қарамай, Раъно парижонлик билан чиқиб кетди.

Қўшни хотин Раънони жўнатиб уйга кирганда кўрпача устида вижимланиб ётган хатни кўриб қолди.

— Вой, қизи тушмагур, эсини еб қўйганми бу қиз, хат қолиб кетибди-ку! — Аёл кўчага чопди. Лекин, Раъно аллақачон кетиб бўлган эди.

## Х

Азиза уйига деярлик югургандай келди. Ҳеч нарсага қарамасдан шошиб-пишиб кийимларини алмаштирди-да, сумкасини олиб қайтиб чиқиб кетди. Уйда Эгамов йўқ эди. Меҳри хола бўлса ҳали Азизанинг, бугун мажлис бор, деганини эшитгани учун қаёққа деб сўрамади.

Кечаси билан ёққан қордан кейин шивалаб ўтган ёмғир йўлларни ойнадай ялтиратиб юборган эди. Сал эҳтиётсизлик билан қадам боссанг, тийғониб йиқилишинг аниқ. Азиза минг машаққат билан троллейбус бекатига бориб олди. Пальтосининг энгини қайириб соатига қарадию ранги ўчди, бесарамжонлик билан атрофга жовдиреди. Ўтаётган машиналар ичидан бўш таксини тўхта-тиб, унга ўтирди. Шофёрга адресни айтар экан, энгил тортгандай чуқур нафас олиб қўйди.

Азиза, икки кўзи соатида экан, унинг хатти-ҳаракатини муҳокама қилмоқчи бўлган ўртоқларининг ҳеч бўлма-са шу бугунги, ҳозиргина Азиза шохид бўлган воқеани ўз кўзлари билан кўрганларида эди, деган ҳаёл унинг калласида айланарди.

Ўзининг хулқи муҳокама қилинадиган бугунги мажлисга Азиза руҳан кўп тайёрланди. Балки, ҳаётнинг та-



лабларидан кўра мен ҳиссиётга кўпроқ берилиб кетаётгандирман, деган фикр уни жуда узоқ ўйлашга мажбур қилди. Қанча ўйламасин, бари бир, ўзини қоралайдиган бирон иш қилмаган деб топар, буни ўртоқларига қандай қилиб, нима деб тушунтириш йўллари уни ўйларди.

У ҳали ана шу айтмоқчи бўлган гапларини қовозга қоралаётганда уни бир киши йўқлаб келди. Азиза дарвозахонага чиқди. Бошига қулоқчин, эгнига телогрейка кийган ўрта ёшлардаги бир одам махталлик ва илтижо билан унинг йўлига термулиб турарди.

— Опажон! — деди у киши гарчи Азизадан бир неча ёш катта бўлса ҳам. — Яхши уйда экансиз. Бизникига бир бориб келмасангиз, сира бўлмайти!

Азиза нима гаплигини дарров тушунди.

— Нега туғуруқхонага юбормадингиз?

— Бормайти, сира унамайти. Жон опажон, сўзимни қайтарманг!

— Ахир, уйда мумкин эмас-ку!

— Йўқ деманг, барака топинг, бола-чақаларим кўп. Кампир-сампирлар кечадан бери жуда қийнаб юборишди. Уйим узоқ эмас, бир маҳалла нарида турамыз.

Бу одамнинг овозидаги, қиёфасидаги ташвишни, ёлворишни кўрган Азиза бошқа эътироз билдирмади. Келган кишидан адресини сўраб олди-да, ҳозир қайтиб чиқаман деб, уйга кириб кетди. Азиза уйдан туғуруқхонага телефон қилиб, беморнинг адресини тайинлагач, ўзи кўчага чиқиб, кутиб турган ҳалиги кишига эргашди.

Улар етиб келишди, беморнинг эри тўхтаб, Азизага йўл берди, Азиза уйга кириши билан беморнинг ёнида ўралашаётган бири ўрта яшар, иккинчиси кексароқ хотин у билан хушламайгина сўрашиб, четга чиқишди.

— Нега туғуруқхонага бормадингиз? — деб сўради Азиза бемор аёлнинг билак томирини ушлаб кўраркан.

Аёл куруқшаган лабларини ялаб, инқиллаб жавоб берди:

— Йўқ, йўқ, бормайман. Бир борганимда эркак киши тепамга кириб келдию дардим қочиб кетиб, бундан баттар қийналганман.

Шу пайт кўчадан машинанинг гувиллаб келиб тўхтагани эшитилди. Кетма-кет уйга халати устидан пальто ташлаган икки аёл кириб келишди.

Боядан бери Азизага меҳр, ёлвориш, умид билан термулаётган бемор аёл, бирдан унга ёмон назар билан қаради.

— Қаёқдан келишди булар? Бормайман дедим-ку! Боринг, ўзингиз ҳам керак эмассиз, булар ҳам. Кетинглар!

— Ҳеч қанақа эркак йўқ у ерда! Уйда қийналасиз. Бирон касалга чалиниб қолишингиз мумкин.

— Шунча болани уйда тукқанман, бало ҳам урмаган, — дея Азизага нафрат билан ёмон қараш қилди. — Бормайман, вассалом!

Беморни олиб кетиш қийин бўлди, уни судрагандек олиб чиқиб кетишди. Азиза, яна ҳалиги келган врачлар, ҳеч қанақа эркак бўлмайди деб, минг бир қасам ичиб, зўрға кўндиришди.

...Азиза етиб келганида ҳамма йиғилган эди. Ҳатто Гулсумга ўхшаган баъзи бировлар унинг кечга қолганидан қувонишга ва ўзаро шивирлашиб олишга ҳам улгурган эдилар. Совуқ бўлишига қарамасдан терлаган, қизарган Азиза кириб келиши билан ҳамма жим бўлиб қолди. Азиза ўтирганлардан кечирим сўрагандай бир назар ташлаб қўйиб, бўш стулларнинг бирига ўтирди.

Мажлис бошланди. Одатдаги расмий гаплардан кейин бош врач Азизанинг келажаги порлоқ, қобилиятли доктор эканлигидан гап бошлаб, ҳозир ана шундай умидли бир шифокор катта хато йўлга тушиб қолганлигини, бу йўл Азиза учун хавфли эканини тушунтиришга уринди.

— Ахир, ўртоқ Мансурова бола эмаски, бу гапларни тушунмайди десак. Нотўғри ҳаракати учун берилган ҳайфсанни ҳам ўртоқ Мансурова писанд қилмади. У медицинанинг солдати эканлигини унутган, фақат хотинлик шаънини ҳимоя қилиш билан овора. Ахир, практика бўлмаса, биз ёш врачларни қандай қилиб ҳар тарафлама камолатга эриштирамиз? Ахир, биз шу касбни танлаган ўртоқларга медицинадан умумий таълим беришимиз керакми-йўқми? Кераккина эмас, шарт бу, ўртоқ Мансурова! Европага қаранг, гинекологларнинг кўпи эркаклардан. Хўш, нега бизда мумкин эмас экан? Ўртоқ Мансурова касалларнинг ҳиссиётини ҳимоя қилиш ўрнига, уларга доктор учун касал эркакми, хотинми, бунинг фарқи йўқлигини тушунтиришингиз керак эди.

Бош врачдан кейин сўзга чиққанлар ҳам асосан унинг гапини такрорладилар. Партия ташкилотининг котиби, новча, ориқ одам айтилган гапларга қўшимча қилиб бундай деди:

— Ўртоқ Мансурова яна бир масала устида яхшироқ

ўйламаган кўринади. Хали бизда врачлар етарли эмас. Баъзи жойлар борки, бутун бир қишлоққа битта врач тўғри келади. Агар биз эркакларни бу касбга йўлатмасак, аҳвол нима бўлади; Айтишлик, қишлоқда ишлаётган врач эркак киши бўлсин. Бир хомиладор аёлни тўлғоқ тутиб қолди, дейлик, аҳволи оғир. Хўш, эркак врач бу касбдан хабарим йўқ деб, қараб туриши керакми ёки беморни ўлимдан сақлаб қолиши керакми? Жавоб ўз-ўзидан ҳаммага тушунарли бўлса керак. Демак, эркак студентларни ҳам медицинанинг бу соҳаси билан таништиришимиз лозим экан. Фан, ҳаёт олға қараб тараққий қилаётган бир вақтда, баъзи бир орқада қолиб кетган хотин-қизларнинг кўнглига қараб, фанга тормоз бўлиш врач учун жуда катта камчилик, албатта.

Азиза сиртдан жуда хотиржам кўринса ҳам, қаттиқ ҳаяжонда ўтирарди. Мажлис давомида уни ҳимоя қилдиган сўзни ҳеч ким айтмади. Унинг фикрига хайрихоҳ бўлган баъзи аёл врачлар эса сўзга чиқмасдан индамай ўтиравердилар.

Охирги сўз Азизага берилди. У ўрнидан туриб стол ёнига борганида ҳаяжони ҳам босилгандай бўлди. Ҳамма унинг сўзини, тавба-тазарру қилишини кутарди.

— Бу ерда менга қаратиб айтилган таъналар тўғри, албатта, — деб гап бошлади Азиза. — Лекин, кўнглим бошқа гап айтиб турган бир пайтда ўзим бошқасини айтишим керак эмас. Шунинг учун ҳам гуноҳимни кўркўрона бўйнимга олмасдан, ана шу «гуноҳ»ни қилишга мажбур қилаётган сабабларни нотўғри десалар, у ҳолда ўз фикримни қатъий ҳимоя қилиб, мунозарага киришишга тайёрман. Мулоҳазаларимдан бири шуки, биз халқнинг миллий хусусиятларини эътиборга олмайтимиз. Ана шунинг натижасида биз ҳали туғувчи хотин-қизларни юз фоиз туғуруқхоналарга жалб қила олмаяпмиз. Медицинанинг катта вазифаларидан биттаси, менимча, саводсиз дояларга йўл бермаслик, хотин-қизларни ўшаларнинг қўлига ташлаб қўймасликдан иборат. Халқнинг миллий хусусиятларини назарда тутмаганимиз учун ҳам халқ ичида сохта доялар кўпайиб кетган. Туғуруқхонага келишни истамаган хотинлар бор экан, бундай доялар ҳам яшаверади, албатта. Хўш, туғуруқхоналарга нега хотин-қизлар келишга унамайди? Сабаби ўзларингга маълум: эркак докторларга кўринишни истамайдилар. Қани, айтинлар-чи, ўртоқлар, эндигина паранжи ташлаб, юзини очган ўзбек аёлини қандай қилиб

эркак гинеколог ёнига опкириб бўлади? У ўлимга рози бўлади, аммо кирмайди!

Азизанинг айтаётган гаплари негадир тингловчиларга таъсир қилмаётганга ўхшади. Мажлис аҳли гўё бу гапларни биламиз, бошқа гапинг йўқ бўлса, мажлисни тугата қолайлик деяётгандек эди.

Сенга нима бўлди, Азиза? Юрагингни ўртаган гапларни айтмайсанми, айт, ҳаммасини тўкиб сол!

Мажлис аҳли унинг гапларига эътибор бермай ўзаро шивирлашиб, бепарво ўтиришибди. Азизада қандайдир бир шижоат уйғонди. Энди ҳеч кимни аямасдан очикчасига гапирмоқчи бўлди.

— Айтинглар-чи, — деди Азиза, — шу ерда ўтирган эркаклардан қайси бирингининг хотинингиз ёки қизингиз шаҳар туғуруқхонасида бола туғибди? Мана, сиз бош врачсиз. Ҳатто ўзингиз ҳам бу қоидага амал қилмагансиз. Хотинингиз икки боласини ҳам қишлоққа бориб туғиб келган. Чунки у ердаги туғуруқхона медицина билим юртлари ва институтлардан узоқда. У ердаги туғуруқхоналарда практика ўтказилмайди... Сиз парткомсиз. Ҳозир мени қоқоқликда айбладингиз. Ўзингиз эса келинингизни тундириш учун Қашқадарёнинг Нишон районидаги Қовчин қишлоғига олиб боргансиз... Уч кун бўлди эрталаб автобус бекатида икки студент йигит ўзаро гаплашиб туришганига гувоҳ бўлдим. Чақалоғини бағрига босган бир жувон келиб автобус кута бошлади. Студентлар эса бир-бирини туртишиб ҳиринг-ҳиринг кулишарди. «Уни танияпсанми? — деди биттаси шеригига. — Туғаётганда тепасида турган эдик... Бай-бай, бунақа оқ баданни умримда кўрмаганман! Онаси сутга чўмилтирганми, дейман. Бўғоз пайтида қомати шундоқ бўлса, бошқа пайтда қандоқ бўлган экан?! Ўшанда бир маза қилган эдик-да!» Йигитлар бир тамшаниб олишди... Мана сизга практикантларнинг олган сабоқлари! Бир эслаб кўринг, студентлик пайтингизни бир эсланг-чи! Жарроҳликдан, терапиядан, гигиенадан ўтказиладиган практикаларга студентлар хоҳласа келарди, хоҳламаса келмасди. Аммо гинекологиядан практика бўлса, бошқа факультетда ўқийдиган ўғил болалар ҳам оқ халат кийиб ҳаммадан олдин келиб туришарди... Энди тарихга бир назар ташлайлик. Бухоро хони Амир Насрулло Қўқонни босганда Шарқнинг буюк шоираси Нодирабегим итоат этмагани учун сочини кестириб, сўнг яланғоч холда Қўқоннинг энг гавжум майдонида қатл қилдирган.

Шунда бутун Қўқон халқи орқаси билан юриб келиб шоиранинг жасади атрофида жонли девор ҳосил қилади. «Сочи кесилган момом, Гиси бурида момом!» деб фарёд кўтарган. Шоиранинг баданига номахрамларнинг назарини туширмаганлар. Сиз Европани мисол қиялпсиз. У томонларнинг урф-одати, шарм-ҳаёси бошқача. Ота денгиз бўйидаги пляжда уятини яримта дастрўмолчадек учбурчак латта билан тўсиб олган кизининг ёнида қумда думалаб ётаверади. Улар учун гинеколог эркакми, аёлми фарқи йўқ. Билиб қўйинг, Шарқ бошқа, Фарб бошқа...

Шу пайт навбатчи ҳамшира шошиб кириб бош врачнинг қулоғига бир нималар деб шивирлади-да чиқиб кетди. Бош врач сапчиб ўрнидан турди.

— Азизахон, синглим, нутқингизни бўлишга мажбурман. Учинчи палатада ЧП юз берган...

У шундай деб шошиб чиқиб кетди. Бошқалар ҳам унинг орқасидан эргашишди. Азизанинг гапи оғзида қолди.

Бундан икки соатлар чамаси олдин тўлғоғи тутиб қолган ёши ўтганроқ бир хотинни олиб келишган эди. Уни палатага эмас тўппа-тўғри туғиш бўлимига олиб кирдилар. Хотиннинг хуши ўзида эмасди. Тўлғоқ авжига чиққан, у аранг ўзини тутиб турарди. Кўзини очишга ҳам мажоли келмасди. Уни ечинтириб туғиш столига ётқизишганда машаққат билан кўзини очди, очдию дахшатли бир нарсага рўбарў бўлгандек сапчиб қаддини ростлади. Тепасида турган саккиз чоғли эркакни кўрди, вужудида қандайдир ваҳший бир куч пайдо бўлди. Тўлғоқ қайгадир ғойиб бўлди. Туғиш столидан сирпаниб тушар экан, тагига тўшалган оппоқ чойшабни бошига ёпиб эшик томонга югура бошлади. Олдидан тўсиб чиққанларнинг унисини у ёққа, бунисини бу ёққа суриб, йўл-йўлакай: «Бу кунимдан ўлганим яхши, ўлганим яхши!» деб йиғлаб борарди. У узун коридор охиридаги дераза олдида тўхтади. Бир сапчиб деразага чикдию ўзини ерга отди.

Сал фурсатдан кейин пастдан чақалоқнинг биғиллаб йиғлагани эшитилди.

Санитарлар, врачлар зиналардан тушиб тепасига келганларида хотин сўнгги нафасини олаётган эди. У гурсиллаб ерга тушганда зарба кучидан бола туғилган эди. Хотин эса ҳолсиз ётарди. Ҳамшира болани кўлига олганда хотин унга қарагандек бўлди. Лаблари илжайишга мойил бир кимиради. Кейин энгак ташлади.

Азиза унинг очик қолган кўзларига қараб сесканди. Ўзидан — гинеколог Азиза Мансуровадан нафратланиб кетди. Бу хотинни у бундан атиги икки соатлар чамаси олдин, унинг норозилигига, илтижоларига қарамай «Тез ёрдам» машинасини чақириб, туғурукхонага жўнатган эди. Ўшанда хотин Азизага нафрат билан қараб қўйганди. Унинг ҳозир очик қолган кўзларида ўша нафрат қотиб қолгандек, боламни етим қилдинг-а, деган асло эсдан чиқмас бир ифода, таъна абадий туриб қолгандек эди. Бу ифода, бу айтилмаган сўз энди уни умр бўйи таъкиб қилишини ўйлаганида Азизанинг юрак-бағри ўртаниб кетарди.

## ХОТИМА

Раъно қўшни хотинниқидан чиқиб кетгандан кейин кўчада қанча тентираб юрганини билмади. Фақат унинг ҳеч кимга кўрингиси, ҳеч қаёққа боргиси келмасди.

Раъно, китобларда муҳаббат инсонни камолатга эриштиради, қалбини қимматбаҳо жавоҳирларга тўлдиради, деган гапларни ўқирди. Ҳозир унинг назарида бу муҳаббат беғубор қалбини ўткир тирноқлари билан ўйиб олгандай, жавоҳир ўрнига йиринг-фасод қолдиргандай эди.

У Толибдан нафратланар, лекин унита олмас, бир томондан эса ўзининг илк муҳаббатини, эсини таниганидан бери қалбида сақлаган, эъозлаган ҳисларини шундай бир номард йигитга бағишланганидан қаттиқ аламда эди. Раъно эрталаб Толибни қидириб борганида учратган йигитнинг: «Толиб алдаса, унинг устига, тўғриси айтмай мен ҳам алдасам, қандоқ бўлади», деган гапини эсласа, бутун вужуди зириллаб кетарди. Бу гап Раънони аянч бир аҳволда қолгандай кўрсатса, иккинчи томондан, ўша йигит билан бирон жойда учрашиб қолиш эҳтимолини ўйлаб ўзидан ўзи кизарарди.

У Азизанинг гапига кирмади, қизим деган Эгамовнинг гапини оёқости қилди. Энди уларга қайси юз билан қарайди? Қайси юз билан кўринади? Раъно ана шу андиша чангалида тўлганар экан кўзи бирдан қаршисидан келаётган Азизага тушдию ҳайкалдек қотиб қолди. У орқага қайтишни ҳам ёки Азиза билан рўбарў бўлишини ҳам, хулласи, нима қилишини билмас, вужудига аллақандай титроқ югурган эди.

Азиза хаёл суриб, шошмасдан келарди. Баланд симёғочдаги лампанинг хира нури, унча-мунча учқунлаб

турган қор қўнган пешонасидаги қўнғир сочларини ёритиб турарди. Унинг қўлида ҳамиша кўтариб юрадиган сумкаси. Эғнида ўша Раъно билан бирга тиктирган пальтоси. Раънонинг юрагини бирдан қаттиқ соғинч ҳисси қоплади. У Азизанинг бўйнига осилиб ўкириб-ўкириб йиғлагиси, ундан келадиган ажойиб бир таниш ҳид, Раънонинг димоғида сақланиб қолган ҳид — она ҳидини тўйиб-тўйиб ҳидлагиси келарди.

Азиза бошидан сирпанган рўмолини тузатаман деб қўлини кўтарганида кўзи шундайгина олдида турган Раънога тушди. У бир лаҳза индаёлмай қолди. Кўзларини катта-катта очиб энтиқди.

— Раънохон! Қизим! — деди у титроқ товуш билан.

Раъно ўзини Азизанинг бағрига отди. У овоз чиқармасдан йиғлар, Азизани қўйиб юбормасди. Раънони онасидан кейин ҳеч ким шу Азизачалик меҳрибон товуш билан «қизим» деб чақирмаган. Мана, яна ўша меҳрибон, ёқимли овоз.

Она-бола ана шу қўйи кўчада анча вақт туриб қолишди. Азиза ҳушини тўплаб уни юпатишга урина бошлади. Раъно бўлса, Азизани сира қўйиб юбормас, гўё ундан ажралиб қолишдан кўрққандай эди.

— Юр уйга. Совқотибсан, шекилли, қўлларинг музлаб кетибди.

Азиза бўйнига чирмашган Раънонинг қўлларини секин олиб, уни қўлтиқлади-да, оҳиста бошлаб кетди.

Раънони Эгамов жуда хурсандчилик билан кутиб олди. Наргис бўлса, бўйнига ёпишганича сира қўйиб юбормади. Фақат Меҳри хола совуққина сўрашиб чиқиб кетди.

Бу оиладаги меҳрибонлик, самимият Раънонинг қалбида қачондан бери азоб бераётган хижолатликдан асар қолдирмади. У қўзларига ишонмас, худди ёш боладек Азизани кучоқлаб эркаланар, Наргисни ўпиб-ўпиб суярди.

Шу куни бир неча кунги изтиробдан кейин Раъно одамдай бўлиб биринчи марта ухлади. Унинг синиққан, бироз озган юзига Азиза меҳр билан термилар экан, ҳаёт оқимининг биринчи гирдобидан соғ-саломат чиққани ҳақида ўйларди.

Раъно ёшлигидан жамият ҳаётига боғлиқ бўлмаган, унинг қонун-қоидаларига бўйсунмаган, алоҳида бўлган шахсий ҳаётнинг гурзиси остида ўсди. Майли, лойни қанча тепсалар, шунча пишади. Яхши пишитилган лойнинг

пиёласи эса тоза, жаранглайдиган бўлади. Одам ҳам шундай. У ҳаётнинг машаққатли ўнқир-чўнқир йўллари-дан қанча кўп юрса, шунча чиникади, шунча пишади, енгилмас бир қудратга айланади. Баъзи бир сарқит одамлар бўладики, бирон арзимас баҳонани топсалар, кишини оёқостига олиб тепкилайдилар. Кейин эса уни ўзлари пишитганларидан, чиниқтирганларидан хабарсиз қоладилар.

Азиза Раънони ана шундай енгилмас, иродали бир қиз бўлишини истар, онаси сингари ҳаётнинг машаққати олдида таслим бўладиган қилиб эмас, ўз тақдирини ўзи яратадиган жасур, виждонли, одил қилиб ўстиришни ўйларди. Унинг ана шу тарбияси бугун биринчи самарасини берди: Раъно ўзининг нотўғри ҳаракатини тушунди, виждони олдида азобланди.

Азизанинг хаёли беихтиёр бугун очиқ қолган масала, тугамаган мажлисга кўчди. У ҳамон ўз фикрида мустақил эди.

Худди шу пайтда иккинчи уйда папирос тутатиб, газета қараб ўтирган Эгамовнинг хаёлида ҳам шунга ўхшаган гаплар кезарди. У бугун редакцияга борганида столи устида турган газетанинг янги сонига ва унда босилган Эгамберди ака ҳақидаги мақоласига кўзи тушди. Мақолани ўқиб чиқди. Лекин Нурматовга ҳеч нарса демади. Виждон азобидан енгиллаган, лекин Эгамов олдида ҳали хижолатликдан чиқмаган Нурматов юрагини эзиб ётган гапларни айтиб, кўнглини бўшатгиси келар, бироқ, ёш жиҳатидан Эгамовдан катталиқ ғурури уни зўрға-зўрға тийиб турарди. Охири бўлмади, лаблари пирпиради, тутилиб, бўғилиб бир-икки оғиз гапира олди, холос.

— Қодиржон, кечиринг энди. Гапнинг тўғриси, Эгамберди билан танишлигим бор эди. Жуда хунук иш қилдим, ўзим билиб турибман. Катта сабоқ бўлди. Ҳам биринчи, ҳам охириги сабоқ бўлди. Жон ука, кечиринг мени.

Эгамов индамади. Нурматовни ўнғайсиз аҳволдан қутқариш учун папирос тутатди-да, ўрнидан туриб коридорга чиқиб кетди.

Эгамов ҳозир ана шуларни бир-бир қўз олдига келтирар экан, яна беихтиёр эртанинг катта йўлига томон ҳаётнинг турли хил сўқмоқларидан юриб, баъзан туртилиб, баъзан югуриб келаётган кишилар ҳақида ўйларди. Толибга, Раънонинг дадасига, Эгамберди акага, сохта



мухбирга ўхшаган одамлар бўлмасайди, бу сўқмоқлар ҳам бўлмас эди. Бу сўқмоқлардан ўтмасдан, уни текисла-масдан туриб, катта йўлга чиқиб бўлмайди.

Эгамов қизининг ана шу сўқмоқларнинг биридан му-ваффақиятли ўтганини ўйлаб, ўзича жилмайиб қўйди.

Пок муҳаббат, самимият, дўстлик туйғуси билан яша-ётган бу оилга янги-янги муваффақиятлар, Раънога эса янги муҳаббат тилаймиз!

Т а м о м.

1959 йил

## ОЛОВ

Ширмонхон ўглини силтаб итариб уйга киргизди-да, эшикни қаттиқ ёпди.

— Шарманда! — деди нафаси овзига тикилиб.

Фарход онасига орқасини ўгирганича дераза олдига бориб тўхтади.

— Кимга ўхшадинг сен, билмай қолдим. Номуста ўлдирдинг мени! Ҳозир гўдаклар ҳам мактабдан чиқиб далага чопади, уятсиз! Сен-чи! Нима қилиб юрганингни билмаяпсанми, колхоз онангнинг маҳрига тушган-у, сен унинг эркатойимисан?! Айт менга, нега гап укмай қолдинг? Наҳотки опангчалик бўлолмасанг? Далада хотинларнинг қайси ахволда ишлаётганларига қарайсанми? Наҳотки ўшаларнинг биттасичалик меҳнат қилолмасанг? Ёрдам бериш ўрнига мени ишдан қўйяпсан. Ўзим далада бўлсам, кўнглим сенда бўлиб қолди. Одамларнинг юзига қараёлмай қолдим сени деб! Даданг келганда нима жавоб берасан? Мен нима дейман? Нима, колхознинг томирига тушган қурт бўлмоқчимисан? Йўқ, меҳнатсиз нон чайнайдингиз тишларингни суғуриб оламан бу ёққа!

Фарход ялт этиб онасига бир қаради-ю, кўзларини пирпиратиб яна ўгирилиб олди.

Ширмонхон асабдан титрар, бир вақтлар тўла бўлган бодом қовоқлари ичига ботиб, кишига ҳамма вақт мулойим ва самимият билан боқадиган кўзларига қайғу тўлган эди. У паст овоз билан, лекин бўғилиб гапирарди:

— Ўн саккизга қадам қўйдинг-а! Сен ҳозир колхознинг жони бўлишинг керак, билдингми?! Йигитлар қон кечиби жанг қилишяпти. Сен бўлсанг... Топган улфатингни қара! Оғзингдан иккинчи марта бирон ҳид сезсамми, бола, мендан яхшилиқ кўрмайсан.

Фарход жаҳл билан юриб ойисининг олдига келдида, овзини катта очиб, бетига кухлайди.

— Мана, ҳидлаб кўринг яхшироқ, ароқмас, одеколон деяпман-ку, ахир!

Ширмонхоннинг кўзига ўглининг ҳозирги қиёфаси шу қадар дахшатли кўриниб кетдики, юзига шапалок тортиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Фарход ўнг қўли билан шапалок тушган юзини ушлаганича орқасига тисарилди.

— Менинг болам шунақа кўрнамак бўладими-а? — деди Ширмонхон кўзига жикқа ёш олиб. — Шу умидда катта қилувдимми сени! Йигитлар урушда жон олиб, жон беряпти. Сен бўлсанг...

Ширмонхон юзини қўллари билан тўсганича пикиллаб йиғлаб юборди. Фарход кўзларини катта очиб, онасига ҳайронлик билан қараб қолди. Кейин уй ичига асабий бир назар ташлади-да, шиддат билан юриб, эшикни тарақлатиб ёпиб, чиқиб кетди.

— Шошма, қаёққа?!

Фарход кулоқ солмади. Бир нафасдан кейин қайтиб кирди. Иккинчи уйдаги стол тортмаларини тарақ-туруқ очиб, нималарнидир олди-да, эшикни яна каттиқ ёпиб чиқиб кетди. Ширмонхон сапчиб ўрнидан туриб, дераза ёнига борди. Фарход кўринмади.

Ширмонхон дарвозанинг қимирлаб турган занжирига тикилганча бир лаҳза туриб қолди.

Ҳаво жуда айниган эди. Кун эндигина туш бўлганига қарамай, кеч кирганга ўхшарди. Ширмонхон ҳовлига чиқди. Осмон юзини қошлаган турки хунук булутларга ташвишли назар ташлади, дарвозани шошилишч қулфлаб, колхоз саройига қараб кетди.

Қоровул Болтабой ота раиснинг нохушлигини дарров сезди. Хали Фарходни олдига солиб кўча бошидан ўтиб кетганини ҳам олисдан кўрган, кейинги кунларда ўғли қайсарлик қилиб, куйдираётганлигини ҳам фаҳмлаган эди.

Ширмонхон Болтабой отани ҳурмат қилар, кўрганда унинг кўнглини кўтарадиган икки оғиз сўз айтмасдан кетмас эди. Ҳозир бўлса саройга кириб, отни етаклаб чиққанида ҳам уни кўрмаётгандек эди.

Болтабой ота унга зимдан термилар экан, кошки дарди аламини айтса, менинг кўнглимни кўтарганидек, мен ҳам унинг кўнглини кўтарсам, далда берсам, насихат қилсам, деб ўйларди.

Болтабой ота оғир касалликдан кейин дала ишларига ярамай қолган эди. Икки ўғли урушга кетиб, ҳовлида янги туширган келини билан ўзи қолди. Орадан бир-икки ой ўтар-ўтмас келини ҳам кўч-кўронини ортиб, онасиникига кетиб қолди.

Хувиллаб қолган уйда Болтабой ёлғиз туролмади. Енгилроқ иш сўраб раиснинг олдига келди.

Шундан бери у уйига камдан-кам борарди. Омборхо-на айвонидаги чорпояда тунаб қолаверарди. Уйида нима ҳам қилсин. Биров кутмаганидан кейин, қаерда қолди деб ўйлайдиган, суриштирадиган одами бўлмаганидан кейин бари бир эмасми унга. Уйига борса алами ортади, холос. Ўғиллари эсига келади. Тўй-гамоша билан тушган келинининг аравага кўчини юклаётгани кўзига кўриниб кетади. Гоҳ раҳми келса, гоҳида ранжиди. Кампири бўлганда, балки келини кетмасмиди? Гурунглашиб, бир-бирига суяниб ўтиришармиди балки?

Ўғиллари эсон-омон қайтармикин? Мана, биттасидан анчадан бери хат ҳам, хабар ҳам йўқ. Болтабой ота ўғилларидан келган хатни ювилавериб оқариб кетган кўк сатин белбоғига тугиб юради. Ёлғиз ўзи қолган кезларида очиб, худди қоғоз озор топмасин дегандек эҳтиётлик билан аввал бир силайди, кейин термилиб ўтиради. Баъзан қўли бўшроқ биронта ёш-ялангни кўриб қолса, ўкитиб қайта-қайта эшитади.

Ширмонхон отини тўхтатиб, эгарини тўғрилар экан, бир қўли билан соқолининг учини ўйнаб турган Болтабой отага қаради.

— Соғлигингиз яхшими, ота?

— Худога шукур.

— Хавони қаранг, жуда тумшайиб олди. Ғўзалар сал ўзини тутиб олса яхши бўларди.

Болтабой ота беихтиёр осмонга қаради. Отга минмоқчи бўлиб турган Ширмонхон бирданига жиловни бўш қўйиб юбориб, Болтабой ота томонга юрди.

— Сизга бир гап айтмоқчи эдим, ота.

— Хўш?

— Анови кўчиб келган ўкитувчи хотин бор-ку, синг-лиси ҳам ўкитувчилик қилади...

— Ҳа, ҳа, билдим.

— Ўшаларнинг турган уйи жуда тор, мазаси йўқ. Ёмғир-яшинда чакка ўтар экан. Шулар уйингиздан биттасига кўчиб чиқса қалай бўларкин, деб сиздан сўрамоқчи эдим. Ҳам ҳамроҳ бўлади, жуда яхши жувон ўзи.

— Бош устига, болам. Бекор ҳам ётибди.

— Раҳмат, ота. Йўқ демаслигингизни билар эдим.

Ширмонхон жилови бўш бўлишига қарамай, ҳамон ўрнида қимирламай турган отга чакқонлик билан минди-да, жадал қамчи босди.

— Мени биров сўраса далада дерсиз.

Баҳор осмони бугун ковоғини жуда солиб олган.

Йилт этган офтоб кўринмайди. Ҳамма нарса намиққанга, ҳатто дарахтларнинг ҳали гард юкмаган кўм-кўк барглари ҳам яшиллигини йўқотиб, аллақандай кул ранг тусга кирганга ўхшайди. Қимир этган шабада йўк.

Ширмонхон эндигина уч қулоқ бўлган ғўзаларга қараб борар экан, кўнгли бир орзиқиб тушди. Сал ўзини тутиб олсайди, ерга ёпиштириб кетадия бирон дўл-ёмғир ёғиб қолса! Ёғмасин-да, ишқилиб, ўтиб кетармикин? Зора ўтиб кетса, деб ўйларди.

У катта тош йўлдан сўқмоққа бурилганида қуртга барг кесаётган қизларнинг кулгисини эшитди. Янги каллак урилган тут устида қўлига болтасини ушлаб Собиржон ўтирибди. Қизлар бўлса пастда чувиллашяпти. Улар раисни кўришлари билан кулги аралаш гап қотишди:

— Буни қаранг, Ширмон опа, кўтариб олмасаларинг тушмайман, деб ўтириб олди.

— Шунақами? — деб кулди Ширмонхон ҳам. — Ростда, кўтариб олсаларинг нима қилади шундоқ йигитни.

Собиржон гуп этиб, ўзини ерга ташлади. Икки қўлини шимининг икки ёнига артар экан:

— Пайтдан фойдаланиб қолай девдим-да. Йигитлар қайтишганда булар мени ёнига йўлатишармиди, — деб кулди-да, иккинчи тутга қўйилган шотига чиқа бошлади.

— Биз тўрттамыз, сизни кўтариб ололмаймыз, десак, йўк, саккизтасизлар деб ҳеч ишонмайди-я! — деб кулди иккинчи қиз Собиржоннинг ғилайлигига шама қилиб. Кейин унга болта узатар экан, яна ҳазиллашди: — Эҳтиёт бўлинг, тагин қуртга емиш бўлиб кетманг...

Ширмонхон улар билан бир оз гаплашиб тургандан кейин, отни иккинчи бригада томонга бурди. Орқасидан қизларнинг қаҳқаҳаси аралаш қарс этиб тут шохининг сингани эшитилди.

Этаги уфққа туташгандай кўринган бепоён далада одам гавжум эмас. Ҳар жой-ҳар жойда хотин-қизлар туркум-туркум тизилиб, ғўза чопишяпти. Мана шу кўз илғамас яшилликни кўкартираётган, яшнатиб, обод қилаётган куч асосан шу аёллар эканини ўйлаганида Ширмонхоннинг қалбида ҳам ғурур, ҳам азобга ўхшаган ғалати бир ҳис пайдо бўлди. Урушга кетган эрини кўз олдига келтиради-да, хаёлан унга гапиради. Кўряписизми, ҳукуматимиз буларнинг қўлидан кетмонни олиб, қаддини ростламоқчи эди. Боланга ҳам, уйингга ҳам қара, ҳам ишла, ҳам дам ол, деяётган эди. Уруш уларнинг бағри-

дан эрларини, ўғилларини тортиб олди. Эрлари ва ўғиллари ўрнига ҳам бу ерда уларнинг ўзлари қолди. Шунинг яхши билаётгандирсизлар, дея фронтчиларга мурожаат қиларди Ширмонхон. Билаётган бўлсанглар яхшироқ урушинглар. Нега ҳадеб орқага чекиняпсизлар? Йўқ-йўқ, орқага чекинишга сира ҳақкинғиз йўқ! Ҳамма, ҳаммаси учун душмандан ўч олмасанглар, бу аёллар олдида юзи қора бўласизлар. Қарздорсизлар ҳозир...

Ширмонхоннинг хаёлига яна ўғли тушди-ю, кўнгли баттар ғашланди.

Эри фронтга кетгандан кейин колхозчилар Ширмонхонни раис қилиб сайлашди. Унгача Ширмонхон бригадир бўлиб ишлар, бутун хатти-ҳаракати билан эрига гап тегизмасликка, намуна бўлишга интиларди. Раис яхши ишлаганлар қаторида хотинининг номини айтмаганида, колхозчилар эслатиб туришар, ҳамма кўриб турган ҳақиқатни тан олмаслик камтарлик бўлмайди, раис, деб унга таъна ҳам қилишарди. Ҳатто кишлоқ хўжалик кўргазмасига номзодлар кўрсатилганида колхозчилар рўйхат бошига Ширмонхонни ёздиришди. Бундай кезларда раис хижолатлик билан жилмайиб турар, Ширмонхон эса унинг кўзларидан миннатдорлик туйғуларини уқиб оларди.

Буларнинг оиласини кишлоқда ҳавас қилмаган одам йўқ деса бўларди. У вақтда қизи Мақсуда ўрта мактабни битириш олдида, Фарҳод бўлса саккизинчи синфда ўқир эди. Болаларнинг туйғун, меҳнатқаш, боодоблигидан эрхотин ниҳоятда хурсанд эдилар.

Ширмонхон Москвадан кўргазмадан қайтиб келиши билан уруш бошланди. Ўша кун мактабда ўнинчи синфни тамомлаганлар шарафига кеча бўлмоқчи эди. Зиёфат, концерт тайёрланганди. Зиёфат жуда совуқ ўтди. Тайёрлаган концерти шундоқ қолиб кетди. Қанча-қанча орзу-хаёллар билан етишган аттестатини Мақсуда ҳам индамай тортмага солди-да, ўқишга бориш ҳақида бир оғиз гапирмасдан далага ишга чиқиб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, дадаси фронтга жўнади.

Отасининг йўқлиги, онасининг бўлса доим иш билан бандлиги Фарҳодни бир мунча ўзбошимча қилиб қўйди. Бунинг устига, баъзи одамлар, раиснинг ўғли деб ҳаддан ташқари унинг кўнглига қарашди, айбини яширишди, гуноҳини айтишмади. Ҳатто табелчи унга қўшимча меҳнат куни ёзиб юрди. Буни аввал ҳеч ким пайқаманган эди. Аванс вақтида колхозчилар билиб қолишиб, шов-шув

кўтаришди. Ширмонхон табелчини ишдан бўшатди. Ўғлининг ортиқча олган ҳақини эса колхозга қайтариб берди. Бирок Фарход меҳнатга чап беришга анча ўрганиб қолган эди.

Бир куни сўрамай-нетмай уч кун йўқ бўлиб кетди. Ширмонхоннинг бормаган жойи, сўрамаган одами қолмади. Кейин унинг нима сабабдандир армияга олинмай, чайковчилик қилиб юрган, бутун меҳнат аҳлининг назаридан қолган Қобил билан шаҳарга тушиб чикқани маълум бўлиб қолди.

Ширмонхон йиғлади-сиқтади, қарғади, насихат қилди. Бирок мана бугун Фарход яна ишга чикмабди. Ширмонхон уни қидириб Қобилниқидан топиб келди.

Ўғлининг ҳалиги кайфияти Ширмонхоннинг кўзига кўриниб кетди-да, юраги бир сиқим бўлди қолди. Қаёққа кетди экан? Нима қилиш керак? Қандоқ қилса унинг кўнглига йўл топади? Ўрта мактабни битирганига мана бир йил бўлиб қолди. Ҳадемай армияга чақириб қолишлари ҳам мумкин. Нима қилса унинг кўнглига йўл топади? Эри урушга кетгандан бери кўпчиликнинг — колхозчиларнинг кўнглига йўл топаётган Ширмонхон нега ўз ўғлига гап уқтиролмай, уни тўғри йўлга соллолмай қолди? Болалари дадасидан ҳайиқишарди. Бўлмаса ота уларни на урган, на сўккан эди.

Пешонасига тушган муздек томчи Ширмонхоннинг хаёлини ўзига келтирди. У сесканиб, осмонга қаради. Олисда аллақайққа қаттиқ сел қуяётгани кўриниб турар, қорамтир уфқда осмондан ерга беҳисоб майда иплар тортилгандек бир соя кўзга ташланар эди.

Ширмонхон отга қамчи босди. Кутилмаганда шамол туриб, ёмғир кучайди. У иккинчи бригаданинг шийпони-га бурилганда олисдан бировнинг қичқириги эшитилди:

— Ҳай, келинларў-ў-ў, рўзага сув уриб кетди!!!

Ширмонхон овоз келган томонни аниқлай олмай бир нафас тўхтаб қолди. Ёмғир қуюни остида бирови кетмон билан, бирови кетмонсиз кулоқ бошига югуриб кетаётган хотинларни кўрди-да, у ҳам отни ўша томонга чоптириб кетди.

\* \* \*

Ширмонхон айвонда туриб ёмғирда шалаббо бўлган кўйлагини сиқар экан, узун сочларидан ёмғир сувини сидираётган Мақсуданинг юраги бирдан увушиб кетди.

Яқиндагина қувноқлиги, шўхлиги билан ҳамманинг ҳавасини келтирадиган аяси бирданига қариб қолгандай туюлди. Ўша қувноқ кулги, ҳазил энди қандайдир жиддият, ўй ва ғазаб билан аралашиб кетган эди. Айниқса дадасидан хат келмай қўйганидан бери аясининг кўзидан уйку ҳам қочди. Кошки хотинларга ўхшаб йиғласа, дардини айтса. Йўқ, ўзини меҳнатга уради, холос. Уйига ярим кечада қайтган пайтларида ҳам чироқни ўчирмай тонг оттиради.

Нима ҳам қилсин, раиснинг ўзи йиғлаб берса, бошқа аёллар нима қилади? Ширмонхон аввал хотинларга қувноқ яшашни ўргатган бўлса, энди сабр-тоқати билан уларга ҳам ўрнатқан, ҳам ҳамдари эди.

Мана, ҳозир у уруш аро йўлда қўйган, ҳали битмаган айвон зихида туриб, атрофдаги ҳамма нарсани унутгандай бир хаёл билан кийимларини сиқяпти. Ёзилиб кетган ҳўл соч толалари баданига ёпишиб қолган, яланг оёқлари олдида бир пойи тўнкарилиб ётган этигининг қўнжидан ҳамон лойқа сув силқимоқда.

Мақсуда уйдан костюм олиб чиқиб, аясининг елкасига ташлар экан, уни оҳиста қучоқлади.

— Қиринг уйга, ая. Мен ўзим тозалаб, ювиб қўяман.

— Ўғилойдан хабар олиш керак эди-да.

— Хавотир олманг, ҳеч нарса бўлгани йўқ. Билагининг озгина жойини шох тилиб кетибди, холос. Яхшилаб боғлаб қўйганмиз.

Ширмонхон уйга кириб, лампа пилигини кўтарди. Қайтиб чиқиб, айвондаги примусни ёқиб, туноқа чойнакни устига қўйди-да, ўзи ўша жойда чўнқайганича ўйга толди. Примуснинг тинмай повиллаши унинг хаёлига қанот бергандай, у атрофидаги ҳамма нарсани унутгандай эди. Унинг кўзидан мурғак гўзаларни офатдан сақлаб қолиш учун жонларини аямай, ўзларини сувга отган колхозчилар ўтарди.

Муҳаббат ҳар қандай балони, ҳатто ўлимни ҳам енгади, деб тўғри айтганлар. Юртига, колхозига, меҳнатига, фронтдаги жигарбандларига бўлган садоқати ва меҳри буларга ана шундай енгилмас куч берди. Улар тўлқин билан, табиат ўжарлиги билан паҳлавонлардай олишдилар. Шохга тирмашиб, тўлқинлар орасида гоҳ йўқолиб, гоҳ қўриниб бораётган Ўғилойни эслаганида Ширмонхоннинг бадани жимирлаб кетди. Эри қандай яхши кўрарди бу жувонни! Ўн йиллик турмушларида кўпинча уй ишига ўзи боқишарди. Буни ҳамма билар, ҳамма



ҳавас қилар, баъзан эса ҳасад қилувчилар ҳам топиладди.

Эр-хотин кечқурун даладан бирга қайтишар, Ўғилой боласига қараса, эри овқат пиширар, нима қилиб бўлса ҳам хотинининг оғирини енгиллатишга уринарди. Ўтинни ёриб, тахлаб, челақларга сув тўлдириб, устини тахтачалар билан ёпиб қўярди.

Байрам бўлса атайин шаҳарга тушиб, Ўғилойга ажойиб совғалар олиб чиқарди. Улар ҳамма вақт бир-бирларининг кўнглига қараб яшашарди.

Ана шундай эрка, севимли, нозик хотин бугун тўлқинлар билан олишди. Балки севимли бўлганидан шундай қилгандир. Балки эрининг бақувват қўллари унинг билакларидан тутган, мухаббати мадор бағишлагандир. Севмаган, севилмаган одамнинг қўлидан бундай жасурлик келмайди, албатта.

Унинг ана шу ахволини эри кўрганда нима қиларди...

Нега Фарҳод шу маҳалгача келмаяпти? Қаёқда юрибди экан? Яна бир оз сабр қилса, балки келиб қолар. Қандай қилиб йўлга солса бўларкин...

Чойнакнинг қопқоғи шиқирлаб Ширмонхоннинг хаёлини бузди. У қуруқ чой қидириб, тоқчаларни тимирскилаб юрганида эшик тақиллади. Хайрият, Фарҳод келди.

Ширмонхон шошиб айвонга чиққанида кир ёйиб юрган Мақсуда дарвозани очган эди. Ховлига Фарҳод эмас, ҳассасига суяниб, оқсоқланиб, яқинда фронтдан қайтган Маҳмуд кирди.

— Келинг, — деди Ширмонхон бир оз бўшашиб.

Маҳмуд анча вақтгача келишининг сабабини айтмасдан маънос ўтирди. Ширмонхон бунга ҳеч қандай маъно бермади. Чунки унинг Мақсудага зимдан термилиб юришини сезар, сукут сабабини ҳам шундан деб билиб, йигитни хижолат қилмаслик учун ундан бундай эсанкираш важини ҳам сўрамай қўя қолди.

Мақсуда уларнинг олдига чой, нон қўйиб, кириб кетганича уйда ғимирсилаб юрди. У доим шунақа қилади. Маҳмудга рўпара келмасликка, унинг интизор ва илтижо билан термилишини кўрмасликка ҳаракат қилади. Нима қилсин, унинг кўнгли бошқа биров билан банд.

Маҳмуд нимагадир атрофга бир жавдираб олди-да, чуқур нафас олиб гап бошлади.

— Бугун иш билан военкоматга чиқувдим...

Маҳмуд тўхтаб қолди. Гапнинг давомини кутиб турган Ширмонхондан кўзини бошқа ёққа олди.

— Фарходни кўриб қолдим.

— Нима? Фарходни? Нимага? — деб Ширмонхон ўрнидан туриб кетди.

— Қўнгиллилар билан жўнаб кетди. — Махмуд офир юкни елкасидан ташлагандай бир нафас олиб, хиёл титраган қўллари билан рўмолчасини чўнтагидан чиқарди-да, юзини, пешонасини артди.

— Қаёққа? Қачон? — деб Ширмонхон қичқириб юборди. Уйдан Мақсуда югуриб чикди.

— Нима бўлди? Нима гап?

Индамай ўтирган Махмуд ҳам, титраб йиғлаётган Ширмонхон ҳам унга жавоб бермади. Довдираб қолган Мақсуда аясини суяб уйига олиб кирди. Хаёлига дадаси, анчадан бери ундан хат-хабар йўқлиги тушиб, қўрқиб кетди. Йиғлаётган ойисини тинч қўйиб, ташқарига Махмудни кидириб чикди. Лекин ҳовлида ҳеч ким йўқ, дарвоза қия очиқ турар эди. Қайтиб уйга кирди.

— Ая, аяжон! Нима бўлди? Дадамдан... йўқ! Айтинг!

Ширмонхон бошидан рўмолини сидириб олиб, кўзини артди.

— Болам, болагинам... Ҳамма ўғлини ўпиб, қучоқлаб жўнатса, мен уриб ҳайдаб жўнатдимми сени?!.

— А? Фарход? Кетибдимми?!

Мақсуда деворга суянганича қотиб қолди. Бир меъёрда липиллаб ёнаётган лампа унинг оқариб кетган юзидан оқаётган кўз ёшларини гоҳ ёритиб, гоҳ ўчирарди.

— Йигит бўлгандан кейин кетади-да, ая, ҳамма йигитлар ўша ёқда, — деди кейин ойисига тасалли бериб Мақсуда.

\* \* \*

Бугун ҳаво жуда беғубор эди. Ёмғир ювган япроқларда қуёшнинг нури яйраётганга ўхшайди. Атроф беғубор ва кўм-кўк.

Правление ҳовлисида эндигина оқара бошлаган бир туп тут шохида қушлар патирлайди. Беғам мусичалар одамларнинг оёғи остигача келиб дон кидиради.

Ширмонхон тезда беш-ўн колхозчини Ўғилойнинг бригадасига — сел босиб кетган жойларга қайта чигит экиш учун ёрдамга юборишни бригадирларга топшириб, кутиб турган бухгалтернинг баъзи бир қовозларига қўл қўйиб бериш учун идорага кирди.

Ҳар хил плакатлар, шиорлар ёпиштирилган хонада

секратеръ киз тажанглик билан чўт уриб, олдидаги форма чизилган қоғозга алланарсаларни ёзарди. Столдаги кичкина тугун билан эшик олдидаги кетмонни кўрган Ширмонхон унинг далага шошилаётганини дарров сезди.

— Муяссархон, нима ёзаяпсан, қизим?

— Э, кўрмайсизми, — деди бошини кўтармай Муяссар, — кеча даладан кеч қайтганим учун қишлоқ советида ҳеч ким йўқдир, деб ўйлаб, сводка бермаган эдим. Ҳозир шунга тиқилинч қилишяпти. Биратўласига икки кунлигини бера қоларман, десам, халиги маҳмадона секретари сира кўнмайди-я! Гўё ишлари шунга қараб қолгандай. Кунда сводка, кунда сводка. Ҳеч бўлмаса беш кунда, ўн кунда сўрашса ҳам кошкийди.

Ширмонхон ҳам кошкийди деган маънода кулиб кўйди-да, бухгалтер кўйган қоғозларга кўз югуртира бошлади.

Муяссар тайёр бўлган сводкани нимдошрок яшил мовут ёпилган столнинг бир четига қўйиб, қолган папка, қоғозларни шошиб-пишиб тортмаларга жойлади.

— Мақсуда кетгандир-а? — сўради у чиқиб кетаётиб.

— Кутубхонага бориб, кейин кетмоқчи эди, — жавоб берди Ширмонхон қоғозлардан кўзини узмай. Кейин бухгалтерга ўғирилди:

— Ёғ олиб келишдимми?

— Ҳа.

— Аванс тайёрланглар. Фронтчиларнинг оиласига кўпроқ эътибор беринглар.

Ширмонхон қоғозларга қўл қўйиб бериб, ўрнидан турди. Девордаги осма соат даранглаб тўққиз марта занг урди. Ширмонхон репродуктор қулоғини буради. Аввал гириллаган овоз эшитилди. Кейин курант жаранги таралди. Ширмонхон эрини — Ҳакимжонни эслади. Унинг каттагина, қўпол чўнтак соати бор эди. Ҳакимжон уйда-ми, даладами, идорадами, қаерда бўлмасин, уни албатта курантга тўғрилашни унутмасди. Курант занг урди дегунча Ширмонхон кўнглида, ҳозир соатни чиқаради, деб турарди. Чиндан ҳам Ҳакимжон ҳар қандай иши бўлса ҳам бир нафасга қўйиб, галифе шимининг олдинги чўнтагидан соатини олар, шошмасдан бураб, кейин албатта қулоғига тутиб кўрарди. Бу соат ҳозир уйда — токчадаги кичкина сандиқчада туради. Курант занг берди дегунча Ширмонхоннинг ёдига беихтиёр тўхтаб ётган шу соат келар, ҳаётда унга энг яқин, меҳрибон бўлган Ҳакимжонни эслатарди.

Ширмонхон дикторнинг кечаги ахборотини такрор-лаётганини эшитиб, секин бир хўрсиниб қўйди-да, ҳовлига чиқди.

Тут барги орқалаган Собиржон ҳовли тўридаги бос-тирма томонга энгашиганича ўтиб кетди. Ширмонхон кўчага чиқди. Арава устида турган Болтабой ота шох боғламларини дарвоза олдига ирғитар, дам-бадам энги билан пешонасини артиб қўяр эди. Унинг авзойидан қаттиқ хафалиги, ташвишдалиги билиниб турарди. Бунинг сабабини Ширмонхон фахмлаган бўлса ҳам, ҳозир унга бирон далда беришнинг иложи йўқлигидан, ҳол-аҳвол сўрашиб индамай ўтиб кетди.

Олисдан мактаб кўнғироғи эшитилди. Ширмонхоннинг ёдига нимадир тушгандай бир лаҳза тўхтади-да, мактаб томонга бурилди.

Муюлишда олдидан почтальон қиз Ноила чиқиб қолди. У Ширмонхон билан шошилиб сўрашди-да, бошини эгганича югуриб ўтиб кетди. Ширмонхон оғзини жуфтлаганча қолаверди. Буларга ҳам қийин, нима қилишсин. Хат келса почтада ушлаб ўтиришармиди. Шундай бўлса ҳам почтальонни кўрганда ҳар ким бир тўхтаб, сўраб-суриштирмагунча кўнгли ўрнига тушмайди.

Ноила ҳаммани беш бармоғидай билади. Кимга хат келаётганини, кимдан келмаётганини ҳам билади. Ноила уларнинг термулишига сира тоқат қилолмас, кўзини олиб қочар, кўча-кўйда бўлса, йўлини буриб кетарди. Дуч келиб қолган баъзи бировларга эса янаги гал албатта сизга хат олиб келаман, мана кўрасиз, деб овутиб кетарди.

У кейинги кунларда Ширмонхондан ҳам қочиб юрадиган бўлиб қолди.

Мактаб илмий мудир Шифоат опа раис шу томонга келаётганини кўриб тўхтади.

— Келсинлар, келсинлар. Нечук? — деди у Ширмонхон билан кўришар экан. Раисларнинг ичида мактабга энг кўп келадиган, тез-тез хабар олиб турадиган Ширмонхон бўлса ҳам, Шифоат уни ҳар гал, нечук, деб кутиб оларди. Бироқ бу «нечук»да чиндан ҳам камдан-кам кўришадиган одамга айтиладиган ҳайрат эмас, хурсандчилик ифодаланарди.

Дарс кетаётгани учун улар коридорлардан идорагача гаплашмай боришди. Шифоат шамол қайта ёпиб қўйган дераза қанотини очар экан, Ширмонхонга савол назари билан қаради.

— Озгина маслаҳатлик иш бор эди.

Шафоат Ширмонхоннинг ёнига келиб ўтирди:

— Эштайлик-чи, нима гап?

— Беш-олти фронтчилар оиласининг томорқасидаги экин-тикинига қарайдиган одами йўқ. Колхоздаги куч ўзингизга маълум. Шунга юкори синф ўқувчилари қарашса, шуни сизлар ташкил қилсаларингиз...

— Бу масала ҳал бўлди деяверинг, — деди Шафоат раиснинг гапини бўлиб, — куни кечагина шу иш учун ёшлар отрядлари тузилди. Сиз шу оилаларнинг рўйхатини берсангиз ишни ўшалардан бошлардик.

Ширмонхон столга сурилиб, сиёҳдонга тироғлик турган ручкалардан бирини олдию Шафоат узатган бир варақ оқ қорозни олдиға қўяр экан:

— Давомат қалай? Яхшими? — деб сўради.

— Ҳозирча яхши. Ота-оналар йиғилишини далада, бригадама-бригада юриб ўтказдик. Яхши натижа берди.

Тўсатдан эшик очилиб, бир даста газета ва китоб кўлтиклаган, нимадандир ҳаяжонланган Мақсуда кириб келди. Кўлтиғидаги китобларнинг баъзилари сирпаниб полға тушди. Ширмонхон рўйхатни Шафоатга узатди, ўрнидан турар экан, кизига қаради:

— Нима қилиб юрибсан?

— Қизлар китоб тайинлашувди. Ўшаларни олдим. Газеталарнинг янги сонини кутиб, кеч қолдим. Ҳозир далага кетяпман.

— Тезроқ бор-да бўлмаса.

Шафоат рўйхатни столдаги ойна тагига қўйиб, Ширмонхон билан ташқарига чиқди. Мактаб олдида ҳассасига суяниб Маҳмуд турарди. Ширмонхон қизининг мактабга нима учун кирганлигини дарров тушунди. Маҳмуд раис билан ўнғайсизланиброқ саломлашди-да, ҳассасининг учи билан ер чиза бошлади.

Шафоат Ширмонхонни кузатиб, мактабга қайтганида, Мақсуда эшикдан секин бошини чиқариб ташқарига мўралади.

— Ҳа? — деди ҳеч нарсага тушунмаган Шафоат.

Мақсуда хижолатликдан кўчага чиқиб қолди-ю, кейин орқасига қайтолмади.

Мақсуда ўзи ишлаётган бригадада агитаторлик ишларини олиб борарди. Тушлик овқат пайтларида колхозчиларга газетадан сўнги ахборотни ўқиб берар, дала шийпонини ҳар хил плакатлар, шиорлар билан безатарди. Янги, яхши китоблар ҳақида суҳбатлар ўтказиб турар-

ди. Бугун ҳам бир-икки дугонасига кутубхонадан китоблар олди. Ноилани кутмасдан газета олгани почтага ҳам ўзи борди. Почтадан чиқиб келаётганда йўлда турган Маҳмудни кўриб, унга рўпара келмаслик учун мактаб томонга бурилди. Бироқ Маҳмуд уни кўришга улгурган, мактаб олдида унинг чиқишини кутиб турарди. Мақсуда у билан саломлашиб ўтиб кетмоқчи бўлган эди, Маҳмуд чақириб тўхтатди.

— Далагами, Мақсуда?

— Хим.

— Рози бўлсангиз, бирга кетайлик. Мен ҳам айланиб келмоқчиман. Зерикиб кетдим. Ишга чиқай десам, аянгиз, оёғингиз яхшироқ тузалгунча идорада ишланг, дейди. Менинг бўлса далага чиққим келади. Ўтиришга тоқатим йўқ.

Нима қилишини, нима дейишини билмаган Мақсуда ерга қараганича у билан ёнма-ён борарди.

— Оёғингиз баттар бўлмасин тагин, — деди Мақсуда бирдан тўхтаб, — яёв бориш осонми? Яхшиси, саройдан биронта от олинг-да, айланиб келинг.

Маҳмуд унга шунақа бир назар билан термилдики, Мақсуда кўзини қаёққа олишини билмай қолди. Беихтиёр бошини эгиб, секин юра бошлади. Маҳмуд эргашди.

— Кўркманг, Мақсуда, сизни йўлдан қўймайман. Сиздан тезроқ юришга ҳаракат қиламан.

Мақсуданинг юраги алланечук бўлиб кетди. Маҳмудга раҳми келдими ёки уялдими, ҳар қалай қадамини секинлатди.

Улар ариқ ёқалаб, кўм-кўк ажриқ устидан боришарди. Маҳмуд кўзларини пирпиратиб олисларга тикилар, баъзан Мақсудага кўз қирини ташлаб қўяр экан, қалби ҳам севинч, ҳам кўрқувдан титрарди. Нима жавоб берар экан? Ахир, ўқ қуюнлари орасида ҳам мана шу қизнинг нигоҳи уни тарк этмаганди. Уни яшашга, ўлимни енгишга чақирарди. Бироқ Мақсуда буни билмасди. Маҳмуд бу гапни бировга айтса, худди қалбидаги жавоҳир тўкилиб кетадигандай, уни сир тутар, хали мактабдан учирма бўлиб чиқмаган Мақсудага ишқ изҳор қилишни ўзига эп кўрмасди. Нима жавоб бераркин? Йўқ деса нима бўлади? Маҳмуднинг кўз олди қоронғилашиб кетгандай бўлди. Кўкрагини тўлдириб бир нафас олди-да:

— Нега мендан қочасиз, Мақсуда? — деди секингина.

— Ким? Қачон?

- Сиз. Хар доим.
- Сизга шунақа кўрингандир-да.
- Аслида шунақамасми?

Мақсуда довдираб қолди. Нима деб жавоб беришини билмай, гапни чалғитишга уринди.

- Сиз қайси фронтда бўлгансиз?
- Аввал менинг саволимга жавоб беринг.

Оёқ шарпасидан чўчиган уч-тўрт бақа кўкатлар орасидан ўзини сувга отди. Мақсуда бир қўллаб чўзилиб, йўл бўйидаги толнинг узун бир новдасини синдириб олди-да, бақаларни ҳайдаган киши бўлиб, ўйин қилиб кета бошлади. Маҳмуд жавоб кутиб жим борарди. Қиз нима десин? Нима деб жавоб берсин унга? Маҳмуд яхши йигит — меҳнатқаш, софдил, келишган. Бирок кўнгил учун ҳар қандай сифатлар ҳам баъзан камлик қилади.

Мақсуда ўзи билан бир синфда ўқиган, ўт-оловлиги билан мактабда ҳамма вақт тўс-тўполон қилиб юрадиган Ҳабибни яхши кўриб қолган эди. Улар бир партада ўтиришар, бирга дарс тайёрлашар, мактабни тамомлагандан кейин қаерга ўқишга бориш ҳақида маслаҳатлашар, хаёл суришарди. Ҳабиб инженер бўлишни орзу қилар, гоҳ радиони бузиб тузатса, гоҳ онасининг машинасини бўлак-бўлак қилиб, яна жойига қўяди. Мақсуда унинг шўхлигиними, беғубор хаёллариними, ишқилиб, яхши кўриб қолди. Авваллари сир бой бермай юрган бўлса ҳам, Ҳабиб армияга жўнаётганда чидаб туrolмади, йиғлаб юборди. Юзидан кулги аримаган Ҳабиб шунда биринчи марта унга жиддий, маъюс боққан, валати аҳволга тушиб, довдираб қолган эди. Кейин у Мақсудага хат ёза бошлади. Бу хатлар ҳам унинг турли-туман тутқич бермас хаёллари билан тўла бўлар эди. Мақсуда эса Ҳабибдан хат олганида, уни ўйлаганида ўзини китоблардаги ошиқ бўлган қизларга ўхшатар, уларга тақлид қилишга уринарди.

Мана, уч-тўрт ойдан бери ундан хат йўқ. Нима бўлди экан? Хат ёзишга имкон бўлмаётими? Ёки... Мақсуданинг юраги гурсиллаб уриб кетди. У ёмон фикрни қувлагандай бошини бир силкиб кўтарди. Олисдан бригада шийпони оқариб кўринар, узоқларда чопикчилар кўзга ташланарди.

Мақсуда бирдан тўхтади. Тиккалаб қолган офтобга китобни соя қилиб, кўзини тўсиб туриб, Маҳмудга қаради.

— Сиз шийпонга бориб бир зум дам олинг. Мен мана бу китобларни қизларга етказай.

Мақсуда Махмуднинг жавобини кутмасдан ариқдан хатлаб ўтди-да, эгатлар оралаб қизлар томонга илдам юриб кетди. Қайтиб орқасига қарамади.

\* \* \*

Ўғилой ҳар бир ишда эрининг ўрнини билингтирмасликка уринар, тилида баъзи аёлларга ўхшаб ҳадеб гапиравермаса ҳам, кўнглидан, кўзидан уни нари кетказмасди. Ҳозир ҳам унинг хаёли олисларда, жанг майдонларида эди. Узоқда, шийпон ёнидаги бир шохи қуриган тутга осилган зангни ошпаз хола бир қанча марта даранглатиб, унинг хаёлини бўлди.

Ошпаз хола колхозчиларни тушлик овқатга чақирар эди. Чопиқчилар гўзалар орасидан бирин-кетин чиқишиб, шийпонга тўплана бошладилар.

Ўғилой эгатдан чиқиб, шийпон ёнидан оқиб ўтадиган кичкина ариқча лабига бориб, шохлари тарвақайлаб кетган ўрик тагига чўнқайди. Сув кўплигидан жуда тез, ўйноқлаб оқадиган бу ариқ бўйида ўтириб дам олишни Ўғилой яхши кўрарди. Шаббодада беҳол титраётган ўрик баргларининг сояси ариқ юзида жимирлар, сув салқини юзига уриб, ором бахш этар, ҳорғин толган қўл-оёқларидан чарчоқни қувлагандай бўларди. Ўғилой муздек сувда юз-қўлларини ювди. Бошидаги рўмолининг бир учига юзини артар экан, кўзи кўм-кўк барглар орасидан мўралаб турган гўраларга тушди. Оғзининг суви келди. Чўзилиб, бир шохнинг учидан эгиб олди-да, гўрасини сидириб ҳовучига тўлдирди. Шийпон томонга юрар экан, биттасини оғзига солди.

Хотинлар икки-уч жойга давра бўлиб ўтиришиб, гўжа ичишарди, Муяссар фронт янгиликларини ўқиб бераётгани учун ҳеч кимдан садо чикмас, фақат баъзи-баъзида овқатнинг хўриллагани-ю, ёшроқ болаларнинг бурун тортгани эшитилиб қоларди, холос. Мақсуда бўлса секин-секин юриб, «Пахтадан юқори ҳосил етиштириш билан душманга қақшатқич зарба берамиз!» деб ёзилган узун алвонни деворга қоқиш билан овора эди.

Муяссар ахборотни ўқиб бўлди. Хотинлар кўзларини пирпиратиб, бир-бирларига қараб олишди-ю, ҳеч нарса дейишмади. Кимдир чуқур хўрсиниб қўйди. Бир чеккада тикка турган Ўғилой индамай келиб қўлидаги довуччани аёлларнинг ўртасига тўкди. Шўхроқ жувонлардан



бир-иккитаси қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Ўғилой уларнинг нимага кулаётганларини билса ҳам, ўртадаги оғир сукунатни бузганидан хурсанд бўлиб сўради:

— Хой, нега куласизлар-а?

— Оҳ, айланай, овсинжон, — деди бир жувон кулгидан ўзини тийиб, — кўзимиз довуччада бўлган замонлар қандок замонлар экан-а?

Яна қаҳқаҳа кўтарилди.

— Айнимай ўлинг, овсин, — деди Ўғилой ҳам кулиб. — Олинг, энг. Яхши ният билан олиб келдим.

Ўртада ётган довучча талаш бўлиб кетди.

Шийпонда Маҳмуднинг пайдо бўлиши хотинларнинг кий-чувини бирдан тўхтатди.

— Хорманглар, хорманглар!

— Бор бўлинг!..

— Соғ бўлинг.

— Суҳбатларингни бўлдим шекилли. Жуда жимжит бўлиб қолдинглар, — деди аскарлигини ҳали унутмаган Маҳмуд кўнжидан латта олиб этигини артар экан.

— Э, Маҳмуджон, ҳали ҳам шунга ақлингиз етмайди-ми? — деб тегажақлик қилди яна бояги жувон, — бу хотин шўринг қурғурлар битта эркакни кўрса шундок эсхушини йўқотадиган бўлиб қолишган.

Яна кулги кўтарилди. Маҳмуднинг қизариб, кулимсираганича нари кетганини кўрган бир аёл тегишқоқ дугонасини жеркиб берди.

— Алжирамай кетинг. Йигит бечорани уялтириб юбордингиз.

Мақсуда Маҳмуднинг лавлагидай кип-қизил бўлиб кетганидан кулимсираганини яшириш учун деворга ўтирилди-да, алвоннинг тўғри, текис қоқилганини текшираётган киши бўлиб турди. Маҳмуд аста юриб унинг ёнига келди.

— Хорманг, Мақсуда.

Мақсуда қулоғи остига урилган иссиқ нафасдан ўзини тортди.

— Келинг, қалай, яхши ёзилибдими шиор?

— Жуда яхши. Қизларингиз ичида бола боқишни эплайдиганлари борми?

— Нима қилди? — ҳайрон бўлди Мақсуда.

— Қўшни қишлоқ советига артистлар келишибди. Шунга бугун кечкурун хотинларнинг боришини уюштирсак. Баъзи бировлари, болаларимизни ташлаб кетгани

уйда одам йўқ, деб унамасликлари мумкин. Мана шу-нақаларнинг уйига қизлардан қўйсак. Улар бу гал кўришмаса, ҳеч нарса қилмас. Ўзлари ёш, асаблари бутун. Ўйин-тамошани улар ҳали кўп кўришади. Бечора аёллар бир ёзилиб қайтишармиди, дедим.

Мақсуда очиқ ва миннатдор чехра билан унга қаради.

— Билдим, мунча тушунтиравермасангиз. Қизлар қарайди, қараймиз ўзимиз.

Маҳмуд эълон қилди:

— Эшитинглар!

Ҳамма жим бўлиб, унга тикилди.

— Бугун кечкурун соат еттида ҳамманглар идора ёнида бўлинглар. Машина кутиб туради, концерт кўргани борасизлар.

— Районгами? Қаёққа ўзи?

— «Улуғ нор»га. Тошкентдан артистлар келишибди. Болаларини қолдиришга одами бўлмаганлар Мақсуда-хонга айтсин. Болаларни олиб қолишни у киши ташкил қилади.

— Вой барака топинг-эй, шунини ўйлаб турувдим, — деди бир аёл.

— Ҳозир яхшилаб ишланглар-да, эртароқ кетинглар.

— Шошманглар, яна бир гап бор! — деб кичқирди Ўғилой. — Кимда-ким пардоз қилмай келса, бормаиди, билиб қўйсин.

— Бизнинг пардозимизга қарайдиганлар борми у ер-да?

— Мен ҳазиллашаётганим йўқ! — деб кичқирди Ўғилой. — Машина ёнида ўзим тураман. Упа-атир хиди келмаса, машинага чиқармайман, билиб қўйинглар!

Хотинлар ишга тарқашди. Уларнинг кулги, ҳазиллари анча вақтгача қозон-товоқ ювиб юрган ошпаз холага эшитилиб турди.

Кечки пайт правление олди байрамга ўхшаб кетди. Хотинлар имкони борича ясанишган, бир-икки соатча бўлса ҳам бошларидаги бутун машаққатни, айрилиқни унутиб, уруш вақтинча юлиб олган аёллик назокатини, эркалик, нозикликни сақлашга тиришардилар.

Ўғилой айтганини қилиб ҳаммадан аввал келган. Ўсма, сурма унинг бир вақтги чиройини қайтаргандай эди. У ҳамма билан ҳазиллашар, хотинларнинг кўйлақларини ҳидлаб кўриб, атир хиди келмайди-ку, деб тега-

жаклик қилар эди. Товар кўйлак кийиб, бошига чети шокила қилиб тўкилган катта атлас рўмолча солган бир келин унинг ҳазилини тушунмай, куйиб-пишиб тушунтирарди.

— Ўзи олиб келиб берган атирни кетгандан бери сақлайман. Очгим келмади. Ўзи келганда қуяман деб ниёт қилувдим.

Ширмонхон бир четда туриб, хотинларни кузатар экан, бу лаънати уруш болани отадан, эрни хотиндан жудо этиб, шаҳарларни вайрон, болаларни етим қилибгина қолмади, одамлардан чиройни, хусни олди, пардоз қилишга бўлган вақтини, кайфини тортиб олди, деб ўйларди. Чиндан ҳам турли-туман кийиниб, ўзига оро берган бу аёллар хали далада терлаб-пишиб кетмон чопаётган аёлларга сира ўхшамасди.

Бир четда турган Болтабой ота хотинлар орасидан кўзи билан зўр бериб кимнидир қидирар эди. Ширмонхон буни дарров сизди. У ҳам кўз югуртириб чиқди. Йўқ, Болтабой ота қидираётган одам булар орасида йўқ эди.

Сочини бошига чамбарак қилиб, устидан рўмол танғиб олган, тўқ кўк матодан жомакор кийган шофёр Матлуба машина кузовида чувиллашаётган хотинларга кичқирди:

— Хой, кизлар, шартим шуки, кетгунча ашула қилиб кетасизлар. Ашула тўхтадим, машина ҳам тўхтайди, билиб қўйинглар.

— Оббо, концертга борамиз деб, концерт қўйиб берамиз экан-да! — деб кичқирди бир аёл.

— Хай Матлуба! Амалдан фойдаланиш йўлини сен ҳам топдингми-а? — деди бошқаси.

Матлуба қаҳ-қаҳ уриб кулар экан, кабинага чиқиб, рулга ўтирди-да, ёнига Ширмонхонни таклиф қилди. Ширмонхон кабинага чиқмади. Кузовдаги аёлларга қўлини узатди. Улар раисни дарров юқорига тортиб олишди. Машина гуриллаб бир орқага тисарилди-да, сал чайқалиб юриб кетди. Кулги, гала-говур орасида кимдир кўнғироқдек овози билан қўшиқ бошлаб юборди:

*Бир кўришга зор-зорман,  
Йўлларига интизорман.  
Бу ҳижрондан дод, безорман,  
Айтинг, қачон келар ёрим?  
Фироқида бағрим тутун,  
Ёки ёниб кетмас бутун,*

*Дерлар: сабр айланг, кутинг!  
Кутсам келарми дилдорим?*

Бу учинчи бригададаги Чаманхоннинг овози эди. Бу кўшиқни унинг ўзи тўқиган.

Мақсуда Чаманхондан эшита бериб ёд бўлиб кетган кўшиқ сатрларини дилида такрорлар экан, кулимсираганича машина кетидан анча вақт қараб қолди. Кейин кўлидаги кетмонни Болтабой отага бериб, ўзи Муяссарнинг ёнига жўнади. Чунки Муяссар тўрт болали бир аёлнинг уйида болаларига қараб қолган, унга ёрдам бериш керак эди. Анча қоронғи тушиб қолганлиги учун Мақсуда шошиларди. Атроф жимжит, гўё ҳалиги хотинлар билан бутун қишлоқ кўчиб кетгандай хувиллаб қолганди.

Мақсуда узун тор кўчадан тутзорга бурилганида, ариқ лабидаги ажриқ устида ўтирган икки соянинг бири чўчиб, иккинчисидан ўзини тортди. Мақсуда уларни дарров таниди. Буларнинг бири Қобил, иккинчиси Болтабой отанинг келини Ашурхон эди.

Мақсуданинг нафрати кўзгади. Кўзларини пирпира-тиб, аламини ютди-да, булардан тезроқ узоқлашинг учун югуриб кетди.

\* \* \*

Ширмонхон правление ҳовлисига кирганида тут тагида уймалашаётган уч-тўрт бола қўлларидаги кесак, тошларини ташлаб қочиб қолишди. Улардан бири нарироққа борди-ю, кетолмай, мунчоқдек қора кўзларини жавдира-тиб, бир тут шохига, бир Ширмонхонга қаради-да, бурнини тортиб қўйди. Ширмонхоннинг кўзи тут шохигадаги илиниб қолган туки тўкилиб кетган қизил духоба дўшпага тушди.

— Қани, кел-чи, бу ёққа. Кел, ўғлим, дўшпингни олиб бераман.

Бола кўрсаткич бармоғини овзига солиб, бир-икки қадам олдинга юрди.

Ширмонхон идорадан чиқиб қолган бухгалтерни чақирди.

— Бу ёққа келинг. Мана бу болаларга тут қоқиб беринг, — кейин нарида мўраллашиб турган болаларни чақирди. — Хай Отажоннинг ўғли! Бор, уйингдан дастурхон олиб чиқ! Мана бу амакинг тут қоқиб беради. Қани, болаларим, келаверинглар.

Ширмонхон чўзилиб, тут шохини қайриб олиб, дўппини тушириш учун силкита бошлади. Шу пайт кўчадан чопқиллаб Ноила кирди:

— Ширмон опа, Ширмон опа, хат сизга, хат!

Ширмонхон бир нафас довдираб қолди. Ноиланинг баланд кўтарган кўлидаги уч бурчак қовозни қандай қилиб тортиб олганини билмади. Шошиб адресига кўз югуртирди-да, гупиллаб уриб турган юраги устига босганича, Ноилага раҳмат айтишни ҳам унутиб, идорага кириб кетди. Фарходдан... Ўғилгинамдан... болагинамдан. Ширмонхоннинг вужуди титради. У хиёл қалтираган кўллари билан хатни очди.

«Аяжоним! Ўзимнинг тинчлигимни билдирганимдан кейин, Сиз жигарбандларимнинг соғлигини табиатнинг энг гўзал жойларидан сўраб қоламан.

Аяжон! Мен ҳали йўлдаман. Сизни жуда соғиндим. Ёнингиздан кетган кунимок соғиндим. Хар куни тушимга кирасиз, ўпасиз, кучоқлайсиз. Уйғониб кетаман. Сизни хафа қилиб кетганим учун кўнглим гаш.

Аяжон! Мақсудага салом денг. Дадамдан хат келди-ми?...»

Ширмонхон ўзини тутолмади. Пикиллаб йиғлаб, хат устига юзини кўйди. «Болам, болагинам. Ишқилиб, эсон-омон қайтгин бағримга. Бўлмаса чидолмайман. Чидолмайман, болам...»

Бўлди, ўзингни тут, она. Сен ахир кўпчиликка бошсан. Эгилма, ўрناق бўл. Кимга осон деб ўйлайсан? Ўқ куюни остида ўзини ўйламай, уйдаги гўдақларини, хотинини, яна қайсидир фронтда жанг қилаётган, эндигина мўйлови сабза урган ўғлини ўйлаётган оталарга осонми? Ҳали севгилисининг юзига ҳаёдан ботиниб қарашга улгурмаган қизларга, келинларга осон тутасанми? Дунёнинг ҳаммаси фақат ота-она бўлиб кўринган, фақат онадан, ишдан қайтганда қанд олиб келадиган дададан бошқа ҳеч нарсани билмаган, тушунмаган гўдақларга-чи? Сен битта ўғлингни жўнатдинг. Беш-олтиталаб азаматини жўнатган оналар ҳам бор. Ёшлигини, бутун меҳрини, уйқусиз кечаларини келин тушириш, неварга кўриш орзуси билан обод қилган шундай оналарнинг энди, қариганда, қабрга қўйилаётганимда ақалли биронта ўғлимдан буюрармикин, насиб қилармикин, деб ўйлашининг азобини тушунасанми? Уйини, юртини душман пайхон қилаётган ердаги оналарни-чи? Ахир, сен бошқа оналарнинг ҳам қалбини тушунмасанг, қанақа она

бўлдинг? Битта ўзингни-ю, битта ўғлингни ўйласанг, қандай қилиб кўпчиликка раҳнамолик қиласан? Эрингни ёмон кўрармидинг? У колхозни, одамларни қандоқ яхши кўрарди. Кимнинг юрагида нима дарди борлигини биларди. Одамларга пок кўз билан қарасанг пок, нопок кўз билан қарасанг нопок кўринади. «Сен, хотин, ҳамма вақт пок кўз билан қарашга ўрган. Одам борки, дили бор. Дили борки, гап тушунмай иложи йўқ» дер эди у. Ҳа, ана шундай эринг бор эди. Унинг ишини давом эттираётганинг учун мағрурлансанг арзийди. Одамлар сени кўрганда эрингни эслайдилар. Хотинлар борки, бошқаларга эрини эслатиш эмас, ўзининг яшаётганини, тириклигини сездириш ҳам қўлидан келмайди. Мана, Болтабой отанинг келинини қара. Ёшгина нарса-я! Назардан тушди қолди. Ҳеч ким унинг хатто яшаётганини ҳам тан олгиси келмайди...

Бўлди, йиғлама. Юрагинг бир оз бўшагандир. Бу кўз ёшлари ўғлингни қайтаролса, хотинлар ундан денгиз ясаб, довулларида душманни кўммасмиди? Ўғлингни йиғи эмас, меҳнат қайтаради. Меҳнат қил...

Ширмонхон ихтиёрига бўйсунмай оқаётган кўз ёшларини рўмолчасига артар экан, яна хатга термилди. Хат нотекис, эгри-бугри, йўлда ёзилганлиги, шошиб ёзилганлиги билиниб турарди.

— Яхшиликми, раис?

Ширмонхон ялт этиб қаради. Остонада усти бошини қоқиб бухгалтер турарди.

— Бўлмади. Тутнинг устига чиқиб қоқиб бердим. То-за яйрашди-я! Раисдан келибдими хат?

— Фарходдан.

— Ҳа, омон бўлсин. Кафан кийган кетади, капанак кийган келади, дейдилар...

Эшиқдан Болтабой ота кўринди.

— Раис, сизни Мирҳайдар сўраяпти.

— Хўп. Ҳозир бораман.

Болтабой ота қўлидаги кўм-кўк райхон шохини раиснинг столига қўйиб, чиқиб кетди. Ширмонхон табассум билан уни олиб ҳидлади. Кўз ёши куйдирган юзига райхоннинг муздек, беғубор барглари роҳат берди. Қандай хушбўй-а.

Стол устига чиқиб, девордаги тўхтаб қолган соатни юргизиб тушган бухгалтер репродуктор куловини буради.

— Концерт вақтини ҳам ўтказиб юборибмиз.

Сал ғўриллаган товуш ичидан ашула эшитилди:

*Мард йигит, ёринг бўлай  
Хам вафодоринг бўлай.*

— Тухумдан қанча қарзимиз қолди?

Бухгалтер раисга ўтирилди:

— Тўксон фоиз топширдик десак бўлади.

— Энди бу ёғи сустлашмасин. Кечқурун активларни чакиртиринг. Гаплашиб олайлик. Яна бир зўр берсак — тўларкан. Ахир, бу нарсаларнинг ҳаммаси фронт учун. Фронтга деганингда одамлар жонини ҳам аямайди.

Ширмонхон бухгалтернинг жавобини кутмай чиқиб кетди. Янгигина сепилган сувдан чанг, тупроғи анча босилган узун кўчадан юриб, дарвозасининг бир қаноти очик турган катта равогга бурилди. Ўртадаги уюлган кичикроқ пичан ғарами олдидан ўтиб, олди узун айвон қилиб солинган, эшиги очик турса ҳам қоронғироқ уйга кирди. Димоғига дон-дун, ёғ, сичқон хидига ўхшаш аралаш бир хид гуп этиб урилди. Гўшт чопаётган Мирҳайдар болтани кўйиб, ўрнидан турди.

— Келинг, раис. — У гўштга имо қилди. — Тоғдан юборишибди. Майиб бўлиб юролмай қолган экан. Иложи бўлмабди, сўйишибди. Тортиб олдим.

— Қанча экан?

— Қирқ беш кило. Думбаси билан.

Ширмонхон бир нафас индамай туриб қолди.

Бир вақтлар бундай воқеалар юз берса чўпонлар атайлаб йўл босиб шундан-шунга келиб ўтиришмас эди. Мана энди бечораларнинг томоқларидан ўтмабди.

— Ярим кило Болтабой отага, ярим кило Робия холага, ярим кило Мунаввархонларникига киритинг. Қолганини бригадаларга етганича бўлиб беринг. Иссиқ овкатга солишсин.

Мирҳайдар раис айтган оилаларни жуда яхши биларди. Болтабой отанинг кимлиги хурматли ўқувчига маълум. Мунаввархон бўлса кўп болали аёл. Ўзи далага чиққани билан уйда ишга яроқсиз бир этак боласи бор. Уларни тинчитмагунча Мунаввархоннинг томоғидан гўшт ўтмаслиги маълум. Робия хола бўлса яккаю ягона ўғли урушга кетиб, мункайган чоли билан қолган. Бу кампир икки букланиб қолганига қарамай кўсак чувийди, пилла теради. Фронтга жўнатишлар деб қўлқоп тикади. Уйдаги иккитагина товувининг тухумини кун ора

рўмолчага туғиб, идорага келар, олишмаганига қўймай, аскар болаларимга, далага чиқиш қўлимдан келмаса, шуни ҳам қилмайми, деб туриб оларди.

Ширмонхоннинг кўзи қоронғига ўрганмаганиданми ҳар жой-ҳар жойга қўйилган қопқонларни энди кўрди. Мирҳайдардан миннатдор бўлди кўнглида. Қайтиб ташқарига чиққанида Мирҳайдар ботинмаганрок бир овозда чақирди. Ширмонхон ўтирилди. Бошини қашиб турган Мирҳайдарнинг лаби пирпирарди.

— Ширмон опа, озроқ ўзингиз ҳам олсангиз бўларди.

— Далада колхозчилар билан бирга ейман.

Хижолат чеккан Мирҳайдар, чап қўлининг бўш, осилиб ётган енгига терламаган бўлса ҳам зўр бериб юзини артарди.

Ховлида сочилиб кетган пичанларни хаскаш билан йиғиштириб, тўплаб юрган Болтабой ота хаскашнинг сопига бағрини берганича хаёл суриб қолганди.

Раис унинг хомуш чехрасига бир қаради-ю, анчадан бери кўнглига туғиб юрган ишни шу бугун қилишга қасд қилди.

Йўл-йўлакай босиб ўтиб кетолмади. Робия хола билан чолини ҳам бир йўла йўқлаб ўтишга жазм қилди.

Ховли озода қилиб супурилган, сув сепилган эди. Ариқ бўйидаги лойдан қилинган кичикроқ супа атрофида райхон, намозшом, хина гуллари барқ уриб ётарди. Олма билан ўрикка тортилган ингичка арқонда томири билан юлиб олинган райхон билан жамбил шохлари қатор қилиб осиб қўйилган. Супа устидаги шолчага солинган нимдошгина кўрпачада кексайиб, кичкинагина бўлиб қолган бир чол тасбеҳ ўгириб, ёнбошлаб ётибди. Унинг кўзи юмуқ, лаблари ҳар замон-ҳар замон қимирлаб қўяди.

Ховлининг бир чеккасидаги кўм-кўк маккажўхори орасида кўкат юлиб юрган Робия хола қўлидаги бир тутам печак ўтни жўякка ташлаб, қўлларини қоққанича Ширмонхон қаршисига юрди. Унинг сийраклашиб қолганидан фарқи кенгайиб кетган оппоқ сочлари беҳи уруғини ивитиб суркалганидан ялтираб, ёпиштириб қўйгандай текис кўринарди.

Қулоғига қистирилган атиргули сўлинқираганидан энгашиб, ажин босган чаккасига тушиб турарди. Одам-зод! У қандай шароитда яшамасин, неча ёшга кирмасин, яшашга, гўзалликка интилади. Боғларни бўстон, шаҳарлар ободонлигини дoston қилган ҳам инсондаги ана шу



сифат, ана шу интилиш эмасми?! Робия холанинг чеккасидаги гул унинг хуснига хусн кўшмаган бўлса ҳам, хуштабиати, ҳаётдан умидвор кўнглини кўрсатиб тургандай эди. Робия хола Ширмонхон билан кучоқлашиб кўришар экан, меҳр билан унга тикилди.

— Келинг, ўргилай. Қайси шамол учирди?

— Бир кўриб кетай дедим. Бардаммисиз, хола?

— Шукур, қани-қани, супага.

Робия хола бир оз букчайганича, майда қадамлар билан шипиллаб супага йўл бошлади.

— Хай, туриг, раис келди, — деди ёнбошлаганича мудраб қолган чолига. У бир сесканиб, киприксиз кичкина кўзларини очди-да, шошилиб ўрнидан кўзгалди.

— Э, келсинлар, келсинлар.

— Қимирламанг, ота. Мен бир нафасга... — Ширмонхон кўрпача четига ўтирди. — Соғлигингиз яхшими? Ўғилдан хат келиб турибдими? — Отанинг қулоғи оғирроқ бўлса керак, Ширмонхон қаттикроқ гапирарди.

— Худога шукур. Хат келиб турибди, болам.

Қайноғи ўлиб қолган чойдишга ўт қалаб юборган Робия хола патнисда сап-сарик зовора нон билан бир сиқим туршакни кўтариб, оқариб кетган, лекин тоза ювилган йўл-йўл гулли дастурхонни елкасига ташлаганича супа ёнига келди.

— Овора бўлманг, хола. Ўтириг, мен сизни кўриб ўтай, ўғлингиздан хат келиб турибдими, шуни билай деб кирдим.

— Болагинам, қўй сўйсам арзигуликсиз. Нима қилайки... Ҳа, майли. Тани сиҳатлик бўлсин, болам. Ўлим бўлмасин. Ҳа, келиб турибди, салом дебди.

Қариб, ўғил-қизларининг давлатида еб-ичиб, кийиб, яйраб ўтирадиган пайтида, айрилиқ етмаганидек, танқисликни ҳам бошидан кечираётган бу қарияларнинг ҳозирги ҳаёти Ширмонхоннинг юрагини тимдалаб кетган эди. Ширмонхон атрофга разм солди. Разм солди-ю, яна эрини эслади. Ҳақимжон колхозда кимнинг рўзғорига нима зарурлигини яхши биларди. Айниқса кўп жон ёки кексароқ аъзоларнинг ҳолидан доим хабардор эди. Кимнинг уйи ремонт талаб, кимникига томсувоқ лозим, кимнинг томорқаси қайси аҳволда, ҳаммасини билар, ҳаммасини эсда тутарди.

Ширмонхон баҳор ёмғиридан унган лолақизгалдоқ ва чучмўмаларнинг қуриган поялари осилиб ётган-айвон томининг қалинлашиб кетган бўғотига қараб ўтириб ана

шуларни ўйлади. Томсувоқ лозим, деб кўнглига тугиб қўйди секин. Ўчоққа қаланган қуруқ тараша гуриллаб ёниб, чойдишни шақиллатиб қайнатиб юборди. Робия хола каттагина олма гулли чойнақда чой дамлаб келди. Уни дастурхоннинг бир четига қўйиб, бир-икки марта қайтариб, кейин пиёлага қўйиб, Ширмонхонга узатди. Ширмонхон ўртадаги сукунатни кўтариш, шу билан ўзидаги оғир, изтиробли ўйни ҳам қувиш учун баҳона қидирарди. Унинг кўзи Робия холанинг чаккасидаги гулга тушди.

— Ҳамма қариялар ҳам шунақа бўлса... гул ярашганини қаранг-а.

— Ҳа, холангизнинг кўзига қариганида дунё жилва қияпти.

— Сиздан ҳам ҳеч ширин гап чиқадими? — деди чолига Робия хола, жаҳлга ҳам, эркаликка ҳам ўхшаган бир оҳангда.

Ширмонхон завқ билан кулди. Қўша қариган, бир-бирига суяниб қолган бу чол-кампир ўрталаридаги ҳазил, лекин самимий муомала унинг кўнглини очиб юборган эди.

— Дунёнинг ҳамма жилваси ўғлим, — деди Робия хола бир хўрсиниб қўйиб, — ёлғизимни битта кўрсам-у, ўлсам армоним йўқ.

— Кўрасиз, хола, кўрасиз. Тўй қиласиз, келин туширасиз...

Ширмонхон кўчага чиққанида Болтабой ота шу эшикка қоғозга ўроғлиқ гўшт кўтариб келарди.

Қуёш қишлоқ устидан этагини йиғиб олган, кеч кира бошлаган эди. Девордан баянд қилиб кўтарилган ишкомга шоти қўйиб, хомток қилаётган кексагина бир одам Ширмонхонни чақирди:

— Ҳў, раис, қани-қани, бу ёққа ҳам кирсинлар.

— Раҳмат, узум пишганда.

Ширмонхон эндигина тўрт қадам босган эди, ўнг томондаги узун йўлакдан югуриб чиққан тўрт-беш яшар бола нимагадир қоқилиб йиқилиб тушди. Бағрига яширган дўпписисидаги ранг кириб қолган ўрик доналари тупроққа қоришди. У йиғламоқчи бўлиб афтини буруштирган эди, энгашиб уни турғизмоқчи бўлган раис опани кўриб, бир-икки хўрсиниб тўхтади. Кетидан югуриб чиққан тўққиз-ўн ёшлардаги акаси:

— Йиқилдингми? — деди бир оз жаҳлидан тушиб, — ажаб бўпти. Шунақа бўлади.

Бола акасидан қўрққаниданми ёки ўрикни тортиб

олади, деб ўйладими, Ширмонхонга бир караб олиб, овозининг борича йиглаб юборди. Ширмонхон хали бир нарса демасдан акаси унга изоҳ бера бошлади:

— Нима, ўзим зўрға коқсам, ҳаммасини териб қочяпти.

— Ҳеч нарса қилмайди, бошқа қоқиб ола кол ўзинга. Ака деган шунақа бўлади.

Кичкина бола, кўрдингми, дегандай акасига бир караб қўйди. Ширмонхон уни кўча четидан оқаётган ариқ лабига етаклаб бориб, тупроқ бўлиб кетган ўрикларини сувда ювиб, кейин дўшписига солиб берди. Акасининг кириб кетганини кўрган бола хотиржам бўлиб, оёқларини узатиб ариқ лабига ўтирди-да, дўшпини олди-га қўйди.

Ширмонхон узун, тор кўчага бурилганида тўғридаги кичкина, пастак дарвозани кимдир очди-ю, шошилиб яна ёпиб қўйди. Ширмонхон дарвозани итарди. Занжирни бир-икки марта коққанидан кейин ичкаридан аёл кишининг «ким?» дегани эшитилди.

— Ашурхон, мен, Ширмон опангизман, очинг.

Ашурхон бир нафас дами ичига тушиб кетди. Кейин секингина эшикни очди.

— Келинг, — у бошқа нима дейишини билмай серрайиб турар эди.

— Ёлғизмисиз? — сўради Ширмонхон унинг таклифини кутмасдан ичкарига юрар экан.

— Ҳозир даладан келдим. Аям қўшниникига чикибди шекилли.

Ашурхон раиснинг бевақт келишидан чўчиганиданми ё ўзининг гуноҳкорлигини билганиданми, аввал бир оз ўзини йўқотган бўлса ҳам дарров ўнглаб олди. Ишком тагидаги кичкина сўрига солинган кўрпачани ўнглаб, раисни ўтиришга таклиф қилди. Ширмонхон сўрининг бир четига омонатгина ўтирди.

Ашурхон айвон тоқчасидаги лампани ёкиб сўрига, хонтахта устига келтириб қўйди. Ширмонхоннинг унга зимдан тикилиб турганини сезиб, безовталанди. Гапга ёки саволга тутиб қолишидан хавотирланиб, тезда орқасига қайтди-да, ҳозир зарурлиги бўлмаса ҳам, ҳовли ўртасидаги келининг ёнида ерда ётган сопини кўтариб, яна айвонга кетди.

— Ашурхон, ишларингизни кейин қиларсиз. Келинг, сиз билан икки оғиз гаплашай деб келдим.

Ашурхоннинг нафаси ичига тушиб кетди. Билагига

тушиб турган кўйлак енгларини шимарар экан, оҳиста сўрига суянди.

— Чой кўйиб келай девдим.

— Раҳмат, hozир чой ичдим.

Орага бир лаҳза жимжитлик тушди. Ашурхон сўрашга ботинолмас, Ширмонхон эса нима деб гап бошлашини билмас эди.

— Ашурхон, — деди бирданига сенсираб, — ўзингнинг қанақа йўлга тушиб қолганингни биялпсанми, бундан кейин нима бўламан деб ҳеч ўйлаб кўрдингми? Жанг майдонида душман билан олишайтган эринг келар, оиланга, уйингга қандай қайтишни ўйлаялпсанми? Билмадим, эринг гуноҳингни кечира оладими-йўкми, бу унинг кўнглига боғлиқ. Аммо унга қайси юз билан қарайсан? Кўпчиликнинг назаридан тушиб, четга чиқиб қолялпсан, хотинлар сендан ҳазар қилишяпти. Шуни биялпсанми ўзинг?

Ашурхон қошларини бир оз чимирганича, бир ўрим сочининг учини ўйнаб, индамай ўтирарди. У жавоб бермади. Бошини ҳам кўтармади.

— Қобилнинг бола-чақаси бор. Бунинг устига, ўзи яхши одам эмас. Сен ҳали ёшсан, ўн гулингдан бир гулинг очилмай туриб, ўзингни ўзинг хазон қиялпсан.

— Ёшсан дейсиз...

— Хўш?

— Ёш бўлиб, ёшлигимни билмадим, келин бўлиб келинлигимни. Энди бу ёғини ҳам йиғи-сиғи билан ўтказайми? Менга мунча осон тутасизлар! — деди зарда билан Ашурхон. — Мен бошқалардан кам ишлаётганим йўк! Шуни билишса бўлди.

— Шунақами? — деди Ширмонхон.

Унинг бу сўзида ҳам афсус, ҳам ғазаб, ҳам таънага ўхшаш бир оҳанг бор эди. Ашурхон бояги ҳолатини бузмай ҳамон сочини ўйнаб ўтирар, лампа ёруғида Ширмонхонга унинг чимирилган қошининг бир учи, қулоғи остида хиёл буралган гажаги кўриниб турарди, холос.

— Шунақа де? — деб такрорлади яна Ширмонхон. — Мен сени билмас эканман. Ҳозир кимга осон? Фақат сенга қийин бўлялпшими? Ҳали шунақа енгилтакмисан-а? Мен сени ёшлиқ қилгандир деб ўйлаган эдим. Қанақа юрсам, бу менинг ишим деб ўйлашга нима ҳақинг бор? Жонини жабборга бериб ишлаётган, бутун машаққатга чидаётган хотинлар шаънига доғ туширишга қандай кўнглинг бўлди? Бизни, сени қўриқлайман деб урушга

кетган эрингнинг соф мухаббатини топташга қандай ҳаддинг сизди? Уларнинг кўзига хотинларни ёмон кўрса-тишга ҳақинг йўқ, тушундингми? Поданинг ичида битта тиррақиси бўлса, ҳаммасини булгайди. Булгама хотинларни сен!

— Вой, индамасам, иззатингизни билмай нималар деяпсиз?

Ширмонхон жаҳл билан ўрнидан турди.

— Кет, қишлоқдан чиқиб кет! Колхозга сенинг меҳнатинг керак эмас!

Ширмонхон шиддат билан юриб, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Тўсатдан турган шамол пилпиллаб, зўрға ёнаётган лампани бир этак силкитишидаёқ ўчириб қўйди. Ховли хунук бир жимжитлик, коронгилик ичида қолди.

\* \* \*

Катта хўжаликка раҳбарлик қилиш, айниқса мана шундай ташвишли кунларда раҳбарлик қилиш жуда қийин эди. Йигитларнинг қаймоғи фронтда, колхозда куч кам. Лекин иш сушлашмаслиги керак.

Ширмонхоннинг фикри-хаёли кейинги кунларда экин майдонини кўпайтириш бўлиб қолди. Бу нарса колхознинг белини кўтаришига ҳам, фронтга берадиган мададига ҳам катта куч бўлар эди. Бироқ экинзорни пахта экиладиган ер ҳисобига кенгайтиришга овринарди. Шунда лоп этиб унинг хаёлига бўш, бекор ётган Сайхонтепа тушди. Бу ер худди оролга ўхшаш ажралиб ўртада турар, ёнгинасидан оққан катта сувнинг ҳам, кўм-кўк пахтазорнинг ҳам ҳаётбахш нафаси унга етмас эди. Бу ер қачон ва нима учун шундай баланд бўлиб қолган, буни ҳеч ким шу маҳалгача ўйлаб кўрмаган эди. Ширмонхон аввал Маҳмуд билан, кейин кўпчилик билан маслаҳатлашиб кўрди. Тепаликка сув чиқариш йўлини ўйлай бошладилар. Бу ишга кекса мироблар араллашиб катта сувни тўсиб, тепалик атрофидан айлангириб оқизишни мўлжаллаб қолдилар. Бироқ сувни тепага кўтариш масаласи-чи? Ҳамманинг боши қотди. Раис бўлса тун ҳам, кун ҳам ўйлади. Охири у, насос сотиб олишдан бошқа илож йўқ, деб билди. Бироқ колхознинг бундай фонди йўқ, колхоз асосан пахта экиш билангина шуғуллангани учун пахтадан ташқари келадиган даромади ҳам деярли йўқ эди. Ширмонхон иккита сигирни бозорда соттириш-

ни ўйлаб қолди. Агар насос олиниб, тепаликка сув чиқарилса, бир йилги ҳосилдаёқ иккита сигир тўртта бўлиб колхозга қайтишига ишонган, пухта ўйлаб кўрган эди. Кеча правление мажлисида бу фикрини айтганида ҳаммага ёқа қолмади. Баъзилар, икки ўртада колхоз сигирдан ажралиб қолмасмикин, у ер хали ер бўлиб ҳосил бергунича нима гап, нима сўз, деса, баъзилар, колхоз сигирини бозорга чиқариш қанақа бўлар экан, деб мулоҳаза қилиб қолдилар. Хуллас, биров ундай деди, биров бундай деди. Охири биров ишониб, тушуниб, биров эса ночор-ноилож раиснинг гапига қўшилган бўлди. Ширмонхон одамлардаги иккиланишни сезиб турса ҳам ўз фикрини ўтказди.

Ширмонхон қилаётган ишининг ҳозирги вазиятга нисбатан тўғрилигига ишонса ҳам бунинг исботи учун вақт, катта меҳнат кераклиги ҳақида ўйларди. Кечаси билан ухламади ҳисоб. Тепаликни кўз олдига келтирар, ҳар томондан чамалар, ҳисоблар эди. У эрталаб идорага келганида ҳам шулар ҳақида ўйларди. Бироқ колхознинг ташвиши битта бу эмас эди. Шу кунларда бугдой сепиш учун адирга одам юбориш керак эди. Яна куч масаласи... Кимларни юбориш мумкин...

Ширмонхон чарчаганидан беихтиёр кўзларини юмди. У кўзини очганида рўпарасида чўт қоқиб ўтирган ҳисобчи гўё хали йўқ эди-ю, ҳозир пайдо бўлиб қолгандай туюлди. Ширмонхон унга бошдан-оёқ разм солди. Қўлоёғи калта-калта, ўзи ҳам пакана бўлган бу одам фақат мана шу чўт учунгина яратилгандай эди.

Ширмонхон секин унинг ёнига келди.

— Менга қаранг, адирга бориб келмайсизми-а, бугдой сепишга. Ишингизни келгунингизча Муяссарга топширсак. Аҳволни ўзингиз биласиз.

Ҳисобчи болаларникидай калта-калта бармоқлари билан чаккасини қашиди.

— Майли.

— Ҳа, сигирларни бозорга чиқаришга ҳужжатларни тайёрлаб қўйинг.

— Хўп, — деди ҳисобчи. Лекин ўзи Ширмонхонга чакки бўлмасмикин шу иш, деган маънода қараб қўйди. Ширмонхон индамади. Кўзларини девордаги плакатга тикканича, иягининг учини чимчилаб, хаёлга бориб қолди. Дераза тоқчасига солинган қороз устида қаердандир пайдо бўлган қора қўнғиз ўрмаларди, печка карнайининг ўрнига аллақачон уя қуриб олган чумчуқлар хас-чўплар-

ни шитирлатишиб, гоҳ-гоҳида заифгина чийиллаб кўядиган гўдакларига овқат олиб келишарди. Хисобчи ҳам ишени кўйиб, учи очилмаган ҳаво ранг қаламни босганича индамай ўтирарди. Балки у шу топда тинч-осуда ҳаётни бесаранжом қилган урушни лаънатлар, балки Ватан бошига тушган бу мусибатли кунларда уни бошқа эркаклардек кўлига қурол олиб химоя қилолмаётганидан, ўзининг жисмоний камситилиб яратилганидан ўксиётгандир. Ҳа, тақдирнинг бу хатоси ҳатто у уйланаётганида ҳам бунчалик билинмаган эди.

Идорага Маҳмуд кириб келди. Унинг қош-киприкларига чанг кўнган, чехраси ҳам хорғин эди.

Ширмонхон уни кўриши билан қалби тўлгандай, чарчаган, букилмоқчи бўлган гавдасига кучли, бақувват тиргак кўйилгандай енгил торғди.

— Нега жимжитсизлар? — Маҳмуд стулга ўтириб, ўнг оёғини узатар экан, тиззасининг кўзини оҳиста гижимлаб кўйди. — Тинчликми?

— Шундоқ ўзимиз, — деди Ширмонхон унга савол назари билан қарар экан. — Азонлаб йўксиз уйда? Одам юборган эдим.

— Яна Сайхонтепага бориб келяпман.

— Ҳа, нега?

— Устани ҳам олиб бордим. Балки бир неча чархпалак курсак иложи бўлиб қолармикин, шуни ҳам бир ўйлаб кўрайлик, дедим. Йўқ, иложи йўқ, ер катта.

— Бундан ташқари, сув кўрмаган, тош-метин десангиз-чи! Уни юмшатиш учун озмунча сув керакми?

— Демак, бозор қуни насос олинади, — деди Маҳмуд хурсандлик билан тиззасига аста уриб. — Мақсудага айтиш керак, ёшлар ҳам ишни бошлайверсин. Бу йил бир марта бўлса ҳам ҳосил олиб қолайлик.

Маҳмуд Мақсуданинг номини айтар экан, ранги билинар-билинмас оқарди. Танасида енгил титроқ тургандай бўлди. Ўзидаги ҳолатдан ўзи уялганиданми ёки буни бошқаларга сездирмаслик учунми, яна гап бошлади:

— Картошка экилса борми, ҳар битгаси энг ками чойнакдай бўлади, деяверинг. Ер жуда бақувват.

— Жуда соз бўларди-да. Ҳосил яхши бўлиб берса, қишга ҳамма хонадонга етарди.

— Одамлар ҳам шунга қизиқиб қолишди-да. Ариқ қазиш бошланса, ҳамма бориб ишлайди, кўрасиз.

— Кечиктирмаймиз бу ишни. Бўлмаса сиз далага боринг. Бир вақтни тайин қилиб, Мақсуда ёшларни тўпла-

син. Мен фермага ўтиб, шунақаси далага бораман. Қачон иш бошлашни аниқ гаплашиб оламиз.

Маҳмуд ўрнидан турди. Столга бир даста папкаларни қўйиб олиб, нималарнидир саранжомлаётган ҳисобчига бир қараб қўйиб, Ширмонхоннинг кетидан юрди. Улар кўчага чиқишгач, иккаласи икки томонга қараб кетишди. Ширмонхон беш-ўн қадам босиб, орқасига ўтирилди. Хийла олислаб қолган Маҳмуд сал оксаганича шошиб кетиб борарди. Ширмонхоннинг юраги алланечук бўлиб кетди. Назарида, Маҳмуд унинг ўғлидек, жигарпорасидек бўлиб туюлди.

\* \* \*

Бу кунларда одамларнинг руҳи анча баланд эди. Орёл, Белгород шаҳарлари душмандан озод қилинганда Москвада биринчи марта берилган салют одатга айланди. Шаҳарни озод қилган жангчилар шарафига берилган ҳар салют радио тўлқинлари орқали бутун мамлакатга тарқалар, кишилар қалбига умид, ишонч солар эди.

Бу жангларда душман Сталинград фронтида бой бериб қўйган муваффақиятини тиклашга қанча уринмасин, ниятига етолмади. Адолат ва эрк жангчилари уларни суриб ташлади.

Мана, қарийб бир ойдан бери Курск остоналарида жанг борапти. Душманнинг ҳар қанча оёқ тирашига қарамасдан аскарларимиз олға боришапти. Колхозчиларнинг ҳам руҳи баланд. Уларнинг юзида ҳам, ишида ҳам ҳар қанча қийинчиликка чидаймиз, керак бўлса кўксимизни қалқон қилишга тайёرمىз, лекин қул бўлмаймиз, деган ифода мавж уриб турарди.

Мақсуда онасининг хаёлини бузмаслик учун анча вақт индамай ўтирди. Нима ҳам дейди. Онасининг бошида иши, ташвиши кўп.

Мақсуда овқат келтирди. Она-бола индамай ўтириб ейишди. Бу оғир, зерикарли жимжитлик ҳар иккаласининг қалбини эса ҳам, тилларига гап келмас эди.

Чой пайтида Мақсуда онасига кўнглини бир оз очишга журъат қилди.

— Ая, бу Маҳмуд ака ўз ишини қилса бўлмайдимиди-а? — деди бирдан у.

— Нима қиляпти?

— Ўзи сизга ёрдамчими? — далада чеканка қилсак, чеканка қилади, ўт юлсак, ўт юлади.



— Вақт топиб шу ишларга қарашса ёмонми, қизим.

— Ҳах, сиз билмайсиз, — деди Мақсуда тажанг бўлиб.

— Нимани?

Орадан анча фурсат ўтгандан кейин Ширмонхон:

— Махмуд ёмон йигит эмас, — деди секингина. У қизининг бошқа бировни яхши кўришини билмас эди.

— Мен Махмуд акани ёмон одам деётганим йўқ, — деди Мақсуда хўрсиниб. — Лекин мен... Мен яхши кўрмайман уни... фақат ҳурмат қиламан, раҳмим келади.

Ширмонхон қизини энди кўраётгандек тикилиб қаради-да, ўзига ўзи кўнглида таъна қилди. Она қизининг бўйига етиб қолганини, унинг қалбида балки муҳаббат тугёни бошланганини шу пайтгача ўйлаб кўрмабди. Ахир у қизига энг биринчи маслаҳатгўй, сирдош бўлиши керак эди-ку! Қизининг муҳаббат, турмуш ҳақидаги орзу-хаёлларини билмаган, хабардор бўлмаган она... Ширмонхоннинг кўз олди қоронғилашиб кетди.

— Қизим, — деди ниҳоят Ширмонхон хаёлларини бир жойга тўплаб. — Турмуш, муҳаббат ёшликда кишига чиройли, тинч, роҳат бир ҳаёт бўлиб кўринади. Албатта шундай бўлиши керак. Лекин унинг ҳам ўзига яраша меҳнати, машаққати кўп. Турмушда ҳар хил кун, ҳар хил вақт бўлади. Яхши кунни хурсандчилик билан, ёмон кунни бардош билан ўтказиш учун эр-хотин бир-бирини қаттиқ яхши кўриши керак. Ҳатто ана шундай оила ҳам ҳамма вақт тинч яшайвермайди. Баъзан яхши кўрган одамингни аяганингдан, уни асраганингдан ҳам у билан келишмасликка мажбур бўласан киши. Бегона бир киши билан туғишгандан яқин бўлиб, тинч яшаб кетиш қийин. Аммо ажралиб кетиш жуда осон. Махмуд кўнгли тоза, меҳнаткаш йигит. Мен унинг бахтли бўлишини жуда ҳам истайман. Агар уни ҳурмат қилсанг-у, яхши кўрмасанг, кўнглингда бошқа одам бўлса, унга очигини айт. Унга қийин бўлса ҳам уни ҳурмат қилганинг учун шундай қиласан. Агар фақат ҳурмат туфайли унга турмушга чиқсанг, уни бебахт қилиб қўясан, йўқ, қизим, бундай қила кўрма. У билан яшаган хотин уни яхши кўриши керак. Раҳм-шафқат билан уни умидвор қилма. Кўнглидан сени нари суриш учун унга вақт керак ахир. Тўғрисини айт.

Ширмонхон қизининг чуқур ўйга толиб, кимнингдир хаёли билан юзлари ёниб ўтирганини пайқайди. Лекин

унинг кўнглига бундан ортиқ қўл солмади. Қолган ҳамма гапни қизининг ақлига, хиссига ишониб хавола қилди-да, кўзларини уқалаб ўрнидан турди.

Мақсуда чироқни ўчириб, сўрига онаси ёнига солинган жойга чўзилди. Уйқуси қочиб кетди. Шу сокин, беозор кеча ҳам, осмонда порлаган юлдузлар чамани ҳам, шабадада япроқларнинг сеҳрли шивирлаши ҳам — ҳамма-ҳаммаси унга кимнидир эслатиб турар эди.

\* \* \*

Кунлар ниҳоятда исиб кетди. Саратон офтоби гўзаларга ҳосил, меваларга шарбат пуркарди. Далада иш яна кўпайган, колхозчиларнинг бир қисми теримга тайёргарлик — хирмонларни суваш, йўл-кўприкларни тузатиш, қоп-қанорларни тўғрилаш билан банд эди.

Ана шундай долзарб кунларнинг бирида тўсатдан Робия хола вафот этди. Тинчлик, фаровонлик кунлар бўлиб, киши шу ёшга етиб ўлса, унинг тўйи дейдилар. Робия холанинг ўлими жуда катта азага айланди. Тобутини ҳамма ҳам бир-бир кўтариш, фарзандлик қарзини узишга интилди. Айниқса, Маҳмуд то қабристонга боргунча ҳеч ким билан алмашмади. Унинг қайғули кўзлари: ўғлим йўқ, деб ўксима, она, мени ҳам туққанингдай кўр, бегонасирама, деяётганга ўхшарди.

Бошига қандай кун тушганини, нима қиларини билмай қолган чоли бўлса тобут орқасидан кўчагача эргашиб чиқди, ҳассасига суяниб, кичкина, нурсизланиб қолган кўзларидан юм-юм ёш тўкиб қолди. У суяб, қўлтиқлаб олган Болтабойга, мени олиб боринглар, ўғли йўқ, ёлғиз кетмасин, ёлғиз, деб гўлдиради. Болтабой ўзини тутолмай йиғлаб юборди.

Бу ўлим айниқса Ширмонхонни эзиб юборди. Охириги дамигача, ўғлимни бир кўрсам, деган орзу билан оламдан ўтган она, хувиллаб қолган ҳовли ҳамманинг қалбини яралаб кетди. Неча кунгача бу ҳовлидан одам узилмади. Ширмонхоннинг ўзи бош туриб, расм-русмларини ҳам ўтказди.

Ҳовлига қараб, экинларни сугориб туришни мактаб дружиначиларига топшириб, уларга Муяссар билан Мақсудани бош қилиб кўйди.

Бироқ бу кунларда Ширмонхоннинг қилаётган ишлари баъзан кўзига ҳеч нарсага арзимасдек кўринарди. У, мана шуларнинг ҳаммаси учун ҳеч бўлмаса биронта фа-

шистнинг кекиртагида панжамнинг изи қолмаса аламин чикмаса керак, деб ўйлар, яна, ўғлим, эрим менинг қўлим эмасми, деб ўзига ўзи тасалли берарди. Уруш қалбини яра қилган гўдакларга, одамларга мадор бўлиш, қўнглини кўтариш, юртни вайрон, болаларни ҳайрон қилмасликнинг ўзи ҳам катта бир фронт эканлигини ўйлаб, ўзини эса ана шу фронтнинг олдинги сафидаги жангчиларидан бири деб тасаввур қилганида қалби ёришиб, фикри яна ўткирлашиб кетарди.

Ширмонхон бугун ҳам бу ҳовлини босиб ўтиб кетолмади. Тоza супурилган, кеча кўлоблаб сепилган сувнинг нами ҳали тупроқдан аримаган ҳовли уни офир сукут билан кутиб олди. Инга чизилган жамбиллар қуриб, қовжираб қолибди. Ширмонхон аввал уни бузгиси келмаган эди. Энди бўлса, онасининг қўли теккан, зора Тожиддиннинг ризқи қўшилса бунга, деб уларни йиғиб олди. Кафтида эзгилаб майдалади-да, қоғоз халтачага солиб, уй тоқчасидаги шиша идишларнинг бирига солиб қўйди. Айланиб юриб, уйларни ремонт қилиш лозимлигини қўнглидан ўтказаркан, оҳиста юриб ҳовлидан чиқди.

У тор кўчадан ўтиб, катта йўлга чиққанида олисда дала томонга кетаётган Махмуд билан Ўғилойни кўрди. Ширмонхон ҳам ўша томонга қараб кетди.

Офтоб қиздирарди. Кўм-кўк нўзалар устида исикнинг зўридан ҳаво жимирлайди. Баҳорда кесиб олинган тутлар яна янгитдан барра барг чиқарган. Бошқа дарахтларнинг япроқлари бўлса баҳордаги беғуборлигини йўқотган.

Катта ариқ лабида тупроққа қоринларини бериб, яланғоч ётган икки бола Ширмонхонни кўришлари билан шалоп-шулуп қилиб ўзларини сувга отди. Раиснинг ўтиб кетишини кутиб, елкаларидан сувга ботганича ариқ бўйидаги ўсиқ ялпизлар орасидан мўралаб турган болаларни кўрган Ширмонхон кулимсираб чаққон ўтиб кетди.

Орқадан раиснинг келаётганини кўриб қолган Ўғилой тўхтаб, тол соясига ўтди. Махмуд яқиндаги полиздан битта шакарпалак узиб чиқиб, ерга қўйди-да, Ширмонхоннинг етиб келишини кутиб, рўмолчаси билан ўзини елпиганича қараб турди.

Учовлари чўнқайиб ўтиришиб Махмуд тилимлаган қовунни ёйишайтганда, яқиндаги тор йўлдан велосипед минган Ноила ўтиб кетди. У тезроқ булардан узоқла-

пишга қанча уринмасин, йўлнинг нотекислиги халақит берарди.

— Хай, Ноила, томоқни ҳўллаб олинг! — деб қичқирди Ўфилой. Ширмонхон ҳам ялт этиб ўша томонга қаради. Бироқ Ноила кўзини йўлдан олмай, бошини сарак-сарак қилиб ўтиб кетди. Маҳмуд индамади. Нимагадир тишлаб турган қовун тилимини ерга қўйди-да, ариқ лабига бориб қўлларининг ширасини юва бошлади.

— Ха, бўлдингизми дарров?

— Жуда ўткир экан. Баттар чанқатди...

Маҳмуд шу кўйи бригада шийпонига етиб боргунча индамади, ўз гаплари билан овора бўлган аёллар унга аҳамият беришмади.

Тушликка чиққан аёлларнинг чуғур-чуғури булар шийпонга келиши билан бирдан тўхтади қолди. Раис билан сўрашиш ўрнига хотинлар жавдирашиб кўзларини қаёққа олишни билмай қолдилар. Баъзи бировларнинг кўзида ёш.

— Ха, нима бўлди? Нима гап? — деди Ширмонхон юраги ховлиқиб.

Ҳеч ким индамади. Ранги оқарган Маҳмуд раиснинг орқасида туриб хотинларга бошини сарак-сарак қилиб қўйди. Шу пайтда орқасига ўтирилган Ширмонхон уни кўриб қолди.

— Нима? Сиз ҳам биласизми? Ким? Нима? Айтинглар! — Ширмонхон жовдираб ҳали унга, ҳали бунга қарарди. Хотинлардан биттаси ўзини туюлмаб йиғлаб юборди. Маҳмуд бўлса энди бошини эгиб қайғу билан индамай турарди.

Ширмонхоннинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Бошига қаттиқ калтак тушгандек гаранг, ҳамма нарса хаёлида аралаш-қуралаш бўлиб кетган эди. У қўллари билан юзини тўсиб бир неча дақиқа қотиб турди-да, кейин ғамдан қотган кўзларини Маҳмудга тикиб, паст, бўшашган овозда сўради:

— Ким? Қачон? Ким?

— Фарход, — деб пичирлади Маҳмуд.

Ширмонхон бир сесканиб тушди.

— Болам... — деб секин, лекин фарёд билан инграгани эшитилди. Нима қилишини билмай қолган Ўфилой раисни суяб олиб бориб табуреткага ўтқазди. Ширмонхон йиғламас, қотиб ўтирарди. Бир зумда у кичрайиб, елкалари чиқиб, мункайиб қолгандай кўринди.

Фарходнинг ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар кеча

кечкурун келганди. Бироқ идорада уни раисга кўрса-тишмаган, афтидан, хотинларга Ноила айтиб қўйган эди.

Ширмонхон қимир этмай ўтирар, унинг ифодасиз кўзларига қараган Маҳмуд, ақлдан озиб қолмадимми, деб кўрқиб кетди. Ҳеч кимдан садо чикмасди. Гўё қимир этмай турган дарахтлар ҳам, куёш селида ёниб, сукутда ётган бепоён дала ҳам Фарҳоднинг азасини тутаётганига ўхшарди. Фақат пайтдан фойдаланиб қолган чумчуқларгина ўчоқ ёнидаги ювуксиз косалар атрофида уймалашади. Болалар тишлаб ташлаган яримта хомакни ари талаб ётибди.

— Ая, ая! — Узоқдан Мақсуда ҳаллослаб югуриб келар, овозида ҳам қувонч, ҳам қайғуга ўхшаш валати бир оҳанг бор эди.

— Ая, Тожиддин акам келибди. Отпуссага келибди.

Ҳамма бир сесканиб тушди. Фақат Ширмонхон ҳолатини бузмади. Бир неча минут давом этган жимжитликдан кейин бир-икки аёлнинг пиқиллаб йиғлагани эшитилди. Маҳмуд оҳиста юриб Ширмонхоннинг ёнига келди.

— Сиз дам олинг бир оз, опа. Мен ўзим бораман.

Маҳмуд ўнг оёғини бир оз авайлаброк босганича, ариқдан ҳатлаб ўтиб, дала ўртасидаги йўлга бурилди. Ширмонхон уйқудан уйронгандек сесканиб, шошиб ўрнидан турди. Мақсуданинг қотган, саволли кўзига қарамасдан, бошидан сирпаниб, бўйнига тушиб кетган рўмолини ҳам ўрамай, Маҳмуднинг орқасидан юрди. Ҳеч ким унга ҳеч нарса деёлмади. У етиб келиб Маҳмуд билан тенглашиб олганда Маҳмуд қадамини бир оз секинлатди-ю, гапирмади. Нима ҳам десин. Бу лаънати уруш инсон бошига нима кунларни солмаяпти. У кўриб турган ғам, жасорат, қаноатларни ифодалаб беришга ҳар қандай удабурро тил ҳам ожиз эди.

Тожиддиннинг отаси ҳам кампирининг ўлиmidан кейин орадан кўп ўтмай вафот этган эди.

Ширмонхон индамасдан борарди. Унинг хаёли гоҳ ота-онасини кўргани келган Тожиддинга кетар, гоҳ Фарҳоднинг мурдаси устида фарёд урарди... «Болам... болагинам... Нима қиламан энди. Сени уриб жўнатувдим-а! Энди қандай чидайман. Қўлларим синса бўлмасмиди! Кулча ёпишга, бўйнингдан кучоқлаб, елкаларингни силашга етмаган бу қўлларимни қайга қўяман энди... болам...»

Маҳмуд ҳар замон-ҳар замон раисга кўз ташлаб кўяр, раҳми келар, аяр, лекин ҳеч нима деёлмас эди.

Улар масофани қисқартириш ниятида қабристондан ўтадиган ёлғиз оёқ йўлга бурилишди. Оёқлари остида шипиллаб ўтган калтакесак яқиндаги эски гўр ковагига кириб, кўздан йўқолди. Улар саратон офтобида қовжираб қолган кўкатларни қасир-қусур босиб узоқ юрганларидан кейин, нарида, ҳали тупроғи қотмаган, устидан гул ва кўкатлар униб чиқишга улгурмаган, ёнма-ён турган икки қабр олдида бош яланг кўйича энгашиб, бир оёғига тиралган ҳолда ўтирган жангчини кўрдилар. Йигит уларни сезмади. У мункайиб, елкаларини чиқариб, қабристон жимлигидан ҳам оғирроқ сукут ичида ўтирарди.

У йиғларди. Бу йигит ўлимларнинг жуда кўп хилини кўрди. Ўз эркини, Ватанини ҳимоя қилган бегуноҳ одамларнинг осилган жасадларини ўз қўли билан дордан олганида ҳам, бир нафас олдин у билан гаплашиб, орзу ва муҳаббатини ҳикоя қилиб берган жангчи дўстининг ҳали дунёга тўймаган, очиқ қолган кўзларига боққанида ҳам йиғламаган, ўч-алам билан ёнган қалби дудини лабларини кимтиганича ютолган эди.

Ўлимлардан ҳатлаб, ўликлар билан ухлаб, қанча-қанча қишлоқ-шаҳарларни гоҳ юриб, гоҳ эмаклаб, гоҳ югуриб босиб ўтган бу азамат йигит ўлимнинг мана бу хили олдида довдираб қолди. Ахир қанча ошиқиб келувди-я! Шодликдан довдираган ота-онасининг йўлга югуриб чиқишларини неча марталаб тасаввур қилган эди... Мана улар, ҳеч қачон чиқолмайдиган ерда ётибдилар. Лоақал бир марта бошларини кўтариб қарашса-чи!.. Ўғиллари келганини, кутган, интизор бўлган фарзандлари уларнинг бошида турганини бир нафас кўришсачи! Аввал болалик шўхлиги, кейинча йигитликнинг қарор топмаган бетиним хаёлларидан ота-онасига ташвишдан бошқа ҳеч нарса инъом қилолмаган Тожиддин фарзандлик бурчини энди ўтамоқчи эди-ку! Бола бўлиб нима қилди, ахир! Онаси сўнгги дамигача йўлга қарагандир. Отаси-чи? Учиб-қўниб келувди-я! Хувиллаган, кимсасиз уй кутиб олишини ўйлабмиди?..

Тожиддин бошини кўтармас эди. Ширмонхон чидаб турулмади.

— Ўғлим... Тожиддин, — деди у титроқ, йиғлоқ товуш билан.

Тожиддин оҳиста бошини кўтарди. Қаршисида кўзида ёш билан унга қучоқ очиб турган Ширмонхонни

кўриб, баланд гавдасини эгиб, унинг елкасига бошини кўйди-да, йиглаб юборди.

Тожиддин отпускази тугамаёк қайтиб кетадиган бўлди. Ширмонхон йўлга кулча ёпиб берди, халтасига Робия хола қуритган жамбилдан ҳам солиб кўйди. Вокзалгача бирга борди. Оқ йўл тилаб ўпиб, кучоклаб жўнатди.

Тожиддиннинг мунгли, миннатдор чехраси Ширмонхоннинг кўзидан кетмай қолди. Энди у Робия холанинг вазифасини ҳам ўз бўйнига олган эди.

\* \* \*

Яралганидан бери баданига нам тегмаган Сайхонтела бугун инсон нафасидан тирилгандай эди. Кеч кириб, куёш ботай деб қолганига қарамай, тепаликдан хали офтоб кетмаганди.

Бу жойни обод қилишни асосан ёшлар бўйнига олишган бўлса ҳам иш бошлаганидан кейин ҳамма ёпирилди. Одам қасд қилса ҳар қандай мушкул ишнинг ҳам чораси топилади. Сувсизликдан тош-метин бўлиб кетган ер сувдан баҳраманд бўлди, ҳайдалди.

Мана, бугун картошка экишга ҳам киришишди. Одамлар чарчаган бўлишларига қарамай хурсанд, тетик кўринардилар. Иш охирлашиб қолганидан ҳамма мамнун эди. Биров эжапти, яна биров ташиб бериб турибди. Маҳмуд эса уч-тўрт одам билан нарироқда охирги жўякни тортардилар. У тепаликка раиснинг чиқиб келаётганини кўриб, қаддини ростлади. Кетмонни жўякда қолдириб, оқсоқланганича Ширмонхон томонга юрди. Раиснинг чехраси очик, у одамларга муҳаббат билан қараб, хурсандликдан гап тополмай қолган кишига ўхшаб турарди. Унинг ҳозирги ҳолати Маҳмудга аввалги раисни, Ширмонхоннинг эрини эслатди. У ҳам одамлардан хурсанд бўлиб кетганида худди мана шундай очик чехра билан, табассум билан индамай қараб турарди.

Маҳмуд раиснинг хаёлини, завқини бузгиси келмади. Ширмонхондан беш-олти қадам нарида ётган катта думалоқ тошга ўнг оёғини тираб, одамларга ўтирилди. Кўзи катта картошкаларни чаққонлик билан бўлиб, уруф тайёрлаётган Мақсудага тушди. Қиз иши билан қанча банд бўлмасин, унинг назарини дарров пайқади, ўнг қўлининг орқаси билан пешонасини артди-да, Маҳмудга хиёл ўгирилиб олди. Маҳмуд хўрсинди, кўкрак чўнтагидан папи-

рос олиб тутатди-да, тош четига ўтирди. Ўнг оёғини узатиб, тиззасининг кўзини оҳиста силар экан, худди мана шундай тепалик учун жангда оёғидан ўқ егани эсига тушиб кетди. Ҳа, худди мана шундай тепалик эди. Гоҳ душманга ўтар, гоҳ бизга қайтарди...

Кимнингдир пастдан, Ширмон опа, деб қаттиқ қичқиргани Махмуднинг хаёлини бўлди.

Ширмонхон шошиб тепалик қирғоғига келди. Пастда, сувнинг нариги юзида ҳисобчининг ўн бир-ўн икки яшар ўғли қўлини оғзига карнай қилиб олиб, дам раис опа, дам Ширмон опа, деб қичқиради.

— Ҳа, нима дейсан?

Боланинг жавобини шамол олиб кетди. Ширмонхоннинг қуловига узук-юлуқ сўзлар чалинди-ю, ҳеч нарса уқолмади. Бола раиснинг тушунмаганини сезди шекилли, қўли билан тезда тушинг ишорасини қилди. Ширмонхоннинг нимагадир юраги ўйнади. Бир зумда кўнглидан минг бир гумон кечди. Тезда орқасига қайтди-да, тепаликнинг нариги томонидаги махсус пиллапоядан пастга тушиб, боланинг олдига чопди.

— Нима гап, нима дединг?

— Сизни битта аскар киши чақиряпти.

— Нима? Қанақа киши?

— Аскар киши.

— Қаерда?

— Идорада ўтирибди.

Ширмонхон бошқа ҳеч нарса суриштирмасдан йўлга тушди. У юриб эмас, югуриб бораётганини ўзи билмасди. Энди унинг хаёли қарахт, ҳозир уни нима гап кутиб турганини ўйламас, фақат шошиларди, холос. Улар йўлни қисқартириш учун катта йўл қолиб, гоҳ пахтазор, гоҳ экинзор, гоҳ боғ оралаб боришарди. Ширмонхон тўлиб, югуриб оқётган каттагина ариқдан сакраб ўтди-ю, бола эсига келиб орқасига ўгирилди. Сувга қараб нима қилишини билмай турган болага қўл чўзиб, уни тортиб олди.

— Сени ким юборди? — деди хансираб.

— Болтабой амаким.

Улар колхоз правлениесига етай деганларида қош қорая бошлаган эди. Мўрилардан кечки овқатга ёқилган оловнинг сийрак булутга ўхшаш тутунлари эринчоқлик билан осмонга ўрлар, узоқ-яқиндан подадан қайтаётган молларнинг мўрашлари эшитилиб қоларди. Куни бўйи жимжит уйлардан энди гурунг эшитилар, чирок



милтиллер, гўё кундузи далага кўчган ҳаёт энди кишлоққа қайтиб келгандай эди.

Ширмонхон праление кўчасига қайрилганда кўчада кичкина кучукчасини кўтариб турган бола билан нималарнидир гаплашаётган ҳарбийча кийинган йигитни кўрди. Қадами беихтиёр яна тезлашди. Юраги бутун танасини силкитгундай гурсиллаб ура бошлади. Аскар йигит Ширмонхонга кўзи тушиши билан унинг югуриб келишиданми, тўлқинланганиданми, ишқилиб, таниб олди. Беихтиёр унга қараб юра бошлади. Йигит Ширмонхонга қўлларини узатди, кўзларига ҳаяжон ва изтироб билан тикилди-ю, ҳеч нарса дея олмади.

— Келинг, — деди Ширмонхон зўр-базўр нафасини ростлаб. Унинг жавдираган кўзлари, нима гап, кимнинг олдидан келдингиз, мени йиғлатиш учунми, хурсанд қилиш учунми деяётгандай эди. Йигит бу қарашга тоб беролмай, беихтиёр кўзларини бошқа ёққа олди. Фарҳодга ўхшайди, ойисига ўхшар экан Фарҳод, деб ўтказди кўнглидан. Ширмонхон унинг кўзларига қаради-ю, ҳар қалай яхши хабар эшитмаслигини сизди. Баданида титроқ турди, кўз олди қоронғилашди. Ўғлидан умид узган она, энди эридан ҳам ажралиб қолиш хавфидан даҳшатга тушарди. У тоқат қилолмади.

— Айтинг, — деди бўшашиб, — айтаверинг...

Унинг ҳозирги ҳолати, мен дод-фарёд кўтармайман, нима бўлса, бўлди, айтаверинг, қўрқманг, деяётганга ўхшарди.

— Фарҳод билан бирга бўлувдим, — деди йигит ғамгин товуш билан.

Ширмонхон ялт этиб унга қаради... Фарҳоднинг олдидан... Фарҳод билан... Ўғлим билан... Ширмонхон хиёл титраган қўллари билан йигитнинг икки чаккасидан ушлаб, ўзига тортди, пешонасидан ўпди-да, кўкрагига бошини қўйиб, пиқиллаб йиғлаб юборди. Йигит нима қилишини, нима дейишини билмас, кўзларини пирпиратганича ҳам меҳр, ҳам алам билан Ширмонхоннинг елкасидан кучоқлаб турарди. Ширмонхон тезда ўзини тутиб олди.

— Қани, ўғлим, уйга борайлик, — деди кўзларини рўмолчасига артар экан. Йигит эътироз билдирмасдан Ширмонхонга эргашди.

Улар билан кетма-кет Мақсуда ҳам даладан қайтди. Ҳовлига, сўрига жой қилдилар.

Ширмонхоннинг дарди янги бўлган эди. Мақсуда ая-

сининг қизарган кўзларига дам-бадам назар ташлар экан, юраги эзилар, ўпкаси тўларди. Чорпояда сукут билан ўтирган аскар йигит унга ҳам укасини эслатар, қийин, оғир дақиқаларда Фарход билан ҳамдард, дўст бўлган бу йигитни Мақсуда ҳам кучоқлаб ўкириб-ўкириб йиғлагиси келарди-ю, ўзини босарди.

Мақсуда чой қўйди. Ширмонхон меҳмонга дастурхон ёзгач, ўзи унинг рўпарасига ўтирди. Орага яна жимлик тушди. Аскар йигит кўзларини пирпиратиб лабини ялаб қўйди-да, гимнастёркасининг кўкрак чўнтагидан букловлиқ газета олиб, Ширмонхонга узатди. Жуда кўп букланган, анча уринган газета саҳифасида Фарходнинг сурати бор эди. Унинг боши яланг, болалардек маъсум жилмайиб аясига, аясининг кўзларига тик, дадил, ғурур билан қараб турарди.

— Сизга ўзи юбормоқчи эди, улгуролмади, — деди аскар йигит секингина.

Ширмонхон суратдан кўзларини узмас, овоз чиқармасдан юм-юм йиғларди. У ҳар киприк силкитганида юзини ювган кўз ёшлари газета юзига чак-чак томарди. «Болам... болагинам... кўзларингдан ўргилай. Номнишонсиз кетмабсан ишқилиб. Болагинам, кўзичоғим... Мингдан-минг розиман сендан...»

Чой дамлаб келган Мақсуда аясининг бошига бошини қўйиб, кўзида ёш билан суратга анча вақт тикилиб турди-да, кўз ёшларидан газетанинг ивиётганини кўриб, уни оҳиста аясининг қўлидан тортиб олди.

Ширмонхон оғир хўрсинди, кўз ёшларини артди.

— Хафа бўлманг, меҳмон, Сизни йиғи билан кутиб олдик. Қандоқ қилай, фарзанд ўти ёмон бўлар экан, — Ширмонхон чой қўйиб йигитга узатди. Унга бўйсунмай оқаётган кўз ёшларини яна бир марта артди-да, шишган кўзлари билан йигитга қаради.

— Қани, меҳмон, ўғлим ҳақида билганларингизни айтиб беринг. Қандай ўлганини, нима бўлганини, ҳаммасини яширмай айтаверинг. Йиғламайман.

— Фарход жуда ориятли, мард йигит эди, — деб сўз бошлади йигит бир лаҳза жимликдан кейин. — Биз бирикки кундаёқ у билан иноқлашиб кетувдик. Жангда ўзи ҳамма ҳам шунақа, бир-бирига суяниб қоларкан. Сурати газетада босилганда бирам суюндики, аямга юбораман, кўриб қўйсин ўғлини, деб юрган эди. Билмадим, орада нима гап ўтган, бир-икки марта аямни хафа қилдим, ноҳақ хафа қилдим, мени қанақа яхши кўрарди, шундоқ

аямни ҳатто мени уришгача олиб келибман-а, девди менга. Уруш тугаса бизникига меҳмонга борасиз, ўшанда аямнинг қанақалигини кўрасиз, деб эди... — Йигит бир хўрсиниб олди, пиёладаги совиб қолган чойдан бир-икки хўплади-да, кўзларини бир нуктага тикканича давом этди: — Немисларнинг танкини ёндирганида суратини дивизия газетасида босиб чиқаришди. Кейин жанг тўхтамади, хат ёзишга имкон бўлмади. Ярадор бўлган ўртоқларидан бирини елкасида судраб келаётганида Фарҳод ҳам, шериги ҳам ҳалок бўлди. Жойига ўзимиз қўйдик. Ҳамма яхши кўриб қолган экан уни. Жуда хафа бўлишди. Ҳалиги газета Фарҳоднинг чўнтагида экан. Уни мен сўраб олдим. Ўзим марфилонликман. Насиб қилиб, ўлмай борсам, аясига ўзим топшираман, деб ўйладим. Шу орада ярадор бўлиб қолдим. Менга отпускаи бердилар. Командиримиз мақсадимни сезиб қолган эканми, жўнаб кетаётганимда, Фарҳоднинг онасининг олдига албатта боринг. Биздан, ҳаммамиздан салом айтинг, биз Фарҳодни ҳеч қачон унутмаймиз, деб айтди.

Аскар йигит сўзлашдан тўхтади. У Ширмонхоннинг изтиробли юзига қарашга тоб беролмай, кўзларини қоронғи бўшлиққа тикканича, индамай қолди. Хаёлга чўмган, ҳориган Ширмонхон эса ўнг қўлини пешонасига тираганича, ярим юмуқ кўзларини лампа ёруғи тушиб турган девордаги ток барглариининг соясига тикканича жим ўтирарди. Атроф жимжит. Ўчоқда олов чирсиллайди. Кўчадан гупчаги ёрсираб қолган арава асабга тегадиган бир ғийқиллаш билан ўтиб кетди. «...Болам... болагинам... Ишқилиб бекорга ўлмабсан-ку! Шундоқ қийин пайтларда ҳам одамгарчилик қилибсан, дўстингни ташлаб кетмабсан... Болагинам, мен сендан хафа эмасман... Хурсандман. Фақат сен мендан хафа бўлмаган бўлсанг...»

Мақсуда қўлга сув олиб келди. Меҳмоннинг ўзим юваман деганига қўнмай, қўлига сув қуйди-да, аясининг ёнига келди.

— Ая, қўлингизни ювиб олинг, овқат тайёр бўлди.

Ширмонхон офир хўрсиниб бошини кўтарди-да, қўлини тутди. Мақсуда лаганда ош олиб келиб ўртага қўйди. Ширмонхон лаганни меҳмонга яқинроқ сурди.

— Қани, ўғлим, совимасин. Биз учун энг азиз меҳмонсиз, қадрлаб, оқибат қилиб келганингиз учун раҳмат. Қани, ошга қаранг, — деди.

Аскар йигит шу кеча Фарҳодларникида тунаб, эрта-  
лаб Марғилонга жўнаб кетди.

\* \* \*

Унда-бунда пахта очила бошлади. Баҳордан бери ҳар бир туши устида парвона бўлган, гоҳ ҳавонинг инжиқлигидан азоб чекиб, гоҳ ёввойи ўтларни йўқ қилиш учун жазирамада кетмон чоған колхозчилар, ўз меҳнат-машаққатларининг бекорга кетмаганини, ҳосилнинг чакки эмаслигини кўриб, беҳад қувонардилар. Яшил кўсақлар аввал тиш ёрар, кейин оппоқ ипак бисотларини бор бўйича куёшга кўз-кўз қилардилар.

Тўрт-беш кундан кейин теримга тушилади. Ҳамма-нинг кўзида қувонч, юзида табассум. Гўё олдинда жуда катта байрам тургандай эди. Колхозчилар охирги хирмонни сувашарди. Челақда лой кўтариб келган Мақсуданинг кўлидан лойини олаётиб, Маҳмуд унга ғалати бир кулиб қараб қўйди. Бу кулгининг сабабига тушунмаган Мақсуда индамасдан челақнинг бўшагини кутиб турди. Маҳмуд лойли панжасини артди-да, Мақсуданинг пешонасига ёпишиб қолган лойли сомонни олиб ташлади. Мақсуда қошини сал чимириб қўйди, бўш челақни кўтариб, ариқ бўйига қараб кетди. У терлаган, офтобда пишган юзини муздек сув билан ювар экан, Маҳмуд ҳақида ўйлар, унга тушунолмайд ҳайрон эди.

Маҳмуд унинг кетидан соядек юраверганидан кейин, Мақсуда унга очигини айтди. Айтди-ю, аламидан ўзи йиғлаб юборай деди. Чунки у Ҳабибнинг ҳам Маҳмуддек меҳнаткаш, жафокаш бўлишини истар, уни озгина бўлса ҳам ранжитишни хоҳламас эди. Маҳмуд узок вақт индамай туриб қолди. Мақсудага қарамади, унинг изтиробли юзини, бу аҳволдан унинг ҳам азоб чекаётганини кўрмади ҳам. Бошини эггача, ўнг оёғини авайлаб босиб, оҳиста юриб кетди.

Мақсуда унинг бўйи ғўзалар орасида кўринмай қолгунча орқасидан термилиб турди-да, кейин худди ёш қизларга ўхшаб пиқиллаб йиғларкан, оёғи остидаги ажриққа ўтириб, кўз ёшларини кўйлагининг этагига артиб олди.

Шундан кейин анча кунгача Маҳмуд эмас, Мақсуда унга кўринмай юрди. Бироқ Маҳмуд ҳамон аввалгидек меҳрибон эди. Ундан ўзини олиб ҳам қочмасди. Фақат аввалгидек муҳаббат ҳақида гапирмас, жавоб кутиб қис-

тамасди. Аҳён-аҳёнда хаёлга ботиб қолар, лекин тезда ўзини ўнглаб олар эди.

Мақсуда баъзан, қаттиқ яхши кўрмас экан-да, парво қилмади, деб ўйласа, баъзан Маҳмуднинг бу сифати ҳам унга битта фазилат бўлиб туюларди. Муяссарнинг Маҳмудга зимдан тикилганини бир-икки бор сезиб қолган Мақсуда авваллари атайин Муяссарни унга мақтаган бўлса, энди нимагадир ундан қизганарди. Баъзан ўзига ўзи тушунолмай, диққат бўлар, кўнглидаги ўзгариш, қатъиятсизликдан ўзини койир, йўқ, мен ҳеч қачон бевафолик қилмайман, Ҳабиб келади, мен Ҳабибни, фақат Ҳабибни севаман, деб ўзини ўзи ишонтирар, кўнгли ёришгандай бўларди. Бироқ Маҳмудни кўрди дегунча, яна икки ўт ўртасида қовуриларди. Бири ҳали камолга етмаган ёшлик туйғуларининг излари бўлса, иккинчиси оқу қорани ажрата бошлаган, ақл аралашган ҳис эканлигини тушунолмас эди. Ана шундан кейин Мақсуда Маҳмуддан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Унинг ҳаракати, юриш-туришидаги одамгарчилик ва софдилликни тесқари тушунишга уриниб кўрар, бироқ виждони ўзини уялтирарди. Нима қиламан бировни айблаб, яхши йигит, жуда яхши йигит! Фақат, мен яхши кўрмайман уни! Ҳабиб ёмонми? Ҳабиб ҳам софдил... деярдийю, бошқа сифатларини санаёлмай тўхтаб қоларди, ўйлардийю, ўйининг охирига етолмасди. Ўзини беқарорликда айблаб уялтирар, нима бўлса ҳам Ҳабиб келганидан кейин бўлади, деб ўзига ўзи таскин берарди.

Бугун ҳам сувоқ қилаётганлар орасига Маҳмуд келиб кўшилди-ю, Мақсуданинг тинчлигини бузди. Нега энди меҳрибонлик қилади, унга ёпишган сомон билан нима иши бор-а?!

— Мақсуда! Чарчаган бўлсангиз, челақни бошқага бериб, бир оз дам олинг.

Мақсуда бир ижирғаниб ўрнидан турди-да, челақ кўтариб лойга кетди.

Қанорларни ямаб ўтирган Муяссар ёнидаги Чаманхонни туртди:

— Чаман опа, ҳалиги ашулангиз бор-у, нимаиди, ҳаҳ, ўзингиз биласиз, — деди бир оз қизариб, — айтиб бера қолинг, ўзингиз биласиз-ку.

Чаманхон Муяссарга маъноли қараб қўйди-да, жангдор овозини баралла қўйиб, ашула айтиб юборди:

*Бўйларингдан ўргилай,  
Кўзимга ўтдек ёнасан.*

*Қанчалар жоним фидо  
Қилмай, бировнинг ёрисан.*

— Яшаворинг, Чаман опа! — деб қичқирди Махмуд. Ишлаётганларнинг характери тезлашгандай бўлиб кетди. Факат Максудагина ўзини қўйишга жой тополмай қолди. Унинг назарида бу ашула Муяссарнинг кўнгли-ю, Махмуднинг хушомоди, унинг розилигидек эди. Максуда лой тўла челакни Махмуднинг ёнига қўйди-да, унинг ашулага маст чехрасига қарашга дош беролмай, чарчаган киши бўлиб секин-секин юриб нари кетди. Чаманхоннинг кўнгиракдек овози сокин, яшил пахтазор устида жаранглар, олислардан акс садо берарди.

*Тошга ёмғир қор қилурми  
Муттасил ёққан билан  
Давлатингиз кам бўлурми  
Бир қиё боққан билан...*

\* \* \*

Терим бошланган куни кечқурун кутмаганда Болтабой отанинг катта ўғли Нозим армиядан беш-ўн кунлик отпускага келиб қолди. У тўлишган, елкалари кенгайиб, кўкракдор, паҳлавон йигит бўлиб кетган эди. Пайваста қошлари бир оз оқарган ранги олдида яна ҳам қора кўринарди. Айниқса кўкрагидаги қатор орден-медаллари ялтираб, уни савлатли командирларга ўхшатарди.

Нозим ярадор бўлган, бир-икки ой госпиталда ётгандан кейин, яна сафга қайтиш олдидан отасини кўриб келиш учун уйига рухсат берган эдилар.

Болтабой отанинг оғзи қулоғида. Қараб туриб ҳам қувонади, ҳам гурурланади. Эрталабдан кечгача тинмайди. Йўқловчилар деярли кечқурун ишдан кейин келишади. Болтабой тунни тонгга улайди-ю, уйқуси келмайди.

Нозим келган куни куёвлигида ясатилган, энди эса анча бўшаб қолган уйига бир аланглаб қараб олди-да, кейин отасига савол назари билан боқди. Болтабой ота соқолининг учини ҳимариб, ерга қаради. Унинг ташвишли чехрасидан, бу ерда унга айтиш жуда оғир бўлган бирон гап бор эканлигини Нозим фаҳмлаб, анча вақтгача индамай туриб қолди. Шундан кейин улар ўртасида бу ҳақда гап бўлмади. Келувчилар Нозим олдида Ашурхонни бир оғиз ҳам эсламадилар.

Ашурхон энди питирлаб қолган эди. Унинг хаёлига

ҳозир бориб эрини кўриш фикри маҳкам чирмашиб олди. Меҳр кўзда дейдилар, бир бориб кўрай, балки кечирар, деб ўйлади. Кечга яқин узун сочларини тараб, чиройли қилиб бошқатдан ўрди-да, орқасига ташлади. Қошига ўсма, кўзига сурма қўйиб, даҳани учидаги кичкина холининг устига салгина қалам теккизиб қорайтирди-да, ойнага қараб мамнун жилмайди. Келинчақлигидаги атлас кўйлагини кийиб йўлга тушди. То кўча бошигача ҳовлиқиб, учгандай келди-ю, дарвозалари кўрингандан кейин, бирдан бўшашиб, секинлаб қолди. Фира-шира бўлиб қолган кўча жимжит эди. Қарши томондан келган икки одамнинг қораси ўша ҳовлига кириб кетди. Ашурхон орқага қайтмоқчи бўлди. Яна тўхтади, яна юрди. Қанча иккиланишдан кейин дарвоза олдига келиб қолди. Дарвоза ланг очиқ, ичкаридан гурунг, кулги эшитиларди. Унинг қулоғига раиснинг овози ҳам чалингандай бўлди. Бир сесканиб орқасига тисарилди. Худди шу пайт остонада Болтабой ота пайдо бўлган эди. Унинг ичкаридан қандай чиқиб қолганини Ашурхон сезмай қолди. Нима қиларини билмай ерга қараб, деворга қимтинди. Болтабойнинг башараси бурушди, қошлари чимирилиб, кўзлари, ёноқлари пирпираб учгандай бўлди. Лабини ялаб, соқолининг учини ҳимарганича бир нафас индаёлмай қолди. Ютинди, йўталди, кейин ўғли учун бу аёлдан тортган хўрлиги, камситилиш аламини тортган онлари унинг эсига тушиб кетди.

— Орсииз, — деди у бирдан, — қандай бетинг чидади келгани! Тирик эрингдан умид уздинг-а! Шундоқ боламини, шундоқ эрингни бир муттаҳам чайқовчининг оёғи остига ташладинг-а! Кет! Наинки бир қоқилиб ўтган жойимиздан яна қоқилиб ўтсак. Биз сени танимаймиз.

Болтабой ота ўрнида бир-икки тебранди-да, жаҳл билан ичкари кириб кетди. Супада гурунглашиб ўтирган Ширмонхон ҳам, Нозим ҳам унинг гапини эшитиб туришган эди. Нозим ўрнидан хотинининг овозини эшитгандаёқ туриб кетган эди. У шошилиб, ҳовлиқиб дарвоза томонга юрди-да, яна нимагадир бирдан тўхтади. Ёнидан папирос олиб гугурт чақди. Болтабой ота келиб супага Ширмонхоннинг ёнига ўтиргандан кейин, тикка турганича индамай папирос тутатаётган Нозим бирданига шиддат билан юриб кўчага чиқиб кетди. Кўча жимжит, ҳеч ким йўқ эди. Фақат ҳавода аллақандай жуда беҳол бир хид сузарди. Нозим шошилиб хотини кетидан чопди-ю, яна тўхтади. Ўчган папиросига қайта гугурт чақиб тутатди-

да, йўғон, узун панжалари билан бошини чангаллади. Ҳозиргина бу кўчага келиб кетган Ашурхон ўзи билан Нозимнинг орзу-армонларини, йигитликнинг илк ҳисларини, ҳатто ўлим ҳар минутда таҳдид қилиб турган жанг майдонларида ҳам унга тинчлик бермаган ўйларини олиб кетгандай эди. Лекин вафо қилгани қани? Беғубор, соф муҳаббатни оёғи остига олган, топтаган хотиннинг гуноҳини кечириб бўладими? Йўқ, бу Нозимнинг кўлидан келмайди. У орқасига қайтди. Уни кўчанинг ярмигача судраб борган куч, кўнгли, жуда нозик кўнгли олдида енгилган, бош эгган эди.

Супада соқолининг учини ҳимариб, ерга қараб ўтирган Болтабой ота у кириши билан бошини бир кўтардию, яна эгди. Нозим келиб қаторга ўтирди. Яна чекди. Бир қўлига бўш пиёлани олиб, бир нафас гулини тамоша қилди-да, юзи олдида сузиб юрган тутунларни кескин бир ҳаракат билан пуфлаб, индамай ерга қараб ўтирган отасига чой қуйиб узатди...

Нозим яна фронтга жўнаб кетди. Болтабой ота унинг орқасида йиғлаб-йиғлаб қолди. У фақат бир гапни такрорларди: тез-тез хат ёзиб тур, болам. Келганинда мен бор бўламанми, буни бир худонинг ўзи билади, даярди.

\* \* \*

Тун алламаҳал бўлиб қолган эди. Ток тагидаги кичкина сўрида чалқанча ётиб, стол устидаги лампанинг хира ёруғида китоб ўқиётган Мақсуда бирдан ҳовлиқиб ўрнидан турди. Шу маҳалгача йўғ-а аяси! Ўзлари чарчашган. Наҳотки правление мажлисини шунчалик чўзишса!

У кейинги кунларда аясининг бирдан қариб қолгани, сочларининг ҳам бирданига оппоқ бўлиб кетганини ўйлаб, юраги ачишиб кетди. Дадасининг йўқлиги, бунинг устига Фарҳоднинг ўлими онасига қанчалик оғир бўлганлигини у айниқса кейинги кунларда яхшироқ ҳис қила бошлади.

У онасининг маъюс, сўлғин чеҳрасига термилар, нотинч уйқусига қулоқ солар экан, бирданига катта одам бўлиб қолгандай, ёшлиги, ёшлик шўхликлари ҳам, хаёллари ҳам жуда олисда, ундан жуда орқада қолиб кетгандай бўларди, ўзининг шу маҳалгача бўлган ишқий кечинмаларини ҳам қулиб, хижолатлик билан эсларди. Ҳабиб армияга кетаётганда бирданига йиғлаб юборганини ўйла-



са, уятдан юзлари ёнар, Ҳабибнинг ҳайрон бўлиб, довди-  
раб туришини кўз олдига келтирганида эса ўзини қўйга-  
ни жой тополмай қоларди. Ҳа, у Ҳабибни севарди. Аммо  
Ҳабиб уни севардими, севгисини айтганмиди? Ҳабиб ун-  
га ҳеч нима деган эмас. Тўғри, доим бирга юришарди,  
меҳрибон эди. Бирга ўқишга боришмоқчи бўлишарди.  
Ундан ҳали ҳам хат келиб туради. Унинг хатлари ҳам ор-  
зулар билан тўла, хатидан ҳам ўша оташлиги, шўхлиги  
билиниб туради. Лекин унинг хаёллари энди аввалгидай  
ҳақиқатдан йироқ, эртақлардагиларга ўхшамасди албат-  
та.

Бугун ҳам ундан хат келган эди. Мақсуда лампани  
кўтариб уйга кирди-да, қозикда иливлиқ турган камзули  
чўнтагидан буклоғлиқ хатни олиб, бир қўллаб силтади.  
Хат яхши очилмади. У қўлидаги лампани дераза олдида-  
ги стол устига қўйиб, ўзи стулга ўтирар экан, хатни ик-  
кинчи марта ўқиб чиқди. Ҳабиб ўзининг учувчиликка  
ишқи тушиб қолганини, уруш тамом бўлгандан кейин ал-  
батта ҳаво флоти хизматига ўтиб кетишини тўлиб-тошиб  
ёзган эди.

Эшик тақиллади. Мақсуда югуриб чиқиб дарвозани  
очди. Ширмонхон уни кузатиб келган Маҳмудни қўярда-  
қўймай ичкарига, бир пиёла чойга таклиф қиларди. Улар  
ховлига киришди. Мақсуда уйдан лампани олиб чиқиб,  
ховлидаги столга қўйди-да, сўридаги кўрпачани текислаб  
тузатди. Ошқовокдан пиширилган қозон сомсани тарел-  
кага тузаб, ҳали дамлаб дастурхонга ўраб қўйган чойини  
уларнинг олдига олиб бориб қўйиб, ўзи уйга кириб кет-  
ди. Деразадан Маҳмудга қаради. Маҳмуднинг лампа хи-  
ёл ёритиб турган юзи хаёлчан, ғамгин чарчаган кўринди  
унга. Юраги эзилди. Унинг ёнига боргиси, юпатгиси ке-  
либ кетди. У Маҳмудга термилган сайин, юрагида унга  
яқинлик ҳис қилар, гўё кўп йиллардан бери у билан  
кадрдондек бўлар эди.

Маҳмуд уй томонга бир қараб қўйди-да, ёнидан ма-  
хорка олиб ўради. Аввал чекмас эди у. Мақсудани ал-  
лақандай бир куч ташқарига судради. У охиста бориб  
бўш табуреткага ўтирди-да, аяси олдидаги чойнакни ўз  
ёнига тортди.

Маҳмуд унга қарамади. Лекин юзи яна жиддийлаш-  
ди, кўзлари пирпиради. Маҳмудни ёлғиз қолдиришга  
ўнғайсизланиб, оёғини киздириб эзган этигини ечолмай  
ўтирган Ширмонхон Мақсуда келгандан кейин ўрнидан  
турди.

Ширмонхон уйга кириб кетди. Маҳмуд тутунни четга пуфлади.

— Маҳмуд ака, — деди бирдан Мақсуда галати, майин товуш билан, — чекманг. Соғлигингизга зиён-ку!

Маҳмуднинг бадани жимирлаб кетди. Қулоқларига ишонмай довдиради. Тутаётган махоркани ерга ташлади-да, оёғининг учи билан эзди.

Ширмонхон уйдан қайтиб чиққандан кейин, Маҳмуд пиёласидаги қолган чойни хўплаб, ўрнидан турди. Унинг қулоғи остида, чекманг, деган меҳрибон, майин товуш ҳамон эшитилиб турарди.

Мақсуда Маҳмудни кузатиб, уйга кирди. Стол устида Ҳабибнинг орзуларга, фақат орзуларга тўла хати ётарди. Ким билади, балоғатга етган қиз ундан ишқ ўтида куйиб-ёнган қалбнинг севги изҳор қилган оташин сўзларини кутгандир... Ҳар қалай бу хат бу гал жавобсиз қолди.

\* \* \*

Куз қозони авжи қайнаган кунлар. Беҳизорлар хусни тўлган, узумзорларнинг шарбати оққан пайт. Ҳар замон-ҳар замонда олислардан «Ҳай гала, ҳай гала хув!» деган қичқириқлар қулоққа чалиниб қолади. Жийда маржонлари сариқдан ўтиб, олов рангга кирган.

Тонгдан шудринг тушиб, кечаси ҳаво салқин бўлиб қолди. Ҳавонинг димоғи очик, ҳосил мўл. Эрталабдан кечгача қишлоқ йўлидан пахта ортган арава, машиналар узилмайди.

Ширмонхон ҳосилдан мамнун. Лекин нобуд қилмай, тезроқ, вақтида териб олсак, деб ўйлайди. Ёш ҳам, қари ҳам, ҳамма далада. Ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам дарсдан кейин ёрдамга боришади.

Ширмонхоннинг ўзи ҳам кечгача пахта теради. Идора ишлари, одамларнинг арз-ҳолларига кечаси қулоқ солади. Ярим кечада уйига қайтади. Кечаси билан бели жизиллаб оғрийди. Қўл-оёқлари зириллайди. Ўрнига ётади-ю, ухлай олмайди. Хаёл суради. Фарҳоднинг туғилганидан тортиб, то кетган кунигача ҳаммасини бир-бир ўйлаб чиқади. Фарҳод чақалоқлигида оппоқ, семиз, кўзлари катта-катта, жуда чиройли эди. Ширмонхон бир нафас кўрмаса соғиниб қоларди. Уни кийинтиришни яхши кўрар, чарчаганига қарамай, кечалари ўтириб, унга чиройли кийимлар тикарди. Ҳатто унинг кўйлақларини ювганда, қуримай қолганини кечаси ҳовлида қолдиришга

хам кўнгли бўлмас эди. Ҳозир Ширмонхоннинг кўз олдида Фарҳодни ҳовлида елкаси оша кўтариб турган эри гавдаланди. Фарҳод эса қулочларини катта очиб, кийкириб талпинарди. Ширмонхоннинг юраги алланечук бўлиб кетди. Эридан нега хат келмайди? Тирикмикин? Соппа-соғ кириб келармикин?..

Ширмонхон ана шу аҳволда тонг оттиради-ю, яна далага теримга кетади. Баъзан пиёда, баъзан отда юриб бригадаларни айланади, хуллас, кечгача фикри ҳам, оёғи ҳам тинмайди.

Маҳмуднинг ҳам аҳволи шу. У пахта орқалаб хирмонга кетаётган пайтида разм солган киши, ўнг оёғини босаётиб юзини салгина буруштирганини сезади. Лекин у тинмайди. Кўлидан келганича хотинларнинг оғирини енгиллатишга уринади.

Ўфилой бўлса кунига уч юз-тўрт юз килодан пахта теряпти. Унинг пахта қучоқлаб турган сурати область газетасида босилиб ҳам чиқди... Кунни бўйи қаттиқ чарчаганига қарамай, кечаси идорага бир бош сукишни унутмайди. Эридан хат келиб турибди. Ҳар бир хат унинг кучига куч қўшади, умид, ишонч боғлайди. Эри хатига баъзан шеър ҳам аралаштириб қўяди. Ўфилой бўлса уни куйга солиб, хиргойи қилиб юриб, пахта теради.

Ана шундай кунларнинг бирида Ширмонхон ярим уйку, ярим хаёл орасида дарвоза тақиллаганини эшитди. Юраги ўйнаб, сакраб ўрнидан турди. Бу дарвоза уриш унга танишдек эди. Оёқлари чалиниб, эшик олдида аранг борди.

— Ким? — деди зўрға нафасини ростлаб.

— Мен... мен... Мақсуда, мен!

Ширмонхон занжирни туширди-ю, ўзи ҳам шилқ этиб эрининг кучоғига тушди. Унинг димонига махорка ҳидига аралаш яна таниш бир ҳид урилди.

Уйғониб кетган Мақсуда ҳам дадасининг бўйнига осилиб, севинганидан дағ-дағ титрарди.

Ширмонхон кўз ёшини сира тиёлмади. Қовоқлари шишиб, юзлари тўлиқиб кетди. Ҳақимжон аввал, майли, юрагини бўшатсин, деб қўйиб берди. Кейин юпатди, овутди. Нима, менинг келганимдан, хафамисан, деб ҳам кўрди. Лекин Ширмонхон туриб-туриб йиғлар, сира чи-долмасди. Ана шундан кейин Ҳақимжон Фарҳодга бирон гап бўлганини фаҳмлаб қолди. Дағаллашган, махорка сарғайтирган бармоқлари орасига бошини олиб, ердан кўзини узмай, узоқ вақт қотиб ўтирди.

Ҳақимжоннинг қайтгани эрталаб бутун қишлоққа тарқади. Бироқ уни кўришга келган одамлар уйдан топишолмади. У хотини билан саҳардаёқ далага чиқиб кетган эди. Ҳақимжон ҳеч кимнинг сўзи, таклифини кутиб турмасдан аввалгидек ишга шўнғиди кетди. Колхозчилар Сайҳонтепани ҳам яшнатиб қўйганини кўриб, айниқса қувонди. Уни раис деб ўрганган колхозчилар яна, раис деб чақира бошлашди. Буни сезиб қолган баъзи бировлар эрмак қилиб эмас, хурсанд бўлиб кулишарди. Ҳақимжон билан Ширмонхон бўлса бунга аҳамият беришмасди ҳам.

Бу кунларда фронтда ҳам ишимиз яхши. Аскарларимиз тинмай олға боришяпти. Қишлоқлар, шаҳарлар бирин-кетин озод қилиняпти. Душман чакқан гугуртнинг олови энди ўзига қараб ура бошлади. Бу олов буғдойзорларни ялаб, бор-бўстонларни кулга айлантириб, шаҳарларимизни куйдирди, ёлғиз шаҳарлар эмас, одамлар, ҳатто гўдаклар куйди. Лекин унинг ёлқини қалбимизни куйдиrolмади, фақат тоблади, қудратини оламга яна бир марта намойиш қилди. Мана энди бу олов фашистларнинг ўзига қараб кетяпти. Ловиллаб, даҳшат билан, шиддат билан кетяпти. Энди бу оловдан душманнинг омон қолиши маҳол. Душман ўзи ёққан оловда ўзи кул бўлади, албатта.

Колхозчиларнинг руҳи баланд. Душман оёғи остидан тортиб олинган ҳар парча ер кўнгилга офтобдек ёруғлик тўлдиради. Катта йўлдан тинмай шаҳарга қараб оқаётган пахта қарвони галабага ишонч ва кўнгил тўқлигининг рамзидек туюлади. Одамлар Ватан қудратини яна мустаҳкамлаш учун бу қимматбаҳо гавҳарнинг бир граммини ҳам нобуд қилмасликка уринадилар.

Ширмонхон ҳамон тез-тез йиғлаб оларди. У охири дилини эзиб ётган бошқа бир аламини — Фарҳодни армияга қандай жўнатганини эрига айтиб берди. Айтиб берди-ю, кўзидан ёш тийилмади. Ҳақимжон анча вақтгача индамай қолди. Кейин, сўзсиз, овоз чиқармай юм-юм кўз ёши тўкиб ўтирган хотинининг оппоқ сочларидан силади.

— Нима иложимиз бор, хотин. Ахир сен ўғлингга ёмонликни раво кўргангидан қилмагансан-ку бу ишни. Йиғлама, кўз ёши ўтгани қайтармайди. Инсон бошига тушган бу кулфат, бу даҳшатлар учун душманлар хали кўп жавоб беришади. Эсдан чиқадиган, унутадиган кунлар бўлаётгани йўқ. Йиғлама, хотин. Ахир, бутун оиласини, тўрт-бешлаб азамат ўғилларини қурбон берган

одамлар ҳам бор. Биз битта ўғлимизни одамзоднинг бахти йўлига рози-ризо бўлиб бағишлайлик, йиғлама!

Уйда радио эшитиб ўтирган Мақсуда шовқин-сурон билан эшикни тарақлатиб очиб, ташқарига отилди.

— Ая, ая, дада! Донбасс озод қилинбди!

Ширмонхон ўрнидан туриб кетди. Фарходнинг жасади ана шу жойга яқин бир қишлоқда қолган эди.

— Мана, кўрдингми, — деди Ҳакимжон, — ўғлимиз бош қўйган тупроқ озод бўлибди душмандан. Уруш яқинда албатта тамом бўлади. Биз енгамиз. Бу кунлар энди қайтиб келмайди. Наҳотки одамзод мана шу кулфатларни қайтаришга йўл қўйса. Йўқ, қўймайди, хотин. Қўймаймиз. Тинч, осойишта кунлар бошланади. Ана шунда иккаламиз поездга тушиб, Донбассга борамиз. Ўғлинг ётган тупроқни зиёрат қилиб келамиз.

Ширмонхон хўрсинди. Боласини бағрига босишдан энди бутунлай умид узган она қаергадир ўғлининг қони тўкилган тупроқни кўриш, кўзига тўтиё қилиш орзусига рози бўлиб қолди.

Бу тақдир албатта, битта Ширмонхоннинг тақдири эмас эди. Бундай оналар минглаб, миллионлаб эдилар. Улар энди ўз фарзандларининг покиза қони тўкилган тупроқни ҳеч қачон, ҳеч қандай душманга бермайдилар.

1961 йил

## МУНДАРИЖА

Саид Аҳмад ва Саида . . . . .	5
-------------------------------	---

### ШЕЪРЛАР

Ёлғиз икков бўлсак . . . . .	11
Учрашув онини кутиб . . . . .	12
Соғиниш . . . . .	13
Ёшимни сўрама . . . . .	14
Қадрласанг инсонлигингни . . . . .	15
Баҳорни қаршилаб . . . . .	16
Сен ҳам шундаймидинг . . . . .	17
Сени ўйлаганда . . . . .	18
Қуёш чикди . . . . .	19
Не истайсан дейсан . . . . .	20
Қишлоқ . . . . .	21
Анҳор лабида жуфт-жуфт соялар . . . . .	22
Шеър ёзсам . . . . .	23
Қизларжон . . . . .	24
Бизга ҳурмат билан боққанларида . . . . .	25
Сира чидолмайман . . . . .	26
Қизим Нодирага . . . . .	27
Яна қизимга . . . . .	28
Алла . . . . .	29
Тошкент гуллари . . . . .	30
Баҳор шеъри . . . . .	31
Студентлар вальси . . . . .	33
Арғувон гуллабди . . . . .	34
Дутор . . . . .	35
Қор ёғар бўралаб . . . . .	36
Томчилар . . . . .	37
Лолалардан гулханлар ёқиб . . . . .	39
Баъзан ҳаёлимга чирмашиб олиб . . . . .	40
Ҳар ким яхши деб атаса мени . . . . .	41
Тонгги жамолидан турфа гулларнинг . . . . .	42
Қуз . . . . .	43
Мана шундай бошланди бу шеър . . . . .	44
Қоғоз гул . . . . .	45
Чўри ҳам эмасман . . . . .	46
Қанча қалин ёғса ҳамки қор . . . . .	47
Бола эдим . . . . .	48

Ёмғир шовиллайди . . . . .	49
Қуш . . . . .	50
Тинмагур юлдузлар . . . . .	51
Зиналар . . . . .	52
Дунёда нимаики мавжудот бўлса . . . . .	53
Доим тонгта йўлдош бўлгани учун . . . . .	54
Нилуфар . . . . .	55
Новдалар чайқалар . . . . .	56
Уруғ . . . . .	57
Мен яхши биламан . . . . .	58
Баҳор . . . . .	59
Илҳом . . . . .	60
Баъзан ҳориб-толиб . . . . .	61
Қирда лолаларнинг бағрига шўнғиб . . . . .	62
Қизимга . . . . .	63
Қизгинам . . . . .	64
Дилга яқин, аммо кўздан узоқ ёр . . . . .	65
Фикрим ғаввос каби . . . . .	66
Ёшлик . . . . .	67
Нотавон кўнглим . . . . .	68
Ҳар нарсанинг боши ва охири бор . . . . .	69
Қалам . . . . .	70
Дарахтлар гуллабди . . . . .	71
Кеча бўртиб турган гунчалар . . . . .	72
Қоғоз . . . . .	73
Фунча очилиши сирдир . . . . .	74
Ҳатто уйқусида хўрсинса қизим . . . . .	75
Қалб . . . . .	76
Соч . . . . .	77
Шеър кайфи . . . . .	78
Романлар, азизлар . . . . .	79
Гулларга термилиб . . . . .	80
Гилос шохларига . . . . .	81
Майса ниш урибди . . . . .	82
Шеърларим, қалбимдан силққан қонимсиз . . . . .	83
Шохлар кўтаролмас . . . . .	84
Йиллар ҳатто сочдан рангни ўчирди . . . . .	85
Арчазор ёнида . . . . .	86
Сайр қилсангиз . . . . .	87
Фикр чарчатади . . . . .	88
Қоя . . . . .	89
Булут чиқмаса кўкка . . . . .	90
Арча . . . . .	91
Қатра сингса ҳамки . . . . .	92
Қизча талпинади . . . . .	93
Ҳаётдан нолиса биров, суймайман . . . . .	94
Дадам хотираси . . . . .	95
Билмайман, ҳар куни кекса бу дунё . . . . .	96

Кўзларига сингиб кетар вужудим . . . . .	97
Қор ёғар . . . . .	98
Йўллар . . . . .	99
Қалбим торларини . . . . .	102
Тонг бўзариб келарди . . . . .	103
Бадбўй шу ўсимлик . . . . .	104
Нур бўлиб порлайди . . . . .	105
Уйкуга бош қўйди . . . . .	106
Чумоли уясини бузган болага . . . . .	107
Баъзан рўзвордаги бирон буюмни . . . . .	108
Сўнгги йўл . . . . .	109
Ишонч . . . . .	110
Қўшиқ . . . . .	111
Чўли ирок . . . . .	112
Ердан нон ушоғин олганим кўриб . . . . .	113
Куз . . . . .	114
Йўқламаган ҳар кунинг . . . . .	115
Яланроқ новдалар . . . . .	116
Гуллар юзида ханда . . . . .	117
Ишқда вафо керак . . . . .	118
Тупрок дейдики . . . . .	119
Жийда гулларидан . . . . .	120
Гунчаларни уйғотган шамол . . . . .	121
Билмайман, бу уйда яшаганди ким . . . . .	122
Машиналар физ-физ ўтар ёнимдан . . . . .	123
Кун ботиб бормоқда . . . . .	124
Қизим қўшиқ куйлайди . . . . .	125
Дарёларнинг ул юзида . . . . .	126
Изғирин ачитар . . . . .	127
Кимсасиз бу қирда . . . . .	128
Субҳидамда сувга чиксам . . . . .	129
Далалардан мужда келар . . . . .	130
Бировнинг тилидан сўзловчилар кўп . . . . .	131
Денгиз бўйида . . . . .	132
Итлар увиллайди . . . . .	133
Мен на давлату на бахтдан камчил . . . . .	134
Ўрол Тансиқбоевга . . . . .	135
Меҳнату ташвишдан бўлсам сал нари . . . . .	136
«Ўтган йилги...» . . . . .	137
Шоирни эслаб . . . . .	138
Хўрсинма, азизим . . . . .	139
Дутор йиғлар эмиш . . . . .	140
Соғиниш . . . . .	141
Баъзан табиатнинг сеҳри-ла оқиб . . . . .	143
Кўп осуда эди бу олам . . . . .	144
Бир дўст азасидан келдим эзилиб . . . . .	145
Сунбула сувлардан губорни олди . . . . .	146
Ўғирланган вақт . . . . .	147



«Ниҳоллар шохини...»	148
Шеърларим	149
Асфальтни қоқ ёриб	150
Осмон ёришмоқда	151
Андижон	152
Баҳор шамоли эсар	154
Ёмон қилиқ	155
Сени менга ёмон деса ким	156
Не қилай, дунёнинг ташвишлари қўп	157
Ёр келади	158
Севдирган ҳам, бездирган ҳам тил	159
Сув бўйида мажнунтол	160
Ақлим танибманки	161
Субҳидам гулшанда ёр	162
Ёмғир савалайди	163
Оймоможон, оймомо	164
Танбур	166
Бош эгиб тингласам	167
Тинмай шитирлайди ҳовлида хазон	168
Майли, гапирсинлар	169
Тўзғийди ўрикнинг гуллари	170
Бир олма келади тўлқинда ўйнаб	171
Ишқ дарсида	172
Сал насага қасам ичмоқлик нега	173
Ой юзини аста чулғади булут	174
Сенга совуқ бир сўз айтгим келарми	175
Қуюқ киприкларга қўнгандек уйқу	176
Қим қўлига олса ҳам	177
Туни билан сени ўйладим	178
Лайлак қизик куш экан	179
Инсофли бўл дейди кексалар	180
Куни кечагина шеър ёзмоқ учун	181
«Олам гулга тўлди...»	182
Машинка	184
Дарё бўйида	185
Ер узра кўнди окшом	186
Нечоғлик маъсумдир гўдак чехраси	187
Қария ақлидек кузнинг осмони	188
Тиним йўқ, кўним йўқ бу оламда ҳеч	189
Одамлар галашар	190
Сўппайган гилоснинг чайир кафтида	191
Ҳасад нималигин билмайман	192
Онангни севгин деб	193
Асрим нафасига соламан кулоқ	194
Ёз	195
Бувилар дуога қўлларин очиб	196
Мажлис ҳайъатида ёзилур қарор	197
Уйга ҳайдаб қўйди бу киш	198

Бир он тўхтаса-чи . . . . .	200
Жимжитлик бўлмасин . . . . .	201
Хаммадан қолади бу кўхна дунё . . . . .	202
Боғ кўча . . . . .	203
Онажон . . . . .	204
Мажнунтол сояси . . . . .	205
Сарин еллар . . . . .	206
Хаёлимни бузма . . . . .	207
Кўй энди, дам олсин . . . . .	209
Шеър ўқигим келар . . . . .	210
Атласимнинг жилвасида . . . . .	211
Мен сени шунчалар ёниб севганим . . . . .	212
Уйкум қочиб кетди . . . . .	213

## ДОСТОНЛАР

Рух билан суҳбат . . . . .	216
Қўшнилари . . . . .	227
Алла . . . . .	238
Лирик нутқ . . . . .	245

## ҲИКОЯЛАР

Қўллар . . . . .	260
Ёлғизлик . . . . .	270
Буви . . . . .	284
Ўшанда ҳам куз эди . . . . .	291
Шу уйнинг бекаси . . . . .	299
Хотиралар уйғонганда . . . . .	306
Икки ўт орасида . . . . .	315
Ўкинч . . . . .	321
Йўл бошида . . . . .	329
Қарз . . . . .	335
Кечикиш . . . . .	344

## ҚИССАЛАР

Қатагон қилинган қисса . . . . .	350
Сўқмоқлар . . . . .	354
Олов . . . . .	434

**САИДА ЗУННУНОВА**

***Танланган асарлар***

*шеърлар, дostonлар, ҳикоялар, қиссалар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тўшкент — 2001

Мухаррир *Г. Зокирова*  
Рассом *В. Куликов*  
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*  
Мусахҳиҳлар *Ю. Бизаатова, Н. Мухаммадиева*